


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Адик ЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ҲУҚУҚИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан юридик олий ўқув юртлари учун
дарслик сифатида фойдаланишга рухсат этилган*



ТОШКЕНТ – 2004

Тақризчилар: **Д.Т.Холмўминов** – юрид. фанл. докт., проф.,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг,
“Фуқаролик-ҳуқуқ фанлари” кафедраси мудири;
М.И.Йўлдошев – иқтисод фан. докт., проф.,
Ўзбекистон Республикаси Банк молия
академиясининг “Иқтисодий тарих ва ҳуқуқ”
кафедраси мудири

Адиб Ли. Л49 Ўзбекистон Республ
лия ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари ун
дарслик /Масъул муҳаррир: М.Х.Рустамбоев. -
Тошкент Давлат юридик институти, 2004. –398 бет
Сарлавҳада.: Ўзбекистон Республикаси Адли
вазирлиги.

Дарсликда мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларининг
вожланиши шарт-шароитларида молия ҳуқуқининг мазмун-моҳи
кўриб чиқилади. Унда молия ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари ва
томонидан тартибга солинадиган муносабатлар очиб берилади. асос
молия-ҳуқуқ институтлари: молиявий назорат, бюджет ҳуқуқи, д
лат даромадлари ва харажатлари ҳуқуқий тартиботи, банк фаоли
пул муомаласи, ҳисоб-китоб муносабатлари, валютани тартибга
лиш, қимматли қорозлар бозори изчил баён этилади.

Юридик олий ўқув юртлари студентлари, аспирантлар, илмий
ходимлар ва ўқитувчилар, шунингдек, молия ҳуқуқи масалалари бил
лан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 67.402 (5У)я

№93-2004

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси

© Адиб Ли, 2004.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2004.

МУАЛЛИФДАН

Молия ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, бозор муносабатлари шарт-шароитларида унинг роли тобора ошиб бормоқда. Ҳуқуқнинг мазкур соҳаси меъёрлари хўжалик юретишнинг янги шароитларига нисбатан қўллашда мустақил Ўзбекистоннинг молия сис-темасини муваффақият билан амалга оширишга кўмаклашиш ҳақида қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қайд қилганидек «Аниқ - пухта ишлаб чиқилган ва етарли даражада аниқ бўлган молия-кредит сис-темасини амалга ошириш республи-канинг бозорга ўтишидаги энг муҳим бўгин ҳисобланади»¹.

Молия ҳуқуқи меъёрлари Ўзбекистонда рўй бераётган бозор иқтисодиётининг ривожланиши, мулкчиликнинг турли шакллари ва барча ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тенг ҳуқуқлилиги билан боғлиқ бўлган туб ўзга-ришларни ўзида аке эттиради. Улар давлат органларининг молия, ҳуқуқ соҳасидаги ваколатлари ҳамда тадбиркорлар ва фуқаро-ларнинг молиявий муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбурият-ларини мустақамлаб беради.

Молия ҳуқуқи меъёрларини билиш, уларни амалиётда қўл-лай билиш юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш дара-жасига қўйиладиган мажбурий талаблар сифатида белгиланган. Шу билан бирга, молия ҳуқуқи меъёрларини билиш нафақат юристлар учун зарур, уларни билиш давлат аппарати ходимла-ридан, ҳар бир тадбиркор ва фуқародан ҳам талаб қилинади.

Дарсликда мустақил Ўзбекистон молия ҳуқуқининг мазмун-моҳияти очиб берилган, мамлакат ривожланишининг ҳозирги бо-сқичида давлат бюджетини мустақамлаш, қайишқоқ солиқ сис-темасини олиб бориш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш ҳамда уларнинг тадбиркорлик ва ин-вестицион фаолиятларини ривожлантириш учун йўналтирилган молия сис-темасини амалга оширишнинг аниқ йўллари ва усуллари-ни тартибга солишда унинг роли кўрсатиб берилган. Унда Ўзбе-кистон Республикаси молиявий фаолиятининг ҳуқуқий шакллари ва усулларида ҳамда бозор қайта қуриш шароитларида уни амалга ошириш тамойилларида юз берган туб ўзгаришлар ҳисоб-га олинган. Кенг норматив материаллар асосида молия ҳуқуқи-нинг янги институтлари қуриб чиқилган бўлиб, уларсиз бозор ме-ханизмлари (банк фаолияти, валютани тартибга солиш, қимматли қозғолар бозори)нинг самарали ишлатиш амалда мумкин эмас.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули. - Т.: Ўзбекистон, 1993 й.

Молия ҳуқуқи ва бозор ислоҳотлари шароитларида унинг роли ўсиб бориши молия ҳуқуқи Махсус қисми анъанавий институтларининг ҳуқуқий таъминоти масалаларини баён этишга янги-ча ёндашувни юзага келтириб, ҳозирги вақтда улар бутунлай бошқача мазмун билан тўлдирилмоқда. Ушбу нуқтаи назарлар ва энг янги қонунчилик асосида дарсликда бюджет ҳуқуқи ва давлат мақсадли жамғармалари, солиқ тизими, давлат даромадлари ва харажатларини молиялаштириш, давлат кредити, суғурта фаолияти, пул муомаласи, ҳисоб-китоб муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг тавсифи берилди.

Дарсликни тайёрлаш жараёнида муаллифнинг олдига қўйилган асосий вазифа «Молия ҳуқуқи» ўқув фани бўйича ниҳоятда кенг ва мураккаб норматив-ҳуқуқий материалларни ўзлаштириб олишда талабаларга ёрдам беришдан иборат бўлди. Муаллиф Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқининг у ёки бу долзарб масалаларини кўриб чиқишда дарсликда кўрсатилган муаммоларга илмий ва амалиёт ходимларида, кейинчалик уларни чуқур ишлаб чиқиш мақсадида, қизиқиш уйғотишига умид қилади.

Дарсликни тайёрлашнинг барча босқичларида ўзининг қимматли маслаҳатлари билан катта ёрдам кўрсатган масъул муҳаррир профессор М.Х.Рустамбосвга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Илмий тақризчилар – профессорлар Д.Т. Холмўминов ва М.И. Йўлдошевга қимматли маслаҳатлари ва истаклари учун чин қалбдан миннатдорчилик билдираман, улар Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш йўналишларини баҳолаш учун ниҳоятда фойдали бўлиши мумкин.

УМУМИЙ ҚИСМ

I БЎЛИМ. МОЛИЯ ҲУҚУҚИ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИНГ СОҲАСИ СИФАТИДА

1–БОБ. МОЛИЯ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ

1. Молия ва давлат молия тизими тушунчаси

Молия ҳуқуқини ўрганишга киришилаётганда, авваламбор Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг мазкур тармоғини шакллантиришнинг қайси методологик усулларига асосланишингизни белгилаб олишингиз керак. Молия ҳуқуқини энг умумий кўринишда ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида тавсифлаш мумкин, унинг меъёрлари давлат томонидан молия деган иқтисодий категориядан фойдаланиш ва молиявий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир.

Қундалик ҳаётда кўп ҳолларда молия деган атамага асосланилади, лекин ҳамма вақт ҳам унинг мазмуни ҳақида ўйлаб кўрилмайди. Бунда кўпинча молия деганда пул ёки пул маблағлари назарда тутилади. Аммо молия ва пул турли иқтисодий категориялар ҳисобланиб, иқтисодий муносабатлар тизимида ўзига хос вазифаларни бажаришга қаратилган. Ушбу категориялар ўзаро узвий боғлиқдир, чунки молия пул муносабатларисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, молия барча пул муносабатларини эмас, балки уларнинг фақат муайян қисмини ифодалайди¹.

Молия (русча финансы) французча *finance* (даромад)дан олинган бўлиб, у пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи иқтисодий категориядир².

Молиянинг вужудга келиши товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва давлатнинг ўз функцияларини бажариши учун зарур бўлган молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ. Дастлаб бу атама XIII-XIV асрларда Италияда пайдо бўлган, унинг Генуя, Венеция, Флоренция деган шаҳарлари савдо, пул ҳисоб-китоблари ва банк ишининг йирик марказлари бўлган. Кейинчалик уни давлат томонидан ўз вазифаларини ҳал қилиш учун йўналтириладиган пул муносабатлари тизими, пул жамғар-

¹ Олди-сотди, меҳнатга ҳақ тўлаш, маъмурий жарималар билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган пул муносабатлари молия ҳисобланмайди, улар ҳуқуқнинг фуқаролик, меҳнат, маъмурий ва ҳ.к. бошқа тармоқлари нормалари билан тартибга солинади,

² Финансово-кредитный словарь. – М.: Финансы и статистика, 1988. Т.3.– 338-б.

маларини ҳосил қилиш билан боғлиқ тушунча сифатида қўллай бошладилар.

Молия ҳаракатининг мазмуни ва механизми унинг функцияларида тўлиқ ҳолда намоён бўлади. Иқтисодий ва юридик адабиётларда молия функцияларининг турлича таснифлари мавжуд. Иқтисодий адабиётларда уларга пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш; улардан фойдаланиш; ушбу жамғармаларни шакллантириш ва фойдаланишнинг назорат қилиш кабилар киради¹. Юридик адабиётларда қўшимча равишда молиянинг тақсимот функциясини ҳам ажратадилар.

Шундай қилиб, **молия** – *умумдават эҳтиёжларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимидир*. Адабиётларда ушбу маънода давлат молияси ўзининг моддий моҳиятига кўра пул маблағлари жамғармалари²дан иборат бўлиб, уларнинг мажмуи мамлакат молия ресурслари³ни ташкил этади.

Молия иқтисодий муносабатлар тизимида муҳим роль ўйнайди. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитларида молиянинг мақсадли йўналиши ўзгарди, унинг функциялари эса, янги мазмун билан бойиб бормоқда. У давлат ва жамият ривожланишининг ҳозирги замон талабларига мувофиқ келувчи принципиал жиҳатдан янги молия сиёсатини олиб боришга фаол кўмаклашишга қаратилган. Бундай сиёсатни шакллантириш “мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларининг тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш, шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш уларнинг тадбиркорлик ва сармоядорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда”⁴.

Молия хўжалик юритиш механизмининг объектив зарур бўлган таркибий қисмидир, у айрим муаллифлар фикрича, давлатнинг режалаштирилган фаолияти натижаси ҳисобланмайди⁵. Мазкур ҳолда молия – базис муносабатлар сифатида бирламчи, давлатнинг ўз вазифаларини ҳал этиш учун улардан фойдаланиш бўйича фаолияти эса, устқурма хусусиятига эга ва шу сабабли у иккиламчидир.

¹ Финансово-кредитный словарь. – М.: Финансы и статистика, 1988. Т.3 – 366 б.

² Финансовое право. Дарслик / проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. – М: Юристъ, 1966 – 10-б.

³ Советское финансовое право: Дарслик. – Юрид. лит. 1987. – 6-б.

⁴ Каримов Ш.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишниң ўзинг хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993.

⁵ Грачева Е.Ю. Соколова Э.Д. Финансовое право. Уқув қўлланмачи. – М.: Новый юрист, 1996. – 4-б.

Молия турли бўгинлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг ҳар бири давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича юзага келадиган муайян ижтимоий муносабатлар доирасини ақс эттиради ва шу боисдан улар бири-бирдан фарқ қилади. Шу билан бирга, улар муайян умумий хусусиятларга эга бўлиб, бу уларни алоҳида, нисбатан ажратилган гуруҳларга - молия институтларига бирлаштириш учун имкон беради. Турли молиявий бўгинлар мажмуи Ўзбекистон Республикаси **молия тизими**ни ташкил этади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида давлат ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари давлат молия тизимига жиддий таъсир кўрсатди. Шу тарзда янги институтлар юзага келди, молия тизимининг бошқа бўгинлари мазмунида катта ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистон Республикаси молия тизими қуйидаги бўгинлардан таркиб топган:

а) давлат бюджети, унинг тузилмасига кирувчи республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар;

б) давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар;

в) хўжалик юритувчи субъектлар ва иқтисодиёт соҳалари молияси;

г) кредит (давлат кредити ва банк кредити);

д) мулкӣ ва шахсий суғурта.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги босқичда таркиб топган молия тизими махсус мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этишда жаҳон тажрибасидан фойдаланади, ушбу жамғармалар ёрдамида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар молиясига нисбатан қаттиқ тартибга солиш чоралари қўлланмайди, шахсий суғурта ва мулкни суғурта қилишда давлат монополияси бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг ҳар бир бўгини у ёки бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган турли пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишга қаратишга ўзига хос вазифаларни бажаради. Мазкур жамғармалар, агар улар бюджет тизими ёки марказлаштирилмаган (хўжалик юритувчи субъектлар) ҳолда ташкил этилган бўлса, марказлаштирилган жамғармалар бўлиши мумкин.

Молия тизимининг марказий бўгини **мамлакатнинг Давлат бюджети** бўлиб, унинг ёрдамида давлатнинг марказлаштирилган пул жамғармаси ташкил этилади ва фойдаланилади. У давлат томонидан ўзининг ички ва ташқи функцияларини амалга оши-

риши учун асосий молиявий база бўлиб хизмат қилади. Молия тизимининг ушбу бўғинида мамлакат даромадларининг асосий қисми ҳамда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий хусусиятдаги энг муҳим харажатлари тўпланади. Давлат бюджети молия тизимининг бошқа бўғинлари билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг таркибий қисми Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бу бўғин иқтисодиётга самарали таъсир кўрсатиш, хўжалик юритиш жараёнларини тартибга солиш, ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш ва ҳ.к. учун тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Маҳаллий бюджетлар бозор ислохотларининг барча босқичларида давлат томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг воситаси бўлиб хизмат қилади. ↓

Мамлакатнинг Давлат бюджетида давлат **мақсадли жамғармалари** тўпланган бўлиб, улар ёрдамида Ўзбекистон фуқароларининг пенсия таъминоғи, хусусийлаштириш жараёнларини ривожлантириш, аҳолини иш билан банд этиш ва бошқа масалалар ҳал этилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молияси ижтимоий ишлаб чиқариш дастлабки бўғинларининг турли эҳтиёжларини таъминлаш, бюджет, банклар, юқори ташкилотлар олдидаги мажбуриятларни бажариш учун мўлжалланган марказлаштирилмаган пул жамғармаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишга доир муносабатларни ифодалайди.

Кредит юридик ва жисмоний шахсларнинг буш турган маблағларини кредит ресурсларига жалб этиш, уларни қайтариш ва фоизлар тўлаш шарти билан фойдаланувчиларга бериш билан боғлиқ бўлган ўзига хос молиявий муносабатлар мажмуидир.

Давлат кредити вақтинча давлат тасарруфига тушадиган ва иқтисодиётни ривожлантириш, бюджет тақчиллиги ва бошқа эҳтиёжларнинг устувор йўналишларини молиялаштириштириш учун фойдаланиладиган қўшимча пул маблағларининг тўпланишини таъминлайди. Давлат кредитида давлат - қарз олувчи, юридик ва жисмоний шахслар эса - қарз берувчи (кредитор)лар сифатида намоён бўлади. Давлат кредити воситасида юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб этиш турли шаклларда, авваламбор давлат заемлари, пул мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва уларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилади. Бозор муносабатлари ривожланиши ва қимматли қоғозлар бозорининг юзага келиши шароитларида давлат кредитининг муҳим шакли юридик шахслар орасида

жойлаштириладиган давлат қисқа муддатли заемлари ҳисобланади.

Банк кредити кредитнинг асосий шакли бўлиб, бунда пул маблағлари вақтинча ишлатилиш учун банклар томонидан тақдим этилади. Ҳозирги вақтда банк томонидан кредитлашнинг объектлари ва соҳалари тубдан ўзгарди. Фақат давлат мулки ҳисобланган банклар томонидан амалга оширилган собиқ совет банк кредитлаш тизимидан фарқли равишда, ҳозирги вақтда бундай кредитлаш ҳуқуқи мулкчиликнинг турли шаклларидаги тижорат банкларига берилган.

Мулкӣй ва шахсий суғурта суғурта жамғармасини ташкил этиш усулларида бири сифатида юзага келиб, табиий офат, эпидемия, бахтсиз ҳодисалар натижасида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган моддий зарарни олдиндан ташкил этилган захира жамғармалар ҳисобидан қоплаш учун фойдаланилади. Суғурта жамғармаси юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта туловлари ҳисобидан, қонунчиликда назарда тутилган айрим ҳолларда эса бюджет маблағларидан шакллантирилади.

Бир вақтлар давлат органларининг устувори бўлган суғурта бозор муносабатларининг ривожланиши шароитларида асосан тижорат суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади, давлат эса назорат этиш вазифаларини бажаради.

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда «молия тизими» тушунчаси бошқа маънода ҳам - яъни давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари мажмуи сифатида қўлланади. Бу маънода молия тизими молия органлари, кредит муассасалари, солиқ хизмати органларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, уларга давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тегишли ваколатлар берилган.

2. Давлат молиявий фаолияти ва унинг асосий тамойиллари

Молиянинг объектив иқтисодий категория сифатида мавжудлиги давлат томонидан алоҳида турдаги фаолиятни - юридик адабиётларда «молиявий фаолият» деб аталадиган фаолиятни амалга ошириш заруратини туғдиради. Давлат бундай фаолият жараёнида ўз вазифаларини бажариш учун маблағлардан самарали фойдаланиши керак.

Молиявий фаолиятнинг асосий мазмуни унинг уч кўринишида намоён бўлиб, анъанавий равишда уларга пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни киритадилар. Назорат ушбу барча кўринишларнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, чунки у пул маблағларини та-

шқил этиш ва тақсимлаш жараёнида ҳам, улардан фойдаланиш жараёнида ҳам амалга оширилади. 1

Молиявий фаолият жараёнида давлат марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари жамғармаларидан фойдаланади. Молиявий ресурсларнинг асосий қисми давлат бюджетида тўпланган бўлиб, марказлаштирилган ҳолда ташкил этилади, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари эса марказлаштирилмаган тартибда шакллантирилади.

Давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари жамғармалари белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (давлат ва божхона боғлари, ижтимоий суғурта бадаллари, мулкый ва шахсий суғурта)нинг юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланиши натижасида ҳосил бўлади. Ушбу жамғармаларнинг маблағлари таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодиёт, марказлаштирилган инвестициялар, ижтимоий таъминот, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, суд органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағлари марказлаштирилмаган тартибда шакллантирилади. Мазкур субъектлар тасарруфида қоладиган даромад ёки фойдадан, барча мажбурий тўловлар тўлаб бўлингач, пул маблағларининг турли жамғармалари ташкил этилади. Булар: иш ҳақи жамғармаси, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий ривожлантириш, шунингдек, амортизация ва захира жамғармалари ва ҳ.к. Ушбу жамғармаларнинг маблағлари асосий ва айланма маблағларни тўлдириш, янги техника ва технологияни ўзлаштириш ва жорий этиш, ижтимоий-маданий тадбирларни ўтказиш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

Марказлаштирилмаган пул маблағлари жамғармалари бевоcита давлат тасарруфига келиб тушмайди, шунга қарамасдан, улар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг умуммиллий вазифаларини амалга оширишда жуда катта роль ўйнайди. Шу сабабли давлат, молиявий фаолиятни амалга ошириб, бундай жамғармаларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш жараёнларини тартибга солиб туради, бунда у маъмурий-бўйруқбозлик тизими-га ҳос бўлган усулларни эмас, балки бозор иқтисодиёти ривожланишининг эҳтиёжларига жавоб берадиган усулларни қўллайди.

Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун давлатнинг ташкил этиладиган пул маблағлари жамғармаларини ва биринчи навбатда, марказлаштирилган жамғармаларни оқилona тақсимлаш катта аҳамиятга эгадир, давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган асо-

сий эҳтиёжлари айнан мана шу жамғармалар ҳисобидан қопланади. Ушбу ресурслар устувор мақсадлар учун йўналтирилиши лозим, «бизнинг турмушимиз ва фаровонлигимиз, халқаро ҳам-жамиятдаги ўрнимиз ва обрўимиз уларни амалга оширишга боғлиқ»дир¹.

Бундай устувор вазифалардан бири - бу аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлашдир. Ушбу эҳтиёжлар учун ислоҳотларнинг барча босқичларида республика давлат бюджети харажатлар қисмининг ярмидан кўпи тўғри келиши тасодифий ҳол эмас. Бундан ташқари, мамлакат бюджетида, ижтимоий-маданий тадбирлар учун харажатлардан ташқари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар учун махсус харажатлар моддаси ҳам назарда тутилган.

Давлат бюджети харажатлар қисмидаги маблағларнинг катта қисми иқтисодийни ривожлантириш ва марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш учун назарда тутилган бўлиб, бу - саноат тармоқларини модернизациялаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, қишлоқ хўжалиги тузилмасини қайта қуриш, четга чиқариладиган ва чет эл молларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар ва ҳ.к.ни ташкил этиш зарурати билан белгиланади.

Давлат ўзининг молиявий фаолияти жараёнида ҳокимият ижроия органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар қайси идорага бўйсунishi ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг белгиланган тартибига риоя этишларини назорат қилади. Бу шуни англатадики, молиявий фаолият тармоқлараро хусусиятга эга бўлиб, давлат бошқарувининг барча соҳалари ва тармоқларини ўз ичига қамраб олади.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, **давлат молиявий сиёсати** - пул маблағларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, жамият ижтимоий-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайдиган, молиявий назорат бўйича тармоқлараро хусусиятга эга бўлган давлат фаолиятининг алоҳида туридир✓

Бозор иқтисодиёти шароитларида давлат молиявий фаолиятининг мақсадли йўналиши катта ўзгаришларга учрайди. Унинг мақсади молия механизми иқтисодий стратегиянинг ҳаракатчан воситасига айлантириш, молия ресурсларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида тўплашга қаратил-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда: Биринчи қақирқ Олий Мажлис ун тўртинчи сессиясидаги маърузаси, 1999 йил 14 апрель. - Т.: Ўзбекистон, 1999. 19-б.

гандир. Буни ҳисобга олиб, ҳозирги ривожланиш босқичида давлатимиз молиявий фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиш мумкин:

- миллий даромаднинг ўсишини таъминлаш, бозор қайта қуришларига жавоб берадиган молиявий муносабатларнинг янги шакллари кенгайтириш ва жорий этиш;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини бажариш учун масъулиятини, шунингдек, раҳбариятнинг иқтисодий усулларни кенг қўллаш асосида молияни бошқариш таъсирчанлигини ошириш;

- маблағларни бошқаришда марказлаштириш билан маҳаллий ҳокимият органлари мустақиллигининг мақбул бирлиги;

- умумдавлат молиясини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий дастурларни амалга оширишда давлат бюджетининг ролини ошириш;

- пул маблағлари жамғармаларини оқилопа тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, бюджет олдидаги молиявий мажбуриятларнинг бажарилиши устидан молиявий назорат самардорлигини ошириш.

Давлат молиявий фаолиятни амалга оширишда муайян тамойилларга асосланиши керак. Тамойиллар (латинча *principium* – асос, *дастлабки*) – бирор нарсанинг бошланиши, интиҳосини белгиловчи асосий ва раҳбарий ғоялар, етакловчи қонун-қоидалардир. Ҳар бир ғоя “аниқ, бутунлай реал кўриниш шаклларига эга бўлиб, ушбу шакллардан ташқарида мавжуд бўлмайди”¹.

Тамойиллар объектив равишда юзага келади, яъни улар одамларнинг хоҳиш-иродаси ва онгига боғлиқ эмас, шу сабабли уларни соф ғайришуурий йўл билан қуриш, ихтиёрий равишда ифодалаш мумкин эмас. Бундан ташқари, уларга асосланиш керак. Улар у ёки бу ижтимоий жараёнлар, шу жумладан давлат молиявий фаолиятининг объектив қонуниятларини намоён этиш ва улардан онгли равишда фойдаланиш шакллари билан бирийдир.

Демак, *давлат молиявий фаолияти тамойиллари* деганда, *фаолият ривожланишининг объектив қонуниятларини йўзида мавжуд бўлган мезонлар воситасида акс эттирадиган ғоялар ва асосий қонун-қоидаларнинг маънавий тартибга солинган тизимини тушуномқ керак.*

Бунда шунини назарда тутиш лозимки, молиявий фаолиятнинг бир неча тамойиллари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири мазкур фаолият объектив қонуниятларининг мажмуини эмас, балки улардан фақат айримларинигина акс эттиради. Айни вақтда бар-

¹ Научные основы государственного управления в СССР. • М., 1968. - 90-б.

ча тамойиллар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқдир, чунки улар бир ҳодиса – давлат молиявий фаолиятининг турли томонларига тааллуқлидир. Шу сабабли улардан бир бутун ҳолда фойдаланиш керак. Айрим тамойилларни эътиборсиз қолдириш бошқа тамойилларнинг бузилишига олиб келади.

Давлат молиявий фаолияти тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб берилган. Тамойилларнинг бундай мустаҳкамланиши уларни давлат молиявий фаолиятини ташкил этишда оғишмай ва изчиллик билан қўллашга, улардан четлашишларни эса, ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишга ёрдам беради.

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда давлат молиявий фаолияти тамойилларининг турлича таснифлари мавжуд. Уларда кўпинча қонунийлик, режалаштириш, ошқоралик ва бошқа тамойиллар ажратилади. Собиқ Иттифоқи давлати мавжуд бўлган йилларда нашр этилган дарсликларда берилган тамойиллар таснифининг айримлари баъзи сабабларга кўра эскирди.

Бироқ айрим принциплар ҳозирги вақтда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб қолди. Сўнгги йилларда нашр этилган адабиётларда негадир улар ҳақида гапирилмайди, эҳтимол, бу – молиявий фаолиятдан қаттиқ марказлаштирилган шароитларда фойдаланишда йўл қўйилган ниҳоятда жиддий хатолар билан изоҳланар ва шу боисдан улар илгари мавжуд бўлган тоталитар тартиб ҳақидаги тасаввурлар билан боғланилса керак.

Хусусан, бу демократик централизм тамойили бўлиб, унинг моҳияти ҳозирги шароитларда ҳам ўзгармайди ва молиявий фаолиятга марказлаштирилган ҳолда раҳбарлик қилиш ҳамда айна вақтда бу соҳада давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органларига кенг ҳуқуқлар бериш бирлигидан иборатдир. Ушбу тамойил ҳақида гапирилмаслигига қармасдан, у ўзининг объективлик хусусиятига кўра, амал қилмоқда ва нафақат бизнинг давлатимиз, балки ривожланган бозор муҳосабатлари ҳукм сурган барча мамлакатларнинг молиявий фаолиятида муваффақиятли фойдаланилмоқда. Тўғри, агар давлат молиявий фаолиятининг ҳозирги босқичдаги мазмун-моҳияти ва мақсадли йўналишидан келиб чиқилса, *ушбу фаолиятда марказлаштириш ва марказлаштирмаслик бирлиги тамойили ҳақида* гапирилса, тўғрироқ бўлар эди.

Шу нарса равшанки, фақат молия ресурсларининг катта қисмини марказлаштириш асосидагина умумдавлат устувор дастурини амалга ошириш мумкин. Айна вақтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари даромадларини шакллантириш манбалари доимий равишда кенгайтириб борилмоқда. Ҳозирги вақтда маҳаллий бюджетлар улушига давлат бюджети жами

даромадларининг 62 фоизидан ортиғи тўғри келади, бюджетдан ажратилган барча маблағларнинг 58 фоиздан ортиғи эса, маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширилаяпти¹.

Қонунийлик давлат молиявий фаолиятининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, ушбу фаолиятнинг қонунийликка асосланишида ўз ифодасини топган, яъни пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг барча хатти-ҳаракатлари қонун талабларига аниқ риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт. Бу ҳужалик юритувчи субъектлар, шунингдек, жисмоний шахсларнинг молиявий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатларига ҳам тааллуқлидир.

Давлат молиявий фаолияти учун ушбу тамойилнинг алоҳида аҳамияти унинг самарали ишлаши ва ривожланишини таъминлайдиган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишга доир ишларнинг мазмуни ва хусусияти билан белгиланади. Қонунийлик тамойили юридик ва жисмоний шахсларнинг зиммаларига молиявий муносабатлар соҳасида юкланадиган мажбуриятлар (масалан: белгиланган солиқлар ва бошқа тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш мажбурияти)нинг бажарилиши бўйича уларнинг ҳаракатлари қонуний бўлишини таъминлаш учун ниҳоятда муҳимдир.

Қонунчилик талаблари ўз моҳиятига кўра молиявий муносабатларнинг барча субъектлари учун ягона, бир хилдир. Аммо ҳар бир субъект ваколатларининг аниқ ҳажми унга қўйиладиган талаблар ҳажмига ҳам таъсир кўрсатади. Тушунарли сабабларга кўра бу ҳажм давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахсларида нисбатан анчагина кенгдир. Лекин, кўрсатилган органлар ва мансабдор шахслар ҳам, юридик ва жисмоний шахслар ҳам ўз ҳаракатларини молиявий муносабатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳолда амалга оширишлари, уларга риоя этишлари лозимдир.

Молиявий фаолият соҳасида ҳам, бошқа соҳалардаги каби қонунчилик билан мақсадга мувофиқликни қарама-қарши қўйишга йўл қўйилмайди. Мақсадга мувофиқ ҳаракатлар, агар улар қонунчилик доирасида ва унга асосланган ҳолда амалга оширилсагина, уларга йўл қўйилади. Шу нуқтаи назардан қонунчилик ва мақсадга мувофиқлик бирлиги ҳақида гапириш мумкин.

Давлат молиявий фаолиятида қонунчилик тамойили юридик ва жисмоний шахсларнинг барча ҳаракатлари қонуннинг барчи

¹ Қаримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда: Биринчи қақирик Олий Мажлис ушбу сессиясидаги маърузаси, 1999 йил 14 апрель. - Т.: Ўзбекистон, 1999. 28-б.

талабларига нафақат аниқ мувофиқ келишини, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг самарали ҳимоя қилиниши таъминланишини ҳам назарда тутди.

Давлат молиявий фаолиятида режалаштириш таъминли шунда ифодаланадики, пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари молиявий режалар асосида амалга оширилади. Бундай режалаштиришнинг асосий мақсади молия ресурсларини шакллантириш манбаларини аниқлаш, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган жамғармалар ўртасида, иқтисодиёт тармоқлари билан минтақалар ўртасида уларни тақсимлашнинг мақбул нисбатларини белгилаш ҳамда пул маблағлари жамғармаларидан фойдаланишнинг аниқ йўналишларини белгилашдан иборатдир.

Молиявий режалаштириш молиявий режаларнинг бугун бир тизимини тузиш ва ижро этиш воситасида амалга оширилиб, ушбу тизим умумдават, тармоқлар ва ҳудудий молиявий режаларга бўлинади. Умумдават молиявий режаларига Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва унга кирувчи мақсадли жамғармалар (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Иш билан бандликка ёрдам жамғармаси ва бошқалар) киради. Тармоқлар молиявий режалари тизими вазирликлар, компаниялар, корпорациялар, ишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари уюшмаларининг даромадлари ва харажатлари баланслари, шунингдек, ноишлаб чиқариш тармоқлари вазирликлари йиғма сметаларини ўз ичига олади. Ҳудудий молиявий режаларга маҳаллий бюджетлар (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, туманлар бюджетлари ва бошқалар) киради. Барча молиявий режалар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқдир. Молиявий режалар мажмуини ягона тизимга бирлаштириш Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети орқали амалга оширилиб, у мамлакат молиявий режасининг асоси ҳисобланади.

Шундай қилиб, молиявий режалаштириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши, иқтисодиёт барча бўғинлари фаолияти ва унинг мувозанатли ривожланиши, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Давлат молиявий фаолиятида режалаштириш таъминлининг аҳамияти мана шу жиҳатлар билан белгиланади.

Ошкоралик таъминли молиявий фаолиятни амалга оширишда молия соҳасида қабул қилинган қарорлар ва уларнинг бажарилиши натижалари тўғрисида ҳужалик юритувчи субъектлар ва аҳолини объектив ахборотлаштиришда намоён бўлади. Ушбу таъминлининг роли шу билан белгиланадики, “жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаё-

тгани, унинг истиқболини қай тарзда белгилаб ўтганидан хабардор бўлиб туриш керак”¹.

Ошкораликнинг қарор топиши жамият барча аъзолари томонидан давлат молия сиёсатининг асосий йўналишларини яхшироқ тушуниш, уни фаол ва манфаатли қўллаб-қувватланишини таъминлаш учун имкон беради. Шу муносабат билан давлат пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида ошкоралик тамойилининг қарор топиши ва ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашуви лозим. Давлат молиявий фаолиятида ошкоралик тамойилининг тўла амалга оширилиши, шунингдек, умумдавлат ва минтақавий молиявий дастурларни оммавий равишда муҳокама этиш йўли билан жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини ҳам назарда тутати.

3. Давлат молиявий фаолияти усуллари

Давлат молиявий фаолияти тегишли усуллар ёрдамида амалга оширилади. Фаолиятнинг бирор турига нисбатан усул деганда, одатда, *қўйилган мақсадларга эришиш, юзага келадиган вазифаларни ҳал этиш усуллари ёки воситалари* тушунилади. Бу давлат молиявий фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Агар давлат молиявий фаолиятининг асосий мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг мақсадлари *пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишдан* иборат. Ушбу мақсадларга эришиш учун молиявий фаолиятнинг ўз хусусиятига кўра турлича бўлган усулларини қўллаш талаб қилинади, улар пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳал этилади.

Пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш турли усуллар ва хусусан, *мажбурий ва ихтиёрий тўловлар* тизимини белгилаш йўли билан амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар давлат пул жамғармаларига маблағларни жалб этиш усулининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Мажбурий тўловларга қонунчилик билан назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ҳамда божхона божлари киради. Айни мана шу мажбурий тўловлар ҳисобидан давлат марказлаштирилган пул жамғармаларининг асосий қисми ҳосил бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2001 ва 2002 йилларга мўлжалланган давлат бюджетига мақсадли жамғармаларсиз кўрсатилган манбалар мувофиқ равишда 95,5 ва

¹ Қаримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга шилтамоқда: Ўзининг ҳақиқат Олий Мажлис ун тўртинчи сессиясидаги маърузаси. 1999 йил 11 апрель. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 21-б.

97,1 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети даромадларининг қолган қисми бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан шаклланиб, уларга давлат божи, давлат мажбурий мулкый суғуртаси, шахсий суғурта ва ҳ.к. киради.

Ихтиёрий тўловлар усули давлат қимматли қоғозлари (Республика ва маҳаллий ички заём облигациялари, казина мажбуриятлари, депозит сертификатлари)ни муомалага чиқариш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жалб этиш учун қўлланади. Қимматли қоғозлар бозорини фаоллаштириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг бўш ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида 1996 йилдан бошлаб мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилаётгани, улар юридик шахслар ўртасида жойлаштирилмоқда¹.

Ривожланишнинг аниқ тарихий босқичларида давлат пул жамғармаларини ташкил этишнинг юқорида қайд этилган усуллари ва уларнинг ўзаро нисбати ўзгариши мумкин. Масалан: собиқ Иттифоқ давлати мавжуд бўлган йилларда юридик шахслар (давлат ва бошқа социалистик корхоналар ва ташкилотлар)га нисбатан кўпроқ мажбурий тўловлар усули қўлланилган бўлиб, жисмоний шахсларга нисбатан ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий тўловлар усуллари тарқалган эди.

Ҳозирги вақтда илгари собиқ Иттифоқ давлати тасарруфига тўлиқ тушадиган ихтиёрий тўловларнинг айрим турларидан фойдаланиш имконияти тобора камайиб бормоқда. Бу, хусусан, мулкый ва шахсий суғурта бўйича тўловлар, шунингдек, омонат кассаларга қўйиладиган омонатларга тегишли бўлиб, уларни тўплаш социалистик давлатнинг устувор усуллари ҳисобланган. Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида кўрсатилган тўловларни йўналтириш билан асосан давлат суғурта ташкилотлари ва тижорат банклари шугулланади.

Давлат пул маблағлари жамғармаларини тақсимлаш турли усуллар воситасида амалга оширилади. Улар жумласига молиялаштириш ва кредитлаш киради. **Молиялаштириш** – қайтарилмадан ва бегараз равишда бюджетдан маблағлар ажратиш, **кредитлаш** – қайтариш, муддатлилиқ ва фоизлар тўлаш шартлари билан маблағлар беришдир.

Социализмда давлат пул жамғармаларини тақсимлашнинг асосий усули сифатида молиялаштириш усули қўлланган эди. Ҳозирги вақтда у энг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларни, ав-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш тўғрисида» 1996 йил 26 мартдаги 119-сонли қарори.

валамбор ижтимоий соҳани¹ ҳамда янги тузилмавий йўналишларни маблағлар билан таъминлаш учун қўлланади. Туб иқтисодий ислоҳотлар шароитларида мамлакатимиз молиявий сиёсатининг принципиал қойдаси давлат молиясини корхоналар мролиясидан ажратишдан иборат. «Корхоналар ё ўз ресурсларига, ёки тижорат банклари ресурсларига умид боғлашлари лозим»².

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитларида кредит сиёсатини амалга ошириш механизми ҳам тубдан ўзгаради. Кредитлаш давлат пул маблағларини тақсимлаш усули сифатида социалистик иқтисодиёт учун хос бўлган даражада фойдаланилмайди, у вақтларда давлат мулки бўлган барча кредит ресурслари банкларда тўпланган эди. Энди эса, жуда катта миқдордаги кредит ресурслари тижорат банкларида тўпланган. Масалан, 2000 йилнинг биринчи ярмида юқорида кўрсатилган банкларнинг кредит қўйилмалари миқдори умумий суммаси 750 млрд. сўмни ташкил этди³.

Давлат кредит ресурсларининг мақсадли йўналиши тубдан ўзгарди. Энди улар, биринчи навбатда, республиканинг иқтисодий мустақиллиги, экспорт ва импорт ишлаб чиқаришини таъминлайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг кўпайиши, базавий тармоқларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган юқори самарадор чора-тадбирларни амалга оширишда фойдаланилади.

Давлат ёки корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ихтиёрига тушган **молиявий ресурслардан фойдаланиш** нақд пулсиз ва нақд пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш усуллари билан таъминланади.

Юридик шахслар ўртасидаги тўловлар, шунингдек, амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартиб ва шаклларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фуқаролар ишгирокидаги ҳисоб-китоблар **нақд пулсиз тартибда** амалга оширилади. Фуқаролар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, фуқаролар ишгирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан чекланмаган суммада амалга оширилиши мумкин⁴.

¹ Бу соҳа давлат бюджетидан молияланади. Бу ерда кредитлаш қўлланилмайди, чунки ижтимоий соҳа муассасалари қарзга олинган маблағларни қайтариш учун зарур бўлган жамғармаларни олмайди.

² Каримов И.А. - Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.:Ўзбекистон, 1993.

³ Каримов И.А. Иқтисодийни эркинлаштириш ривожланишининг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 1- ярида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодийни ислоҳ қилиш йўлларига бағишланган мажлисда қилган маърузаси.// Халқ сўзи. 2000. -22 июль.

⁴ Қ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 790-м.

Нақд пулли ҳисоб-китоблар фуқароларнинг турли гуруҳлари ўртасида ёки фуқаролар ва тузилмалар (масалан, хизмат кўрсатувчи тузилмалар) ўртасида амалга оширилади. Шу билан бирга, бу ерда нақд пулсиз тўловлар ва, хусусан, пластик карточкалар билан амалга ошириладиган тўловлар мавжуд бўлиши мумкин, бундай тўловлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида амалда қўлланмоқда ва бизнинг қонунчилигимизда ҳам назарда тутилган.

2-БОБ. ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

1. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ҳуқуқий ҳолати

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг барчаси иштирок этади, чунки уларнинг ҳар бири молия билан боғлиқ бўлган муайян функцияларни бажаради. Шу билан бирга, улар молиявий фаолиятининг хусусияти ва мазмуни бир-биридан фарқ қилиб, бу ушбу органларнинг вазифалари ва ҳуқуқий ҳолатидаги фарқлар билан белгиланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда, давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи органларни бир неча гуруҳларга ажратиб мумкин.

Биринчи гуруҳ – давлат вакиллик органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари кенгашлари) ҳамда умумини ваколатли ҳокимият ижроия органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимиятлар)дан иборат бўлиб, улар ўзларининг тегишли ҳудудий кўламдаги – давлат ёки айрим маъмурий-ҳудудий бирликдаги бошқа функциялари билан бирга, молиявий фаолиятни ҳам амалга оширадилар. Ушбу органларнинг молиявий фаолият ҳолатидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган норматив ҳужжатлар («Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»¹, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»², «Бюджет тизими тўғрисида»³)да мустаҳкамлаб берилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат бюджетини қабул қилади, солиқлар ва бошқа мажбурий туловларни белгилайди (Конституциянинг 78-моддаси), молия, пул-кредит, солиқ, банк тизими, шунингдек, бюджет тузиллишининг асосларини белгилаб беради (Конституциянинг 122-124-моддалари). У давлат молиявий фаолиятининг муҳим масалаларига доир қонунларни ҳам қабул қилади (масалан, бюджет тизими тўғрисида, солиқлар тўғрисида, банклар ва банк фаолияти тўғрисида, валютани тартибга солиш тўғрисида ва ҳ.к.)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бюджетининг ишлаб чиқилишини ва унинг ижро этилишини ташкил этади, давлат пул ва кредит сисмасини мустаҳкамлаш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси (ЎР ОКА), 1993, №5, 202-м

² ЎР ОКА, 1999, №9, 120-м. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси (ЎР ОМА), 1997, №9-м, 241-м, №1, 20-м

³ ЎР ОМА, 2001, №1, 2, 0-м

чора-тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашади, Ўзбекистон Республикаси Хукумати тасарруфидаги давлат бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга оид масалаларни ҳал этади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бюджетининг ижроси бўйича бошқа давлат бошқарув органларининг фаолиятини назорат қилади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида давлат қимматли қоғозларини чиқариш ҳажми ва Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи қарзларини ошириш доираси, солиққа тортиш ва давлат божлари ставкаларини белгилаш ва ўзгартириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади.

У Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз ваколатлари доирасида тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар молиясига раҳбарлик қилинишини таъминлайди. Ушбу органлар, ҳусусан, маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини ишлаб чиқади, уларни тасдиқлайди ва ижро этади, шунингдек, мазкур бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди, қонунчиликка мувофиқ равишда маҳаллий бюджетга келиб тушадиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловлар миқдори ва улар бўйича имтиёзларни белгилайди. Бундан ташқари, Халқ депутатлари кенгашлари уларнинг олиб қўйилмайдиган ҳамда тегишли Кенгашлар ил ҳокимиятларнинг қарорлари бўйича сарфланадиган бюджетдан ташқари жамғармаларини ташкил этишлари мумкин. Амалдиги қонунчиликка мувофиқ Халқ депутатлари кенгашлари илмоти жамғармаларини ҳам ташкил этишлари мумкин, аммо бюджетдан ташқари жамғармалардан фарқли равишда, фақат тегишли Кенгашларнинг рухсати билангина улардан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси молия тизими ягона, бир бутун механизмдан иборат бўлганлиги муносабати билан Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз тасарруфларидаги ҳудудларда бутун давлат молиясига нисбатан ҳам муайян функцияларни бажаради. Масалан, улар ўз ҳудудларида даромадларнинг республика бюджетига келиб тушишини таъминлайди, тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида давлат эҳтиёжлари учун асосий жамғармалар ва воситалар (ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ишлар ва хизматлар)ни олиш ва қайта ишлаб чиқариш учун капитал харажатларни амалга оширади ва ҳ.к.

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширадиган *иккинчи даража* органлари соҳа доирасидаги ва махсус ваколатли ҳокимият ижроия органларидан таркиб топган.

Соҳа доирасидаги ваколатли органларга молиявий фаолият улар учун асосий ҳисобланмаган вазирликлар, қўмиталар, идоралар ва бошқа тармоқ бошқарув органлари киради. Молия-

вий фаолият кўрсатилган органлар томонидан ўзларига топширилган иқтисодий ва ижтимоий-маданий қурилиш участкаларига раҳбарлик қилиш бўйича ўз асосий функциялари ва вазифаларини тармоқ бошқарув органлари сифатида бажаришлари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган бошқарув органлари тасарруфдаги муассасалар сметаларини тасдиқлаш, соҳа доирасида пул маблағларини тақсимлаш каби молиявий фаолиятнинг функцияларини ва бошқа функцияларни бажаради, шу билан бирга, улар соҳа бошқарув органлари бўлиб қолади ва уларнинг ваколатлари давлат бошқарувининг у ёки бу соҳа доирасидан чиқмайди.

Махсус ваколатли органларга молиявий фаолият уларнинг асосий вазифаси бўлган давлат органлари киради, улар бу вазифани ҳал этиш учун махсус тузилади. Бунда уларга, тармоқ органларидан фарқли равишда, маҳкамани идора этиш хусусиятига эга бўлган тармоқлараро махсус ваколатлар берилади ва улар барча бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга молиявий фаолият соҳасида ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эгадир. Бундай органлар жумласига молия-кредит ва солиқ органлари киради.

Молия органлари тизимига **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги** раҳбарлик қилади. Барча маъмурий-ҳудудий birlikлар ижроия аппарати таркибида мазкур вазирлик бошқармаси ва бўлимларига эга бўлиб, улар бир томондан, ўзларининг юқори органига, иккинчи томондан тегишли ҳокимият органларига қарашлидир. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимиятлари молия бошқармалари ва бўлимлари, шунингдек, уларга қарашли давлат муассасалари ва ташкилотлари ягона тизимини ташкил этади.

Молия вазирлиги ҳудудий мақомининг асослари (мақсади, асосий вазифалари, функциялари ва ишни ташкил этиш тартиби) Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Низом¹да белгилаб берилган.

Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг молия ва нарх сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш ва унинг барча ҳудудларида молия ва нарх ҳосил бўлишини ташкил этишга умумий раҳбарлик қилиш учун қаратилган марказий молиявий-иқтисодий органдир. Шу муносабат билан унинг ҳуқуқий ҳолатини батафсил кўриб чиқамиз:

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлар тўплами, 1992, №12, 37-моддаси. Кейинги ўзгартиришлар билан.

Молия вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси олдида турган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий базани ташкил этиш, давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этиш, унинг даромад қисми барқарорлигини ошириш, валюта режасини тузиш ва бажариш, пул ресурсларини энг оқилона равишда ва тежамкорлик билан сарфлаш;

- Ўзбекистон Республикаси молия тизими таркибига кирувчи органларнинг ягона келишилган молиявий, валюта ва нарх сиёсати бўйича фаолиятига раҳбарлик қилиш, олтин-валюта захирасини кўпайтириш йўли билан давлат молиявий мустақиллигини таъминлаш, бозор муносабатларининг ривожланиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш шароитларида нархларни тартибга солиш иқтисодий усуллариининг ролини ошириш;

- иқтисодиётни ва ижтимоий-маданий соҳани молиялаштириш, республика минтақаларини комплекс ишлаб чиқариш билан таъминлаш ва ижтимоий ривожлантириш учун молиявий базани ташкил этиш;

- ўз назорат ваколатлари доирасида республика молия тизими таркибига кирувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш, улар фаолиятининг усул ва шакллариини такомиллаштириш, мазкур органлар ходимларининг касбий даражасини оширишга доир ишларни мувофиқлаштириш;

- ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича услубий кўрсатмалар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш ва нашр этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалигини, унинг чет элдаги дипломатик ва бошқа давлат муассасаларини, халқаро ташкилотларга бадалларини валюта маблағлари билан таъминлаш;

- республикада молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, қонунчилик лойиҳалари бўйича молиявий хулосаларни тайёрлаш ва ўз ваколатлари доирасида қонунчиликнинг қўлланиши амалиётини умумлаштириш, ушбу қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фаолиятининг юқорида кўрсатилган асосий йўналишларига мувофиқ унинг бош вазифаларига қуйидагилар киради:

- 1) молия тизими, солиқ ва нарх сиёсатининг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишига фаол таъсири, миллий даромад ва бошқа молия ресурсларининг ўсишини таъ-

минлаш, молия-кредит дастакларининг хўжалик юритишнинг бошқа механизмлари билан алоқасини мустаҳкамлаш;

2) республика молия ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқариш ва фан-техника тараққиёти жараёнининг устувор йўналишларида тўплаш, ижтимоий ривожланишни тезлаштириш; комплекс мақсадли дастурларни молиялаштириш, зарур бўлган молия ва валюта захираларини ташкил этиш;

3) раҳбарликнинг иқтисодий усуллари асосида давлат молия бошқарувини такомиллаштириш, марказлаштирилган молиявий бошқарув билан минтақаларнинг ўзини ўзи молиявий бошқаришни мувофиқлаштириш;

4) молия ва нарх механизмининг ортиқча харажатларга қарши йўналишини ошириш, уни барча турдаги ресурслардан оқилona фойдаланишни рағбатлантириш учун йўналтириш;

5) молия, бюджет, валюта бўйича режалаштириш ва молиялаштириш усуллари такомиллаштириш; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир ишларни мувофиқлаштириш;

6) солиқ солиш, нарх ҳосил бўлиши, сугурта, валюта-молия, аудиторлик ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш.

Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига турли *функцияларни* амалга ошириш вазифаси юклатилган бўлиб, уларни ўз мазмунига кўра давлат молиявий фаолиятининг муайян йўналишлари бўйича таснифлаш мумкин.

Молиявий фаолиятни ташкил этиш бўйича умумий функцияларга: республика йиғма молиявий баланси молия ресурсларини шакллантиришнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли истиқболларини тузиш, шунингдек, мақсадли бюджетдан тапқари жамғармаларни шакллантиришга доир ишларда иштирок этиш киради. Халқ хўжалиги тармоқлари ва минтақалар иқтисодиёти ва молиясининг аҳволини таҳлил этиш, вазирликлар, қўмиталар, идоралар, маҳаллий бошқарув органларига корхона, ташкилот ва муассасаларда молиявий-иқтисодий фаолиятни ташкил этишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш функциялари ҳам шунга киради. Мазкур йўналишдаги бошқа функцияларга молия-кредит механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, жамғарма жамғармаси билан истеъмол жамғармаси ўртасидаги нисбатларни тартибга солиш ва ҳ.к.ни қайд этиш мумкин.

Давлат бюджети соҳасидаги функцияларга: республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг янги усуллари асосан бюджетни режалаштиришни такомиллаштириш, республика

ва маҳаллий бюджетлардан амалга ошириладиган харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш, уларни ижро этишнинг умумий қоидаларини белгилаш, давлат бюджетининг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш киради. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида» 2000 йил 14 декабрдаги қонуни билан Молия вазирлигининг ваколатига, шунингдек, давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш, республика бюджети харажатларини амалга ошириш, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, бюджетдан ажратилган маблағларни олувчилар томонидан давлат бюджети маблағларидан фойдаланилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳам киритилган.

Пул муомаласини ташкил этиш бўйича функциялар: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда давлат пул тизимини мустаҳкамлаш ҳамда миллий валютанинг харид қобилиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Бунда аҳоли даромадлари ва харажатларини мувозанатлаштиришни таъминлаш, шунингдек, республика давлат ички заёмларини чиқариш ва жойлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар тўғрисида таклифлар тайёрлаш ва уларни Ҳукуматга тақдим этиш каби вазифаларни ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Нарх сиёсати соҳасидаги функциялар: вазирликлар, қўмиталар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, корхона ва ташкилотлар, маҳаллий бошқарув органларининг нарх ҳосил қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни ўз ичига қамраб олади. Молия вазирлиги зиммасига нархлар даражаси ва динамикаси, бозорларнинг аҳволи ва улардаги рақобат, вазирликка бириктирилган маҳсулот, товарлар, иш ва хизматлар номенклатураси бўйича чегара нархлар ва тарифларни тасдиқлашни комплекс таҳлил қиқинни мунтазам равишда ўтказиш вазифаси ҳам юкланган.

Валютани тартибга солиш соҳасидаги функциялар: республика валюта-молия сиёсатининг асосий тамойилларини шакллантириш, давлат валюта (тўлов) балансини тузиш ва ижро этиш, валюта ресурсларини кўпайтириш ва уларнинг оқилона тақсимланишини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича функциялар республика иқтисодиётига чет эл инвестициялари оқиб келиши учун қулай молиявий шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, республика Ҳукумати томонидан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молия-

лаштириш учун чет эл инвестицияларини жалб этиш масалаларини ҳал этишда ҳужжатларни тайёрлаш ва экспертиза ўтказишда иштирок этишни назарда тутди.

Ҳисоб-китоб юритиш ва ҳисоботни ташкил этиш бўйича функцияларга: корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига умумий раҳбарлик қилиш, шунингдек, бюджет муассасаларининг турли даражадаги бюджетлари ижро этилиши тўғрисидаги бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби ва харажатлар сметаларини белгилаш киради. Бошқа функцияларга намунавий ҳисобварақ-режалар ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш намунавий шакллари, ушбу шакллارни тўлдириш ва қўллаш бўйича йўриқномаларни тасдиқлаш киради.

Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича функциялар Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори билан Молия вазирлиги зиммасига юклатилган. Уларга қуйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида аудиторлик фаолияти, шу жумладан аудиторлик фаолиятининг миллий андозаларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

- аудитор сертификатини олиш учун талабгорларга малакавий талабларни белгилаш;

- республика аудиторлар жамоатчилиги бирлашмаси билан келишилган ҳолда аудитор малакавий сертификатини олиш учун ўқув дастури ва малака имтиҳонларини топшириш тартибини тасдиқлаш;

- аудитор малакавий сертификатини олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун республика аудиторлар жамоатчилиги бирлашмаси иштирокида имтиҳон ўтказиш;

- аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш, фаолиятни тўхтатиш, тугатиш ва бекор қилиш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп эттириш;

- малака сертификатига эга бўлган аудиторлар рўйхатини юритиш ҳамда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотларининг ҳисобини юритиш.

Молия вазирлиги ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариши учун унга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

1) вазирлик, маҳкама, идора, бошқа органлар, корхона, ташкилотлар ва муассасалардан бюджет прогнози (истикболга мўлжалланган режаси) ва бошқа молиявий режаларни тузиш ҳамда

уларнинг бажарилишини назорат этиш учун зарур бўлган материалларни олиш;

2) молия интизоми бузилган ҳолларда, бюджетдан ва валюта жамғармаларидан молиялаштиришни чеклаш, зарур бўлган ҳолларда эса, тўхтатиб қўйиш;

3) бюджетни ижро этиш вақтида юз берадиган, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир масалаларни ҳал этиш учун республика бюджетига заҳира ҳосил қилиш;

4) зарур ҳолларда республика минтақалари бўйича вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун молия йили доирасида тўлаш шарти билан ссудалар берил;

5) вазирликлар, қўмиталар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, корхона ва ташкилотларга нархлар рўйхати, тарифлар, устама нархлар ва методик кўрсатмалар ишлаб чиқишни топширил;

6) вазирликлар, қўмиталар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, корхона ва ташкилотлар ўртасида нарх ҳосил бўлиши ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш бўйича юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш;

7) республика корхона ва ташкилотлари, уюшмалари, компанияларида, уларнинг мулкчилик шакли ва қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, нархлар ва тарифларнинг белгиланиши ва қўлланиши тўғрисида текшириш

Молия вазирлигининг молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари дарсликнинг 6-боби – «Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат»да берилган.

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи махсус ваколатга эга бўлган органлардан бири **Ўзбекистон Республикаси Марказий банк**дир. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»¹ 1995 йил 21 декабрдаги қонуни билан белгиланган ҳуқуқий мақомида икки ваколат бирлашади: у давлат бошқарув органи ва юридик шахс сифатида намоён бўлади.

Биринчи ҳолда Марказий банк ҳокимият ваколатлари билан ягона марказлаштирилган бошқарув тизимидан иборатдир. У банкларни рўйхатга олади ва банк операцияларини амалга ошириш учун уларга лицензиялар беради, банкларни давлат рўйхатидан ўтказиши. Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва

¹ ОМА, 1995, №12, 247-м.; 1998 й., №9, 181-м.; 1999 й., №5, 124-м.; 2001 й., №1-2, 23-м. // Халқ сўзи. – 2003- 8 февраль.

банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботларни тузиш қоидаларини белгилайди, банк назорати ва банклар фаолиятини тартибга солишни амалга оширади, валютани тартибга солиш ва назорат қилиш органи ҳисобланади.

Банк фаолияти соҳасида давлат бошқарув функцияларини бажариш учун Марказий банк тегишли хизматлар ва муассасаларни ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари фаолият кўрсатмоқда. Улар муайян ҳудудда пул муомаласи, кредит ва валютани тартибга солиш соҳаларида ягона сиеъат юритилиши, ҳисоб-китобларнинг самарали тизими ташкил этилишини таъминлайди ҳамда тижорат банклари ва уларнинг филиаллари фаолияти устидан назоратни амалга оширади¹.

Марказий банк юридик шахс сифатида устав капиталига, заҳира жамғармаси ва бошқа мақсадли жамғармаларига эга бўлиб, ўз иш-фаолияти натижасида фойда олади. Фойданинг заҳира жамғармаси ва бошқа мақсадли жамғармаларни белгиланган тартибда тўлдиришдан қолган қисми республика бюджети даромадига йўналтирилади².

Молиявий фаолиятни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар қаторида молиявий назоратни амалга ошириш учун тузилган бир қанча органларни ҳам санаб ўтиш керак. Санок палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши ва бошқа органлар шулар жумласидан бўлиб, уларнинг ҳуқуқий ҳолати дарсликнинг махсус молиявий назоратга бағишланган 6-бобида кўриб чиқилди.

2. Молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари

Молиявий фаолият шаклларини талқин этишда авваламбор, ҳар қандай воқеликнинг икки томони ўзаро боғлиқлигини ақс эттирувчи умумий фалсафий категория сифатида, мазмун ва шаклнинг ўзаро нисбати, боғлиқлигидан келиб чиқиш керак. Мазмун предметнинг моҳият тарафини, шакл эса уни ифодалаш усули ва ички тузилишини ақс эттириб, мазмун ўзгариши билан улар модификацияланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1996 йил 24 июндаги 17-сонли баёний қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари туғрисида Низом.

² Марказий банк ваколатлари дарсликнинг банк фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган бобида батафсил кўриб чиқилади.

Давлат молиявий фаолияти турли шаклларда амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар моҳият-эътибори билан унинг мазмунини ифодалайди ва унинг вазифалари амалда қандай ҳал қилиниши тўғрисида тасаввур беради. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар турли ҳаракатларни амалга ошириб, бу ҳаракатлар ўзининг ташқи амалий ифодасини топади ва молиянинг асосий функцияларини бажариш учун қаратилгандир.

Демак, **молиявий фаолият шакллари** деганда, давлат органларининг молиявий ресурсларни ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги аниқ ҳаракатларининг ташқи амалий ифодасини тушуниш керак.

Қолбуки шакл ҳамма вақт мазмунга акс таъсир этар экан, молиявий фаолиятнинг энг самарали шаклларини танлаб олиш, бундай фаолиятни амалга ошириш жараёнида, муайян вазиятлар ва ҳал этилаётган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг қўлланиш соҳаларини аниқ чегаралаб олиш муҳимдир.

Молиявий фаолият шаклларини **ҳуқуқий ва ноҳуқуқий шаклларга** ажратиш қабул қилинган.

Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз функцияларини бевосита давлат номидан амалга оширишлари муносабати билан улар фаолиятининг шакллари, одатда, ҳуқуқ билан тартибга солинади. Ушбу органларнинг ҳаракатлари турли хил бўлиб, кўп ҳолларда муайян юридик оқибатларга олиб келади. Бу ҳуқ-атворнинг мажбурий қоидаларини белгилаш, ҳокимият-тақсимлаш ваколатларини амалга ошириш, молиявий чораларни қўллаш ва ҳ.к. да намоён бўлади. Бу турдаги ҳаракатлар учун ҳамма вақт юридик ташқи ифода, яъни **ҳуқуқий шакл** керак.

Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органларнинг бошқа ҳаракатларига ҳуқуқий шакл талаб қилинмайди. Чунки улар юридик аҳамиятга эга эмас ва мувофиқ равишда **ноҳуқуқий шаклларга** бирикади. Бу шакллар **ташқилий ҳаракатлар** ва **молиявий-техник операцияларга** бўлинади. Биринчи ҳолда гап молиявий фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ҳаракатларининг кундалик ва турли ноҳуқуқий кўринишлари: молия органлари аппаратида турли мажлислар ўтказиш, ижрочиларга йўл-йўриқ, кўрсатмалар бериш, молия қонунчилигини аҳолига тушунтириш ва бошқа ташқилий ишларни бажариш ҳақида кетаяпти. Молиявий-техник операциялар ёрдам кўрсатиш аҳамиятига эга. Уларнинг ёрдамида давлат молиявий фаолиятининг бошқа шаклларига хизмат кўрсатилади. Буларга барча даражадаги бюджетлар даромадлари ва харажатлари ҳамда халқ хўжалиги тармоқлари ва соҳалари молиявий режаларининг ҳисоб-китоб-

лари, молиявий-иқтисодий таҳлил, молиявий режаларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳ.к. киради.

Молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий шакллари учун шу нарса хоски, улар ҳуқуқ меъёрларини белгилаш ва қўллаш билан боғлиқдир. Улар муайян молиявий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтириши мумкин.

Молиявий фаолиятнинг асосий ва энг муҳим ҳуқуқий шакли молиявий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳисобланиб, улар воситасида пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, молиявий назорат соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тартибга солинади.

Молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзига хос бир қанча белгиларга эга бўлиб, уларда давлат молиявий фаолиятининг асосий хусусиятлари ва мақсади намоён бўлади. Биринчидан, улар расмий хусусиятга эга, чунки уларда давлат номидан қабул қилинадиган қарорлар мавжуд бўлади. Иккинчидан, улар давлатнинг ҳокимият фаолияти сифатидаги молиявий фаолиятига хос бўлган асосларда ифодаланувчи бир томонлама - ҳокимият ҳужжатларидир. Учинчидан, молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар фақат ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича молиявий фаолиятни амалга оширувчи ўёки бу органлар томонидан қабул қилиниши мумкин. Тўртинчидан, улар тегишли равишда расмийлаштирилган бўлиши шарт. Бундай расмийлаштириш молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонун, қарор, йўриқнома, буйруқ ва ҳ.к.лар) қабул қилнаётганида тегишли тарзда номланиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2000 йил 14 декабрдаги қонунда назарда тутилган бошқа талабларга риоя этилишини назарда тутади.

Юқорида қайд этилган белгилар билан бирга, молиявий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳим ва зарурий белгиси яна шундан иборатки, улар юридик оқибатларни юзага келтиради. Хусусан, улар:

1) хулқ-атвор қоидалари (ҳуқуқ меъёрлари)ни белгилайди ва ўзгартиради;

2) молиявий муносабатлар субъектлари зиммасига аниқ мажбуриятлар юклайди ёки муайян ҳуқуқлар беради (масалан, белгилашга тўловларни бюджетга киритиш мажбурияти, бюджетдан ажратилган маблағларни олиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар);

3) давлат молиявий соҳасида ҳуқуқий муносабатларнинг келиши, ўзгариши ёки тугатилиши билан боғлиқ юридик факт бўлиб хизмат қилади (масалан, даромад, фойда ёки муайян бир мулкнинг мавжудлиги солиққа доир ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи юридик факт ҳисобланади).

Қайд этилганларни ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар молиявий фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари томонидан бир томонлама - давлат ҳокимияти тартибида, ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштиришга қўйиладиган талабларга риоя этилган ҳолда қабул қилинган ва юридик оқибатларни юзага келтирадиган расмий қарорлардан иборатдир.

Барча молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар бир неча белгиларига қараб таснифланади: биринчи навбатда, улар юридик хусусиятлари бўйича ажратилади. Ушбу белги бўйича норматив ва индивидуал молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар фарқланади.

Норматив молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар бир турдаги молиявий муносабатларни тартибга солиш мақсадида нашр этилади. Улар ушбу муносабатлар субъектлари хулқ-атворининг муайян қоидалари (ҳуқуқ меъёрлари)ни ўз ичига олган бўлиб, узок вақт қўлланишга мўлжалланган ва кимга қаратилгани кўрсатилмаган. Норматив ҳужжат билан тартибга солинадиган соҳада ҳамма унда кўрсатилган талабларни бажариши, хулқ-атвор қоидаларига риоя этиши шарт (масалан, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидалари).

Шундай қилиб, норматив молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар уларда назарда тутилган барча ҳолларда кўп марталаб қўлланиши учун мўлжалланган. Ушбу ҳужжатлар белгиланган тартибда бекор қилингунига қадар ёки уларнинг ўрнига бошқа янги ҳужжатлар чиққунигача амал қилади. Улар бевосита молиявий-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирмайди, балки бундай муносабатларнинг вужудга келиши учун юридик асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, Солиқ кодексидаги меъёрларга асосан, бир томондан, юридик ва жисмоний шахслар, иккинчи томондан, солиқ органлари ўртасида солиқларни тўлаш ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш бўйича муайян ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши мумкин. Норматив молиявий-ҳуқуқий ҳужжатларга, масалан, қонунлар, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, турли йуриқномалар, қоидалар ва низомлар киради. Улар бюджет қурилиши ва жараёни, солиқ тизими, банк фаолияти, ҳисоб-китоб ва валюта муносабатлари, молиявий назорат ва ҳ.к. масалаларни тартибга солади.

Индивидуал молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар норматив ҳужжатларда белгиланган умумий қоидаларни аниқлаштириш учун мўлжалланган. Улар ёрдамида норматив ҳужжатларда берилган ҳуқуқий меъёрлар талаблари ҳаётга татбиқ этилади, молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар томонидан бундай фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш таъминланади.

Ҳар бир индивидуал молиявий-ҳуқуқий ҳужжатда бирор аниқ ҳодиса назарда тутилади, улар молиявий муносабатларнинг муайян қатнашчилари учун мўлжалланган бўлади, юридик факт ҳисобланади, ҳуқуқ меъёрлари аниқ молиявий ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва тугатилишини у билан боғлайди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси норматив-молиявий-ҳуқуқий ҳужжатига асосан солиқ органлари ер солигини тўловчи (жисмоний шахс)ларга ушбу мажбурий тўловни тўлаш тўғрисида тўлов хабарномасини жўнатадилар. Ушбу солиқнинг норматив ҳужжатда белгиланган муддатларда амалда тўланиши тўлов хабарномаси, яъни индивидуал молиявий ҳужжат ҳаракати ва унга мувофиқ равишда аниқ молиявий ҳуқуқий муносабатнинг тугалланишига олиб келади.

Шундай қилиб, индивидуал молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқ меъёрларини қўллаш ҳужжатлари ҳисобланади ва улар норматив молиявий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган аниқ вазиятлар юзага келган ҳолда бир марта фойдаланиш учун мўлжаллангандир.

Молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар бошқа белгилар, хусусан, *юридик табиати* бўйича таснифланиши ҳам мумкин. Мазкур белгига кўра улар қонунчилик ҳужжатлари ва қонуности ҳужжатларига бўлинади. Молиявий-ҳуқуқий ҳужжатларни бундай ажратиш уларни чиқарувчи органлар таснифида аниқлаштирилади. Демак, қонунчилик ҳужжатлари юқори ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан, қонуности ҳужжатлари эса қонунларга мувофиқ ва уларни ижро этиш асосида молиявий фаолиятни амалга оширувчи барча бошқа давлат органлари томонидан чиқарилади.

Давлат органлари ҳужжатларининг асосий шакллари Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2000 йил 14 декабрдаги қонуни билан белгиланган. Молиявий-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳужжатлари) ҳам ўз шакли арига эга бўлади.

3-БОБ. МОЛИЯ ҲУҚУҚИ ПРЕДМЕТИ ВА ТИЗИМИ

1. Молия ҳуқуқи предмети ва тушунчаси

Молия ҳуқуқи давлат молиявий фаолияти соҳасида юзага келадиган, ўзгарадиган ва тугалланадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бу шуни англатадики, молия ҳуқуқи давлатнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча турларига ўзининг тартибга солиш таъсирини кўрсатади.

Молиявий фаолият соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тартибга солинаётган муносабатларнинг барча қатнашчилари учун мажбурий бўлган ҳуқуқатвор қоидаларини молия ҳуқуқи меъёрларида мустаҳкамлаш йўли билан амалга оширилади. Бундай қоидаларни ўрнатиш орқали давлат аслида молиявий фаолият соҳасида ва у билан боғлиқ бўлган муносабатларда юзага келадиган ўз функцияларини амалга оширишнинг муайян ҳуқуқий тартибини яратади. Аниқ ижтимоий муносабат молиявий муносабатдир, шу боисдан ҳам у қуйидаги ҳолларда молия ҳуқуқининг тартибга солувчи таъсирига учрайди: биринчидан, унда тегишли давлат органи албатта қатнашганида; иккинчидан, бу орган молиявий фаолиятни амалга ошириш учун унга берилган ваколатлардан фойдаланганда.

Ҳап шундаки, давлат органларининг пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамда улар иштирокидаги фаолияти соҳасидаги ҳар қандай ижтимоий муносабат ҳам молия ҳуқуқи предметига кирмайди. Бу органлар ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари меъёрлари билан тартибга солинадиган ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Масалан, улар фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган мол-мулкка доир битимларни тузиши ҳам мумкин. Тегишли давлат органи мулкка эга бўлиб, табиийки, молиявий фаолиятни амалга оширмайди, балки ўзининг мулкий ҳуқуқларини рўёбга чиқаради.

Демак, ушбу орган фақат амалда давлат молиявий фаолиятини амалга ошираётган тақдирдагина, шундай ижтимоий муносабатлар юзага келадигани, улар ҳақиқатан ҳам ўз мазмунига кўра молиявий фаолиятдир, яъни улар давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, молия ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Шундай қилиб, *молия ҳуқуқи предмети давлат фаолияти турларидан бири, яъни молиявий фаолият доирасидаги чеклан-*

ган ижтимоий муносабатлардир. Ушбу муносабатлар давлатнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини режалли асосда ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келади, ўзгаради ва тугалланади.

Давлат молиявий фаолияти амалиёти шундан далолат берадики, молия ҳуқуқи предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўртасидаги тегишли давлат органлари номидан бюджет жараёнини амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағларини тақсимлаш билан боғлиқ муносабатлар;

- бир томондан, молия ва солиқ органлари ўртасидаги, иккинчи томондан, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида давлат олдига мажбуриятларини бажариш (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш), шунингдек, амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳисобот шакллари ва бошқа ҳужжатлар (солиқлар ва йигимлар бўйича ҳисоб-китоблар, даромадлар тўғрисидаги декларациялар)ни топшириш бўйича муносабатлар;

- молия органлари ва бошқа давлат органлари ўртасида маблағларни сарфлаш йўналишлари бўйича бюджет маблағлари миқдорини белгилаш масалалари бўйича муносабатлар;

- молия ва солиқ органлари (Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, уларнинг юқори ва қуйи ташкилотлари ва муассасалари) ўртасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тартиби ва муддатларини аниқлаштириш, валюта назоратини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар;

- бир томондан, Марказий банк ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар, иккинчи томондан, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва уни бузганлик учун чоралар қўллашда белгиланган тартибга риоя этиш масалалари бўйича муносабатлар;

- молиявий фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мазкур субъектлар томонидан давлат молия интизомига риоя этилиши бўйича муносабатлар ва ҳ.к.

Қайд этилган барча ижтимоий муносабатларда давлат органи иштирок этади. Бу қонунийдир, чунки молиявий фаолият давлат функцияларини амалга ошириш шаклларида биридир. Молия соҳасида давлат номидан чиқадиган ва унинг хоҳлиши-иродасини ифодалайдиган бундай органнинг иштирокисиз молия ҳуқуқи

предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли икки фуқаро ўртасидаги муносабатларни молиявий-ҳуқуқий муносабатлар деб топиш мумкин эмас: уларнинг биронтаси ҳам давлат молиявий фаолиятини амалга ошириш бўйича ваколатларга эга эмас. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномалар асосида юзага келадиган пул муносабатлари ҳам молия ҳуқуқи предметига кирмайди, чунки улар фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган хўжалик фаолияти билан боғлиқдир.

Қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, *молия ҳуқуқини давлат молиявий фаолияти соҳасида, яъни ривожланишнинг муайян босқичида давлат вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағларини режали ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишчи ҳуқуқ меъёрлари мажмуи сифатида белгилаш мумкин*¹.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мулкчиликнинг турли шакллари ва бозор муносабатларини ривожлантириш молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг жиддий япгилаштириши талаб қилади. Уларда бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида давлат молия сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсади ва вазифалари мустақкамланади.

Молия ҳуқуқи бюджет тизими ва пул муомаласини мустақкамлаш, фискал сиёсат олиб бориш, валюта муносабатларини тартибга солиш, қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш, молиявий назорат самарадорлигини ошириш ва ҳ.к. бўйича давлат томонидан қуриладиган чора-тадбирлар тизимида муҳим роль ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши учун амалга оширилиши талаб қилинадиган молия соҳасидаги мазкур чора-тадбирлар молия қонунчилигида ўз ифодасини топган.

Бизнинг давлатимиз молиявий қонунчилигининг асосий негизи Мустақил Ўзбекистон Конституцияси бўлиб, ушбу қонунчилик республикамиз давлат мустақиллигига эришган вақтдан бошлаб шакллана борди. Ҳозирги босқичда молиянинг муҳим ролинини ҳисобга олиб, Конституцияда давлат молиявий муносабатлари ва

¹ Молия ҳуқуқининг шунга ўхшаш ёки (асосий белгилари) ўхшаш бўлган таърифи молия ҳуқуқини оид кўпгина адабий манбаларда берилган. Қ: Гурвич М.А. Советское финансовое право. М.: Госюр издат, 1952.- 20-б.; Ровинский Е.А. Основные вопросы теории советского финансового права. Госюр издат, 1960.- 64-б.; М.; Советское финансовое право: Дарслик.- М.: Юрид. лит., 1987.-51-б.; Финансовое право: Дарслик/проф. Н.И.Хивичева таҳрири остида. М.: БЕК, 1995.- 13-б.; Финансовое право: Дарслик/проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. - М.: Юристъ, 1996. - 28-б.; Грачева Е.Ю., Соловьев Э.Д. Финансовое право: Ўқув қўлланмаси. - М.: Новый Юрист, 1998.- 18-б. ва б.

молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини мустаҳкамловчи махсус «Молия ва кредит» боби берилган.

Республикада мустақиллик йилларида бир қанча асосий қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар ҳозирги ривожланиш босқичида давлатнинг молиявий фаолияти ҳуқуқий негизини яратади. Уларга Ўзбекистон Республикасининг Банклар ва банк фаолияти тўғрисида, Марказий банк тўғрисида, Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида, Валютани тартибга солиш тўғрисида, Бюджет тизими тўғрисида, Солиқ кодекси ва бошқа қонунлар киреди.

Ушбу қонунчилик ҳужжатларида молия ҳуқуқи меъёрлари ифодаланган бўлиб, улар молия механизмини тубдан ислоҳ қилишни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг давлатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш учун қаратилган.

2. Молия ҳуқуқи усули

Молия ҳуқуқи, тартибга солиш функциясини амалга ошириб, молиявий муносабатлар қатнашчилари ахлоқ қоидаларига ўз меъёрларининг таъсир кўрсатишини тартибга солувчи ҳуқуқий воситалар ёки усулларнинг муайян мажмуидан фойдаланади. Мазкур ҳолда гап ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усуллари ҳақида кетаяпти. Улар, предмет билан бирга, ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи, шу жумладан молия ҳуқуқининг тавсифини беради.

Бундан ташқари, тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси бўйича, яъни предмет бўйича амалдаги ҳуқуқ тармоқлари кўпинча ўзаро жуда яқин бўлиб, айрим ҳолларда ўзларининг асосий кўринишларида ҳатто бир-бирига мос ҳам келади (масалан, ҳисоб-китоб ва кредит муносабатлари, шунингдек, сугурта соҳасидаги муносабатлар, улар ҳам фуқаролик ҳуқуқи, ҳам молия ҳуқуқи предметини ташкил этади). Шу муносабат билан тартибга солиш усули ҳуқуқ тармоқларини чегаралашда белгиловчи усул бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи ҳуқуқнинг ўз табиатида жойлашган ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсирининг уч усулидан фойдаланади, булар: *ёзма буйруқ, кўрсатма, ман этиш, рўхсат бериш*.

Ёзма буйруқ, кўрсатма - ҳуқуқ меъёрида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш, яъни бошқача эмас, балки айнан шундай ҳаракат қилиш учун тўғридан-тўғри юридик мажбуриятни зиммага юклаш. *Ман этиш, таққолаш* - амалда бу ҳам кўрсатма, аммо у тескари белгилди, яъни

ҳуқуқ меъёрида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатларни амалга оширмаслик бўйича юридик мажбуриятни зиммага юклашдир. **Рухсат бериш** - ҳуқуқ меъёрида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатларни ўз хоҳиши бўйича амалга ошириш учун юридик рухсат берилишидир.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг курсатилган усуллари ҳуқуқ у ёки бу тармоғининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади.

Қайд этилганидек, молия ҳуқуқи тартибга солишнинг ўз предметига эга бўлиб, хусусан, бу - давлат молиявий фаолияти соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир. Ушбу фаолият давлат фаолиятининг бошқа турларидан ўзининг вазифалари, мақсадли йўналиши ва намоён бўлиш шакллари билан фарқ қилади. Молия ҳуқуқи предмети ташкил этувчи муносабатлар учун шу нарса хоски, улар давлат пул маблағлари жамғармаларини режалаш ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, молиявий фаолият натижасида амалга ошириладиган кўрсатилган жараёнларни назорат этиш билан узвий боғлиқдир. Муносабатларнинг бундай тури молия ҳуқуқи меъёрлари ҳаракатларининг ўзига хос алоҳида хусусиятларини ҳам белгилаб беради.

Молиявий ҳуқуқий тартибга солиш учун давлат органи ёки мансабдор шахсдан чиқадиган кўрсатмалар хосдир. Молиявий муносабатларнинг бошқа томони ушбу кўрсатмага бўйсунишга мажбур. Масалан, ҳисоб-китоб ва валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир. Бу шуни англатадики, давлат органининг ҳокимият кўрсатмалари яққол намоён бўлиб, улар ёрдамида давлат амалда ўзининг молиявий фаолият соҳасидаги ваколатларини амалга оширади.

Молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш учун яна бошқа бир хусусият ҳам хос бўлиб, у бир томоннинг ўз хоҳиш-иродасини билдиришидир.

Демак, давлат номидан ҳаракат қиладиган ва молиявий муносабатларда унинг манфаатларини ва хоҳиш-иродасини ифода этадиган, юқорида кўрсатилган органларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши бир томонлама ва мажбурий бўлиши яққол кўрилиб турибди. Бу шуни англатадики, мазкур ҳолда биз давлат молиявий фаолияти соҳасида томонларнинг юридик жиҳатдан тенгсизлигини кўраяпмиз.

Айнан мана шу сабабли **молия ҳуқуқининг асосий усули**, яъни молиявий муносабатлар қатнашчиларининг хулқ-атворида таъсир кўрсатиш усул ва услублари давлат-ҳокимият кўрсатмалари усули ҳисобланади. Ушбу усулнинг қўлланиши жа-

миятнинг муҳим ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун керак бўлган тегишли давлат пул жамғармаларини ташкил этиш зарурати билан белгиланади. Молиявий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг фақат мазкур усули асосидагина пул маблағларининг давлат тасарруфига тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши, улардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, давлат молия интизомига риоя этилиши ва ҳқни амалда таъминлаш мумкин.

Молия ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга хос бўлган давлат-ҳокимият кўрсатмалар мазмуни турличадир. Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи органлар хоҳиш-иродасининг бир томонламалиги ва мажбурийлиги нафақат молия ҳуқуқи томонидан белгиланадиган тўғридан-тўғри кўрсатмалар учун, балки тақиқлар учун ҳам хосдир. Улар, шунингдек, молиявий муносабатлар томонларига ахлоқ қоидаларини мустақил танлаш ҳуқуқини берадиган рухсат беришга ҳам хос. Бироқ рухсат берилган ҳаракатларни бажариш молия ҳуқуқи меъёрлари билан белгиланган қатъий умумий қоида доирасида амалга оширилиши шарт. Бу маънодаги рухсат бериш бир томонлама хусусиятдаги кўрсатмани гўёки тўлдиради, ўзига тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш тўғрисидаги масалани мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган томон эса, юридик жиҳатдан молия ҳуқуқи умумий қоидаларига бўйсунди.

Молия ҳуқуқи айрим ҳолларда бир томонлама ҳужжатни қабул қилишдан олдин у ёки бу масалаларни биргаликда келишиш, муҳокама этиш ва кўриб чиқиш кераклигини назарда тутди. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи органларнинг кўрсатмалари уларни муваффақиятли амалга ошириш учун купинча тавсиялар билан бирга берилади. Бошқача айтганда, молиявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий усули - давлат-ҳокимият кўрсатмалари келишиш ва тавсиялар бериш каби усул ва услублар билан тўлдирилиши мумкин.

Шундай қилиб, молия ҳуқуқи предмети билан молиявий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос бирлашуви молия ҳуқуқини ҳуқуқнинг мустақил тармоғига ажратиш учун барча асосларга эгадир.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида молия ҳуқуқининг туган ўрни

Ҳозирги вақтда молия ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатидаги ўрни ҳақидаги масала шубҳа туғдирмайди, бир вақтлар эса, у жиддий мунозараларга сабаб

бўлган эди. Бир қанча муаллифлар молия ҳуқуқига ҳуқуқнинг мустақил тармоғи¹ сифатида қараган бўлсалар, бошқалар уни давлат ва маъмурий ҳуқуқнинг мустақил тармоғи²га ажратилган алоҳида қисм сифатида кўришган. Иккинчи гуруҳ муаллифларининг қарашлари ҳуқуқ тармоқлари тизимида молия ҳуқуқининг мустақиллигини инкор этмайди, балки молия ҳуқуқининг давлат ва маъмурий ҳуқуқ билан генетик алоқаларга эга эканлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билан тўлдиради. Ушбу кўрсатилган қарашлар асосан мос келишини сезиш қийин эмас. Уларнинг муаллифлари шундан келиб чиқаяптики, молия ҳуқуқи ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ўзига хослиги билан тавсифланади ҳамда давлат томонидан фойдаланилаётган маъмурий ва молиявий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усулининг ўхшашлиги молия ҳуқуқини ҳуқуқнинг мустақил тармоғига ажратиш учун тўсқинлик қилмайди.

Шундай қилиб, молия ҳуқуқи мазмунининг бирлиги, унинг давлат молиявий фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайдиган меъёрлар мажмуи сифатидаги аҳамияти, норматив материал ҳажмининг катталиги молия ҳуқуқини ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатида ажратилиши тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Давлат молиявий фаолияти соҳаси ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари меъёрлари таъсиридан ажратилмаган бўлиб, улар воситасида молия ҳуқуқи предмети билан қамраб олинмайдиган, унда юзага келадиган ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Шу тариқа ҳуқуқ турли тармоқларининг ўзаро таъсири юзага келади. Молия ҳуқуқи конституцион ва маъмурий ҳуқуқ билан янада узвийроқ боғлангандир.

Конституцион ҳуқуқ ҳуқуқнинг барча тармоқлари, шу жумладан молия ҳуқуқи учун асосий негизга эга. Конституцион ҳуқуқ меъёрлари давлатнинг бюджет тузилиши, банк ва солиқ тизимларининг ҳуқуқий асослари, шунингдек, молиявий фаолият соҳасидаги давлат вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ваколатларини белгилайди.

Масалан, конституцион ҳуқуқ меъёрлари Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети республика бюджети, Қорақалпоғистон

¹ Гурвич М.А. Советское финансовое право. М., Госюриздат, 1952. — 20-5; Вильнянский С.И. К вопросу о системе советского права // Советское государство и право, 1957, №1. — 107-6, Ровинский Е.А. Основные вопросы теории советского права. М., Госюриздат, 1960 — 64-5; Теория государства и права. М., Юрид. лит. 1970.- 483-6; Химичева Н.И. Субъекты бюджетного права. Саратов; Изд-во Саратов. Ун-та, 1978; Бесчеревных В.В. Компетенция Союза ССР в области бюджета. М., 1976. — 30-6; Финансовое право: Дарслик / проф. О.Н.Горбунова тахрири остида. — М.: Юристъ, 1996. — 31-6.

² Халфина Р.О. К вопросу о предмете и системе советского финансового права. М., 1952. 195-6; Иванов Б.Н. О системе советского финансового права // Тр. ВЮЗИ. Т.1.1967, 40-41-бетлар; Пископин М.И. Советское бюджетное право. М., Юрид. лит. 1971.- 40-49-бетлар; Чхиквалдзе В.М., Ямпольская Ц.А. О системе советского права. // Советское государство и право, 1967, №9. 32-40-бетлар; Финансовое право. М., Юрид. лит., 1967.- 38-6. Советское финансовое право. М. Юрид. лит. 1974. — 43-6.

Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан таркиб топганлигини белгилаб беради. Улар Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг давлат бюджетини қабул қилиш ва жойларда ваколатли органларнинг маҳаллий бюджетни тасдиқлаш ва маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш ҳуқуқини бериш бўйича алоҳида ваколатини ҳам мустаҳкамлаб беради (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 78-модда 8-банди, 100-модда). Ушбу қоидалар молия ҳуқуқи меъёрларида янада аниқлаштириб берилган. Демак, молия-ҳуқуқ меъёрларининг катта гуруҳи мавжуд бўлиб, улар давлат ва маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижро этиш, даромадлар ва харажатларни шакллантириш, молиявий назоратни амалга ошириш тартиби, шунингдек, республика солиқ ва молия-кредит сиёсатини амалга ошириш механизмини батафсил назорат қилади. Шундай қилиб, конституцион ҳуқуқ нафақат молия ҳуқуқи, балки айрим молиявий-ҳуқуқий институтлар учун ҳам дастлабки асосларни мустаҳкамлаб беради.

Маъмурий ҳуқуқ давлат ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан молия соҳасида амалга ошириладиган ижроия ҳокимияти соҳасида таркиб топадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг асосий қисми ижроия ва тақсимот фаолияти соҳасида кечади ва шу боисдан маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади (масалан, давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи барча даражалардаги ижроия ҳокимияти органлари мақоми, уларнинг ташкилий тузилмаси, мансабдор шахсларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш тартиби ва ҳ.к.).

Шу билан бирга, ижроия органларининг давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича функцияларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатлар алоҳида ажратилган бўлиб, улар молия ҳуқуқи предметига киради. Масалан, маъмурий ҳуқуқ жойларда давлат бошқарув органларининг ижрочилик ва тақсимот фаолиятини тартибга солади, молия ҳуқуқи эса ушбу органлар томонидан маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижро этиш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш ва ҳ.к. бўйича функцияларнинг бажарилиши билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади.

Қўшгина молиявий муносабатлар учун тартибга солишнинг маъмурий усули ҳосилдир. Қайд этилганидек, молиявий муносабатлар қатнашчиларидан бири давлат номидан ҳаракат қилади ва

иккинчи томонга нисбатан ҳокимият ваколатлари берилган. Субъектларнинг бундай ҳолати, одатда, маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларга хос хусусиятдир.

Молия ҳуқуқи билан **фуқаролик ҳуқуқи** ҳам бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқдир. Бу шу нарса билан изоҳланадики, фуқаролик ҳуқуқи предметда мулкӣ муносабатлар орасида пул муносабатлари ҳам мавжуд. Молия ҳуқуқи билан фуқаролик ҳуқуқини ажратганда предметдаги фарқлардан ташқари, ҳамма вақт тартибга солиш усули, субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати, муносабатларнинг юзага келиш ва тугалланиш асослари, субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш тартиби ва ҳ.к. ўртасидаги фарқларни ҳисобга олиш керак.

Молия ҳуқуқи давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш функциялари билан бевосита боғлиқ бўлган мулкӣ муносабатларни тартибга солади. Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар томонларидан бири иккинчи томонга нисбатан ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органидир. У бир томонлама хоҳиш-иродага кўра, яъни давлат ёки унинг органининг муайян ҳужжатига асосан юзага келади. Тенг ҳолатда бўлган субъектлар ўртасидаги мулкӣ муносабатлар эса, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади. Улар кўпинча иккала томоннинг хоҳиш-иродаси бўйича юзага келади. Ушбу муносабатларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари суд тартибида ҳимоя қилинади.

Кўп ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий ва молиявий-ҳуқуқий муносабатлар бир-бири билан чамбарчас узвий боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади ва шу сабабли уларни аниқ чегаралаш қийин. Масалан, бу *ҳисоб-китоблар, кредит, мулкӣ ва шахсий сугурта* муносабатларига тааллуқли бўлиб, улар ҳам фуқаролик ҳуқуқи, ҳам молия ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Қайд этилганидек, Марказий банк юридик шахс, яъни хўжалик юритувчи субъект ва айни вақтда давлат бошқарув органи мақомига эгадир. Шу сабабли унинг, бир томондан, ўз функцияларини бажариши, иккинчи томондан, хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар ва муассасалар ёки жисмоний шахслар ўртасидаги молиявий муносабатлар соҳасидаги функцияларини бажариши билан боғлиқ ҳолда шартнома (ҳисоб-китоб варағи, ссуда, сақлаш ва ҳ.к.) асосидаги муносабатлар юзага келади. Ушбу муносабатларда томонлар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ва шу боисдан улар молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш предметига кирмайди. Молиявий-ҳуқуқий меъёрлар мазкур ҳолда кредитлаш, шунингдек, хўжалик субъектлари ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Бу меъёрларга қатъий риоя этилиши шарт, чунки улар ҳокимият

ваколати берилган давлат бошқарув органи бўлган Марказий банк томонидан белгиланади.

Молия ҳуқуқи ҳуқуқнинг айрим бошқа тармоқлари (меҳнат ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва ҳ.к.) билан муайян ўхшашликка ва фарққа эга. Аммо барча ҳолларда республика ҳуқуқ тизимининг бошқа тармоқларидан молия ҳуқуқини ажратишнинг асосий мезони бўлиб унинг предмети ва у билан белгиланадиган ҳуқуқий тартибга солиш усулининг ўзига хос хусусиятлари хизмат қилади.

Молия ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, уни ҳуқуқнинг бошқа тармоқларидан ажрата билиш жуда катта амалий аҳамиятга эгадир, чунки бу, унинг ўзига хослиги ва мазкур фаолиятга хос бўлган умумий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, давлат молиявий фаолиятини аниқ ташкил этишга имкон беради, молиявий-ҳуқуқий меъёрларни тўғри тушуниш ва қўллашга ёрдам беради.

④ Молия ҳуқуқи тизими ва манбалари

Молиявий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ меъёрларига уларнинг ўзаро узвий боғлиқлиги хос бўлиб, бу боғлиқлик нафақат уларни чиқарган ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳолати ва нафақат ушбу меъёрларнинг қўлланиш соҳаси, балки ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ички тузилмаси қонуниятлари билан ҳам белгиланади. Демак, молия ҳуқуқи ўзининг ички тузилмаси ёки тизимига, яъни кўпгаб бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган бутун бир элементларга эга бўлиб, уларда молиявий-ҳуқуқий меъёрлар муайян изчилликда бирланади ва жойлашади.

Махсус адабиётларда тўғри қайд этилганидек, **молия ҳуқуқи тизими** деганда, унинг молиявий муносабатлар билан объектив белгиланган ички тузилиши, молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг муайян изчилликда бирикуви ва жойлашишини тушунмоқ керак¹.

Ҳуқуқнинг кўпгина тармоқлари сингари молия ҳуқуқи икки қисмга бўлинади: умумий ва махсус қисмлар.

Ушбу дарсликда молия ҳуқуқининг умумий қисми ҳуқуқнинг мазкур тармоғи мазмун-моҳиятига кириш учун имкон берадиган асосий услубий нуқтаи назар сифатида берилган. Шу сабабли унда соф юридик қоидалар зарур назарий асослар билан биргаликда уйғунлашиб кетади.

¹ Финансовое право. Дарслик / проф. Н.И.Химичева таҳрири остида. М.: БЕК, 1966.- 22-б. Советское финансовое право. Дарслик.-М.: Юрид. лит. 1987. 61-б.

Умумий қисм молия ҳуқуқининг давлат молияси тушунчасини белгилайдиган меъёрлари, давлат молиявий фаолиятининг ҳуқуқий шакллари ва усуллари ҳамда унинг тамойиллари, молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар тизими ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати, молиявий назоратнинг шакл ва усуллари ҳамда бошқа умумий хусусиятдаги молиявий-ҳуқуқий меъёрларни бирлаштиради. Молия ҳуқуқининг умумий қисми меъёрлари давлатнинг бутун молиявий фаолияти доирасида амал қилади ва унинг учун умумий аҳамиятга эгадир.

Махсус қисм тегишли молия ҳуқуқи институтларини ўз ичига қамраб олган айрим бўлимлар доирасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъёрларни белгилайди. Бўлимда бир турдаги молиявий муносабатлар гуруҳини тартибга солувчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи берилган. Молия ҳуқуқи институти бўлимга қараганда мазмун жиҳатидан нисбатан тор ва ўзаро яқин бўлган молиявий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни бирлаштиради.

Молия ҳуқуқининг махсус қисми қуйидаги бўлимлардан иборат: Бюджет ҳуқуқи, Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш, Давлат харажатларини ҳуқуқий тартибга солиш.

Тартибга солинаётган муносабатларнинг бир турлилиги белгиси бўйича бўлимга бир неча молия ҳуқуқи институтлари кириши мумкин (масалан, «Бюджет ҳуқуқи» бўлимига бюджет тузилиши, бюджет жараёни, давлат мақсадли жамғармалари институтлари киради).

Молия ҳуқуқининг махсус қисмига молия ҳуқуқи институтлари кириб, уларда банк фаолияти, пул муомаласи, ҳисоб-китоб муносабатлари, валютани тартибга солиш ва қимматли қоғозларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар гуруҳланган. Анъанага кўра, молия ҳуқуқига оид дарсликларда ушбу кўрсатилган молия ҳуқуқи институтлари мустақил бўлимда бирлаштирилади¹.

Молия ҳуқуқи тизимида объектив мавжуд бўлган иқтисодий категория сифатидаги молия тизими ўз ифодасини топган. Молиялар бирлиги Умумий қисмда ҳуқуқий ифодасини топган. Махсус қисмнинг тузилиши молия тизими элементларини, унда айрим бўғинларнинг ажратилишини акс эттиради.

Ҳуқуқ тизимининг илмий асосланганлиги, унинг объектив мавжуд муносабатлар асосида тузилиши молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг энг тўғри қўлланиши учун имкон беради ва натижада қонунчиликни мустаҳкамлашга ва молия ҳуқуқи томонидан ўзининг фаол ролини бажаришга ёрдам беради.

¹ Филансовое право: Дарслик / проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. - М.: Юристъ, 1996.- 301-б.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрлар кўп сонли ҳуқуқий ҳужжатлар ва манбаларда берилган.

Юридик фанда **ҳуқуқ манбалари** деганда, *ҳуқуқий меъёрлар ифодасининг ташқи шакллари, ҳуқуқ мавжуд бўлишининг шакллари* тушунилади. Ҳозирги замон ҳуқуқшунослигида янада аниқроқ таъриф ишлаб чиқилган бўлиб, ҳуқуқ манбаи деганда – мазкур жамият томонидан ҳуқуқни тушуниш хусусияти билан белгиланган ижтимоий меъёрларни мажбурий деб билиш усулини тушуниш керак. Тарихда мажбурий меъёрлар мавжуд бўлишининг уч шакли маълум: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд прецеденти ва ҳуқуқий одат.

Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг роман-герман турига кирадиган ўзига хослиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг молия ҳуқуқи манбаи сифатидаги устуворлигини белгилайди. Молиявий-ҳуқуқий-меъёрлар турларининг кўплиги молия ҳуқуқи манбаларининг ҳам турли хиллигини белгилаб беради.

Молия ҳуқуқининг энг асосий манбаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституцион ҳуқуқнинг тадбиркорликнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ҳуқуқини кафолатлайдиган меъёрлари молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусан табиатини ҳам белгилайдиган асосий меъёрлар бўлиб ҳисобланади. Улар бюджет тузилishi, молия ва пул-кредит тизими асослари, белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти, давлат молиявий фаолиятининг тамойилларини мустаҳкамлаб беради (Конституция, 51, 122-моддалари).

Молия ҳуқуқининг мустақил манбалари бўлиб бюджет тизими тўғрисида, банклар ва банк фаолияти тўғрисида, валютани тартибга солиш тўғрисида, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳисобланади.

Молия ҳуқуқи манбалари қаторига ижроия ҳокимияти органларининг қонуности ҳужжатлари ҳам киради. Демак, молиявий-ҳуқуқий меъёрлар Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг қарорлари, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларида мавжуд.

Молия ҳуқуқи манбаларининг катта гуруҳини молия-кредит ва солиқ органларининг давлат молиявий фаолиятининг турли масалаларига оид норматив ҳужжатлари (Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитасининг буйруқлари ва йўриқномалари) ташкил этади. Бир қанча норматив ҳужжатлар ушбу органлар ва бошқа давлат органлари (Давлат мулк қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва ҳ.к.) билан ҳамкорликда яратилган.

Молия ҳуқуқи манбалари орасида ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари: маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи меъёрларини ҳам

ўз ичига оладиган манбалар кўп. Уларга жойлардаги давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунлар, Марказий банк тўғрисидаги қонун, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси киради. Масалан, Фуқаролик кодекси пул, валюта бойликлари, қимматли қоғозлар, валюта пул мажбуриятлари каби категорияларни белгилайдиган меъёрларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқининг ягона кодификацияси йўқ ва шу туфайли ҳуқуқ ушбу тармоғининг кодекс туридаги ягона манбаи йўқ. Фақат солиқ муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги кодификацияланган манба бор ҳолос (1998 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси¹ амал қилмоқда).

Бизнинг Республикамиз ҳуқуқ тизимида суд прецеденти молия ҳуқуқи манбаи ролини ўйнамайди, чунки олий суд инстанциялари - Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумлари ва Олий ҳужалик суди ўз қарорларида суд амалиёти бўйича фақат тушунтиришлар беради.

¹ ЎРОКА, 1997 й., кўрсатилган асар №4-5, №9 241-м; 1998 й., №3, 38-м, №5-6, 102-м, №9, 181-м; 1999 й., №1, 20-м, №5, 124-м, №9, 229-м; 2000 й., №5-6, 153-м; 2001 й., №1-2, 23-м, №5, 89-м, №9-10, 182-м; 2002 й., №1, 20-м, №4-5, 74-м, №9, 165-м; //Халқ сўзи. - 2003. - 8 февраль.

1. Молия ҳуқуқи меъёрлари мазмуни

Ҳар қандай ҳуқуқ тармоғининг мазмун-моҳияти ва ижтимоий йўналиши ҳуқуқ меъёрлари хусусияти билан белгиланиб, уларнинг мажмуи давлат ҳуқуқ тизими у ёки бу тармоғининг мазмунини ташкил этади. Ҳуқуқнинг ҳар бир тармоғи, шу жумладак молия ҳуқуқининг меъёрлари ҳар қандай ҳуқуқ меъёри учун хос бўлган умумий белгиларга, шунингдек, ўзига хос бўлган хусусиятларига ҳам эгадир.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг умумий белгиларига шу нарса кирадики, улар муайян хатти-ҳаракат қоидаларидан иборат бўлиб, давлат томонидан белгиланади (бошқа ижтимоий меъёрлардан, масалан, ахлоқ меъёрларидан фарқланади), шу боисдан уларга риоя этилиши мажбурий бўлиб, улар бузилган ҳолларда, давлатнинг мажбурлов кучи билан муҳофаза этилади.

Бошқа ҳуқуқ тармоқларининг меъёрлари каби, молиявий-ҳуқуқий меъёрлар ушбу муносабатлар субъектларининг юридик мажбуриятлари ва ҳуқуқларини аниқлаш, шунингдек, ҳуқуқлар бузилган ва мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда уларнинг жавобгарлигини белгилаш йўли билан ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Молия ҳуқуқининг ўзига хос томонлари молия ҳуқуқи предмети ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш усулидан иборат бўлган ижтимоий муносабатларнинг хусусияти билан белгиланади.

Молия ҳуқуқи предмети билан белгиланган молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг ўзига хос бўлган асосий хусусияти шундан иборатки, улар Ўзбекистон ҳуқуқ тизими бошқа тармоқларининг меъёрларидан фарқли равишда, махсус қўлланиш соҳасига эга бўлиб, бу хусусан давлат молиявий фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Шу сабабли молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг мазмуни шунда намоён бўладики, улар давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган молиявий муносабатлар соҳасида амал қилиниши шарт бўлган хатти-ҳаракат дорасини белгилаб беради. Бу шуни англатадики, улар ёрдамида давлат органлари, мансабдор шахслар, хўжалик субъектлари ва муассасалар, жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар давлат молиявий фаолияти соҳасида қачон ва ҳаракатнинг қандай шартларига риоя этганларида қонунчилик талабларига аниқ мувофиқ келиши белгиланади. Шу билан бирга, молиявий-ҳуқуқий меъёрларда қандай ҳаракатларни амал-

га ошириш мумкин ва қайсиларидан ўзини тутиш кераклиги кўрсатилади.

Шундай қилиб, аввал қайд этилганидек, молия ҳуқуқи ҳуқуқ меъёрларида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатнинг бирорта ҳолатига кўрсатма берилади ёки унга белгиланган шарт-шароитларда риоя этилганида рухсат берилади ва, ниҳоят, муайян ҳаракатларни амалга ошириш ман этилади. Шу тариқа аслида ижтимоий муносабатлар қатнашчиларининг давлат, жамият ва шахс манфатларига мувофиқ келадиган молиявий фаолият соҳасидаги мажбурият ва ҳуқуқларини белгилаш йўли билан улар хатти-ҳаракатининг белгиланган ҳуқуқий тартиби яратилади.

Ҳуқуқни тартибга солиш предмети билан белгиланган молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг бошқа бир хусусияти шундан иборатки, улар хусусий эмас, балки оммавий манфаатларни амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Масалан, айрим олинган хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини амалга оширишда ёрдам берадиган фуқаролик ҳуқуқи меъёрларидан фарқли равишда, молиявий-ҳуқуқий меъёрлар воситасида бутун жамият ва давлатнинг манфаатлари таъминланади¹.

Молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш усули билан белгиланган молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг алоҳида хусусиятларига *императив* (буйруқ) хусусият кириб, у шу билан ифодаланадики, уларда муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун қатъий ёзма буйруқлар, кўрсатмалар мавжуд бўлади. Масалан, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тўловларни ўз муддатида ва тўла ҳажмда бюджетга ўтказиш, давлат пул маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва ҳ.к. Молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг императивлиги яна шунда ифодаланадики, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари ўз ихтиёри бўйича уларнинг ёзма буйруқлари, кўрсатмаларини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг императив (буйруқ) хусусияти шу билан белгиланадики, давлат молиявий фаолияти, агар унда норматив ва юридик ҳокимият хусусиятга эга бўлган кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, амалга оширилиши мумкин эмас. Ушбу ҳолат, масалан, давлат молиявий фаолиятининг шундай элементида энг ёрқин тарзда намоён бўладики, бу давлат марказлаштирилган пул маблағлари жамғармаларининг ташкил этилишидир. Маълумки, бундай жамғармани ташкил этишнинг асосий манбаи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлардир. Бундай шароитларда кўрсатилган субъектларга ўз ихтиёри

¹ Молия ҳуқуқи предмети билан белгиланган Молиявий-ҳуқуқий нормаларнинг ушбу хусусияти ва бошқа айрим хусусиятлари туғрисида янада батафсилроқ маълумотлар берилган, қ. Карасева М.В. «Гипотезное право. Общая часть»: Дасрлик.- М.: Юристъ, 2000 й. 65-69-бетлар.

бўйича эркинликлар бериш ҳамда давлат ҳокимият кўрсатмалари усулини бузиб кўрсатиш шунга олиб келадик, ихтиёрий равишда солиқларни тўлашни ким ҳам хоҳларди, дейсиз. Аксинча, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, солиқларни тўлаш бўйича молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг тўғридан-тўғри кўрсатмалари мавжуд бўлишига қарамасдан, кўпгина солиқ тўловчилар солиққа тортиладиган даромадлар ва бошқа объектларни яшириш йўли билан уларни тўлашдан бўйин товлашга ҳаракат қилишади.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг императивлиги турли шаклларда ифодаланиши мумкин бўлиб, бу тартибга солинадиган молиявий муносабатлар, уларни тартибга солиш мақсадлари, ушбу муносабатлар субъектлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқдир. Бу фарқлар тегишли норматив кўрсатмаларнинг бевосита мазмунида ўз ифодасини топади.

Айрим ҳолларда молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг императивлиги тўғридан-тўғри бериладиган кўрсатма шаклида ифодаланиб, молиявий муносабатлар субъектлари зиммасига бошқача эмас, балки айнан шундай ҳаракат қилиш мажбуриятини юклайди ва шу билан бевосита қатнашчилар томонидан ушбу муносабатлар шартлари ва хусусиятини ўзгартириш имкониятини йўққа чиқаради.

Бошқа ҳолларда императивлик нисбатан енгил шаклларда намоён бўлади, бунда молия ҳуқуқи меъёри бажарилиши шарт бўлган ҳаракатнинг бир хил маънодаги моделига эга бўлмайди ва у давлат молиявий фаолияти соҳасида тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу субъект томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатини назарда тутлади.

Биринчидан, бу молия ҳуқуқи меъёрида назарда тутилган ҳолатлардан бирини танлаш имкониятини беришдир. Масалан, кичик корхоналарга солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи берилган. Улар ўз ихтиёри бўйича Солиқ кодексига белгиланган солиқ солиш тизимини танлаши ёки назарда тутилган ягона солиқ тўлашнинг соддалаштирилган тизимини қўллаши мумкин¹.

Иккинчидан, бу ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиш ёки ҳаракат қилмаслик имкониятининг берилиши, яъни молия ҳуқуқи меъёрида назарда тутилган ҳаракатни амалга ошириш ёки уни амалга оширишдан воз кечишдир. Мазкур ҳолда гап шу ҳақда кетяптики, императивлик молиявий муносабатлар қатнашчилари томонларидан бирининг хоҳиш-иродасига мос келиши мумкин. Ҳуқуқий тартибга солишнинг бундай вариантыга юридик шахслар

¹ Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 15 апрелда 159-сонли қарор билан тасдиқланган. Кейинги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан бирга.

Ўртасида жойлаштириладиган давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг амалдаги тартиби мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Давлат бир томонлама тартибда фақат облигацияларни чиқариш, жойлаштириш ва тўлаш шартларини белгилайди, аммо уларни мажбурий тартибда сотиб олинишини назарда тутмайди. Ушбу облигацияларни сотиб олиш юридик шахс ўз ихтиёри бўйича ҳал қилади.

Шундай қилиб, молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг давлат молиявий фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларга, уларнинг турли қатнашчиларига бўлган тартибга солувчилик таъсири фаол ҳаракат қилишни аниқ белгилаш, шунингдек, ўз ихтиёри бўйича умумий қоидалар доирасида ҳаракат қилиш имкониятини беришдан иборатдир. Бунда давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ушбу барча ҳолатлари норматив кўрсатмаларнинг императив шаклига бўйсунди.

Ушбу кўрсатмалар ёрдамида молия ҳуқуқи меъёрлари тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар қатнашчиларига муайян ҳуқуқлар беради, уларнинг зиммасига аниқ юридик мажбуриятларни юклайди, ҳуқуқларнинг аниқлиги ва мажбуриятларнинг ижро этилишини таъминлаш учун кафолат яратади.

Қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, молия ҳуқуқи меъёри - давлат молиявий фаолияти соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ушбу муносабатларда юридик мажбуриятлар ва субъектларнинг ҳуқуқларини аниқлаш, шунингдек, ҳуқуқлар бузилган бки мажбуриятлар бажарилмаган ҳолда, уларнинг жавобгарлигини аниқлаш йўли билан давлат томонидан белгиланган ва давлат мажбурий чоралари билан таъминланган ҳаракат қоидасидир.

~ Молиявий-ҳуқуқий меъёрлар, ҳуқуқнинг ҳар қандай шакли каби, унинг ички мантикий тузилишига эга бўлиб, булар: *гипотеза, диспозиция ва санкция*дир.

Гипотезада шартлар шаклланиб, улар мавжуд бўлган ҳолда мазкур меъёр талабларига асосланиш зарур.

Меъёр диспозицияси - кўрсатма, рухсат беришни ман этиш, яъни молиявий муносабатлар қатнашчилари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мазмунидир.

Санкция - молиявий-ҳуқуқий меъёрлар диспозициясида мавжуд бўлган талабларнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик чораларини назарда тутди. Молиявий-ҳуқуқий санкциялар ҳуқуқнинг бошқа тармоқлари санкцияларига нисбатан муайян ўзига хос томонларга эгадир. Биринчидан, улар асосан пул (жарима, пеня) шаклида белгиланади ва мажбурий тусдаги чоралар

тартиб бузувчиларнинг пул маблағларига нисбатан қўлланади. Масалан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг солиқ органида ҳисоб юритишга қўйилишидан бош тортиши уларга энг кам иш ҳақининг беш баробар миқдориди жарима солинишига сабаб бўлади. Иккинчидан, жазо тариқасида ундириб олинган пул маблағлари давлат ёки маҳаллий бюджетнинг даромад қисми ҳисобига ўтказилади. Учинчидан, молиявий санкциялар юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Бунда молиявий-ҳуқуқий жазо айнан бир вақтда мансабдор шахсга ҳам ҳўжалик юритувчи субъектга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Даромад ёки фойда яшириб кўрсатилган ҳолда, солиқ тўловчи - ҳўжалик юритувчи субъектдан яширилган даромад ёки фойданинг барча суммаси ва шу миқдордаги жарима ундириб олинади, бундай қоидабузарликда айбдор бўлган шахслар эса, энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ўн беш баробаригача миқдорда жаримани тўлашга жалб этилади.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрлар бўйича кўрсатмаларни бузганлик учун интизомий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин.

2. Молия ҳуқуқи меъёрлари таснифи

Молиявий-ҳуқуқий меъёрлар ўзининг тартибга солиш йўналиши ва унга мувофиқ ҳолда юридик мазмуни билан ниҳоятда хилма-хилдир. Шу сабабли тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг ўзига хос хусусиятларини энг яхши даражада тушуниш учун уларни таснифлаш катта аҳамиятга эга.

Молия ҳуқуқига тегишли адабиётларда молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг турлича таснифи мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари тўла равишда ишонарли эмас. Молия ҳуқуқи томонидан бажариладиган функцияларга қараб тартибга солувчи ва муҳофаза этувчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар ажратилади¹. Бундай тасниф шундай ҳолатни ҳисобга олмайдики, тартибга солиш ҳар қандай ҳуқуқий меъёрларга хос бўлган, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилишга йўналтирилган умумий хусусият эканлигини ҳисобга олмайди ва уларни сунъий равишда ажратиш асосли бўлармикан.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрларни улар ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида қандай фаолиятни бажаришига қараб, яъни уларни ихтисослашуви бўйича таснифлаш ҳам жиддий эътироз-

¹ Карасева М.В. Юқориди кўрсатилган асар, 70-6.

ларга сабаб бўлади. Ушбу тасниф бўйича, масалан, дефиниция-меъёрлар ва тамойил-меъёрлар фарқланади. Ушбу тасниф ҳуқуқ меъёрининг асл мазмун-моҳияти билан боғлиқ бўлган объектив реалликни акс эттирмайди, маълумки, у муайян ҳаракат қоидаларидан иборат бўлиб, гипотеза, диспозиция ва санкциядан таркиб топган ўзининг ички тузилмасига эга. Дефиниция-меъёрлар аслида ҳуқуқ меъёрининг у ёки бу қисмидан иборат бўлиб, мазкур ҳуқуқий меъёрда мавжуд бўлган тушунчаларни таърифлайди. Бундай тасниф муаллифининг изоҳ бериб, «ихтисослаштирилган меъёрлар, уларга меъёр-дефинициялар ҳам киради, ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши учун мустақил норматив асос бўлмайди, балки тартибга солувчи ва муҳофаза этувчи меъёрларга гўёки кўшилиб кетади»¹ деб ёзиши тасодифий эмас.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрларни икки турга: **моддий** ва **процессуал** турларга таснифлаш энг умумий хусусиятга эгадир. Молия ҳуқуқига оид адабиётларда бундай таснифлаш мезони сифатида айрим ҳолларда молиявий-ҳуқуқий меъёрлар мазмуни², бошқа ҳолларда эса, молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ўзига хос хусусиятлари³ кўриб чиқилади. Қайд этилган мезонлар, қуйида кўрсатилганидек, молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг бошқа таснифига объектив равишда хосдир. Мазкур ҳолда эса, муайян қоидаларни ўз ичига олган юридик хусусиятдек таснифловчи белги ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Моддий молиявий-ҳуқуқий меъёрлар давлат пул жамғармаларини тапқил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича молиявий муносабатлар қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ва мазмунини, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини белгилайди. Уларда шундай ҳуқуқий тартибот ўз ифодасини топадики, унинг доирасида давлат молиявий фаолияти амалга оширилиши, молиявий муносабатлар қатнашчилари ҳаракат қилиши лозим. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва жойлардаги ваколатли органларнинг мувофиқ равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган молиявий-ҳуқуқий меъёр ўз хуссиятига кўра моддий ҳисобланади. Давлат солиқ ва банк тизимларининг асосларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунчилик билан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тегишли бюджетларга тўлаш бўйича мажбуриятларини белгилайдиган меъёрлар ҳам шунга киради.

¹ Шу асар, 73-б.

² Финансовое право. Дарслик // проф. Н. И. Химичева таҳрири остида. М.: БЕК, 1966, 31-б.

³ Карасева М.В. Юқорида кўрсатилган асар, 75-б.

Купгина моддий молиявий-ҳуқуқий меъёрлар давлат пул жамғармалари манбалари ва уларни сарфлаш йўналишлари, шунингдек, молиявий мажбуриятлар мазмунини мустаҳкамлаб беради, масалан, солиқлар ставкаси, турли марказлаштирилган давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган маблағларнинг аниқ миқдори ва ҳ.к.

Процессуал молиявий-ҳуқуқий меъёрлар тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар қатнашчилари учун моддий молиявий ҳуқуқ меъёрларида назарда тутилган, давлат молиявий фаолияти соҳасидаги юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Бошқача айтганда, улар давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият тартибини белгилайди ва амалдаги қонунчилик билан белгиланган ушбу фаолиятдаги жараён қоидаларига риоя этилишини талаб қилади. Масалан, бу давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларни очиш, валюта ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш ва ҳ.к. жараёнларни белгилайдиган меъёрлардир.

Республикамиз ҳуқуқ тизимининг бошқа тармоқларидан фарқли равишда, молия ҳуқуқида, одатда, моддий ва процессуал меъёрлар ягона манбаларда мавжуд¹. Бунда шуни қайд этиш керакки, норматив ҳужжатларда процессуал молиявий-ҳуқуқий меъёрлар кичик ўринни эгаллайди. Процессуал меъёрлар бюджет ҳуқуқида энг кўп ўринни эгаллайди, улар давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш, унинг ижро этилиши туғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тасдиқлаш каби масалаларни тартибга солади.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрларни уларнинг аниқ юридик мазмунига қараб таснифланиши алоҳида аҳамият касб этади. У ҳуқуқнинг барча тармоқлари учун умумий бўлган ижтимоий муносабатларни молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш усулининг у ёки бу варианты: кўрсатма бериш, ман этиш ва рухсат беришга асосланади. Молия ҳуқуқига оид айрим манбаларда бундай тасниф мезони сифатида молиявий муносабатлар қатнашчиларига таъсир кўрсатиш усули тилга олинishi бежиз эмас². Шу нуқтаи назардан молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг уч тури ажратилади: **мажбурият юқловчи, ман этувчи ва ваколат берувчи** меъёрлар.

Мажбурият юқловчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар ушбу меъёрлар гипотезасида назарда тутилган шароитлар мавжуд

¹ Масалан, фуқаролик ҳуқуқи ва жиноят ҳуқуқида моддий ва процессуал нормалар иккита мутақил манбаларда: Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал кодексларида, Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида берилган.

² Советское финансовое право. Дарслик. - М.: Юрид. лит. 1987. - 68 б.

булган ҳолларда муайян ҳаракатларни албатта амалга ошириш учун берилган юридик ҳокимият кўрсатмаларни ўз ичига олади. Масалан, солиқ солинадиган даромад ёки мулк мавжуд булган ҳолларда юридик ва жисмоний шахслар тегишли солиқ тўлашлари шарт; Бюджет тизими тўғрисидаги қонунга мувофиқ бюджет маблағларини олувчилар тегишли молия органларига кейинги молия йилида бюджетдан ажратиладиган маблағларни олиш учун ариза, буюртмалар беришлари лозим.

Маълумки, ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзи ўзининг етакчи намоён бўлишида айна ҳуқуқий кўрсатмаларга бориб тақалади. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, ушбу кўрсатмаларнинг хусусияти турлича бўлиши мумкин. Хусусан, бу шунда ифодаланадигани, кўнгина мажбурийат юкловчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар тўғридан-тўғри мажбурий кўрсатмалар эмас, балки тартибга солинувчи молиявий муносабатлар қатнашчиларининг умумий ва махсус мажбурийатларини белгилаш кўринишида шакллантирилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонунда у амалга ошириши шарт булган ҳаракатларнинг кенг доираси мавжуд (16-моддада бундай ҳаракатларнинг 16 варианты назарда тутилади). Аслида бундай турдаги меъёрлар билан давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи орган ваколатига кирувчи асосий қоидалар белгиланади. Юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан уларга молиявий-ҳуқуқий нормалар белгилаб қўйиладиган умумий мажбурийатлар уларнинг молиявий-ҳуқуқий мақоми аспектидир.

Ман этишчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар ушбу меъёрлар томонидан белгиланган шароитларда у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишнинг тақиқланишини назарда тутлади. Ман этиш тўғридан-тўғри - бевосита ва воситали хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда иш ҳақи тўлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 19 августдаги 326-сонли қарори 2-банди ман этишга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. У қуйидагича баён этилган: «Корхоналар ходимларига иш ҳақини акциз солиғи солинадиган натурал шаклдаги товарлар билан тўлаш ман этилади». Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан иш ҳақини акциз солиғи солинадиган товарлар билан тўлаш солиқлар тўлашдан бош тортиш деб қаралади ва ушбу хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади».

Воситали шаклдаги ман этишларда барча молиявий-ҳуқуқий меъёрлар мавжуд бўлиб, бу меъёрларда у ёки бу молиявий қондабузарликнинг юридик таркиби назарда тутилади. Масалан, солиқ қонунчилиги меъёрларида юридик ва жисмоний шахслар-

нинг солиқ органида ҳисоб юритишга қўйилишидан бош тортишини тўғридан-тўғри ман этиш берилмаган. Уларга солиқ органида ҳисобга туриш ва давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб ўн кунлик муддат ичида идентификацион рақам олиш тўғрисида кўрсатма берилган. Бундай мажбуриятни бажармаганлик учун коидабузарларга нисбатан Солиқ кодексига назарда тутилган тегишли молиявий жазолар қўлланилади. Шу тариқа молиявий-ҳуқуқий меъёрлар қатъий белгиланган ҳаракатларни амалга оширишга кўрсатма бериб, бундай ҳаракатларни ман этиш учун махсус тақиқни белгиламайди ва бу ерда тақиқлаш воситали шаклда намоён бўлади.

Молия ҳуқуқининг **ваколат берувчи** меъёрлари давлат молиявий фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатлар қатнашчиларига мазкур меъёр юридик ҳоқимият кўрсатмалари доирасида ўз ихтиёри бўйича ҳаракат қилиш имкониятини назарда тутаяди, яъни бу ерда тўғридан-тўғри кўрсатмалар ҳам, ман этишлар ҳам йўқ. Аммо молия ҳуқуқи меъёрлари муайян ҳуқуқий тартибот яратиб, молиявий муносабатлар қатнашчилари улар доирасида муайян ҳаракатларни ихтиёрсиз равишда, кўрсатилган тартиботга бўйсунган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Бу шуни англатадики, мустақил ҳолда ҳаракат қилиш имконияти у ёки бу молиявий-ҳуқуқий меъёр билан белгиланган умумий қоида билан чекланган. Масалан, барча юридик шахслар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, ҳисоб-китобларни нақд пулсиз тартибда амалга оширишлари шарт. Бунда қонунчиликда назарда тутилган бундай ҳисоб-китобларнинг аниқ шаклини қўллаш тўғрисидаги масала ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ҳал этилади. Лекин қатъий белгиланган ҳуқуқий тартибот ёки умумий қоида доирасидан четга чиқишга йўл қўйилмайди: ҳисоб-китобларни фақат қонунчиликда назарда тутилган шаклларда амалга оширишга рухсат берилади.

3. Молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг макон, вақт ва шахслар доирасидаги ҳаракати

Молиявий-ҳуқуқий меъёрлар муайян макон ва вақт чегараларига эга бўлиб, улар шахсларнинг турли доирасига нисбатан кучга эга бўлиши ҳам мумкин.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг **маконда** ҳаракат қилиши шуни англатадики, улардаги қоидалар амалий кучга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ёки айрим маъмурий-ҳудудий бирлик (Қорақалпоғистон Республикаси, ви-

лонтлар, туманлар, шаҳарлар) ҳудудида албатта ижро этилиши лозим.

Давлат ҳудудида вакиллик ва ижроия ҳокимиятининг марказий органлари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлган меъёрлар умуман амал қилади. Уларга қонунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президентнинг фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари киради. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мавжуд бўлган молиявий-ҳуқуқий меъёрларга келсак, бу ерда шуни назарда тутиш керакки, уларнинг кўрсатилган органлар томонидан белгиланган ва давлат молиявий фаолияти соҳасида махсус ваколат билан таъминланган қисми Республикаимизнинг барча ҳудудида амал қилади. Бундай меъёрларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (қарор, буйруқ, низом, йўриқномалар ва ҳ.к.) киради.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги молиявий-ҳуқуқий меъёрлар (Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорлари) фақат тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида амал қилади ва уларга албатта ижро этилиши шарт ҳисобланади. Масалан, Халқ депутатлари кенгашларидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг айрим турлари бўйича аниқ ставкаларнинг белгиланиши, ҳудудий валюта жамғармаси маблағларидан фойдаланиш ва ҳ.к. тўғрисидаги қарорлари шулар жумласидандир.

Айрим ҳолларда молиявий-ҳуқуқий меъёрлар давлатлараро миқосларда амал қилиши мумкин. Бу меъёрлар икки томонлама битимларга мувофиқ бир неча давлатлар ҳудудида юридик кучга эга бўлган ҳолларда бўлиши мумкин, масалан, иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш бўйича меъёрлар. Бундай амалиётни кенгайтириш Ўзбекистон Республикасининг кўпгина яқин ва узоқ хориж давлатлари билан ўзаро муносабатлари учун қонуний бўлиб қолди.

Вақт бўйича молиявий-ҳуқуқий меъёрлар, одатда, муайян белгиланган амал қилиш муддатлари билан чекланмаган. Бу шуни англатадики, улар расмий равишда ўзгартирилиши ёки бекор қилингунига қадар юридик кучга эга бўлади. Бундай меъёрлар қонунлар, Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари, шунингдек, давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи молия-кредит органларининг кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мавжуд. Аммо айрим ҳолларда молиявий-ҳуқуқий меъёр амал қилишининг вақтинча муддати белгиланиши мумкин. Вақтинча

амал қиладиган молиявий-ҳуқуқий меъёрларга кўпинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли молия йили учун шу йил доирасида амал қиладиган мамлакат Давлат бюджети истиқболи тўғрисида ҳар йили қабул қилинадиган қарорларидаги кўрсатмалар киради. Вақтинча амал қиладиган молиявий-ҳуқуқий меъёрларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг муайян муддатда тўланиши керак бўлган у ёки бу солиқларни тўлаш муддатини айрим тўловчилар учун узайтиришга оид фармонлари мисол бўлиши мумкин.

Молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг **шахслар доираси бўйича** амал қилиши улар томонидан белгиланадиган қоидаларнинг жисмоний ва юридик шахсларга амал қилишидир. Бунда шуни қайд этиш керакки, ушбу меъёрлар чет эл юридик шахслари, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар учун ҳам амал қилади. Бундай меъёрлар Солиқ кодекси, Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ва молиявий қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларида мавжуд.

5-БОБ. МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

1. Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Молиявий-ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий муносабатларнинг муайян бир турини ташкил этади. Шу муносабат билан ҳар қандай ҳуқуқий муносабатга хос бўлган умумий хусусиятлар унга ҳам хосдир. Маълумки, ҳуқуқий муносабат унга юридик шакл берадиган ҳуқуқ меъёрининг мазкур ижтимоий муносабатни тартибга солиш таъсири натижасидир. Шу сабабли ҳуқуқий муносабатларда томонлар, ўз ихтиёри бўйича тўла ҳаракат қилиши мумкин бўлган ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинмаган ижтимоий муносабатлар, масалан, ахлоқ меъёрлари билан боғлиқ бўлган муносабатлардан фарқли равишда, ўзаро юридик мажбуриятлар ва ҳуқуқлар эгалари бўлиб қолади, уларнинг алоқаси эса, юридик хусусиятга эга бўлиб, давлат мажбурий кучи билан муҳофаза этилади.

Шу билан бирга, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, бу хусусиятлар уларни ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа турларидан ажратиш учун имкон беради. Ушбу хусусиятлар уларнинг юзага келиш соҳаси (давлат молиявий фаолияти), молиявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хослиги (давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи орган хоҳиш-иродасининг императивлиги ва бир томонламалиги), ҳуқуқий тартибга солиш объекти ва бошқалар билан белгиланади.

Молия ҳуқуқига оид махсус адабиётларда молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос турли хусусиятлари ажратилади. Аммо, кўпчилик муаллифлар томонидан ҳаққоний равишда кўрсатилган предметнинг ўзига хослиги ва молия ҳуқуқи усулини ҳисобга олган ҳолда, мазкур муносабатларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар фақат давлат пул жамғармаларини режали ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келади. Демак, молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг белгилловчи хусусияти шундан иборатки, улар асосан давлат ва ижтимоий ҳаётнинг махсус соҳасида, яъни давлатнинг айнан молиявий фаолияти соҳасида таркиб топади.

Иккинчидан, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар кўпинча мулк муносабатларнинг турларидан ҳисобланади, чунки ушбу муносабатлар объекти сифатида пул маблағлари қатнашади. Демак, пул муносабатлари марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган

пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Айрим ҳолларда молиявий муносабатлар бошқа муносабатларни, масалан, турли даражадаги бюджетлар ва бошқа молиявий режаларни тузиш, куриб чиқиш ва тасдиқлаш, молиявий ҳуқуқий муносабатлар барча қатнашчиларининг давлат тегишли пул маблағларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолияти қонунийлигини назорат этиш билан боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни ташкил этиш ҳамда режалаштиришга йўналтирилган бўлади. Гарчи мазкур ҳолда молиявий-ҳуқуқий муносабатлар объекти бевосита пул маблағлари бўлмаса ҳам, бу молиявий-ҳуқуқий муносабатлар барча мажмуининг мулкӣ хусусиятга эга эканлигини инкор этишга сабаб бўлмайди. Гап шундаки, бюджетларни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган ташкилий ҳаракатлардан кейин уларни ижро этиш бошланади, ушбу жараёнда пул маблағларининг бюджетлар даромад қисмига келиб тушиши ва бу маблағларнинг бюджетдан ажратилган маблағлардан аниқ фойдаланувчиларнинг ихтиёрига берилиши билан боғлиқ бўлган ҳаракати амалга оширилади. Шундай қилиб, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамма вақт пул маблағлари сабабли юзага келади.

Учинчидан, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар томонларидан бири сифатида ҳамма вақт давлат ёки унинг ваколатли органи қатнашади. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазкур хусусияти шу билан изоҳланадiki, молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий объекти ҳисобланган молиявий фаолият тўғридан-тўғри ва бевосита давлатнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ифодалайди. Айни шу давлат бутун жамият манфаатлари йўлида марказлаштирилган пул маблағлари жамғармаларини яратади ва тасарруф этади, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани молиялаштиришни ташкил этади.

Молиявий фаолият, илгари қайд этилганидек, вакиллик қонунчилиқ органлари томонидан ҳам, ижроия ҳокимият органлари томонидан ҳам амалга оширилиб, улар тегишли давлат-ҳокимият ваколатларига эгадир. Шу боисдан молиявий-ҳуқуқий муносабатлар уларда оммавий-ҳуқуқий манфаатни намоён этадиган тегишли субъект албатта ишироқ этган тақдирдагина юзага келади.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар давлат-ҳокимият хусусиятисиз мавжуд бўлиши мумкин эмаслиги ва уларнинг мулкӣ, пул муносабатлари билан чамбарчас узвий боғлиқлиги сабабли молия

ҳуқуқига оид адабиётларда улар *ҳокимият-мулкӣ муносабатлар* сифатида таърифланади¹.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил турига ажратиш учун қайд этилган барча хусусиятларнинг биргаликдаги мажмуига эга бўлиш лозим. Кўрсатилган хусусиятлардан ҳеч бўлмаса биттасининг йўқ бўлиши шундан шикоят берадики, маъмур ҳолда гап ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа турлари ҳақида кетиши мумкин. Масалан, ҳуқуқнинг бошқарув тармоқлари, хусусан фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари (қарз шартномаси, кредит шартномаси) билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар мулкӣ хусусиятга эга бўлади. Аммо бу ҳолда фақат молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзигагина хос бўлган бошқа хусусиятлар йўқ. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари, бир томондан, давлат молиявий фаолияти билан боғланмаган, иккинчи томондан эса, ушбу муносабатлар субъектлари турли ҳуқуқларга эга бўлиб, ўзларининг ўзаро муносабатларини шартнома асосида қурадилар, яъни уларда ҳокимият хусусияти йўқ. Бошқа мисол сифатида маъмурий ҳуқуқий муносабатларни ҳавола қилиш мумкин, улар ҳам, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар каби, ҳокимият-мулкӣ хусусият²га эга бўлиб, томонлардан бири сифатида ҳамма вақт ижроия ҳокимият органи қатнашади. Шу билан бирга, ушбу муносабатлар давлат пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат молиявий фаолияти билан боғланмаган.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа турларидан аниқ ажратиш давлат молиявий фаолияти соҳасида молиявий ҳуқуқ меъёрларини тўғри қўллаш учун катта амалий аҳамиятга эгадир.

Юқорида баён этилган дастлабки қарашлар *молиявий-ҳуқуқий муносабатни давлат молиявий фаолиятида юзага келадиган, ҳукмронлик-мулкӣ хусусиятга эга бўлган молиявий-ҳуқуқий меъёр билан тартибга солинган ижтимоий муносабат бўлиб, унинг қатнашчилари молиявий-ҳуқуқий меъёр билан белгиланган ва қаролатилган юридик мажбуриятлар ва ҳуқуқлар билан бўлади* деб таърифлаш учун асос бўлади.

¹ Қ. мас.: Ровинский Е.А. Основные вопросы теории советского права. М., 1960. 136-137-бетлар; Финансовое право: Дарслик / проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида.- М.: Юристъ, 1966. - 43-б.

² Жамғармалар, мусодара қилиш ва у ёки бу маъмурий қоидабузарликни амалга ошириш предмети бўлган жазо чораси қўлланиб, предметни олиб қўйиш шаклидаги маъмурий чораларнинг қўлланиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар шундай хусусиятга эгадир.

2. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши

Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар (бошқа ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлар каби) молия ҳуқуқи меъёрларида назарда тутилган шароитлар мавжуд бўлганида юзага келади, ўзгартирилади ва тугатилади. Бундай шароитлар сифатида юридик фактлар намоён бўлади, яъни бу шундай вазиятларки, ушбу меъёр унинг субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ва тугатилишини улар билан боғлайди. Юридик фактлар сифатида, одатда *ҳаракатлар*, айрим ҳолларда эса *ҳодисалар* намоён бўлади.

Ҳаракатлар шундай фактлардан иборатки, улар молия ҳуқуқи субъектларининг фаол хоҳиш-иродаси натижасидир. Хусусияти ва юридик оқибатларига кўра **қонуний** (ҳуқуқ доирасидаги) ва **ноқонуний** (ҳуқуққа хилоф) ҳаракатлар фарқланади.

Қонуний ҳаракатлар ҳамма вақт молиявий-ҳуқуқий меъёрлар талабларига мувофиқ бўлади. Улар, ўз навбатида, ҳуқуқнинг умумий назариясига кўра қуйидагича бўлиниши мумкин:

1) юридик оқибатларни юзага келтириш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатлар, улар *юридик ҳужжатлар* деб аталади;

2) шахснинг мақсадларидан қатъи назар, юридик оқибатларга олиб келадиган ҳаракатлар, улар *юридик хатти-ҳаракатлар* дейилади¹.

Молия ҳуқуқида қонуний ҳаракатларнинг асосий турлари **юридик ҳужжатлар** ҳисобланади. Бунда ҳужжатлар улар норматив ҳужжат эмас, балки индивидуал, яъни аниқ шахсларга тегишли бўлганида шундай ролни бажаради. Бу шу нарса билан боғлиқки, норматив ҳужжатлар ва мувофиқ равишда ҳуқуқнинг меъёрлари ўз ҳолича ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ва тугалланиши учун асос бўла олмайди, балки муайян юридик оқибатларни юзага келтириш учун мақсад вазифасини ўтайди, холос. Шу боисдан давлат молиявий фақти соҳаси учун қонуний ҳаракатлар тизимига шундай юридик фактлар жуда хоски, улар индивидуал тартибга солиш ҳуқуқий ҳужжатлари бўлиб, ўзининг аниқ эгасига ва муайян бир масалага тегишли бўлади. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ва тугалланиши юридик фактлари сифатида намоён бўладиган бундай ҳужжатларга қуйидагилар мисол бўлиши мумкин: жисмоний шахсларнинг мол-мулк солигини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси (Солиқ кодекси, 95-модда), те-

¹ Қ. мас., Теория государства и права. Курс лекций. Т.2. М.: МГУ, 1995.- 103-104-бетлар.

гишли давлат органларининг юридик шахслар резидентлар ва чет давлатларга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудаларини бериш тўғрисидаги қарорлари (Бюджет тизими тўғрисидаги қонун, 12-модда), бюджет муассасасалари сметалари ва ҳ.к.

Баъзан махсус адабиётларда ҳуқуқий юридик ҳаракатлар қаторида тула ҳаққоний равишда аралаш ҳужжатларни, хусусан индивидуал кўрсатмаларни ўз ичига олган норматив ҳужжатларни ажратадилар¹. Ва ҳақиқатан ҳам Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили мамлакат давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида қабул қилинадиган қарорлари айна вақтда норматив ва индивидуал кўрсатмаларни ҳам ўз ичига олган. Индивидуал кўрсатмалар сифатида, масалан, Республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари ўртасида тартибга солинадиган даромадларнинг тақсимланишини назарда тутувчи меъёрлар намоён бўлади. Ушбу меъёрлар асосида мазкур аниқ масала бўйича молиявий фаолиятни амалга оширувчи турли даражадаги давлат органлари ўртасида аниқ молиявий ҳуқуқий муносабатлар юзага келади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳаракатлари молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Масалан, ҳисобот йилида жисмоний шахсларга имтиёзлар бериш ҳуқуқи Солиқ кодексининг 59-моддасига мувофиқ тегишли ҳужжатлар тақдим этилаётган вақтда юзага келади.

Аввал кўрсатилганидек, молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгартирилиши ва тугалланиши билан боғлиқ бўлган қонуний ҳаракатлар жумласига, шахснинг мақсадидан қатъи назар, ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирадиган **юридик хатти-ҳаракатлар** ҳам киради. Бундай ҳаракатларга юридик ёки жисмоний шахс томонидан солиқ солинадиган мулкка, шунингдек, жисмоний шахс томонидан ерга қонунчиликда белгиланган тартибда эга бўлиш мисол бўла олади. Бу ҳаракатлар ўзининг асосий мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари ҳисобланиб, молия ҳуқуқи нуқтаи назаридан тегишли молиявий муносабатларни, масалан, солиқ ҳуқуқий муносабатларини юзага келтирувчи **юридик хатти-ҳаракатлар**дир. *Ноконуний ҳаракатлар* молиявий-ҳуқуқий меъёрлар талабларига мувофиқ келмайди, уларни бузади. Бу, авваламбор, қоидабузарликлар бўлиб, улар молия ҳуқуқи меъёрида назарда тутилган юридик жавобгарликнинг тегишли чораларини айбдорга нисбатан қўллаш билан боғлиқ бўлган молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келишига

¹ Қ.: Карасева М.В. Кўрсатилган асар. - 152-б.

сабаб бўлади. Масалан, лицензиясиз фаолият турлари билан шугулланганлик учун ушбу фаолиятдан олинган барча даромад ёки фойда ҳамда шу миқдордаги жарима ундириб олинади. Аниқ молиявий-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи ҳаракат-сизлик ҳам ноқонуний бўлиши мумкин. Мисол учун, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган декларация, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тақдим этмагани учун тўловчидан муддати ўтган ҳар бир кун учун бир фоиз миқдорида, аммо тегишли тўлов суммасининг ўн фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундириб олиниб, белгиланган тўлов муддатида тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисобланган тўловлар олиб ташланади.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва тугалланишига асос бўлган **ҳодисалар** одамларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда содир бўладиган воқеа-ҳодисалардир (боланинг ёши, ўлим, табиий офат ва бошқалар). Масалан, ўн олти ёшгача икки нафар ва ундан ортиқ фарзанди бўлган ёлғиз оналар жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга бўлиб, мазкур солиқ тўлашдан қисман, ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорида озод этилади. Жисмоний шахсларнинг вафот этган оила аъзоларига ёки оила аъзоларининг вафоти билан боғлиқ равишда энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида йил давомида кўрсатилadиган моддий ёрдам шаклидаги даромадларига солиқ солинмайди. Табиий офатлар юз берган ҳолларда уларнинг оқибатларини тугатиш учун заҳира жамғармалардан молиявий маблағлар ажратилади, улар ушбу маблағларни белгиланган мақсадларда ишлатиш бўйича тегишли молиявий муносабатларни юзага келтиради.

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда шундай фикр мавжудки, унга асосан молиявий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи юридик фактлар-ҳодисаларга муддатлар ҳам киритилиши керак¹. Бу фикр реал вазиятларга тўлиқ мувофиқ келавермайди, деб тасаввур қилинади. Гап шундаки, муддатлар молия ҳуқуқида юридик фактлар сифатида анчагина катта роль ўйнайди, улар охиروқибатда ҳисобга олинади, объектив эмас, балки субъектив омиллар билан белгиланади. Бошқача айтганда, молия ҳуқуқида муддатлар одамларнинг хоҳиш-иродасига ва, хусусан, ҳамма вақт субъектив хусусиятга эга бўлган қонун чиқарувчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ва кўпинча махсус манбаларда учрайдиган юридик фактлар таснифидан ташқари, бошқа таснифлар

¹ Карасева М.В. Кўрсатилган асар, 157-б.

ҳам мавжуд. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва тугалланиши учун асос бўлган юридик фактлар билрамчи ва ҳосила юридик фактларга, тузилмавий мураккаблиги мезони бўйича, улар ҳаракатининг хусусияти бўйича, таркибларининг аниқлик даражаси ва ҳ.к. бўйича тасниф қилинади.

3. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда ўзининг мазмуни, тузилмаси ҳамда хусусиятига кўра кўп сонли ва турли-туман бўлган молиявий-ҳуқуқий муносабатлар умумий ҳуқуқ назарияси ва молия ҳуқуқи фани томонидан ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ равишда таснифланади. Шу билан бирга қайд этиш керакки, собиқ Иттифоқ давлати мавжуд бўлган даврда молия ҳуқуқи бўйича нашр этилган дарсликларда молиявий-ҳуқуқий меъёрлар таснифи масалаларига етарлича эътибор ажратилмаган¹ ёки улар бутунлай кўриб чиқилмаган². Ва бу шундай ҳолдаки, «Таснифлаш ҳуқуқнинг у ёки бу тармоғини қамраб олувчи бутун муносабатларни илмий тушунишга ёрдам беради. У илмий фикрлашнинг манتيқий қурилишини таъминлайди»³.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатларни:

- 1) *давлат молиявий тизими тузилмаси*;
- 2) *ҳуқуқий тартибга солиш объекти ёки молиявий-ҳуқуқий меъёрлар хусусиятидан* келиб чиққан ҳолда таснифлаш энг кўп тарқалган таснифлашдир.

Биринчи ҳолда молия тизимининг тегишли бўғини функцияланиши билан боғлиқ бўлган молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ажратилади: *бюджет, солиқ, давлат кредитини ташкил этиш бўйича, сугурта, пул муомаласи ва ҳисоб-китоблар, валютани тартибга солиш* ва ҳ.к., улар ўз асоси билан тегишли молиявий-ҳуқуқий институтларга мувофиқ келади. Шу сабабли баъзан молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг айрим турларини ушбу тасниф бўйича ажратиш мезони сифатида молиявий-ҳуқуқий институтлардан фойдаланилади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитларида давлат молия тизими тузилмасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Унда янги элементлар пайдо бўлиб, уларсиз бозор ва, шу жумладан молия механизмнинг нормал ишлаши амалда мумкин эмас. Бу ерда гап давлат молия тизимининг шундай элементлари ҳақида кетяптики, булар давлат бюджетдан ташқари жамғармалари,

¹ Советское финансовое право. Е.А.Ровинский таҳрири остида. М.: Юрид.лит., 1978. - 44-б.; Советское финансовое право. Дарслик. - М.: Юрид. лит., 1987. - 76-б.

² Советское финансовое право. - М.: Юрид. лит., 1974.

³ Карасева М.В. Кўрсатилган асар. - 139-б.

қимматли қоғозлардир. Шу муносабат билан ҳуқуқий муносабатларнинг янги турлари вужудга келмоқда, улар ажратилмаса, қўриб чиқиладиган молиявий-ҳуқуқий муносабатлар тўлиқ бўлмаслиги мумкин.

Иккинчи тасниф бўйича молиявий-ҳуқуқий муносабатларни анъанавий равишда **моддий ва процессуал ҳуқуқий муносабатларга** ажратиш қабул қилинган.

Моддий молиявий-ҳуқуқий муносабатлар молия ҳуқуқи субъектларининг молиявий-ҳуқуқий меъёрлар материалларида мустақамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Бу ҳуқуқий муносабатлар молиявий режаларда назарда тутилган муайян миқдордаги пул маблағларини молиявий-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари ихтиёрига бериш ва улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-ҳокимият ваколатлар орқали ҳам, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўз мазмунига кўра, масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимият ва бошқарув органлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида тегишли маъмурий-худудий бирликларга республика бюджетидан қатъий аниқ белгиланган мақсад бўйича фойдаланилиши лозим бўлган бюджет субвенцияларини ажратиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган молиявий-ҳуқуқий муносабатлар моддий ҳисобланади. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида молиявий назоратни амалга ошириш бўйича юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳам мазмуни бўйича шундай муносабатлардир. Солиқ тўлаши лозим бўлган солиқ тўловчилар билан солиқ тўланишини талаб қилиш ҳуқуқи берилган солиқ органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар моддий молиявий-ҳуқуқий муносабатларга яна бир мисолдир ва бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ўз хусусияти ва мақсадли йўналиши бўйича кўплаб турли молия ҳуқуқи моддий меъёрларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, улар асосида у ёки бу моддий молиявий-ҳуқуқий муносабатлар юзага келади.

Процессуал молиявий-ҳуқуқий муносабатлар давлат пул жамғармаларини тақсимлаш тартиби, улардан фойдаланишни назорат қилиш шакл ва усулларини белгилаш муносабати билан юзага келади. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар асосан давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, бу хусусият ушбу ҳуқуқий муносабатлар томонларининг субъектив процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини қатъий белгилаш ва тартибга солишда намоён бўлади. Процессуал молиявий-ҳуқуқий муносабатларга бюджет жараёни, солиқ ишларини олиб бориш ва бошқалар соҳаларда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар киради. Ушбу ҳуқуқий муносабат-

ларнинг энг муҳим ўзига хос хусусиятлари давлат органларининг белгиланган шакл ва турдаги ҳужжатларидан фойдаланиш, у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш вақтида муайян изчиллик ва муддатларга риоя этишдан иборат. Кўрсатилган барча хусусиятларни ўзида мужассамлантирган процессуал молиявий-ҳуқуқий муносабатларга бюджетнома бўйича ҳуқуқий муносабатлар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, Бюджет тизими тўғрисидаги қонуinning 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган кўрсаткичлар рўяхати бўйича бюджетнома лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни 15 сентябргача Ҳукуматга тақдим этади, кейин у жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар *ушбу ҳуқуқий муносабатлар томонлари ўртасидаги юридик алоқа хусусиятига* қараб таснифланиши мумкин, масалан, маъмурий ҳуқуқдаги каби. Ушбу белги бўйича молиявий-ҳуқуқий муносабатлар *вертикал ва горизонтал* бўлиши мумкин.

Давлат молиявий фаолияти соҳаси учун *вертикал* муносабатлар хос бўлиб, уларнинг моҳияти шундан иборатки, бир томонда ҳокимият ваколатлар мавжуд, иккинчисида эса, улар йўқ. Демак, бу ҳуқуқий муносабатларда, масалан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар учун хос бўлган юридик тенглик йўқ.

Аксарият молиявий-ҳуқуқий муносабатлар вертикал бўлиб, уларда давлат молиявий фаолиятига хос бўлган ҳокимият хусусияти ва у билан боғлиқ бўлган бир томон ҳуқуқий муносабатининг иккинчисига юридик жиҳатдан қарамлиги намоён бўлади. Улар учун субординация, яъни бўйсунуш каби хусусият хосдир. Бу авваламбор шундай муносабатларки, уларда бир томон иккинчисига ташкилий жиҳатдан бўйсундирилган бўлади. Масалан, юқори ва қуйи молия органлари (Молия вазирлиги - вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари ва бўлимлари) ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар.

Бир хил ҳуқуқий ҳолатдаги, ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига қарам бўлмаган ташкилотлар ўртасида юзага келади-ган молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам вертикал бўлиши мумкин. Масалан, Молия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида ўзига қарам бўлмаган бошқа барча вазирликлар ва идоралар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган қўлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (йўриқномалар, қоидалар, низомлар) чиқаради. Демак, яққол кўриниб турибдики, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар вертикал хусусиятга эга.

Вертикал муносабатларга бошқа молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам киради, бунда гарчи томонларнинг ташкилий бир-бирига бўйсунishi мавжуд бўлмаса ҳам, уларда албатта у ёки бу томонга берилган бир томонлама юридик буйруқ бериш ҳуқуқи намоён бўлади. Бу, бир томондан, молия, солиқ органлари билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида (уларнинг қайси идорага қарши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар), иккинчи томондан, жисмоний шахслар ўртасида таркиб топадиган муносабатлар бўлиб, бу органлар улар доирасида юридик жиҳатдан ҳокимият ваколатларини рўёбга чиқарадилар.

Шундай қилиб, вертикал молиявий-ҳуқуқий муносабатлар ташкилий жиҳатдан бир-бирига бўйсунадиган ҳамда ўзаро бири иккинчисига бўйсунмайдиган молия ҳуқуқи субъектлари ўртасида юзага келиши мумкин экан. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий белгиси шундан иборатки, бир томонда иккинчи томонга нисбатан юридик ҳокимият ҳаракатини амалга ошириш учун ваколат борлиги аниқ-равшандир.

Горизонтал молиявий-ҳуқуқий муносабатлар давлат молиявий фаолияти соҳасида, вертикал муносабатлар каби, унчалик кўп тарқалмаган. Улар амалда ва юридик жиҳатдан ўзаро тенг бўлган томонлар ўртасида, яъни бир томон иккинчи томон учун мажбурий бўлган буйруқ бериш бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Бир томонлама юридик ҳокимият ҳужжатни чиқаришдан олдин келадиган келишув босқичида томонлар тенг ҳуқуққа эгадир. Бу турдаги муносабатлар кўпинча Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитаси ўртасида солиқ солиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, хусусан, амалдаги қонунчилик билан белгиланган у ёки бу турдаги солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тулаш бўйича йуриқномаларни тайёрлаш ва тасдиқлаш вақтида юзага келади.

Молиявий фаолиятни амалга ошираётган давлат органи билан хўжалик юритувчи субъект ўртасида, мисол учун, у солиқ кредитини бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган ҳолатда, таркиб топадиган айрим муносабатлар ҳам горизонтал хусусиятга эга бўлади. Солиқ кредити тўғрисидаги шартнома шартларини келишиш босқичида томонлар ушбу ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқлидир.

Бироқ горизонталлик ваколатли орган солиқ кредити бериш тўғрисида бир томонлама юридик жиҳатдан ҳокимият бўлган қарорни чиқаргунига қадар бўлган вақтдагина мавжуд бўлади. Кейин бу горизонталлик вертикаллик даражасига кўтарилади. Демак, горизонтал молиявий-ҳуқуқий муносабатлар кўпинча вертикал муносабатларни юзага келтирувчи муайян шарт-шароитлар сифатида пайдо бўлади. Бу давлат молиявий фаолиятини амалга

оширувчи икки орган ўртасидаги горизонтал туғдаги муносабатлар учун ҳам хос бўлиб, улар бир томонлама юридик ҳокимият ҳужжат қабул қилиниши билан тугалланади. Мисол: Молия вазирлиги билан Давлат солиқ қўмитаси ўртасида солиқнинг аниқ турини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш бўйича ҳамкорликдаги йўриқнома ушбу органларга бўйсунувчи тизимлар учун ҳам, мазкур солиқни тўловчиларнинг барчаси учун ҳам мажбурийдир.

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа таснифлари ҳам мавжуд. Хусусан, ҳуқуқнинг асосий функцияларидан келиб чиққан ҳолда, таътибга солувчи ва муҳофаза этувчи, юридик мазмунига қараб - *оддий* ва *мураккаб*, намоён бўлиш шакли бўйича - икки томонлама ва қўп томонлама муносабатлар ажратилади.

4. Молия ҳуқуқи субъектлари тушунчаси ва тизими

Молия ҳуқуқи меъёрлари талаблари молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг қўп турлилиги орқали рўёбга чиқиб, ушбу муносабатларнинг тегишли субъектларисиз ёки қатнашчиларисиз уларнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай молиявий-ҳуқуқий муносабат юзага келиши учун камида икки шахснинг мавжуд бўлиши, бунинг устига уларнинг субъектлари бўлиш учун потенциал қобилиятга эга бўлиши керак. Бундай шахслар **молия ҳуқуқи субъектлари** бўлиб, улар молиявий-ҳуқуқий меъёрларга амал қилган ҳолда, давлат томонидан белгиланган ва муҳофаза этиладиган, молиявий-ҳуқуқий мажбуриятлар ва ҳуқуқларни олиш *имкониятига* эга бўлган ва уларнинг амалга оширилиши учун юридик жиҳатдан жавобгар бўлган шахслардир. Мувофиқ равишда *молия ҳуқуқи меъёрлари билан давлат молиявий фаолияти соҳасида мажбуриятлар ва ҳуқуқлар берилган ҳар бир шахс молия ҳуқуқи субъекти сифатида кўриб чиқилади ёки, бошқача айтганда, бу шундай мажбуриятлар ва ҳуқуқлар эгаларидир.*

Юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлар молия ҳуқуқи субъектларига, уларнинг аниқ бир ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш-этмаслигидан қатъи назар, тегишлидир. Шу сабабли аниқ бир молиявий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишнинг ўзи эмас, балки иштирок этиш *имконияти* уларга хосдир. Молия ҳуқуқи субъектлари молиявий-ҳуқуқий меъёрлар билан белгиланган муайян шартларга риоя этган ҳолда, *молиявий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари*, яъни уларнинг аниқ қатнашчилари бўлиши мумкин. Шу муносабат билан **«молия ҳуқуқи субъекти»** ва **«молиявий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти»** тушунчалари нисбати туғрисидаги масала қонунийдир. Биринчи қарашда улар

бир хил тартибли тушунчалардир, чунки унисининг ҳам, бунисининг ҳам руйхати айнан биттадир. Агар ушбу ҳолат эътиборга олинмасдан, молиявий ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг кўпгина эгалари аниқ молиявий-ҳуқуқий муносабатларда турлича сабабларга кўра ўзларининг потенциал имкониятларини рўёбга чиқара олмаслигидан келиб чиқилса¹, табиийки, улар молия ҳуқуқининг субъекти бўлиб қолиб, ушбу муносабатларнинг субъектлари бўлмайди. Молия ҳуқуқи субъекти аниқ бир молиявий-ҳуқуқий муносабатларга киришадиган вақтда, мазкур муносабатларда янги мақом олаётганида - қатнашчи бўлганида ҳам ўзининг сифатларини сақлаб қолади. Демак, «*молия ҳуқуқи субъекти*» тушунчаси «*молиявий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти*» тушунчасига нисбатан кенгроқ экан.

Молия ҳуқуқи субъектлари, агар улар *молиявий-ҳуқуқий қобилиятни* - қонунда назарда тутилган молиявий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш қобилиятини эгалласалар, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари бўладилар. Лекин молия ҳуқуқи субъектлари аниқ молиявий-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиб, мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиси бўлиши учун бунинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун яна бир шарт мавжуд бўлиши, яъни молия ҳуқуқи субъектларининг *молиявий юридик салоҳияти* - молиявий ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил равишда олиш ва амалга ошириш ҳамда ноқонуний ҳаракатлар учун жавобгар бўлиш қобилияти талаб қилинади. Шундай қилиб, молия ҳуқуқи субъекти аниқ молиявий-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиси бўлиши учун у *молиявий ҳуқуқий субъектликка* эга бўлиши, яъни юридик салоҳиятга эга бўлиши керак.

Амалиётда кўпинча молиявий ҳуқуқий лаёқат ва юридик салоҳиятини аниқ ажратиш имконияти йўқ, чунки кўп ҳолларда улар ягона молиявий ҳуқуқий мақом элементлари ҳисобланади. Масалан, бу давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи органларга тегишли бўлиб, улар учун ҳуқуқий лаёқат ва юридик салоҳият бир вақтда, яъни уларнинг ваколати пайдо бўлганидан бошлаб то юридик мустаҳкамлангунига қадар мавжуд бўлади. Ваколатда уларнинг молиявий ҳуқуқий қобилияти ифодаланади. Айни вақтда унда ушбу органларнинг молиявий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш бўйича ваколатлари ҳам, яъни уларнинг юридик салоҳияти белгиланади.

Айрим ҳолларда ҳуқуқий лаёқат билан юридик салоҳият ўртасида жуда аниқ чегарани кузатиш ҳам мумкин, бу, хусусан,

¹ Масалан, бу ваколат берувчи молиявий-ҳуқуқий нормалар ҳаракати билан боғлиқ бўлиши мумкин, бунда молия ҳуқуқи субъекти у ёки бу молиявий-ҳуқуқий муносабатларга киришиш ёки киришмаслигини мустақил равишда ўзи ҳал қилади.

кўпинча молия ҳуқуқи субъектлари ва молиявий-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари сифатидаги жисмоний шахсларнинг молиявий-ҳуқуқий мақоми учун хос бўлган хусусиятдир. Агар уларнинг молиявий ҳуқуқий қобилияти туғилган вақтдан бошлаб юзага келса, юридик салоҳияти муайян ёшга етганида вужудга келади.

Молия ҳуқуқида анъанавий равишда молия ҳуқуқи субъектларининг учта асосий гуруҳи ажратилади:

- а) *ижтимоий-худудий тузилмалар*;
- б) *жамоа субъектлари*;
- в) *индивидуал субъектлар*.

Молия ҳуқуқи субъектлари сифатидаги *ижтимоий-худудий тузилмалар*га бутун Ўзбекистон Республикаси ва унинг маъмурий-худудий бирликлари - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар киради. Ушбу ўринда улар молиявий ҳуқуқий қобилият эгалари ҳисобланади. Аммо аниқ молиявий-ҳуқуқий муносабатларда улар бевосита иштирок этмайди. Молия ҳуқуқи бошқа субъектларидан, хусусан, ушбу иккала юридик сифатларни ўзида уйғунлаштирган фуқаролардан фарқли равишда, молиявий юридик салоҳият уларнинг қонунчилик ва ижроия ҳокимиятини намоён этувчи органлари улушига тўғри келади. Умуман давлат ва кўрсатилган маъмурий-худудий бирликлар молия ҳуқуқи субъектлари сифатида кўпроқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бюджет тизими тўғрисидаги ва маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонунларда мустаҳкамланган бюджет ҳуқуқий муносабатлари соҳасидаги ваколатларини амалга оширишда намоён бўлади. Шу тариқа айнан шу субъектларга давлат ва маҳаллий бюджет учун ҳуқуқ мустаҳкамлаб берилган (Конституция, 100, 122-моддалар), шу муносабат билан улар у ёки бу ижтимоий-худудий тузилмани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун тегишли бюджет даромадларини олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ваколатларнинг бутун бир мажмуига эгадир.

Кўриб чиқилаётган ижтимоий-худудий тузилмалар бир қанча бошқа ҳуқуқий муносабатларда ҳам молия ҳуқуқи субъектлари бўлади. Масалан, давлат мақсадли жамғармалари (Республика йўл жамғармаси, Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма ва бошқалар) ҳамда валюта жамғармалари ва ҳ.к.ни шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларда.

Айрим ҳуқуқий муносабатларда молия ҳуқуқи субъекти бўлиб фақат давлатнинг ўзи қатнашиши мумкин, бу кўпинча Ўзбекистон Республикасининг молиявий фаолият соҳасида ўзининг мустақил ҳуқуқларини амалга оширишида юз беради. Масалан,

Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил молия ва пул-кредит тизимига (Конституция, 122-модда), солиқларни белгилаш, давлат бюджетини қабул қилиш (Конституция, 78-модда, 8-банд) ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси умуман божхона ва валюта ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, ягона солиқ ва банк тизимларини белгилаш бўйича ўз ваколатларига нисбатан ҳам молия ҳуқуқи субъекти деб тан олинishi керак (Конституциянинг 123-124-моддалари, 78-модда).

Давлат давлат кредити соҳасида ҳам молия ҳуқуқи субъекти сифатида қатнашади. Бу Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 743-моддаси мазмуни билан белгиланади, у давлат қарзи шартномаси бўйича қарздор сифатида - давлат, қарз берувчи сифатида эса, фуқаро ёки юридик шахс қатнашишини белгилайди. Давлат қарзи шартномаси бўйича жавобгарлик давлат зиммасидадир. У ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ўз тасарруфидаги маблағлари билан жавоб беради.

Гарчи давлат қарзлари ихтиёрий бўлса-да, мисол учун, республика ички облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор Республика Вазирлар Маҳкамаси номидан қабул қилинади, унда облигациялар эмитенти, уларни чиқариш шартлари ва жойлаштириш тартиби бир томонлама давлат-ҳокимият тартибида белгиланади (Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонун, 1993 йил, 2 сентябрь, 5-модда¹). Шундай қилиб, давлат қарзи бўйича муносабатларда молия ҳуқуқи субъекти сифатида иштирок этадиган давлатсиз фуқаролик ҳуқуқининг тегишли меъёри амалга оширилиши мумкин эмас.

Давлат молиявий фаолияти соҳасида тегишли ваколатларга эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирликларнинг ўзи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) ҳам молия ҳуқуқи субъектлари бўлиши мумкин. Хусусан, Солиқ кодексининг 7-моддаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ўз ҳудудида маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг айрим турларини киритиш, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган чегара миқдорларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу солиқлар бўйича аниқ ставкаларни назарда тутиш ҳуқуқини мустақамлаб беради.

Молия ҳуқуқи субъектлари сифатидаги ижтимоий-ҳудудий тузилмалар қаторига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудий бирликлари - қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктлари ва маҳаллалар ҳам киради. Молия ҳуқуқи субъектлари сифатида улар,

¹ ЎР ОКА, 1993 й., №9, 325 -м.; 1994 й., №11-12, 285 -м.; ЎР ОМА, 1995, №12, 269 -м.; 1996, №5-6, 69 -м.; №9, 144 -м.; 1997, №2, 16 -м.; 1999, №9, 229 -м.; //Халқ сўзи. - 8 февраль.

масалан, икки ёшгача фарзандлари бўлиб, ишламайдиган оналарга ушбу мақсадлар учун ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобида белгиланган тартибда тўловлар белгилаш ва тўлаш бўйича ваколатларини амалга ошириш вақтида қатнашадилар¹.

Молия ҳуқуқининг **жамоа субъектлари** давлат моливий фаолияти соҳасида тегишли юридик мажбуриятлар ва ҳуқуқлар мажмуини олиш қобилиятига эга бўлган ҳамда уларнинг амалга оширилиши учун масъул ҳисобланган одамларнинг ташкилий ва алоҳида ажратилган турли хил бирикмаларидир. Улар қаторига, одатда, юридик шахс мақомига эга бўлган турли *давлат органлари ва ташкилотлари (корхоналар, муассасалар)* киради.

Давлат органлари молия ҳуқуқи субъектлари жумласига киради, чунки уларнинг иштирокисиз ҳуқуқий муносабатлар амалда юзага келиши мумкин эмас. Демак, давлат органлари молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг мажбурий қатнашчилари қаторига кириб, бу молиявий фаолиятнинг давлат-ҳокимият хусусияти ва унинг ҳуқуқий тартибга солиш усулининг ўзига хослиги билан белгиланади.

Молиявий фаолият давлат ҳокимияти ёки давлат бошқарувини амалга ошириш кўринишида кечар экан, кўриб чиқилаётган жамоа субъектлари доирасининг ўзига хос хусусияти унда органлар, ваколат ва ижроия ҳокимиятининг мавжудлиги ҳисобланади. Ваколатли ҳокимият органлари (Олий Мажлис, халқ депутатлари Кенгаши) асосан бюджет жараёни (бюджетларни ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш, тасдиқлаш) билан боғлиқ бўлган муносабатларда молия ҳуқуқининг жамоа субъектлари сифатида иштирок этади. Аммо бошқа нуқтаи назар мавжуд бўлиб, унга асосан «давлат ваколатли органлари курсатилган муносабатларда молия ҳуқуқининг жамоа субъектлари сифатида эмас, балки давлат номидан молия ҳуқуқи субъектлари сифатида қатнашади»².

Масала бу тарзда қўйилганида, молия ҳуқуқи жамоа субъектлари сифатида бошқа давлат органларини, хусусан, ижроия ҳокимияти органларини ҳам тан олиб бўлмайди, улар бюджет жараёни бўйича ушбу ва бошқа кўпгина муносабатларда худди шу тарзда, ўз номидан эмас, балки давлат номидан иштирок этишади. Мазкур ҳолда давлат органлари (шу жумладан ваколатли органлар)ни молия ҳуқуқининг жамоа субъектларига киритиш ёки киритмаслик тўғрисидаги масала улар иштирок этиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятига қараб эмас,

¹ Қ. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» 1999 йил 14 апрелдаги қонуни (янги таҳрири) 12-мси //ЎР ОМА, 1999, №5, 110 -м.

² Карасева М.В. Курсатилган асар. - 94-б.

балки асосан бундай субъектлар тушунчасининг ўзини белгилайдиган малака белгиларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши зарур.

Молия ҳуқуқи жамоа субъектларининг энг кўп сонли гуруҳини ижроия ҳокимияти давлат органлари ташкил этади. Улар орасида умумий ваколатга эга бўлган давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари), шунингдек, маҳсус ваколатли органлар (Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар) мавжуд.

Молия ҳуқуқи жамоа субъектларининг мустақил гуруҳига адабиётларда Марказий банкни киритадилар ва бундай ёндашув ўзини тўла оқлайди, бу унинг ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир: у айна вақтда маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органи ҳамда тижорат ташкилоти ҳуқуқларига эга бўлган юридик шахс ҳам ҳисобланади.

Ташкилотлар (корхоналар, муассасалар) молия ҳуқуқининг жамоа субъектлари сифатида, одатда, юридик шахс мақомига эга. Кўп ҳолларда ташкилотнинг бундай мақоми уни молия ҳуқуқи субъекти деб тан олиш учун асосий белги ҳисобланади. Маслан, республика солиқ қонунчилиги бўйича белгиланган барча солиқларни тўлаш бўйича юридик мажбурият ва ҳуқуқлар, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқдан ташқари, айна мана шу юридик шахсларнинг зиммасига юкланади.

Бозор иқтисодиёти ри шжланиши шароитларида молия ҳуқуқининг жамоа субъектлари сифатида ташкилотларнинг доираси анчагина кенгайди. Агар собиқ Иттифоқ давлатида молия ҳуқуқи субъектлари сифатида давлат ва жамоа хўжалиги - кооператив мулкка асосланган корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги вақтда мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги кўп сонли ташкилотлар, шу жумладан хусусий корхоналар ҳам юзага келди. Турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги юридик шахслар: акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари¹, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари, унитар корхоналар, фермерлик хўжаликлари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар ва ҳ.к.нинг пайдо бўлиши ҳам бу билан боғлиқ. Молия ҳуқуқи барча субъектларининг фарқланиб турувчи хусусияти шундан иборатки, уларнинг молиявий ҳуқуқий субъектлиги давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб юзага келади.

¹ Молия ҳуқуқига оид айрим манбаларда тижорат банклари молия ҳуқуқи жамоа субъектларининг тўловга кодир гуруҳига ажратилади, чунки уларга давлат томонидан баъзан ваколатли банклар сифатида ҳуқуқдорлик ваколатлари берилди ва улар молиявий ҳуқуқий муносабатларда, масалан, валюта назорати агентлари сифатида, иштирок этишлари мумкин. - Қ. Карасева М.В. Курсатилган асар. - 93, 95-96-бетлар.

Молия ҳуқуқи жамоа субъектлари сифатида ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий ва суд фаолиятини амалга ошириш учун тегишли давлат органлари томонидан тузиладиган *муассасалар* ҳам мавжуд. Бунда улар бюджетдан ажратиладиган маблағларни олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда шу муносабат билан смета жараёнида қатнашиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларда молия ҳуқуқи субъектлари бўладилар.

Молия ҳуқуқининг *индивидуал субъектлари* Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар бўлиб, улар тенг молиявий ҳуқуқий субъектликка эга ва шу муносабат билан қонунчиликда «жисмоний шахслар» сифатида белгиланади. Молия ҳуқуқи субъектларининг ушбу тоифаси асосан солиқлар ва йиғимларни тўлашга доир муносабатларда иштирок этадилар. Шу тариқа жисмоний шахслар даромад солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун рўйхатдан ўтиш йиғими ва ҳ.к.ни тўловчилар ҳисобланади.

Тузилган (ижтимоий-ҳудудий тузилмалар) ёки давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб (жамоа субъектлари) ҳуқуқий ва юридик салоҳияти бир вақтда бошланадиган молия ҳуқуқи бошқа субъектларидан фарқли равишда, жисмоний шахснинг молиявий ҳуқуқий қобилияти унинг тузилган кундан, юридик салоҳияти эса муайян ёшга етган вақтидан бошланади. Аввал кўрсатилганидек, молия ҳуқуқи субъекти деб фақат ҳуқуқий субъектликка, яъни айтиб берилган вақтда ҳам ҳуқуқий қобилиятга, ҳам юридик салоҳиятга эга бўлган шахсгина тан олиниши мумкинлиги муносабати билан барча жисмоний шахслар ҳам бу сифатда иштирок эта олмайдилар. Агар қонунчиликда жисмоний шахснинг молиявий ҳуқуқий қобилияти туғрисидаги масала бир хил ҳал этилган бўлса, буни унинг юридик салоҳияти ҳақида ҳам айтиб бўлмайди. Молия ҳуқуқида (хусусан Солиқ кодексига), Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг бошқа айрим тармоқларидан фарқли равишда, жисмоний шахснинг молиявий юридик салоҳиятига бағишланган маҳсус меъёрлар йўқ.

Жисмоний шахснинг молиявий (солиққа оид) юридик салоҳияти кўпинча фуқаролик ва меҳнат бўйича юридик салоҳиятлардан келиб чиқади. Масалан, Фуқаролик кодекси 27-моддасига мувофиқ ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган ўсмирлар ота-оналари, уларни фарзандликка олувчилар ва ҳомийларнинг розилигисиз мустақил равишда:

1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;

2) фан, адабиёт ёки санъат асарлари, ихтиро ёки қонун билан муҳофаза этиладиган ўз интеллектуал фаолияти натижаларига муаллифлик ҳуқуқини амалга ошириш;

3) қонунчиликка мувофиқ кредит муассасаларига қўйилмалар қўйиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Ушбу шахслар мустақил равишда кўрсатилган битимлар бўйича мулккий жавобгар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси¹нинг 77-моддасига мувофиқ шахсни ўн олти ёшдан ишга қабул қилишга рухсат берилади. Бунда ота-оналардан бири ёки уларнинг ўрнини ўтайдиган шахснинг ёзма розилиги мазкур ҳолда талаб қилинмайди.

Шундай қилиб, jisмоний шахсларнинг малдаги солиқ бўйича юридик салоҳияти 14 ёшда, меҳнат ҳуқуқий меъёрлари бўйича эса, 16 ёшда бошланади, чунки шу ёшдан бошлаб улар тегишли солиқ тўловлари объекти бўлган даромадлар ва мулкнинг эгалари бўлиши мумкин.

Молия ҳуқуқи индивидуал субъектлари қаторига мансабдор шахслар ҳам киради. Бу молия соҳасидаги маъмурий қоидабузарликлар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар учун хосдир. Масалан, мансабдор шахслар даромад ёки фойда ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яширгани, касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузганлиги, бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлган корхоналар инкассо топшириқнома-ларини ўз вақтида бермагани учун маъмурий жавобгар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда лавозим эгаллаб, унинг зиммасига раҳбарлик қилиш, ташкил этиш, фармойиш бериш, текшириш-назорат қилиш каби вазифалар ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар юкланган бўлса, мансабдор шахс деб тан олинади².

Баъзан молия ҳуқуқининг индивидуал субъектлари сифатида мансабдор шахсларнинг аниқ бир тоифалари ҳам (мисол учун бож ундириб олиш бўйича муносабатларда давлат нотариал идораларининг нотариуслари) кўриб чиқилади.

¹ ЎР ОМА, 1996, №1 га илова. Кейинги узгартириш ва қўшимчалар билан.

² ЎР ОКА, 1995 й., №3, 6 -м.; ЎР ОМА, 1995 й., №9, 193 -м., №12, 269 -м.; 1996 й., №5-6, 69 -м., №9, 144 -м.; 1997 й., №2, 56 -м., №4-5, 126 -м., №9, 241 -м.; 1998 й., №3, 38 -м., №5-6, 102 -м., №9, 181 -м.; 1999 й., №1, 20 -м.; №5, 124 -м., №9, 229 -м.; 2000 й., №5-6, 153 -м., №7-8, 217 -м.; 2001 й., №1-2, 23 -м., №9-10, 165, 182 -м.; 2002 й., №1, 20 -м., №9, 165 -м.; ЎР ҚТ, 2003 й., №3, 20 -м.

6-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

1. Молиявий назоратнинг моҳияти ва вазифалари

Молиявий назорат молиянинг махсус функцияси бўлиб, унинг мақсади молиявий ресурсларни бошқариш қонунийлиги ва самарадорлиги бўйича қабул қилинган андозалардан четга чиқиш ҳолларини аниқлаш, бундай четга чиқишлар мавжуд бўлганида эса, уларни тuzатиш ва олдини олиш бўйича тегишли чораларни ўз вақтида қабул қилишдан иборат. У назоратнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган ҳолда, пул жамғармалари ҳаракатининг бутун жараёнида кузатилади. Шу сабабли молиявий назорат ҳар қандай ишлаб чиқаришда хўжалик юритиш механизмнинг объектив равишда зарурий бўлган таркибий қисмидир, деб тасдиқлаш мумкин.

Молиявий назорат тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти ва шакллари тўғрисидаги масала иқтисодий ва юридик адабиётларда ҳамон мунозарали бўлиб қолмоқда. Молиявий назоратнинг энг муваффақиятли таърифи Э.А. Вознесенский¹ томонидан таклиф этилган таъриф бўлса керак. Молиявий назорат билан молиявий фаолиятнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор бериб, у молиявий назорат чегараларини кенгайтириш кераклигини ҳаққоний равишда кўрсатади, у хўжалик муносабатларининг муайян мажмуига ҳам амал қилиб, реал борлиққа, ҳақиқатга мувофиқ келади. Бундай хулоса чиқаришга ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш ҳужжатлари хизмат қилади. Бизнинг мамлакатимизда қонунчиликнинг ривожланиши ҳам хусусан айнан шундан далолат беради².

Лекин ушбу ҳолатни тан олиш илгаритдан бери таркиб топган «молиявий назорат» атамасини, адабиётларда³ таклиф этилганидек, «молиявий-хўжалик назорати» деб ўзгартириш учун асос бўла олмаса керак. Молиявий назорат хўжалик фаолиятини назорат этишнинг бошқа турларини ҳам амалга ошириш заруратини инкор этмайди, балки уни ҳам назарда тутади.

Молиявий назоратга илова объекти бўлиб, авваламбор, молия тизимининг барча бўғинларидаги моддий ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларида молиявий ресурсларни шаклланти-

¹ Финансовый контроль в СССР. - М., 1973. - 43-б.

² Қ.: масалан; Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат этиш тўғрисида» 1999 йил 24 декабрдаги қонуни // ЎР ОМА, 1999 й., №1, 8-б.; 2000 й., №5-6, 153-б.; 2002 й., №1-2, 23-б.

³ Беложецкий И.А. Финансово-хозяйственный контроль в управлении экономикой. -М., -1979. -13-б.

риш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатлари ҳисобланади. Молиявий назоратнинг амал қилиш кўлами хўжалик муносабатларининг бутун мажмуини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Молиявий назоратнинг моҳияти унинг вазифаларида ўз ифодасини топиб, улардан бири «молиявий ресурсларнинг аҳволини назорат этишдан иборатдир. Ушбу назорат давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамгармаларидан фойдаланишга доир операцияларнинг тўғри амалга оширилишини текширишни назарда тутади»¹.

Молиявий назоратнинг бошқа вазифалари қаторига юридик адабиётларда корхоналар, ташкилотлар томонидан уларнинг тасарруфидаги пул маблағлари (бюджет маблағлари, банк ссудалари ва ҳ.к.)дан тўғри фойдаланилиши ҳамда ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар томонидан молиявий операциялар, ҳисобкитобларни амалга ошириш ва пул маблағларини сақлашга оид қоидаларга риоя этилишини текшириш киритилган. Яна бир вазифа сифатида молия интизомининг бузилишини бартараф этиш ва бунинг олдини олиш, огоҳлантириш ажратилади². Улар аниқланган ҳолларда ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади, давлат ва хўжалик юритувчи субъектларга етказилган зарарни қоплаш таъминланади.

Бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган бозор қайта қуришлари текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш мазмуини тубдан ўзгартиришни талаб қилади ва молиявий назорат олдида принципиал жиҳатдан янги вазифаларни қўяди. Бу вазифалар шу билан белгиланадики, «бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг тармоқланган инфратузилмасини ташкил этишни талаб қилади»³, уларсиз «бозор механизмлари тўлиқ даражада ишлай олмайди»⁴. Бундай инфратузилмалар қаторига банк-кредит ва солиқ тизимлари, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, суғурта ва аудиторлик хизматлари ва ҳ.к. киради.

Ушбу шароитларда молиявий назоратнинг энг муҳим вазифалари молиявий муносабатларнинг барча субъектлари томонидан банк, солиқ, валюта қонунчилиги, қимматли қоғозлар, суғурта ва аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб қолмоқда. Молиявий

¹ Финансовое право: Дарслик/ проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. - М.: Юристъ, 1996.- 47-б.

² Советское финансовое право: Дарслик.-М.: Юрид. лит. 1987. 90-б.

³ Каримов И. А. Ўзбекистон - ўз янгиланиш ва тараққий йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. 52-б.

⁴ Каримов И. А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели - Т.: Ўзбекистон, 1993. 46-б.

назоратнинг ниҳоятда муҳим вазифаларидан бири, шунингдек, тўлов айланмасини нормаллаштириш, нотўловлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича салбий оқибатларни тугатишдир.

Молиявий назорат вазифаларини амалга ошириш натижасида молиявий фаолиятда қонунийлик тамойили томонларидан бегрини ифодалайдиган молия интизоми мустақкамланади. Молия интизоми деганда, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш вақтида белгиланган кўрсатмалар ва тартибга қатъий риоя этилиши тушунилади. Молия интизоми талаблари юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат органлари учун амал қилади. Шундай қилиб, молиявий назорат давлат манфаатларини таъминлайди ва аниқ жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши (масалан, бюджетга тўловлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши, солиқлар тўғри олиниши ва ҳ.к.ни назорат этиш)га ёрдам беради.

Молиявий назорат ялпи ижтимоий ва миллий даромадни ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш каби молияга хос бўлган сифатларни назорат этиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бошқача айтганда, молиянинг назорат функцияси молиявий назоратнинг асосий қисми бўлиб, молияга бўлган эҳтиёж ва молия ресурслари мажудлиги ўртасида мувозанат бўлишига ёрдам беради. Бунда молиявий назоратнинг ишлаши учун зарур бўлган шарт-шароитлар назорат фаолияти барча жабҳаларининг, хусусан, унинг чегаралари, амалга ошириш усул ва шакллари-нинг аниқ тартибга солиниши, назорат органлари ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашдан иборатдир.

Юқорида баён этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, айтиш мумкинки, **молиявий назорат** ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, давлат ва нодавлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ресурсларини бошқариш қонунийлиги ва самарадорлигини белгилаш, молия интизоминини таъминлаш ҳамда аниқланган тартиббузарликларни тугатиш ва оғоҳлантириш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилишга доир фаолиятидир.

Юридик адабиётларда молиявий назоратнинг бошқа таърифлари ҳам берилган бўлиб, улар молиявий назорат ҳуқуқий моҳиятининг юқорида қайд этилган ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтади¹. Лекин бу таърифлар ниҳоятда катта бўлиб, шу

¹ Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Ўқув қўлланмаси. - М.: Новый юрист, 1998. - 26-27-бетлар. Финансовое право: Дарслик/ проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. - М.: Юрист, 1996. - 48-б.

боисдан уларни тушуниб олиш қийин, зероки улар бир хил маънога эгадир.

Молиявий назоратнинг махсус ўқув адабиётларида берилган яна бир таърифи устида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Хусусан, молиявий назорат деганда, иқтисодийни самарали ривожлантириш ва халқ турмуш даражасини ошириш мақсадида давлат ва ташкилотлар пул маблағларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳаракатларнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан ўрнатиладиган назорат тушунилади¹. Мазкур таъриф ўзининг қисқа, лўндалиги билан бошқа таърифлардан ажралиб туради, аммо шу билан бирга, у ўз моҳияти билан унчалик тўғри эмас. Бу қонунийлик ва мақсадга мувофиқликнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги масалага тегишлидир.

Адабиётларда ҳаққоний равишда қайд этилганидек, мақсадга мувофиқлик шахсга, жамиятга ва давлатга фақат шундагина фойда келтириши мумкинки, агар у қонунийликка зид бўлмаса. Мақсадга мувофиқликка фақат қонунийлик доирасидагина йўл қўйилиши мумкин². Шу нуқтаи назардан қонунийлик ва мақсадга мувофиқликни бир-бирита қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларнинг бирлиги ҳақида гапириш мумкин. Амалиётда анъанавий равишда таркиб топган ёндашув нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлик ҳақиқатан ҳам жамият фойдаси учун қонунлардан ҳар қандай четга чиқиш, ҳаттоки энг кичик четга чиқиш учун ҳам ҳуқуқ бермайди. Бу ҳолда мақсадга мувофиқлик қонунда унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш йўли билан мустақамланиши керак.

Молиявий назорат бир қанча элементлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг мажмуи мураккаб бўлган мақсад тизимида ифодаланади. Молиявий назорат тизимини қуйидаги элементлар ёки тузилмавий даражаларга ажратиш тўғридир: *давлат назорати*, *аудиторлик назорати* (уни мустақил назорат деб ҳам аташади), *ички назорат* (яъни хўжалик субъектлари, ташкилотлар ва муассасалар даражасида амалга ошириладиган назорат)³.

2. Давлат молиявий назорати

Давлат молиявий назорати давлат молия сиёсатини амалга ошириш, молиявий барқарорлик учун шарт-шароитлар ташкил этиш учун мўлжаллангандир. Барча давлатларда, улар қури-

¹ Советское финансовое право: Дарелик - М: Юрид. лит. 1987. 87-б.

² Кармолицкий А.А. Законность в сфере управления. Административное право Российской Федерации: Дарелик - М: ЗЕРКАЛО, ТЕИС, 1996. - 605-б.

³ Ўша асар. 605-б.

лишининг ўзига хослигига қараб, молиявий назоратнинг ўз тизими таркиб топган. Шунга қарамасдан, чет давлатларда назорат-тафтиш тармоғининг ташкил этилиши ва иш-фаолияти у ёки бу жиҳатдан кўп йиллик халқаро тажрибада ифодаланган умумий тамойилларга асосланади. Масалан, ҳар қандай йирик дастурни амалга ошириш албатта кичик назорат тизимини ўз ичига қамраб олади. Бу мақсадларга, одатда, қандайдир муҳим давлат дастури учун ажратилган маблағлар умумий ҳажмидан бир-икки фоиз ажратилади.

(Барча демократик давлатларда давлат молиявий назорати муҳим бўғинини қонун чиқарувчи ҳокимият тизими бўйича назорат органи деб ҳисоблаш қабул қилинган. Одатда, барча мамлакатларда давлат маблағларини харажат қилиш устидан парламент назорати махсус институтлари мавжуд. АҚШда Конгресснинг Бош бюджет-назорат бошқаруви бор, Россияда Россия Федерацияси Ҳисоб палатаси ишлаб турибди, Буюк Британияда бундай институт - Миллий назорат-тафтиш бошқармаси, Канадада - Бош тафтишчи маҳкамаси, Францияда - Ҳисоб-китоблар суди, Швецияда - Миллий тафтиш бюроси шундай муассасалардан ҳисобланади. Австрия, ГФР, Франция, Венгрияда бундестаг ва парламент ҳузурида Ҳисоб палаталари ишлаб турибди.

Парламент назорати институтларидан ташқари, кўпгина мамлакатларда ижроия ҳокимияти тизими бўйича назорат ёки ҳукумат назорати деб аталадиган назорат ҳамда давлат бошлиғи ҳузурида молиявий назорат органлари (Президент назорати) фаолият кўрсатмоқда. Мисол учун, Россияда бу - федерал вазирликлар ва идоралардаги назорат-тафтиш хизматлари тизимидир. Уларга Россия Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати ва аудит департаменти, Россия Молия вазирлиги Федерал хазиначилик Бош бошқармаси, Россия Федерацияси Солиқ ва йиғимлар вазирлиги, Россия Федерацияси Давлат божхона қўмитаси, Россия Валюта ва экспорт назорати Федерал хизмати, Россия Банкининг банк назорати департаментлари, Россия Федерацияси Президенти Бош назорат бошқармаси (Президент назорати) кирди.

АҚШда бу федерал вазирликликлар ва идоралар назорат хизмати тизими, Президент ҳузуридаги Маъмурий-бюджет бошқармаси, Ҳукуматда виждонлилик ва самарадорлик бўйича Президент кенгаши ҳамда бошқа назорат органларидир. Буюк Британияда ҳукумат молиявий назорат марказий органи Ҳукумат ҳузуридаги Ижтимоий ҳисоб-китоблар қўмитаси бўлиб, Германияда ушбу функцияларни Федерал молиявий идора, Канадада эса, Бош назоратчи офиси бажаради ва ҳ.к.

Ривожланган мамлакатларда парламент, президент ва ҳукумат назорат-тафтиш тизимлари параллел равишда ва бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият юритади.

↑ **Ўзбекистонда давлат молиявий назоратини Президент, ҳукумат органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, барча даражадаги Халқ депутатлари Кенгашлари) ҳамда ижроия ҳокимиятнинг тегишли органлари амалга оширади.** Давлатимиз Конституциясининг 78-моддаси 8-бандига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси** Вазирлар Маҳкамасининг тақдими буйича мамлакат бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси устидан назорат ўрнатади. **Халқ депутатлари Кенгашлари** айрим минтақаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини назорат қилади¹. Бундан ташқари, ваколатли органлар зиммасига айрим тармоқлар ва соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат ўрнатилиши мумкин.

↓ **Молиявий назоратни амалга ошириш буйича Ўзбекистон Республикаси Президентига** давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида катта ваколатлар берилган. Республика Конституциясининг 93-моддаси 8-бандига мувофиқ Президент ижроия ҳокимият аппарати ва, жумладан давлат молиявий назорати функцияларини амалга оширувчи органлар (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар)ни шакллантиради.

↓ Давлат молиявий назорати тизимида **Ҳисоб палатасига** катта роль ажратилади². У мустақил ва объектив орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради. ↓

Ҳисоб палатаси туғрисидаги Низом³га мувофиқ унинг зиммасига назорат, мониторинг ва таҳлилий ишлар ҳамда қуйидаги функциялар юклатилган:

- макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ ва пул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрғаниб бориш ҳамда уларнинг қонунчилик талабларига мувофиқлигини кузатиб бориш;
- давлат бюджети, унинг даромад ва харажатлар қисмлари асосий параметрлари ва моддаларининг ижро этилиши устидан назорат ўрнатиш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти туғрисида» 1993 й. 2 сентябрдаги қонуни // ЎР ОКА, 1993, №9, 320-б.; ЎР ОМА, 1997, №9, 241-б.; 1999, №1, 16-б.

² Бу палата Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги Фармони билан ташкил этилган. №УП - 3093 // ЎР ҚТ, 2002 й., №11-12, 88-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 4 ноябрдаги Фармонига илова. №УП - 3157 // ЎР ҚТ, 2002 й., 21, 162-б.

• давлат бюджетини ижро этиш, солиқ тушумлари ва пул курсаткичлари бўйича тасдиқланган параметрларни тузатиш бўйича таклифларнинг асосланганлиги ва уларнинг макроиктисодий курсаткичларга таъсирини куриб чиқиш;

• минтақалар ва умуман жамият ривожланишида маҳаллий бошқарув органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ролини ошириш мақсадида республика бюджети билан маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро нисбатларнинг мақбуллигига эриши бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

• минтақалар, тармоқлар ва корхоналар бўйича тасдиқланган параметрлар ҳисобидан давлат маблағларини харажат қилиш бўйича четга чиқишлар аниқланган ҳолларда текширувлар ўтказиш, улардан фойдаланишда тартиббузарликлар ва суиистеъмолликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

• умуман бюджет даромад қисмининг ижроси устидан ҳамда минтақалар бўйича манбалар, солиқ ва божхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш;

• бюджет жараёнида четга чиқишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш, уларни бартараф этиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

• миллий валютани мустаҳкамлаш, инфляцияни пасайтириш ҳамда иқтисодий ўсиш ва нархлар барқарорлиги курсаткичларининг оптимал бирлигига эришиш бўйича таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш;

• олтин-валюта заҳиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни ишлаб чиқариш ва улар билан амалга ошириладиган операцияларни назорат этиш, йўқотишлар ва суиистеъмолликлар каналлари ва имкониятларини йўқотиш мақсадида давлат олтин-валюта заҳираларининг бутун ҳаракати тиниқлигини таъминлаш;

• ташқи активларни бошқариш бўйича ҳисобот ва баланс ҳисоб-китобларини таҳлил этиш, олтин-валюта заҳираларини чет эл банкларида жойлаштириш ва қайта жойлаштириш асосланганлиги ва самаралилигини назорат қилиш;

• давлат ташқи қарзларини бошқариш устидан мониторинг ўрнатиш ва уларга, биринчи навбатда, Ҳукумат томонидан ва унинг кафолати остида олинган кредитлар бўйича ўз вақтида хизмат кўрсатилишини назорат этиш;

• экспортни ривожлантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозларини бажариш, маҳсулот импорт қилишни

мақбуллаштириш, ташқи савдо ва тўлов баланслари ижобий қолдиғини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат этиш;

- чет давлатларда давлат мулкани реализация қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича таҳлил ўтказиш ва уларнинг назорат этилишини таъминлаш;

- республикада қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар конларини қазииш ва улардан фойдаланиш юзасидан чет эл компанияларининг таклифларини кўриб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унинг кафолати остида чет эл кредитлари ва қарзларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги, халқаро молия бозорларига республика қарз мажбуриятларини чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил этиш;

- олиб борилаётган бюджет-солиқ, пул-кредит, валюта ва ташқи савдо сиёсатига таъсир кўрсатувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини экспертиза қилиш;

- вазирликлар, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг Ҳисоб палатаси ваколатига кирувчи масалалар бўйича иш-фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Ҳисоб палатаси зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқадиган масалалар бўйича таҳлилий ишланмаларни ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг асосида ҳисобот ва таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этиш.⁴

Ўқўрсатилган функцияларни амалга ошириш учун Ҳисоб палатасига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- 1) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, банклардан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот, маълумотлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

- 2) зарур бўлган ҳолларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун текширувлар ташкил этиш ва уларнинг натижалари бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни жўнатиш;

- 3) ўз ваколати доирасида текширувлар ўтказиш вақтида давлат органлари ва уларнинг вакиллари, нодавлат аудиторлик хизмати ва айрим мутахассисларни уларда иштирок этиш учун жалб этиш;

- 4) Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишилиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан тегишли хулосалар бериш;

5) қонунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини яхшилаш мақсадида назорат тадбирлари натижалари бўйича таклифлар киритиш.

Молиявий назорат бўйича муҳим функцияларни **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** бажаради. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» 1993 йил 6 майдаги қонуни 12-моддасига мувофиқ у вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар ваколати ва функциялари тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга туловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ташкил этилган бўлиб, уларга давлат молиявий назорати соҳасида катта ваколатлар берилган.)

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга туловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг минтақавий комиссияларига эга.) Мазкур Комиссия томонидан унинг ваколати доирасида қабул қилинган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, тижорат банклари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг бирлашмалари (хўжалик уюшмалари), мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга туловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси тўғрисидаги Низом¹га мувофиқ қуйидагилар унинг асосий вазифалари деб белгиланган:

- иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва барча хўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари томонидан тулов интизомини мустаҳкамлаш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, солиқлар ва мажбурий туловларни тулиқ тулаш бўйича амалдаги қонунчилик меъёрларига қатъий риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

- корхоналарнинг дебиторлик қарзлари аҳволини таҳлил этиш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 10 июндаги қарорига 2-илова. №298, кейинги ўзгартиришлар билан.

хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга туловлар бўйича боқимондаларини қисқартириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли солиқлар ва мажбурий туловларнинг тулиқ ундириб олиншини таъминлаш;

- корхоналар ва ташкилотлар айланма маблағларининг ажратиб олинishi, шу жумладан тайёр маҳсулот заҳираларига ва тугалланмаган қурилишга ажратилиши сабаблари ва йўналишларини аниқлаш ҳамда уларни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Комиссияга кенг ваколатлар берилган бўлиб, у хусусан, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

• вазирликлар, қўмиталар, идоралар, тижорат банклари, солиқ органлари, хўжалик уюшмалари, корхоналар ва бирлашмалар, давлат бошқарув органлари раҳбарларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, солиқ ва тулов интизомининг аҳволи тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш;

• боқимондаларни тулаш, пеня ҳисобланишини тугатиш бўйича муддатларни кечиктириш ёки узайтириш, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ва туловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш;

• белгиланган тартибда молия, солиқ ва божхона органлари фаолиятини текширишни ташкил этиш, Комиссия зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ахборот, маълумотларни вазирликлар, қўмиталар, идоралар, уюшмалар, давлат бошқаруви маҳаллий органларидан олиш;

• банкротлик ва корхоналарни санациялаш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига корхоналарни санациялаш ёки мунтазам равишда дебиторлик ва кредиторлик қарзларига йўл қўйувчи корхоналар ва ташкилотларни банкрот деб эълон қилиш учун материалларни хўжалик судига бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш юзасидан таклифлар бериш; ✓

• солиқ солиш тизими ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни яхшилаш учун йўналтирилган республика қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш ва ҳ.к.

✓ **Республика пул-кредит сиёсати комиссияси** зиммасига республикада нақд пул муомаласи ва халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан валюта операцияларини амалга ошириш ва Ўзбекистон иқтисодиёти устувор тармоқларини ривожлантириш учун ажратиладиган кредитлардан

мақсадли фойдаланиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган¹.

Мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятига асоссиз равишда аралашувга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1996 йил 8 августдаги №УП-1503 фармони билан **Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши** тузилди.

Мазкур Кенгаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорат этиш соҳасидаги марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгаш қарорлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича давлат назоратини амалга оширишга ваколат берилган барча органлар учун мажбурий ҳисобланади.

А Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан тасдиқланади. Кенгаш ўз фаолиятини Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тўғрисида низомга асосан амалга оширади².

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда тегишли ҳудудий комиссиялар тузилган бўлиб, уларнинг таркиби Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланади³.

Кенгаш фаолиятининг мақсади, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг иш-фаолиятига назорат органлари томонидан асоссиз равишда аралашувга йўл қўймасликдан иборат.

Кенгашнинг асосий вазифалари:

1) назорат органларининг хўжалик юритувчи субъектлар иш-фаолиятини текшириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

2) хўжалик юритувчи субъектларнинг иш-фаолияти бўйича ўтказиладиган текширувларнинг умумий сонини қисқартириш;

3) текширувлар, шунингдек, назорат органларининг фаолиятини қайтаришга йўл қўювчи комплекс текширувларнинг мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси таркиби тўғрисида» 1996 йил №УП-1492 - фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги №УП-2114 - фармони ва 2-илова, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги №УП-2886 - фармони ва 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар билан.

4) текширувлар ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи режаларга риоя этилган ҳолда назорат органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва Кенгаш билан келишилмай туриб, режадан ташқари, қарши текширув ва назорат тартибида текширувлар ўтказилишига йўл қўймаслик;

5) текширувларни қисқартириш ва такомиллаштириш мақсадида уларни ташкил этиш тизимида тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Кенгаш ҳудудий комиссияларининг асосий функцияларига:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи режа-графиклар ишлаб чиқиш;

- мувофиқлаштирувчи режа-графиклар бажарилишига риоя этилиши устидан мониторинг ўрнатиш каби вазифалар киради.

Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳамда ўз мақомига мувофиқ равишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

республика барча вазирликлари ва идораларидан яқинлашиб келаётган давр учун мўлжалланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширув режаларини сўраш ва олиш;

текширувларни мувофиқлаштириш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибга риоя этилишини таъминлаш талаб қилинган кўрсатмаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда, назорат органларига жўнатиш;

текширувларни мувофиқлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ёки Кенгаш қарорларини бузишда айбдор бўлган назорат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларга маъмурий чоралар белгиланганлиги тўғрисидаги тақдимномаларни, Кенгаш Раиси имзоси қўйилган ҳолда, жўнатиш;

назорат органларининг режадан ташқари текширувлар ўтказиш тўғрисидаги қарорларини, агар уларни ўтказиш учун етарлича асослар бўлмаса, бекор қилиш.

Кенгаш назорат органлари томонидан назоратни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка қатъий риоя этиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат органларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан тушган аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиши, улар юзасидан қарорлар қабул қилиши ҳамда олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида ҳукуматга мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт.

Давлат молиявий назорати тизимида *Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси* ва уларнинг қўйи ташкилотлари алоҳида ўрин тутадилар. Молия-кредит тизими муассасалари томонидан амалга оширила-

диган назоратларнинг мазмуни ва мақсади белгиланган ваколат доирасидаги амалий эҳтиёжлар билан белгиланади.

Молия органларининг кўп қиррали назорат фаолияти бюджетни режалаштириш, молиявий режалар ва сметалар лойиҳаларини кўриб чиқиш, бюджет барча даромадларини тўплаш, давлат бюджети билан тегишли молия йили учун назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш жараёнида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига давлат молиявий назоратини амалга ошириш бўйича қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юкланган:

1) республика вазирликлари, қўмиталари, идоралари ва корхоналари томонидан республика бюджетининг ижро этилиши, Марказий банк ва бошқа банклар томонидан бюджетнинг касса ижроси қоидаларига риоя этилиши ҳамда банклар томонидан капитал қўйилмалар ва бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларнинг молияланиши устидан назоратни амалга ошириш;

2) қимматли қоғозлар бозори шаклланиши, қимматли қоғозлар эмиссияси ва ҳаракатини назорат этиш, молия бозорини шакллантиришга доир ишларни мувофиқлаштириш;

3) республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молияланадиган, шунингдек, барча кўринишдаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олувчи, қайта ишловчи ҳамда улардан бошқа мақсадлар (жумладан экспорт) учун фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш.

Ҳукуматнинг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига янги вазифалар юкланди. Хусусан, энди аудиторлик ташкилотларида лицензия шартномаларида назарда тутилган лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишни амалга ошириш ҳам унинг вазифасига киради.

Молия вазирлиги ҳузурида Бош назорат-тафтиш бошқармаси мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида низом¹га асосан фаолият юритади.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бош-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сонли қарорига 2-ичлова.

кармаларининг асосий вазифаси бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишдир.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бошқа вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия қонунчилиги ҳамда бюджет мажбуриятларининг ижроси билан боғлиқ бўлган бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан назоратни амалга ошириш;

- республика ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий ижро этилиши устидан доимий назоратни таъминлаш;

- молия органлари ва тижорат банклари томонидан биринчи навбатдаги харажатлар навбатига риоя этилиши, бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тулаш, ижтимоий нафақалар, стипендиялар бериш муддатлари ва тўлиқлиги, шунингдек, бюджет муассасаларига кўрсатилган мақсадлар учун нақд пул маблағларини бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари орқали кам таъминланган оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар билан таъминлаш ва уларнинг ўз вақтида туланишини назорат қилиш;

- пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни реализация қилиш бўйича статистик ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш;

- пахта хом ашёси ва ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг миқдори ва сифатини баҳолаш ҳамда уларнинг ҳисоботда акс этирилиши бўйича текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- инвестицион дастурларнинг амалга оширилиши учун ажратиладиган марказлаштирилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат этиш;

- коммунал хизматлар ва электр энергияси учун бюджет маблағларини сарфлаш лимитларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда текширувлар ўтказиб туриш;

- бюджет муассасалари томонидан штатлар жадвали-смета интизомига риоя этилишини назорат қилиш;

- ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг бюджет жараёнига ноқонуний равишда аралашуви фактларини тўхтатиш;

• давлат валюта маблағларининг тўғри ва мақсадли сарфла-нишини назорат қилиш;

• фуқароларнинг молия ва бюджет интизоми бузилганлиги фактлари тўғрисидаги хат, шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ва ҳ.к.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлин-малари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни ба-жариш учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

1) ҳудудий молия органларининг маҳаллий бюджетлар ижро-си бўйича иш-фаолиятини, барча даражадаги бюджет муассаса-ларининг эса, харажатлар сметалари ва бюджет интизомига риоя этиш бўйича иш-фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш (мо-ниторинг);

2) ҳудудий молия органлари ва барча даражадаги бюджет муассасаларининг пул ва бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоботлари, сметалари ва бошқа ҳужжатлари, моддий бойликлари мавжудли-гини текшириш;

3) махсус ваколатли органнинг қарорига асосан ҳужжалий юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини таф-тиш қилиш ва текшириш;

4) тижорат банклари муассасалари, солиқ органлари, бошқа идоралардан тафтиш ва текширувлар ўтказиш вақтида юзага ке-ладиган саволлар бўйича зарур бўлган маълумотномалар ва ах-борот, маълумотларни олиш;

5) қурилиш, монтаж, таъмирлаш каби ишлар назорат ўлчам-ларини амалга ошириш ва бошқа текширувларни ўтказиш учун белгиланган тартибда мутахассисларни жалб этиш;

6) ҳудудий молия органлари ва барча даражадаги бюджет муассасалари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларидан тафтиш ва текширувлар ўтказиш жа-раёнида юзага келадиган масалалар, молия ва бюджет интизоми бузилиши фактлари, шунингдек, маълумотнома, тафтиш ва тек-ширувлар далолатномаларининг имзоланиши бўйича тушунти-ришлар талаб қилиш;

7) зарур бўлган ҳолларда касса ва касса хоналари, омборлар, архивларни муҳрлаб қўйиш, қалбаки, сохта ҳужжатлар ва бошқа суиистеъмолликлар аниқланган ҳолларда ҳужжатларни олиб қўйиш, текшириладиган объектлар раҳбарларидан асосий восита-лар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоб-ларнинг йўқлама қилинишини талаб этиш;

8) Молия вазирлигининг топшириғи ва у томонидан тасдиқ-ланган махсус графиклар бўйича пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид бутун даврда пахта тозалаш корхоналари-

да тайёрланаётган, қайта тайёрланаётган ва сақланаётган пахта хом ашёсига тегишли масалалар бўйича текширув ва тафтишлар ўтказиш;

9) молия ва бюджет интизоми бўйича аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш, моддий зарарни қоплаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда бошқа вазифалар бўйича тафтиш ва текширувлар материаллари юзасидан тегишли таклифлар киритиш.

Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ўз иш-фаолиятини Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик иш режаларига асосан амалга оширади. Улар, зарур бўлган ҳолларда, молия органлари ва бюджет муасасалари фаолиятини режадан ташқари тафтиш ва текширувдан ўтказишади, махсус ваколатли орган рухсати билан эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш ва назорат қилишади.

Давлат молиявий назоратни амалга оширишда **солиқ органлари** муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» 1997 йил 29 августдаги қонуни¹ солиқ назоратининг асослари, уни амалга ошириш бўйича солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.¹

Солиқ назорати солиқ солиш субъектлари ва объектлари ҳисобини юритиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидир. У давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа тортиладиган субъектлар ва объектлар ҳисобини юритиш, солиқ текширувларини ўтказиш, солиқ тўловчилар, бошқа шахсларни сўроқ қилиш ва қонунчилик билан назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқ қонунчилиги, солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат этиш;

солиқ қонунчилигига риоя этилишининг зарурий шартларини таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда ёрдам кўрсатиш, солиқ бўйича қоидабузарликларни аниқлаш, оғоҳлантириш ва тўхтатиб қўйиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколати доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

¹ ЎР ОМА, 1997 й., №9, 232 -м.; 1998 й., № 5-6, 102 -м.; 1999 й., №9, 229 -м.; 2000 й., №7-8, 217 -м.; 2001 й., №5, 89 -м.; №9-10, 82 -м.; // Халқ сузи. - 2003. - 8 февраль.

• солиқ тўловчиларда (жумладан солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ бўлган молиявий ҳужжатларни, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;

• қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда юридик шахслар ҳамда жисмоний шахсларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бошқа давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро биргаликда бажарадилар. Кўрсатилган органлар ва ташкилотлар солиқ хизмати органларига солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқ қонунбузарлигига қарши курашда ёрдам беришлари шарт.

Кўрсатилган қонунчилик ҳужжатида назарда тутилган солиқ назоратини ташкил этиш **Давлат солиқ қўмитаси** ва унинг органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида низом¹га мувофиқ у давлат солиқ хизматининг солиқ қонунчилигига риоя этилиши, давлат иқтисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоялашнинг таъминланиши соҳасидаги назорат бўйича марказий органи ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитасининг молиявий назорат соҳасидаги асосий вазифаси солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларга ҳақлидир:

1) Республика назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ бошқа текширув ва назорат органларини жалб этган ҳолда, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳужалик юритувчи субъектларнинг молиявий-ҳужалик фаолиятини текшириш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарори билан тасдиқланган, кейинги узгартиришлар билан.

2) солиқ тўловчиларда (жумладан солиқ тўловчилар билан боғланган қарши субъектларда) молиявий ҳужжатлар, шартномалар, сметалар, солиқларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш ҳамда экспорт-импорт билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ҳужжатлар асосида текшириш, текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур бўлган тушунтириш, маълумотнома ва маълумотларни олиш;

3) савдо, товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш, акциз спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш ва маркалаш қоидаларига риоя этилиши, нақд пул маблағларининг тўлиқ кирим қилиниши, назорат-касса аппаратларини қўллаш қонунчилигига риоя этилиши ва бошқаларни назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тизимида Бош назорат-тафтиш бошқармаси¹ тузилган бўлиб, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари мавжуд.

Мазкур органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳужжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қонунчилигига риоя этиши бўйича молиявий-ҳужжалик фаолиятини белгиланган тартибда ҳужжатлар асосида текширувларни ҳамда ҳукумат қарорлари билан солиқ органлари зиммасига юклатилган масалалар бўйича назорат текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш;

- ҳужжалик юритувчи субъектлардан олинадиган солиқлар ва йиғимларнинг ҳисоблаб ёзилиши, ундириб олинишида қонунийликка риоя этилиши, бюджетга тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида киритилишини назорат қилиш; солиқ қонунбузарликларини аниқлаш, огоҳлантириш ва тўхтатиш;

- ўтказилган ҳужжатли ва назорат текширувлари (ҳисобланган суммалар, молиявий санкциялар, маъмурий жарималар ва ҳ.к.ни ундириб олиш) якуни бўйича ҳужжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

- солиқ қонунчилигининг бузилишига оид маълумотларни ҳамда ҳужжатли ва назорат текширувлари натижасида аниқланган бошқа фактларни умумлаштириш ва таҳлил этиш ва ҳ.к.

Давлат солиқ қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этиши ва функцияларини бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

¹ Ҳукуматнинг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш туғрисида» 2000 йил 13 мартдаги 87-сонли қарори билан тузилган. Ушбу орган туғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 5 майдаги 180-сонли қарор билан тасдиқланган.

юридик ва жисмоний шахслардан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) фаолиятига тегишли маълумот, ахборот, маълумотнома, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

банклар ва бошқа кредит-молия муассасаларидан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларида амалга оширилган операциялари тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда олиш.

Давлат молиявий назорат бўйича функцияларни **банк тизими** ҳам бажаради.¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонунига мувофиқ у банк тизими барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимояланишини таъминлаш мақсадида банк назоратини ва банклар фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

Марказий банк назорат функцияларини бажариш бўйича ўз ваколатларини амалга ошириш юзасидан банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботларни тузиш учун банклар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банкка қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

1) банклардан ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, жумладан операциялари тўғрисида ахборот, маълумотларни сўраш ва олиш;

2) олинган ахборот, маълумотлар бўйича тушунтиришлар талаб қилиш;

3) банкларнинг ички аудити бўйича талаблар белгилаш;

4) банк активларини сифат бўйича тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун шундай заҳиралар тузишни талаб қилиш;

5) банкларга улар фаолиятида аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган ёзма буйруқлар, кўрсатмалар жўнатиш.

Текширувлар Марказий банк томонидан белгиланадиган ваколатли вакиллари ва аудиторлар томонидан ўтказилади.

Давлат молиявий назоратнинг айрим функцияларини бошқа органлар ҳам бажаради. Бу, хусусан, **Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази**¹га тааллуқли бўлиб, унинг зиммасига барча давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қимматли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартдаги №УП-1414-сонли фармони билан тузилган.

қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.)

Давлат молиявий назорат тизимида адабиётларда **идоравий молиявий назорат** ажратилиб, у вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат бошқарув органлари томонидан уларнинг тизимига кирувчи корхона, ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Назоратнинг бундай тури бизнинг Республикамизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Текширувларни тартибга солиш ва текширувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1996 йил 8 августдаги №УП-1503-сонли фармони қабул қилингунига қадар ҳам мавжуд эди. Ушбу фармон билан хўжалик юритувчи субъектларни текширувчи идоравий тафтиш хизматларининг мавжудлиги мақсадга номувофиқ деб топилди. Шу муносабат билан вазирликлар, идоралар (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигидан ташқари), компаниялар, корпорациялар, уюшмаларга мавжуд тафтиш хизматларини тугатиб, уларнинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларда фаолиятни таҳлил этишнинг аудиторлик шакллари қўллаш ҳақида кўрсатма берилди.

3. Аудиторлик назорат тизими

Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунида (2000 йил 26 май, янги таҳрири)¹ аудит деганда, аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа касбий хизматларни кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Аудитнинг ушбу таърифи унинг мазмун-моҳияти ва мақсадини тўлиқ очиб бера олмайди. Бизнинг фикримизча, аудит деганда, иқтисодий субъектларнинг аудиторлар (аудиторлик ташкилотлари)нинг бухгалтерия ҳисоботи, тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатлари, солиқ декларациялари ва бошқа молиявий мажбуриятлар ва талабларини уларнинг бухгалтерия ҳисоботига тўғрилиги ва улар томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистонда амал қилаётган норматив ҳужжатларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида мустақил равишда текширув ўтказиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини тушунмоқ керак.

Жаҳон амалиётида аудит янгилик бўлмай, фаолиятнинг барча соҳаларида қўлланилади. Ўзбекистонда иқтисодий субъектларнинг молиявий ахборот фойдаланувчилари эҳтиёжини таъминлайдиган, унинг тўғрилигини тасдиқлайдиган шаклда мустақил

¹ ЎР ОМА, 2000, №5-6. 149 -м.; ЎП ҚТ, 2003, №3,20 -модда.

молиявий назоратнинг юзага келиши нисбатан янги институт ҳисобланади. Шу билан бирга, бизнинг мамлакатимизда аудит анчагина кенг қўлланилмоқда. Ҳозир тулиқ айтиш мумкинки, Ўзбекистонда аудит қарор топди ва у тобора кўпроқ ривожланиб бормоқда. Халқаро намуналар ҳисобга олинган ҳолда, аудитнинг қонунчилик ва бошқа норматив базаси яратилди, уни амалга ошириш усуллари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бевосита аудитга йўлдош бўлган хизмат кўрсатиш бўйича фаолият (молия-ҳужалик фаолиятини таҳлил этиш, бухгалтерия ҳисобининг йўлга қўйилиши, инвестицион лойиҳаларни баҳолаш, ахборот хизматини кўрсатиш ва бошқалар) шакллантирилган. Якка тадбиркор сифатида мустақил ишловчи аудиторлик фирмалари ва аудиторлар молиявий ҳисоботи ва маслаҳат фаолияти тўғрилигини тасдиқлаш нодавлат секторида молиявий назоратни чуқурлаштиради ва кенгайтиради. Масалан, мустақил аудиторлар томонидан тасдиқланган ҳисобот фойдаланувчилар (инвесторлар, кредиторлар ва ҳ.к.) томонидан турли операциялар, хусусан, кредитлар бериш, инвестициялар қўйиш, жамғарма бозорларида қимматли қоғозлар лизинги ва ҳ.к. бўйича қарор қабул қилиш учун ахборот манбаидир.

Аудиторларнинг маслаҳат фаолияти ташкилотлар молиявий механизмини оптималлаштириш, молиявий оқимлар назорат тизими, бухгалтерия ҳисоби, солиқ базалари ва ҳ.к.ни ташкил этиш ва юритишга ёрдам беради. Аудиторлар ушбу хизматларни нодавлат сектор ташкилотлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш мақсадида давлат томонидан ҳам, молиявий ахборот фойдаланувчилари томонидан ҳам амалга оширадилар.

Аудит **мажбурий** ва **ташаббусли** бўлиши мумкин. Агар **ташаббусли** текширув иқтисодий субъектнинг қарори бўйича амалга ошириладиган бўлса, **мажбурий аудит** унинг хоҳиш-иродаси ва истагига боғлиқ бўлмаган ва қонунчиликда белгиланган ҳолларда мажбурий тартибда ўтказилади. Ҳар йили мажбурий аудит текшируви:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари; суғурта ташкилотлари; инвестицион ва бошқа жамғармалар, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари, уларнинг бошқарувчи компаниялари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратма маблағлари уларнинг асосий манбалари бўлган хайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар;
- ҳосил бўлиш манбалари қонунчиликда назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий ажратмалардан иборат бўлган бюджетдан ташқари

жамғармалар; устав жамғармасида давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилиши шарт.)

Мажбурий аудиторлик текшируви буюртмачиси сифатида хўжалик юритувчи субъект иштирок этади. Аудиторлик ташкилотини танлаш мулк эгаси, хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) умумий мажлиси билан келишилади. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектдан энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдоридаги жарима ундириб олиниши ҳамда унинг раҳбарининг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Жарима тўлаш хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан озод этмайди.

Аудитнинг асосий тамойили унинг мустақиллиги бўлиб, бунда асосан текширилаётган субъектнинг молиявий ҳисоботи тўғрисидаги касбий фикрини ифодалашда бирор томоннинг таъсири остида бўлишдан унинг озод эканлигини тушуниш лозим. Шу билан бирга, яна шуни ҳисобга олиш керакки, аудит барча мамлакатларда етарли даражада қаттиқ тартибга солинади.

Айрим давлатларда (масалан, Францияда) бу жараёнга давлат аралашиб, у аудит меъёри ва нормативларини белгилайди, аудиторларни ва аудиторлик фирмаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатади. Ўзбекистонда ҳам худди шундай аҳвол таркиб топган бўлиб, бу ерда давлат аудиторлик фаолиятини тартибга солишни фаол амалга оширади. У молиявий қийинчиликлари иқтисодиётга таъсир этиши мумкин бўлган муҳим корхоналарни ажратиш, уларда аудит ўтказиш мажбурий эканлигини белгилайди, аудиторларга (маълумоти, малакаси, имтиҳонларни топшириш тартиби, масъулияти, жавобгарлиги ва бошқалар бўйича) талаблар қўяди.

Аудитни давлат томонидан тартибга солишни ташкил этиш қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар воситасида амалга оширилади, бунда аудиторлар жамоатчилик ташкилотлари томонидан аудитнинг ўзини ўзи бошқаришига катта имконият берилади. Қайд этиш лозимки, ҳар бир мамлакатда жамоат ташкилотларининг ривожланиши ва таъсири турлича амалга оширилади. Масалан, АҚШ ва Англияда аудиторлик фаолияти асосан ихтисослаштирилган профессионал жамоат аудиторлик ташкилотлари томонидан тартибга солинади.

Кўпгина мамлакатларда мустақил Аудиторлар палаталари ишлаб турибди. Уларнинг асосий вазифалари аудиторлик фаолияти ва аудиторлар ахлоқ меъёрлари бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, аудиторлар иш-фаолиятининг сифатини назорат қилиш, аудиторлик фаолияти бўйича билимларини аттестация

қилиш ва ҳужжатлар бериш ҳамда аудиторлик меъёрларини бузган шахсларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш (бу - давлатга хос хусусият бўлмаган мамлакатларда) кабилардан иборатдир.

Аммо айрим мамлакатларда, масалан, Швецияда, гарчи Ваколатли аудиторлар уюшмаси ва Тасдиқланган аудиторлар уюшмаси ишлаб турган бўлишига қарамасдан, умуман аудиторлик фаолиятини тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилиб, бу бизнинг Республикамизга ҳам хос бўлган хусусиятдир. Ўзбекистон Аудиторлар палатаси тузилиш жиҳатидан давлат органлари билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилади, аммо унинг аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бўйича асосий функциялари давлат томонидан мустақамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунини амалга ошириш, аудиторлик текширувларининг роли ва мақомини ошириш, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аудиторлик хулосалари ҳисобини юритишни таъминлаш мақсадида сўнгги вақтларда бизнинг мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тартибига жиддий ўзгартиришлар киритилди¹.

Хусусан, белгилаб қўйилдики, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш ишлари аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молиявий-хўжалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан мажбурий тарзда тегишли аудиторлик ташкилотлари жалб этилган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавобгар ҳисобланади.

Тартиблар тўғрисида бир неча низомлар тасдиқланган:

а) солиқ ва бошқа назорат органларининг аудиторлик хулосалари ҳисобини юритиш;

б) мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириб олиш;

в) аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензиялар бериш.

Солиқ органлари ва бошқа назорат органларининг аудиторлик хулосалари ҳисобини юритиш тўғрисида низом бундай хулосаларнинг икки турини белгилаб берган бўлиб, улардан ҳар бири муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувлари ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.

ижобий аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилоти тўғрисида: хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини тўғри акс эттиради ва хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ келади, деган фикрлар мавжуд бўлган ҳужжатдир.

салбий аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида тартиббузарликлар мавжуд бўлиб, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчини янглишишга олиб келиши мумкин бўлганлиги тўғрисидаги фикр билдирилган аудиторлик ташкилоти ҳужжатида.

Хўжалик юритувчи субъектда олдинги икки йил учун ижобий йиллик аудиторлик хулосаси мавжуд бўлиши уни хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига киритиш учун зарур шартлардан бири ҳисобланиб, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан текшириш сўнги текширув ўтказилганидан кейин 24 ой ўтмасидан олдин ўтказилиши мумкин эмас¹. Салбий аудиторлик хулосасига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширув режа-жадвалига киритилиши керак.

Солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган текширув аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига мувофиқ келмаслигини аниқлаган ҳолда, ушбу аудиторлик хулосаси шак-шубҳасиз сохта деб ҳисобланади ва аудиторлик ташкилоти, шунингдек, бунда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Бунда солиқ ва бошқа назорат органлари ўн кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли аудиторлик ташкилоти томонидан амалдаги қонунчилик меъёрлари бузилганлиги аниқланганлиги тўғрисида хабар бериши шарт.

Аудиторлик ташкилоти, шунингдек, шак-шубҳасиз сохта аудиторлик хулосаларини тузишда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш хўжалик юритувчи субъектни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича белгиланган тартибни бузганлиги учун қонунчиликда назарда тутилган жазо чораларидан озод қилмайди.

¹ Бошқа шартларга қуйидагилар кириди: сўнги икки йил давомида бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг йўқлиги; хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий-хўжалик фаолиятининг солиқ органлари ва бошқа назорат органлари текширувларидан озод этилган даврларида ижобий йиллик аудиторлик хулосаларининг мажбурий равишда тақдим этилиши.

Мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириб олиш тартиби тўғрисида низом қонунчиликка мувофиқ мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан амал қилади.

Жарима солиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказишдан бош тортиши асос бўлади. Бунда йиллик молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майига қадар ўтказилиши ҳамда аудиторлик хулосасининг йўқлиги қоидабузарлик факти деб топилади.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъект ўзининг йиллик молиявий йил учун аудиторлик текширувини ҳисобот йилининг 1 майига қадар ўтказиши ва аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кунлик муддат ичида тегишли солиқ органига аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этади.

Аудиторлик хулосасининг нусхаси белгиланган муддатда солиқ органига топширилмаган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект ушбу органга ёзма равишда аудиторлик хулосаси йўқлиги сабабини ақс эттирувчи тушунтиришни тақдим этиши шарт.

Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бош тортганлиги сабабли аудиторлик хулосаси йўқ бўлган тақдирда, солиқ органи хўжалик юритувчи субъектга белгиланган тартибда жарима солади.

Бошқа назорат органи томонидан мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан солиқ органи томонидан жарима солиш чораси қўлланилмаганлиги аниқланган тақдирда, тегишли солиқ органининг мансабдор шахслари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик фаолияти (аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларидан ташқари) янги қонунчилик бўйича аудиторлик теширувини ўтказиш учун фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш *Аудиторлик ташкилотларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ равишда олиб борилади*¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг ролини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарорига 3-илова.

Аудиторлик фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (лицензияловчи орган) томонидан амалга оширилади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш, уни беришдан бош тортиш, муддатини узайтириш, тугатиш, бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки тиклаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида лицензия олиш учун лицензияловчи органга ариза ёзиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- таъсис ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нота-риал тасдиқланган нусхалари;

- солиқ органининг солиқ тўловчига идентификацион номер берилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

- ариза кўриб чиқилганлиги учун йигим тўланганлиги тўғрисида далолат берувчи банк тўлов ҳужжати ва ҳ.к.

Кўрсатилган ҳужжатлар бир нусхада тақдим этилади. Аудиторлик ташкилотидан қонунчиликда кўрсатилмаган ҳужжатларнинг талаб этилишига йўл қўйилмайди. Аудиторлик ташкилотининг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва унга лицензия бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилиш муддати лицензия олиш учун берилган ариза келиб тушган ва зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 15 календар кунни ташкил этади.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия у бериладиган кундан бошлаб беш йил муддатга берилади. Лицензия беш йилдан кам бўлган муддатга фақат аудиторлик ташкилоти аризаси бўйича берилиши мумкин.

Лицензияловчи орган аудиторлик ташкилотидан ариза олинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида лицензия бериш ёки бермаслик тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида уни ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Лицензия бериш тўғрисидаги хабарнома лицензион битим лойиҳаси билан бирга банк ҳисобварағи реквизитлари кўрсатилган ҳолда (бу ҳисобвараққа давлат божи ва давлат божини тўлаш муддати киритилади) аудиторлик ташкилотига жўнатилади.

Аудиторлик ташкилоти давлат божини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиб, лицензион битим имзоланганидан кейин лицензия берилади. Лицензия берилганлиги учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдориди давлат божи ундириб олинади.

Лицензияловчи орган ҳужжатлар тегишли равишда расмийлаштирилмаганлиги, ҳужжатларда нотўғри ва бузилган маълумотлар борлиги ҳамда аудиторлик ташкилотининг лицензия талаблари ва шартларига жавоб бермаслиги сабабли аудиторлик ташкилотига лицензия беришни рад этишга ҳақлидир. Бошқа сабабларга кўра, шу жумладан мақсадга номувофиқлик учун лицензия беришдан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор асослаб берилган бўлиб, рад этиш сабаби ва муддати (ушбу муддат давомида аудиторлик ташкилоти кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин) кўрсатилган ҳолда аудиторлик ташкилотига ёзма равишда жунатилади.

Лицензия берилишини рад этиш учун асос бўлган сабабларни тугатиш учун аудиторлик ташкилотига 15 кундан ортиқ бўлмаган муддат берилади. Ҳужжатлар аудиторлик ташкилотидан ариза ва барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб 10 кун давомида қайта кўриб чиқилади. Аудиторлик ташкилотининг аризасини қайта кўриб чиқиш учун йиғим олинмайди.

Лицензия берилишини рад этиш учун асос бўлган сабабларни тугатиш учун берилган муддат тугаганидан кейин аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган лицензия бериш тўғрисидаги ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

Лицензияловчи органнинг қарори устидан аудиторлик ташкилоти белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин. 1

4. Ички молиявий назорат тизими

Ички молиявий назорат тизими аниқ ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари ва функционал тузилмалари томонидан амалга ошириладиган кундалик иш-фаолиятнинг ажралмас қисмидир. Аммо молия ҳуқуқига оид адабиётларда ушбу тизимнинг моҳияти «умуман корхоналар, уларнинг айрим тузилмавий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўз бухгалтерияси, молия бўлими ва айрим иқтисодий хизматлари томонидан текшириш¹»дан иборат деб, у «ички ҳўжалик назорати» атамаси билан белгиланган. Шундай қилиб, ички молиявий назорат тизимидан унинг жуда муҳим бўғини, хусусан, бюджет ташкилотларининг ўз ҳуқуқий мақомига кўра ҳўжалик юритувчи субъектларга кир-

¹ Финансовое право: Дарслик/ проф. О.Н.Горбунова тахрири остида.- М.: Юристъ,1996. 61 б.

майдиган тегишли хизматлари томонидан амалга ошириладиган молиявий фаолият ҳисобга олинмаган.

Ички хўжалик назорати хўжалик юритувчи субъектларнинг турли ресурслари ва потенциални сақлаб қолиш ва улардан самарали фойдаланишда, уларнинг молиявий фаолиятида қонунчилик ва интизомга риоя этилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бироқ давлат манфаатларини ҳимоялаш нуқтаи назаридан бюджет ташкилотларида ички молиявий назоратни тегишли тарзда ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир, чунки бу давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни харажат қилишда қонунчилик ва интизомга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқдир. Шу сабабли молиявий назорат умумий тизимида фақат ички хўжалик назоратини унинг бир қисми сифатида ажратиш ўзини тўлиқ оқламайди. **Ички молиявий назорат** хўжалик юритувчи субъектлар, умуман бюджет ташкилотлари ва муассасалари ва уларнинг айрим тузилмавий бўлинмалари молиявий фаолияти устидан хўжалик юритувчи субъектлар, бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг ўз махсус хизматлари (бухгалтерия, молия бўлимлари) томонидан молиявий муносабатларда қонунчилик ва интизомга риоя этилиши масалалари бўйича ўтказиладиган текширувдан иборат.

Ички молиявий назорат тизимида асосий бўгин бош ҳисобчи (штатлар жадвалида бош ҳисобчи лавозими йўқ бўлса - ҳисобчи) ҳисобланади. Лекин бош ҳисобчи ҳуқуқий мақоми асослари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» 1996 йил 30 августдаги қонуни¹да белгилаб берилмаган. Россия Федерациясининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги Федерал қонуни (7-моддаси)да бош бухгалтернинг ҳуқуқий мақоми ҳамда унинг назорат ваколатлари белгилаб берилган. Хусусан, бу меъёр шуни белгилаб қўйганки, бош бухгалтернинг имзосиз пул ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва улар имзосиз ижро учун қабул қилинмаслиги шарт.

Шундай меъёр, хусусан, бош бухгалтер имзосига оид қоида бизнинг Республикамиз Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунда ҳам бор. Мазкур қонун 8-моддасига мувофиқ пул, товар-моддий бойликлар ва бошқа қимматликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек, бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари улар томонидан белгиланадиган раҳбарлар ёки шахслар томонидан имзоланади. Раҳбар имзо ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик функцияларини ба-

¹ ЎР ОМА, 1996, №9,142-5.

жарувчи шахслар, иккинчи рўйхатга бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув функцияларини амалга оширувчи шахслар кирди. Кўрсатилган шахсларнинг имзосисиз ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Гарчи бу ерда бош ҳисобчи тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса ҳам, қонун чиқарувчи корхона, муассаса ва ташкилотларнинг айна мана шу мансабдор шахсларини назарда тутганлиги аниқ-равшандир.

Бош ҳисобчи ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонунчилик базасининг йўқлиги идора томонидан чиқариладиган меъёрлар, қоидалар билан тўлдирилади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, ички молиявий назорат тизимида бош бухгалтер роли ва функцияларини «Банк тизими бош бухгалтерлари тўғрисида»ги Низом¹ асосида кўриб чиқиш мумкин.

Бош бухгалтер банкда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда моддий ва молиявий ресурслардан оқилона равишда, тежамкорлик билан фойдаланиш, мулкни сақлаш устидан назорат ўрнатилишини таъминлайди. У камомад ҳосил бўлиши, пул маблағлари ва товар-моддий бойликларнинг ноқонуний сарфланиши ҳамда молиявий ва ҳужалик қонунчилиги бузилишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни тайёрлашда фаол иштирок этиши лозим. Мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (қўшиб ёзиш, маблағларни белгиланган мақсадларда ишлатмаслик ҳамда бошқа тартиббузарлик ва суистеъмолликлар) аниқланган тақдирда, чора кўриш учун банк раҳбарига бу ҳақда маълум қилади.

Пул маблағлари, товар-моддий бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлган ҳужжатлар ҳамда кредит ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари раҳбар ва бош бухгалтер ёки бунинг учун ваколат берилган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

Юқорида кўрсатилган, бош бухгалтер ёки бунинг учун ваколат берилган бошқа шахслар томонидан имзоланмаган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди ва улар мазкур банк моддий жавобгар шахслари ва бухгалтерия ходимлари томонидан қабул қилинмаслиги шарт.

Бош бухгалтер қонунчиликда белгиланган операциялар ва пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва бошқа бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва харажат қилиш бўйича белгиланган тартибга зид бўлган ҳужжатларни ижро учун қабул қилиши ва расмийлаштириши ман этилади.

Бундай ҳаракатни амалга ошириш тўғрисида банк раҳбаридан фармойиш олинган ҳолда, бош ҳисобчи уни ижро этмасдан,

¹ Бу низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 21 июнда 61-сонли қарор билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 16 ноябрда 533-рақам билан рўйхатга олинган.

раҳбарга ёзма шаклда мурожаат этиб, унинг эътиборини ушбу фармойишнинг ноқонунийлигига қаратади. Раҳбардан ёзма фармойиш олинган ёки ҳужжатда иккинчи имзо қўйилган бўлса, бош бухгалтер уни ижро этади. Амалга оширилган операциянинг ноқонунийлиги учун бутун жавобгарлик банк раҳбари зиммасида бўлиб, у ўзи қабул қилган қарор ҳақида юқори орган раҳбарига зудлик билан ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Бош бухгалтер ўзига қарашли ходимларнинг хизмат вазифаларини белгилайди. Бошқа бўлинмалар ва хизматларнинг бухгалтерия ҳисоби, ҳисоб юритиш ва ҳисобот масалалари билан шугулланувчи ходимлари бош бухгалтерга бўйсунадилар.

Бош бухгалтернинг операцияларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ёки ҳисоблаш қурилмаларига зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш тартибига оид талаблари банкнинг барча бўлинмалари ва хизматлари учун мажбурийдир.

Ўз функцияларини бажариш учун бош бухгалтерга тегишли ҳуқуқлар берилган. Хусусан, у банк раҳбаридан бухгалтерия ҳисоби ва назоратнинг тўғри ташкил этилишини таъминлаш, таркибий бўлинмаларда пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва бошқа қимматликларни қабул қилиш, кирим қилиш, сақлаш ва сарфлаш бўйича белгиланган тартибга риоя этилишини текшириш ва ҳ.к. юзасидан чоралар кўрилишини талаб қилиши мумкин.

Банк раҳбари бош бухгалтернинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши ва унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланишида унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши лозим. Ушбу мажбуриятларини бажариши ва ўз ҳуқуқларидан фойдалангани учун бош бухгалтерни ҳар қандай таъқиб қилиш қатъий равишда тўхтатиши, бунда айбдор деб топилган шахслар эса, қаттиқ жавобгарликка тортилиши шарт.

Шундай қилиб, бош бухгалтерга қонунчилик ва молия интизомининг бузилишини ўз вақтида аниқлаш, огоҳлантириш ва бунга йўл қўйилмаслиги учун етарли бўлган ваколатлар берилган.

5. Молиявий назорат шакллари

Молиявий назорат олдида турган вазифаларни ҳал этишга унинг ҳар хил турлари, усуллари ва ташкилий шаклларини қўллаш воситасида эришилади. Дастлабки, жорий ва давомий назорат бирлиги муҳим аҳамиятга эга.

Назоратга оид илмий ишларда молиявий-ҳўжалик назорат турларини таснифлаш белгилари сифатида қўпинча унинг шакллари фарқлаш мезонлари деб қаралади. Бу мезонлар эса, баъзан нотўғри равишда назорат ҳаракатлари техникасига тенг-

лаштирилади. Бундай талқин умумқабул қилинган шакл категориясининг мавжуд бўлиши ва предмет ёки ҳодисанинг мазмунини ифодалаш усули сифатидаги фалсафий талқинига зиддир.

Молиявий-хўжалик назорати шакллари талқин этишда ҳар қандай реаллик икки томонининг ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи умумий категориялар сифатидаги мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқаси, муносабатидан келиб чиқиш керак. Шунини ҳисобга олган ҳолда, молиявий назорат шакллари деганда, назорат функцияларини бажариш учун йўналтирилган назорат ҳаракатларини аниқ ифодалаш ва ташкил этиш усулларини тушунмоқ керак.

Шакл ҳамма вақт мазмунга акс таъсир кўрсатганлиги сабабли, назоратнинг энг самарали шакллари тинч олиш, муайян бир хўжаликни юритиш вазиятлари ва иқтисодий бошқарув айрим бўғинларини ҳал этувчи вазифаларнинг қўлланиш соҳаларини аниқ чегаралаб олиш муҳим. Молиявий назорат шакллари сифатида **дастлабки, жорий ва давомий назорат**ни ажратиш мумкин. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бу билан назоратнинг узлуксизлигини акс эттиради. Ушбу таснифга назорат ҳаракатларини уларни амалга ошириш вақтига қараб аниқ ифодаланиши ва ташкил этилишининг айрим томонлари асос қилиб олинган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида **дастлабки назорат** тобора кўпроқ роль ўйнамоқда. У молия операцияларини амалга оширишдан олдин амалга оширилиб, огоҳлантирувчи хусусиятга эгадир. Бозор муносабатлари иқтисодий хатолар, хўжасизлик ва қонунбузарликлар натижасида юзага келадиган зарар, зиёнлар ва йўқотишлар билан тўғри келмайди. Уларни имкон қадар камайтириш учун молиявий режаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш босқичида ноқонуний ҳаракатлар, камчилик ва тартиббузарликларнинг олдини олишдан иборат бўлган, яхши йўлга қўйилган дастлабки молиявий назорат тизими бўлиши зарур.

Жорий молиявий назорат молиявий назоратни оператив бошқариш ва тартибга солиш жараёнининг узвий қисмидир. У молиявий режаларни ижро этиш босқичида амалга оширилиб, асосий мақсади - белгиланган доирадан четга чиқишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни қабул қилишдан иборат.

Айрим муаллифлар жорий назоратни молиявий назоратнинг махсус шакли сифатидаги мақомини инкор этадилар. Масалан, Э.А.Вознесенский таъкидлашча, «молиявий назоратнинг назоратнинг мустақил кўриниши сифатидаги асосланганлиги шубҳа туғдиради, чунки ушбу омиллар бўйича тасниф асосига назорат ҳаракатлари амалга оширишнинг турли вақти моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатига нисбатан асос қилиб олин-

са, мазкур назорат мавжудлиги билан келишиш мумкин бўлмаса керак. Бу мезонни тан олиш жорий назорат мавжудлигини инкор этади ва назорат органлари томонидан ё дастлабки ёки давомий назоратга ҳар қандай ҳаракат муносабати тўғрисида далолат беради»¹.

Бундай нуқтаи назар етарлича асослаб берилмаган, чунки давомий назорат унинг бутун аҳамияти билан молиявий назоратнинг сўнги босқичидир. Бозор муносабатлари шароитларида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ва жамият, нафақат йўл қўйилган камчилик ва тартиббузарликларни қайд этиш, балки уларни ўз вақтида тўғрилашга улгуришдан манфаатдордир. Бу функцияни жорий назорат қисқа вақт оралигида ишлаб чиқариш, хўжалик ва молия операцияларини амалга ошириш жараёнида бажаради. Бирламчи ҳужжатлар маълумотлари, оператив ва бухгалтерия ҳисоби, инвентаризация ва кузатувга асосланган ҳолда, жорий назорат зарур бўлган ҳолларда тез ўзгарувчан хўжалик вазиятларини тартибга солиш, йўқотишлар ва зарарларнинг олдини олишга имкон беради.

Давомий молиявий назорат барча молиявий режалар бажарилганидан кейин, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб бўлмайдиган вақтда амалга оширилади. Бироқ ўтган давр учун молиявий фаолият натижаларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш дастлабки ва жорий назоратнинг камчиликларини аниқлаш ҳамда келгусида молия интизоми бузилишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун имкон беради.

Адабиётларда давомий назорат кўпинча хўжалик бошқарув юқори бўғинлари ва идорадан ташқари назорат органлари устуворлигига киритилади. Аслида у ички молиявий назоратнинг ҳам ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бу айни мана шу бухгалтерия хизматининг зиммасига (бошқа хизматлар билан биргаликда) ҳисоб юритиш ва ҳисобот маълумотлари бўйича иқтисодий таҳлилни амалга ошириш вазифаси юкланиши билан белгиланади.

Назоратдан энг кўп самара унинг барча шакллариининг ўзаро ҳаракатида эришилиши мумкин. Айниқса бу бюджет маблағларини ўғирлашга қарши курашда зарур бўлиб, у содир бўлаётган ўғирликларнинг олдини олиш, бундай ҳолатларни ва уларнинг сабабларини аниқлаш, келгусида уларга йўл қўйилмаслиги учун ўзаро боғлиқ бўлган чора-тадбирлар тизимини ўз ичига қамраб олиши керак.

¹ Вознесенский Э.А. Проблемы учебной литературы по курсу «Ревизия и контроль» // Бухгалтерский учет. 1974, №10, 69-6.

6. Молиявий назорат усуллари

Молиявий назорат турли усуллар воситасида амалга ошири-
либ, бунда уни ўтказиш усул ва йўллари тушунилади¹. У ёки бу
усулни қўллаш бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, уларга молия-
вий назоратни амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқий аҳволи,
назорат объектлари ва мақсадлари, назорат ҳуқуқий муносабат-
ларининг юзага келиш асослари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Илмий ва ўқув адабиётларида молиявий назоратнинг турли
усуллари ажратилади. Айрим ҳолларда уларга кузатиш, текши-
риш, таҳлил қилиш², бошқа ҳолларда эса, молиявий режалар,
бюджетлар, молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот-
ларни қўриб чиқиш, мансабдор шахсларнинг маъруза, ахборотла-
рини эшитиш ва ҳ.к.лар³ киритилади. Бизнинг фикримизча, мо-
лиявий назоратнинг бундай усулларини ажратиш, гарчи бу муно-
зарасиз бўлмаса-да, шунга қарамасдан, у мавжуд бўлишга ҳақли.
Қўпчилик муаллифлар молиявий назоратнинг фақат **текширув**
ва **тафтиш** каби усуллари мавжуд деб, ҳисоблайдилар. Шунинг
қайд этиш керакки, молиявий назорат тўғрисидаги қонунчилик
ҳам мана шу йўлда ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъект-
лар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги
қонун билан унинг усуллари сифатида текширув, тафтиш ҳамда
қарши текширув ва назорат тартибидagi текширув мустақкамлаб
қўйилган. Назорат органлари томонидан ўтказиладиган хўжалик
юритувчи субъектлар фаолиятини текширувларни мувофиқлашти-
риш тартиби тўғрисидаги Низом⁴да назоратнинг кўрсатилган
усулларига қўшимча равишда яна қисқа муддатли текширув,
комплекс (ялпи) текширув ва режадан ташқари текширув ҳам
назарда тутилган.

Амалдаги қонунчиликда текширувларнинг белгиланган барча
турлари таърифи берилган:

текширув назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи
субъектларнинг уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар
ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини ижро этишлари устидан
бир марта ўтказиладиган назоратдир;

¹ Қ., масалан, Финансовое право: Дарелик/ проф. О.Н.Горбунова тахрири остида. -М.: Юристъ, 1996. -64-б.

² Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Ўқув қўлланмаси. - М.: Новый юрист, 1998. -41-б.

³ Советское финансовое право: Дарелик. М.: Юрид. лит., 1987. - 103-б.

⁴ Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг 2001 йил 23 апрел-
даги 01-сонли қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил
26 апрелда 1029-рақам билан рўйхатга олинган. Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрелдаги 1029-1
рақам билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар билан.

қисқа муддатли текширув - назорат органлари томонидан бир иш куни давомида ўтказилиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширув;

комплекс текширув - бир бир вақтда икки ёки бир неча назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширув;

режадан ташқари текширув - назорат органлари томонидан қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йиллик (чораклик) режага киритилмаган равишда ўтказиладиган текширув (жумладан қисқа муддатли текширув);

қарши текширув турли хўжалик юритувчи субъектлар ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларида бўлиб, ягона операция билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ўзаро солиштиришдан иборат бўлган текширувдир.

Барча турдаги текширувларни молиявий назоратниг самарали усуллари сифатида тан олиб, уларнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда, шуни қайд этиш зарурки, *тафтиш* алоҳида аҳамият касб этади. Молиявий назоратнинг мазкур усули ўзининг мақсади ва объектлари нуқтаи назаридан ҳам, молия интизомини самарали таъминлай олиши жиҳатидан ҳам энг муҳим назорат бўлиб ҳисобланади.

Қонунчиликда тафтишнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ *тафтиш хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ва солиқ масалалари бўйича қонунчиликка риоя этишлари, солиқ органлари, давлат статистика органлари ва банкларга тақдим этиладиган ҳисоб юритиш ва ҳисоботлари тўғрчилигини назорат этиш мақсадида уларнинг бухгалтерия, молиявий ва бошқа ҳужжатларини текширишдан* иборатдир.

Тафтишларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 4 январдаги 1-сонли Йуриқномаси билан тартибга солинади. Ўшбу норматив ҳужжат тафтишларнинг мақсад ва вазифалари, уларни ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг натижаларини расмийлаштириш ҳамда аниқланган молия интизомини бузишлар ва камчиликларни бартарф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

Тафтишнинг асосий вазифалари текширув объектига қараб фарқланади.

Молия органларининг иш-фаолиятини тафтиш қилиш вақтида қўйидагилар текширилади:

- бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва ижро этиш тартибига риоя этилиши;

- бюджетда назарда тутилмаган чора-тадбирлар учун сарфланган қўшимча харажатларнинг қонунийлиги;

- молия органлари иқтисодий ва назорат ишларининг аҳволи, бюджет муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни таҳлил этиш бўйича ишлар, молия органлари томонидан иқтисодий ва назорат ишлари режасининг бажарилиши, юқори молия органлари топшириқ, вазифаларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

- молия органи аппаратини сақлаш учун харажатлар сметасининг ижроси, молия органида бухгалтерия ҳисобининг аҳволи ва ҳисобот тузишнинг тўғрилиги;

- молия органларига молия органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан келиб тушган шикоятлар ҳамда молия интизоми бузилганлиги тўғрисида фуқаролардан тушган ариза ва хатларни кўриб чиқишга доир ишларнинг аҳволи ва бошқалар

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тафтиш қилиш вақтида маблағлар ва моддий бойликлар сақланиши ҳамда тўғри сарфланиши, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тўғрилиги, молия интизомига риоя этилиши текширилади.

Бюджет муассасалари тафтиш қилинаётган вақтда смета ҳисоб-китобларининг асосланганлиги, сметаларнинг ижроси ва маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, маблағларнинг тежамли сарфланиши ва сақланишини таъминлаш, молия-бюджет интизомига риоя этилиши ва бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш тўғрилиги, бюджетдан ташқари махсус маблағларни ҳосил қилиш ва уларни тўғри харажат қилиш қонунийлиги масалалари ва бошқалар текширилади.

Тафтишлар ўтказиш муддатлари ва тафтишчи гуруҳлар таркиби ҳар бир тафтишнинг аниқ вазифалари ҳамда тафтиш қилинаётган муассасаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган, олдинда турган ишлар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Тафтишлар ва текширувлар ўтказиш муддати 30 кун белгиланган.

Тафтиш натижасида аниқланган молия интизомиини бузишлар ва ишдаги камчиликлар тўғрисида далолатнома тузилиб, унга гуруҳ раҳбари, текширилаётган муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи имзо чекадилар. Далолатнома бўйича эътироз ёки бошқа фикрлар юзага келган ҳолда, уни имзолаган раҳбар ва бош бухгалтер имзо ёнида ўз фикри, қўшимча тушунтиришини ёзади ҳамда далолатнома имзоланган кундан бошлаб беш кундан кечиктирилмаган ҳолда ёзма равишда тушунтириш хатини тақдим этишади.

Далолатнома бўйича текширилаётган ташкилотнинг тафтиш билан аниқланган фактларида бевосита айбдор деб ҳисобланган бошқа мансабдор шахслари ҳам, зарур бўлган ҳолларда эса, ушбу

ташкilotда илгари ишлаб кетган раҳбар ва бош ҳисобчи ҳам (аниқланган тартиббузарлик улар ишлаган даврга тегишли бўлса) тушунтириш хати берадилар. Тушунтириш хатларида баён этилган фактларнинг тўғрилиги текширилиши ва улар бўйича ёзма равишда хулоса берилиши керак.

Аниқланган фактлар бўйича тартиббузарликларни бартараф этиш юзасидан, тафтиш муддати тугагини кутмасдан, зудлик билан қарор қабул қилиш ёки суиистеъмомликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш зарур; бунда алоҳида далолатнома тузилади, мансабдор шахслар эса, аниқланган фактлар бўйича зарур бўлган тушунтириш хатларини беришлари шарт.

Оралиқ далолатномалар кассаларни тафтиш қилиш натижалари бўйича ҳам тузилади. Бу далолатномалар текширувчилар ва тегишли мансабдор шахслар ҳамда пул маблағлари ва моддий бойликларнинг сақланиши учун масъул бўлган моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади. Оралиқ далолатноманинг бир нусхаси текшириляётган ташкilotнинг далолатномага имзо чеккан мансабдор шахсига берилади. Оралиқ далолатномада баён этилган фактлар тафтиш умумий далолатномасига киритилади.

Тафтиш далолатномаси баёнида аниқланган фактлар қатъий ҳолисона бўлиши, тушунарли ва аниқлигига риоя этилиши шарт. Текшириляётган ташкilot молиявий фаолияти тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланмаган турли хулоса ва таҳмишлар тафтиш далолатномасига киритилишига рухсат берилмайди. Тафтиш натижалари ошкор этилиб, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва муассасаларга улар ҳақида ахборот берилади.

Давлат молия интизоми бўйича жиддий тартиббузарликлар аниқланган ёки давлат маблағлари ўғирланган ҳамда бошқа суиистеъмомликлар содир этилган ҳолларда, тафтиш материаллари тергов органларига топширилади ва айни вақтда тегишли орган раҳбари олдига жавобгар масъул шахсларнинг бундан кейин эгаллаб турган лавозимларида қолиш-қолмаслигини кўриб чиқиш тўғрисидаги масала қўйилади.

Тафтиш ўтказиш вақтида ҳўжалик бошқарувининг барча даражаларида кўп томонлама фаолиятнинг текширилиши муносабати билан тафтиш турларини аниқ таснифлаш, тасниф белгиларини илмий асосланган ҳолда танлаш зарурати туғилади.

Мазмуни бўйича тафтишлар **ҳўжжатли** ва **фактик** тафтишларга бўлинади. Ҳўжжатли тафтиш ўтказиляётган вақтда ҳўжжатлар, айниқса бирламчи пул ҳўжжатлари (ҳисобварақлар, тулов қайдномалари, ҳисоботлар, сметалар ва ҳ.к.) текширилади. Фактик тафтишда нафақат ҳўжжатлар, балки пул маблағлари ва моддий бойликларнинг мавжудлиги ҳам текширилади. Бундай

тафтиш жараёнида моддий бойликлар йўқлама қилинади, назорат ўлчовлари ўтказилади ва ҳ.к.

Белгилаш усулига кўра тафтишлар режали ва режадан ташқари бўлиши мумкин. /Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишларнинг ташкил этилишини тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги №УП-2114 сонли фармонида мувофиқ, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширувларнинг барчаси назорат органлари томонидан режали тартибда, ҳар йили бир марта ўтказилиши лозим./

Режали текширувлар бир йил (бир чорак)га мўлжалланган режа-графиклар асосида ўтказилади. Бундай текширувларни ўтказиш ва тасдиқланган режа-графикларга тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этилади. Назорат органлари объектларни, улар фаолиятининг мезонлари ва ўзига хос томонлари ҳисобга олинган ҳолда, ишлаб чиқилган текширувлар режа-графикга киритиш учун уларни синчиклаб танлаб оладилар. Ушбу таклифлар асосида текширувларнинг йиллик (чораклик) режа-графиклари, уларда комплекс текширувлар ажаратилган ҳолда, ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Режадан ташқари текширувлар (жумладан қисқа муддатли текширувлар) назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуни 12-моддасига мувофиқ равишда қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларидан келиб чиққан ҳолда текширувларни ўтказиш зарурати туғилганида. Бунда, агар Ҳукумат қарорида текшириладиган хўжалик юритувчи субъектнинг номи аниқ белгиланган бўлса, Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясидан розилик олиш талаб қилинмайди;

- назорат органига хўжалик юритувчи субъектнинг қонунлари ёки қонучиликнинг бошқа ҳужжатларини бузганлиги фактлари тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушган ҳолда. Корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган, тартиббузарлик фактлари аниқ асосланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолда кўрсатилган маълумотлар қўшимча маълумотлар бўлиб хизмат қилиши мумкин;

- фавқулодда ҳодисалар юзага келишининг олдини олишда;

• санитария-эпидемиология шароитлари ёмонлашганида ҳамда қўшни давлатлардан юқумли касалликлар олиб келиниши ва тарқалиш эҳтимоли юзага келган ҳолларда.

Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ва унинг вилоятлардаги комиссиялари ишчи органлари тақдим этилган буюртмаларга асосан тегишли назорат органлари билан биргаликда мазкур текширувларнинг асосланганлигини ўрганиб чиқади, мувофиқ равишда Кенгаш ва унинг вилоят комиссияларига тегишли ўзгартиришлар киритади, улар эса, режадан ташқари текширувни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қилади.

Режадан ташқари текширувни ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисидаги қарор, ариза келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафтalik муддатдан кечиктирилмаган ҳолда қабул қилинади ва қарор ёки хат шаклида расмийлаштирилиб, мувофиқ ҳолда Кенгаш раиси (ёки унинг топшириғи бўйича ўринбосари) ёки вилоят комиссияси раиси томонидан имзоланади ҳамда назорат этувчи органга жўнатилади.

Санитария-эпидемиология шароитлари ёмонлашганида ҳамда қўшни давлатлардан юқумли касалликлар олиб келиниши ва тарқалиш эҳтимоли юзага келган ҳоллар билан боғлиқ равишда режадан ташқари текширувларни ўтказиш тўғрисидаги қарор санитария ва экологик назорат органлари томонидан қилинган муножаат асосли бўлган тақдирда текширув ўтказиш учун буюртма тушган куннинг ўзида зудлик билан қабул қилинади.

Тафтишларни назорат дастури мазмуни бўйича таснифлаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бу белги бўйича тафтишлар комплекс (ялпи) ва мавзувий (тематик) тафтишларга бўлинади.

Назоратга ва тафтишга оид нашр этилган адабиётларда комплекс тафтиш тушунчасининг турли талқинлари учраб, улар унинг самарадорлиги ва афзалликларини баҳолашга қарши қўйилган. Муаллифларнинг кўпчилиги бу тафтишни ўтказишда турли касбдаги мутахассислар ишгирок этишини мезон деб ҳисоблайдилар. Бизнинг Республикамиз қонунчилиги бўйича бундай мезон бир вақтда икки ва ундан ортиқ назорат органлари томонидан тафтиш ўтказилиши ҳисобланади.

МАХСУС ҚИСМ

II БЎЛИМ. БЮДЖЕТ ҲУҚУҚИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ

7-боб. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджет ҳуқуқи

1. Бюджет тушунчаси ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, бозор муносабатларига ўтганидан кейин мамлакат молия сиёсатининг мазмуни тубдан ўзгариб, бюджет тизимини мустақкамлаш унинг таркибий қисми бўлиб қолди. Ҳозирги замон шароитларида бюджет¹ давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим воситаси бўлиб бормоқда.

Бутун бюджет тизимининг маркази Ўзбекистон Республикасининг (ҳар қандай суверен давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланган) Давлат бюджетидир. Айрим бошқа давлатлардан фарқли равишда, бизнинг Республикамиз Давлат бюджети қолган барча бюджетларни ўзида бирлаштирувчи давлатнинг ягона марказлаштирилган пул жамғармасидир². Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистоннинг Давлат бюджети Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига қамраб олади (Конституциянинг 122-моддаси, Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 9-моддаси).

Иқтисодий ва юридик адабиётларда ҳамда қонунчиликда «давлат бюджети» тушунчаси турли маъноларда қўлланилади. Лекин собиқ Иттифоқ давлатларида давлат бюджетига нисбатан қўлланиб, умумий тан олинган назарий қоидалар ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳозирги вақтда ҳам ўз маъносини йўқотмаган³. Улар шундай ҳулосага олиб келадики, бюджетни бир неча жабҳаларда кўриб чиқиш мумкин: а) *бюджет - иқтисодий категория сифи-*

¹ «Бюджет» атамаси Англияда вужудга келган булиб, дастлаб у халта, теридан ишланган қоп маъносини англатган. Англия хазиначилик кашдери пул солинган шундай қопни парламентга олиб келиб, эски норманд сузи budget деб номланган нутқ сўзлаган. Ўзининг тугал маъносидаги бюджет нисбатан яқин ўтмишда кашф этилган. У биринчи марта Англияда (17-асрнинг 70 - 90- йилларида), кейин Францияда (18-аср охирида) юзага келган. 19-асрда бюджетни тузиш амалиёти барча мамлакатларга тарқалган.

² масалан, Россияда Федерация, республикалар, областлар, улжалар, ҳокимият маҳаллий органилари даражасида шакллантириладиган бюджетлар мустақил амал қилиб, ягона Давлат бюджетининг таркибий қисмига киритилмайди.

³ ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида 1959 йил 30 октябрдаги қонунига мувофиқ давлат бюджети давлат пул маблағлари умумдавлат фондини қисла қилиш ва ижро этишининг асосий молиявий режаси сифатида белгиланган эди.

тида; б) бюджет - моддий маънода; в) бюджет - ҳуқуқий категория сифатида¹.)

[Бюджет **иқтисодий категория** сифатида давлат томонидан иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакат муҳофазат қилишнинг мустақамлаш, молия ресурсларини ташкил этиш ва ижтимоий эҳтиёжларга йўналтириладиган марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасини яратиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жамият иқтисодий муносабатларини ифодалайди.]

[Ўзининг моддий таркиби (**моддий маъноси**) бўйича бюджет тегишли иқтисодий дастаклар ёрдамида шакллантирилган марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасидан иборатдир. Моддий маънодаги бюджет шунчаки оддий пул маблағлари жамғармаси эмас, балки давлатнинг молиявий режасидир.] Бу шу билан боғлиқки, қабул қилинган бюджетнинг мавжудлиги ҳали молия йили бошида унинг даромад қисмида назарда тутилган маблағлар йўналтириб бўлинган ва улар унинг харажат қисмида назарда тутилган мақсадлар учун йўналтирилиши мумкин деган гап эмас. Бюджет курсаткичлари молия йили охирида эришилиши лозим бўлган мўлжалдир. Ушбу курсаткичлар бизнинг давлатимиз қонунчилигида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари сифатида белгиланиши тасодифий ҳол эмас.

[**Ҳуқуқий категория** сифатида давлат бюджети давлат функцияларини бажариш учун зарур бўлган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳар йили тузиладиган ва тасдиқланадиган марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш бўйича асосий молиявий режадан иборатдир.] Асосий молиявий режа сифатидаги давлат бюджетининг аҳамияти ва мақсади шу билан белгиланадики, у барча молиявий режаларни мувофиқлаштиради, марказлаштирилган пул маблағларининг асосий қисми у орқали ўтади, унинг даромадлар ва харажатлар қисми жамиятнинг барча тармоқлари ва соҳалари билан боғлиқдир.

Давлат бюджети тушунчасининг кўриб чиқилган хусусиятлари нафақат назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу, авваламбор, давлат бюджетининг қонунчиликда белгиланган тартибда, яъни ҳуқуқий категория сифатида қабул қилинадиган асосий молиявий режа сифатида белгиланишига тааллуқлидир. Давлат бюджети юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган ҳолда амалда мавжуд бўлиши ва ўзига хос бўлган вазифани бажариши мумкин эмас (у ҳуқуқий ҳужжат сифатида иштирок этади).

¹ Қ. масалан, Советское финансовое право. М., 1974. 105-6.

Аммо давлат бюджетининг юридик табиати Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунида берилган таърифда ўз аксини топмади. Мазкур қонуннинг 3-моддасига мувофиқ давлат бюджети «молия йили давомида даромадлар манбалари ва улардан келиб тушадиган тушумлар миқдорини, шунингдек, аниқ мақсадларга ажратиладиган харажатлар йўналиши ва маблағлар миқдорини назарда тутувчи давлат пул маблағларининг (давлат мақсадли жамғармалари билан бирга) марказлаштирилган жамғармасидан иборатдир». Ушбу таърифда давлат бюджети асосан моддий маънода тушунилади, зероки кўрсатилган қонуннинг кейинги меъёрларида ҳуқуқий категория сифатида унга хос бўлган айрим белгилар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Бу, масалан, Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинишига оид меъёрга тегишлидир (29-модда) ва шу сабабли бундан келиб чиқадиган барча юридик оқибатлар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб қолади. Шу билан бирга, амалдаги бюджет қонунчилигида давлат бюджети мамлакатнинг асосий молиявий режаси эканлиги (қайд этилганидек, бу унинг реал моҳиятига тўғри келади) кўрсатилмаган.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, айтиш мумкинки, **Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети** – давлат олий вакиллик органи томонидан қабул қилинадиган марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасини ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг асосий молиявий режаси бўлиб, у жамиятнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларини самарали ҳал қилиш бўйича давлат функцияларини бажариш учун йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети икки қисмдан: даромадлар ва харажатлар қисмларидан иборат. Унинг даромадлар қисмида, қонунчиликда назарда тутилган барча манбалар бўйича тушумларнинг ҳажмлари акс эттирилиб, уларга авваламбор белгиланган солиқлар ва йигимларнинг барча турлари ҳамда бошқа даромадлар киради. Харажатлар қисми бюджет маблағларидан фойдаланишнинг аниқ миқдори ва йўналишларини назарда тутди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида давлат бюджети тақчиллик билан, яъни харажатлар даромадлардан ошиши билан қабул қилина бошлади. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, бюджет тақчиллиги иқтисодий ўсишнинг ниҳоятда жиддий тўсиғи бўлиб қолиши мумкин, чунки у инфляция жараёнлари кучайиши, давлат қарзлари ўсиши, умуман давлат молиялари ҳолатининг барқарор бўлмаслигининг бош омилларидан биридир. Шу сабабли бюджет тақчиллиги давлат томонидан қаттиқ назоратга олиниб, барқарор бозор иқтисодиёти шароитларида йўл қўйилиши мум-

кин бўлган доираларда белгиланади¹ Давлат бюджети тақчиллигини энг кам даражага келтириш: бошқарув харажатларини қисқартириш ҳисобига бюджет харажатларининг ўсишини қатъий чеклаш; фарқли давлат ижтимоий ҳимоя тизимини белгилаш, дотацияларнинг ҳар хил турлари ва нархларнинг субсидияланишини тугатиш; марказлаштирилган маблағларни моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш учун қаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ажратиш йўли билан эришилади.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари туپланиб, уларга Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг давлат мулкани бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш махсус ҳисобварағи ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси киради) Кўрсатилган жамғармалар ушбу дарсликнинг 10-бобида кўриб чиқилади.

Мустақиллик йилларида давлат бюджети маблағларидан функционал фойдаланиш анчагина кенгайди, бюджет даромадларини йўналтириш усуллари ва уларни харажат қилиш йўналишлари катта ўзгаришларга учради.

Бюджет маблағларини туплашнинг асосий усули - бу тўғри ва эгри солиқлар, ресурс туловлари ва мол-мулк солиғи, инфратузилмани ривожлантириш учун олинадиган солиқлардир. Масалан, бу туловлар 2003 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети умумий даромадларининг 97 фоизини ташкил этади (давлат мақсадли жамғармалари даромадлари бунга кирмайди). Бошқа даромадларга фақат 3 фоиз тўғри келади² Худди шунга ухшаш ҳолатни мамлакатнинг бундан олдинги йилларга мўлжалланган давлат бюджетларида ҳам кўриш мумкин.

Бироқ бюджет даромад қисмини шакллантиришда солиқ туловлари ролининг оширилиши тadbиркорларга солиқ юки қучайганини англамайди. Аксинча, солиқ ставкалари, хусусан, даромад (фойда) солиғи бўйича ставкалар юридик шахслар асосий қисми учун йилдан-йилга анчагина камайтириб борилмоқда (1998 йилги 35 фоиздан 2003 йилда 20 фоизга туширилди). Бундан ташқари, ҳозир амал қилаётган қонунчилик бўйича белгиланган

¹ масалан, 1999 йили давлат бюджети тақчиллиги миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан - 3 фоиз, 2001 йили - 1,5 фоиз, 2003 йили эса - 2,0 фоиз миқдориди белгиланди. Қ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли; 2000 йил 26 декабрдаги 500-сонли; 2002 йил 30 декабрдаги 456-сонли қарорлари 1999, 2001 ва 2003 йилларга мўлжалланган Асосий макроекономий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг прогнозлари тўғрисида.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилга мўлжалланган Асосий параметрлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

барча солиқлар тўлаб бўлинганидан кейин қоладиган даромадлар хўжалик юритувчи субъектларининг, давлат корхоналарининг ихтиёрида бўлади. Бу эса, табиий равишда уларнинг ўз фаолияти натижаларидан манфаатдорлигини оширади. Ишлаб чиқаришнинг социалистик усулида бюджет даромад қисмини шакллантиришда хўжалик юритувчи субъектлардан олинadиган солиқ тўловлари амалда қўлланмаган. Собиқ Иттифоқ давлатида давлат бюджети даромадларининг асосий қисми корхоналар фойдасининг энг кўп қисми (ўртача 85 фоизи)ни тўғридан-тўғри олиш ҳисобига шакллантирилган ва бу билан уларни юқори ишлаб чиқариш ва самарали хўжалик-молиявий фаолиятига ижобий таъсир этишдан маҳрум этган.

Туб иқтисодий ислохотлар шароитларида бюджет маблағларини оқилона тақсимлаш ҳамда уларни давлат ва жамиятнинг устувор йўналишларига йўналтиришда давлат бюджетининг роли ниҳоятда муҳимдир. Ушбу маблағлар мақсадли давлат дастурларини молиялаштириш, иқтисодиётдаги янги тузилмавий йўналишлар ва, хусусан, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун фойдаланилади. Бюджет маблағлари агросаноат комплекси, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к. учун йўналтирилади.¹

Ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва, хусусан, жамиятнинг давлат ёрдамига энг кўп даражада мухтож бўлган аъзоларини қўллаб-қувватлашда давлат бюджетининг роли бебаҳодир. Давлат бюджетида йилдан-йилга аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар учун харажатларнинг маҳсус моддаси назарда тутилмоқда: *болали оилалар ва кам таъминланган оилаларга нафақалар, аҳолига ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар кўрсатилиши учун белгиланган нархлардаги фарқларни бюджет ҳисобидан қоплаш.* Масалан, 1999 йили ушбу харажатлар улуши давлат бюджети умумий харажатларидан 10,8 фоизини (мақсадли жамғармаларсиз) ташкил этган, 2003 йили 7,84 фоиз даражасида режалаштирилган. Қиёслаш учун шуни қайд этамизки, бу йилларда давлат бюджетларида иқтисодиётга харажатлар улуши мувофиқ равишда умумий харажатларнинг 10,67 ва 11,6 фоизини (мақсадли жамғармаларсиз) ташкил этди¹.

Мамлакат олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда давлат бюджети ролини янада ошириш кўп даражада

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли ва 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1999 ва 2003 йилларга мўлжалланган Асосий параметрлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

бюджет қонунчилигини такомиллаштириш ва бюджет ҳуқуқини ривожлантириш билан боғлиқдир.

2. Бюджет ҳуқуқи предмети, тушунчаси ва манбалари

Давлат бюджетининг асосий ижтимоий-иқтисодий аҳамияти давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш зарурлигини белгилайди. Бу муносабатлар молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг махсус гуруҳи билан тартибга солиниб, улар молия ҳуқуқи бўлимларидан бири - бюджет ҳуқуқи¹ни ташкил этади. Демак, **Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳуқуқини давлат бюджети маблағларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи** сифатида белгилаш мумкин.✓

Лекин бундай таъриф, бюджет ҳуқуқи предмети ташкил этган ижтимоий муносабатлар доирасини аниқ даражада белгилай олмайди. Молия қонунчилиги ичида бюджет ҳуқуқи меъёрлари ажратилади, кўпинча эса, улар молия ҳуқуқининг давлат бюджети даромадлари ва харажатларини тартибга солувчи бошқа меъёрлари билан қўшилиб кетади. Масалан, солиқ ҳуқуқи меъёрлари бюджет ҳуқуқининг давлат бюджети даромадлари хусусияти, таркиби ва ҳажми, уларнинг келиб тушиш тартиби (белгиланган солиқларни тўлаш тартиби ва муддатлари)ни акс эттирувчи қисми томонидан қамраб олинади. Шу муносабат билан бюджет ҳуқуқи тушунчасига таъриф беришда унинг *предмети* нафақат умумий хусусиятларини, яъни *давлат пул маблағлари марказлаштирилган жамғармасини ташкил этиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатларни*, балки муносабатларнинг аниқ турларини ҳам назарда тутиш лозим.

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда бюджет ҳуқуқи предмети ташкил этувчи, ўзининг мазмуни ва мақсад йўналишлари билан ягона бўлган ижтимоий муносабатлар, яъни қуйидагиларни белгилаш ёки тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар ёки меъёрлар блокларнинг аниқ турларига бирлашади:

бюджет қурилиши ва давлат бюджет тизими;

¹ Бюджет ҳуқуқи ўз маъниси билан аслида оддий институт эмас, балки институтлар мажмуи, молия ҳуқуқининг махсус бўлими эканлигининг асослаб берилиши, қ.: Алексеева С.С. Проблемы теории права, т.1. Свердловск, 1972. 141-б.; Пискотын М.И. Советское бюджетное право. М., 1971. 50-51, 53-бетлар; Химичева Н.И. Субъекты советского бюджетного права. Саратов, 1979. - 22-26-бетлар ва б.

- бюджет тизими даромадлар ва харажатлар тузилмаси, уларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлаш тартиби;
- давлат ва унинг субъектлари (маъмурий-худудий тузилмалар) ваколатлари (бюджет ҳуқуқлари);
- бюджет жараёнини ташкил этиш, яъни бюджетни шакллантириш тартиби ҳамда унинг ижроси туғрисидаги ҳисобот;
- бюджет назорати¹.

Қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, **Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳуқуқи** давлат бюджет қурилиши ва бюджет тизими, бюджет тизими даромадлари ва харажатлари тузилмаси, уларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши, давлат ва унинг маъмурий-худудий тузилмалари ваколати, бюджет жараёни ва бюджет назоратини белгилловчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар мажмуидан иборат дейиш мумкин.

Бюджет ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқининг асосий бўлими бўлиб, бу Давлат бюджетининг мамлакат молия тизимининг марказий бўғини сифатидаги ўрни билан белгиланади.

Бюджет ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар бюджет ҳуқуқий муносабатларидир. Улар молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури ҳисобланади ва шу сабабли уларга тегишли бўлган барча ўзига хос хусусиятларга эга. Шу билан бирга, бюджет ҳуқуқий муносабатлари бошқа молиявий-ҳуқуқий муносабатлардан фарқ қиладиган айрим хусусиятларга ҳам эга.

Бюджет ҳуқуқий муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари асосан бюджет ҳуқуқи предмети билан белгиланади. Бюджет ҳуқуқий муносабатлари давлат молиявий фаолиятининг алоҳида соҳасида, хусусан, давлат бюджети маблағларини ташкил этиш ва тақсимлаш соҳасида юзага келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Бюджет ҳуқуқий муносабатларининг ушбу хусусияти, ўз навбатида, мазкур муносабатларнинг бошқа махсус хусусиятларида, масалан, субъект таркиби ва уларнинг вақт бўйича ҳаракатида ўз таъсирини кўрсатади.

Бюджет ҳуқуқи субъектлари доираси чеклангандир, чунки улар сифатида фақат давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармасини ташкил этиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатларда юридик мажбурият ва ҳуқуқлар берилган молия ҳуқуқининг субъектлари қатнашини мумкин. Шу сабабли бюджет ҳуқуқий муносабатларининг ҳар

¹ Финансовое право: Дарслик / проф. О.И.Горбунова таҳрири остида. - М.: Юристъ, 1996. - 105 б.;
Финансовое право. Дарслик. / проф. Н.И.Химичева таҳрири остида. - М.: БЕК, 1996. - 114-б.

қандай субъекти учун қуйидаги белгилардан бири хосдир: улардан ҳар бири ёки давлат бюджетини шакллантиришда, бюджет жараёни у ёки бу босқичида томон сифатида иштирок этади ёки бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромадлар ва харажатларни тақсимлашда қатнашади ёхуд бюджетдан маблағ ажратилиши шаклида ундан тегишли маблағларни олиш бўйича бюджет билан боғлиқ бўлади.

Бюджет ҳуқуқий муносабатларининг айрим субъектлари нафақат бир белги, балки икки ёки барча кўрсатилган белгиларга эга бўлиши мумкин. [Мисол: Молия вазирлиги бюджет ҳуқуқий муносабатлари субъекти сифатида мамлакат давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда ҳамда унинг даромадари ва харажатларини бошқаришда иштирок этади (Бюджет тизими тўғрисидаги қонун, 27, 28, 30, 36-моддалар), яъни у бирданига икки белгига эга.]

[Нодавлат нотижорат корхоналари ва ташкилотлари ҳамда фуқаролар (гарчи давлат бюджети даромадлари асосан уларнинг пул маблағлари бир қисми ҳисобига шакллантирилса-да) бюджет ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари бўла олмайдилар.] [Бу шу нарса билан боғлиқки, кўрсатилган корхоналар ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар, бюджет муносабатлари соҳасида тегишли ваколатларга эга эмас.] Шу сабабли улар даромадлар ва харажатларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлашда, бюджет жараёни босқичларида иштирок эта олмайди, бюджетдан бевосита маблағлар олиш ҳуқуқига эга эмас, яъни уларда бюджет ҳуқуқий муносабатлари субъектлари учун хос бўлган белгилар йўқ. [Уларнинг бюджет билан ўзаро муносабатлари солиқлар ва солиқсиз тўловлар шаклида амалга оширилиб, молия ҳуқуқининг бошқа институтлари (солиқ ҳуқуқи, давлат кредити ва бошқалар) билан тартибга солинади.]

Бюджет ҳуқуқи субъектлари жумласига:

- 1) **давлат ва унинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари;**
- 2) **давлат ҳокимияти ва барча даражадаги бошқарув органлари;**
- 3) **давлат ва маҳаллий корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар** киради.]

[**Биринчи гуруҳга** Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, туманларга қарашли шаҳарлар кириб, улар бюджет соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.] Бошқача айтганда, тегишли даражадаги бюджет ҳуқуқи айти шу субъектларга тегишли бўлиб, уларнинг ваколатли органлари ва ҳокимият ижроия органларига тааллуқли эмас, бу органлар бюджет ҳуқуқий муносабатларида умуман давлат ёки унинг тегишли маъмурий-ҳудудий тузилма-

лари номидан ва уларнинг манфаатлари йўлида иштирок этади. Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг бюджетлари мавжуд бўлиб, у ёки бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг бюджетлари бўлмаслиги айтилган мана шу билан изоҳланади.) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудий бирликлари - посёлкалар, кишлоқлар, овул ва маҳаллаларнинг бюджет ҳуқуқи субъектлиги бирмунча бошқача. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар ўз бюджетлари ҳуқуқига эга бўлмасдан, бюджет ҳуқуқий муносабатларида маҳаллий бюджетдан маблағ олувчилар сифатида қатнашади.)

Бюджет ҳуқуқи *иккинчи гуруҳи* субъектларига барча даражадаги вакиллик органлари (Олий мажлис, халқ депутатлари Кенгаши), умумий ваколатли ҳокимият ижроия органлари (Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимиятлар), молия-кредит органлари тизими (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги молия органлари: Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли ҳокимиятларнинг молия бўлимлари), Марказий банк ва тижорат банклари киради.)

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари тўлланиши муносабати билан ушбу жамғармаларни шакллантириш ва харажат қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўз зиммасига юклатилган органлар ҳам бюджет ҳуқуқи мазкур гуруҳининг субъектлари сифатида иштирок этишади.

Бюджет ҳуқуқи *учинчи гуруҳ* субъектлари ноишлаб чиқариш соҳасидаги республика ва маҳаллий бюджет ташкилотлари, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш бўйича давлат мақсадли дастурлари ва чора-тадбирларини амалга оширувчи давлат ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат.)

Бюджет ҳуқуқий муносабатларининг ўзига хос хусусияти яна шундаки, улар бир йилдан ортиқ вақт давом эта олмайди, одатда, молия йилининг охирида тугайди. Бу шу нарса билан белгиланадики, давлат бюджети фақат бир молия йили учун қабул қилинади, қонунчиликда бу биринчи январдан бошланиб, ўттиз биринчи декабрга қадар бўлган давр тушунилади (Бюджет тизими тўғрисидаги қонун 3-моддаси.)

¹ Молия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг касса ижроси бухгалтерия ҳисобини юритади. Уларнинг зиммасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларининг харажат қилиниши устидан назорат урнатиш вазифаси ҳам юклатилган (Қоидаларнинг 237- ва 253-моддалари).

[Бюджет ҳуқуқи меъёрлари, бошқа молиявий-ҳуқуқий меъёрлар каби, **моддий** ва **процессуал** меъёрларга бўлинади.] Бунинг устига, бюджет ҳуқуқида ушбу меъёрлар молия ҳуқуқининг бошқа бўлимларига нисбатан кўпроқ аниқ ажратилганлигини кузатиш мумкин. Шу муносабат билан адабиётларда мавжуд бўлган бюджет ҳуқуқи меъёрларини «шартлиликнинг муайян улушлари билан» моддий ва процессуал меъёрларга бўлиш ўзини тўлиқ оқламайди¹.

[**Моддий бюджет меъёрлари** бюджет қурилиши ва бюджет тизими, бюджетларнинг даромад ва харажатлар таркиби, давлат органларининг бюджет соҳасидаги ваколати ва ҳ.к.ни мустаҳкамлаб беради.] **Процессуал меъёрлар** жараён хусусиятига эга бўлиб, бюджет ҳуқуқининг моддий меъёрларини амалга оширишнинг юридик шакли ҳисобланади.] Улар бюджетларни ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартибини ҳамда бюджет жараёни соҳасида бюджет ҳуқуқи субъектлари ваколатларини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий шакллари белгилаб беради.

[Бюджет ҳуқуқи меъёрлари унинг **манбалари** бўлган турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.] Бюджет ҳуқуқининг дастлабки меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган бўлиб, унинг тегишли меъёрлари бюджет қурилиши ва давлат бюджет тизими асосларини белгилаб беради (122-модда.) вакиллик ва ижроия органларининг бюджетни тартибга солиш соҳасидаги ваколатини мустаҳкамлаб беради (78, 100-моддалар).

[Ушбу конституциявий меъёрларни ривожлантиришда бюджет муносабатларини тартибга солувчи кўп сонли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар орасида, авваламбор, «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунни курсатиб ўтиш мумкин. У бюджет ҳуқуқи манбалари ичида алоҳида ўрин тутади.] Чунки у махсус белгиланган қонунчилик ҳужжати бўлиб, умумий ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб беради. Ўзбекистон Республикасининг бутун бюджет қонунчилиги улар асосида тузилиши керак, бундан ташқари, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг батафсил тартиботи берилган. Қонун, хусусан, Давлат бюджетини тузиш тамойиллари ва тузилмасини, уни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш тартибини белгилайди. Унда, шунингдек, Давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва харажатларини амалга ошириш, ҳисоб-китоблар ва ҳисобот тартиби ҳамда Давлат бюджети маблағлари билан операция-

¹ Финансовое право. Дарслик. / проф. Н.И.Химичева таҳрири остида.-М.: БЕК,1996.-116-117-бетлар.

ларни амалга оширишни назорат этиш тамойиллари ва ҳ.к. мустақамланган.

[Бюджет ҳуқуқи махсус манбалари қаторига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ҳар йили тегишли молия йили учун қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиш тўғрисидаги қарорлари ҳам киради.] Ушбу қарорларда Давлат бюджетининг асосий параметрлари келтирилмайди, балки, одатда, тақчилликнинг чегара доираси (давлат мақсадли жамғармаларисиз) ва уни қоплаш манбалари белгиланади. Уларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни янада мустақамлашни таъминлаш, давлат иқтисодий ва ижтимоий сиёсати энг муҳим йўналишларини устувор молиялаштириш бўйича берилган топшириқлар¹, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари зиммасига эса, маҳаллий бюджетлардан харажатларни ўз вақтида таъминлаш ва давлат маблағларидан мақсадли фойдаланилишини қаттиқ назорат қилиш бўйича юкланган топшириқлар мавжуд.

[Бюджет ҳуқуқи манбаларига умумий хусусиятдаги айрим қонунчилик ҳужжатлари ҳам киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ҳам бюджет ҳуқуқининг жуда муҳим меъёрлари мавжуд. Бу, авваламбор, мамлакат Ҳукумати томонидан ҳар йили қабул қилинадиган тегишли молия йили учун Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисидаги қарорларига тааллуқлидир.

Мамлакат Ҳукуматининг бундай қарорлари ўз моҳият-эътибори билан бюджет ҳуқуқининг яна бир махсус манбаи бўлиб ҳисобланади, чунки уларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тартибга солишнинг энг муҳим масалалари ҳал этилади.

Айни шу қарорлар билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари белгиланади. Ҳар бир йил учун қуйидагилар белгиланади: Қорқалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари бўйича даромадлар, харажатлар ва дотациялар ҳажми; умумий давлат солиқлари тушумларидан Қорқалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига

¹ Масалан, 2001 йилга мўлжалланган шундай устувор вазифалардан бирида кадрларни тайёрлаш бўйича дастурларни маблаг билан таъминлаш кузда тутилган эди. Қ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини тўғрисида» 2000 йил 14 декабрдаги қарори. // ҲР ҚТ, 2000, №11, 166 -м.

ажратмалар нормативлари; Қорқалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса нақдinasининг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кам миқдорлари; ижтимоий суғуртага мажбурий бадаллар ва ажратмалар миқдорлари ва Республика йўл жамғармасига ажратиладиган маблағлар ставкалари¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқа қарорларида ҳам бюджет ҳуқуқининг муҳим меъёрлари кўрсатиб ўтилгандир².

Бюджет ҳуқуқи манбаларининг энг кўп сонли гуруҳини Молия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади. Уларга, масалан, Ижтимоий соҳалар ташкилотлари бўйича бюджетдан маблағлар ажратишнинг ҳар йилги базавий нормативларини белгилаш тўғрисида низом³, Қорқалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини тулаш тартиби тўғрисида низом⁴, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари⁵ ва бошқалар киради.

Маълумки, бюджет ҳуқуқи молия ҳуқуқининг бўлими сифатида ўз ичига икки институтни олади: бюджет тузилиши ва бюджет жараёни⁶. Тўғри, айрим манбаларда қайд этилган ҳолат тўғридан-тўғри кўрсатилмайди, аммо бюджет ҳуқуқи меъёрлари моддий ва процессуал меъёрларга тасниф қилинган вақтда, бу ҳақда гапирилади⁷.

Илгари қайд этилганидек, бизнинг Республикамиз қонунчилигига мувофиқ мамлакат Давлат бюджетига давлат мақсадли жамғармалари тўпланади. Шу муносабат билан мазкур дарсликнинг алоҳида боби бундай жамғармаларнинг ҳуқуқий тартиботига бағишланган.

¹ Қ., масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроектсодий курсаткичлари ва 2003 йилга мулжалланган параметрлари прогнози тўғрисида» 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарори.

² Қ., масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат бюджети ҳисобидан молияланадиган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 14 июлдаги 358-сонли қарори; «Бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 11 февралдаги 66-сонли қарори; «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори ва б.

³ Молия вазирининг 2001 йил 18 январдаги 15-сонли буйруғи билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари бюллетени (МХБ), 2001, №3-4.

⁴ Молия вазирининг 2001 йил 28 июндаги 58-сонли буйруғи билан тасдиқланган // МХБ, 2001 й., №14.

⁵ Молия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 й. 14 мартда 1111-рақам билан руйхатга олинган.

⁶ Қ., масалан, Советское финансовое право, М., 1978. - 84-б; Советское финансовое право, М., 1987. - 124-б.

⁷ Финансовое право: Дарслик / проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. - М.: Юристъ, 1996. - 106-б.; Финансовое право. Дарслик. / проф. Н.И.Химичева таҳрири остида. - М.: БЕК, 1996. - 116-117-бетлар.

8-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БЮДЖЕТ ТУЗИЛИШИ

1. Давлат бюджети тузилиши ва бюджет тизими тушунчаси

Бюджет тузилишининг мазмуни масаласи бўйича адабиётларда турли фикрлар айтилган эди. Бунда айрим ҳолларда бюджет тузилиши тушунчаси нотўғри равишда торайтирилиб, бюджет тизими тушунчасига тенглаштирилади. Аслида эса, ушбу тушунчалар ўртасида катта фарқ бор. *Бюджет тизими* деганда, мамлакат ҳудудида амал қилувчи барча бюджетлар мажмуи тушунилади, *бюджет тузилиши* эса, *бюджет тизимининг ташкил этилиши, уни тузиш тамойиллари, бу тизим айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқадан* иборат.

Давлатнинг бюджет тузилиши бюджетларнинг турлари, уларнинг ҳар бири йўналиши (бюджет тизими), бюджетлар айрим турлари ўртасида даромадлар ва харажатлар тақсимланиши, улар функцияларининг тамойиллари, ваколатли ва ижроия ҳокимияти марказий ва маҳаллий органларининг ваколатларини белгилаб берадиган юридик меъёрларга асосланади. Демак, ўз мазмунига кўра бюджет тузилиши тушунчаси бюджет тизими тушунчасига нисбатан анча кенг экан. Бизнинг Республикамиз бюджет қонунчилигида эса, ушбу тенг бўлмаган тушунчалар ўртасида тенглик белгиси қўйилган бўлиб, *Бюджет тизими* тўғрисидаги қонун 4-моддасидаги таъриф бунга далил бўла олади. Унга мувофиқ «Бюджет тизими турли даражалардаги бюджетлар мажмуи бўлиб, бюджетларни тузиш ташкил этиш ва тамойиллари, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан иборат»! Ўзбекистон Республикасининг ҳозир шаклланиш босқичида турган бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш жараёнида кўрсатилган қарама-қаршиликни кўриб чиқилаётган икки нотенг тушунчаларни аниқ ажратиб олиш йўли билан бартараф этиш зарур. Бу нафақат назарий, балки ниҳоятда муҳим бўлган амалий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки бюджет тузилиши тушунчаси давлат бюджет сиёсатининг асосий элементларини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи дастлабки нуқтадир.

Жаҳон амалиётида *бюджет тузилишининг* бир қанча моделлари бор. Биринчи модель бўйича марказий ва маҳаллий бюджетлар автоном, ўзини мустақил идора қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, шу сабабли улардан ҳар бири ўз харажатларини тўлиқ қоплай оладиган ўз даромад манбаларига эга. Иккинчи модель ўзининг асосий кўриниши билан биринчисига ўхшайди, лекин марказий бюджетга маҳаллий бюджетларга нисбатан муайян тар-

тибга солувчи роль мустаҳкамлаб берилади. Ва, ниҳоят, учинчи модель барча бюджетларни ягона Давлат бюджетига бирлаштиришни назарда тутди ва ҳар бир юқори бюджетга тартибга солувчилик роли мустаҳкамлаб берилади. Бизнинг мамлакатимизда бюджет тузилишининг айнан шу модели назарда тутилган.

Бюджет тизими бир неча даражалардан иборат бўлиши мумкин, ушбу даражалар сони у ёки бу мамлакатнинг бюджет тузилиши билан белгиланади. Унитар (ягона) давлатларда бюджет тизими икки даражадан иборат. Уларга марказий бюджет (давлат бюджети) ва маҳаллий бюджетлар киради (Франция, Италия, Япония ва ҳ.к.). Федератив (иттифоқ) давлатларда бюджет тизими уч даражага эга бўлиб, федерал бюджет, федерация субъектлари бюджетлари ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади (Россия, АҚШ, Германия ва бошқалар).

Бизнинг мамлакатимизда бюджет тизими икки даражадан иборат:

1) республика бюджети (марказий бюджет);

2) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар.

Бу бюджетлар давлат иқтисодий сиёсатини ҳаётга татбиқ этишнинг бош дастак (инструмент)ларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети амал қилишининг ташкилий шакли бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Давлат бюджети ягона бюджет тизимидан иборат бўлиб, республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни бирлаштиради. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари тупланади.

Республика бюджети Давлат бюджетининг бир қисми бўлиб, умумдавлат хусусиятидаги тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади, унда даромадлар манбалари ва улардан келиб тушадиган тушумлар миқдорлари, харажатлар йўналиши ва молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳам Давлат бюджетининг бир қисми бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этади, унда даромадлар манбалари ва улардан келиб тушадиган тушумлар миқдорлари, харажатлар йўналиши ва молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори назарда тутилади.

Маҳаллий бюджетлар - Давлат бюджетининг бир қисми бўлиб, тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этади, унда даромадлар манбалари ва улардан келиб тушадиган тушумлар миқдорлари, харажатлар йўналиши

ва молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори назарда тутилади. ¹

Бизнинг давлатимиз бюджет тизими бирлиги Бюджет тизими туғрисидаги қонунда ташкилий жиҳатдан мустақамланган бўлиб, унда қуйи бюджетлардан ҳар бири юқори бўғинга кириши назарда тутилган (9-модда). *Давлат бюджети* - республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. *Қорақалпоғистон Республикаси бюджети* - Қорақалпоғистон Республиканинг республика бюджети, республика (Қорақалпоғистон)га қарашли туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан иборат. *Вилоят бюджети* - вилоят бюджети, вилоятга қарашли туманлар ва шаҳарлар бюджетларидир. *Туманларга бўлинган шаҳар бюджети* - шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларидан тузилган. *Туманга қарашли шаҳарлари бўлган туманлар бюджетлари* - туман бюджети ва туманга қарашли шаҳарлар бюджетларидан иборат.

Бизнинг давлатимиз бюджет тизимини ташкил этган бюджетларнинг бутун мажмуини **йиғма** ва **алоҳида ажратилган** бюджетларга бўлиш мумкин. **Йиғма бюджетлар** умуман давлат ҳудудида ёки унинг айрим маъмурий-ҳудудий тузилмасида амал қилувчи бюджетларнинг барча турларини бирлаштиради. Уларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетлари ҳамда туманларга бўлинган шаҳарлар ва туманларга қарашли шаҳарлари бўлган туманлар бюджетлари киради. **Алоҳида ажратилган бюджетларга** Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоят бюджети, туманларга бўлинган шаҳарларда шаҳар бюджети, туманга қарашли шаҳарлари бўлган тегишли маъмурий-ҳудудий бирликларда туман бюджети киради. Ушбу бюджетларда мувофиқ равишда умумдавлат, республика (Қорақалпоғистон), вилоят, шаҳар ва туман миқёсидаги аҳамиятга эга бўлган тадбирларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағлар назарда тутилган бўлиб, улар тегишли даражадаги давлат ҳокимият органларининг бевосита тасарруфида бўлади. Қолган маблағлар қуйи бюджетларга берилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари республика бюджетига ажратилганидан кейин, улар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.

2. Бюджет тизими тамойиллари

Бюджет тузилишининг муҳим қисми бюджет тизимини тузиш тамойиллари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига биноан бюджет тизими асосий тамойилларига қуйидагилар киради:

- бюджет таснифи, ҳисоб юритиш-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тизимининг тузилиш бирлиги;

- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

- турли даражалардаги бюджетларнинг ўзаро алоқаси;

- Давлат бюджетининг балансланганлиги (мувозанатлаштирилган бўлиши);

- давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлар (моддалар) бўйича режалаштириш;

- Давлат бюджетидан харажатларни тасдиқланган бюджет ажратмалари доирасида амалга ошириш;

- барча даражалардаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Бюджет тизимининг кўрсатилган тамойиллари бизнинг республикамиз бюджет қонунчилигида биринчи марта мустақамланган бўлиб, бу унинг нормал ишлаши учун жуда катта аҳамиятга эга. Аммо бюджет тизими тамойилларини шунчаки санаб ўтиш (Ўзбекистон бюджет қонунчилигида шундай қилинган) уларнинг мазмунини аниқлаб олиш имконини бермайди. Демак, уларни субъектив талқин қилиш имкониятини инкор этиб бўлмайди, зероки бундай талқин уларнинг асл мазмунини ҳамма вақт ҳам тўлиқ акс эттиравермайди.

Бизнинг республикамиз бюджет қонунчилигида мустақамланган бюджет тизими тамойиллари асосан умумқабул қилинган назарияларга ва бошқа давлатлар қонунчилик амалиётига тўғри келади. Бироқ улар муайян аниқликлар киритилишини талаб қилади.

Авваламбор, бу бюджет таснифи, ҳисоб юритиш-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тизимининг тузилиш бирлиги тамойилига тааллуқлидир. Мазкур ҳолда бюджет тизимининг умумий тан олинган тамойилидан бири мазмунининг айрим элементлари кўрсатилган. Гап **бюджет тизими бирлиги** тамойили ҳақида кетаётган бўлиб, бунда ҳуқуқий база, бюджет таснифи, бюджет ҳужжатлари шакллари, бюджет жараёни тамойиллари, пул тизими бирлиги ҳамда Давлат бюджети маблағлари билан операцияларни амалга оширишда ҳисоб юритиш, ҳисобот ва назорат бўйича ягона тартиб амал қилиши тушунилади. Демак, бюджет таснифи, ҳисоб юритиш-бюджет ҳужжатлари ва бюджет

жараёни тизимининг тузилиш бирлиги *бюджет тизими бирлиги* тамойилини амалга оширишнинг муҳим кафолати бўлиб, у мустақил тамойил ҳисобланмайди.

Бюджет тизими бирлиги ҳамма вақт барча даражалардаги бюджетларнинг ўзаро ҳаракатига асосланиб, тартибга солувчи манбалардан фойдаланиш, мақсадли ва минтақавий бюджет жамғармаларини ташкил этиш ва уларни қайта тақсимлаш орқали амалга оширилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг мустақил тамойили сифатида ўз моҳият-эътибори билан *бюджет тизими бирлиги* тамойили мазмуни элементларидан бири бўлган турли даражалардаги бюджетларнинг ўзаро алоқасини ажратиш тўғри бўлмаса керак.

Бизнинг республикамиз Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда мустаҳкамланган ***барча даражалардаги бюджетлар мустақиллиги*** тамойили етарлича объектив асосга эга эмас. Бу ерда гап шундаки, Ўзбекистон бюджет тизимининг бўгинлари тўлиқ мустақил бўла олмайди, чунки мамлакат Конституциясида мустаҳкамлаб берилган бюджет тузилиши барча бюджетларнинг ягона Давлат бюджетида бирлашувини назарда тутаяди.

Бюджет тизими бундай даражадаги маҳаллий бюджетларининг ўз даромадлари манбаларидан фойдаланиш ва харажат қилиш йўналишларини белгилаш ҳуқуқи уларнинг мустақиллиги мезони бўла олмайди. Бюджетлар, улардан ҳар бирининг харажатларини тўла қоплайдиган ўз даромад манбаларига эга бўлган тақдирдагина, мустақил бўлиши мумкин. Тартибга солувчи даромад манбаларидан ажратмалар маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари эмас. Улар юқори бюджетдан ўз даромадлари етмаган ҳолда бюджетни тартибга солиш тартибида берилади ва бунда тартибга солувчи манбалардан ажратмаларнинг аниқ миқдори ҳар йили ўзгаради ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Маҳаллий бюджетлар тўлиқ мустақил бўла олмаслиги тўғрисида Бюджет тизими тўғрисидаги меъёр ҳам далолат беради, унга асосан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни ва маҳаллий бюджетларга чекловлар назарда тутилган (24-модда). Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни ва маҳаллий бюджетларини қабул қилиш ва ижро этишда: қонунчиликда назарда тутилмаган манбалар ҳисобидан жамғармалар ташкил этиш; юқори бюджетлардан бюджет ссудаларини олишдан ташқари, қарзлар олиш; бошқа шахслар фойдасига бюджет маблағлари ҳисобидан молиявий кафолатлар ва топшириқномалар бериш ва ҳ.к.га *йўл қўйилмайди*.

Бюджетлар мустақиллиги тамойили Россия Федерацияси бюджет тизимига хос бўлиб, у федерал бюджет, федерация субъектлари бюджетлари ва маҳаллий бюджетларнинг алоҳида ажра-

тилганлиги, бунинг натижасида давлат ягона пул жамғармасини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш асосий молиявий режаси ҳисобланган Россия давлат бюджетининг мавжуд бўлишдан тўхташидан иборат объектив сабаблар билан боғлиқдир. Шу боисдан бу тамойил Россия Федерацияси Бюджет кодексига тўла асосли равишда мустаҳкамлаб берилди (31-модда).

Бюджет тузилишининг **Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги** тамойилига ҳам айрим тузатишлар киритилиши зарур деб ўйлаймиз. Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда бюджет тузилишига таъриф берилмаган ва фақат тахмин қилиш мумкинки, бу ҳолда қонун чиқарувчи бюджет тизимини назарда тутгандир. Аввал қайд этилганидек, бюджет тузилиши билан бюджет тизими тушунчалари ўртасида катта фарқлар мавжуд бўлиб, шу боисдан Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда мустаҳкамлаб берилган таърифдан фойдаланиш ва *бюджет тизимининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги тамойили* ҳақида гапириш мумкин. Бу тамойил бюджет тизими тузилмавий таркиби тўлиқлигини англатади ва давлатда мавжуд бўлган айни мана шу бюджетларнинг амал қилиши асосланганлигини кўрсатади.

Бизнинг республикамиз бюджет қонунчилигида мустаҳкамланган бюджет тизимининг жуда муҳим тамойили **Давлат бюджетининг балансланганлиги тамойили** (мувозанатлаштирилган бўлиши)дир. Бу тамойил шунинг англатадики, бюджетда назарда тутилган харажатлар ҳажми бюджет даромадлари ва унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларидан келиб тушадиган тушумлар йиғиндиси ҳажмига мувофиқ келиши лозим. Бюджет жараёнини амалга оширишда давлат ваколатли органлари Давлат бюджети тақчиллиги миқдорини энг кам даражага келтириш заруратидан келиб чиқишлари шарт.

Агар бюджетни ижро этиш жараёнида тақчилликнинг чегара доирасидан ошиш юз берса ёки бюджет даромад манбаларидан тушумлар камайиб кетса, жаҳон амалиётида харажатлар секвестри механизми қўлланилади. Секвестрнинг моҳияти шундан иборатки, жорий молия йилининг қолган вақти давомида бюджетнинг барча моддалари бўйича ҳар ойда давлат харажатлари муайян фоизларга (5, 10, 15 ва ҳ.к.) мутаносиб равишда пасайтириб борилади. Одатда, секвестр ваколатли органлар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида белгиланадиган рўйхатнинг ҳимояланган моддаларига нисбатан қўлланмайди.

Бир қанча мамлакатлар бюджет қонунчилигида, жумладан Россия Федерацияси Бюджет кодексига бюджет тизимининг бошқа тамойиллари ҳам мустаҳкамланган бўлиб, улар узининг

муайян объектив асосларига эгадир. Бу бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини тўлиқ акс эттириш, бюджетлар ошқоралиги тамойилларидир. Улар жумласига Бюджет тизими даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларни тақсимлаш, бюджет маблағларининг кимга ва қандай мақсадга йўналтирилиши ва бошқа тамойиллар ҳам киради. Шунингдек, Россия Федерацияси Бюджет кодексига нафақат бюджет тизими тамойиллари рўйхати мустақамланибгина қолмасдан, улардан ҳар бирининг мазмуни ҳам берилган.

Юқорида кўрсатилган тамойиллар бизнинг республикаимиз бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш жараёнида ҳисобга олиниши мумкин бўлгани учун уларнинг асосий моҳиятини кўриб чиқамиз.

Бюджетлар, давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатларини тўла акс эттириш тамойили шуни англатадики, бюджетлар, давлат бюджетдан ташқари жамғармаларининг барча даромадлари ва харажатлари ҳамда мамлакатнинг солиқ қонунчилиги ва бюджет қонунчилиги билан белгиланган бошқа мажбурий тушумлар уларда мажбурий тартибда ва тўла ҳажмда акс эттирилиши шарт. Давлатнинг барча харажатлари бюджет маблағлари, бюджет тизимида тўпланган бюджетдан ташқари давлат жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Ошқоралик тамойили бюджет лойиҳалари бўйича қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари ҳамда қабул қилинган бюджетлар асосий кўрсаткичлари ва уларнинг ижроси аҳволи тўғрисидаги ахборот, маълумотлар жамият учун мажбурий тартибда ошкор этилишини назарда тутади.

Бюджет тизими даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларни чегаралаш тамойили даромадларнинг тегишли турлари (тўлиқ ёки қисман) бюджет тизимининг у ёки бу даражасига ҳамда харажатларни амалга ошириш бўйича ваколатлар марказий органлар ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларига берилишини англатади.

Бюджет маблағларининг кимга ва қандай мақсадга йўналтирилиши тамойили шундан иборатки, бюджет маблағлари уларни олувчилар ихтиёрига, улардан фойдаланиш аниқ мақсадлари кўрсатилган ҳолда, ажратилади. Бюджет маблағларининг назарда тутилган шахсларга ва бюджетда белгиланган мақсадларга йўналтирилишини бузишга олиб келадиган ҳар қандай ҳаракат бюджет қонунчилигини бузиш ҳисобланади.

3. Бюджет тизими даромадлари ва харажатлари таркиби ҳамда уларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш

Амалдаги бюджет қонунчилигига мувофиқ барча даромадлар ва харажатлар давлат бюджет тизими даражалари ўртасида тақсимланади. **‘Бюджет даромадлари ва харажатларини тақсимлаш** деганда, ҳар бир даражадаги бюджетга киритилиши лозим бўлган даромадлар ва харажатлар турлари ва ҳажмини белгилаш тушунилади.’

Бюджет тизими даромадлари у ёки бу бюджетнинг даромад қисмига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорларда келиб тушадиган мажбурий тўловлардир. Ушбу тўловларнинг турлари, уларни шакллантириш ва бюджет тизимининг тегишли даражаларига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари билан белгиланади.

Бизнинг мамлакатимиз бюджет тизими даромадлари Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими туғрисидаги қонунда назарда тутилган манбалар ҳисобидан шакллантирилади. Уларнинг таркибида солиқ ва носолиқ тўловлари¹ ҳамда бегараз, текин ажратмаларни кўрсатиш мумкин.

‘Солиқ даромадларига мамлакатимизнинг солиқ ва божхона қонунчилигида назарда тутилган умумдавлат солиқлари, маҳаллий солиқ ва йиғимлар ҳамда божхона божлари киради.

Солиқдан ташқари тўловлар давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштириш, фойдаланишга бериш ва сотишдан тушган даромадлар, қонунчиликка мувофиқ равишда мерос қилиб бериш, совға қилиш ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган пул маблағлари, юридик шахслар-резидентлар ва чет давлатларга берилган бюджет ссудаларини тулаш бўйича тўловлар ҳамда давлат божидан иборат. Бюджетларнинг бу тоифадаги даромадларига фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жинсий жавобгарлик чоралари қўлланиши натижасида олинган маблағлар, жумладан жарималар, мусодара этиш, товон тулаш ва мажбурий равишда ундириб олинган бошқа суммалар ҳам киради.’

‘Бюджет даромадларига жисмоний ва юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва чет давлатлар ҳукуматлари томонидан **бегараз, текин ажратмалар** ҳам киритилиши мумкин. Давлат бюджети даромад манбаларидан фарқли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибига юқори бюджетлардан ажратиладиган бюджет дотация-

¹ Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилигида бу тўловлар «бошқа даромадлар» деб аталади.

лари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари ҳам киритилади.

Бюджет тизими даромадларининг келтирилган гуруҳлаш мезони адабиётларда берилган бўлиб, бу уларнинг юридик шаклига қараб таснифланишидир.

Бюджет тизими даромадлари уларни у ёки бу даражадаги бюджетлар даромадларига киритиш тартиби ва шартларига қараб тасниф қилиниши ҳам мумкин. Ушбу мезон бўйича мустақамланган (бириктирилган) ва тартибга солувчи даромадлар ажратилади.

Мустақамланган (бириктирилган) даромадлар тегишли бюджетга доимий ёки узоқ муддатли асосда тўлиқ ёки қисман (қаттиқ меъёрларда) келиб тушадиган даромадлардир. Бундай даромадларга тегишли бюджетларга бириктириб қўйилган солиқ даромадлари киради. Бюджет тизимининг у ёки бу даражасига ушбу даромадларни бириктириб қўйишнинг ҳуқуқий асоси солиқ ва бюджет қонунчилиги ҳисобланади.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган маҳаллий солиқлар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ўтказилади (7-модда). Бизнинг республикамиз бюджет қонунчилигига мувофиқ, одатда, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ каби умумдавлат солиқлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланмайди ва улар тўла ҳажмда республика бюджети ёки маҳаллий бюджетлар ҳисобига ўтказилади¹.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари молия органларининг таклифлари бўйича маҳаллий солиқлар қайси даражадаги бюджетга, жумладан юқори бюджетга, тўла ҳажмда ўтказилишини белгилайдилар. Турли даражадаги бюджетларга ажратмалар нормативлари белгиланган ва маҳаллий бюджетларга тўла ҳажмда ўтказилиши керак бўлган умумдавлат солиқлари солиқ тўловчи жойлашган шаҳар, туман ҳудудидаги маҳаллий бюджетга келиб тушади.

Турли даражалардаги бюджетларга ажратмалар нормативлари белгиланмаган ва тўла ҳажмда республика бюджети ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган умумдавлат солиқлари, солиқ тўловчи қайси шаҳар, туман ҳудудида жойлашган бўлишига қарамасдан, ушбу бюджетга келиб тушади.

Амалдаги қонунчилик билан даромадларни бириктириб, мустақамлаб қўйиш тизими ўзини тўла оқлайди, чунки айрим бюджетларни тузиш техникаси соддалашади, бу у ёки бу даражадаги бюджет тизимига тўлиқ келиб тушадиган даромадлар рўйхати

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузиш ва исро этиш қоидалари (38-м, 2-бба).

олдиндан маълум бўлиши билан боғлиқдир. Бундан ташқари, маҳаллий органларнинг бюджет мустақиллиги ортиб бормоқда.

Бироқ бириктириб қўйиладиган даромадлар рўйхатини белгилашда давлатнинг бутун бюджет тизими фаолияти самарадорлигига салбий таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган бир қанча омилларни ҳисобга олиш зарур. Хусусан, даромадларни тақсимлашда айрим бюджетларда ортиқча даромадлар ҳосил бўлиб, қолганларида уларнинг етишмаслиги, яъни номутаносиблик юзата келишига йул қўйилмаслиги керак. Масалан, саноат ривожланган ҳудудларда юридик шахслардан даромад ёки фойда солиги бўйича келиб тушадиган тушумлар ҳажм жиҳатидан анчагина кўп, шу сабабли улардан қатъий бириктириб қўйиладиган даромад сифатида фойдаланиш маҳаллий бюджетлар даромадларини тақсимлашда номутаносибликка олиб келиши мумкин. Даромадларни қатъий бириктириб қўйиш тамойили бюджет тизимининг турли даражалари (республика бюджети билан маҳаллий бюджетлар) ўртасида уларни қайта тақсимлаш имкониятидан маҳрум этади. Ҳолбуки даромадларни бундай қайта тақсимлаш объектив зарурат бўлиб, бизнинг давлатимиз бюджет тизимининг бирлиги билан белгиланади.

Бюджетларнинг **тартибга солувчи даромадлари** юқори даражадаги бюджет тизимидан қўйи бюджетга республика бюджетидан - вилоят бюджетларига, вилоят бюджетидан - туман бюджетларига ва ҳ.к.) ўтказиладиган маблағлардан иборат. (Тартибга солувчи даромадларга умумдавлат солиқлари ва бошқа туловлар кириб, улар бўйича кейинги молия йили учун маҳаллий бюджетларга ажратмалар (фоизларда) нормативлари белгиланади. Бу нормативлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг тартибга солувчи даромадларни берувчи бюджетлар тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ёки бизнинг давлатимиз бюджет тизимининг бошқа даражадаги бюджетдан унга берилган тартибга солувчи даромадларни тақсимлайдиган даражадаги бюджет тўғрисидаги қарор билан белгиланади.

Шундай қилиб, тартибга солувчи даромадларни ҳар бир қўйи бюджетга ўтказиш учун юридик асос бўлиб юқори даражадаги бюджетни тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Масалан, тартибга солувчи даромадлардан ажратмалар вилоятлар бюджетларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кейинги молия йили учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва параметрлар прогнози тўғрисидаги қарори асосида, туманлар бюджетларига эса, вилоятларнинг халқ депутатлари Кенгашлари қарорига асосан ўтказилади.

Амалдаги бюджет қонунчилигига мувофиқ юридик шахсларга солинадиган даромад ёки фойда солиғи, жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи тартибга солувчи солиқлар сифатида белгиланиши мумкин¹.

Бюджет тизими харажатлари келгуси молия йилида давлатнинг ўз вазифалари ва функцияларини бажариши учун унга зарур бўлган бюджет маблағларидир. Шу муносабат билан харажатлар мақсадли йўналиши ва ҳажмлари давлатнинг муайян ривожланиш босқичида унинг олдида турган вазифаларга қараб ўзгариши мумкин.

Бюджет тизими тўғрисидаги қонун бўйича бюджет харажатларининг таркибий қисмлари уларнинг *иқтисодий мазмунига кўра жорий харажатлар* ва *капитал харажатлар* ҳисобланади.

Жорий харажатлар бюджетлар харажатларининг қуйидагилар билан боғлиқ қисмларини ўз ичига олади: давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, бюджет муассасаларининг нормал фаолиятини таъминлаш; бошқа бюджетларга жорий молиялаштириш учун давлат томонидан дотациялар, субвенциялар шаклида ёрдам бериш; давлат қарзларини тўлаш (сўндириш) ва хизмат кўрсатиш бўйича фоизлар тўлаш ва бошқалар. Бир қанча мамлакатларда бу харажатлар асосан одатдаги бюджет деб аталадиган ёки жорий харажатлар ва даромадлар бюджетида акс эттириладиган сарф-харажатларга тўғри келади.

Капитал харажатларга давлат эҳтиёжлари учун асосий жамғармалар ва маблағларни олиш, қайта ишлаб чиқариш (бунга улар билан боғлиқ харажатлар ва хизматлар ҳам киритилади), давлат эҳтиёжлари учун чет давлатдан ер ва бошқа мулкни олиш ҳамда ерга эгалик ҳуқуқи ва бошқа номоддий активларни олиш учун сарфланадиган харажатлар киради. Бюджет тизими капитал харажатларининг катта қисмини инвестиция фаолияти учун харажатлар ташкил этади. Улар тасдиқланган инвестицион дастурларга мувофиқ амалда ишлаб турган ёки янги ташкил этилаётган корхоналарга инвестициялар учун мўлжалланган харажатлар моддаларини ўз ичига олади.

Бюджетлар харажатлари **маблағларни бериш шакллари**га қараб қуйидагиларга бўлиниши мумкин: бюджет муассасаларини сақлаш учун ажратиладиган маблағлар; давлат контрактлари бўйича товарлар учун, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлашга ажратила-

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари (38-м).

диган маблағлар; жорий бюджет трансфертлари¹; капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга - бюджет трансфертлари; маҳаллий бюджетларга - бюджет дотациялари, субвенциялари ва ссудалар; давлат мақсадли жамғармаларига - бюджет дотациялари ва ссудалари; давлат қарзига хизмат курсатиш ва тўлаш бўйича маблағлар ва ҳ.к.

Бюджет тизими харажатлари таркиби бюджетлар даражасига қараб муайян фарқларга эга бўлиб, бу умумдавлат ва минтақавий кўламда ҳал этиладиган вазифаларнинг бир-бирига мос келмаслиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимига хос бўлган харажатларнинг асосий йўналишларини ажратиш мумкин. Бюджет қонунчилигига мувофиқ, уларга қуйидагилар учун ажратиладиган харажатлар киради:

1) фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт;

2) ижтимоий таъминот;

3) аҳолини ижтимоий ҳимоялаш;

4) мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш;

5) суд ва прокуратура органлари иш-фаолиятини таъминлаш;

6) давлат заҳиралари ва йўналтириладиган заҳираларни ташкил этиш ва сақлаш;

7) давлат марказлаштирилган инвестицияларини амалга ошириш;

8) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари ва миссиялари фаолиятини таъминлаш;

9) иқтисодиёт турли тармоқлари бюджет ташкилотларини сақлаш;

10) иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат мақсадли дастурлари ва чора-тадбирларини амалга ошириш ва бошқалар учун харажатлар².

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин бюджет тизими харажатларининг янги моддалари вужудга келди. Улар фақат суверен давлат учун хосдир. Хусусан, бу давлат мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги дипломатик ваколатхонала-

¹ Бюджет трансферти давлат томонидан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёки ваколатли орган орқали бегараз ажратиладиган пул маблағларидир (Бюджет тизими тўғрисидаги қонуни 3-мси).

² Масалан, республика бюджети харажатларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармаси ва кафолатли жамғармасини яратиш учун ажратиладиган маблағлар киритилди.

ри ва миссияларини сақлаш, ташқи қарзлар бўйича хизмат кўрсатиш шулар жумласидандир.

Барча даражалардаги бюджетлар харажатлари янги моддаларининг юзага келиши бозор муносабатларига ўтиш шароитларида кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши билан ҳам боғлиқ. Бу харажатлар жумласига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар учун ажратиладиган харажатлар кириб, улар болали оилалар ва кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда бюджет ҳисобидан аҳолига ижтимоий аҳамиятдаги хизматларга қўйиладиган нархлардаги фарқларни қоплашни ўз ичига олади.

Бюджет тизимининг барча харажатлари турли бюджетлар ўртасида тақсимланиб, бу у ёки бу харажатни муайян бюджетга (республика бюджети ёки маҳаллий бюджетга) киритилишини англатади. Бунда икки белги шундай тақсимлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу, биринчидан, молиялаштириштирилаётган муассасаларнинг республика ва маҳаллий органларга қарашли бўлиши, иккинчидан, молиялаштириштирилаётган тадбирнинг аҳамиятидир. Республикага қарашли бюджет ташкилотлари бўйича фан, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт учун харажатлар республика бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланади, маҳаллий бюджет ташкилотлари бўйича эса, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириштирилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига асосан иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинадиган давлат мақсадли дастурлари ва чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича харажатлар ҳамда мудофаа, миллий хавфсизликни таъминлаш учун сарфланадиган харажатлар, уларнинг давлат учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, республика бюджетига киритилади. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

Маҳаллий бюджетлар харажатлари вилоят, туман, шаҳар бюджетлари ўртасида чегараланади. Бундай тақсимлаш асосида амалдаги қонунчилик билан мустаҳкамланган, ҳар бир аниқ бюджет томонидан тегишли маъмурий-хўжалик тузилма, маҳаллий хўжаликнинг барча эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш тамойили ётади.

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари бюджет қонунчилигига мувофиқ равишда чегараланади¹.

4. Бюджетни тартибга солиш тушунчаси ва усуллари

Бюджет тизими даромадларини тақсимлашнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини алоҳида бюджетлар ўртасида шундай қайта тақсимлашдан иборатки, улардан ҳар бири ўзига ажратилган барча харажатларни қоплайдиган маблағлар билан таъминланган бўлиши шарт. Бу вазифани *бюджетни тартибга солиш* ҳал этиб, бунда ҳар бир қуйи бюджет даромадлари ва харажатларини мувозанатга келтириш мақсадида Давлат бюджети маблағларини ҳар йили режали қайта тақсимлаш жараёни тушунилади.

Бюджетни тартибга солиш турли усуллар ёрдамида амалга оширилиб, улар орасида *тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш усули* энг муҳим усул ҳисобланади. Бюджетни тартибга солиш усулининг аҳамияти шу билан белгиланадики, бириктирилган даромадлар етмаган тақдирда, айти мана шу усул ёрдамида ҳар бир бюджет даромадлари ва харажатларини мувозанатга келтириш учун зарур бўлган маблағларнинг катта қисми берилади. Тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш йўли билан қуйи бюджетларни мувозанатлаш имконияти бўлмаган ҳолда, бюджетни тартибга солишнинг бошқа усуллари қўлланади: а) юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенцияларини бериш; б) бюджет ссудаларини ажратиш.

Тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш усули. Бюджет тизими ҳар бир даражаси даромадлари ва харажатларини баланслаш учун тегишли бюджетларга умумдавлат солиқларидан маблағлар ажратишни тартибга солиш режаси тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари лойиҳалари даромад қисмини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети Бош бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмаларни тартибга солиш режаси тузилиб, унда қуйидагилар белгиланади:

1) тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва

¹ Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 12, 16, 19, 22, 23-моддалари.

Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари ва суммалари;

2) республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бириктириб қўйилган умумдавлат солиқлари рўйхати ва ҳажми;

3) республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бириктириб қўйилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар рўйхати ва ҳажми.

Ўз таркибида бошқа қўйи минтақа бюджетига эга бўлган ҳар бир минтақа бюджети учун тартибга солиш режаси тузилади. У ҳар йили кейинги молия йили учун бюджетлар лойиҳалари тузилаётган вақтда ишлаб чиқилади ва молия йили тугаши билан ўз кучини йўқотади.

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига тартибга солувчи умумдавлат солиқлари рўйхати ва улардан ажратмалар рўйхатини белгилаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Қабул қилинган Давлат бюджетига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига тартибга солувчи умумдавлат солиқлари рўйхати ва улардан ажратмалар рўйхати белгиланади¹.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан республика (Қорақалпоғистон) ва вилоятга қарашли туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмалар нормативлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига солиқларнинг ўзидан ажратмалар нормативларидан оширилмаган миқдорда белгиланади.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларига ажратмалар нормативлари вилоятга қарашли шаҳар бюджетига солиқларнинг ўзидан ажратмалар нормативларидан оширилмаган миқдорда белгиланади.

Тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан туманга қарашли шаҳарлар бюджетларига солиқлардан ажратмалар нормативлари вилоятга қарашли туман бюджетига солиқларнинг ўзидан ажратмалар нормативларидан оширилмаган миқдорда белгиланади.

Дотация (лат. *dotatio* - ҳадя, хайр-эҳсон) бюджетни тартибга солиш усули сифатида - ўз даромадлари ва бюджетни

¹ Қ. масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 4-сонли қарорига 22-илова.

тартибга солишнинг бошқа маблағлари, хусусан, тартибга солувчи даромадларидан ажратмалар етишмаган тақдирда харажатлар ва даромадлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қўйи бюджетга қатъий суммада бегараз ва қайтарилмаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир.

Бюджетни тартибга солишнинг ушбу усули бир қанча камчиликларга эга бўлиб, бунга бюджетларда назарда тутилган тадбирларни маблағ билан узлуксиз таъминлаб туриш учун жойларда бюджетлардан қўшимча даромадларни йўналтиришда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари манфаатдорлиги ва молия органлари жавобгарлиги пасайишини киритиш мумкин. Бундан ташқари, дотация қўйи бюджетнинг ижросини юқори бюджетга – даромадларнинг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишига қарам қилиб қўяди, мана шу даромадлар ҳисобидан дотация суммалари ўтказилади. Шу боисдан бюджетни тартибга солиш усули сифатида дотация фақат шундагина қўлланиладики, унинг ҳудудида йўналтириладиган барча тартибга солувчи даромадлар қўйи бюджетга берилаётганида бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар умумий суммаси режалаштирилган барча харажатларни қопламаган, яъни бюджетни дефицитсиз мувозанатлаштиришнинг бошқа барча усуллари тугаган бўлса¹.

Субвенция (лат. *subvenire* – ёрдамга келиш) юқори бюджетдан қўйи бюджетга муайян мақсадларда фойдаланиш шарти билан бегараз ажратиладиган пул маблағларидан иборат. Дотациядан фарқли равишда субвенция муайян бир тадбирни молиялаштириш учун ажратилади ва ундан мақсадли фойдаланиш тартиби бузилган ҳолда, у қайтарилиши лозим. Бир қанча мамлакатларда, масалан: АҚШ, Италия, Германия, Японияда субвенция маҳаллий бошқарув органларига марказдан тасдиқланган, ўз ташаббуси бўйича амалга ошириладиган муайян дастурлар ёки лойиҳаларни молиялаштириш учун берилади.

Бюджетни тартибга солиш усули сифатида субвенция собиқ Иттифоқ давлатларида ҳам қўлланилган бўлиб, улар кўп даражада дотация ўрнини ўтаган. Давлат бюджетидан субвенциялар 1924 йили белгиланиб, 1931 йили умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан ажратмалар белгиланиши билан бекор қилинган эди.

Бюджет ссудаси юқори бюджетдан қўйи бюджетга ёки республика бюджетидан юридик шахс-резидент ёхуд чет давлатга қайтариб беришга асосланган ҳолда ажратиладиган маблағлардир.

¹ Бюджет тизими туғрисидаги қонуннинг 24-мисга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Бюжети ва маҳаллий бюджетларда таққилик бўлишига йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини тўлаш тартиби махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгиланган¹.

Юқори бюджетдан ссудалар барча бюджет манбаларидан энг кўп (максимал) йўналтирилган ссудалар кечиктириб бўлмайдиган биринчи навбатдаги тадбирларни молиялаштиришни таъминламаган тақдирда берилади. Улар: а) даромадлар тушумлари билан харажатларни амалга ошириш ўртасидаги режали вақтинча касса узилишларини қоплаш учун; б) даромадлар тушумлари билан харажатларни амалга ошириш ўртасидаги амалдаги вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун; в) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар режали харажатларини мақсадли молиялаштириш схемаларини амалга ошириш учун ажратилади.

Юқори бюджет маблағларидан ссудалар қўйи бюджетга режали ва амалдаги вақтинча касса узилишларини қоплаш учун уч календар ойгача ҳамда мақсадли молиялаштириш схемаларини амалга ошириш учун бир календар ойгача муддат билан берилиши мумкин.

Ссудалар юқори бюджетдан қўйи бюджетга ажратилади. Масалан, республика бюджетидан - Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига; вилоят бюджетидан эса, вилоятга қарашли шаҳарлар бюджетларига ва вилоят таркибига кирувчи туманлар бюджетларига ажратилади ва ҳ.к.

Ссудалар жойлардаги ҳокимият ижроия органлари раҳбарлари (уларнинг ўринбосарлари)нинг ёзма аризаси бўйича берилади. Улар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жўнатилади, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари (ўринбосарлари) эса, юқори ҳокимиятлар органларига юборади. Бюджетга даромадлар келиб тушмаган ёки бюджет харажатларини олдиндан молиялаштириш зарурати туғилган ҳоллар ҳамда қабул қилинган чоралар тегишли бюджет даромадлари ва харажатлари мувозанатини таъминламаган шароитлар ссуда берилиши учун аризага асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

¹ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган бюджет ссудаларини тўлаш (сўндириш) тартиби тўғрисида низом. Молия вазирлигининг 2001 йил 28 июндаги 580сонли буйруғи билан тасдиқланган //МЎҚБ, 2001 йил, №14.

Ссудаларни қайтариш ссуда бериш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган қатъий белгиланган муддатларда, одатда, пул маблағлари билан амалга оширилади.

Бизнинг республикамиз бюджет қонунчилигида бюджетни тартибга солишнинг субсидия (лат. *subsidiūm* - ёрдам, қўллаб-қувватлаш) деган усули қўлланмайди. Бюджетни тартибга солишнинг мазкур усули жаҳон амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда ва унинг моҳияти шундан иборатки, муайян тадбирларни жойлаштириш учун маблағлар юқори бюджетдан қўйи бюджетларнинг улушлари билан иштирок этиши шарти билан ажратилади.

5. Бюджет тизимини бошқариш соҳасида вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг ваколатлари

Совет даврида ва иттифоқ давлати парчаланганидан кейин Россия Федерациясида нашр этилган молия ҳуқуқига оид ўқув адабиётларида алоҳида параграфлар ёки махсус боб анъанавий равишда давлат ва унинг маъмурий-ҳуқуқий тузилмалари (масалан, Россия Федерацияси, Россия Федерацияси субъектлари ҳамда маҳаллий тузилмалар) бюджет ҳуқуқларига бағишланади. «Бюджет ҳуқуқи» атамаси иттифоқ ва Россия қонунчилигида¹ ҳамда юридик адабиётларда давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг бюджет ҳуқуқи субъектлари сифатидаги мақомини тавсифлаш учун қўлланган. «Бюджет ҳуқуқи» атамаси билан тегишли бюджет (Давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар)ни тузиш ва тасдиқлаш, муайян (бириктирилган ва тартибга солинадиган) бюджет даромадларини олиш, у ёки бу даражадаги бюджетни мустақил ижро этиш ва уларда назарда тутилган ажратилган маблағлардан фойдаланиш ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлган ваколатларнинг кенг доираси белгиланади.

Республикамиз бюджет қонунчилигида «бюджет ҳуқуқи» атамаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши билан муомаладан чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими

¹ Совет қонунчилигида «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар бюджет ҳуқуқлари тўғрисида» 1959 йил 30 октябрдаги қонун ҳамда иттифоқдош республикаларда шунга ўхшаш қонунлар амал қилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Кенгашларининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида» 1961 йил 6 январдаги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Совети йиғини протоколи, 1961 йил, №1, 4-м). Россия қонунчилигида «Россия Федерацияси таркибидagi республикалар, автоном область, автоном округлар, улкалар, областлар, Москва ва Санкт-Петербург шикари иш давлат ҳокимияти ваколатли ва ижроия органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг бюджет ҳуқуқлари ва бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлари асослари тўғрисида» 1993 йил 15 апрелдаги қонун амал қилмоқда // ИФ ОНА. 1993. №19, 635 -м

тўғрисида»ги қонунини амалга киритиш ҳақида» 2000 йил 14 декабрдаги қарори¹ билан «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси меҳнатқашлар депутатлари маҳаллий Кенгашларининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида» 1961 йил 6 январдаги қонуни ўз кучини йўқотди. Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалар (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар)нинг бюджет ҳуқуқлари эмас, балки мамлакат вакиллик ва ижроия ҳокимияти марказий ва маҳаллий органларнинг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколати мустаҳкамланган.

Ўзбекистон бюджет қонунчилигида бундай ёндашув ўзини тўла оқлай олмаса керак деб ўйлаймиз. Гап шундаки, асосий бюджет ҳуқуқлари, гарчи умуман давлатга ва унинг айрим маъмурий-ҳуқуқий тузилмаларига тегишли бўлса-да, улар барча даражадаги давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг турлича ваколатларида аниқлаштирилади, улар, илгари кўрсатиб ўтилганидек, амалда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар бюджет ҳуқуқини намоён этади.

Шу билан бирга, Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда давлат олий вакиллик органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколати ўз аксини топмаган, у Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳуқуқини амалга оширувчи давлат ҳокимият ва бошқарув марказий органлари тизимида алоҳида ўрин тутаяди, чунки унга бюджет ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш соҳасида бир қанча алоҳида ваколатлар берилган. Ушбу ҳолда, эҳтимол, қонун чиқаруви Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколатларининг асослари мамлакат Конституциясида мустаҳкамлаб берилганлигидан келиб чиққан бўлса керак. Бу ваколатларга: Давлат бюджетини қабул қилиш; барча бюджетлар даромадларини ташкил этиш учун келиб тушадиган солиқларни белгилаш; бюджет муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва бошқалар қиради.

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳам амалга оширилади. Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда ушбу ижроия ҳокимияти марказий давлат органларининг бюджет муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколати мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим

¹ ЎР ОМА, 2001, №1-2, 6 -м.

этиш, Давлат бюджети ижросини ташкил этиш, Молия вазирлиги ва Давлат бюджети ижроси бўйича давлатнинг бошқа бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш вазифалари киради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш, Давлат бюджетини ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш учун Олий Мажлисга киритиш вазифалари ҳам юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ваколатига Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш, Давлат бюджети маблағларининг келиб тушиши ва харажат қилиниши тартибини белгилаш ва назорат этиш киради. Шунингдек, бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини рўйхатдан ўтказиш, бюджет маблағларини олувчилар томонидан Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар ҳам шулар жумласидандир.

Маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг бюджет ҳуқуқлари жойлардаги давлат ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади. Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда вакиллик ҳамда ижроия органларининг ваколатлари белгилаб берилган. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва барча даражадаги халқ депутатлари Кенгаши мувофиқ равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни қабул қилади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди. Ушбу органлар маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда қонунчиликка мувофиқ маҳаллий бюджетларга келиб тушувчи бошқа тўловлар миқдори ва улар бўйича имтиёзларни белгилайди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимиятлар ваколатига маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси ва барча даражадаги халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилиш учун тақдим этиш, бюджетга тушумларнинг тулиқ ва ўз вақтида келиб тушиши ва бюджет маблағларини мақсадли харажат қилиш устидан назоратни ташкил этиш вазифалари киради.

1. Бюджет жараёни тушунчаси, унинг тамойиллари ва босқичлари

«Жараён» атамаси билан муайян натижага эришиш учун амалга ошириладиган кетма-кет ҳаракатлар мажмуи ёки бирор фаолиятни амалга ошириш тартиби белгиланади. Бу маънода, масалан, маъмурий, жиноий, фуқаролик процесси тўғрисида гапирилади ва ҳ.к.

Барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бюджет муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколати Давлат бюджетини шакллантириш, тузишдан бошлаб уни ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган турли ҳаракатларда намоён бўлиши туфайли, уларни процессуал нуқтаи назардан кўриб чиқиш учун зарур асослар бор. Процесс юридик категория сифатида моддий ҳуқуқ меъёрларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

Ўтказилган услубий ёндашувлар асосида моддий бюджет-ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш бўйича фаолиятни бюджет жараёни сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бошқача айтганда, бюджет жараёни бюджет ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг моддий бюджет ҳуқуқларини амалга ошириш шакли бўлиб, процессуал бюджет ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги бюджет жараёни асосларини мустақкамлайди ва уни тартибга солади. Бюджет жараёни тушунчаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида очиб берилади. **Бюджет жараёни** – қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган, Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, назорат қилиш, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш жараёни, шунингдек, Давлат бюджетини тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардир. Ушбу қонунчилик ҳужжатида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг асосий қоидаларини белгилайдиган меъёрлар берилган. Мазкур меъёрларни ривожлантиришда махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, у Давлат бюджетини тузиш ва ижро этишни тартибга солади. Гап Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари тўғрисида кетаяпти. Давлат бюджети бир хил бўлган, доимий янгиланиб боровчи шаклланиш ва ижро этиш босқичларини даврий равишда ўтиб боради. Бюджет даврийлиги унинг бюджет тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган муд-

дат давомида амал қилади, бу муддат тугаганидан сўнг кейинги муддат учун бюджет тўғрисидаги янги ҳужжат қабул қилинади. Бюджет тўғрисида чиқарилган ҳужжат амал қилган муддат бир йил¹ни ташкил этади ва у *бюджет йили*² деб аталади.

Бизнинг мамлакатимизда бюджет йили календар йилга тўғри келади, яъни у 1 январдан бошланиб, 31 декабрда тугайди. Турли давлатларда парламент сессияларининг ҳар хил вақтда ўтказилиши натижасидаги фарқлар, тарихий анъаналар ва бошқа сабабларга кўра бюджет йили бир хил бошланмайди. Масалан, у Франция, Германия, Италия, Бельгияда - 1 январдан, Буюк Британия, Япония, Канадада - 1 апрелдан, Швеция, Норвегия, Покистонда - 1 июлдан, АҚШда - 1 октябрдан бошланади³.

Бюджет йили тунунчаси билан бирга, *бюджет даври* тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у режалаштирилаётган давр учун бюджет тузишдан бошлаб то уни ижро этиш тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлангунига қадар бўлган вақт оралигини ўз ичига олади⁴. Ўзбекистонда бюджет даври уч йилга яқин вақт давом этади ва у бизнинг республикаимизда бюджет жараёнининг умумий давомийлигини ташкил этади. Бюджет даври бир-бири билан кетма-кет ўрин алмашадиган бюджет жараёнининг бир неча босқичларини ўз ичига қамраб олади. Молия ҳуқуқига оид адабиётларда бюджет жараёнининг босқичлари тўғрисида турлича фикрлар мавжуд бўлиб, айрим ҳолларда тўрт босқич⁵га, бошқа ҳолларда беш босқич⁶га ажратилади. Аммо, бизнинг фикримизча, бу ҳолат принципаал хусусиятга эга эмас, чунки асосийси бюджет жараёнининг барча элементлари ажратилаётган босқичларда акс эттирилса, етарлидир. Бундан ташқари, у ёки бу мамлакат бюджет қонунчилигида бюджет жараёнининг анъанавий равишда ҳеч қачон кўриб чиқилмаган босқичлари ҳам мустақамланган бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон бюджет қонунчилигида Давлат бюджети кўрсаткичларини бюджет маблағларини олувчиларга етказиш босқичи назарда тутилган.

Бизнинг республикаимизда бюджет жараёни қуйидаги босқичлардан таркиб топган:

- 1) бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш;
- 2) бюджетни бюджет маблағларини олувчиларга етказиш;
- 3) бюджетни ижро этиш ва унинг ижросини назорат қилиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли молия йили учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетлари тўғрисидаги қарорлари.

² Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда «молия йили» атамаси ишлатилган.

³ Финансово-кредитный словарь. М., Т.1 - 168-б.

⁴ Баъзан адабиётларда бу вақт оралигини бюджет цикли деб аташади. Финансовое право: Дарслик / проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. М.: Юрист, 1996. - 157-б.

⁵ Финансовое право: Дарслик / проф. Н.И.Химичева таҳрири остида. М.: БЕК, 1996. - 157-б.

⁶ Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Ўқув қўлланмаси -М.: Новый юрист. - 74-б.

4) бюджетни ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тасдиқлаш.

Бюджет жараёнининг таркибий қисми бюджетни тартибга солиш - давлат бюджет тизими даражалари ўртасида маблағларни қайта тақсимлашдан иборат.

Бюджет жараёни асосида муайян тамойиллар мавжуд бўлиб, бутун давлат бюджет тизимининг барқарор ва самарали ишлаши учун уларга қатъий риоя этилиши зарур. Шу сабабли бюджет жараёнига бюджет тизими учун хос бўлган: **барча бюджетларнинг бирлиги, тўлиқлиги, реаллиги, баланслиги, ошкоралиги** каби тамойилларнинг хос бўлиши тасодифий ҳол эмас¹. Шу билан бирга, фақат бюджет жараёнига хос бўлган алоҳида тамойиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларга **бюджетнинг ҳар йилли такрорланиб туриши, вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни чегаралаш, бюджет кўрсаткичларини ихтисослаштириш**² киради.

Бюджетнинг ҳар йилли такрорланиб туриши тамойили шунда намоён бўладики, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети бюджет йили учун тузилади ва қабул қилинади. Бу тамойилнинг муҳимлиги шу билан белгиланадики, у аниқ даврда (бюджет йилида) ижтимоий-сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар ривожланишини тўлиқроқ ҳисобга олиш ҳамда уларни амалга ошириш учун бюджетдан маблағларни мақсадли йўналтирилган ҳолда ажратиш учун имкон беради.

Бюджетни тузиш ва ижро этиш ижроия ҳокимияти органларининг функциялари бўлиб, бюджетни кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва назорат этиш ваколатли ҳокимият органлари вазифасидир. **Вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларни чегаралаш** тамойили мана шунда намоён бўлади. Бу тамойилнинг роли шундан иборатки, бюджет жараёнида вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг фаолияти такрорланмайди. Бундан ташқари, нафақат бюджетни ижро этиш, балки бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида ҳам вакиллик органлари томонидан амалга ошириладиган назорат давлат марказлаштирилган пул жамғармалари маблағларининг энг оқилона равишда тақсимланиши ва улардан қатъий белгиланган мақсадлар бўйича фойдаланилиши учун жиддий кафолат бўла олади.

Бюджет жараёнининг барча босқичларида **бюджет кўрсаткичларини ихтисослаштириш** тамойили амал қилади. Бу тамойилнинг моҳияти бюджет даромадларини - уларнинг келиб ту-

¹ Бу принципларнинг мазмуни тўғрисида китобнинг 8-боб 2-параграфига қаранг.

² Айрим манбаларда ушбу масала юзасидан бошқа нуқтай назар ҳам бор. Қ. масалан, Финансовое право: Дарелик / проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. М.: Юристъ, 1996. - 138-139 бетлар.

шиш манбалари бўйича, харажатларини эса - улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича аниқлаштиришдан иборат бўлиб, бу бюджет таснифи орқали амалга оширилади.

Бюджет таснифи Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатлари ҳамда унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборат.

Бюджет таснифи Давлат бюджетини шакллантириш, қуриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тартибга солиш учун фойдаланилади ва бюджет маълумотларини халқаро тасниф тизимларининг шунга ўхшаш маълумотлари билан солиштириш, қиёслаш учун имкон беради.

Бюджет таснифи:

- а. Давлат бюджети даромадларини таснифлаш;
- б. Давлат бюджети харажатларини функционал, ташкилий ва иқтисодий таснифлаш;
- с. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбаларини таснифлашни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини таснифлашда даромадлар тушумларнинг манбалари ва турлари бўйича гуруҳларга ажратилади.

Давлат бюджети харажатларини функционал таснифлаш уларни давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимият органлари ҳамда бошқа бюджет ташкилотлари томонидан бажариладиган асосий вазифалар бўйича гуруҳларга ажратиш ҳисобланади.

Давлат бюджети харажатларини ташкилий таснифлашда харажатлар бюджет ташкилотлари, ҳужалик юритувчи субъектлар турлари ҳамда бюджетдан ажратилган маблағларни уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимлашни ақс эттирувчи тadbирлар бўйича гуруҳларга ажратилади.

Давлат бюджети харажатларини иқтисодий таснифлаш уларни иқтисодий йўналиши ва тўловларнинг турлари бўйича таснифлашдан иборат. У харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини ўз ичига қамраб олади:

1) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилалар ва кам таъминланган оилаларга нафақалар, стипендиялар ва бошқалар);

2) иш ҳақига қўшимчалар;

3) капитал қўйилмалар (Давлат инвестицион дастурида назарда тутилган рўйхатларга мувофиқ);

4) бошқа харажатлар.

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбаларини таснифлаш уларни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳларга ажратишдан иборат.

Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

2. Бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузишга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади ва амалга оширилади. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли ҳокимиятлар молия бошқармалари (бўлимлари) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тузишга оид ишларни мувофиқлаштиради ва амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси даромадлар ва харажатлар бўйича мамлакат ҳамда Қорақалпоғистон субликаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиёти ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёнида бюджет даромадларининг уларни ташкил этиш манбалари бўйича келиб тушиши прогнози ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти макроиқтисодий ривожланиш параметрлари лойиҳасида назарда тутилган халқ ҳужалиги тармоқларини ривожлантиришда нисбатларга риоя этиш учун харажатлар прогнозини белгилаш таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасида харажатлар назарда тутилган даромадлардан келиб чиқиб, тақчилликнинг чегара миқдори ҳисобга олинган ва уни қоплаш манбаи аниқланган ҳолда белгиланади. Кейинги йил учун мўлжалланган Қорақалпоғистон Республикаси бюджет лойиҳалари, маҳаллий бюджетлар лойиҳаларида назарда тутилган харажатларни қоплаш учун ўтган молия йилида тегишли бюджетлар натижалари бўйича ҳосил бўлган бюджет маблағларининг бўш турган қолдиқлар суммаси ҳам ишлатилиши мумкин.

Муайян давр учун мўлжалланган бюджет харажатларининг унинг даромадларидан режали ортиши - дефицит фақат республика бюджети параметрларида назарда тутилиши мумкин. Уни қоплаш манбалари ички ва ташқи қарзлар натижасида жалб этиладиган маблағлар, молия йили бошидаги республика бюджети маблағлари қолдиғи ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёнида республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида маблағларни бюджетлар ўртасида қайта тақсимлаш бўйича юзага келадиган

Ўзаро муносабатлар, шу жумладан тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга ажратиладиган маблағлар миқдори белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида чегараланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий ривожланиш параметрлари лойиҳаси билан назарда тутилган тадбирларни молиялаштиришни таъминлаш вазифалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг умумдавлат аҳамиятидаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш даражасидан келиб чиқилади. Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёни Ўзбекистоннинг амалдаги бюджет қонунчилиги меъёрларида аниқ-равшан белгилаб берилган бир неча кетма-кет босқичларни ўз ичига қамраб олади. Уларга:

1) бюджет сўровини жўнатиш;

2) тегишли ҳудудлар бюджетлари ҳамда мақсадли давлат жамғармалари сўровлари ва лойиҳаларини бериш;

3) Давлат бюджети ва бюджетномалари лойиҳасини тайёрлаш киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда кейинги молия йили учун бюджет сўровини қуйидагиларга жўнатади:

а) республика бюджетидан молияланадиган бюджет маблағларини олувчиларга - улар уч кун давомида бюджет буюртмаларини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида буйруқ чиқаради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимиятига - улар томонидан тегишли ҳудудлар бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш учун.

Айни вақтда бюджет сўрови давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга ҳам давлат мақсадли жамғармалари тегишли бюджетлари лойиҳаларини тайёрлаш учун жўнатилади.

Бюджет сўровини олгач, республика бюджетидан бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағларни олиш учун ариза (буюртма) тузадилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти эса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича тегишли

худудлар бюджетлари лойиҳаларини тузادилар. Бу лойиҳалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) даромадлар бўйича - солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар контингенти ҳамда Давлат бюджетига бошқа даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар тегишли минтақалар ва даромадларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида тузилади.

2) харажатлар бўйича - кўрсаткичлар рўйхати, унинг асосида бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилган маблағларни олиш учун буюртмалар тузиши керак, яна тармоқлар, штатлар ва контигентлар бўйича кўрсаткичлар тузилади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни олувчилар бюджетдан малағлар ажратилиши учун буюртмаларни белгиланган муддатларда тегишли молия органларига тақдим этадилар. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молияланадиган бюджет маблағларини олувчилар буюртмаларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти молия бошқармаларига жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирилмаган ҳолда, республика бюджетидан молияланадиганлар эса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирилмаган ҳолда жўнатадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимлови органлар кейинги молия йили учун мулжалланган тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузادилар ва уларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва муддатларда, аммо жорий йилнинг биринчи июлидан кечиктирилмаган ҳолда тақдим этадилар.

Республика бюджетидан маблағлар олувчиларнинг аризаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджети лойиҳасини тайёрлайди ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари лойиҳалари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари лойиҳалари қўриб чиқилишини ҳисобга олиб, кейинги молия йили учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузади. Бу лойиҳа қуйидагиларни ўз ичига олади:

1) бюджет таснифига мувофиқ равишда акс эттириладиган Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари;

2) тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратиладиган маблағлар нормативлари ҳамда кўрсатилган бюджетлар даромадлари (бюджет дотациялари, субвенциялар билан бирга) ва харажатлар миқдори;

3) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса миқдорлари;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармалари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармалари миқдорлари (тегишли бюджетлар маблағлари назарда тутилмаган харажатларни қоплаш учун йўналтирилиши мумкин бўлган доирада);

5) Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ва уни молиялаштириш манбалари;

6) давлат ички ва ташқи қарзлари, давлат томонидан бериладиган кредитлар, кафолат жамғармасининг чекланган миқдори.

Давлат бюджети лойиҳасини тузгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ваколатли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда тегишли ташкилотлар билан биргаликда **бюджетномаси** лойиҳасини ишлаб чиқади ва 15 сентябрга қадар уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади. Бу номада қуйидагилар акс эттирилади:

1) ўтган йил учун мўлжалланган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий яқунлари ва жорий йил учун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий яқунлари прогноз баҳоси;

2) ўтган йил учун мўлжалланган Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида ҳисобот ва жорий йил учун Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси;

3) кейинги йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўсаткичлар, улар асосида кейинги йил учун тузилган Давлат бюджети лойиҳаси;

4) кейинги йил учун мўлжалланган мамлакат бюджет ва солиқ сиёсати асосий йўналишлари лойиҳаси;

5) кейинги йил учун мўлжалланган мамлакат бюджет ва солиқ сиёсати асосий йўналишларига шарҳлар;

6) ички ва ташқи давлат қарзлари ва улар бўйича харажатларнинг аҳволи тўғрисида маълумотлар;

7) кейинги молия йили учун Давлат бюджети лойиҳаси.

Бюджетномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига жорий йилнинг ўн бешинчи октябридан кечиктирилмаган ҳолда тақдим этилади.

Республикамиз бюджет қонунчилигида Давлат бюджетини кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини тартибга солувчи меъёрлар амалда йўқ. Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши кўрсатилган, холос (29-модда). Шу билан

бирга, бюджетни ваколатли ҳокимият органларида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги масала жуда муҳимдир. Эҳтимол, кўпгина мамлакатларнинг бюджет қонунчилигида бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлашнинг батафсил тартиби (регламенти) назарда тутилиши тасодифий ҳол бўлмаса керак.

Масалан, Россия Федерациясида бундай регламент 1994 ва 1995 йилларда қабул қилинган «Федерал бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги махсус қонунлар билан мустаҳкамланган¹. Бюджетни вакиллик органлари томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнини ҳуқуқий тартибга солишга бўлган бундай эътибор бир қанча объектив омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, бу - бюджетнинг парламентда тезлаштирилган ўтиш жараёнини белгилаш йўли билан молиявий ресурсларнинг парламент томонидан бошқарилиши тезкорлигини таъминлаш зарурати. Иккинчидан, тақдим этилган бюджет лойиҳасини моддалар бўйича парламент қўмиталари ва комиссияларида кўриб чиқиш парламент фракцияларининг ушбу ҳужжатга бўлган муносабатини олдиндан аниқлаш ҳамда унга ўз вақтида тегишли тузатишлар киритиш учун имконият беради ва ҳ.к.

Аммо бизнинг республикамизда Давлат бюджетини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнларини белгилаб берувчи қонунчиликнинг йўқлиги ҳали бундай жараён йўқ деган гап эмас. Чунки Олий Мажлисда Бюджет, банк ва молиявий масалалар бўйича қўмита тузилган бўлиб, у парламентнинг бошқа қўмита ва комиссиялари билан узвий ҳамкорликда, жумладан Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш ва унга зарур тузатишларни киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан иш олиб боради. Мустақил Ўзбекистоннинг бюджет қонунчилиги ҳозирги вақтда шаклланиш босқичида бўлиб, бу босқич ҳали туғалланмаган. Мамлакатимиз бутун бюджет тизимининг самарали ишлаши кўп жиҳатдан Давлат бюджетини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнини белгилаб берувчи меъёрлар унда қанчалик тўлиқ ва объектив акс эттирилишига боғлиқдир.

3. Бюджет кўрсаткичларини ижрочиларга етказиш

Бюджет қонунчилигида Давлат бюджетини бюджет маблағларини олувчиларга етказиш билан боғлиқ бўлган бюджет жараёнининг алоҳида босқичи ажратилиши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга ага. Лекин молия ҳуқуқига оид илмий ва ўқув адабиётларида ҳамда бошқа давлатлар бюджет қонунчилигида бундай босқич ажратилмаган ва кўриб чиқилмайди. Таркиб топган на-

¹ РФ ҚТ, 1994, №28, 2929 -м.; РФ ҚТ, 1995, №31, 2989 -м.;

зарияга мувофиқ ҳамда қонунчилик амалиётига кўра, бюджетни тасдиқлаш босқичидан кейин дарҳол уни ижро этиш босқичи келади¹. Мазкур ҳолда бюджетнинг амалда бажарилиши вазифаси тасдиқланган бюджет кўрсаткичларини унинг кўп сонли ижрочилари фақат олганидан кейингина реал ҳал қилиниши мумкинлиги диққат-марказдан четда қолаяпти. Бюджетни бюджет маблағларини олувчиларга етказиш босқичи айна мана шу вазифани ҳал этиш учун қаратилган.

Бюджет жараёнининг кўриб чиқиладиган босқичи муҳим элементи бюджет кўрсаткичлари ва бюджетни ижро этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни етказиш муддатлари ҳисобланади. Бунда улар бюджет кўрсаткичларини етказиш жараёни режалаштириладиган молия йили бошлангунига қадар тугалланиши, янги молия йилининг биринчи кунидан бошлаб бюджетни амалда ижро этишга киришиш учун бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш муддатлари билан албатта боғланган бўлиши керак.

Давлат бюджетини бюджет маблағларини олувчиларга етказиш тартиби ва муддатлари Бюджет тизими тўғрисидаги қонун (30-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари (IV-боб)да белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниб, унинг параметрлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бопқармаларига қуйидагиларни маълумот учун етказди:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджети даромадлари ва харажатлари ҳажмлари;

республика бюджетидан кейинги молия йили учун уларга бериладиган бюджет дотациялари (субвенциялари) ҳажмлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджети захира жамғармаси миқдори;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджети айланма касса миқдорлари;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетига тартибга солувчи умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари.

¹ Қ., масалан, Россия Федерациясининг Бюджет кодекси, 7- 8 - бўлимлар.

Бундай ахборот, маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий молия Бош бошқармаси томонидан уч кунлик муддат ичида етказилади. Уларга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакиллик органлари Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли бюджетларни қабул қилишади.

Давлат бюджети даромадларининг тасдиқланган йиллик ва чораклик ҳажмлари бюджет таснифи бўлимлари, параграфлари бўйича тегишли ҳудудларга бўлинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига етказиб берилади.

Даромадлар контингенти (ҳажми) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакллар бўйича бир ҳафталик муддат ичида етказилади.

Республика бюджети ҳисобидан молияланадиган бюджет маблағларини олувчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича бюджет таснифига мувофиқ харажатлар бўлимлари, боблари, параграфлари, гуруҳлари, турлари ва объектлари бўйича улар учун белгиланган харажатлар ҳажмлари ун кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича улар учун назарда тутилган даромадлар ва харажатлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни, республика бюджетидан молияланадиган бюджет маблағларини олувчилар каби, бир хил муддатда оладилар.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджети қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичида жойлардаги давлат солиқ хизмати органларига - кўрсатилган бюджетлар тасдиқланган даромадлар ҳажмларини, ушбу бюджетлардан молияланадиган ташкилотларга эса - улар учун белгиланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини маълумот учун етказадилар. Республика (Қорақалпоғистон) ва вилоятларга қарашли туманлар ва шаҳарлар бюджетлари, шунингдек, шаҳар (туманга қарашли шаҳарлар)¹ таркибига кируви туманлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бюджетлар кўрсаткичлари тегишли

¹ Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг вилоятлари таркибига кируви туманлар ва шаҳарлар бюджетлари туман, шаҳар ваколатли органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлари бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида қабул қилинади. Шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туманга қарашли шаҳарлар бюджетлари жойлардаги ваколатли юқори органлар томонидан белгиланган муддатларда қабул қилинади (Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 29-моддаси).

солиқ органларига ва тегишли бюджетлардан бюджетдан ажратилган маблағларни олувчиларга худди шундай тартиб ва муддатларда етказиб берилади.

4. Бюджетни ижро этиш ва унинг ижросини назорат қилиш

Давлат бюджетини ижро этиш - унинг даромад қисмида режалаштирилган тўловларнинг ҳар бир манба бўйича ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишини таъминлаш, шунингдек, унинг харажат қисмида назарда тутилган барча тадбирларни узлуксиз молиялаштиришдир.

Бюджет тизими тўғрисидаги қонунга мувофиқ Давлат бюджети ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, жойлардаги ижроия органлари ва Молия вазирлиги ваколатига киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижро этилишини ташкил қилади, Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг Давлат бюджетини ижро этиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ва назорат қилади, давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва жойлардаги ижроия органлари маблағларнинг тегишли бюджетларга тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши ҳамда уларнинг белгиланган мақсадларда харажат қилиниши устидан назоратни амалга оширади.

Давлат бюджетини ижро этишда **ҳисоб-китоблар механизми такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси** муҳим роль ўйнайди. Унинг вазифаларига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ тўланиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар бюджетига тўловлар бўйича боқимандаларни қисқартириш, шунингдек, тўланиши керак бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда тўлиқ ундириб олиншини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни қабул қилиш киради.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси таркибида **Бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссия** тузилган. Унинг асосий функцияларидан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича боқимандаларининг аҳволини тармоқлар ва республика минтақалари

бўйича таҳлил қилиш ҳамда тўланиши лозим бўлган солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундириб олинишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилишдан иборат.

Республика бюджетни, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни ва маҳаллий бюджетларни бевосита ижро этиш молия органлари тизими (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли ҳокимиятлар молия бошқармалари ва бўлимлари) томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджетни ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонунчиликда белгиланган параметрлар доирасида ижро этилиши учун масъул ҳисобланади. Давлат бюджетни даромадлари ва харажатларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетни ижросини таъминлайди, республика бюджетини ижро этади, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни ва маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишига раҳбарлик қилади. Бу орган Давлат бюджетни назарда тутилган барча даромадларнинг келиб тушишини таъминлаш ҳамда бюджетдан ажратилган маблағларнинг қатъий белгиланган мақсадларда оқилона ва тежамкорлик билан ишлатилиши юзасидан чора-тадбирларни ташкил этади ва амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетининг вазирликлар, идоралар, бюджет ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижро этилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банкларнинг бюджет касса ижроси қондаларига риоя этиши, капитал қўйилмалар ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа тадбирларнинг банклар томонидан молияланишини назорат қилади. Йўналтирилган сертификатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобини юритиш тартиби ҳамда турли даражадаги бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди ва ҳ.к.

Бюджетни ижро этиш бўйича функцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика вазирликлари ва идоралари, бошқа ташкилотлар, корхоналар, муассасалардан Давлат бюджетни ижросини назорат этиш учун тегишли материалларни олишга ҳақли. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда маблағларни ноқонуний харажат қилиш фактлари аниқланган ҳамда илгари берилган маблағларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар ва белгиланган бошқа ҳисоботлар тикдим

этилмаган тақдирда, тегишли вазирликлар ва идоралар, корхона-лар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига бу ҳақда хабар бериб, уларни бюджет ҳисобидан молиялаштиришни чеклаш, зарур бўлган ҳолларда эса, тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалар молия органлари ҳам давлат бюджети тегишли даражалардаги бюджетларининг ижроси бўйича худди шундай функцияларни бажаради.

Давлат бюджетининг ижро этилишида солиқ ва божхона хизмати органлари катта роль ўйнайди. Солиқ органлари солиқлар, мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши, уларнинг Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини назорат қилади¹. Божхона органлари зиммасига божхона тўловларининг тўғри ҳисоблаб ёзилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат этиш вазифаси юклатилган². Назорат функцияларини амалга ошириш учун солиқ ва божхона хизмати органларига тегишли ваколатлар берилган.

Давлат бюджетини ижро этишда бюджетнинг касса ижроси, яъни *пул маблағларини қабул қилиш, сақлаш ва бюджетдан ажратилган маблағларни олувчиларга бериш* катта роль ўйнайди.

Бюджет тизими тўғрисидаги қонунда Давлат бюджетининг касса ижроси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилиши назарда тутилган. Шундай қилиб, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги»ги қонун³ 3-моддасига мувофиқ Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этишдан иборат. Марказий банк топшириги бўйича Давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни Ўзбекистондаги барча банклар бажариши мажбурийдир (Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни 27-моддаси).

Республика банклари Давлат бюджетига хизмат кўрсатиш бўйича касса операцияларини амалга оширар экан, улар қуйидаги операцияларни бажаришади:

а) Республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларига келиб тушадиган маблағларни қабул қилади ва тегишли ҳисобварақларга киритади;

¹ Қ. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни // ЎР ОМА, 1997 й., №9, 232 -м.; 1998 й., №5-6, 102 -м.; 1999 й., №9, 229 -м.; 2000 й., №7-8, 217 -м.; 2001 й., №5, 89 -м., №9-10, 82 -м.; // Халқ сузи - 2003. - 8 февраль.

² Қ. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонуни // ЎР ОМА, 1997 й., №9, 230 -м.; 1998 й., №5-6, 102 -м.

³ ЎР ОМА, 1995 й., №12, 247 -м.; 1998 й., №9, 181 -м.; 1999 й., №5, 124 -м.; 2001 й., №1-2, 23 -м.; // Халқ сузи. - 2003. - 8 февраль.

б) давлат солиқлари ва даромадлари бўйича тушумлардан маҳаллий бюджетларга маблағлар ажратади;

в) республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағларини ҳисобварақларда мавжуд бўлган суммалар доирасида беради ва ҳ.к.

Банклар кўрсатилган операцияларни бажарар экан, республика бюджети даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади, белгиланган муддатларда республика бюджетининг даромадлар бўйича касса ижроси тўғрисида ҳисобот; корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан бюджетга солиқларни ўтказиш учун топшириқномалар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига бадалларнинг ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилади; республика ва маҳаллий бюджетларда турган муассасалар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ва касса хизматини кўрсатади. Марказий банкнинг амалдаги кўрсатмаларига мувофиқ равишда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар берилишини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлар кўрсаткичларининг чораклар бўйича тақсимоти ва харажатлар рўйхатига асосан амалга оширилади.

Республика бюджети Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан даромадлар ва харажатлар рўйхати бўйича ижро этилади. Республика даромадлар ва харажатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тузилади ва бу ҳужжат бюджетга даромадлар келиб тушишини назорат қилиш ҳамда республика бюджетидан молияланадиган бюджет маблағларини олувчиларга маблағларни ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг чораклар бўйича тақсимланиб, тасдиқланган йиллик режадаги ҳажмларига мувофиқ ҳамда режалаштирилаётган молия йили учун тасдиқланган алоҳида ва йигма сметаларига асосан тузилган харажатлар тўпламига асосан республика бюджети даромадлари ва харажатларининг чораклар бўйича тақсимланган йиллик рўйхатини тузади. Даромадлар ва харажатлар рўйхатининг якуний маълумотлари бўлимлар ва боблар бўйича тасдиқланган йиллик бюджет ва унинг чораклар бўйича тақсимотида қабул қилинган миқдорга тўғри келиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тегишли маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг молия органлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар бюджетлари даромадлари ва хара-

жатлари йиллик режавий ҳажмларининг чораклар бўйича тақсимога асосан қонунчиликда белгиланган тартибда ижро этилади¹.

Республика бюджети даромадлари ва харажатларининг чораклар бўйича рўйхати, бюджет тизими бошқа даражалари бюджетлари даромадлари ва харажатлари йиллик режавий ҳажмларининг чораклар бўйича тақсимога Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини оператив бошқариш ҳамда уларнинг бутун йил давомида бир маромда келиб тушиши ва улардан фойдаланилишини таъминлайди. Бюджетлар даромадлари ва харажатларини чораклар бўйича ажратиш, йил давомида бюджетдан ажратиладиган маблағлар даромадлар ва харажатлар тушуми нотенглигини ҳисобга олган ҳолда, уларни ҳар бир чорак доирасида тулиқ мувозанатлаштириш ҳамда бюджетлар ижросини текшириш самарадорлигини ошириш учун зарурдир.

Ўзбекистон бюджет қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетининг ижроси даромадлар ва харажатлар бўйича белгиланган параметрлар доирасида амалга оширилиб, бунда жорий молия йили учун белгиланган тақчиллик мўлжалланган миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйилмаслиги лозим. Шу боисдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари Давлат бюджетининг даромадлари ёки харажатларини қисқартиришга олиб келадиган бирон-бир ҳаракатларни (агар бундай ҳаракатлар тақчилликнинг қонунчиликда белгиланган даражаси доирасидан ошишига олиб келадиган бўлса) қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалар ваколатли органлари бюджет тизимини оператив бошқариш мақсадида Бюджет тизими тўғрисидаги қонун (35-модда)да назарда тутилган шартларга албатта риоя этган ҳолда, тегишли бюджет даромадлари ва харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида бюджет даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган параметрларига, Бюджет тизими тўғрисидаги қонун 34-моддасида белгиланган тартибда, ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартиришлар киритиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбе-

¹ Молия вазирлигининг «Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда қўзда тутилган даромадлар ва харажатлар йиллик режавий ҳажмларининг чораклар бўйича тақсимога тузиш, бюджетларни ижро этиш жараёнида киритиладиган ўзгартиришлар ҳисобини кiritиш, бюджетда қўзда тутилган ташкилотлар ва тадбирларни молиялаштириш тартиби тўғрисида» 2001 йил 26 мартдаги 29-сонли йуриқнома// МХБ, 2001 й., №7-8. Кейинги ўзгартиришлар билан // МХБ // 2002 й. №14.

истон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг тегишли йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин қабул қилиниши муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида¹ назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Давлат бюджетини ижро этиш унинг даромадлар ва харажатлар моддалари бўйича амалга оширилади. Бюджетнинг даромадга тегишли моддаларини ижро этиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан тегишли солиқлар ва солиқ бўлмаган тўловларнинг Давлат бюджетининг у ёки бу даражадаги бюджетларига ўтказилиши билан боғлиқ. Бунда юридик шахслар тўловлар суммасини мустақил равишда ҳисоблаб чиқиб, уларни тегишли даражадаги бюджет ҳисобига ўтказди. Жисмоний шахсларнинг маблағлари иш берувчилар томонидан иш ҳақидан суммаларни ҳисоблаб, ушлаб қолиш, бевосита жисмоний шахсларнинг ўзлари томонидан тўловларнинг тўланиши орқали бюджетга келиб тушади. Давлат бюджетининг харажатлар моддалари маблағларни олувчилар томонидан бюджет маблағларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқи бюджетдан ажратилган маблағларни олувчиларда улар қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли молия органларининг молияловчи бўлимлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларида рўйхатга олинган вақтда юзага келади². Бюджетларда у ёки бу тадбирларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар адабиётларда *бюджет кредитлари* деб аталади. Давлат бюджетидан молиялаштириштириладиган харажатларни амалга ошириш учун тегишли маблағлар **бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимловчиларга** берилади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимловчилар бюджет ташкилотлари, корхоналар ва хўжалик ташкилотлари раҳбарлари ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахслар бўлиб, уларга тегишли бюджетлар ва харажатлар сметаларида тасдиқланган параметрлар доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган.

Ўзларига берилган ваколат доирасига кўра бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимловчилар: **бюджетдан ажратила-**

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари. V боб 1-параграф.

² Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби. Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 декабрда 93-қарор билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 1999 йил 13 декабрда 849-рақам билан руйхатга олинган. Ушбу Тартибга Адлия вазирлигида 2000 йил 7 мартдаги №849-1; 2000 йил 18 ноябрдаги № 849-2 рақамлар билан руйхатга олинган Қўшимчалар ва ўзгартиришларга мувофиқ рашишда ўзгартиришлар киритилган.

диган маблағларни бош тақсимловчилар ва қўйи тақсимловчиларга бўлинади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга: бюджет маблағларини тегишли вазирлик, идора бошқарув аппаратини саклаш учун харажат қилиш (агар бу давлат бюджетида назарда тутилган бўлса); бевосита ушбу органлар томонидан амалга ошириладиган марказлаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун харажат қилиш; уларга берилган бюджет маблағларини тасарруфдаги муассасалар ўртасида тақсимлаш ва ҳ.к.

Масалан, республика бюджети бюджетдан ажратилган маблағларни бош тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳисобланади, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари ҳамда шаҳарлар ва туманлар бюджетлари бош тақсимловчилари эса, тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар ижроия ҳокимияти органларининг тармоқ бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларидир.

Бюджетдан ажратилган маблағларни бош тақсимловчилар бевосита у ёки бу даражадаги молия органларидан ажратиладиган маблағларни олади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни **қўйи тақсимловчилар** ўзларига берилган ҳуқуқлар ҳажмига қараб икки гуруҳга бўлинади. **Биринчи гуруҳга** мустақил харажатлар сметасига эга бўлиб, бюджет маблағларини бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилардан ўзлари бошқараётган ташкилотлар харажатлари учун ва тасарруфдаги ташкилотлар ўртасида уларни тақсимлаш учун оладиган ташкилотлар раҳбарлари киради. Уларга, масалан, вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли вазирлик - бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчидан оладиган айрим тузилмалар раҳбарлари кириши мумкин.

Иккинчи гуруҳ индивидуал харажатлар сметасига эга бўлиб, бюджет маблағларини бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилардан фақат ушбу ташкилотнинг эҳтиёжлари учун ишлатадиган ташкилотлар раҳбарлари киради. Бу гуруҳга, масалан, олий ўқув юртлари, даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари киради.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилар Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджетлари, Тошкент шаҳар бюджети, шаҳарлар ва туманлар бюджетларидан олинган маблағларни белгиланган тартибда тасарруфидаги ташкилотлар, муассасалар, корхоналарнинг

талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларига ўтказади.

Бюджет муассасалари, корхоналар, хўжалик ташкилотлари ҳамда бюджет маблағларини олувчи бошқа шахслар бюджет маблағларини харажатлар сметаларида назарда тутилган, ажратилган маблағлар миқдори ва мақсадли йўналишига қатъий риоя этган ҳолда харажат қилишлари шарт. Бюджет маблағларини харажатлар сметаларида назарда тутилмаган тадбирларга йўналтириш ман этилади.

Банк муассасалари ходимларига иш ҳақи учун ва бюджет ташкилотлари харажатлари учун тегишли молия органи томонидан берилган рўйхатга олиш варақчаси тақдим этилганида, уларга маблағлар беради.

Республикамиз бюджет қонунчилигида қабул қилинган Давлат бюджети мавжуд бўлмаган ҳолда бюджетни ижро этиш тартиби назарда тутилган. Агар кейинги молия йили учун бу йил бошлангунига қадар Давлат бюджети қабул қилинмаган бўлса, Давлат бюджети қабул қилингунича бўлган даврда харажатлар қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

- бошланган молия йилида харажатлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорларда олдинги молия йилининг сўнги чорагида бюджетдан ажратилган маблағларнинг учдан бир қисмидан оширилмаган ҳолда амалга оширилади;

- олдинги молия йилида қилинмаган бюджет харажатлари амалга оширилмайди;

- олдинги молия йилида амал қилган солиқ солиш ва мажбурий тўловларни амалга ошириш тартиби Давлат бюджети қабул қилингунига қадар ўз кучини йўқотмайди.

Давлат бюджети молия йили бошланганидан кейин қабул қилинган вақтда молия йили давомида сарфланган харажатлар умумий суммаси қабул қилинган Давлат бюджетига мувофиқлаштирилиши лозим.

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ижро этиш ушбу бюджетлар қабул қилинган йилнинг 1 январидан бошланиб, 31 декабрида тугайди.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг жорий йил харажатлар сметасида назарда тутилган бюджетдан ажратилган маблағларни харажат қилиш ҳуқуқи жорий молия йилининг 31 декабрида тугайди.

Давлат бюджетининг фойдаланилмаган бюджет маблағлари, жумладан капитал харажатлар учун назарда тутилган ва ҳисобот йилининг 31 декабрига молияланмаган қисми ўзининг мақсадли йўналиши кучини йўқотади ва кейинги молия йилида фойдали

нилмайд. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари моддалари ижро этилган барча депозит ҳисобварақлар ёпилади, буни адабиётларда *бюджетни яқунлаш* деб аташ қабул қилинган. Бюджетни яқунлаш 31 декабрда амалга оширилади, бундан кейин ҳеч қандай операциялар қилинмайди. Жорий йилнинг 31 декабригача Давлат бюджетига ҳисобланган, аммо тўланмаган даромадлар ушбу бюджет ҳисобига кейинги молия йилида ўтказилиши керак.

Давлат бюджетининг бюджет ташкилотлари томонидан 31 декабригача фойдаланилмаган маблағлари (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлардан ташқари) олиб қўйилмайди. Улар жорий молия йилининг охириги банк иш куни Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланилади¹.

Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасига белгиланган муддатларда ўтказилмаган маблағлар (агар кейинги молия йили бюджетига талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағида қолдиқ мавжуд бўлган бюджет маблағларини олувчилар учун маблағлар ажратилиши назарда тутилган бўлса) кейинги молия йили харажатларини молиялаштириш ҳисобига ўтказилиши керак. Акс ҳолда, улар кейинги молия йили январь ойининг биринчи ун куни давомида тегишли бюджетга ўтказилади.

Бюджет ташкилотлари бўлмай, бюджетдан ажратиладиган маблағларни олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари Ўзбекистон Республикасининг хизмат курсатувчи банклари томонидан жорий молия йилининг сўнги банк иш куни тегишли бюджетларнинг асосий ҳисобварақларига ўтказилади.

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва маҳаллий бюджетларнинг капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун ўтказилган ва буюртмачиларнинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақларида бўлган ҳамда жорий молия йилининг 31 декабригача фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги молия йили харажатларини молиялаштириш учун ҳисобга ўтказилади.

Агар кейинги молия йили бюджетига буюртмачининг капитал қўйилмалар учун харажатларини молиялаштириш учун бюджетдан маблағлар ажратилиши назарда тутилмаган бўлса, жорий

¹ Қ: Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби, IV бўлим, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 3 сентябрда 414-сонли қарор билан тасдиқланган. Ушбу Тартибга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига мувофиқ тузатишлар киритилган.

молия йилининг 31 декабрида буюртмачининг талаб қилиб олин-
гунча асосий депозит ҳисобварагидаги бюджет маблағлари қолди-
ғи кейинги молия йили январь ойининг биринчи ўн кунлиги даво-
мида тегишли бюджетга ўтказилиши керак.

Давлат бюджетини ижро этиш барча даражалардаги ҳоки-
мият ижроия ва вакиллик органларининг доимий назорати ости-
да бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижро этили-
шини назорат қилиш бўйича асосий функциялар Ўзбекистон Рес-
публикаси Молия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари
(Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоят, туман,
шаҳарлар ҳокимиятларининг молия бошқармалари ва бўлимлари)
зиммасига юклатилган. Бундай назорат жараёнида улар турли
даражадаги бюджетлар ижросининг яқунларини кўриб чиқади,
солиқ ва божхона органлари ҳамда давлат мақсадли жамғармала-
рини тақсимловчи органлардан турли даражалардаги бюджетлар-
га маблағларнинг келиб тушиши тўғрисидаги ахборот, маълумот-
ларни олади. Бюджетдан ажратилган маблағларни олувчилардан
бюджет маблағларининг келиб тушиши ва харажат қилиниши
тўғрисидаги маълумотларни сўраб олади, банклардан бюджет
маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олади, бюджет
маблағларини олувчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ўз
ваколати доирасида тафтиш қилади ва текширади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Молия ва-
зирлиги томонидан тақдим этиладиган Давлат бюджети ижроси
яқунларини ҳар чоракда кўриб чиқади.

Давлат бюджетини ижро этиш бўйича муҳим функцияларни
ўз ваколати доирасида солиқ ва божхона органлари, Ўзбекистон
Республикаси Марказий банки ва хизмат кўрсатувчи тижорат
банклари бажаради.

Давлат бюджетининг ижро этилишини назорат қилиш барча
даражалардаги ҳокимият вакиллик органлари томонидан амалга
оширилади. Бунда ушбу органларнинг назорат ваколатлари ўз
мазмунига кўра ижроия ҳокимият органлари ваколатидан фарқ
қилади. Вакиллик ҳокимият органлари Давлат бюджети ижро
этилишини амалга оширмайди, балки унинг ижросини фақат на-
зорат қилади. Назорат ваколатлари эса, масалан, молия органла-
рининг Молия вазирлиги бошчилигидаги назорат ваколатлари
уларнинг барча даражалардаги бюджетларни ижро этиш функ-
циялари билан узвий боғлиқдир.

Давлат бюджетининг ижросини доимий равишда назорат
этиб туриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҳар чоракда унинг ижро этилиши аҳволини Ўзбекистон Респуб-
ликаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этиладиган ахбо-

роғ асосида кўриб чиқади ва у буйича тегишли қарорлар чиқаради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари Кенгашлари ижроия ҳокимияти органларидан тегишли даражалардаги бюджетларнинг ижроси тўғрисида маълумотларни талаб қилиш, бюджетларга зарур бўлган тегишли тузатишлар киритиш тўғрисида топшириқлар бериш ва кейин уларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

5. Бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

Давлат бюджетини ижро этиш тугаши билан бюджетдан ажратиладиган маблағларни барча олувчилар, молия ва солиқ органлари бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмининг ижроси тўғрисида ҳисобот тузадилар. Давлат бюджетини ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бюджет маблағларини олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган ҳажм ва шаклларда харажатлар сметаларининг ижроси тўғрисида йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиб, тегишли молия органларига тақдим этади. Курсатилган ҳисоботни тузиш тартиби ва муддатлари ҳамда уни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 22 январда 13-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобида турган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари тўғрисидаги Низомда белгилаб берилган¹.

Бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тузиб, уларни уларини молиялаштириштирган молия органларига тақдим этадилар. Демак, республика бюджетидан молиялаштириштирилган, бюджет маблағларини олувчилар - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджет ва маҳаллий бюджетлардан олувчилар эса, тегишли молия органларига ҳисобот берадилар.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалар молия органлари тегишли бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни жойлардаги ҳокимият ижроия органлари (ҳокимиятлар)га ҳамда юқори молия органларига тақдим этади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия ор-

¹ МҲБ, 2001 йил, №3-4.

нлари ҳисобот даври учун тегишли бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни мувофиқ равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимиятларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиб, тасдиқлаганларидан кейин уларни мувофиқ равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенеси ва жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органларига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот даврида Давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий туловлардан келиб тушган тушумлар тўғрисида ҳисобот беради.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот молия йи-лида давлат мақсадли жамғармаларига келиб тушган маблағлар ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетидан маблағ олувчилар ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари томонидан тақдим этилган ҳисоботлар асосида Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузади ва уни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майидан кечиктирилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва ҳар йили ҳисобот давридан кейинги йилнинг ўн бешинчи майидан кечиктирилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

10-БОБ. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари тўпланиб, қонунчиликда уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан келиб тушадиган маблағлар меъёрлари ва шартлари ҳамда маблағлар ишлатилиши мумкин бўлган мақсадлар белгиланган. Давлат мақсадли жамғармаларига Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Махсус ҳисобварағи, Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси киради.

Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (Бюджет тизими тўғрисидаги қонун 9, 20-моддалари).

1. Республика йўл жамғармаси

Ўзбекистон Республикасининг «Автомобил йўллар тўғрисида»¹ 1992 йил 3 июлдаги қонуни 10-моддасига мувофиқ йўлларни молиялаштиришга доир ишлар (умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш) йўллар жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика йўл жамғармасини тузиш тўғрисида»² 1993 йил 5 июлдаги 334-қарорига мувофиқ «Ўзбекистон автомобил йўллари» («Ўзавтойўл») компанияси таркибида мустақил давлат молия-кредит муассасаси - Республика йўл жамғармаси, автомобил йўллари ҳудудий давлат-акциядорлик бирлашмалари ва туман бошқармаларида эса мувофиқ равишда вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари тузилди. Республика йўл жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби махсус норматив ҳужжат³ билан тартибга солинади.

¹ ЎР ОКА, 1992, №9, 353-м

² Ушбу қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил майдаги 184-қарори, 1996 йил 30 декабрдаги 466-сонли, 1998 йил 3 февралдаги 55-сонли, 2000 йил 11 апрелдаги 140-сонли, 2000 йил 2 октябрдаги 380-сонли, 2000 йил 2 октябрдаги 375-сонли, 2000 йил 2 октябрдаги 380-сонли, 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли, 2003 йил 14 январдаги 17-сонли қарорлари билан узгартиришлар киритилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва сарфлаш, фойдаланиш тартиби тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-қарорига 6-илова).

Республика йўл жамғармаси, вилоятлар ва маҳаллий йўллар жамғармалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ва ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларни таъмирлаш ва сақлаш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Жамғарма даромадлари:

а) корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар томонидан (мазкур банднинг "б", "в", "г", "д", "ж" кичик бандларида кўрсатилганлардан ташқари) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.

Юридик шахслар - асосий фаолияти товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари маблағ тўловчилар ҳисобланади. Улар бўйича тўланадиган айланмага шунингдек, фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маҳсулотлар сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам киритилади.

Агар хўжалик юритувчи субъект фаолиятнинг бир неча турлари билан шуғулланса, у ҳолда у алоҳида ҳисоб юритиши ва тўловларни фаолиятнинг ушбу турлари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлаши керак;

б) тайёрлов, воситачи, савдо корхоналари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари, таъминот-сотиш ташкилотлари томонидан қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда товар айланмасидан, улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари томонидан эса - ялпи даромаддан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

в) банклар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ташқари), суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), ким ошди савдолари, казинолар, видео ва аудиокассеталарни кўпайтиришдан, улар прокатидан, пул ютуқли автоматлардан фойдаланишдан, лотерея ўйинлари ўтказишдан ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлардан, шунингдек, оммавий концерт-томоша тадбирларидан даромад олувчи корхоналар томонидан даромаддан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

г) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда, мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

д) автотранспорт корхоналари томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда, мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.

Юридик шахслар - асосий фаолияти тегишли тўлов эвазига юклар ва йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган автомобиль транспорти корхоналари маблағ тўловчилар ҳисобланади. Ушбу корхоналар тўланадиган айланмага шунингдек, фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам киритилади;

е) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказилган тақдирда харид қилинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган энгил автомобиль ёки бошқа автотранспорт воситалари (юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар) нархидан келиб чиқиб, мулкчилик шаклидан қатъи назар ушбу маблағларнинг харидорлари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган сотиб олинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган автотранспорт воситалари қийматидан тўланадиган йиғимлар ҳисобига шакллантирилади.

Йиғимлар бевосита харидорлар (фойдаланувчилар) - юридик ва жисмоний шахслар томонидан Жамғарманинг автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш жойи бўйича хизмат кўрсатувчи туман (шаҳар) солиқ инспекцияларининг тегишли банкларда очилган тегишли транзит ҳисоб рақамларига тўланади.

Автотранспорт воситаларини сотиб олишга ёки қайта сотишга ва вақтинча олиб чиқиб кетишга йиғим тўланганлиги туғрисидаги ҳужжат кўрсатилмасдан автотранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилмайди, қайта рўйхатдан ўтказилмайди ёки техник кўриқдан ўтказилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказиладиган сотиб олинган ва вақтинча олиб чиқиб кетиладиган автотранспорт воситалари қийматидан йиғимлар суммаси тўловчи (фойдаланувчи) корхоналар томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибига, бюджет ташкилотлари томонидан эса - таъминот сарф-харажатлари сметасига киритилади;

ж) Қорақалпоғистон Республикасида ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.

"Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналари тўловчилар ҳисобланади. Улар қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш ҳажмидан маблағ ажратадилар;

з) "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси корхоналари ва ташкилотлари мол-мулкани сотишдан бюджетга тушиши керак бўлган маблағлар умумий суммасининг 50 фоизи ҳисобига шакллантирилади;

и) хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги учун ундириладиган тўлов ҳисобига шакллантирилади, бир автоташувчининг кирганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда - АҚШ долларарида;

к) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан ихтиёрий бадаллар, хорижий инвестициялар ва кредитлар маблағлари ҳисобига шакллантирилади.

Жамғармага мажбурий ажратмалар ва йиғимларни тулаш тартиби ва ставкалар миқдори Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан маблағ тўловчиларга етказилади.

Қуйидагилар Жамғармага мазкур Низом 7-бандининг "а", "б", "в" ва "г" кичик бандларида назарда тутилган мажбурий ажратмалар тулашдан озод этилади:

давлат бюджетидagi ташкилотлар ва муассасалар (шу жумладан фаолият ихтисослиги бўйича ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, фойдаланилмаётган биноларни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича, ҳомийлик ёрдамидан, пулли-контракт асосида ўқитиш учун тушумдан);

бюджетдан дотация олувчи томоша кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақловчи, таъмирловчи, реконструкция қилувчи ва қурувчи йўл ҳўжалиги ташкилотлари;

"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси, ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари билан шартномалар (контрактлар) тузган ҳамда улар асосида улар томонидан бажарилаётган ишлар умумий ҳажмининг камида 75 фоизи миқдорида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажарувчи корхоналар (шартноманинг амал қилиш муддатида);

уй-жой-фойдаланиш идоралари, уй бошқармалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва мулкчилик шаклларида қатъи назар уй-жой фондини бошқариш, сақлаш ва улардан фойдаланишни бевосита амалга оширувчи бошқа ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш жамғармаси;

давлат ташкилотларини бошқариш республика ва маҳаллий органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тижорат ва хўжалик фаолияти бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар ва тушумлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари ва ташкилотлари, уларга бўйсунувчи хўжалик ҳисобидаги хўжалик ташкилотлари бундан мустасно.

Қуйидаги автомобиль транспорти корхоналари Жамғармага мазкур Низом 7-бандининг "д" кичик бандида назарда тутилган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади:

давлат бюджетидаги автокорхоналар;

"Ўрта Осиё Транс" халқаро автоташиш давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзташқитранс" давлат-акциядорлик компанияси;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақловчи, таъмирловчи, реконструкция қилувчи ва қурувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар;

"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси, ҳудудий йўлқурилиш ташкилотлари билан шартномалар (контрактлар) тузган ҳамда улар асосида улар томонидан бажарилаётган ишлар умумий ҳажмининг камида 75 фоизи миқдорида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажарувчи корхоналар (шартноманинг амал қилиш муддатида).

Қуйидагилар сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғим тўлашдан озод қилинади:

мотоараваларга ва автомобилларга эга бўлган ва уларни сотиб олган барча гуруҳларга тегишли бўлган ногиронлар;

ихтисослантирилган тармоқдан "ЎЗДЭУавто" қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган янги автомобилларни сотиб олаётган фуқаролар, шунингдек, ҳаёти шартномаси асосида яқин қариндошлардан (ота-оналар, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар, эр, хотин) автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақловчи, таъмирловчи, реконструкция қилувчи ва қурувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар;

"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси, ҳудудий йўлқурилиш ташкилотлари билан шартномалар (контрактлар) тузган ҳамда улар асосида улар томонидан бажарилаётган ишлар умумий

мий ҳажмининг камида 75 фоизи миқдорида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажарувчи корхоналар (шартноманинг амал қилиш муддатида);

юримдик шахслар - қонун ҳужжатларига мувофиқ йуловчилар ташишга белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган умумий фойдаланиладиган автотранспорт корхоналари, йуловчилар ташувчи транспорт воситалари бўйича (енгил таксилар ва йуналишли таксилардан ташқари);

40 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган конларда ишлатиладиган автосамосвалларни сотиб олаётган корхоналар;

ҳомийлик (беғараз) ёрдами сифатида автомобиль олган юридик шахслар - болалар уйлари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, кексалар ва кичик ёшдаги ногиронлар учун интернат-уйлар, шунингдек, давлат бюджетидан таъминланадиган тиббиёт муассасалари;

автотранспорт воситалари балансдан балансга беғараз берилган ҳолларда юридик шахслар.

"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси ва унинг ҳудудий йўл-қурилиш шўба ташкилотлари умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашга Жамғарма маблағларини сарфлаш бўйича буюртмачилар ҳисобланади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашга Жамғарма маблағларини сарфлаш Жамғарма билан келишган ҳолда "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси ва аниқ рўйхатлар асосида амалга оширилади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилладиган ва тасдиқланадиган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари, тендер ҳужжатлари Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясида экспертизадан ўтади.

"Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси ва унинг таркибига кирувчи ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилади. Жамғарма маблағларидан ҳар йили белгиланган тартибда тасдиқланадиган объектларнинг аниқ рўйхати асосида қатъий равишда ушбу мақсадлар

учун назарда тутилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида фойдаланилади.

Тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари мавжудлиги ва ўтказилган танлов савдолари (тендерлар) асосида ишларни бажарувчилар билан шартномалар тузилиши объектларни аниқ рўйхатларга киритишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва тегишли йўл инфратузилмасини мукамал таъмирлаш умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари аҳамияти ва ҳолатига қараб шакллантириладиган, белгиланган тартибда "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланган объектларнинг аниқ рўйхати асосида ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Тасдиқланган лойиҳа ёки смета ҳужжатлари мавжудлиги ва ўтказилган танлов савдолари (тендерлар) асосида ёки сўров йўли билан (ишлар қийматига қараб) танланган ишларни бажарувчилар билан шартномалар тузилиши объектларни мукамал таъмирлашнинг аниқ рўйхатларига киритишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Жамғарманинг умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ва тегишли инфратузилмага комплекс хизмат кўрсатишга ҳамда уларни жорий таъмирлашга йўналтириладиган маблағларидан қатъий равишда Жамғарма билан келишган ҳолда "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида фойдаланилади.

Жамғарманинг табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ишларини маблағ билан таъминлаш учун захирада назарда тутилган маблағларини сарфлаш "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компаниясининг Жамғарма Ижро этувчи дирекциясида экспертизадан ўтган асосланган ҳисоб-китоблари асосида амалга оширилади.

Ҳақи Жамғарманинг валюта маблағлари ҳисобига туланадиган йўл-таъмирлаш ва қурилиш техникаси, асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар импорти юзасидан барча контрактлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Жамғарма маблағлари олиб қўйилмайди ёки умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжларга сарфланмайди. Жорий йилда фойдаланилмаган маблағлар олиб қўйилмайди ва кейинги даврда мақсадли йўналишига мувофиқ фойдаланилади.

Жамғармага тушумлар тўлиқ тушиши таъминланиши учун:

юридик шахслар - мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши учун - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари кирганлиги учун тўловнинг тўлиқ тушиши учун - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари;

автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги ёки қайта сотилганлиги учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатсиз рўйхатдан ўтказилишига, қайта рўйхатдан ўтказилишига ёки техник кўриқдан ўтказилишига йўл қўйилмаслиги учун - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Ҳаракат хавфсизлиги давлат хизмати органлари) ва унинг жойлардаги органлари жавоб берадилар.

2. Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисобварағи

Давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси марказлаштирилган бюджетининг бир қисми ҳисобланади ва улар *Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисобварағи*¹да тупланadi. Ушбу бюджетдан ташқари жамғарма қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

акциядорлик жамиятларига айлантирилган давлат корхоналарининг бирламчи эмиссияси акцияларини сотишдан тушган даромадлар;

давлат мулки объектларининг кимошди савдолари, танловлар, биржа савдолари ва биржадан ташқари савдоларда сотилишдан тушган маблағлар;

ер участкаларини кимошди савдоларида фуқароларга умрбод мерос қилиб сотишдан ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар;

давлат мулкни ижарага беришда ижара тўловидан тушган даромадлар;

¹ Давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобини юритиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартиби. Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланиш тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 20 октябрдаги 481-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу Тартибни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 майдаги 258-сонли ва 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар киритилган.

Давлат мулки қўмитаси томонидан илгари қарз олувчиларга берилган кредитлар ва қарзлардан олинган кредитлар ва улар бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларнинг улар томонидан қайтарилиши шаклида олинадиган даромадлар ва амалдаги қонунчилик билан белгиланган айрим бошқа даромадлар.

Кўрсатилган кредитлар Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб марказидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида ҳамда Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий Бош бошқармаларида очилган талаб қилиб олингунча иккиламчи депозит ҳисобварақларида тўпланади.

Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг иккиламчи депозит ҳисобварақларида тўпланадиган давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳар ҳафтада Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб марказидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади¹.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сонли ва 1998 йил 17 декабрдаги 525-сонли қарорлари²ни бажариш учун масъулиятни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 20 майдаги 258-сонли қарорига биноан давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш (чет эл валютасидаги тушумлардан ташқари, улар алоҳида тартибда тақсимланади) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан ҳар ойда қуйидаги нисбатларда амалга оширилади:

маблағларнинг 40 фоизи - давлат бюджетига бюджет тақчиллигини қоплаш манбаи сифатида, кўрсатилган маблағлардан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун мақсадли фойдаланишга;

15 фоизи - Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (Бизнес жамғарма)га;

15 фоизи - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимиятига

¹ Фармойишлар бериш ва бошқарув вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағлардан 2 фоизи ва хусусийлаштирилган корхоналарга қолдирилиб, тақсимланган маблағлар сифатида ҳисобга олинадиган 25 фоиз миқдоридagi маблағлар чегириб ташланади (Давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобини юритиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартиби 3-банди.)

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги 511-сонли қарори билан киритилган узгартиришлар билан.

ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштириш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун;

3 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг хусусийлаштириш, инвестицион ва бозор тузилмаларини ташкил этиш ва ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш бўйича харажатлари учун;

2 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳисобварағига фармойишлар бериш ва бошқарув вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун;

25 фоизи - хусусийлаштирилган корхоналар ёки балансида мулкнинг хусусийлаштирилган қисми бўлган корхоналар ихтиёрида қолдирилиб, маблағлар техник қайта қуролланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун фақат мақсадли фойдаланишга йўналтирилади. Корхоналар мулквий комплекслар шаклида бутунлай сотилган тақдирда, ушбу маблағлар давлат бюджети ҳисобига бюджет тақчиллигини қоплаш сифатида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун мақсадли фойдаланишга ўтказилиши керак.

Давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган чет эл валютасидаги маблағлар қуйидаги нисбатларда:

95 фоизи - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига;

5 фоизи - Давлат мулки қўмитаси ихтиёрига Қўмитани техник жиҳозлаш ва республикадан ташқарида халқаро семинарларни ташкил этиш учун тақсимланади¹.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ёки Ҳукуматнинг айрим қарорлари билан хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ёки уларнинг бир қисми бошқа мақсадлар учун йўналтирилса, Давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобини юритиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартиби уларнинг қолган қисмига амал қилади.

3. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма

Аҳолини иш билан банд қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ва меҳнат органларининг самарали иш-фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш

¹ Давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобини юритиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартиби 3-банди, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 августдаги 362-сонли қарори билан тасдиқланган.

учун Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида (янги таҳрирда)»¹ 1998 йил 1 майдаги қонуни 21-моддасига мувофиқ Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси тузилди. У бюджетдан ташқари жамғарма бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қуйидагилар ҳисобидан яратилади:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаларидан ушбу харажатларнинг маҳсулот таннархи нисбатига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган мажбурий ажратиладиган маблағлар²;

республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан тегишли бюджетларни шакллантириш вақтида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган миқдорларда ажратиладиган маблағлардан дотациялар;

қонунчиликда назарда тутилган талабларни бузганлик учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан қўлланадиган молиявий санкциялар ва ҳисоблаб ёзилган пенялар суммаси;

шартнома асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси маблағларидан қушимча ва янги иш ўринларини ташкил этиш учун фойдаланишдан тушган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл жисмоний ва юридик шахслар ва ҳ.к.дан тушган ихтиёрий бадаллар.

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳосил бўлган Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси маблағларининг етмиш фоизи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат органлари ихтиёрида қолдирилиб, кейинчалик туманлар ва шаҳарлар ўртасида тақсимланади, ўттиз фоизи эса, республика даражасида марказлаштирилади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси маблағларини харажат қилиш йўналишлари республика, ҳудудий ва бошқа аҳолини банд қилиш махсус дастурларида белгиланади.

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси маблағлари қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин:

¹ ЎР ОМА, 1998, №5-6, 97 -м.

² Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий сугурталаш учун бадаллар миқдорлари тўғрисида» 1999 йил 30 июлдаги 372-сонли қарорига мувофиқ равишда ушбу ажратмалар юридик шахслар учун, уларнинг мулкчилик шаклларида қатъи назар, 1,5 фоизни ташкил этади (Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 апрелдаги 162-сонли қарорига 3-илованинг 28-банди таҳрири).

а) аҳолининг рақобатбардош бўлмаган қатламлари (мумтаълим мактабларини битирувчилар, ёлғиз аёллар ва кўп болали оналар, пенсияга чиқиш арафасида бўлган шахслар, ҳарбий хизматдан бўшатиш (демобилизация қилинган), озодликдан маҳрум этилган жойлардан бўшатишлар) ва ишсизлар учун молиявий ресурсларни (ушбу шахсларнинг ундаги улуши 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак) ажратиш йўли билан иш жойларини ташкил этиш;

б) банкротликка учраш арафасида турган корхоналарга ҳодимларни оммавий ишдан бўшатишнинг олдини олиш ва мавжуд иш уринларини сақлаб қолиш мақсадида ҳокимият махсус комиссиялари томонидан берилган хулосалар асосида молиявий ёрдам кўрсатиш;

в) тугалланмаган, тўхтатиб (музлатиб) қўйилган, қурилиш ишлари тайёрлиги даражаси 80 фоиздан кам бўлмаган объектларда ҳамда бўшатиш ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларида иш уринларини ташкил этишда қатнашиш;

г) қишлоқ хўжалик ширкатлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун ишлаб чиқаришлар ташкил этиш;

д) алоҳида махсус ҳолларда, яқка ажралиб қолган, тоғли, чул ва саноати ривожланмаган районларда меҳнат биржалари ҳузурда ишга туширилиш муддати 6 ойдан ортиқ бўлмаган кичик корхоналар тузиш мумкин ва ҳ.к.

Кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар фоизларсиз ёки қарздан энг кичик миқдордаги фоизлар олиниб, белгиланган муддатларда қайтариш шарти билан ёки ўзини ўзи қоплаш асосида ажратилади.

Қонунчиликда назарда тутилган айрим ҳолларда Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси маблағлари бошқа мақсадлар учун ҳам фойдаланилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида низом¹да ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланадиган жамоат ишларини қисман молиялаштириш² учун айрим минтақалар ҳудудида шахсларни ишга жой-

¹ Қ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан банд этиш тўғрисида»ги қонуннинг амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 13 майдаги 235-сонли қарорига 1-илова, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 июлдаги 310-сонли, 1999 йил 19 июлдаги 353-сонли, 2001 йил 6 апрелдаги 162-сонли қарорлари билан узгартиришлар киритилган.

² Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари деганда, ишсизлар ва зарур иш жойлари ёки шахсларнинг касбий тайёргарлиги етишмаслиги билан боғлиқ ҳолда уларнинг ишга жойланиши кийин бўлган ҳолларда давлат органлари томонидан ташкил этиладиган, одатда, ҳамма ишлаши мумкин бўлган, касбий махсус тайёргарликни талаб қилмайдиган кунлилли вақтинча меҳнат фаолияти тўхтовлиди (Ўзбекистон Республикасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги низом 1-банди).

лаштириш ноқулай бўлган вазиятларда корхоналарга дотациялар ажратилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бандликка ёрдам кўрсатиш Давлат жамғармасидан туман (шаҳар) меҳнат биржаларига маблағлар ажратиш шаҳар (туман) бандлик дастурларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Бандликка ёрдам кўрсатиш Давлат жамғармаси ҳисобидан қўйидаги тадбирлар молияланмаслиги керак:

тижорат, савдо-воситачилик фаолияти ва аҳолининг иш билан бандлигини бевосита таъминламайдиган бошқа йўналишлардаги иш-фаолиятни амалга ошириш;

савдо объектлари, уй-жой ва бошқа ижтимоий, маданий, маиший объектлар ва ҳ.к.ни қуриш ҳамда хусусийлаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сонли қарорига мувофиқ 2001 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси *Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига* айлантирилди. Бу - пенсия таъминоти тизимида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича мажбурий бадаллар йиғими туликлигини ошириш, амалдаги бошқарув тузилмаларини қисқартириш ҳамда пенсиялар ва нафақалар тўлаш учун йўналтирилаётган маблағлардан самарали фойдаланишни ошириш мақсадида қилинди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратилаётган маблағлар ва бадаллар миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади.

Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби махсус норматив ҳужжат¹ билан белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия фонди маблағларини шакллантириш ва уларни харажат қилиш тартиби тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 498-сонли қарорига 1-илова). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162-сонли қарори билан ўзгартиришлар киритилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- мулкчилик шаклларида қатъи назар, юридик шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасидан ижтимоий сугурталаш учун 35 фоиз миқдорида олинadиган мажбурий бадаллар ҳамда юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар, деҳқон хўжаликлари аъзоларидан ихтиёрий асосда - қонунчиликда белгиланган миқдорда тўланадиган бадаллар¹;

- иш ҳақидан 2,5 фоиз миқдорида олинadиган фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари;

- мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан реализация қилинган маҳсулот ҳажмидан (қўшилган қиймат солиғи чегирилиб) 0,7 фоиз миқдорида мажбурий ажратиладиган маблағлар²;

- муддатидан олдин ва имтиёзли пенсияларни тайинлаш билан боғлиқ маблағлар ҳамда иш берувчилар ва фуқаролардан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ регресс талаблар (қайтарма даъволар) бўйича ундириб олинadиган маблағлар;

- сугурта бадаллари ва ажратма маблағлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун ҳисоблаб ёзилган жарималар ва пенялар суммаси;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари.

Пенсия жамғармаси маблағлари ижтимоий таъминот органлари томонидан белгиланadиган пенсияларни тўлаш; болаликдан ногирон бўлганлар, давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга ноқобил фуқароларга нафақалар тўлаш учун йўналтирилади. Улар, шунингдек, бола туғилганида, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун, ҳомиладорлик ва туғиш

¹ Тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзоси узидаги мавжуд имкониятлар ҳамда пенсия таъминоти ва ижтимоий сугурта бўйича нафақаларнинг исалган миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бюджетдан ташқари Пенсия фондига сугурта бадаллари миқдорини мустақил равишда белгилайди. Бунда тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзосининг сугурта бадалги миқдори Ўзбекистон Республикасида белгиланган бир ойлик энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак. Қ. Бюджетдан ташқари Пенсия фондига давлат ижтимоий сугуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва ажратиладиган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йуриқнома. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги томонидан 2001 йил 7 мартдаги қарор билан тасдиқланган.

² Бюджетдан ташқари Пенсия фондига давлат ижтимоий сугуртаси бўйича мажбурий бадалларнинг курсатишган миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йилга мўлжалланган асосий макроиктисодий курсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида» 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарори билан белгиланган (19-илова) Шу қарор билан адвокатлар бюроси, коллегиялар ва фирмаларга белгиланган имтиёз бекор қилинган бўлиб, улар 2003 йил 1 январдан бошлаб бюджетдан ташқари Пенсия фондига ижтимоий сугурта учун барча бошқа тўловчилар учун белгиланган миқдорларда мажбурий бадалларни ўқказиши шарт.

бўйича нафақалар тўлаш ва қонунчиликка мувофиқ равишда Пенсия жамғармасидан молияланадиган бошқа тўловларни тўлаш учун мўлжалланган. Пенсия жамғармаси маблағларининг қонунчиликда назарда тутилмаган мақсадлар учун ишлатилишига рухсат берилмайди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси марказлашган (давлатнинг қисқа муддатли қарзлари узоқ муддатли ёки бемуддат қарзга айлантирилган) бюджети таркибига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси марказлашган бюджети Олий Мажлис сессиясида тасдиқланиб, Вазирлар Маҳкамасининг келаётган йил учун Ўзбекистон Республикаси бюджети параметрлари тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан кейин Молия вазирлиги беш кунлик муддат ичида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ҳамда Давлат мулк қўмитасига келаётган йил учун тасдиқланган Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг асосий параметрларини етказди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Жамғарма даромадлари ва харажатларининг асосий параметрларини Молия вазирлигидан олган кундан бошлаб бир ҳафталик муддат ичида Пенсия жамғармасининг даромадлари манбалари ва харажатлари йўналишлари бўйича чоракларга бўлиниб, ҳудудларга ажратилган йиллик прогнозини тасдиқлайди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳудудий бўлинмалари томонидан мувофиқ равишда шаҳарлар ва туманлар бўйича даромалар ва харажатларнинг йиллик прогноз параметрлари тасдиқланади.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар ва ажратилган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бузганлиги ҳамда тўловларни ўз вақтида тўламаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар, бунда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан эса, амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Юридик шахс бўлмайдиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан суғурта тўловларининг ўз муддатига тўланмаганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кунга суғурта тўловларини тўлаш вақтида белгиланган энг кам иш ҳақининг 0,15 фоизи миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Ўзрли сабаблар мавжуд бўлган ҳолда тадбиркорнинг илтимосига кўра Пенсия жамғармаси суғурта бадалларини тўлаш муддатини пеня ёзмасдан уч ойгача узайтириши мумкин.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағларнинг тўлиқ келиб тушишига оид маълумотларни тўплаш ва назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юклатилган. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқариш функцияларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги амалга оширади. Улар қуйидагилардан иборат:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари тушуми ва харажатларининг йиллик ҳамда чораклар бўйича ажратилган прогноз балансларини шакллантириш;

- пенсиялар ва ижтимоий таъминот бўлимларидан тўланадиган нафақаларнинг ўз вақтида ҳисоблаб ёзилиши ва тўланишини таъминлаш;

- пенсиялар ва ижтимоий таъминот бўлимларидан тўланадиган нафақаларнинг тўғри ҳисоблаб ёзилиши ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш.

III БЎЛИМ. ДАВЛАТ ДАРОМАДЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

11-боб. Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш асослари

1. Давлат даромадлари тушунчаси ва тизими, уларни ҳуқуқий тартибга солиш вазифалари

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида муҳим иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш, ҳуқуқий тартиб-ботни мустаҳкамлаш, мудофаа қудрати ва миллий хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган молиявий ресурсларга муҳтож. Шу муносабат билан у ўз даромадларига, яъни ўз тасарруфида мамлакат молия тизими барча бўғинларининг иштирокида шакллантириладиган давлат даромадларига эга бўлиши лозим.

Давлат даромадларини шакллантириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида яратиладиган жамият миллий даромадини ҳамда жисмоний шахслар шахсий даромадининг давлат томонидан мажбурий ва ихтиёрий тўловлар усуллари билан йўналтириладиган қисмини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш йўли билан амалга оширилади.

Демак, **давлат даромадлари** давлат мулки ва тасарруфига келиб тушадиган ҳамда унинг томонидан ўз ички ва ташқи функцияларини амалга ошириш мақсадида молиявий базани ташкил этиш учун фойдаланиладиган пул маблағларининг турли шаклларидир. Молия ҳуқуқига оид адабиётларда давлат даромадларига берилган турли таърифлар мавжуд бўлиб, уларда бу даромадларнинг асосий хусусиятлари ва мазмуни у ёки бу даражада кўрсатилган ҳамда улар юқорида келтирилган таърифда ўз ифодасини топган.

Давлат даромадлари ягона тизимдан иборат бўлиб, унинг элементлари пул маблағлари айрим турларининг муайян мажмуини ташкил этади. Давлат даромадларининг ягона тизими шу билан изоҳланадики, амалдаги қонунчилик давлат томонидан ўзининг барча даромадларини шакллантириш учун фойдаланиладиган пул маблағларининг айнан бир хил турларини белгилайди.

Давлат даромадларининг ягона тизими улар моҳиятининг энг муҳим хусусиятларини акс эттирадиган белгиларга қараб ҳар хил турлар бўйича таснифланади. Шаклланиш ва фойдаланиш тартибига қараб барча давлат даромадлари **марказлаштирилган** ва **марказлаштирилмаган даромадларга** бўлинади. Бундай тасниф асосий тасниф ҳисобланади, чунки у давлат даромадлари ти-

зими тўғрисида тўлиқ тасаввур беради ҳамда давлат молиявий фаолиятида марказлаштириш ва номарказлаштириш тамойилини амалга ошириш механизмларидан бирини кўрсатишга имкон беради.

Марказлаштирилган даромадлар деганда, пул маблағларининг ягона умумдавлат жамғармасига, яъни мамлакатнинг Давлат бюджетига келиб тушадиган молиявий ресурслар тушунилади. Миллий даромад бир қисмини бевосита давлат тасарруфида тўплаш - марказлаштириш зарурати бир қанча объектив сабаблардан келиб чиқади. Хусусан, бу бутун жамиятнинг муайян эҳтиёжлари мавжудлиги билан боғлиқдир. Давлат пул маблағларининг ягона жамғармасига эга бўлиб, маблағларни иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳалари ўртасида қайта тақсимлашни амалга ошириши, барча маъмурий-худудий тузилмаларнинг ривожланишини таъминлаши, ижтимоий сиёсатни муваффақиятли амалга ошириши мумкин бўлади.

Давлатнинг марказлаштирилмаган даромадларига давлат корхоналарининг даромадлари кириб, бу даромадлар қонунчилиқда белгиланган тартибда корхоналар ихтиёрига келиб тушади ва улар томонидан мустақил равишда ишлаб чиқариш ва ижтимоий эҳтиёжлар учун фойдаланилади. Ушбу даромадлар, гарчи давлат мулки ёки маҳаллий мулк бўлса-да, улар давлат корхоналарига бириктириб қўйилган бўлиб, хўжалик юритиш ёки оператив болқариш ҳуқуқи билан уларга тегишлидир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан кейин корхоналар олинган фойда ва уларнинг ихтиёрида бўлган бошқа даромадларни мустақил равишда тасарруф этишади.

Корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти йўналишларини белгилашда уларнинг ҳуқуқларини анча кенгайтиришга асосланган туб иқтисодий ислохотлар ўтказилиши муносабати билан улар ихтиёрида қоладиган маблағлар улуши доимий равишда ўсиб бормоқда. Марказлаштирилмаган даромадларнинг ўсиб бориши марказлаштирилган даромадларнинг аҳамиятини пасайтириши, Давлат бюджетининг родини камайтириши мумкин эмас. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, фойда ва бошқа жамғармалар ҳажмининг ортиши билан Давлат бюджетининг даромадлари ҳам албатта ўсиб боради.

Шундай қилиб, давлат даромадлари тушунчаси Давлат бюджетини даромадлари тушунчасига нисбатан кенг бўлиб, у бюджет даромадларини ҳам, давлат корхоналари ва ташкилотлари даромадларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бундан ташқари, пул маблағларининг айрим қисми бошқа молиявий-ҳуқуқий институтлар, масалан, давлат кредити воситасида ҳам давлат ихтиёрига келиб тушади. Молия ҳуқуқига оид айрим манбаларда давлат даромад-

лари тушунчаси кенг ва тор маъноларда кўриб чиқилади. Биринчи ҳолда уларга бюджет тизими ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадларини¹ ҳамда давлат корхоналарининг ўз ихтиёрида қоладиган даромадларини киритишади. Иккинчи ҳолда эса, фақат бюджет тизими ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига киритиладиган даромадлар киритилади².

Давлат даромадларини таснифлашда бошқа мезонлар ҳам қўлланади. Масалан, улар ижтимоий-иқтисодий белгиси, тўпланиш усули бўйича, пул тушумларининг юридик хусусиятлари ва юридик шакллари ва ҳ.к.ларга қараб таснифланади.

Давлат даромадлари ва улар тизимини белгилашда юзага келадиган муносабатлар қонунчилик меъёрлари билан тартибга солиниб, улар Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши ва бозор механизмларига асосланган, принципиал жиҳатдан янги иқтисодий муносабатларнинг жорий этилиши билан туб ўзгаришларга учради. Давлат даромадлари масалалари бўйича умумий хусусиятга эга бўлган ҳамда уларнинг аниқ турларига оид янги норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Умумий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларга Бюджет тизими тўғрисидаги қонун ва Солиқ кодекси кириб, улар Давлат бюджети ва унинг таркибига кирувчи бюджетлар даромадлари ҳамда бюджет даромадларининг асосий манбалари бўлган солиқ тўловларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Кўрсатилган қонунчилик ҳужжатларини ривожлантиришда давлат даромадлари таркибига киритиладиган у ёки бу тўловларнинг аниқ тизими, тартиби, шакл ва усуллари ҳамда уларни тўлаш миқдори ва тартиби, субъектлар доираси ва ҳ.к.ни белгилайдиган қонун кучига эга бўлган норматив ҳужжатлар тўплами қабул қилинди.

Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган бир қанча вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, бу вазифаларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан давлатнинг мамлакатни ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, муҳофаа қобилиятини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича функцияларини зарур молиявий ресурслар билан таъминлашга боғлиқдир.

Давлатнинг марказлаштирилган даромадларини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий вазифаси барқарор ва доимий хусусиятга эга бўлган тўловларнинг Давлат бюджети даромадларига тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдан иборат. Ушбу вазифани амалга ошириш учун Давлат бюджети

¹ Бизнинг бюджет қонунчилигимиз бўйича - давлат мақсадли жамғармалари.

² Финансовое право: Дарслик / проф. Н.И. Химичева таҳрири остида. М.: БЕК, 1996. - 223-б.

ҳамда унинг тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари бутун бир тизими ва унинг айрим турларини ташкил этиш ҳуқуқий тартиботи қаратилган бўлиши лозим. У марказлаштирилган даромадларни йўналтириш шакл ва усулларини доимий равишда такомиллаштириб бориш, Давлат бюджети даромадлар тизимининг турли бўғинларини ўзаро боғлаш ҳамда ушбу даромадларни шакллантиришда иштирок этаётган давлат органлари ва тўловчиларнинг масъулиятини оширишни ўз ичига олади.

Марказлаштирилган давлат даромадлари тизими ҳуқуқий тартиботини белгилашда моддий ишлаб чиқариш жараёни, тақсимот муносабатлари хусусияти, давлат корхоналари ва жисмоний шахслар жамғармаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартибига бевосита таъсир кўрсатилади.

Шу муносабат билан давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солишнинг жуда муҳим вазифаларидан яна бири – марказлаштирилган давлат даромадларининг шундай ҳуқуқий тартиботини белгилашдан иборатки, бу тартибот хўжалик юритиш шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички резервлардан фойдаланиш ҳамда шу асосда корхоналарнинг қўшимча даромадлар олишда манфаатдорлигини оширишга ёрдам бериш. Бу – давлатга ҳам, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзларига ҳам фойдалидир.

Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим вазифаларидан бирига, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджетга мажбурий ва ихтиёрий тўловларни ўтказишнинг аниқ шарт-шароитларини белгилайдиган энг оқилона, иқтисодий жиҳатдан асосланган шакл ва усулларини танлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш киради. Шу сабабли амалдаги қонунчилик даромадга қараб солиқ солиш тамойилига албатта риоя этилишини таъминлаши шарт. Унинг моҳияти шундан иборатки, бюджетга тўлов ҳажми ҳар бир тўловчи (юридик ёки жисмоний шахс) ҳақиқий даромадларининг муайян қисмига, муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлганида эса, тўловларнинг ихтиёрийлиги тамойилига тўлиқ мувофиқ келиши лозим.

Давлат даромадларини йўналтириш жараёнида ушбу даромадларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича турли молиявий ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Бу ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни давлат даромадларининг турлари билан белгиланиб, улар, қайд этилганидек, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган даромадларга бўлинади.

Умумдавлат марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасини шакллантириш Давлат бюджети даромадлари – солиқлар ва солиқдан ташқари даромадларнинг йўналтирилишини тартибга солувчи молиявий-ҳуқуқий институтлар ёрдамида таъминланади.

Солиқлар давлат томонидан миллий даромадни қайта таксимлашнинг асосий усули сифатида фойдаланилиб, улар воситасида юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисми умум-давлат эҳтиёжларини қондириш учун марказлаштирилган жамгармага жалб этилади¹.

Молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг катта гуруҳи марказлаштирилмаган давлат даромадларининг, яъни давлат корхоналари маблағларининг мажбур бўлиши муносабати билан юзага келади. Улар ўзларининг мазмуни, вужудга келиш асослари, субъектлари доираси бўйича турли бўлиб, шу боисдан ҳуқуқнинг турли тармоқлари меъёрлари билан тартибга солинади. Аммо ушбу муносабатларнинг катта қисми молия ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Уларга давлат корхоналари, тармоқ давлат бошқарув органларининг даромадлари турлари, уларнинг ҳосил бўлиш манбалари, корхоналар ва давлат бошқарув органларининг марказлаштирилмаган даромадларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи меъёрлар киради.

2. Давлат бюджети даромадлари тизими ва уларни мустаҳкамлаш йўллари

Ўзбекистон Республикаси давлат даромадлари тизимида Давлат бюджетига тўпланадиган марказлаштирилган даромадлар мамлакат харажатларини қоплашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Давлат бюджетига даромад манбалари қуйидаги тарзда гуруҳларга ажратилади:

а) тўғри солиқлар: юридик шахслар даромадлари ёки фойдасига солинадиган солиқ; солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ; жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадларига солинадиган, қайд этиб қўйиладиган солиқ;

б) эгри солиқлар: қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; божхона бож; жисмоний шахслардан олинадиган ягона божхона тўлови; транспорт воситаларида бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатилиши учун жисмоний шахслардан олинадиган ягона бож тўлови;

¹ Солиқлар махсус молиявий-ҳуқуқий восита (институт) сифатида ушбу дарсликнинг кейинги бобларида куриб чиқилади.

в) ресурслар учун тўловлар ва мол-мулк солиғи: мол-мол-мулк солиғи; ер солиғи; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; экология солиғи;

г) инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ;

д) бошқа даромадлар.

Давлат бюджети даромадлари бир бутун ҳолда солиқ тўловлари ҳисобидан шакллантирилиб, уларнинг салмоғи, қайд этилганидек, унинг умумий даромадларининг 97 фоизидан ортигини ташкил этади. Шу сабабли кўриб чиқиляётган молия ҳукуки бўлими энг муҳим ҳукукий институтларидан бири солиқ ҳукуки бўлиб, у солиқ тўловларини жорий этиш ва ундириб олиш вақтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Давлат бюджети даромадларининг бошқа тизими солиқ бўлмаган тўловларнинг ҳар хил турларини ўз ичига олиб, улар ундириб олиниш шакли ва усуллари, манбаи, субъектлари ва бошқа асосларга қараб солиқ тўловларидан фарқ қилади. Улар солиқ тўловларидан фарқли равишда ихтиёрий (масалан, давлат кредити бўйича тўловлар) ва мажбурий (давлат ва молиявий активлар, давлат ва маҳаллий мулкдан фойдаланиш ва ҳ.к.) тўловлар бўлиши мумкин. Солиқ бўлмаган тўловларнинг бошқа гуруҳлари ҳам мавжуд, хусусан, булар - давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун ундириб олинadиган тўловлар (давлат божи) ҳамда ҳуқуқ турли тармоқлари меъёрларини бузганлик учун юридик санкциялар сифатида ундириб олинadиган тўловлар (жарималар, пеня, мусодара қилинган мулкдан даромадлар ва ҳ.к.)дир.

Давлат бюджети даромадларига давлат мақсадли жамғармаларига келиб тушадиган тўловлар ҳам кириб, улар бизнинг республикамиз амалдаги бюджет қонунчилигига мувофиқ равишда ягона умумдавлат марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасига киритилади. Булар давлат ижтимоий суғуртаси бўйича, йўл жамғармаси, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига тўланадиган ва бошқа тўловлардир.

Юридик табиатига кўра ушбу тўловлар солиқ тўловлари билан жуда кўп ўхшаш томонларга эга: уларнинг амалга киритилиши тегишли қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган; ҳар бир тўлов бўйича тўловчилар, объектлар, ставкалар, имтиёзлар ва солиқ тўловларига хос бўлган бошқа жиҳатлар белгиланган. Қайд этилган ҳолат айниқса давлат ижтимоий суғурта бўйича тўловларга хосдир, чунки бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловлар тўланишини назорат қилиш вазифаси давлат солиқ хизматининг зиммасига юклатилган.

Давлат бюджети даромад қисмини тўлдиришнинг янги манбаларини қидириб топиш ва уларни молия ҳукуки меъёрларида

мустаҳкамлаб қўйиш бюджетнинг харажатлар қисмида назарда тутилган тадбирларни узлуксиз молиялаштириш учун катта аҳамият касб этади. Бунда даромад қисмини турли йўллар билан тўлдириш мумкин.

Шундай энг оддий йўллардан бири - янги солиқларни жорий этиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, амалдаги солиқ тўловлари ставкаларини ошириш ҳисобланади. Лекин жаҳон тажрибаси шуни кўрсатяптики, солиқларнинг ниҳоятда юқори бўлиши шунга олиб келадики, тадбиркорларда юқори даромад олиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришга бўлган қизиқиш йўқолиб боради. Натижада хўжалик юритувчи субъектлар даромадлари пасайиб кетади ва мувофиқ равишда бюджетга солиқлардан келиб тушадиган тушумлар камаяди.

Бу ерда бир хил бўлмаган_ностандарт ва ноанъанавий чораларга асосланган бошқача ёндашувлар талаб қилинади. Бундай чоралардан бири республикамизда амалга оширилаётган қайиш-қоқ солиқ сиёсатидир. Ушбу сиёсатнинг моҳияти шундан иборатки, бир томондан, бюджет даромадларининг тўлдирилишини таъминлаш, иккинчи томондан, ишчанлик, ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришдан иборат¹.

Давлат бюджети даромадларини белгиланган солиқ тўловлари ҳисобига энг кўп даражада йўналтириш кўп жиҳатдан солиқ органларининг аниқ-пухта ишлашига боғлиқ бўлиб, улар бюджетга келиб тушиши лозим бўлган тушумларнинг тўғри ва ўз вақтида келиб тушишини назорат этишга қаратилган. Зероки, бу шунинг учун ҳам муҳим аҳамиятга эгаки, кўпгина солиқ тўловчилар - юридик ва жисмоний шахслар амалда солиқлар тўғрисидаги қонунчиликни бузадилар. Солиқ солиш объектларини яшириш ёки камайтириб кўрсатиш, солиқ суммаларини ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўладиган ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш каби ҳоллар ҳали кам эмас.

Бюджет даромадларига қўшимча маблағларни жалб этишнинг муҳим манбаи давлат қимматли қоғозлари ва, хусусан, давлат заём облигацияларини чиқариш ҳамда уларни жисмоний ва юридик шахслар ўртасида жойлаштириш ҳисобланади. Ушбу манба давлат томонидан кўпроқ юридик шахсларга нисбатан қўлланилади, давлат қимматли қоғозларини жисмоний шахслар ўртасида жойлаштириш эса амалда йўқ.

Давлат бюджети даромад қисмини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетларни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг минтақалар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги масъулиятини таъминлаш-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларини ўттирнинг ўз модели., 43-б.

даги ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш мақсадида улар молиявий базасини шакллантириш тартибига принципал ўзгаришлар киритилмоқда. Ҳудудий молиявий бюджетни режалаштириш қайта қурилмоқда, маҳаллий бюджетларнинг тегишли ҳудудларда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар молиявий фаолияти натижаларига қарамлилиги кучайиб бормоқда, маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланиш соҳаси кенгайиб бормоқда ва ҳ.к.лар.

1. Солиқлар тушунчаси ва функциялари

Возор муносабатларининг ривожланиши шароитларида давлат иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг бош тартибга солувчи дастаги солиқлар бўлиб бормоқда, улар «давлат бюджети даромад қисмини энг муҳим умумдавлат халқ хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорларда шакллантиришни таъминлаш учун қаратилган»¹.

Солиқлар товар ишлаб чиқариши ва давлатнинг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келган бўлиб, ушбу давлатга оммавий ҳокимиятнинг асосий ажралмас қисмлари бўлган армия, суд, амалдорларни сақлаш ҳамда давлатнинг бошқа эҳтиёжлари учун пул маблағлари талаб қилинган.

Иқтисодий нуқтаи назардан солиқлар пул муносабатлари тизимидан иборат бўлиб, улар воситасида, бир томондан, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар, иккинчи томондан, давлат билан давлат маблағларини шакллантириш бўйича муносабатлар амалга оширилган. Солиқлар ҳисобига давлат молиявий ресурсларининг асосий қисми шакллантирилади, улар давлат бюджетига келиб тушади ва жамият эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Шу муносабат билан солиқларнинг иқтисодий табиатини аниқлашда уларнинг давлат молия-бюджет тизимига моҳиятан тегишли бўлиши энг муҳим мезон бўлиб ҳисобланади.

Шу билан бирга, солиқ энг муҳим иқтисодий категория сифатида тегишли ҳуқуқий таъминотсиз молиявий ресурсларнинг давлат бюджетига амалда келиб тушишини таъминлай олмайди. Шу муносабат билан солиқнинг юридик моҳияти тўғрисидаги масала алоҳида аҳамият касб этади.

Солиқларнинг юридик моҳиятини ташкил этувчи энг муҳим хусусиятлар *солиқ тўловларининг бегаразлиги, бу тўловларнинг мажбурийлиги, уларни жорий этиш ва ундириб олиш тартиби, солиқнинг аниқ миқдорини ҳамда уни амалга киритишнинг аниқ муддатини белгилашдан* иборат².

Солиқ тўловларининг бегаразлиги шуни англатадики, солиқлар шаклида бюджетга киритиладиган пул маблағлари мақ-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 188-б.

² Солиқларнинг ушбу ва бошқа айрим юридик белгилари уларнинг мавжуд бўлиш шартлари ва тартибини белгилаб беради, улар анъанавий равишда мажус адабиётларда қайд этилган. Қ, масалан, Советское финансовое право: Дарслик. - М., 1987, 247-б; Финансовое право. Дарслик // Н.И.Химичева тахрири остида. - М., 1996, 225-б; Основы налогового права// С.Г.Пепеляева тахрири остида. - М., 1995, 24-б; Налоги и налоговое право. Ўқув қўлланмаси// А.В.Брызгалов тахрири остида. - М., 1998. - 260-261-бетлар; Хван Л.Б. Налоговое право. - Т., 2001. - 18-б. ва б.

садли йўналишга эга эмас. Улар юридик ва жисмоний шахслардан давлат мулкига бегараз ўтказилади ҳамда давлат томонидан иқтисодиёт, ижтимоий-маданий тадбирлар, мудофаани молиялаштириш, давлат ашаратини сақлаш учун йўналтирилади.

Давлат солиқ тўловчиларга улар томонидан бюджетга киритилган маблағлар учун ҳеч қандай бевосита компенсацияларни бермайди, яъни аниқ тўловчи томонидан тўланган солиқ ҳажми билан ўша солиқ ҳисобидан унга бериладиган ижтимоий неъматлар ҳажми ўртасида тўғри, бевосита алоқа йўқ. Шу билан солиқ (товар ёки хизматларни ихтиёрий истъмоладиган қилиш учун тўлов сифатидаги) нархдан ёки мажбурий ва ихтиёрий бўлиши мумкин бўлган, аммо ҳамма вақт давлат томонидан кўрсатилган хизматлар учун муайян фойда олиш билан боғлиқ компенсацион йиғимлардан фарқ қилади.

Аммо солиқ тўловларининг бегаразлилик хусусияти давлат солиқларни олиб, уларни тўловчиларга муайян моддий неъматларни бермайди, деган маънони англатмайди. Маълумки, бепул таълим олиш, тиббий хизмат кўрсатиш, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали оилаларни ижтимоий таъминлаш ва ҳ.к. учун маблағлар асосан давлат бюджетининг солиқлар ҳисобидан шакллантириладиган даромад қисмидан ажратилади.

Ҳар бир солиқ тўловчи учун давлатга тўланадиган солиқлар ҳажми билан ундан олинадиган моддий неъматлар ўртасида тўғридан-тўғри, кўзга кўринадиган алоқанинг йўқлиги унинг солиққа гўёки зиммасига тушадиган бир юк сифатида қараши учун сабаб бўлади, зероки солиқ тўловчилар ушбу маблағлар ҳисобидан молияланадиган давлат харажатлари йўналишини маъқуллашлари ҳам мумкин. Айрим тўловчиларнинг солиқ тўлашдан қочиши, ўз даромадларини камайтириб кўрсатишга интилиши мана шундандир.

Солиқ юридик моҳиятининг *мажбурийлик хусусияти* шундан иборатки, солиқ тўловчилар қонун кучи билан муайян шарт-шароитларда солиқларни тўлаши шарт. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига мувофиқ солиқларни тўлаш бўйича мажбурият конституциявийдир. Кўпгина ривожланган мамлакатлар конституцияларида ҳам фуқаролар ва раияларнинг солиқ тўлаш мажбурияти конституциявий хусусиятга эга бўлиб, бу – солиқларнинг давлат учун алоҳида муҳим эканлиги ва уларнинг аҳамиятини намоён этади.

Солиқлар мажбурияти ҳокимият ваколатларига эга бўлган тегишли органлар орқали давлат кучи билан таъминланади ва шу сабабли солиқларни тўлаш ихтиёрий эмас, балки мажбурийлик хусусиятига эга. Поль Мари Годменинг сўзлари билан айтганда, «солиқ тушунчасида мажбурийлик элементи шунчалик буюкки,

бу мажбурийлик хусусиятига эга бўлмаган тушумларнинг солиқ соҳасидан истисно этилишига олиб келади»¹.

Айрим мамлакатларнинг ҳозирги замон солиқ тизимида мажбурий бўлмаган деб аталадиган солиқ мавжуд бўлиб, бу – хусусан, черков солиғидир, у қонунчилик ҳужжатлари билан белги-ланмаган, лекин уларни ижро этиш диний меъёрлар ахлоқий нуфузи-обрўси билан таъминланади. Масалан, мусулмон давлатлари (Яман, Саудия Арабистони, Покистон ва бошқалар)да давлат дини егарлича ривожланган бўлиб, давлат томонидан санкция-ланган диний солиқ меъёрлари умумдавлат меъёрлари бўлиб қолмоқда. Хусусан, бундай тўловлардан бўлган ислом солиқлари (закот, закот ал фитр, ушр) Қуръонга мувофиқ равишда ундириб олинади ва улар чет эллардаги мусулмон жамоаларини қўллаб-қувватлаш, камбағалларга ёрдам бериш ва ҳ.к.га йўналтирилади.

Аммо бундай амалиёт умумий қабул қилинган эмас, масалан, Исландияда черков солиқлари ҳатто динсизларга ҳам амал қилиб, улар бундай солиқларни Исландия университетининг стипендиал жамғармаларидан бирига тўлашади².

Солиқларнинг муҳим юридик белгиси уларни белгилаш ва жорий этиш тартиби ҳисобланади. Солиқларни белгилаш ҳам-да уларни ундириб олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда амалга оширилади. Шу муносабат билан қонунчиликда назарда тутилмаган ҳар қандай мажбурий тўлов-лар солиқ ҳисобланиши мумкин эмас.

Ва, ниҳоят, солиқларнинг юридик моҳиятини ташкил этувчи яна бир белгиси шундан иборатки, уларни тўлаш орқали олдин-дан қонунчиликда белгиланган тартибда даромаднинг бир қисми давлат фойдасига ундириб олинади. Давлат давлатнинг бюджет тизими даромад қисмига ўтказиладиган солиқлар миқдори ва уларни тўлаш муддатларини белгилайди, қонунда белгиланган кўрсатмаларни бузган солиқ муносабатлари субъектларига нисба-тан жавобгарлик чораларини қўллайди.

Кўпгина мамлакатлар қонунчилиги, шу жумладан Ўзбекистон қонунчилигида солиқларни ва уларнинг миқдорларини белгилаш ҳуқуқи фақат юқори қонунчилик ҳокимиятига берил-ган³. Ҳеч ким ўз хоҳиши бўйича янги солиқларни ёки уларнинг миқдорини белгилашга ҳақли эмас.

Шундай қилиб, **солиқлар** – давлат бюджетининг даромад қисмига ўтказиладиган, юқори қонунчилик ҳокимият органла-рининг ҳужжатларига асосан юридик шахслар ва фуқаролар

¹ Годие П. Финансовое право. -М.: Прогресс, 1978.- 378-б.

² Козырни А. Налоговое право зарубежных стран: вопросы теории и практики. - М.: Манускрипт, 1993.- 20-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 78-м, 8-банд.

томонидан бегараз, мўйян миқдорда ва белгиланган муддатларда умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун тўланадиган мажбурий тўловлардир.

Адабиётларда солиқларнинг бошқа таърифлари ҳам берилган. Лекин шуни қайд этиш керакки, у ёки бу талқинларда солиқлар юридик моҳиятининг юқорида қайд этилган ўзига хос хусусиятлари у ёки бу тарзда таъкидлаб ўтилган¹. Масалан, А.Смитнинг фикрича, солиқ давлат томонидан қонун шаклида зиммага юкланадиган юк бўлиб, бу қонуний тўлов миқдори ва тартибини белгилайди².

Амалдаги солиқ қонунчилигида «солиқ» категориясининг норматив таърифи берилмаган, зероки бундай таъриф катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, кўрсатилган қонунчилик меъёрларини тўғри ва бир хил қўллашга ёрдам беради. Бундан ташқари, солиқ тушунчаси солиқларни белгилаш ва ундириб олишни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тайёрлашда дастлабки бошланғич нуқталардан бири бўлиб қолиши лозим.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига солиқларнинг нафақат бу сўзнинг ўз маъносидаги эмас, балки давлат бюджет тизимига киритилиши лозим бўлган бошқа мажбурий тўловларни ҳам ўз ичига олган рўйхати мавжуд бўлиб, улар «солиқлар тизими» деб аталган умумий тушунча билан бирлаштирилган. Ушбу рўйхатга, солиқлардан ташқари, турли йиғимлар ҳам киритилган бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: а) савдо ҳуқуқи учун йиғим ҳамда товарларнинг алоҳида турларини сотиш ҳуқуқини берадиган лицензион йиғимлар; б) юридик шахслар, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун йиғим (Солиқ кодексининг 5- ва 7-моддалари). Давлат бюджетининг даромад қисмида тегишли молия йили учун эгри солиқлар қаторида божхона божи каби мажбурий тўлов тури ҳам назарда тутилади.

Кўрсатилган тўловлар ва солиқлар тор маънода ҳам умумий, ҳам ўзига хос белгиларга эга. Йиғимлар ва божларнинг ўзига хос хусусиятларига шу кирадики, улар солиқлардан фарқли равишда, қисман бошқа, хусусиятга эга бўлиб, қонуний белгиланган хизматларни кўрсатиш ёки муайян ҳуқуқларни бериш учун ундириб олинади (масалан, тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатга олиш учун йиғим, савдо ҳуқуқини олиш учун йиғим). Бундай тўловлар, одатда, бир маргалик хусусиятга эга, уларни

¹ Тўғри, С.Г.Пепеляев томонидан солиққа берилган таърифда солиқ юридик моҳиятининг яна шундай белгиси ҳам кўрсатилганки, унга кўра солиқ жазолаш ёки контрибуция хусусиятини на эмас. Қ.: Основы налогового права// С.Г.Пепеляев таҳрири остида. - М., 1995.- 24-б.

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Софит, 1982. 3-юлғаб. 588-б.

тўлаш мажбурияти тўловчи томонидан назарда тутилган фаолиятни эркин танлаш ёки бу ҳаракатларни қилишдан ўзини тийиб туриш натижасида юзага келади (масалан, божхона божи). Солиқларга эса, улардан фарқли равишда, солиқ солиш объекти мавжуд бўлган ҳолда қонунчиликда белгиланган муддатларда мунтазам равишда тўланиш хусусияти хосдир.

Солиқларни кўриб чиқиладиган тўловлар турлари билан бирлаштирувчи умумий белгилар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолда уларни тўлаш мажбурийлиги ҳисобланади. Бундай белгиларга яна ушбу барча тўловларнинг бюджет тизимига киритилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш устидан назоратнинг давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилиши (масалан, тўловларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига киритиш) кабилар киради. Яна бир умумий белгилардан бири субъектларнинг солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашдаги асосий мажбуриятлари (тўловларни ўз вақтида тўлаш, тўлиқ тўлаш ва ҳ.к.)да фарқнинг йўқлиги ҳисобланади¹.

Ҳар қандай давлатда солиқларнинг роли улар бажарадиган функциялар билан белгиланади. Солиқ функцияси деганда, унинг моҳиятининг ҳаракатда намоён бўлиши, унинг хусусиятларини ифодалаш усули тушунилади. Функция ушбу иқтисодий категориянинг қийматни тақсимлаш ва даромадларни қайта тақсимлаш воситаси сифатидаги ижтимоий вазифаси қай тарзда амалга оширилишини кўрсатади. Солиқларга **фискал, тартибга солиш ва қайта тақсимлаш** функциялари хосдир.

Солиқларнинг **фискал функцияси** улар табиатининг ўзи билан белгиланади, улар мажбурий тартибда ва беғараз давлат ларомадига келиб тушади ҳамда давлат томонидан ўз харажатларини қоплаш учун ишлатилади. Фискал функция воситасида солиқларнинг бош ижтимоий вазифаси амалга оширилади - бюджет тизими ва бюджетдан ташқари жамғармаларда тўпланадиган давлат молиявий ресурслари шакллантирилади ҳамда улар давлат ўз функцияларини бажариши учун фойдаланилади. Солиқларнинг фискал функцияси давлатга молиявий маблағларнинг асосий қисмини йўналтириш учун имкон беради.

Солиқларнинг **тартибга солиш функцияси** шундан иборатки, улар ижтимоий ишлаб чиқариш, унинг тузилмаси ва динамикасига, фан-техника тараққиётини тезлаштиришга иқтисодий таъсир кўрсатувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Солиқлар воситасида ишчанлик фаоллигини рағбатлантириш ёки, аксинча, уни чеклаш мумкин. Солиқлар ёрдамида протекционизи-

¹ Ушбу масала бўйича батафсил берилган: Хван Л.В. Юқорида курсатилган асар.- 18-21-б.

стик иқтисодий сиёсатни олиб бориш ёки товар бозорига эркинликни таъминлаш мумкин. 1

Туб иқтисодий ислохотлар шароитида солиқларнинг тартибга солувчилик роли кучайиб боради. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўз моделини ташкил этишнинг энг муҳим элементларидан бири ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри давлат бошқарувидан четга чиқиш, товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларига, иқтисодий мақсадга мувофиқликдан келиб чиққан ҳолда, қандай фаолият билан шуғулланиш ва қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни белгилашда эркинлик бериш ҳисобланади. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолиятининг тартибга солувчи бош дастакларидан бири солиқлар бўлиб қолади.

Шуни айтиш керакки, солиқлардан иқтисодиётни тартибга солувчи восита сифатида фойдаланиш концепцияси дастлаб 1936 йили инглиз иқтисодчиси Дж. Кейнс томонидан ишлаб чиқилган эди. Ушбу концепцияга мувофиқ солиқлар жамиятда иқтисодий муносабатларни фақат тартибга солиш учун мавжуд¹. Бироқ ушбу концепция иқтисодиётни маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланган ижтимоий ишлаб чиқариш шароитларида ўз ифодасини топа олмас эди ва, табиийки, у фанга қарши буржуа назарияси сифатида кескин танқидга учради².

Солиқлардан тадбиркорликни тартибга солишнинг самарали воситаси сифатида фойдаланиш қайишқоқ солиқ сиёсатини олиб боришни талаб қилади, унинг моҳияти, бир томондан, бюджет даромадлари тўлдирилишини таъминлаш, иккинчи томондан эса, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантириш, корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, тадбиркорик ва инвестицион фаолиятни ривожлантиришдан иборат³.

Солиқларнинг тартибга солувчилик функцияси иқтисодиётни ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган таъсир кўрсатилиши учун муваффақиятли қўлланмоқда. Бу тадбирлар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасига ва давлат бюджети даромадлари ўсишига катта таъсир кўрсатади. Солиқ чора-тадбирлари инвестицион фаолиятни рағбатлантириш (масалан, фойданинг инвестицияларга ажратиладиган қисмига солиқ солинмайди), минтақавий сиёсатни амалга оширишда кенг қўлланади.

Солиқларнинг қайта тақсимлаш функцияси мавжудлиги шу нарса билан белгиланадики, «солиқ тизими ялпи миллий маҳсулотни қайта тақсимлашни амалга оширади ва бу билан у

¹ Маъмур масала юзасидан батафсил берилган: К. Хван Л.Б. Кўрсатилган асар. - 18-21-бетлар.

² Финансово-кредитный словарь. - М.: Финансы и статистика. 1986, т.2.- 282-б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон - иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т.: Ўзбекистон, 1955.- 188-б.

иқтисодий ва ижтимоий ҳаётни таъминлашда беvosита иштирок этади»¹.

Солиқлар ёрдамида давлат юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаси (даромади)ни, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун йўналтириб, қайта тақсимлайди. Энг юқори даромадларга солиқ солишнинг ўзгарувчан шкаласини белгилаб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларни солиқлардан қисман ёки тўлиқ озод қилиш - солиқларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини англатади. Солиқ солиш орқали «айрим ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги фарқларни камайтириб, йўқотиб бориш мақсадида нисбатларни ўзгартириш йўли билан ижтимоий тенгликни қўллаб-қувватлаш»га эришилади»².

Солиқлар функциялари доимий равишда ривожланиб боради ва бунда улар бир-бирига жуда боғлиқ бўлиб, бир вақтда амалга оширилади. Ушбу ҳолат улар ўртасида муайян қарама-қаршиликларни ҳам юзага келтиради. Давлатнинг солиқларни ошириш йўли билан кейинчалик уларни бюджет орқали иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга таъсир этиш учун ўз қўлида имкон қадар кўпроқ молиявий маблағларни тўплашга бўлган интилиши уларнинг фискал функциясини кучайтиришга олиб келади. Шу билан бирга, давлат томонидан солиқлар ёрдамида қанча кўп маблағ олинса, фойда (даромад) олиш мақсадидаги фаол иш-фаолиятга бўлган қизиқиш шунчалик камаяди, яъни тартибга солувчи функция самарадорлиги пасаяди. Демак, солиқларнинг фискал ва рағбатлантирувчи моҳияти ўртасида мувозанат бўлишига риоя қилиниши шарт. Бир томондан, улар бюджетга молиявий маблағларнинг энг кўп даражада келиб тушишини таъминлаши, иккинчи томондан эса тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам бериши лозим.

2. Солиқлар таснифи

Юридик моҳиятига кўра солиқлар ўзларининг бир-бирига ўхшаш ва ўзаро фарқ қиладиган умумий (муҳим) белгиларига қараб бир қанча мезонлар бўйича таснифланиши мумкин. Иқтисодий ва юридик адабиётларда солиқларни таснифлаш бўйича энг кўп тарқалган мезонлар уларни ундириб олиш усули, қўлланиладиган ставкалар хусусияти, солиқларни белгилаш, бекор қилиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ваколатларининг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 188-б.

² Ходов Л. Функции налогов. Дарслик // А.Улатова таҳрири остида. М.: БЕК нашриёти, 1994. -309-б.

ҳажми, субъектлар (солиқ тўловчилар) турлари ва ҳ.к. белгилар бўйича гуруҳларга ажратиш ҳисобланади.

Солиқларни ундириб олиш усули мезони бўйича улар **тўғри ва эгри солиқларга** ажратилади.

Тўғри солиқлар солиқ тўловчининг даромади ёки мулкидан бевосита ундириб олинadиган солиқлар бўлиб, бу солиқ солишнинг бошланғич шакллари билан ҳисобланади. Тўғри солиқлардан дастлаб ер солиғи, уй солиғи каби солиқлар пайдо бўлиб, кейинроқ қимматли қозғалар чиқди. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда тўғри солиқларга юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва юридик шахсларга ҳам, жисмоний шахсларга ҳам солинадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғи киради. ✓

Ўз навбатида, тўғри солиқлар **шахсий солиқлар ва аниқ (реал) солиқларга** бўлинади. Бу солиқлар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, биринчи ҳолда амалда олинган даромад ёки мулк, иккинчи ҳолда эса муайян иқтисодий, баъзан эса, табиий шароитларга қараб тахминий ўртача даромад солиққа тортилади.

Жаҳон амалиётида **шахсий солиқларга даромад солиғи**, корпорациялар фойдасига солинадиган солиқ, пул капиталларидан тушган даромадлардан олинadиган солиқ, мерос ва ҳадялардан олинadиган солиқ ва ҳ.к. мисол бўла олади. Бизнинг республикамизда тўғри солиқ объекти, масалан, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари (уларга берилган имтиёзлар ҳисобга олинган ҳолда), амалдаги даромад ҳисобланади.

Аниқ (реал) солиқларга мол-мулк солиғи ва ер солиғи киради. Бунда аниқ (реал) солиқ белгилари ер участкаларига солиқ солишда яққол намоён бўлади. Ер солиғи ставкалари солиқ солиш объекти (1 га ер)дан олинadиган тахминий ўртача даромад ҳисобланиб, тупроқнинг синфи¹ ва табиий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Масалан, баҳорикор ерлар, бўз ерлар ва кўп йиллик экинлар экиладиган ерлар учун бу ставкалар уч гуруҳ бўйича фарқланади: текислик зонаси (ёгингарчилик билан таъминланмаган зона); адирлар зонаси (ёгингарчилик билан ярим даражада таъминланган); тоғ олди ва тоғли зона (ёгингарчилик билан таъминланган зона).

Эгри солиқлар товарлар, ишлар ва хизматларга нарх ёки тарифга қўшимча шаклида белгиланadиган солиқлардир. Улар тўғри солиқлардан шуниси билан фарқланадики, солиқ тўловчининг даромади ёки мулки билан бевосита боғланмаган. Эгри солиқ

¹ Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бу ставкалар ер (тупроқ)нинг 10 та синфи ва қўшимча равишда баҳоланмайдиган ер (тупроқ) бўйича фарқланади. Қ. Ҳазратов Республикаси Вакиллари Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 453-сонли қарорига 17-илова.

солиниши керак бўлган товарлар ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи ёки хизмат курсатувчи корхона ва ташкилотлар солиқ суммасини сотиладиган товарлар, курсатиладиган ишлар, хизматлар қийматига киритади, яъни ўз моҳияти билан улар солиқ йиғувчилар бўлади. Сунгги солиқ тўловчи ёки солиқ эгаси бўлиб товарларни ёки хизматларни у ёки бу турдаги эгри солиқни ўз ичига олган, оширилган нархлар ёки тарифлар бўйича олувчи истеъмолчи қатнашади.

Кўпгина давлатларнинг ҳозирги замон солиқ тизимларида эгри солиқларнинг *акцизлар, қўшилган қиймат солиғи, божхона божи* каби турлари қўлланади. Эгри солиқларнинг айнан шундай турлари Ўзбекистон солиқ тизими учун ҳам хосдир. 2002 йил 1 январдан бошлаб республикада эгри солиқнинг жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни ишлатиш учун олинadиган солиқ тури амал қилмоқда, бу солиқ жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи, транспорт воситалари эгаларидан олинadиган солиқ ўрнига киритилган¹.

Солиқ ставкаси ва солиқ солиш объекти ўртасидаги ўзаро алоқага қараб мутаносиб ва ўзгарувчан солиқлар ажратилади. Мутаносиб солиқларда солиқ ставкаси даромад миқдоридан қатъи назар ўзгармасдан қолади. Мутаносиб солиқлар, масалан, юридик шахслар даромади (фойдаси)га солиқ солишда қўлланади. 20 фоиз миқдорида белгиланган солиқ ставкаси даромад (фойда) ортишига боғлиқ ҳолда ўзгармайди. Ўзгарувчан солиқларда даромад ортиши билан солиқ ставкаси ҳам ўсиб боради: даромад қанча кўп бўлса, ундан ушлаб қолиш фоизи ҳам шунча кўп бўлади. Ўзгарувчан солиқларни қўллаш учун мураккаб прогрессиядан фойдаланилади, унга асосан солиқ тўловчининг даромади қисмларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири учун солиқнинг ўз ставкаси белгиланади. Ўзгарувчан солиққа жисмоний шахсларнинг энг кам иш ҳақидан 5 -10 баробар ортиқ бўлган даромадига солинадиган солиқ мисол бўла олади. Хусусан, энг кам иш ҳақининг бешдан ўн баробаригача бўлган миқдордаги даромадга солинадиган суммаси минимал иш ҳақининг беш баробари + минимал иш ҳақининг беш баробаридан ортиқ бўлган суммадан 22 фоизни тапқил этади.

Давлат органларининг солиқларни белгилаш, амалга киритиш ва бекор қилиш бўйича ваколатлари ҳамда солиқлар келиб туша-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилга мулжалланган асосий макроиқтисодий курсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида» 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарори 9-банди.

диган давлат бюджет тизими даражасига қараб **умумдавлат ва маҳаллий солиқлар** ажратилади.

Умумдавлат солиқларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, улар энг кўп фискал аҳамиятга эга бўлиб, одатда, республика бюджети¹га келиб тушади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади, бекор қилинади ва жорий этилади ҳамда мамлакатнинг барча ҳудудидида ундириб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида умумдавлат солиқларининг қуйидаги турлари назарда тутилган:

- 1) юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер ости бойлиқларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 6) экология солиғи;
- 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олинadиган солиқ.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳам, умумдавлат солиқлари каби, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади ва бекор қилинади. Мазкур ҳолда уларнинг умумдавлат солиқларидан фарқи маҳаллий солиқларнинг айрим турларини жорий этиш тартибидадир. Мол-мулк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари билан жорий этилади ҳамда мамлакатнинг барча ҳудудларида ундириб олинади. Бошқа маҳаллий солиқлар, гарчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари (Солиқ кодекси) билан белгиланган бўлса-да, улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимият органларининг қарорлари билан амалга киритилади (Солиқ кодексининг 7-моддаси). Демак, улар ҳуқуқий маъноси бўйича кўрсатилган органларнинг тегишли қарорлари қабул қилинган тақдирдагина мамлакатнинг у ёки бу ҳудудидида ундириб олинishi мумкин. Маҳаллий солиқларнинг бошқа фарқли белгиси шундаки, улар тўлиқ маҳаллий бюджетлар ҳисобига ўтказилади.

Солиқ кодексининг 7-моддасига мувофиқ маҳаллий солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи;
- 3) инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ;

¹ Умумдавлат солиқлари бюджет тизими даражалари ўртасида ҳар йили қонунчилик тартибидида белгиланadиган нормативлар бўйича тақсимланиши мумкин (Солиқ кодексининг 6-мси).

4) транспорт воситаларида бензин, дизель ёкилгиси ва газ ишлатилиши учун жисмоний шахслардан олинадиган солиқ;

5) савдо ҳуқуқини олиш учун йиғим, товарларнинг айрим турла рини сотиш учун ҳуқуқ берадиган лицензион йиғимлар;

6) юридик шахсларни ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғул ланувчи шахсларни рўйхатга олиш учун йиғимлар ва бошқалар.

Солиқ тўловчилар бўйича юридик шахслардан олинадиган солиқлар ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ажратилади. Биринчи гуруҳга юридик шахслар даромади ёки фойдасига солинадиган солиқлар ва экология солиғи киради, иккинчи гуруҳга эса, жисмоний шахслар даромади ёки фойдасидан олинадиган солиқлар киради. Кўпгина умумдавлат ва маҳаллий солиқлар жисмоний шахслар томонидан ҳам, юридик шахслар томонидан ҳам тўланади, масалан, бу - акциз солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳ.к. турларидир.

Баъзан махсус адабиётларда солиқларнинг бошқа таснифлари ҳам ажаратилади. Хусусан, солиқ ўтказиладиган бюджет даражасига қараб улар бириктирилган ва тартибга солувчи солиқларга бўлинади¹.

3. Солиқ ҳуқуқи ва унинг манбалари, солиқ тўғрисидаги қонун элементлари

Молия ҳуқуқи предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатларнинг муайян доираси солиқларни белгилаш ва ундириб олиш билан боғлиқ. Улар молия ҳуқуқининг меъёрлари билан тартибга солиниб, бу меъёрлар мажмуи унинг институтларидан бири - солиқ ҳуқуқини ташкил этади. Шунини ҳисобга олган ҳолда, **солиқ ҳуқуқи** деганда, *солиқларни белгилаш ва ундириб олиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи* тушунилади.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солишда солиқлар ролининг ортиб бориши билан кўпгина тадқиқотчилар солиқ ҳуқуқини ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатида кўриб чиқишади. Лекин умумқабул қилинган назариядан келиб чиқилмайдиган бўлса, унга мувофиқ ҳуқуқ меъёрларини тармоқлар бўйича тақсимлашнинг энг муҳим белгилари предмет билан ҳуқуқий тартибга солиш усулининг бирлиги ҳисобланиб, солиқ ҳуқуқини ҳуқуқнинг мустақил тармоғига ажаратиш учун жиддий асослар борлиги ҳозирча кузатилмаяпти. Солиқларни

¹ Хван Л.Б. Қўрсатилган асар, 22-б.

белгилаш ва ундириб олиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос муайян хусусиятлари бўлиши табиийдир, бундай ўзига хос хусусиятлар бюджет, банк ва бошқа молиявий муносабатларга ҳам хос бўлиб, шунга қарамасдан, улар молия ҳуқуқи предмети доирасидан четга чиқмайди. Ушбу барча муносабатлар, охир-оқибатда давлатнинг молиявий фаолияти билан боғлиқдир. Маълумки, молия ҳуқуқининг предмети давлат фаолиятининг айнан мана шу кўрсатилган соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир.

Ҳуқуқий тартибга солишнинг махсус усулини, солиқ ҳуқуқига хос бўлган, ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида ажратиш учун етарлича асослар йўқ. Молия ҳуқуқининг асосий усули, хусусан, давлат-ҳокимият кўрсатмалари усули солиқ муносабатларини тартибга солишга ҳам тўлиқ даражада хосдир. «Позитив мажбур қилиш, ман этиш, баъзан рухсат бериш усулини қўллашда ифодаланган махсус юридик тартиб»¹ молия ҳуқуқининг бошқа институтларида ҳам фойдаланилиши мумкин.

Шундай қилиб, солиқ ҳуқуқи адабиётларда молиявий-ҳуқуқий институт, молия ҳуқуқи бўлими сифатида кўриб чиқилиши тўла ҳаққонийдир².

Солиқ ҳуқуқи меъёрлари кўп сонли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар - **солиқ ҳуқуқи манбалари**да назарда тутилган. Бу ҳужжатлар ўзининг ҳуқуқий шакли ва мазмуни бўйича турли-туман бўлиб, улар бир-бири билан ўзаро узвий боғланган ҳолда муайян тизимни ташкил этади.

Солиқ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб берилган. Хусусан, мамлакатимизнинг Асосий қонуни 123-моддасида республика ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши, солиқларни жорий қилиш ҳуқуқи эса, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тегишли эканлиги назарда тутилган. Бундан ташқари, Конституциянинг 51-моддасида фуқароларнинг қонунчилик билан белгиланган солиқларни тўлаш мажбурияти мустаҳкамлаб берилган.

Солиқ муносабатларини тартибга солишга махсус бағишланган норматив ҳужжатлар ичида 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси етакчи ўрин эгаллайди. Бу - мустақил Ўзбекистон тарихида қонунлар мажмуасини ўз ичига олган биринчи қонунчилик ҳужжати бўлиб, солиққа доир барча муносабатларни бир бутун ҳолда тартибга со-

¹ 20 Хван Л.Б. Кўрсатилган асар, 26-б

² Финансовое право. Дарслик // П.И.Химичева таҳрири остида. - М., 1996, 238-б; Финансовое право: Дарслик / проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. М.: Юристъ, 1996. - 186-б. Грачева Е.Ю., Соколова Э.Д. Финансовое право: Ўқув қўлланмаси -М.: Новый юрист. 1998. - 86-б.

лади. У солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солиқ ишлари тартиботи ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни белгилайди, солиқлар рўйхати, уларни жорий этиш, амалга киритиш ва ундириб олиш тартибини мустақамлаб беради. Солиқ ҳуқуқининг муҳим манбаи Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари бўлиб, улар воситасида бозор қайта қуришлари шароитларида бизнинг давлатимиз солиқ сиёсатининг энг принципиал масалалари тартибга солинади. Уларда давлатимиз солиқ тизимини такомиллаштириш ва уни бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқлаштириш бўйича қабул қилинаётган асосий чора-тадбирларнинг мақсадли йўналиши белгиланади.

Солиқ ҳуқуқи манбалари ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари катта роль ўйнайди. Ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан солиқ муносабатларини оператив давлат-ҳуқуқий тартибга солиш жараёни амалга оширилади. Хусусан, бу - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисидаги қарорларига тегишли. Уларда умумдавлат солиқларининг ставкалари аниқлаштирилади, бюджет тизими даражалари бўйича тартибга солинадиган солиқлар тақсимланади, маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегара миқдорлари белгиланади (уларни тегишли ҳудудларда амалга киритиш ҳуқуқи жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларига берилади) ва ҳ. к.

Солиқ ҳуқуқи манбаларидан бўлган энг кўп сонли гуруҳни идорага қарашли норматив ҳужжатлар ташкил этади, улар, одатда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг биргаликдаги қарорлари билан қабул қилинади. Масалан, бу - амалдаги қонунчилик билан белгиланган умумдавлат солиқлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг аниқ турларини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномалар, шунингдек, солиқ солишнинг у ёки бу масалалари юзасидан норматив тусдаги тушунтиришлардир. Айрим ҳолларда солиқ солиш масалалари бўйича норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат органлари билан ўзаро келишув бўйича қабул қилинади.

Солиқ ҳуқуқининг кўрсатилган манбаларини яхлит бир бутун ҳолда ва ўзаро боғлиқ равишда кўриб чиқиб, айтиш мумкинки, бизнинг республикамизда солиқ қонунчилигининг бутун бир тизими, яъни солиқ мажбуриятларининг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тугаллиниши билан боғлиқ равишда юзага келадиган муноса-

батларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажмуи шаклланди.

Бозор қайта қуришларига жавоб берадиган солиқ сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун солиқ қонунчилигининг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу тизим нафақат амалдаги норматив материал тузилмасини, балки унинг кейинги ривожини истиқболларини ҳам акс эттириши лозим. Қонунчиликнинг аниқ-пухталиги, қарама-қарши бўлмаслиги, ҳужжатларнинг ортиқча кўп бўлиб, уларда айнан бир хил қоидаларнинг такрорланмаслиги кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Мустақил Ўзбекистон солиқ қонунчилигининг кейинги ривожини бизнинг жамиятимизда иқтисодий ва ижтимоий қайта қуришларга мувофиқ бўлган солиқ муносабатларини ташкил этишнинг объектив зарурати билан белгиланган. Ушбу қонунчилик меъёрлари мамлакат иқтисодий ҳаётига, ҳужжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг солиққа доир муносабатлар соҳасидаги хатти-ҳаракатига давлатнинг кучли таъсир кўрсатиш дастаги бўлиб қолиши лозим.

Солиқ ҳуқуқи махсус меъёрларга эга бўлиб, улар **солиқ тўғрисидаги қонун элементлари** ёки **солиқ модели** деб аталади. Солиқ тўғрисидаги қонуннинг асосий элементларига солиқ тўловчи, солиқ солиш объекти, солиқ солиш бирлиги, ставкалари, имтиёзлар киради¹.

Солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахс бўлиб, унинг зиммасига қонун билан ўз маблағлари ҳисобидан солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган. Амалдаги қонунчилик солиқ тўлаш бўйича ўз мажбуриятини бошқа шахс зиммасига юклатишга олиб келувчи солиққа доир қўшимча тушунтириш, изоҳлардан фойдаланишни ман этади (Солиқ кодекси 3-қисм 35-модда). Солиқ субъекти ҳамма вақт ҳам аниқ солиқ тўловчи бўлавермайди. Солиқ оғирлигини бошқа шахс зиммасига юклаш икониятига боғлиқ ҳолда солиқ эгаси, яъни амалда солиқ тўловчи шахс деган тушунча ҳам бор. Солиқ эгаси, масалан, акцизности товарлар ҳамда қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар истеъмолчилари ҳисобланади.

Солиқ солиш объекти - солиқ тўловчининг даромади ёки мулки бўлиб, ундан солиқ суммаси ҳисоблаб ёзилади ва солиқ солиш учун асос бўлиб хизмат қилади. «Солиқ солиш объекти» тушунчасига «солиқ солиш предмети» атамаси мазмунан яқин

¹ Махсус адабиётларда солиқ тўғрисидаги қонуннинг бошқа элементлари ҳам ажратилади. Қ. Масалан: Пепеляев С. Г. Законы о налогах: элементы структуры. - М., 1995; Налоги и налоговое право: укуч қўлланмаси / А.В.Брызгалов таҳрири остида. - М.: Аналитика-Пресс, 1998; Хван Л.Б. Налоговое право. - Т., 2001 ва б.

булиб, у билан юридик хусусият эмас, балки фактик белгилар белгиланади. Масалан, ер солиғи объекти - ерга эгалик ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади, бевосита ернинг ўзи эмас (мазкур ҳолда ер солиқ солиш предметидир).

Солиқ солиш бирлиги солиқ солиш объектнинг бир қисми бўлиб, унга солиқ ставкаси белгиланади (даромаднинг 1 сўми, ер участкасининг 1 кв. м) ва ҳ. к.

Солиқ ставкаси - солиқ солиш бирлигига белгиланадиган солиқ катталиги. Солиқ ставкаси фоизларда ёки қатъий суммада белгиланади. Солиқ тўловчининг даромадига нисбатан фоизларда ифодаланган солиқ ставкаси **солиқ квотаси** деб аталади. Фоизлар ставкаси асосан даромадларга солиқ солишда қўлланилади ва солиқ солиш бирлигидан фоизларда белгиланади (масалан, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади ҳар бир сўмидан 20 фоиз миқдоридан солиқ олинади). Бизнинг республикамиз солиқ қонунчилиги бўйича фоиз ставкалари акциз солиғи, қўшилган қиймат солиғи, жисмоний шахслар мулкига солинадиган солиқ ва бошқаларга белгиланган. Қатъий ставкалар даромадлар миқдоридан қатъи назар, солиқ солиш бирлигига мутлақ суммада белгиланади ва, одатда, аниқ солиқлар (масалан, ер участкалари солиғи) солишда қўлланилади.

Солиқлар бўйича имтиёзлар - бу юридик ва жисмоний шахсларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқлар тўлашдан тўла ёки қисман озод этишдир. Қонунчилик ҳужжатида у ёки бу имтиёзларни бериш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар назарда тутилади. Аниқ мақсадга қараб қонун чиқарувчи тўловчиларнинг айрим гуруҳларини солиқ тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилади, айрим объектлар, даромад манбаларини солиққа тортишдан чиқариб ташлайди.

Солиқ имтиёзларини ҳаракат механизми бўйича уч гуруҳга бўлиш қабул қилинган:

- 1) чиқариб ташлаш, олиб ташлаш;
- 2) қисқартириш, камайтириш;
- 3) солиқ кредитлари¹.

Чиқариб ташлаш солиқ имтиёзи бўлиб, солиқ солиш айрим предмети (объекти) ҳамда солиқнинг айрим субъектлари ёки уларнинг бирор тоифасини солиққа тортишдан чиқариб ташлашга йўналтирилади. Чиқариб ташлаш муайян муддатга ёки доимий асосда берилиши мумкин.

Қисқартириш (камайтириш) солиқ миқдори ёки солиқ базасини камайтиришга йўналтирилган солиқ имтиёзи ҳисобланади. Масалан, тўловчига солиққа тортилиши лозим бўлган фой-

¹ Пепеляев С. Г. Законы о налогах: элементы структуры. - М., 1995, 44-6.

дани жамият ва давлат томонидан рағбатлантириладиган мақсадлар (хайрия жамғармаларига, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобига маблағлар ўтказиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун сарфланадиган харажатлар ва бошқалар) учун қилинган харажатлар суммасига камайтириш ҳуқуқи берилади. Қисқартириш имтиёзли (уларнинг миқдори бевосита ёки билвосита белгиланади) ва имтиёзсиз бўлиши (солиқ базаси солиқ тўловчи харажатларининг бутун суммасига камайтирилиши) мумкин.

Солиқ кредити - солиқ мажбуриятини ижро этиш муддати-ни ўзгартириш, бунда солиқ тўловчига муайян муддат давомида у тўлаши керак бўлган солиқ тўловларини кейинчалик фоизлар тўлаган ҳолда, босқичма-босқич қайтариш имконияти берилади.

4. Солиқ ҳуқуқий муносабатлари

Солиқ ҳуқуқи молия ҳуқуқи предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатларнинг муайян қисмини бирлаштиради ва шу сабабли солиққа доир ҳуқуқий муносабатлар молиявий ҳуқуқий муносабатлар учун хос бўлган барча умумий белгиларга эгадир. Улар, ҳар қандай молиявий ҳуқуқий муносабатлар каби, ҳокимият-мулкий хусусиятга эга бўлиб, ушбу муносабатларнинг мажбурий субъекти - давлат органи, объекти эса - пул муносабатлари ҳисобланади.

Солиқ ҳуқуқий муносабатларининг ажралиб турадиган ўзига хос хусусияти шундаки, улар давлат молиявий фаолияти элементларининг бутун мажмуи билан боғланмаган. Солиқ ҳуқуқи меъёрлари ўз предмети билан кўрсатилган давлат пул жамғармаларини ташкил этиш бўйича (ва бунда улар фақат солиқ тўловларини белгилаш ва ундириб олиш, солиқ муносабатлари барча субъектлари томонидан қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган қисми бўйича) ижтимоий муносабатларга эга. Солиқларнинг аниқ турлари бўйича тушумлар ҳажмини белгилаш ва уларни давлат бюджет тизими даражалари бўйича тақсимлаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар эса, бюджет ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Шундай қилиб, **солиқ ҳуқуқий муносабатлари** - бу солиқ ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган, солиқлар ва йиғимларни белгилаш ва ундириб олиш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий молиявий муносабатлардир.

Ҳуқуқ меъёрларини қўллаш учун ижтимоий ҳодисанинг юридик хусусиятини қайд этишнинг ўзигина алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг эгалари кимлар, мазкур субъектив ҳуқуқнинг аниқ объекти

қандай эканлигини белгилаш, конкрет шахсларда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзага келиш жойи ва вақтини белгилаш ҳам муҳим ҳисобланади. Шу тариқа бир-бирини ваколатловчи аниқ ҳуқуқлар ва мажбуриятларда ифодаланадиган, ваколатли шахснинг мажбурий шахс билан якка белгиланган алоқаси сифатидаги аниқ ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси таркиб топди.

Солиқ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, авваламбор, ушбу муносабатлар қатнашчиларининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутиб, уларнинг ҳажм ва хусусияти ҳамда уларга эга бўлиш имконияти юридик фактларга боғлиқдир ва шу сабабли солиқ ҳуқуқий муносабатлари аниқ ҳуқуқий муносабатларга мисол бўла олади. Бу сифатда солиқ ҳуқуқий муносабатлари молиявий муносабатларга эмас, балки айнан аниқ муносабатларга (солиқларни белгилаш ва ундириб олиш), умуман ҳуқуқатворга эмас, балки муайян шахслар (солиқ тўловчилар, давлат солиқ органлари) хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатишнинг алоҳида имкониятларига тўлиқ мувофиқ келувчи солиқ ҳуқуқи меъёрларини амалга оширишнинг махсус шакли ҳисобланади.

Қайд этилган ҳолатларни ҳисобга олиб, шунини айтиш мумкинки, солиқ ҳуқуқий муносабатларининг асосий мазмун-моҳияти ушбу муносабатлар қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборатдир. Ушбу ҳуқуқий муносабатларда юридик ҳуқуқлар ва мажбуриятлар эгалари, яъни солиқ ҳуқуқининг субъектлари солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ҳисобланади. Солиқ тўловчилар ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг умумлаштирилган рўйхати Солиқ кодексига берилган. Солиқ органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига келсак, улар махсус норматив ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинган ва мазкур дарсликнинг иккинчи бобида кўриб чиқилган.

Солиқ кодекси 12-моддасига мувофиқ **солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари** қуйидагилардан иборат:

1) белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиш, юридик манзили ўзгарган тақдирда эса, бу ҳақда солиқ органига ўн кунлик муддат ичида хабар бериш;

2) солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;

3) бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиш;

4) молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиш;

5) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни, шунингдек, солиқлар ва йиғимлар юзасидан имтиёзлар ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ органларига тақдим этиш;

6) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақлашни билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш;

7) солиқ органларининг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш.

Солиқ тўловчилар қонунчилик билан уларнинг зиммасига юклатилган бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

Солиқ тўловчи мажбуриятлари солиқ қонунчилиги ҳужжатида белгиланган ҳолатлар, вазиятлар мавжуд бўлганида юзага келади. Солиқ мажбурияти ва уни ижро этиш тартибисиз белгиланган деб ҳисобланиши мумкин бўлмаган бундай ҳолатлар адабиётларда солиқ тўғрисидаги қонуннинг муҳим элементлари дейилади¹. Бундай элементларга солиқ объекти, солиқ ставкалари, солиқни ҳисоблаб ёзиш ва ундириб олиш тартиби ҳамда уларни тўлаш муддатлари киради.

Белгиланган суммаларни ўз муддатида тўлаш солиқ мажбуриятининг ижро этилиши деб топилади ва у, агар солиқ қонунчилиги ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади. Солиқ тўловчи ёки мажбуриятга эга бўлган шахс солиқ мажбуриятини ижро этишдан бир томонлама бош тортишига ёхуд уни ижро этиш тартибини бир томонлама ўзгартиришига йўл қўйилмайди.

Солиқ тўловчилар ўзларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имконияти билан таъминланиши учун уларга тегишли ҳуқуқлар берилади. Бундай ҳуқуқларга Солиқ кодекси 11-моддасида берилган **солиқ тўловчиларнинг куйидаги ҳуқуқлари** киради:

1) солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

2) ушбу Кодексида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;

3) бюджетга ортқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш;

¹ Пенелеев С.Г. Законы о налогах: элементы структуры. - 64-б.

4) солиқлар ва йигимлар бўйича бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

5) солиқ органлари ўтказган текширув материаллари билан танишиш ва текширув далолатномаларини олиш, текширувларнинг натижаларидан норози бўлган тақдирда солиқ органига ўзининг ёзма эътирозларини ўн кунлик муддат ичида тақдим этиш;

6) солиқ органларининг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига ёки судга шикоят қилиш;

7) солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йигимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

Солиқ тўловчилар қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Солиқ тўловчилар томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик давлатнинг маъмурий ва жиноий жавобгарлик шаклидаги мажбурлов чоралари қўлланишига сабаб бўлади. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланадиган давлат мажбур этиш чораларининг махсус тури молиявий санкциялар бўлиб, улар асосан жарималар шаклида, айрим ҳолларда эса, пеня ундириб олиш шаклида қўлланилади. Жарималар қўйидаги солиқ қонунчилиги бузилганлиги учун кўрсатилган миқдорларда белгиланган:

1) даромад ёки фойда яширилган ҳолда, солиқ тўловчидан барча яширилган даромад ёки фойда суммаси ва шу суммадаги жарима ундириб олинади. Солиқ солишнинг бошқа объектлари яширилган тақдирда, тўловчидан яширилган объект учун солиқ суммаси ва шу миқдордаги жарима ундириб олинади.

Солиқ тўловчи томонидан шу ҳаракатлар молиявий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида қайта содир этилган ҳолда, ундан тегишли сумма ва шу сумманинг икки баробари миқдоридagi жарима ундириб олинади.

2) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг солиқ органида ҳисобга туришдан бош тортиши энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридa жарима солдинишига сабаб бўлади;

3) юридик шахслар (шу жумладан норезидентлар)нинг солиқ органида ҳисобга туришдан бош тортиши жарима солдинишига олиб келади:

агар фаолият ўттиз кунгача амалга оширилган бўлса – энг кам иш ҳақининг эллик баробари, аммо бундай фаолият натижасида олинган даромад (фойда)нинг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдорда жарима солинади;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ вақтда амалга оширилган бўлса - энг кам иш ҳақининг юз баробари, аммо бундай фаолият натижасида олинган даромад ёки фойданинг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорда жарима солинади;

4) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш учун зарур бўлган декларация, ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни тадвим этмаганлик, ўз муддатида тақдим этмаганлик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этганлик учун тўловчидан ҳар бир кечиктирилган кун учун бир фоиз миқдорида жарима олинади. Аммо бу жарима (тегишли ҳисобот даври учун илгари ҳисоблаб ёзилган тўловлар чиқариб ташланиб) белгиланган муддатда тўланиши керак бўлган сумманинг ўн фоизидан ошмаслиги керак;

5) солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларнинг бузилишига олиб келган бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибни бузган ҳолда юритиш учун солиқ тўловчидан ҳисоблаб ёзилгунига қадар бўлган суммадан ўн фоиз миқдорида ундириб олинади;

6) фаолият турлари билан лицензиясиз шуғулланганлик учун ушбу фаолиятдан олинган ҳамма даромад ёки фойда ва шу миқдордаги жарима ундириб олинади;

7) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш бўйича операцияларни ҳисоб юритишда акс эттирмасдан бажарганлик учун уларга кўрсатилган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати миқдорида жарима солинади;

8) ер участкасига эгаллик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларда кўрсатилганидан катта миқдорда фойдаланилган ер майдонлари учун: юридик шахслардан - ер солиғи суммасига тенг сумманинг 2 баробари, жисмоний шахслардан 1,5 баробари миқдорида жарима ундириб олинади.

Ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириш бўйича ўрна-тилган тартиб бузилганлиги учун жарима шаклидаги жиддий мо-лиявий санкциялар белгиланган. Масалан, ҳисобварақ-фактура-ларни белгиланган шаклда расмийлаштирмаганлик (солиқ тўлов-чининг идентификацион рақами ва бошқа реквизитлари қонун-чилик бўйича албатта мавжуд бўлиши лозим бўлиб, улар кўрса-тилмаган ёки нотўғри кўрсатилгани) учун нотўғри тузилган ҳар бир ҳужжат бўйича энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдори-да жарима ундириб олинади.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича муддати ўтган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам ҳисобга киритилган ҳолда, 0,07 фоиз миқ-дорида пеня ундириб олиш шаклидаги молиявий санкциялар қўлланиши назарда тутилган. Пеня тўланиши солиқ мажбурият-ларини ижро этишдан озод қилмайди.

Солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунчилиги бир неча марта бузилган ҳолларда ҳар бир тартиббузарлик учун алоҳида молиявий санкция қўлланилади.

Солиқ тўловчилар, агар тўловларнинг бир тури бўйича киритилган тўловлар солиқлар ва йиғимларнинг бошқа турлари бўйича боқимондалар ўрнини тўлдирса, шунингдек, солиқ органи томонидан ҳужжатли текширув ўтказилгунига қадар хатоларни мустақил равишда тузатишган бўлса, солиқлар ва йиғимларни тўламаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади (пеня тўлаш бунга кирмайди).

Юридик шахслардан солиқлар ва йиғимлар бўйича боқимондаларни ҳамда молиявий санкциялар ва пенялар суммаларини ундириб олиш солиқ органлари томонидан сўзсиз тартибда, жисмоний шахслардан эса – суд тартибида амалга оширилади.

1. Юридик шахслардан олинадиган даромад ёки фойда солиғи

Юридик шахслардан олинадиган даромад ёки фойда солиғи Давлат бюджети даромад қисмининг муҳим манбаларидан бири бўлиб, бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Ушбу солиқнинг асосий элементлари Солиқ кодексининг II бўлими ҳамда Юридик шахслардан олинадиган даромад ёки фойда солиғини ҳисоблаб ёзиш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (янги таҳрир)да белгилаб берилган¹.

Молия йилида солиқ солинадиган даромад ёки фойдага эга бўлган юридик шахслар даромад ёки фойда солиғи *тўловчилар* ҳисобланади.¹

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда, ўз ихтиёрида, хўжалик юритишда ёки мулкни оператив бошқаришда алоҳида ажратилган ва ушбу мулк билан ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берувчи, мустақил баланси ҳамда ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган таркибий бўлинмалар тушунилади.

Ўзбекистонда таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтказилган ҳамда бош корхонаси Ўзбекистонда бўлиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқаридаги фаолият манбаларидан олган даромадлари (foyдаси) бўйича солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаган юридик шахслар Ўзбекистон ҳудудидаги фаолиятдан олинган даромадлари ёки фойдаси бўйича солиққа тортилади. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган даромад ёки фойда солиғи суммаси Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида даромад ёки фойда солиғини тўлаш вақтида қўшиб ҳисобланади. Қўшиб ҳисобланадиган сумма миқдори Ўзбекистон Республикасида амалдаги ставкалар бўйича ҳисобланган даромад ёки фойда солиғи суммасидан ошмаслиги керак.

Солиқ солиш объекти Солиқ кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарор билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизма-

¹ Молия вазирлигининг 15-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 2002-12-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 йил 13 мартда 1109-рақам билан рўйхатга олинган / МҲБ, 2002йил, №5.

тлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ равишда белгиланадиган даромадлар ва чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган даромад ёки фойдадир.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин айирбошланадиган валютга экспорт қилувчи корхоналар учун, улар томонидан экспорт ички бозор нархларидан паст бўлган нархларда амалга оширилган тақдирда, солиқ солинадиган база экспорт қилинган маҳсулотнинг амалдаги нархидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Аммо бу меъёр савдо-воситачи ташкилотлар ҳамда хом ашё молларни махсус рўйхат бўйича экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига амал қилмайди.

Ялпи даромадга юридик шахс томонидан олинishi керак бўлган (олинган) ёки улар томонидан беғараз олинган юклаб жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун пул ёки бошқа маблағлар киради. Бундай даромадлар рўйхати Солиқ кодексининг 17-моддасида белгиланган. Уларга, масалан, товарларни реализация қилишдан тушган тушум, фоизлар шаклидаги даромадлар, дивидендлар, мулкни ижарага бериш (лизинг)дан тушган даромад, беғараз берилган молиявий ёрдам ва бошқалар киради (давлат бюджетидан субсидиялар бунга кирмайди).

Ялпи даромаддан солиқ солинадиган базани аниқлаш вақтида Солиқ кодексининг 5-бобида назарда тутилган тартибда чегирмалар қилинади. Бундай чегирмаларга қўйидагилар киради:

қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммалари ҳамда божхона божлари;

банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари учун фоизлар бўйича тўловлар суммалари (тўлов муддати ўтган ва кечиктирилган ссудалар бўйича фоизлар бунга кирмайди);

ходимларнинг иш ҳақи бўйича харажатлар (банклар, сугурта ташкилотлари, видеосалонлар, видеокўрсатув, видео- ва аудио-ёзув шахобчалари, казино, пул ютуқли автомат ўйинлари, нодавлат ташкилотлар томонидан ўтказиладиган лотерея ўйинлари, компаният-томоша оммавий тадбирлар бўйича сарфланадиган шундай харажатлар бунга кирмайди);

қонунчиликка мувофиқ равишда иш ҳақига ҳисоблаб ёзиладиган мажбурий сугурта тўловлари бўйича киритиладиган суммалар;

қонунчиликка мувофиқ равишда меъёрлар бўйича ваколат мақсадлари учун сарфланадиган харажатлар суммаси;

қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар суммаси ва ҳ.к.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ солиқ солинадиган базага ушлаб қолинмайдиган ёки доимий фарқли бўлган харажатлар киритилади (1-илова). Бундай харажатларга, масалан, бепул бериладиган коммунал хизматлар, овқатланиш қиймати, нодавлат пенсия жамғармаларига ажратилган маблағлар, ихтиёрий тиббий сугурта ва бошқалар учун харажатлар кирази. Айрим харажатлар ушбу давр солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланмайди, ammo улар кейинги даврлар (вақтдаги фарқлар) солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланади. Бундай харажатлар юқорида кўрсатилган Низом 2-илосида келтирилган бўлиб, хусусан, хўжалик субъектини янги ишга тушириш, ихтирочилик ва рационализаторлик ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар учун кадрларни тайёрлашга сарфланадиган харажатларни ўз ичига олади.

Юридик шахсларнинг солиққа тортиладиган даромад ёки фойдага чегараланган ставка бўйича ўттиз беш фоиз миқдорида солиқ солиниши керак. Лекин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар йили давлат бюджетини тасдиқлаш вақтида юридик шахслар даромадлари (фойдаси)га солиқ солиш ставкасини (уни белгиланган чегара миқдоридан оширмаган ҳолда) қайта куриб чиқиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик шахслар даромад ёки фойдага солинадиган солиқнинг пасайтирилган ставкаларини белгилаши ҳам мумкин, булар:

асосий фаолият бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар;

болалар ассортиментини товарлари, хотин-қизлар гигиенасига оид буюмлар, бадиий хунармандчилик буюмлари ва ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчилар;

ўзи ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилувчилардир.

Юридик шахслар даромади ёки фойдасига солинадиган солиқнинг асосий ставкаси 2003 йил учун даромад (фойда)дан олинадиган 20 фоиз миқдорида белгиланган. Айрим тўловчилар учун у фаолият тури ва бошқа шарт-шароитларга қараб фарқланади.

Кимошди савдоларини ўтказиш, компаният-гастроллар билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний

шахслар, шунингдек, норезидентларни жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар 35 фоизли ставка бўйича солиқ тўлайди. Чет эл инвестициялари иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари устав жамғармасида 50 ва ундан ортиқ фоиз миқдорида чет эл капитали улуши мавжуд бўлиб, устав жамғармаси 1,0 млн. АҚШ долларига тенг ва ундан ортиқ бўлган ҳолда, у 16 фоизни ташкил этади.

Болалар ассортименти товарлари, хотин-қизлар гигиенасига оид буюмлар, бадий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар¹ 10 фоизли ставка бўйича солиқ тўлайди. Эркин айирбошланадиган валютага ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорт улуши умумий реализация ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача бўлган экспортчи-корхоналар учун белгиланган ставка миқдори 30 фоизгача пасайтирилади. Агар бу улуш 30 фоиз ва ундан ортиқ миқдорни ташкил этса, белгиланган ставка 2 баробар пасайтирилади.

Амалдаги солиқ қонунчилиги юридик шахслар даромад ёки фойдага солинадиган солиқ бўйича имтиёзларнинг бутун бир тизimini назарда тутган бўлиб, улар уч асосий гуруҳга бўлинади:

- 1) солиқдан озод этиш;
- 2) янги ташкил этилган юридик шахслар учун имтиёзлар;
- 3) солиқ солинадиган базани камайтириш.

Даромад ёки фойда солиғини тўлашдан, масалан, қуйидаги юридик шахслар озод этилади:

- ходимларининг умумий сонида ўрта мактаб ва касб-ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчилари етмиш беш фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳолда;

- протез-ортопедия буюмлари, жиҳозларини ишлаб чиқарувчи, ногиронларга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган корхоналар – фаолиятининг асосий тури бўйича;

- даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устаконалари, буюртмаларни бажарувчи муассасалар;

¹ Ишлаб чиқараётган товарларининг умумий ҳажмида болалар ассортименти товарлари, хотин-қизлар гигиенасига оид буюмлар, бадий ҳунармандчилик буюмлари соф ҳолда 50 фоиздан кам бўлмаган корхоналар ихтисослаштирилган корхоналарга киради.

- ноғижорат ташкилотлари¹ - тадбиркорлик фаолиятдан олган даромади ёки фойдасидан ташқари ва ҳ.к.

Янги ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар рўйхатдан ўтган кундан бошлаб икки йил муддатга кишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришдан олинган даромад (фойда) бўйича солиқ тўлашдан озод этилади.

Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи, чет эл инвестициялари иштирокидаги янги ишлаб чиқариш корхоналари, агар уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмида болалар ассортименти товарлари йигирма беш фоиздан ортиқ бўлса, ишлаб чиқариш бошланганидан то беш йил муддатгача солиқ тўламайди. Кейинги йилларда солиқ амалдаги ставкадан икки марта камайтирилган ставка бўйича олинади. Кўрсатилган тўловчилар, агар корхона устав жамғармасида чет эл капитали улуши эллик ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса, ишлаб чиқариш бошланганидан бошлаб икки йил муддатгача солиқ тўлашдан озод этилади.

Поселкалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида янгидан тузилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш корхоналари ишлаб чиқариш бошланган кундан бошлаб уч йил муддатга солиқ тўлашдан озод этилади. Кейинги йилларда амалдаги ставкага нисбатан икки марта пасайтирилган ставка бўйича солиқ ундириб олинади.

Даромад ёки фойда солигини тўлагидан вақтинча озод этилган имтиёзларнинг мазкур гуруҳига талайгина мисоллар келтириш мумкин. Шу билан бирга, бу ерда ушбу гуруҳ имтиёзларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос бир хусусиятни қайд этиш лозим. Гап шундаки, янги тузилган корхоналарга бериладиган имтиёзлар (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бунга кирмайди) илгари ишлаб турган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари негизда яратилаётган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай имтиёз корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга

¹ Солиқ солиш мақсадида ноғижорат ташкилотлари дегадга, қуйидагилар тушунилади:

фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган, тасдиқланган сметалар доирасида харажатларини қоплаш учун бюджетдан дотациялар олувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар;

қуйидаги хайрия бирлашмалари, уюшма ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашма ва бошқа ташкилотлар:

а) ижтимоий хайрия ёки бошқа мақсадлар учун тузилиб, таъсис ҳужжатларида келишиб оlingан, тадбиркорлик фаолиятдан даромад олишни кузламайдиган корхоналар ва ҳ.к.;

б) ташкилот ходимлари, муассислари ёки бошқа аъзоларининг шахсий манфаатларидан ташқари тақсимланадиган, инвестицияланадиган молиявий ва бошқа маблағлар (қонуқчиликда белгиланган тартибда меҳнати учун бериладиган мукофотлар бунга кирмайди).

нисбатан ҳам қўлланилмайди (агар улар корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан ишлайётган бўлса).

Солиқ кодекси 31-моддасининг 11, 12, 14, 17-20-бандларида назарда тутилган юридик шахслар тугатилаётган ҳолда, белгиланган имтиёз давридан кейин бир йил ўтгунига қадар солиқ суммаси улар фаолиятининг бутун даври учун тўла миқдорда ундириб олинади.

Юридик шахслар даромади (фойдаси)га солинадиган солиқ қонунчиликда белгиланган, давлат ва жамият томонидан рағбатлантирилаётган харажатлар суммасига камайтирилиши мумкин. Бу, масалан, экологик, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига бадаллар (аммо солиқ солинадиган базанинг бир фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда), (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва қайта қуриш, колледж, академик лицейлар, мактаб ва мактабгача муассасаларни қуриш учун) инвестицияларга йўналтирилаётган харажатлар бўлиб, улар солиқ солинадиган даромад ёки фойданинг ўттиз фоизидан ортиқ қисми керак. Солиқ солинадиган даромад ёки фойда табиатни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларнинг ўттиз фоизигача камайтирилади ва ҳ.к.

Ходимлари умумий сонининг уч фоиздан ортиғи ногиронлар бўлган юридик шахслар учун даромад ёки фойда солиғи суммаси белгиланган меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронлар ҳар бир фоизи учун даромад ёки фойда солиғи бир фоиз камайтирилади.

Юридик шахслар даромади ёки фойдасига солинадиган солиқни *тўлаш тартиби ва муддатлари* Солиқ кодексининг II боби ва Юридик шахслар даромад ёки фойдага солинадиган солиқни ҳисоблаб ёзиш ва уларни бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг V бўлими билан тартибга солинади.

(Амалда олинган даромад ёки фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган даромад ёки фойда солиғи суммаси тўловчилар томонидан чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган кундан бошлаб беш кун давомида бюджет даромадига киритилади.)

Ҳисобот чорағи учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан энг кам иш ҳақининг икки юз баробаридан кўп миқдорда даромад ёки фойдага эга бўлган юридик шахслар ҳар ойнинг 15-санасига қадар даромад ёки фойдага солинадиган чораклик солиқ суммасининг учдан бир қисми миқдоридан солиқ бўйича жорий тўловлар тўлайди. Юридик шахслар жорий чоракнинг биринчи ойи 5-санасигача жорий тўловларни ҳисоблаб ёзиш учун тегишли чорак учун назарда тутилаётган даромад ёки фой-

да ҳамда даромад ёки фойдага солинадиган солиқнинг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда, солиқларни рўйхатдан ўтказадиган солиқ органига маълумотнома тақдим этади.

Даромад ёки фойда солиғи бўйича ортиқча тўланган суммалар бўлажак тўловлар ҳисобига қўшиб ҳисобланади ёки солиқ органи томонидан ундан ёзма ариза олинган кундан бошлаб ўттиз кунлик муддатда тўловчига қайтарилади.

Қонунчиликда юридик шахслар амалга ошириши шарт бўлган тўлов манбаидан даромад ёки фойда солиғини ушлаб қолиш назарда тутилган бўлиб, булар: юридик шахсларга дивидендлар ва фоизлар тўловчилар; юридик шахслар – норезидентларга Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган тўлов манбаидан тўловларни амалга оширувчилардир.]

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғри солиқларнинг асосий турларидан бири бўлиб, Солиқ кодексининг III боби ва «Жисмоний шахслар даромад ёки фойдага солинадиган солиқни ҳисоблаб ёзиш ва уларни бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома¹ (янги таҳрир)га мувофиқ равишда ундириб олинади.

[Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи **тўловчилар** молия йилида солиққа тортиладиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турувчи жисмоний шахслар ёки Ўзбекистонда 183 кун ёхуд ундан ортиқ вақт – молия йилида бошланувчи ёки тугалланувчи ўн икки ойгача бўлган шахс Ўзбекистон Республикаси резиденти сифатида кўриб чиқилади. Жисмоний шахс – резидент Ўзбекистон Республикасида ҳамда ундан ташқаридаги фаолият манбаларидан олган даромадлари бўйича солиққа тортилади. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган жисмоний шахс Ўзбекистон ҳудудидаги фаолиятидан олинган даромадлар бўйича солиққа тортилади.

[Солиқ солиш объекти жисмоний шахсларнинг жамаи йиллик даромади ҳисобланади. Бундай даромад таркибига солиқ тўловчи томонидан олинган керак бўлган (олинган) ёки бегараз олинган пул ёхуд бошқа маблағлар ҳамда:

- а) меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлар;
- б) мулкка оид даромад;

¹ Молия вазирлигининг 10-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 2002-16-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1110-рақам билан рўйхатга олинган.

в) *тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромад* киритилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадларга жисмоний шахслар томонидан меҳнат шартномаси ва фуқаролик-хуқуқий хусусиятдаги ишдан олинган суммалар киреди. Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадларга айрим бошқа суммалар ҳам киритилади, масалан, ходимларга реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш нархи ёки таннархи ўртасидаги салбий фарқ; иш берувчининг ўз ходимлари ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш бўйича бадалларини тўлашга сарфланадиган харажатлар; жисмоний шахслардан ушлаб қолиниши керак бўлган тўловлар ҳисобига иш берувчи томонидан тўланган сумма ва бошқалар.

Жисмоний шахсларнинг *мулкий даромади* улар томонидан олинган фоизлар, дивидендлар, шунингдек, мулкни ижарага беришдан тушган даромадларни ўз ичига қамраб олади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган даромадлар деб товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган ялпи даромад (барча тушумлар), қонунчилик билан ман этилмаган, якка тартибда амалга ошириладиган фаолиятдан тушган бошқа даромад тан олиниб, бунда харажатлар, мажбурий тўловлар, кўрсатилган даромадни ажратиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва ажратиладиган маблағлар чегириб ташланади.)

Тадбиркорлик фаолиятдан тушган ялпи даромаддан жисмоний шахсларнинг шахсий истеъмоли билан боғлиқ бўлган харажатлар чиқариб ташланмайди.

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ставкаси мутаносиб ва ортиб борувчи солиқ солишнинг биргаликда олиб борилишига асосланади. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи, мукофотлари ва бошқа даромадларидан қуйидаги миқдорларда солиқ ундириб олинади:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида	Даромад суммасидан 13 фоиз миқдорида
Энг кам иш ҳақининг беш баробаридан (+1 сўм) ўн баробаригача бўлган миқдорда	Энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ошувчи суммадан минимал иш ҳақининг беш баробари +22 фоиз миқдорида
Энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорида	Энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ошувчи суммадан минимал иш ҳақининг ўн баробари +32 фоиз миқдорида

Солиқ солиш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан бошлаб ўсиб боровчи якун билан ҳисобланади (йил бошидан бошлаб тегишли давр учун энг кам иш ҳақининг бир ойлик суммаси).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зарарли ва оғир меҳнат шaroитларида банд бўлган жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун ҳамда ноқулай табиий-иқлим шaroитларида бажариладиган ишлар билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар бўйича даромадларга солинадиган солиқнинг имтиёзли ставкаларини белгилаш ҳуқуқига эга.

Ноқулай табиий-иқлим шaroитларида бажариладиган ишлар билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар (иш стажи учун устама ҳақ тўлаш, тоғли, чул ва сувсиз ерлардаги ишлар учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар)га энг кам ставка бўйича солиқ солинади.

ЎЖисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар тўлов манбаида 15 фоизли ставка бўйича солиққа тортилади. Бунда солиқ солиш мақсадида дивидендларга хўжалик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, акциялар бўйича ва устав капиталида ўз улуши билан иштирок этишидан олинадиган даромадлари киради. Фоизларга депозит омонатлар, қарз мажбуриятлари ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромадлар киради.

Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқни ҳисоблаб ёзиш вақтида дивидендлар ва фоизлар бўйича даромадлар ҳамда ноқулай табиий-иқлим шaroитлари билан боғлиқ бўлган қўшимча тўловлар жами даромаддан чиқариб ташланади.

Юридик шахслар томонидан дивидендлар шаклида олинган, юридик шахснинг устав капитали (жамғармаси)га йўналтирилган (ундан олинган) даромадларга солиқ солинмайди¹.

Солиқ бўйича имтиёзлар. ЎЖисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқ бўйича имтиёзларнинг бир қанча гуруҳи назарда тутилган.

Улардан биринчи имтиёз бўйича жисмоний шахсларнинг солиқ солиниши керак бўлмаган даромадларининг кенг рўйхати назарда тутилган, *иккинчи имтиёз* - айрим тоифадаги тўловчилар даромадларига солиқ солинишидан озод этади, бунда айримлари тўлиқ, қолганлари эса, энг кам иш ҳақининг тўрт баробаридан ошмайдиган даромадлар бўйича солиқ солинишидан озод этади (Солиқ кодексининг 58, 59-моддалари).

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорига 8-илова.

[Солиқ солинмайдиган даромадларга қонунда, масалан, қуйидагилар киритилади:

давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартномаси тугатилиб, ишдан бўшаётган вақтда тўланадиган нафақалар, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича тўланадиган нафақалар (вақтинча меҳнатга яроқсизлик учун нафақа, жумладан, оиланинг касал аъзосини парваришlash учун тўланадиган нафақа бунга кирмайди);

олий ўқув юртлари студентлари стипендиялари, ўрта махсус ва касб-ҳунар-техника ўқув юртлари ҳамда бизнес мактаблар негизида тузилган ўқув юртлари ўқувчилари, олий ва ўрта махсус диний ўқув юртларининг ўқувчилари учун белгиланадиган стипендиялар, шунингдек, хайрия ва экологик жамғармалар маблағлари ҳисобидан ажратиладиган стипендиялар;

давлат пенсиялари ҳамда уларга қўшимчалар;

юридик шахслардан бир йил давомида энг кам иш ҳақининг олти баробаригача бўлган миқдордаги суммада олинган қимматли совғалар қиймати, халқаро ва республика конкурслари ва мусобақаларида олинган буюмли совринлар қиймати суммаси;

давлат заёмлари ва лотереялари бўйича ютуқлар, Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари бўйича фоизлар;

жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган мулкни сотишдан олинган сумма (тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга ошириладиган, мулкни сотишдан тушган даромадлар бунга кирмайди);

амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ бошқа даромадлар]

Даромад солигини тўлашдан тўловчиларнинг қуйидаги тоифалари тўлиқ озод этилади:

дипломатик ваколатхоналар бошлиқлари ва ходимлари, хорижий давлатлар консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари, улар билан бирга яшовчи оила аъзолари (агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса) – барча даромадлари бўйича (дипломатик ва консуллик хизмати билан боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан оладиган даромадлари бунга кирмайди);

халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг мансабдор шахслари – ушбу ташкилотларда олган даромадлари бўйича (агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса);

мудофаа, ички ишлар ва фавқулодда ҳодисалар вазирликлари, Миллий ҳавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари. Бу тоифага ички ишлар органлари ва божхона органларининг оддий шахслари ва бошлиқлар таркиби ҳамда ўқишга чақирилган ёки ҳарбий хизматни ўтовчилар – хизматни ўташ (хизмат мажбурия-

тини ўташ) билан боғлиқ ҳолда олган пул суммалари, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар бўйича ва ҳ.к.д

Ҳар бир тўлиқ ой учун даромад солигидан қисман, энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдориди қуйидагилар озод этилади:

Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган шахслар, учала даражали Шухрат ордени билан тақдирланган шахслар, уруш ногиронлари, 1941-1945 йилларда ҳарбий хизматни ўташи ёки фронтда бўлиши билан боғлиқ ҳолда ногирон бўлиб қолганлар ёки ҳарбий хизматчилар қаторидан ногиронлар, шу даврда майиб бўлиб қолиши, контузия бўлиши ёки бошқа шикастланишлар натижасида ногирон бўлиб қолганлар. Собиқ партизанлардан бўлган ногиронлар ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг кўрсатилган тоифаларига пенсия таъминоти бўйича тенглаштирилган бошқа ногиронлар;

гражданлар уруши ва 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, собиқ СССРни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операцияларда қатнашган ҳарбий хизматчилар, ҳарбий қисм, штаб ва ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи муассасаларда ҳарбий хизматни ўтаётганлар, собиқ партизанлар, 1941-1945 йиллардаги уруш даври меҳнат fronti фахрийлари ва концлагерларда бўлган собиқ ёш маҳбуслар;

ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида майиб бўлиб қолиши, контузия бўлиши ёки бошқа шикастланишлар натижасида бошлиқлар ва оддий аскарлар таркибидан ногирон бўлиб қолганлар;

болалиқдан ногиронлар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари;

қаҳрамон-оналар, ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бўлган аёллар;

ўн олти ёшгача икки ёки ундан ортиқ боласи бўлган ёлғиз оналар;

ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқишга ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизмат мажбуриятини ўтаётганлар, Афғонистон Республикасида ва ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган бошқа давлатларда қўшинлар чекланган контингенти таркибиди ҳарбий хизматни ўтаганлар ва қонунчиликда назарда тутилган солиқ тўловчиларнинг бошқа тоифалари.

Чет эл жисмоний шахслар, мамлакатимизнинг амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди солиққа тортилади.

Хорижий жисмоний шахс - резидент, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари каби, жисмоний шахсларга солинадиган да-

ромад солигига тортилади. Хорижий жисмоний шахс – резидентга Ўзбекистон Республикаси манбаларидан олинган даромад бўйича (уларни тўлаш жойидан қатъи назар) жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ солинади.

Чет эл жисмоний шахсларидан солиқ олинishi тегишли хорижий давлатда Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахсларига нисбатан худди шундай чора-тадбирлар амалга оширилган ҳолларда ўзаро келишув асосида тугатилиши ёки чекланиши мумкин.

Жисмоний шахсларнинг асосий иш жойидан оладиган меҳнатга тўланадиган ҳақ ва бошқа тўловлар бўйича даромадларидан олинадиган солиқни ҳисоблаб ёзиш календар йил бошидан бошлаб ҳар ойда йил бошидан ўсиб боровчи якуний жами даромадга солинадиган суммадан амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан оладиган меҳнатга тўланадиган ҳақ ва бошқа тўловлар бўйича даромадларидан олинадиган солиқни ҳисоблаб ёзиш тўлов манбаидан календар йил бошидан бошлаб ҳар ойда йил бошидан ўсиб боровчи якуний жами даромадга (агар бундай даромадлар тўланган бўлса) солинадиган суммадан белгиланган ставкалар бўйича амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг асосий бўлмаган иш жойидан оладиган даромадларидан олинадиган даромад солигининг қатъий суммаси улар томонидан тақдим этиладиган олинган даромадлар, сарфланган харажатлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисидаги декларация маълумотлари бўйича солиқ органи томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида (шу жумладан, асосий иш жойи бўйича) олинган жисмоний шахслар-резидентларнинг даромадларидан олинадиган солиқнинг қатъий суммаси ҳам худди шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади.

Юридик шахс бўлмай туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган даромад солиғи давлат солиқ хизмати органи томонидан олинган даромадлар ва қилинган харажатлар тўғрисидаги декларациялар, давлат солиқ хизмати органлари томонидан фуқароларнинг фаолиятини текширишга доир материаллар ҳамда тўловчиларнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича ҳисобланади.

Хорижий жисмоний шахслар – резидентлар даромадларидан олинадиган даромад солиғи давлат солиқ хизмати органи томонидан мўлжалланаётган даромадлар тўғрисида тақдим этилган тахминий декларациялар маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

Амалдаги солиқ қонунчилигида жисмоний шахслардан даромад солиғини ушлаб қолишнинг икки усули назарда тутилади:

а) *тўлов манбаидан*;

б) *жами даромад тўғрисидаги декларация бўйича*;

Жисмоний шахсларнинг тўлов манбаидан оладиган даромадларидан даромад солиғини ушлаб қолиш қонунчилик билан бундай мажбурият зиммасига юклатилган юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Уларга, масалан, меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномалар бўйича ишлаётган жисмоний шахсларга тўловларни амалга оширувчи, жисмоний шахсларга дивидендлар ва фоизларни берувчи юридик шахслар ва ҳ.к. киради.

Даромад тўловчи юридик шахс жисмоний шахслардан даромад солиғини ушлаб қолиш ва уларни бюджет ҳисобига ўтказиш учун масъул ҳисобланади. Кўрсатилган мажбурият бажарилмаган ҳолда, у ушлаб қолинмаган солиқ суммаси ҳамда у билан боғлиқ бўлган жарималар ва пеняни бюджетга тўлайди.

Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўлов манбаи юридик шахс солиқ рўйхатидан ўтган жой бўйича давлат солиқ хизмати органига жисмоний шахсларга ҳисоблаб ёзилган ва амалда уларга тўланган даромадлар ҳамда ушбу даромадларга солинган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши шарт. Бундай маълумотлар ҳар чоракда, аммо ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирилмаган ҳолда тақдим этилади.

Жисмоний шахслар даромадидан тўлов манбаи олдида солиқ ушлаб қолиш вақтида қуйидаги *муддатлар*да солиқ тўланади:

даромадларни тўловчи юридик шахслар томонидан ушлаб қолинган солиқ суммаси ушбу мақсадларга пул маблағларини олиш учун банкка ҳужжатлар топширилаётган вақтнинг ўзида бюджет ҳисобига ўтказилади;

соф тўловлар ёки маҳсулот сотиш, иш бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушган тушум ҳисобидан тўловларни амалга ошируви юридик шахслар томонидан ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейинги беш кун ичида бюджет ҳисобига ўтказилади.

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация бўйича солиқ қуйидагилар томонидан тўланиши керак:

асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги ҳамда ундан ташқаридаги манбалардан) даромад олувчи жисмоний шахслар томонидан; асосий бўлмаган иш жойидан даромад олувчи жисмоний шахс бухгалтерияга ундан максимал ставка

бўйича даромад солигини ушлаб қолиш тўғрисида ариза берган ҳол бунга кирмайди¹.

чет эл жисмоний шахслар - резидентлар томонидан;
тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар - резидентлар томонидан.

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация жисмоний шахслар томонидан яшаб турган жойидаги давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги муддатларда тақдим этилиши лозим:

асосий бўлмаган иш жойидан (Ўзбекистон Республикасидаги ҳамда ундан ташқаридаги манбалардан) даромад олувчи жисмоний шахслар - резидентлар томонидан - ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирилмаган ҳолда;

чет эл жисмоний шахслари - резидентлар томонидан назарда тутилаётган даромадлар тўғрисида - Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб бир ой давомида. Календар йил давомида фаолият тўхтатилган ва хорижий жисмоний шахс Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган бўлса, олинган даромадлар тўғрисидаги декларация у жўнаб кетишига қадар бўлган бир ойлик муддатдан кечиктирилмаган ҳолда;

юрidik шахс бўлмай туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан - бундай даромадлар пайдо бўлган кундан бошлаб бир ой ўтгач, беш кунлик муддат ичида. Йил якуни бўйича - ҳисобот давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар тақдим этилиши керак.

Декларация бериш йўли билан жисмоний шахслар даромадларидан солиқ ушлаб қолинаётган вақтда солиқ қуйидаги муддатларда тўланади:

а) асосий бўлмаган иш жойидан даромад олувчи жисмоний шахслар-резидентлар томонидан жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация маълумотлари бўйича - ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирилмаган ҳолда. Йил давомида қайта ҳисоблаш вақтида - давлат солиқ органига декларация тақдим этилган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида.

б) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан - ҳар чоракда, мувофиқ равишда 15 февраль, 15 май, 15 август ва 15 ноябрдан кечиктирилмаган ҳолда, ўтган йил учун даромадлар бўйича ҳисобланган йиллик солиқ суммасидан 25 фоиз миқдоридан. Солиқ тўлашга дастлаб жалб этилган тўловчилар томонидан - ўтган йил учун мўлжалланган даромад бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан унга ҳисоблаб

¹ Ўтган календар йилда фақат асосий иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар ушбу йили олган даромадлари тўғрисида декларация топширишмайди. Фуқаронинг асосий иш жойи унинг меҳнат дафтарчаси ҳисоби юритилаётган корхона, муассаса ва ташкилот ҳисобланади.

ёзилган солиқ суммасидан 25 фоиздан. Йил давомида даромад кўп миқдорда ошган ёки камайган тақдирда, тўловчи қонунчиликда назарда тутилган тартибда солиқ суммасини қайта ҳисоблаб чиқиши мумкин.

3. Қўшилган қиймат солиғи

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарлар ва хизматларга қўйиладиган эгри солиқ бўлиб, дастлаб 1954 йили Францияда амалга киритилган эди. Бюджетга мунтазам равишда келиб тушиши ва ўзининг универсаллиги билан ҚҚС энг самарали фискал воситалардан бири сифатида намоён бўлади.

ҚҚС товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни Ўзбекистон Республикасига импорт қилиш жараёнида қўшилган қиймат қисмининг бюджетга ажратиладиган маблағларидан иборатдир. Қўшилган қиймат (қиймат ўсиши)га ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, амортизация; кредит учун фоизлар, реклама, транспорт учун харажатлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Реализация қилинаётган товар баҳоси товарни истеъмолчига етказиб беришнинг барча босқичларида ишлаб чиқарувчи томонидан киритилган ҚҚС умумий суммасини ўз ичига олади.

ҚҚСни тартибга солиувчи умумий меъёрлар Солиқ кодексининг IV бўлимида мустаҳкамланган. Улар қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномада аниқлаштириб берилган:

а) ишлаб чиқарилаётган ва реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича¹;

б) Ўзбекистон Республикасига импорт қилинаётган (четдан келтирилаётган) товарларга нисбатан²;

в) импорт қилинаётган ишлар ва хизматларга³ ҚҚС.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини юритувчи юридик шахслар ишлаб чиқарилаётган ва реализа-

¹ Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1997 йил 5 декабрдаги 41- ва 97-105-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 1997 йил 29 декабрда 383-рақам билан рўйхатга олинган. Адлия вазирлигида 1999 йил 3 августда 383-1, 1999 йил 28 декабрда 383-2, 2000 йил 20 январда 383-3, 2000 йил 11 апрелда 383-4, 2001 йил 10 январда 383-5 рақамлар билан рўйхатга олинган.

² Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 23 январдаги 27- ва 02/8-2-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1124-рақам билан рўйхатга олинган // МҲБ, 2002 йил, №7. Адлия вазирлигида қуйилдаги рақамлар билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар билан: 2002 йил 30 июлда 1124-1 рақам // МҲБ, 2002 йил, №14, 2003 йил 22 февралда 1124-2 // МҲБ, 2003 йил, №4.

³ Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 28 январдаги 26- ва 2002/24-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1123-рақам билан рўйхатга олинган // МҲБ, 2002 йил, №7. Адлия вазирлигида 2003 йил 22 февралда 1123-1 рақам билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар билан.

ция қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) буйича ҚҚСни **тўловчилар**дир. Ялпи даромад солиғини тўловчи корхоналар, ягона солиқ тўлашга ўтган кичик корхоналар, ягона ер солиғини тўлашга ўтган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ушбу солиқ субъектлари бўлиб ҳисобланмайди.

Четдан келтириლაётган импорт товарлар (ишлар, хизматлар)га ҚҚС тўловчилар – ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилувчи юридик шахслар ҳамда ўз эҳтиёжлари учун божсиз мол олиб кириш меъёрларидан юқори миқдорда товарларни олиб кирувчи жисмоний шахслардир.

Қўшилган қиймат солиғига **солиқ солиш объекти** товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш буйича оборот ва импорт қилиш ҳисобланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш буйича оборотга солиқ солинади; ҚҚСдан озод қилинган ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бунга кирмайди.

Реализация қилиш буйича солиқ солинадиган оборот миқдори реализация қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматига асосан, қўлланаётган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, ҚҚС қўшилмаган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни алмашишда ёки улар беғараз берилган ҳолда солиқ солинадиган оборот миқдори нархлар даражасидан келиб чиқиб, солиқ тўловчида алмашиш ёки бериш вақтида таркиб топган қўшилган қиймат солиғи уларга қўшилмасдан, лекин амалда таркиб топган харажатлардан паст бўлмаган миқдорда аниқланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда солинадиган солиқ миқдорига божхона қонунчилигига мувофиқ равишда белгиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) божхона қиймати ҳамда товарлар (ишлар, хизматлар)ни Ўзбекистон Республикасига четдан олиб кириш вақтида тўланиши керак бўлган акциз солиғи, божхона божлари суммалари киритилади.

Солиқ кодекси ҚҚС буйича имтиёзларнинг икки гуруҳини белгилайди:

- 1) солиқ тўлашдан озод этиш;
- 2) ноль ставка буйича солиқ солиш.

Маҳсулот, хизматлар, товарларнинг айрим турлари, мулк, асбоб-ускуна, жиҳозлар қиймати ва ҳ.к. ҚҚСдан озод этилади. Масалан, протез-ортопедик буюмлар, ногиронлар учун предметлар ва ортопедик протезлаш буйича ногиронларга хизмат кўрсатиш, даволаш муассасалари ҳузурида даволаш-ишлаб чиқариш устаконалари учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар маҳсулотига солиқ солинмайди.

ҚҚСдан озод қилинган хизматларга, хусусан, ўқув-ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган халқ таълими соҳасидаги хизматлар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш учун тўлов; мактабгача муассасаларда болаларни сақлаш бўйича хизматлар, беморлар ва қарияларни парваришлаш хизмати; давлат ваколатли ташкилотлари томонидан ўтказиладиган экологик экспертиза бўйича хизматлар; давлат тилини ўргатиш ва давлат тилида иш юритиш бўйича хизматлар; аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал хизмат ва эксплуатацион хизматлар ва бошқалар киради.

Жисмоний шахслар томонидан божхона қонунчилиги билан тасдиқланган четдан божсиз мол олиб кириш меъёрлари доирасида импорт қилинган товарлар ҳамда табиий офатлар, қуролли тўқнашувлар, бахтсиз ҳодисалар ёки ҳалокатлар натижасида ёрдам кўрсатиш мақсадида четдан олиб келинадиган мулк ва гуманитар ёрдам сифатида олиб келинадиган товарларга ҚҚС солинмайди.

Ўзбекистон Республикаси билан тузилган шартномалар бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молиявий ва иқтисодий ташкилотлари томонидан берилган қарзлар ва грантлар ҳисобига келтирилган ускуналар ҳамда лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинган технологик ускуналар (ваколатли банкнинг тегишли тасдиқномаси мавжуд бўлса) ҳамда бошқа турдаги айрим ускуналар ҚҚСдан озод қилинади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҚҚСдан озод этиш шаклидаги имтиёзлар айрим корхоналарга ҳам берилади. Масалан, бу ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини эркин айирбошланадиган валютага (агар ҳукуматлараро тузилган битимларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига экспорт қилувчи корхоналарга тегишлидир. Лекин бу имтиёз савдо-воситачилик ташкилотлари ҳамда тасдиқланган рўйхат бўйича хом ашё товарларини экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига амал қилмайди.

Солиқ кодексида ҚҚСдан вақтинча озод этиш каби имтиёз берилиши ҳам назарда тутилган. Масалан, нодавлат мактабгача таълим муассасалари, агар солиқдан озод қилинадиган маблағларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ускуналар, жиҳозлар, дидактик материаллар, болалар ўйинчоқлари ва адабиётларни сотиб олиш учун сарфлашса, ҚҚС тўламайди.

Ноль ставка бўйича солиқ солиш шаклидаги имтиёз мамлакат иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг айрим турлари, бошқа давлатлар билан нормал дипломатик муносабатларни қўллаб-қувватлаш учун назарда

тутади.) Хусусан, қуйидагиларга ноль ставка бўйича солиқ солинади:

- товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин айирбошланадиган валютага, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига экспорт қилиш (агар ҳукуматлараро тузилган битимларда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса);

{- қишлоқ хўжалик корхонларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун стказиб берладиган минсрал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материаллари;

- чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар расмий фойдаланиши учун ҳамда ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари, улар билан бирга яшайдиган оила аъзолари (агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишмаса ва республикада доимий яшамайдиган бўлса) шахсий фойдаланиши учун реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар); Ушбу имтиёз берилишининг шарти чет давлат томонидан ҳам худди шундай тартибни қўллашдан иборатдир.

{ҚҚС ставкаси йигирма фоиз миқдорида белгиланади.} Айрим ижтимоий аҳамиятдаги озиқ-овқат моллари бўйича ҚҚС пасайтирилган ставкалар бўйича тўланиши мумкин. Ставкалар ва ушбу товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бюджетга тўланиши керак бўлган ҚҚС солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси билан чегириш, қарз суришишга тегишли солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Чегириш, қарз суришишга тегишли ҚҚС суммаси ҳисобот даври мобайнида амалда келиб тушган, жумладан четдан келтирилган (улар солиқ солинадиган оборот учун фойдаланилади, ноль ставка бўйича оборот ҳам шунга киритилади) товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича тўланиши керак бўлган солиқ сумаасидир. Ўз эҳтиёжлари учун олишиб, фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича солиқ суммаси чегириб ташланмайди.

ҚҚС солинадиган товарларни юклаб жўнатувчи, иш бажарувчи ва хизмат курсатувчи солиқ тўловчи курсатилган товарлар (ишлар, хизматлар)ни олувчи шахсга қонунчиликда белгиланган шакл бўйича ҳисобварақ-фактура ёзиб қўйиши (курсатиши) керак.

ҚҚС тўловчи бўлмаган шахс ҚҚСсиз деб қайд этган ҳолда, ҳисобварақ-фактура ёзиши лозим. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҚҚСдан озод этилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ёзилган ҳисобварақ-фактураларга ҳам худди шундай талаб қўйилади. Ҳисобварақ-фактура товарлар юклаб жўнатилган, иш

бажарилган ва хизмат кўрсатилган санадан кечиктирилмаган ҳолда ёзилади.

Солиқ тўловчи тегишли давр (ой) учун реализация бўйича амалдаги оборот асосида ҚҚС бўйича ҳисоб-китобларни топшириш учун белгиланган кундан кечиктирилмаган ҳолда солиқ тўлайди. ҚҚС бўйича ҳисоб-китоблар солиқ органларига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирилмаган ҳолда ўсиб борувчи яқун бўйича, йил якуни бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Агар ўтган ой учун солиқ бўйича тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан ошган бўлса, солиқ тўловчи жорий тўловларни (ҳисобот ойнинг 20-санасигача ва ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасигача) тўлайди. Жорий тўлов миқдори сўнгги ойлик ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ суммасининг иккидан бир қисми (ярми)ни ташкил этади. Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасига қадар бўлган муддатда, товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш бўйича амалдаги оборотлардан келиб чиққан ҳолда, жорий тўловлар суммасини қайта ҳисоблаб чиқиш амалга оширилади.

Импорт қилинаётган товарлар бўйича ҚҚСни тўлаш божхонада расмийлаштиришга қадар ёки шундай расмийлаштириш вақтида амалга оширилади.

Импорт қилинаётган товарлар бўйича ҚҚСни тўловчилар - ўз шахсий эҳтиёжлари учун божсиз мол олиб кириш меъёрларидан юқори миқдорда четдан товарлар олиб кировчи жисмоний шахслар бўлиб, улар солиқни нақд пулда божхона органи ёки пости кассасига белгиланган тартибда тўлаши мумкин.

4. Акциз солиғи

{Акцизлар - асосан оммавий истеъмол учун мўлжалланган товарларга солинадиган эгри солиқ тури бўлиб, уларнинг баҳосига киритилади.} Акциз солиғини солишнинг турли усуллари қўлланган бўлиб, акцизли товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё ўсган ер майдонидан, кейинроқ хом ашёдан, ундан кейин ярим-фабрикатлардан ва, ниҳоят, солиқ солишнинг бош объекти бўлиб қолган тайёр буюмлардан акциз солиғи олинадиган бўлди.

Акциз солиғи Солиқ кодексининг V бўлими ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бундай ҳужжатларга «Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб ёзини ва

тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома¹, «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кинрилган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз солигини тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома² киради.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва четдан келтирилган акцизли товарларга акциз солиғи солинади. Қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

а) чет элга чиқариш учун товарларни етказиб бериш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатдаги айрим товарлар бунга кирмайди);

б) бюджет ташкилотлари томонидан (ёки уларнинг буюртмалари бўйича) бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига фақат ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарлар;

Ўзбекистон Республикасида акцизли товарларни ишлаб чиқарувчи ёки бундай товарларни четдан олиб кирувчи юридик ва жисмоний шахслар акциз солиғи **тўловчилардир.**

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган акцизли товарлар учун **солиқ солиш объекти** қўшилган қийматга ёки товарнинг физик ҳажмига солинадиган солиқ ҳисобга олинмаган (акциз солиғи суммасини ўз ичига олган) қиймат ҳисобланади.)

Агар товар ишлаб чиқарувчи акцизли товарни соф тўлов ёки совға сифатида бераётган бўлса, солиқ тўловчида товарларни бериш вақтида таркиб топган нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган, аммо амалда таркиб топган харажатлардан кам бўлмаган қиймат солиқ солиш объекти бўлади.

Четдан келтириладиган акцизли товарлар учун божхона қонунчилигига мувофиқ равишда белгиланадиган божхона қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Акцизли товарлар рўйхати ва акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади³.)

Солиқлар бўйича имтиёзлар. Акциз солиғи бюджет ташкилотлари томонидан (ёки уларнинг буюртмалари бўйича) бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига фақат ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган акцизли то-

¹ Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 11- ва 2002-14-сонли қарорлари билан тасдиқланган// МҲБ, 2002 йил, №5. Адлия вазирлигида 2003 йил 25 февралда 1106-Грақам билан рўйхатга олинган// МҲБ, 2003 йил, №4.

² Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 15 январдаги 17- ва 02/8-1-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 йил 5 мартда 1101 рақам билан рўйхатга олинган.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорига 11-1-иловада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга акциз солиғи ставкалари келтирилган, 11-2-иловада эса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб келинадиган акцизли товарларга солинадиган акциз солиғи ставкалари берилган.

варларга нисбатан қўлланмайди. Ушбу имтиёз божхонада расмийлаштириш вақтида мазкур контракт бўйича молиялаштириш манбаи тўғрисида молия органларининг тасдиқномаси мавжуд бўлган ҳолдагина берилади. Бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига фақат ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган акцизли товарлар бегоналаштирилган вақтда акциз солиғи улар томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни четдан олиб кириш бўйича қонунчилик билан белгиланган чегара меъёрлардан ортиқ миқдорда олиб келинган акцизли товарларга ҳам солиқ солинмайди¹.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларнинг айрим турларига акциз солиғи солинмайди. Уларга, масалан, қуйидагилар киради:

акцизоти товарларни етказиб бериш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус рўйхат бўйича белгиланган товарлар бунга қирмайди);

ёғ-мой ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган пахта ёғини етказиб бериш;

Ўзбекистон Республикасида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариладиган ихтисослаштирилган мебель² (Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини жиҳозлаш учун мебель сотиб олиш учун тузилган шартномалар (контрактлар) мавжуд бўлган ҳолда);

Солиқ тўлаш тартиби ва муддатлари. Акциз солиғи акцизоти товар реализация қилинган ойнинг ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кундан кечиктирилмаган ҳолда бюджет ҳисобига ўтказилиши керак (агар қонунчиликда бошқача тартиб ўрнатилган бўлмаса);

Солиқ тўловчи солиқлар рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органига ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасига қадар акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоб тоштиради;

Четдан келтириладиган акцизоти товарларга солинадиган акциз солиғи божхонада расмийлаштирувгача ёки шундай расмийлаштириш вақтида тўланади. Ушбу товарлар бўйича акциз солиғи божхона хизматлари томонидан миллий валюта – сўмлар-

¹ Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни четдан олиб кириш бўйича қонунчилик билан белгиланган чегара нормалар Молия вазирлигининг 1998 йил 20 февралдаги 04-02-05/142 ва Давлат божхона қўмитасининг 05/8-227-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 1998 йил 13 мартда 412 рақам билан рўйхатга олинган. Адлия вазирлигида 2000 йил 7 июлдаги 412-1 рақам билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар билан.

² Имтиёзлар бериш мақсадида ихтисослаштирилган мебель деганда, давлат ва нодавлат таълим ва тиббий муассасаларни жиҳозлаш, тасарруфдаги савдо-таъминот ташкилотларига таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини жиҳозлаш учун реализация қилинадиган жиҳозлар тушунилади.

да ундириб олинади ва ҳар 5 кунда республика бюджетига ўтказилади.

5. Ер ости бойликлари ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар. Экология солиғи

Ҳер ости бойликларидан фойдаланганлик учун¹ **солиқ тўловчилар** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслардир.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун **солиқ солиш объектлари**:

фойдали қазилмалар (ҳамда йўлдош фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар)ни қазиб олиш ҳажми;

техноген ҳосилалар (қазиб олиш чиқиндилари ва минерал хом ашёни қайта ишлаш) ҳажми;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳажми;

рангли тошлар хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекциялар материалларидан тўпланган намуналарнинг ҳисобга олинган қиймати.]

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун **солиқ ставкалари** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги молия йили учун Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётган вақтда белгиланади².

Солиқ бўйича имтиёзлар. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

ер остини геологик ўрганиш ишларини олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар;

геологик, минералогик ва бошқа маҳсул муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларида илмий иш олиб борувчи юридик ва жисмоний шахслар;

ўз хўжалик ва турмуш эҳтиёжлари учун, яъни тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўзларига берилган ер участкалари доирасида кенг тарқалган фойдали қазилмалар³ни белгиланган тартибда қазиб олишни амалга ошираётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар.]

¹ Ушбу солиқ тури Солиқ кодексининг VIII бўлими ва Молия вазирлигининг 6-йуриқномаси ҳамда Давлат Солиқ қўмитасининг «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш тартиби тўғрисида» (янги таҳрирда) 2002 йил 14 январдаги 2002-10-сонли қарори билан тартибга солинади// МҲБ, 2002, №3.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорига 13-илова.

³ Бундай фойдали қазилмаларга, масалан, қум, шағал, майда тош кабилар кирди.

Солиқни ҳисоблаб ёзиш тартиби ва тўлаш муддатлари

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ юридик шахслар томонидан солиқ солиш объекти ва тасдиқланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва техноген ҳосилалардан фойдаланиш учун ҳисоб-китоблар ҳар чоракда ўсиб борувчи якун бўйича, аммо чораклик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатдан кечиктирилмаган ҳолда давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ юридик шахслар томонидан:

а) фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва техноген ҳосилалардан фойдаланиш учун – ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг йигирманчи санасигача;

б) рангли тошлар хом ашёси, палеонтологик қолдиқлар ва бошқа геологик коллекциялар материаллари намуналарини тўплаш учун – ҳар чоракда, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш муддатларида тўланади.

Умумий фойдаланиладиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи жисмоний шахслар ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун давлат солиқ хизмати органларига ҳар йили бир марта, лекин кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирилмаган ҳолда давлат солиқ хизмати органларининг хабарномаси бўйича ҳисоб-китоб тақдим этади ва солиқ тўлайди.

↓**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ**¹ тўловчилар ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар (юридик шахс бўлган ва юридик шахс бўлмаган) деҳқон хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардир.↓

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, сувдан фойдаланган жойи бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш учун сув етказиб берувчи юридик шахслар фақат ўз фаолиятида фойдаланадиган сув учунгина солиқ тўловчи бўлади.

↓**Солиқ солиш объекти** ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурслари ҳажми ҳисобланади. Ер усти – ер юзаси сув манбаларига дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер

¹ Солиқ тўловчининг ушбу тури Солиқ кодексининг X бўлими ва Молия вазирлигининг 7 йўриқномаси ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш тартиби тўғрисида» (янги таҳрирда) 2002 йил 14 январдаги 2002/8 сонли қарорлари билан тартибга солинади. //МХБ. 2002 йил, №3-4. Адлия вазирлигида: 2003 йил 19 февралда 1097-1 рақам билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар билан.

усти сув ҳавзалари ва сув манбалари, ҳар хил турдаги каналлар ва зовурлар киради. Ер ости сув манбаларига артезиан қудуқлар ва қудуқлар, тик ва қия дренаж тармоғи киради.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги молия йили учун Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётган вақтда белгиланади¹.

Илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг қишлоқ хўжалик экинлари ва полизларини суғориш учун сувдан фойдаланувчи ёрдамчи хўжаликларига эга бўлган юридик шахслар қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича солиқ тўлайди.

Солиқ бўйича имтиёзлар. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:

ногиронлар юридик шахслар (сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчилар бунга кирмайди);

ер ости минерал сувларини даволаш мақсадида ишлатувчи соғлиқни сақлаш муассасалари (минерал сувни савдо тармоғи орқали сотиш учун ишлатиладиган ҳоллар бунга кирмайди);

атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқариб олинadиган ер ости сувлари учун (ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган сувлар ҳажмидан ташқари);

асосий фаолияти бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар – шўрхок ерларни ювиш мақсадида сувдан фойдалангани учун;

ногиронлар жамоатчилик бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернobilчилари» уюшмасига қарашли бўлиб, ходимлар умумий сонининг камида эллик фоизи ногиронларни ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, савдо-таъминот ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бунга кирмайди);

Соғлом авлод учун халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Яримой жамияти, «Нуроний» жамғармаси - корхоналари жамғармалар ва жамият низом вазифаларини бажариш учун озод қилинадиган маблағлардан фойдаланиш шarti билан;

нодавлат мактабгача таълим муассасалари рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб уч йил муддатга – озод қилинган маблағлар улар томонидан моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорига 12-илова.

ускуналар, жиҳозлар, дидактик материал, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлар ва ҳ.к.ни сотиб олиш учун сарфланиши шарт билан.

Солиқ ҳисоблаб ёзиш тартиби ва тўлаш муддатлари. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ юридик шахс томонидан ҳисоблаб чиқилади ва у бўйича ҳисоб-китоблар солиқ органларига чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда солиқ органларига тақдим этилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаб чиқадилар ва у бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига солиқ тўлаш учун белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ олинган сувнинг амалдаги ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасига қадар тўланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг умумий суммаси бир чоракда энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан кам миқдорни ташкил этган корхоналар - чоракда бир марта чораклик молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни бир йилда бир марта - жорий йилнинг 15 декабрига қадар тўлашади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар бундай солиқни ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15- санасига қадар тўлайди.

Экология солиғи¹ дастлаб 1997 йил 1 январда табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқларнинг рағбатлантирувчилик ролини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилга мўлжалланган Давлат бюджети билан боғлиқ равишда солиқ ислоҳотларини чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 27 сентябрдаги УП-1565-сонли фармони² билан жорий этилган эди.

Товарлар ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар экология солиғи тўловчилар ҳисобланади.

¹Солиқ кодексининг IX бўлими, Молия вазирлигининг 7-йўриқномаси ва Давлат солиқ қўмитасининг "Экология солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" (янги тухрирда) 2003 йил 14 январдаги 2003-03-сонли қарори билан тартибга солинади. Ушбу Тартиб Адлия вазирлиги да 2003 йил 18 февралда 1219 рақам билан рўйхатга олинган.

²ЎРОМА, 1966, №9, 174 -м.

Солиқ солиш мақсадида юридик шахслар деганда, барча турдаги корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан уларнинг тасарруфидаги, хўжалик юритиши ёки оператив бошқарувида ўз мулки мавжуд бўлиб, мулкый мажбуриятлари бўйича жавоб берувчи ҳамда мустақил баланси ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган алоҳида ажратилган таркибий бўлинмалар тушунилади.

Агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби белгиланган юридик шахслар асосий иш-фаолияти билан бирга, бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланаётган бўлсалар, алоҳида ҳисоб юритишлари ва ушбу фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлардан келиб чиққан ҳолда, экология солиғи тўлашлари лозим. Умуман корхона бўйича таркиб топган давр харажатлари фаолият турлари бўйича реализациядан тушган тушум ҳажмига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади.

Солиқ солиш объекти ишлаб чиқариш харажатлари ва давр харажатлари ҳисобланиб, бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва Республика йўл жамғармаси, Давлат Бандликка ёрдам хизмати жамғармаси, Бюджетдап ташқари пенсия жамғармаси, Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисобварағига ажратиладиган маблағлар бунга кирмайди.

Бунда қурилиш, қурилиш-монтаж, қурилиш-таъмирлаш, ишга тушириш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун солиқ солиш объекти бўлиб ўз кучи билан бажарилган ишлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ва давр харажатлари ҳисобланади (бюджетга тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган маблағлар бунга кирмайди).

Суғурта ташкилотлари учун солиқ солиш объекти – курсатилган хизматлар бўйича харажатлар ва давр харажатлари жаммуи бўлиб, бюджетга тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган маблағлар бунга кирмайди.

Экология солиғини ҳисоблаш вақтида ишлаб чиқариш харажатлари деганда, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш («Асосий ишлаб чиқариш» ва «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобини юритиш ҳисобварақлари, ташқарига курсатилган хизматлар қисми) ҳисобварақларида заводнинг ички обороти ҳисобга олинмаган ялпи харажатлар суммаси тушунилади. Чет элда ўз таркибий бўлинмаларига эга бўлган корхона ва ташкилотлар солиқ солинадиган баъзида фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган харажатлар ҳисобинигина юритишлари керак. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилган харажатлар солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солиқ ставкаси. Экология солиғи бир фоизли ставка бўйича тўланади.

Солиқ бўйича имтиёзлар. Экология солиғи тўлашдан қуйидагилар озод этилади:

ногиронларнинг жамоатчилик бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмасига қарашли бўлиб, ходимлар умумий сонининг камида эллик фоизи ногиронларни ташкил этган юридик шахслар (савдо, воситачилик, савдо-таъминот ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бунга кирмайди);

нодавлат мактабгача таълим муассасалари рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб уч йил муддатга – озод қилинган маблаглар улар томонидан моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ускуналар, жиҳозлар, дидактик материаллар, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлар ва ҳ.к.ни сотиб олиш учун сарфланиши шарти билан;

компаният-гастроль фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар.

Тўлов тартиби ва муддатлари. Экология солиғи солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш объекти ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Экология солиғи бўйича ҳисоб-китоблар чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни ўсиб боровчи яқун билан топшириш учун белгиланган муддатларда тақдим этилади. Солиқ ҳар чоракда у бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирилмаган ҳолда тўланади.

1. Мол-мулк солиғи

Мол-мулк солиғи Солиқ кодексининг VI бўлими, Молия вазири ва Давлат мулк қўмитасининг (қўрсатилган қонунчилик ҳужжати меъёрларини аниқлаштириб берадиган) қонун кучига эга бўлган ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бу, биринчидан, Юридик шахслар мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома¹ ҳамда, иккинчидан, Жисмоний шахслар мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (янгиз таҳрирда)²дир.

Мол-мулк солиғи тўловчилар солиқ солинадиган мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслардир.

Бунда айрим юридик шахслар ҳамда, хусусан, ягона солиқ тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналар, ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ хўжалик товарларини ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, қайд этилган солиқ тўланиши белгиланган тадбиркорлик фаолияти билангина шуғулланувчи юридик шахслар мол-мулк солиғини тўловчилар ҳисобланмайди³.

Юридик шахслар учун солиқ солиш объекти - асосий воситаларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (лизинг шартномаси бўйича олинган воситалар билан бирга), номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (қонунчиликка мувофиқ равишда мулк қилиб олинган ернинг қиймати бунга кирмайди) ҳамда корхонанинг норматив муддатларда белгиланмаган ва фойдаланилмаётган ускуналаридир.

Жисмоний шахслар учун солиқ солиш объекти эса, улар ихтиёридаги уйлар, квартиралар, дала ҳовлилар ва боғли кичик уйлар, гаражлар ва бошқа қурилишлар, иншоотлардир.

Солиқ ставкаси. Юридик шахслар мулки 3 фоизли ставка бўйича солиққа тортилади. Тўловчиларнинг айрим тоифалари ва мулк турлари бўйича бу ставка ўзгариши мумкин⁴.

¹ Молия вазирлигининг 2002 йил 22 январдаги 25-сонли ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2002-13-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 йил 11 мартда 1107 рақам билан рўйхатга олинган.//МҲБ, 2002, №5. Адлия вазирлигида 2002 йил 2 октябрда 1107-1 рақам билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар билан.//МҲБ, 2002, №19.

² Молия вазирлигининг 2002 йил 15 январдаги 16-сонли ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2002-19-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 йил 5 мартда 1103 рақам билан рўйхатга олинган.

³ Агар ягона солиқ тўловчилар бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар асосий воситалари ва номоддий активларини ижарага берсалар, улар ижарага берилган ушбу активлар қийматидан (мол-мулк лизингдан ташқари) умумий белгиланган тартибда мол-мулк солиғини тўлайди.

⁴ Қ: Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорига 14-илова.

Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни эркин айирбоқланадиган валютага реализация қилиш умумий ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 25 фоизгача бўлган экспортчи-корхоналар учун белгиланган ставка 30 фоизгача пасайтирилади; бу улуш 25 фоиздан 50 фоизгача бўлганида – солиқ ставкаси 50 фоиз камайтирилади; 50 фоиздан юқори миқдорни ташкил этса – солиқ олинмайди¹.

Юридик шахслар норматив муддатларда ўрнатилмаган ва фойдаланилмаётган ускуналар учун икки баробар ставка бўйича мол-мулк солиғи тўлайди.

Жисмоний шахслар мулки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ставкалар бўйича солиққа тортилади. Масалан, 2003 йили бу ставкалар уй-жой, квартира, дала ҳовли ва боғли кичик уйлар, гаражлар ва бошқа қурилишлар, иншоотлар учун улар қийматидан фоизлар ҳисобида 1998 йил 1 январдан бошлаб – 0,5 фоиз; қайта баҳоланмаганларига – 7 фоизни ташкил этади².

Солиқ бўйича имтиёзлар юридик шахслар билан жисмоний шахслар учун алоҳида белгиланган. Масалан, (юридик шахсларнинг ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун яратилган мулки тадбиркорлик фаолиятидан даромад олиш кўзланмаган бўлиб, бу таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бўлса, солиқ солинмайди; халқ таълими ва маданият муассасалари учун фойдаланиладиган мулк ҳамда ногиронлар жамоатчилиги бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмасига қарашли бўлиб, ходимлар умумий сонининг камида эллик фоизи ногиронларни ташкил этган юридик шахслар мулки ва ҳ.к.) (савдо, воситачилик, савдо-таъминот ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бунга кирмайди).

Амалдаги қонунчиликда янги ташкил этилган корхоналар учун ҳам имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Улар рўйхатга олинган кундан бошлаб икки йил давомида, агар бу корхоналар тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий жамғармалари негизда тузилмаган бўлса, солиқ тўлашдан озод қилинади. Ушбу имтиёз бошқа корхоналар ҳузурида ту-

¹ Кўрсатилган имтиёз савдо-воситачилик корхоналари ҳамда эркин айирбоқланадиган валютага хом ашё товарларни: пахта толаси, калава ип. линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсат табиий газ, электр энергия, қимматбаҳо, рангли ва қора металлларни экспорт қилувчи ишлаб чиқариш корхоналарига амал қилмайди.

² Солиқ солиш учун жисмоний шахслар мулки баҳоси бўйича органлар баҳоси мавжуд бўлган ҳолда, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида мулкнинг шартли қиймати 1800 минг сўм миқдориди, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда 800 минг сўм миқдориди қабул қилиниб, улар қайта баҳоланганидан кейин қайта ҳисоблаб чиқилади.

зилган корхоналарга амал қилмайди (агар улар бу корхоналардан ижарага олинган ускуналарда ишлаётган бўлса).

Қонунчиликда мол-мулк солиғидан вақтинча озод қилишдан иборат имтиёз берилиши назарда тутилган. Нодавлат таълим муассасалари, агар озод қилинган маблағлар улар томонидан моддий-техника базасини мустақкамлаш, ускуналар, жиҳозлар, дидактик материаллар болалар ўйинчоқлари ва адабиётлар сотиб олиш учун сарфланса, рўйхатдан ўтказилган кунидан бошлаб уч йил муддат солиқ тўламайди.

Ҳокимият маҳаллий органлари томонидан мулки уларнинг ҳудудида жойлашган солиқ тўловчиларга қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин.

Юридик шахслар мулкига солинадиган солиқ ҳисобланаётган вақтда солиққа тортиладиган база мулкнинг айрим турлари қиймати бўйича камайтирилади. Уларга, масалан, солиқ тўловчи балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектлари, табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадларидаги ва ёнғин хавфсизлиги объектлари, қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва саралаш, балиқ етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш маҳсулотлари объектларининг қиймати киради ва ҳ.к.

Ўжисмоний шахслар мулки солиққа тортилаётган вақтда қуйидагилар ихтиёридаги қурилишлар, иморатлар ва иншоотларга солиқ солинмайди:

«Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига эга бўлган, учала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан мукофотланган фуқаролар ;

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлар, уларга тенглаштирилган, ички ишлар ва давлат хавфсизлик органлари таркибида хизмат қилган шахслар, ҳарбий қисмлар, штаблар ва ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи муассасаларда штатдаги лавозимларни эгалловчи шахслар;

пензионерлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари таркибидан бўлган ногиронлар, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг хизмат мажбуриятларини ўташ вақтида олинган шикастланиш, контузия ёки майиблик натижасида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий аскарлар таркиби;)

Солиқ кодексининг 93-моддасида назарда тутилган бошқа тоифадаги тўловчилар.

Ўжисмоний шахсларга берилган мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар мулк эгасининг танлови бўйича фақат биргина объектга амал қилади.

Солиқ тўлаш тартиби ва муддатлари. Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисобот йили мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати ва солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда, мустақил равишда белгилайди.

Жорий тўловларни бюджетга тўлаш ҳар ойнинг 20-санасидан кечиктирилмаган ҳолда солиқ йиллик суммасининг ўн иккидан бир қисми миқдорида амалга оширилади. Солиқ тўловчилар мол-мулк солиғи бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига ҳисобот йили учун мулкнинг амалдаги ўртача қийматидан келиб чиққан ҳолда чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатларида тошширадилар.

Жисмоний шахслар мулкига солинадиган солиқ давлат солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади. Қурилишлар, иморатлар, ишцоотлар учун мол-мулк солиғи ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра коммунал хизмат кўрсатиш органлари томонидан тақдим этиладиган мулкнинг инвентаризацион қийматига асосан, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса – ушбу объектлар мажбурий суғуртаси бўйича тўловларни ҳисоблаш учун қўлланадиган баҳога асосан ҳисоблаб чиқилади.

[Мол-мулк солиғини тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси жисмоний шахсларга солиқ органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирилмаган муддатда топширилади. Солиқ тўлаш тенг улушларда икки муддатда – 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади.]

2. Ер солиғи

Ер солиғини ҳуқуқий тартибга солиш манбалари Солиқ кодексининг VII бўлими ва «Ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома (янги таҳрирда)¹ ҳисобланади.

[Ер солиғини **тўловчилар** ўз мулки сифатида, ихтиёрида ёки фойдаланадиган ерига эга бўлган юридик шахслардир.]

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлашади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг қарорлари бўйича ижарага ер участкалари олган юридик ва жисмоний шахслар ижара ҳақи тўлайдилар (савдо корхоналари бунга кирмайди).

¹ Ушбу қарорнинг 2003 йил 21 январдаги 19- ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 20-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Аслия вазирлигида 2002 йил 27 мартда 1118 рақам билан рўйхатга олинган// МХБ, 2002, №6. Аслия вазирлигида 2003 йил 19 февралда 1118-1 рақам билан рўйхатга олинган ушартиришлар билан// МХБ, 2003, №4.

Ижара ҳақи томонлар келишуви бўйича, ammo бир ставкадан кам ва уч ставкадан кўп бўлмаган миқдорда, агар ер қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилган бўлса - қонунчиликда белгиланган ер солигининг бир ставкаси миқдориди тўланади.

Ер ижарачилари ҳисобини юритиш, ижарага олинган ер учун ижара ҳақини тўлаш ҳисоб-китобларини тақдим этиш, ижара ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш ер солиғи учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик шахслар учун солиқ солиш объекти бўлиб қуйидаги ер участкалари ҳисобланади:

1) қонунчиликда белгиланган тартибда ўз мулки қилиб олинган ерлар;

2) қишлоқ ёки ўрмон хўжаликлари учун берилган, шунингдек, корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун фойдаланишга ёки бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун берилган ерлар;

3) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга мулкчилик ҳуқуқи билан бирга ерга эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтган ер участкалари.

Жисмоний шахслар учун солиқ солиш объекти қуйидаги ер участкаларидир:

1) уй-жой ҳузурида ҳамда жамоатчилик ерларида:

а) шахсий томорқа хўжалиғи (деҳқон хўжалиғи)ни юритиш учун умрбод мерос қилиб берилган ерлар;

б) якка тартибда уй-жой қуриш учун умрбод мерос қилиб берилган ерлар;

в) жамоа боғдорчилиқ, узумчилик ва полиз экинлари учун берилган ерлар;

г) қонунчиликка мувофиқ равишда хизмат тартибиди берилган ер улуши;

д) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари;

2) мерос бўйича, совға қилиш ёки сотиб олиш натижасида турар жой, дала ҳовли билан бирга ўтган ерга эгалик ҳуқуқи;

3) қонунчиликда белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари.

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ерларнинг нимага мўлжалланганлиғи, уларнинг сифати (бонитет) ва бошқа шарт-шароитларга қараб белгиланади¹.

¹ 2003 йил учун ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорини 16 ва 17-сонли иловаларда берилган.

Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси эгаси, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айбига кура ёмонлашган (бонитети пасайган) тақдирда ер солиғи ернинг сифати ёмонлашганига қадар бўлган ставкалар бўйича ундириб олинади.

Шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалик ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баробари миқдоридан туланади.

Ўз ихтиёрига берилган ерлардан икки йил давомида фойдаланмаганлиги учун жисмоний шахслардан ер солиғи уч баробар миқдорда ундириб олинади.

Деҳқон хўжаликларидан ундириб олинadиган ер солиғи ҳисобланаётган вақтда ер солиғи ставкаларига ерларнинг сифатига қараб қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: тупроқ бонитети 40 баллгача бўлганида – 0,75; 41 дан 70 баллгача бўлганида – 1,0; 70 баллдан юқори бўлганида – 1,25.

Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкалари учун корхона, муассаса ва ташкилотларга белгиланган ставкалар бўйича солиқ ундириб олинади. Бундай ер участкаларига магазинлар, ошхоналар, устахона ва тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган бошқа объектлар киради.

Ер солиғи бўйича имтиёзлар Солиқ кодексининг 31-бобида берилган бўлиб, уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) солиқ солинмайдиган ерлар;
- 2) айрим юридик шахсларни солиқдан озод қилиш;
- 3) жисмоний шахсларнинг айрим тоифаларини солиқ тулашдан озод этиш.

Солиқ солинмайдиган ерларга, масалан, қуйидаги ерлар киради:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари умумий фойдаланadиган ерлар (майдонлар, кучалар, кичик кучалар, соҳиллар, ариқлар тармоғи, мозорлар ва ҳ.к.);

табиатни муҳофаза қилиш учун мўлжалланган ерлар (давлат қўриқхоналари, миллий ва дендропарклар, ботаника боғлари, заказниклар; ов қилинадиган ерлар, табиат ёдгорликлари бунга кирмайди), ўрмон ҳимоя ўсимликлари билан банд бўлган ерлар;

тарихий-маданий мақсадлар учун ажратилган ерлар (тарихий-маданий қўриқхоналар, мемориал парклар, мозорлар, археологик ёдгорликлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар);

Ўзбекистон инвестиция дастурларига киритилган объектларни қуриш учун ажратилган ерлар, қурилиш норматив муддатига мўлжалланган ерлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан «музлатиб» қўйилган объектлар билан банд бўлган ерлар;

белгиланган қонунчилик меъёрлари доирасида яқка тартибдаги қурилишлар ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни юритиш учун берилган ерлар – ер участкалари берилган вақтдан бошлаб икки йил муддатга;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда (Солиқ кодексининг 101-моддаси).

Ер солиғини тўлашдан хусусан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:

маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари, кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун;

таълим муассасалари (олий ва ўрта махсус маълумотли кадрларни тайёрлаш, олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, ўрта махсус маълумотли кадрларни тайёрлаш, ишчилар ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, умумтаълим болалар мактаблари, ипчи ёшлар учун умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, ота-онасиз қолган болаларни тарбиялаш муассасалари);

деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб икки йил муддатга;

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янгидан тузилиб, туристик фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар – тузилган кундан бошлаб биринчи фойдани олгунига қадар, ammo рўйхатдан ўтган санадан бошлаб уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга.

Ер солиғи тўлашдан озод қилинган жисмоний шахслар тоифасига: чўпонлар, йилқичилар, механизаторлар, ветеринар врачлар, техниклар, яйлов чорвачилигининг бошқа мутахассислари ва ишчилари киради. Худди шундай имтиёзлар Ўзбекистон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига эга бўлган, учала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан мукофотланган фуқаролар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пензионерлар ва айрим тоифадаги бошқа фуқароларга ҳам берилган.

Ер солиғи юридик шахслар томонидан ҳар йили 1 январь ҳолатига кўра мустақил равишда ҳисобланади ва у бўйича ҳисобкитоб жорий йилнинг 1 февралига қадар ер участкаси жойлашган ер бўйича солиқ органига тақдим этилади.

Ер солиғини ҳисоблаш амалда эгалланган ер участкаси майдонидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Ер участкалари умумий майдонлари тўғрисидаги маълумотлар ер участкасига эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ерларни инвентаризация қилиш далолатномалари бўйича қабул қилинади.

Айрим бинолар ёки иморатлар бошқа юридик шахслар ва жисмоний шахсларга берилган вақтда ушбу бино уз балансида бўлган юридик шахс ер солиғини тўлайди. Агар алоҳида бино бир неча юридик шахслар балансида бўлса, ер солиғи ҳар бир юридик шахс томонидан у эгаллаган ишлаб чиқариш хоналарига мувофиқ равишда тўланади.

Турар жой кўп қаватли уйларнинг бир қисмини эгаллайдиган юридик шахслар турар жойда эгаллаган майдони ва мазкур юридик шахс фойдаланадиган ишлаб чиқариш хоналари улушидан келиб чиққан ҳолда ер солиғини ҳисоблайди.

Турар жой кўп қаватли уйларда яшовчи жисмоний шахслардан ер солиғи олинмайди. Кўп квартиралли турар жой уйларнинг квартиралари ёки бир қисми одамлар яшаш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланилган ҳолда, квартира умумий майдонидан келиб чиққан ҳолда, ер солиғининг тегишли улуши белгиланган тартибда ундириб олинади.

Юридик шахслар (қишлоқ хўжалик корхоналаридан ташқари) ҳар чоракда чорак иккинчи ойининг 15-санасига қадар тенг улушларда солиқ тўлайди.

Ягона ер солиғини тўлашга ўтган қишлоқ хўжалик корхоналари бир йилда бир марта ҳисобот йилининг 15 декабрига қадар ер солиғини тўлайди.

Жисмоний шахслар учун ер солиғи солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ер солиғини тўлаш туғрисидаги тўлов хабарномалари солиқ органлари томонидан ҳар йили, жорий йилнинг 1 майидан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади.

Жисмоний шахслар ер солиғини тенг улушларда икки муддатда - 15 июнь ва 15 декабрдан кечиктирилмаган ҳолда тўлайди.

3. Бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ Солиқ кодекси томонидан назарда тутилган, уни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш қонун кучига эга бўлган норматив ҳужжат билан тартибга солинади¹.

Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ *тўловчилар* юридик шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бў-

¹ Инфраструктурани ривожлантириш учун солиқ ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби туғрисида йуриқнома Молия вазирлигининг 2002 йил 14 январдаги 9- ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 6 июни қарорлари билан тасдиқланган //МХБ, 2002, №3. Мазкур йуриқномага Адлия вазирлигининг 2003 йил 28 февралда 1100-1 рақам билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар киритилган. Инфраструктурани ривожлантириш учун солиқ 2002 йил 1 январда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ ва ободончилик ишлари учун йиғимлар ўрнига киритилган.

либ, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, чет эл инвестициялари иштирокидаги юридик шахслар ҳисобланади.

Ушбу солиқни тўловчиларга айрим тоифадаги юридик шахслар кириб, улар учун солиқ солишнинг алоҳида тартиби белгиланган. Бунда, агар солиқ солишнинг алоҳида тартиби белгиланган тўловчилар асосий фаолият тури билан биргаликда умумий белгиланган солиқларни тўлаш назарда тутилган фаолиятнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланаётган бўлсалар, улар алоҳида ҳисоб юритишлари ва инфратузилмани ривожлантириш учун бюджетга солиқ тўлашлари лозим.

Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ ҳисобланаётган вақтда солиқ солиш объекти барча турдаги солиқларни тўлаб бўлгандан кейин корхоналар ихтиёрида қоладиган соф фойда (даромад) ҳисобланади («Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-шаклининг 170-180-сатрлари). Бюджетга киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси юқорида кўрсатилган шаклнинг 190-сатрида акс эттирилади.

Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқнинг *чегара ставкаси* солиқ солиш объектига нисбатан 8 фоиз миқдорида белгиланган.

Ўз маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини сақламайдиган корхоналар (соғлиқни сақлаш, болалар мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактаблари) учун солиқ ставкаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимият органлари томонидан белгиланади.

Ижтимоий инфратузилмалар объектларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга босқичма-босқич ўтувчи корхоналар инфратузилмани ривожлантириш учун солиқни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг «Идораларга қаршли ижтимоий соҳа объектларини давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида» 1997 йил 26 сентябрдаги 453-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги тартибда тўлайди:

- агар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш улуши фоизлар ҳисобида харажатлар умумий катталигидан 100 фоизни ташкил этса, яъни давлат ҳокимияти органлари балансига берилаётган объектлар тўлиқ бюджет ҳисобидан молияланса, бундай корхоналарга инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ ставкаси мазкур район учун белгиланган ставка миқдорида белгиланади;

- агар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш улуши фоизлар ҳисобида харажатлар умумий катталигидан 100 фоиздан кам бўлса, яъни харажатларнинг бир қисми корхоналарнинг ўз

маблағлари ҳисобидан молияланса, тўловчилар учун ўтказилаётган ижтимоий объектларни улушли молиялаштириш катталигига қараб фарқли ставкалар белгиланади¹.

Инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ бўйича ҳисоб-китоблар чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни топшириш муддатларида амалда таркиб топган солиқ солиш базасидан келиб чиққан ҳолда ўсиб боровчи яқун билан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади. Инфратузилмани ривожлантириш учун ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси тўловчилар томонидан чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун белгиланган санадан бошлаб 5 кун ичида тўланади.

Чорак давомида барча тўловчилар бюджетга инфратузилмани ривожлантириш учун жорий тўловларни тўлайди. Жорий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш учун солиқ тўловчилар олдинги чорак учун инфратузилмани ривожлантиришга солиқ суммасининг амалда ҳисобланган ҳисоб-китобидан келиб чиқадилар. Жорий тўловлар ҳар ойнинг 25- санасидан кечиктирилмаган ҳолда солиқ чораклик суммасининг учдан бир қисми миқдоридида тўланади.

Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ учун жисмоний шахслардан олинадиган солиқ 2002 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситалари бўйича тўланадиган жисмоний шахслар мулкига солинадиган солиқ ўрнига жорий этилган².

Ушбу солиқ тўловини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий манбаи Жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатилгани учун олинадиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномадир³.

Мазкур солиқ *тўловчилар*, мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний шахсларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади⁴.

Ўзи ишлаб чиқарган ҳамда четдан сотиб олиниб, реализация қилинган бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг соф ҳажми **солиқ солиш объекти** бўлади. Бунда бензин, дизель ёқилғиси ва газ-

¹ Бундай ставкаларни белгилаш тартиби Инфраструктурани ривожлантириш учун солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 5-бандига мувофиқ равишда белгиланган.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилга мулккаланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида» 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарори 9-банди.

³ Молия вазирлигининг 2002 йил 3 январдаги 2-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 1-сонли қарорлари билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2003 йил февралда 1092-1 рақам билан рўйхатга олинган узгартиришлар билан.

⁴ Ушбу солиқ эгаси, яъни сунги тўловчи бензин, дизель ёқилғи ва газ сотиб олувчи жисмоний шахс ҳисобланади.

нинг реализацияси деганда, уларнинг жисмоний шахсларга амалда сотилгани тушунилади.

Солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, унинг миқдори мамлакатнинг бутун ҳудудида ягона бўлган - транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғисининг 1 литри учун 30 сўм ва газнинг 1 кг учун 30 сўмни ташкил этади¹.

Солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда жисмоний шахс - харидорга бериладиган чекдаги алоҳида сатрда кўрсатилади. У жисмоний шахсларга реализация қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси ва газ учун маблағларни тўлаш билан бир вақтда ундириб олинади.

Солиқ тўловчилар реализация қилинган бензин, дизель ёқилғиси ва газ ҳамда ҳисобланган солиқ суммасининг ҳисобини алоҳида юритадилар.

Солиқ банк муассасалари орқали ҳар ўн кунлик -декадада, бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилинган ой ўн кунлиги тугаганидан кейинги учинчи кундан кечиктирилмаган ҳолда тўланади.

Жорий декада тўловлари ҳисобга олинган ҳолда солиқ бўйича ҳисоб-китоблар автомобиль ёнилғи қуйиш шахобчалари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирилмаган ҳолда тақдим этилади.

Савдо ҳуқуқини олиш учун йиғим ва товарларнинг айрим турлари, жумладан спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун лицензия йиғимлари.

Мазкур йиғим **тўловчилари** яқка тартибдаги тадбиркорлар (спиртли маҳсулотлар билан савдо қилишдан ташқари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда савдо қилувчи юридик шахслардир.

Савдо қилиш ҳуқуқини олиш учун йиғим тўланади. Савдо қилиш ҳуқуқи бунинг учун бериладиган рухсат гувоҳномаси билан тасдиқланади. Савдо ҳуқуқи учун **йиғим ставкаси** бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3,5 баробарини ташкил этади. Товарларнинг айрим турлари, шу жумладан спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан савдо ҳуқуқи учун лицензион йиғим алоҳида тўланади. Бу **йиғим ставкаси** спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорида белгиланган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорига 18-илова.

Савдо ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан ариза берувчи (юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор)нинг аризасида кўрсатилган, аммо қонунчиликда белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Улгуржи савдо билан шуғулланувчи юридик шахслар томонидан йиғим ҳар ойда улар давлат рўйхатидан ўтган жойда тўланади, чакана савдо билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан эса – ҳар ойда савдо фаолиятини амалга ошириш жойи бўйича ҳар бир савдо шахобчаси бўйича алоҳида тўланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳамда жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш учун йиғим.

Ушбу йиғимни тўловчилар юридик шахс бўлмай туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган, янгидан тузилаётган юридик шахслар ёки жисмоний шахслар ҳисобланади.

Йиғим ставкаси - энг кам иш ҳақининг беш баробарини ташкил этади.

Давлат мулки негизда тузилган акциядорлик жамиятлари ҳамда деҳқон хўжаликлари ушбу солиқни тўлашдан озод қилинади.

Янгидан тузилаётган юридик шахс учун йиғимни унинг муассислари (юридик ва жисмоний шахслар) тўлаши мумкин. Йиғим юридик ва жисмоний шахслар томонидан рўйхатга олиш тўғрисида ариза берилгунига қадар банк муассасалари орқали маҳаллий бюджетга тўланади.

1. Давлат кредити тушунчаси

Умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган пул маблағларининг асосий массаси ҳўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар томонидан бюджет даромад қисмига киритиладиган мажбурий тўловларни белгилаш орқали йўналтирилади. Қўшимча пул маблағларини ташкил этиш мақсадида давлат уларни жалб этишнинг ихтиёрий усулларини қўллаши ҳам мумкин. Шу асосда молиявий муносабатларнинг махсус тизими - давлат кредити вужудга келади.

Кредит (лат. *creditum* - *ссуда*) - пул ёки товарларни, одатда, фоизлар тўлаб, қайтариш шарти билан бериш бўлиб, кредитор билан қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Кредитор кредит муносабатлари қатнашчиларидан бири бўлиб, ссуда берувчи субъект сифатида иштирок этади. У қарз олувчи унинг фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириши, масалан, мулкни бериши, пул тўлаши лозим бўлган у ёки бу мажбуриятнинг томонидир.

Қарз олувчи - кредит муносабатлари субъектларидан бири бўлиб, вақтинча қарзга олинган маблағларнинг қайтарилишини кафолатлайди. Қарзни қайтаришдан ташқари, одатда, қарздор ссудадан фойдалангани учун кредиторга фоиз тўлайди.

Давлат кредитида кредит муносабатлари субъектлари, бир томондан - давлат, иккинчи томондан - юридик ва жисмоний шахслар бўлади. Бунда давлат ушбу муносабатларда курсатилган субъектларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини қарзга олувчи сифатида қатнашади¹.

Давлат кредити асосидаги муддатлилик, қайтаришлик ва мақсадга мувофиқлик тамойиллари ҳар қандай кредит муносабатлари, шу жумладан банк кредити учун ҳам хос бўлган хусусиятлардир. Шу билан бирга, давлат кредити билан банк кредити ўртасида катта фарқлар, авваламбор, ўзига хос хусусиятлари бўйича фарқлар мавжуд.

Давлат кредити бўйича муносабатларда ҳамма вақт давлат юқори туради. Ушбу муносабатларда давлат қарз олувчи (қарздор) бўлиб, бир томонлама тартибда кредит шартлари (масалан, қарзнинг муддати, у бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва шартлари)ни белгилайди. Бопқача айтганда, бу муносабатларда

¹ Халқаро кредит муносабатларида давлат ҳам қарз олувчи, ҳам кредитор сифатида иштирок этиши мумкин.

томонлар тенглиги йўқ, шу боисдан улар молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш объекти ҳисобланади. Банк кредитида томонлар тенг ҳуқуқларга эга бўлиб, уларнинг муносабатлари банк кредити шартномаси билан тартибга солинади ва мувофиқ равишда фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Бошқа фарқли белги шундан иборатки, давлат кредитида узоқ муддатли қарзларни банк кредити бўйича узоқ муддатли шартномани тузиш вақтида мажбурий шарт ҳисобланган бирор-бир кафолат билан таъминлаш назарда тутилмаган¹.

Махсус адабиётларда давлат кредитининг мақсадли йўналиши тўғрисидаги масала юзасидан турли қарашлар мавжуд. Улардан бирига мувофиқ давлат томонидан кредит ёрдамида олинган пул маблағлари махсус мақсад учун белгиланмаган бўлиб, улар халқ хўжалиги умумий эҳтиёжлари ва ижтимоий-маданий чоратадбирлар учун фойдаланилади².

✓Бошқа нуқтаи назар бўйича "давлат кредитининг анъанавий роли ҳамма вақт бюджет тақчиллиги мавжуд бўлган ҳолда, давлат харажатларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлашдан иборат бўлади"³. ✓

Бундай ёндашув, эҳтимол, жаҳон тажрибасида давлат кредити, одатда, айниқса бюджет тақчиллигини қоплаш учун жадал фойдаланилиши шарт-шароитлари натижасида келиб чиққандир.

Давлат кредитининг ҳақиқий имкониятлари анчагина кенгрок, аммо улар муайян мақсадларга эришиш учун йўналтирилган бўлиши, яъни ҳар ҳолда махсус мақсадларга эга бўлиши лозим. Бу ерда гап шундаки, давлат юридик ва жисмоний шахсларнинг⁴ фақат оддий қарздори бўлиш учунгина эмас, балки давлат ва жамият учун катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни молиялаштириш учун зарур бўлган қўшимча маблағларни бюджетга йўналтириш мақсадида кредитдан фойдаланади ва қарзга пул олади. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш - муҳим вазифа, аммо у давлат кредитининг асосий, бош вазифаси ҳисобланмайди.

Қайд этилган назарий ёндашувлар қонунчилик амалиётида ҳам амалий ифодасини топди. Масалан, Бюджет тизими тўғрисидаги қонун 40-моддасига мувофиқ давлат ички ва ташқи қарзлари қуйидаги мақсадлар учун амалга оширилиши мумкин:

¹ Молия ҳуқуқи оид адабиётларда давлат кредити билан банк кредити ўртасидаги бошқа фарқлар ҳам ажратилади. Қ: масалан. Финансовое право. Дарслик// Н.И.Химичева таҳрири остида. - М:БЕК, 1996. - 344-6.

² Советское финансовое право: Дарслик.- М., 1987. - 283-6.

³ Финансовое право. Дарслик// Н.И.Химичева таҳрири остида. - М:БЕК, 1996. - 343-6

⁴ Зероки, давлат қарни бўйича хизмат кўрсатиш оддий, меҳнат ва молиявий ресурслар бўйича катта харажатлар билан боғлиқдир.

1) иқтисодий ва ривожлантириш устувор йўналишларини, шу жумладан, устувор инвестицион дастурларни молиялаштириш учун;

2) келиб тушиш вақти номувофиқлиги натижасида юзага келган давлат бюджети даромадлари билан харажатлари ўртасида йил ичидаги узилишларни тенглаштириш учун;

3) мавжуд қарзни қайта молиялаштириш учун¹;

4) бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун;

5) табиий офатлар ёки бошқа фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ ҳолда маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш учун.

Бизнинг мамлакатимизда давлат кредитини ташкил этиш асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда қонун кучига эга бўлган норматив ҳужжатларда мустақамлаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ кредит ишини қонуний тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси зиммасига юклатилган. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси туғрисидаги қонуни билан давлат пул-кредит тизимини мустақамлаш бўйича чоратадбирлар қабул қилиш унинг ваколатларига киритилган. Давлат кредитига тааллуқли жуда муҳим меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки туғрисидаги қонунда ҳам берилган. Унда Марказий банк республика Ҳукумати билан келишилган ҳолда давлат қарзи ҳисобини юритади, давлат заёмларини жойлаштириш, уларни сўндириш ва улар бўйича фоизлар тулаш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширади. Шундай қилиб, давлат кредити бўйича муносабатлар мустақам қонунчилик базасига эга. Давлат кредитининг кўпгина принциплари масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўйрим мамлакатларда, масалан, Россия Федерациясида давлат кредити масалалари махсус норматив ҳужжат билан тартибга солинади. Россия Федерациясининг "Россия Федерацияси давлат ички қарзлари туғрисида"ги қонуни шундай ҳужжат ҳисобланади².

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, **давлат кредити** – давлат томонидан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалалари ҳамда бюджет дефицитини қоплаш учун зарур бўлган қўшимча молиявий ре-

¹ Мавжуд давлат қарзини янги заёмлар чикарини пули билан сўндириш.

² Ведомости Верховного Совета Российской Федерации 1993, №1, 4 -м.

сурсларни йўналтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган пул маблағларини қайтаришлик, муддатлилик, мақсадга мувофиқлик ва ихтиёрийлик тамойилларига асосан жалб этиш бўйича молия хукуқи билан тартибга солинадиган муносабатлардир.

Давлат молия механизмининг барқарор ишлаши учун давлат кредитининг аҳамияти етарли даражада кўп томонламадир. Бунда унинг роли юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларидан фойдаланиш орқали давлат бюджети даромадларини тўлдиришнинг қўшимча манбаларини жалб этиш имкониятини таъминлаш билан белгиланибгина қолмасдан, балки қўшимча пул маблағларини муомаллага чиқариш билан боғлиқ бўлган эмиссия фаолиятини талайгина чеклаш имкониятини ҳам беради. Бу эса, ўз навбатида, пул муомаласини барқарорлаштириш, халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар аҳволини яхшилаш, миллий валютани мустақамлашнинг муҳим омилidir.

Давлат кредити бўйича молиявий-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш натижасида давлат ички қарзлари шакллантирилиб, улар моддий нуқтаи назарда **капитал ва жорий** қарзлар бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда бу - сўндирилмаган (туланмаган) қарз мажбуриятлари ва улар бўйича туланмаган фоизлар бўйича, уларни сўндириш муддатидан қатъи назар, давлат қарзлари умумий суммасидир, иккинчи ҳолда эса - давлатнинг муддатлари етиб келган, барча қарз мажбуриятлари бўйича харажатлари суммасидир.

Хуқуқий нуқтаи назардан **давлат ички қарзи Ўзбекистон Республикасининг давлат ички қарзлари натижасида вужудга келган мажбуриятлари мажмуидан иборатдир. Давлат ички қарзлари** деганда, ички манбалар (юридик ва жисмоний шахслар - резидентлар)дан активларни жалб этиш тушунилиб, улар бўйича Ўзбекистон Республикасининг қарздор сифатидаги ёки Ўзбекистон Республикаси қарздорлари-резидентлари кредитлари (қарзлари)ни сўндириш кафили сифатидаги мажбурияти юзага келади. Ўзбекистон Республикаси кафолатлари фақат юридик шахслар - резидентлар мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган давлат ташқи қарзлари бўйича орган томонидан тақдим этилади¹.

¹ «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуннинг 3- ва 41-моддалари.

2. Давлат кредити соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари

Давлат кредити бўйича юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳар қандай молиявий-ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган барча белгиларга эгадир. Бу, хусусан, уларнинг объектига, давлат ёки у томонидан ваколат берилган органнинг ушбу муносабатлар мажбурий субъекти сифатида мавжуд бўлишига, давлат кредити соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг давлат-ҳокимият хусусиятига тегишлидир. Шу билан бирга, улар муайян хусусиятларга ҳам эга.

Молиявий ҳуқуқий муносабатлар, маълумки, мулкий хусусиятга эга, чунки улар пул маблағлари сабабли юзага келади. Бироқ давлат кредити бўйича ушбу муносабатлар объекти ҳар қандай пул маблағлари эмас, балки юридик ва жисмоний шахсларнинг фақат вақтинча бўш турган маблағлари бўлиши мумкин.

Жисмоний шахсларда бўш турган пул маблағлари ҳосил бўлиши шартли бўлиб, бунга сабаб, масалан, меҳнат фаолиятидан даромадларни олиш тенг бўлмаганлиги, кўрилган зарарни қоплаш, мерос пуллари ҳамда қимматбаҳо нарсаларни сотиб олиш учун олиб қўйилган суммалар бўлиши мумкин. Юридик шахсларда вақтинча бўш турган пул маблағлари ҳосил бўлишига бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин, хусусан, бу - ишлаб чиқариш фаолиятининг вақтинчалик хусусияти. Йирик инвестицион лойиҳаларни олиб боришнинг тенг бўлмаган хусусияти ва ҳ.к.

Давлат ички қарзларининг шакллантирилиши, ишлаши ва сундирилиши бўйича ҳуқуқий муносабатлар давлат-ҳокимият хусусиятига эга бўлиб, улар кредитнинг бошқа шаклларида фойдаланиш жараёнида таркиб топадиган муносабатлардан фарқ қилади. Мазкур муносабатларда давлат қарздор сифатида қатнашиб, бир томонлама тартибда қарз шартларини: уларнинг турлари, муддати, даромад миқдори ва уларни тўлаш тартиби, уларни тугатиш ва ўзгартириш асосларини белгилашга ҳақли.

Юридик ва жисмоний шахслар давлат кредити бўйича муносабатларга ихтиёрий равишда киришиб, қарзга маблағлар беради ва мажбуриятли томон бўлади, яъни улар барча қарз мажбуриятларини бажариши шарт. Давлат кредити соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар банк кредитини ташкил этиш жараёнида таркиб топадиган, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган қарз шартномаси асосида юзага келадиган муносабатлардан фарқ қилади. Банк кредити бўйича ҳамда қарз шартномаси бўйича юзага келадиган муносабатларда томонлар тенг ҳуқуқлидир ва шу сабабли томонлардан бирортаси ҳам кре-

дит муносабатлари бўйича иккинчи томонга ўз шартларини қўйишга ҳақли эмас.

Давлат кредити соҳасида нафақат давлат қарз мажбуриятлари бўйича (қарздор билан давлат ва кредиторлар ўртасида) муносабатлар, балки давлат қарзи ишлашига воситачилик қилувчи ҳуқуқий муносабатлар ҳам юзага келади. Улар жумласига, масалан, қуйидаги ҳуқуқий муносабатлар киради:

- Ҳукумат билан Марказий банк ўртасида келгуси молия йилида кредитланнинг ички ва ташқи манбаларидан қарз олиш режалари тўғрисида маслаҳатлашиш вақтида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар, бундай қарз доирасида тўланадиган суммаларни бериш режалари, шунингдек, кредит беришнинг таклиф этилаётган муддатлари ва шартлари ҳам киритилади (Марказий банк тўғрисидаги қонуннинг 45-моддаси);

- Ўзбекистон Республикаси давлат қарз мажбуриятларини чиқариш шартлари, давлат заёмлари бўйича хизмат кўрсатиш ва уларни муомалага чиқариш тартибини белгилаш, шунингдек, Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси ва унинг давлат органлари томонидан олинадиган барча қарзлари тўғрисида Марказий банкка хабар бериши бўйича мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан Молия вазирлиги билан Марказий банк ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар. Марказий банк давлат қимматли қоғозларини чиқариш ҳажми ва давлат қарзини сўндириш графиги масалалари бўйича, уларнинг банк тизими ликвидлиги ва монетар сиёсат устуворлигига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, Молия вазирлигига маслаҳат беради;

- давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида дилерлик (воситачилик) функцияларини бажариш учун шартномалар тузиш, шунингдек, давлат заёмлари облигацияларини жойлаштириш ва муомалага чиқариш билан боғлиқ бўлган ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш вақтида Марказий банк билан ташкилотлар ўртасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ва ҳ.к.

Бозор муносабатларини ривожлантириш давлат кредити бўйича ҳуқуқий муносабатларнинг субъектив таркиби ва мазмунига жиддий ўзгартиришлар киритяпти. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар хусусиятига мазкур муносабатларнинг тижорат банклари, инвестиция жамғармалари, фонд биржаси каби янги субъектларининг пайдо бўлиши катта таъсир кўрсатмоқда.

3. Давлат ички қарзлари турлари

Бюджет тизими тўғрисидаги қонунга мувофиқ ички ва ташқи қарзларни амалга ошириш вақтида қуйидаги қарз мажбуриятларидан фойдаланилиши мумкин:

1) қисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ) давлат қимматли қоғозлари;

2) кредитлар (қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли кредитлар);

3) Ўзбекистон Республикаси кафолатлари;

4) бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинча узилишни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар ва уларнинг қонунчиликда назарда тутилган бошқа турлари.

Санаб ўтилган қарз мажбуриятларидан давлат ички қарзларига қуйидагилар тегишли: а) қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли давлат қимматли қоғозлари; б) бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинча узилишни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат ички қарзлари бўйича қарз мажбуриятлари сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган **давлат қимматли қоғозларига республика ички заёмлари облигациялари** ва **Ўзбекистон Республикаси хазина мажбуриятлари** киради¹.

Облигация – эгаси томонидан пул маблағлари киритилганлигини ҳамда унда назарда тутилган муддатда қимматли қоғознинг номинал қийматини қоплаш ҳамда қайд этилган фоизни тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир (агар уни чиқариш шартларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса).

Облигациялар оддий ва ютуқли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада юрадиган ёки муомала доираси чекланган ҳолда чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг мажбурий реквизити улар остида чиқарилган товар (хизматлар)ни кўрсатиш ҳисобланади.

Республика ички заёмлари облигациялари, одатда, тақдим этувчига деб чиқарилади. Уларни чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилиниб, унда эмитент, облигацияларни чиқариш шarti ва жойлаштириш тартиби белгиланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси **хазина билетлари** уларнинг эгалари томонидан бюджетга пул маблағлари киритилгани ва ушбу қимматли қоғозларга эгалик қилинадиган бутун муддат давомида

¹ «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» ги қонуннинг 5-6-моддалари.

қайд этилган даромадни тақдим этувчига олиш ҳуқуқини тасдиқловчи давлат қимматли қоғозлари туридир. Улар қуйидаги турларда чиқарилиши мумкин: узоқ муддатли – 5 йилга ва ундан ортиқ муддатга; ўрта муддатли – 1 йилдан 5 йилгача; қисқа муддатли – бир йилгача.

Узоқ муддатли ва ўрта муддатли казина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, қисқа муддатлиларини чиқариш тўғрисидаги қарор эса – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилиниб, уларда даромадларни тўлаш ва мажбуриятларни сўндириш тартиби белгилаб берилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг давлат қисқа муддатли облигациялари (ДҚМО) муомалада бўлиб, уларни чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш тўғрисида» 1996 йил 26 мартдаги 119-сонли қарори билан назарда тутилган эди. Ушбу норматив ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 1996 йил апрель ойидан бошлаб 4 млрд. сўмлик ҳажмда ДҚМО чиқариш учун рухсат берилган ҳамда ликвидлилик шартлари, эмитент, ДҚМОни чиқариш ва жойлаштиришнинг умумий тартиби белгилаб берилган эди.

1996 йилги ДҚМО эмиссияси уч ой муддатга ҳар ойда чиқарилиш шаклида амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигациялари бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 30 январдаги 57-сонли қарори билан 1997 йилда ДҚМОни уч ой ва олти ойлик муддат билан муомалада бўлиши шарти билан чиқариш учун рухсат берилган эди.

ДҚМО ликвидлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидаги барча активлар билан таъминланади.

ДҚМО эмитенти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидир. Облигацияларнинг навбатдаги чиқарилиши тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк билан ҳамкорликда қабул қилинади, унда облигацияларни чиқаришнинг чегара ҳажми, жойлаштириш санаси ва потенциал эгалари учун чекланиши белгиланади. ДҚМОнинг навбатдаги чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар уни жойлаштириш бошланишидан олдинги етти кундан кечиктирилмаган ҳолда эълон қилинади. Агар облигацияларни жойлаштириш даврида чиқарилиши мўлжалланган облигациялар сонидан камида йигирма фоизи сотилган бўлса, мазкур чиқарилиш амалга оширилган ҳисобланади.

ДҚМО эмиссияси даврий равишда алоҳида чиқарилиш шаклида, одатда, бир ойда бир марта амалга оширилади.

Облигациялар эгалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари – резидентлари ва норезидентлари бўлиши мумкин. ДҚМО эгаси сотиб олинаётган кейинги чиқарилиш облигацияларига ҳақ тўлаш вақтида сўндириладиган облигациялар қиймати хисобга олиш – қарз суришишга ҳақли.

Давлат қисқа муддатли облигациялари даромадлилиги уларнинг эгалари учун улар томонидан сотиб олинган облигациялар нархи билан облигациялар сўндириладиган номинал нарх ўртасидаги фарқ ҳисобига таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялар чиқарилишига хизмат кўрсатиш бўйича бош вакил – агентдир. Облигациялар чиқарилишига хизмат кўрсатиш учун савдо, ҳисоб-китоб тизимлари ва депозитарий тузиш Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасининг зиммасига юклатилади.

Облигацияларни жойлаштириш, уларнинг муомаласи бўйича барча операциялар ҳамда ҳисоб-китоблар ва облигациялар эгаларининг ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасалари ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган Дилерлар орқали амалга оширилади. Дилер кўрсатилган операцияларни Марказий банк билан Дилер ўртасида дилер функцияларини бажариш учун тузилган шартномада келишиб олинган тартибда амалга оширади. Дилер облигациялар эгаларига уларни сўндиришни тузилган шартномаларга мувофиқ равишда сўндириш вақтидаги облигациялар номинал қийматини нақд пулси шаклда ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Облигациялар чиқарилишини жойлаштириш ва сўндиришнинг аниқ тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг норматив ҳужжатлари билан қатъий тартибга солинади. Уларга Ўзбекистон Республикаси давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартлари¹, Давлат қисқа муддатли облигациялари чиқарилиши бўйича хизмат кўрсатиш ва уларнинг муомалада бўлиши тўғрисида низом², Дав-

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан 1996 йил 26 мартда тасдиқланган (1998 йил 8 сентябрда ва 1998 йил 3 ноябрда киритилган ўзгаришлар билан). Адлия вазирлигида 1998 йил 9 ноябрда 524-рқам билан рўйхатга олинган.

² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан 1998 йил 13 ноябрдаги 08-01-03/396-сонли келишув бўйича 1998 йил 9 ноябрдаги 218-қарор бўйича Марказий банк Бошқаруви томонидан (1998 йил 9 ноябрдаги 19/5-сонли баёний қарор билан) тасдиқланган. Адлия вазирлигида 1998 йил 30 ноябрда 552-рқам билан рўйхатга олинган. Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-

лат қисқа муддатли облигациялари бозорида Дилер функцияларини бажариш учун шартнома тузиш тартиби¹ киради.

Бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик узилишни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар Марказий банк тўғрисидаги қонуннинг 48-моддасида белгиланган тартибда ҳукуматни кредитлаш учун фойдаланилади².

Марказий банк ҳукуматга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган миқдорда бир йилгача муддатга сўндириш шarti билан активлар гарови остида кредитлар бериши мумкин. Кредит бериш тўғрисидаги далолатнома ҳукумат билан Марказий банк ўртасида тузиладиган алоҳида кредит шартномаси билан расмийлаштирилиб, унда ссуда миқдори, сўндириш муддатлари, тўланадиган фоизлар меъёри ҳамда сўндириш тартиби келишиб олинади.

Айрим ҳолларда Марказий банк ҳукуматга нисбатан узоқроқ муддатга, хусусан, обуна бўйича бадаллар ёки республиканинг у ёки бу халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқадиган бошқа тўловлар учун кредит бериши мумкин.

Марказий банк, қонунда тўғридан-тўғри назарда тугилган ҳоллардан ташқари, ҳукуматга молиявий ёрдам беришга ҳақли эмас.

Марказий банк томонидан ҳукуматни тўғридан-тўғри кредитлашнинг қонунчилик билан чекланиши кўпгина бозор иқтисодиёти мамлакатлари қонунчилигида урин олган. Бундай чеклаш Марказий банкка пул-кредитни тартибга солишнинг янада самаралироқ амалга оширилиш имкониятини таъминлаш учун киритилган.

Давлат қарзларини амалга оширишда Вазирлар Маҳкамаси ёки ваколатли орган давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ҳамда давлат қарзлари бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўғри назорат этилиши бўйича вакиллар функцияларини бажариш учун банклар, молиявий ташкилотлар билан шартномалар тузиши мумкин.

зирлигида 2000 йил 11 майда 552-1- рақам билан рўйхатга олинган 1-сонли ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ равишда ўзгартиришлар киритилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан 1998 йил 28 октябрдаги 33-сонли келишув бўйича Марказий банк Бошқаруви томонидан 1998 йил 4 октябрдаги 48-қарор билан тасдиқланган Адлия вазирлигида 1998 йил 9 ноябрда 525-рақам билан рўйхатга олинган Ушбу Тартибга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 1 апрелда 525-1- ва 2000 йил 11 майдаги 525-2-рақамлар билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар киритилган.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 13 декабрдаги қонуни тасдиқлади // УР ҚТ, 2003, №3, 20 -м.

16-БОБ. СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1. Суғурта тушунчаси, асосий хусусиятлари ва функциялари

Суғурта давлат молия тизимининг муҳим элементларидан бири бўлиб, алоҳида иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади. Ушбу муносабатларнинг асосий мазмуни муайян ҳодиса (суғурта ҳодисаси), масалан, табиий офат, фавқулодда ҳодиса ва ҳ.к. юз берган вақтда назарда тутилмаган харажатларни қоплаш учун зарур бўлган пул маблағларининг махсус суғурта жамғармаларини ташкил этишдан иборатдир. ¹

Алоҳида иқтисодий муносабатлар тизими сифатида суғуртага муайян хусусиятлар хосдир:

биринчидан, бу – яратилаётган суғурта жамғармаларининг **мақсадли йўналиши** ҳисобланади. Бундай жамғармаларнинг маблағлари фақат олдиндан келишиб олинган, суғурта шартномаси шартларида назарда тутилган зарарларни қоплаш (ёрдам кўрса-тиш) учунгина сарфланиши мумкин;

иккинчидан, **ушбу муносабатларнинг эҳтимоллик хусусияти**. Суғуртанинг бу хусусияти шу билан белгиланадики, суғурта ҳодисаси (суғуртачига зарарларни қоплаш билан боғлиқ бўлган ҳодиса) қачон юз бериши, унинг кучи қандай бўлиши ва у билан боғлиқ етказилган зарар миқдорини олдиндан айтиб бўлмайди. Яна суғурта ҳодисаси суғуртачиларнинг қайси бири билан юз бериши, у ёки бу вақтда уларнинг манфаатларини ҳимоялаш зарурати туғилишини ҳам олдиндан аниқлаб бўлмайди;

учинчидан, **маблағларнинг қайтарилиши**. Суғурта тўловлари (кўрсатилган хизматлар учун суғурта ташкилоти харажатлари чиқариб ташланган ҳолда) суғуртачиларнинг ўзларига тўлаш учун мўлжалланган. Бунда аниқ бир суғуртачига тўланадиган тўлов миқдори йўқотишлар миқдори ва тузилган аниқ суғурта шартномаси шартларига боғлиқ.

Молия ҳуқуқига оид айрим манбаларда суғуртанинг бошқа ўзига хос хусусиятлари, хусусан, суғурталашда муносабатларнинг қайта тақсимланиш хусусияти ажратилади¹.

Суғурта молия тизимининг мустақил элементи бўлиб, у ҳам молияларга хос бўлган функцияларни бажаради. Уларга, қайд этилганидек, пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш ҳамда молиявий назорат функциялари киради. Шу билан бирга, суғурта соҳасидаги ушбу функциялар му-

¹ Суғуртанинг ушбу хусусияти тўғрисида батафсил берилган: Қ: Финансовое право. Дарслик// П.И.Химичева таҳрири остида – М., 1996. - 380 б.

айян ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, уларни ҳисобга олган ҳолда, **суғуртанинг тиклаш (ҳимоялаш), оғоҳлантириш ва назорат қилиш функциялари** ажратилади. Баъзан адабиётларда суғуртанинг молиявий ресурсларни йўналтириш ва улардан муайян тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланиш йули билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш функцияси ҳам кўриб чиқилади.

Суғуртанинг **тиклаш функцияси** унинг бошқа функцияларига нисбатан асосий бўлиб ҳисобланади, чунки у суғурта ҳодисаси юз берган ҳолда, моддий зарарни қоплаш учун мўлжалланган. Суғуртанинг айни мана шу функциясини бажариш жараёнида суғурта ҳодисаси юз бериши натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг зарарларини тўлиқ ёки қисман қоплаш (тиклаш) амалга оширилади.

Суғурта **оғоҳлантириш функциясининг** моҳияти шундан иборатки, суғурта жамғармаларининг муайян маблағлари суғурта ҳодисаларининг олдини олиш учун йўналтирилган турли тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Масалан, улар табиий офатларга қарши кураш бўйича профилактик чора-тадбирлар кўриш, экологик ва санитария ҳолатлари, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашуви билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш учун йўналтирилади.

Суғуртанинг **назорат функцияси** қатъий белгиланган мақсадлар учун суғурта жамғармаларини ташкил этиш, маблағлардан фақат аниқланган асослар мавжуд бўлган ҳолда ва қатъий белгиланган субъектлар томонидан фойдаланиш зарурати билан белгиланади. Мазкур функция суғурта фаолияти соҳасида суғурта назоратини амалга оширишда намоён бўлади.

Суғурта муносабатларига хос бўлган алоҳида хусусиятлар ва суғурта функцияларига хос бўлган ўзига хос хусусиятлар уни ўз хусусияти бўйича молиявий муносабатларнинг бир турдаги доирасини тартибга солувчи махсус молиявий-ҳуқуқий институтга ажратиш учун асос бўлади.

Суғурта муносабатларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш асослари Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида» 2002 йил 5 апрелдаги қонунида белгилаб берилган¹. Унда суғуртанинг ҳуқуқий тушунчаси берилган. Хусусан, белгилаб қўйилганки, **суғурта** – муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган тақдирда, суғуртачилар томонидан тўланадиган суғурта мукофотлари ҳисобидан шакллантириладиган пул жамғармалари ҳисобидан суғурта шартномасига мувофиқ равишда

¹ ҲҚ, 2002 йил, №10, 69 -м.

суғурта тўлови (суғурта пули)ни тўлаш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини химоялашдир.

Суғурта соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар анчагина мураккаб хусусиятга эга бўлиб, ҳуқуқнинг бир неча тармоқлари, хусусан, фуқаролик ва молия ҳуқуқи билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари суғурта соҳасидаги муносабатларнинг бутун бир мажмуини тартибга солади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси суғуртага бағишланган алоҳида бобни ўз ичига олган бўлиб, 48 моддадан иборат. Улар суғуртанинг ҳар хил соҳалари ва турлари, суғурта шартномаларини тузиш, ижро этиш ва тугатиш, суғурта тўловини тўлаш тартиби ҳамда бошқа масалалар билан боғлиқ бўлиб, фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга ҳамда фуқаролар ҳуқуқида ўрганилади.

Молия ҳуқуқи давлат-ҳокимият курсатмаларига асосланган ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос бўлган усулига асосан суғурта соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг мазкур тармоғи меъёрлари суғурта фаолиятини лицензиялаш ва суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, суғурта фаолиятининг улар учун мажбурий бўлган қоидалари ва нормативларини белгилаш ҳамда уларга риоя этилишини назорат қилиш йўли билан ушбу фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг асослари ва механизмини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда суғуртани тартибга солишда давлат ёндашувида туб ўзгаришлар юз берди, суғурта ташкилотлари иш-фаолиятининг янги шарт-шароитлари яратилди, суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш масалалари бўйича муҳим норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида» 1993 йил 6 майдаги қонуни ўрнига «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги янги қонун қабул қилинди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 31 январдаги УП-30022 фармони билан суғурта хизматлари соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, республика суғурта бозорини ривожлантиришнинг иқтисодий рағбатларини кучайтириш, аҳолининг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини ошириш учун шарт-шароитлар яратилди. Суғурта фаолияти тўғрисидаги мазкур фармон ва қонун меъёрларини амалга ошириш механизми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ри-

¹ ОКА, 1993, №5, 217-м; 1994, №11-12, 285-м; ЎР ОМА, 1998, т. 31, 15-м.

вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 январдаги 413-сонли қарорида белгилаб берилган. Хусусан, ушбу қарор билан суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширадиган махсус ваколатли давлат органи (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги) белгилаб қўйилди, Суғуртачилар ва суғуртачи брокерлар фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати шунинг суғурта масалаларига оид айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2. Суғурта соҳалари ва турлари (синфлари). Мажбурий суғурта

Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун билан қуйидаги суғурта соҳалари белгилаб берилди:

- **ҳаётни суғурталаш** (жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиги, меҳнат қобилияти ва пул билан таъминланишига боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш. Бунда шартнома бўйича суғурталашнинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади ва суғурта шартномасида келишиб олинган бир марта тўланадиган ёки ўсиб боровчи фоизларни ўз ичига олган, даврий равишда тўланадиган суғурта суммаларидан иборат;

- **умумий суғурта** (шахсий суғурта, мулкни суғурталаш, жавобгарликни суғурталаш ва суғуртанинг ҳаётни суғурталашга кирмайдиган тармоқларга кирувчи бошқа турлари).

Суғурта хатарлари ёки уларнинг гуруҳлари умумий хусусиятларига мувофиқ равишда ҳамда улар билан боғлиқ мажбуриятларга боғлиқ ҳолда суғурта тармоқлари суғурта турлари (синфлари)га бўлиниб, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Суғурта фаолияти классификатори¹ бўйича ҳаётни суғурталаш соҳасига 4 та, умумий суғурта соҳасига эса, суғуртанинг 17 та синфи киритилган бўлиб, улардан ҳар бири бўйича суғуртанинг аниқ бир тури ҳамда уларни олиб бориш шартлари бўйича мазмуни ва талаблари белгилаб берилган. Масалан, ҳаётни суғурталаш соҳасига - суғуртанинг ҳаётни суғурталаш, никоҳ ва туғилиш, соғлиқни суғурталаш ва ҳ.к. киради. Умумий суғурта соҳасига - бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, умумий фуқаролик жавобгарлиги, авиация ва денгиз суғуртаси, мулкни зарардан

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини тартибга соlish чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 январдаги 413-сонли қарори билан тасдиқланган Суғуртачилар ва суғуртачи брокерлар суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомга 1-илова.

суғурталаш, кредитлар, ер усти транспорт воситалари, автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ва бошқалар киради.

Фуқаролик кодексининг 914-моддасига мувофиқ суғурта ихтиёрий ва мажбурий бўлиши мумкин.

Ихтиёрий суғурта томонларнинг хоҳиш-иродаси бўйича амалга оширилади. Бундай суғурта шартлари суғурталовчи билан суғуртачи ўртасида тузиладиган шартнома бўйича белгиланади. Бундай шартномани тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш тартиби фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Шу билан бирга, айрим масалалар, хусусан, суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича юридик шахслар учун йиллик харажатлар нормативига тегишли қисмига оид масалалар молия ҳуқуқи меъёрлари билан ҳам тартибга солинади¹.

Мажбурий суғуртада томонлар суғуртанинг ушбу турини тартибга солувчи қонунчиликда назарда тутилган шартларга асосан суғурта шартномасини тузишлари лозим, яъни ушбу ҳолда томонларнинг хоҳиш-иродаси ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас ва, бундан ташқари, суғурта шартлари томонларнинг келишуви бўйича ўзгартирилиши мумкин эмас, балки қонун талабларига қатъий риоя этилиши шарт. Бошқача айтганда, қонуний куч асосидаги суғурта мажбурий суғурта ҳисобланади.

Мажбурий суғурта қуйидаги турларда бўлиши мумкин: бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат мажбурий суғуртаси ва суғуртачиларнинг маблағлари ҳисобидан қилинадиган мажбурий суғурта.

Мажбурий суғуртада юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар барча ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган хусусиятларга, хусусан, айна ҳокимият-мулкый хусусиятга эга бўлади. Шундай қилиб, давлат мажбурий суғурталашнинг турлари, тартиби ва шартларини белгилаб беради. Давлат ёки у ваколат берган орган мажбурий давлат суғуртаси бўйича муносабатлар субъекти сифатида бевосита иштирок этади, ушбу муносабатларни тартибга солишда ҳокимият курсатмалар усулидан фойдаланади. Мазкур шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, республикамизнинг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ва молия ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган мажбурий суғуртанинг асосий турларини кўриб чиқамиз.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда *даво, темир йўл, ички сувлар ва умумий фойдаланиладиган автомобиль транс-*

¹ Ушбу норматив Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 январдаги 413-сонли қарори билан белгилаб берилган.

порти йўловчиларини мажбурий шахсий суғурталаш назарда тутилган¹.

Мажбурий суғурта мазкур турининг мақсади ҳаво, темир йўл, ички сувлар ва автомобиль транспорти йўловчиларини сафар (самолётда учиб) вақтида ёки аэропорт, вокзал, станция, пристанда бўлган вақтда бахтсиз ҳодисалардан ҳимоялашни таъминлашдан иборатдир.

Мажбурий суғурта қилинмайдиган йўловчилар:

- шахар атрофидаги темир йўл, ички сувлар ва автомобиль транспорти йўловчилари;

- шахар йўналишларидаги автомобиль транспорти йўловчилари;

- бир вилоят доирасидаги, Қорақалпоғистон Республикасида 50 км гача бўлган масофадаги автомобиль транспорти йўловчилари.

Самолёт, поезд, автобус, кема ва паром, солларда умумий фойдаланиладиган йўналишларда (шаҳар ичи ва шаҳар атрофи йўналишлари бунга кирмайди) йўловчиларни ташувчи транспорт ташкилотларида билет сотиб олган жисмоний шахслар (йўловчилар) - суғуртачилар, тегишли лицензияга эга бўлган суғурта ташкилотлари эса - суғурта қилувчилар ҳисобланади.

Суғурта ҳодисаларига суғурта муддати давомида юз берган бахтсиз ҳодиса натижасида ҳамда бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома, пикастланиш, захарланиш ёки ўлим тўғрисида даволаш-профилактика муассасаси томонидан тасдиқланган маълумотнома киради.

Ўзбекистон Республикаси транспорт воситаларига чипталар сотиб олган ҳаво, темир йўл, ички сувлар ва умумий фойдаланиладиган автомобиль транспорти йўловчиларини мажбурий шахсий суғурталаш бўйича суғурта суммаси бир йўловчига энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида белгиланган бўлиб, тўлов миқдори - энг кам иш ҳақи суммасидан 0,2 фоиздир.

Эркин айирбошланидиган хорижий валютага чипта сотиб олинаётган вақтда суғурта суммаси 20000 долларни, суғурта мукофоти миқдори - 2 долларни ёки бу сумманинг бошқа чет эл валютасидаги эквивалентини ташкил этади².

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳаво, темир йўл, ички сув ва умумий фойдаланиладиган автомобиль транспорти йўловчиларини мажбурий шахсий суғурталаш тўғрисида» 1993 йил 7 майдаги қонуни //ЎР ОҚА, 1993, №6, 250-м.; УР ОМА, 1998, №3, 38-м.

² Курсатилган суғурта суммалари ва суғурта тарифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ҳаво, темир йўл, ички сув ва умумий фойдаланиладиган автомобиль транспорти йўловчиларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдори тўғрисида» 1993 йил 30 июлдаги 379-сонли қарор билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 апрелдаги 217-сонли; 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли (3-илованинг 1-булими) қарорлари билан киритилган ўзгартиришлар билан.

Суғурта мукофоти билет нархига киритилади.

Ҳаво, темир йул, ички сувлар ва умумий фойдаланиладиган автомобиль транспортдан бецул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган йўловчилар амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда ҳақ ёки суғурта туловини туламасдан мажбурий суғурта қилинади.

Йўловчилар билетларни сотиб олганларидан кейин бошланғич жўнаш пункти ҳудуди (аэропорт, вокзал, станция, пристань)да бўлган вақтидан бошлаб транспорт воситаси жадвал бўйича жўнаб кетгунига қадар бир соатдан ортиқ бўлмаган вақт қолганида суғурта қилинган ҳисобланади.

Йўловчи аэропорт, вокзал, пристань сўнги жўнаш пункти ҳудудидан чиқиб кетганидан кейин суғурта муддати тугайди.

Суғурта қилинган йўловчи транспортдаги бахтсиз ҳодиса натижасида шикастланган ёки умумий меҳнат қобилиятини йўқотган бўлса, унга турар жойидаги суғурта инспекцияси (суғурта органи) томонидан суғурта суммаси тўланади.

Суғурта туловларини тўлаш бўйича низолар суғурта органлари томонидан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади. Суғуртачининг талаблари қондирилмаган ҳолда, у судга мурожаат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида транспорт воситаларини ишлатиш натижасида зарар етказилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялаш учун 1995 йил 1 январдан бошлаб *транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш амалга киритилган*¹.

Суғуртачилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритувчи транспорт воситалари эгалари – жисмоний шахслар ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги юридик шахслар ҳисобланади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича транспорт воситаси бирлигидан бир йилда бир марта ундириб олинадиган суғурта суммаси ҳажмидан суғурта мукофотлари тарифлари миқдори транспорт воситаларининг алоҳида турлари бўйича ҳамда жисмоний ва юридик шахслар бўйича алоҳида суғурта суммасига нисбатан фоизларда (қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик баробари миқдорида) белгилаб қўйилган. Масалан, енгил автомобиллар бўйича у: юридик шахслар бўйича – 1,5 фоиз, жис-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машина ва механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида» 1994 йил 30 декабрдаги 532-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 апрелдаги 217-сонли; 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли (3-илованинг 1-бўлими) қарорлари билан киритилган ўзгартиришлар билан.

моний шахслар бўйича – 1 фоиз; юк автомобиллари бўйича мувофиқ равишда: – 2 ва 1,5 фоизни ташкил этади ва ҳ.к¹.

Юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни қоплаш учун суғурта суммаларининг чегара миқдорлари қуйидагича:

мулкка етказилган зарарни қоплаш учун (ҳар битта зарар бўйича) – энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида;

ўлим билан тутаган зарарни қоплаш учун (ҳар бир жабрланувчи бўйича) – энг кам иш ҳақининг 30 баробари миқдорида.

Суғурта мукофотлари ҳар йили: юридик шахслар бўйича – 1 июлга қадар, жисмоний шахслар бўйича – 1 сентябрга қадар тўланади. Суғурта мукофотларини тўлашнинг ушбу муддатлари ўтганида киритилмаган сумма боқимонда ҳисобланади ва ҳар бир кечиктирилган кун учун боқимонда суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади ва ундириб олинади.

Суғуртанинг мазкур тури бўйича суғурта мукофотлари тўла-нишини назорат қилиш Давлат йўл ҳаракат хавфсизлиги хизмати, Давлат қишлоқ хўжалик техника назорати органлари, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ равишда суғуртанинг ушбу турини амалга оширувчи суғуртачилар зиммасига юклатилади.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятни ўтовчилар, оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш мақсадида 1994 йили хизматни ўташ (йигинлар) даврида ўлиш, шикастланиш (контузия), касал бўлиш ҳолларида *ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятни ўтовчилар, оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибини давлат томонидан мажбурий суғурталаш амалга киритилган*².

Суғуртанинг мазкур тури Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлигига бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Уларнинг ўзи суғуртачилар томонидан белгиланган.

2003 йил бошига қадар ваколатли суғуртачи «Кафолат» Давлат-акциядорлик суғурта компанияси бўлган эди, 2003 йил 1 январдан бошлаб бу функциялар «Ўзбекинвест» Миллий компанияси зиммасига юклатилди. Ваколатли суғуртачи ҳар бир келгуси йил бошлангунига қадар суғуртачилар билан зарур бўлган суғурта шартномалари тузилишини таъминлайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарорини илова.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий килматчилар ва ҳарбий мажбуриятни ўтовчилар, одий аскарлар ва бошлиқлар таркибини давлат томонидан мажбурий суғурталаш тўғрисида» 1994 йил 26 январдаги 38-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 161-сонли (2-илова), 1999 йил 19 сентябрдаги 431-сонли; 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли (3-илованинг II бўлими) қарорлари билан киритилган ўзгартиришлар билан.

Суғурта суммаси қуйидаги суғурта ходисалари руй берган вақтда туланади:

а) суғурта қилинган шахс хизматни ўташ (йигин) даврида ёки хизмат (йигин)дан бўшатилоганидан кейин бир йил ўтгунига қадар ўлган, хизматни ўташ (йигин) даврида жароҳатланган (контузия), касал бўлган ҳолда унинг меросхурларига (мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бўйича) – республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 7 баробари миқдорида;

б) суғурта қилинган шахснинг хизматни ўташ (йигин) даври билан боғлиқ ҳолда олган ногиронлиги аниқланган тақдирда хизмат (йигин)дан бўшатилоганидан кейин бир йил ўтгунига қадар: «а» бандда назарда тутилган туловлар миқдоридан I гуруҳ ногиронига – 75 фоиз, II гуруҳ ногиронига – 50 фоиз, III гуруҳ ногиронига – 30 фоиз миқдорида;

в) суғурта қилинган шахс хизматни ўташ (йигин) даври билан боғлиқ ҳолда жароҳат олган бўлса, «а» бандда назарда тутилган туловлар миқдоридан оғир жароҳат олганга – 20 фоиз, енгил жароҳатланганга – 10 фоиз миқдорида.

Суғурта мукофоти тарифи 2003 йил 1 январдан бошлаб бир йилда бир суғурта қилинган шахсга энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида белгиланган.

Солиқ органлари ходимларини давлат томонидан мажбурий суғурталаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари ходимларини давлат мажбурий суғуртаси бўйича суғурта суммалари ва суғурта тарифлари миқдорлари тўғрисида»¹ 1994 йил 10 декабрдаги 631-сонли қарорида назарда тутилган.

Суғуртанинг мазкур тури бўйича суғурта суммаси тулов кўпида қопунчилик билан белгиланган энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорини ташкил этади ва республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Суғурта мукофоти Давлат солиқ қўмитаси (суғурталовчи) томонидан ваколатли суғуртачига солиқ органининг суғурта қилиниши керак бўлган ҳар бир ходимига тулов вақтида амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида туланади. Солиқ органлари ходимларини давлат мажбурий суғуртасини амалга ошириш учун ваколатли суғурталовчи 2003 йил 1 январдан бошлаб «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта Миллий компанияси ҳисобланади.

Амалдаги қонунчиликда мажбурий суғуртанинг бошқа турлари ҳам назарда тутилган. Масалан, 2000 йил 1 январдан бошлаб ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида

¹ Ушбу меъёрий ҳужжатнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарорида 3-илова IV бўлими таҳририда баён этилган;

қурилиш ишлари пудрат шартномаси бўйича томонларнинг манфаатларини ҳимоялаш, қурилиш хатарлари ва суғурта ҳодисалари натижасида вужудга келадиган, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш мақсадида давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобидан объектларни қуриш вақтида қурилиш хатарларини мажбурий суғурталаш амалга киритилган¹.

3. Суғурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Суғурта фаолияти суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган иш-фаолиятдан иборат (Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 3-моддаси)

Суғурта фаолияти субъектлари суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари бўлиб, уларга *суғурта қилувчилар, суғурта воситачилари (суғурта брокери, қайта суғурталовчи брокер ва суғурта агенти)* ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик ва жисмоний шахслар киради.

Суғурта шартномасига мувофиқ равишда суғурта тўлови (суғурта суммаси)ни амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс *суғурта қилувчи* деб топилади. Суғурта фаолиятини тартибга солиш бўйича махсус ваколатли давлат органи сифатидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартиб ва шартларда суғурта ҳодисаларининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш ҳуқуқига эга. Бунда, умумий қоидага кўра, суғурта қилувчилар бевосита суғурта қилиш билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана олишмайди. Қуйидагилар истисно ҳисобланади: махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган тартиб ва шартлардаги инвестицион фаолият; суғурта соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолият; суғурта агенти сифатида суғурта бўйича воситачилик фаолияти.

Суғурта қонунчилиги суғурта қилувчиларнинг асосий фаолияти сифатида бирон-бир муайян ташкилий-ҳуқуқий фаолият шаклини назарда тутмайди. Масалан, банк қонунчилигида банклар фаолиятининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида мулкчиликнинг ҳар қандай шаклига асосланган акциядорлик жи-

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобидан объектларни қуриш вақтида қурилиш хатарларини мажбурий суғурталаш тўғрисида» 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарорига 3-илованин ХI бўлимига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан.

мияти шакли назарда тутилган. Суғурта фаолияти туғрисидаги қонунда фақат меъёр мавжуд бўлиб, унга мувофиқ равишда суғурта қилувчилар қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши мумкин (11-модда).

Суғурта қилувчи номидан ва унинг топшириғи бўйича суғурта шартномасини тузиш ва ижро этишни ташкил этишга оид иш-фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс **суғурта брокери** бўлиши мумкин, у ушбу фаолиятни суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан биргаликда олиб бориш ҳуқуқига эга эмас (қайта суғурта қилувчи брокер фаолияти бунга кирмайди).

Қайта суғурталаш шартномаси бўйича суғурта қилувчи сифатида ўз номидан ва суғуртачининг топшириғи бўйича қайта суғурталаш шартномасини тузиш ва ижро этишни ташкил этишга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс **қайта суғурта қилувчи брокер** бўлади.

Суғурта қилувчи номидан ва унинг топшириғи бўйича суғурталаш шартномасини тузиш ва ижро этишни ташкил этишга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс **суғурта агенти** сифатида қатнашиши мумкин. Суғурта қилувчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси¹ томонидан белгиланган тартибда Молия вазирлиғи томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади.

Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия суғурта қилувчига суғурта фаолиятининг ё ҳаётни суғурта қилиш тармоғи, ёки умумий суғурта тармоғи бўйича фаолият билан шугулланиш учун берилди. Бу шуни англатадики, суғурта қилувчи суғуртанинг кўрсатилган иккала тармоғи бўйича фаолиятни бир вақтда бажариш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан белгиланган ҳолларда ҳаётни суғурталаш тармоғи бўйича суғурта фаолиятини амалга оширувчи суғурта қилувчига умумий суғурта тармоқларининг айрим турлари (синфлари) бўйича суғуртани амалга ошириш ҳуқуқи берилиши мумкин. Умумий суғурта тармоғида суғурта фаолиятини олиб борувчи суғурта қилувчи суғуртанинг фақат ушбу тармоғи доирасидагина суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

Лицензияда суғурта қилувчи амалга ошириши назарда тутилган суғурта турлари (синфлари) кўрсатилади.

Суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олинган мажбурий бўлган шартлардан бири Ўзбекистон Республикаси

¹ Суғурта қилдирувчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш туғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида» 2002 йил 27 январдаги 413-сонли қарори билан тасдиқланган (1-илова).

Хукумати томонидан белгиланадиган устав жамғармаси - низом жамғармасининг энг кам миқдорини бўлгуси суғурта қилувчи томонидан шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 январдаги 413-сонли қарори билан устав жамғармасининг энг кам миқдори суғурта қилувчиларнинг тармоқлар ва суғурта турлари бўйича ихтисослашувига қараб белгиланган. Шундай қилиб, ҳаётни суғурталаш тармоғида ихтисослашган суғурта қилувчилар учун у 250 минг АҚШ долларига тенг сумма миқдорида; умумий суғурта тармоғида - 150 минг АҚШ долларига тенг сумма миқдорида; қайта суғурталаш фаолиятида (агар фаолият тури фақат қайта суғурталаш бўлса) - 2 млн. АҚШ долларига тенг сумма миқдорида белгиланган.

Мажбурий суғурта бўйича фаолиятни амалга ошируви суғурта қилувчилар учун устав жамғармасининг энг кам миқдори 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммада белгиланган.

Суғурта қилувчининг устав жамғармасини кредит, гаров остида олинган маблағлар ва бошқа жалб этилган маблағлар ҳисобидан шакллантириш учун фойдаланилишига йўл қўйилмайди. Суғурта қилувчининг устав жамғармаси суғурта қилувчи муассислари томонидан лицензия олинishiга қадар тўланган бўлиши керак.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши ёки бутунлай тўхтатиб қўйилиши мумкин, бу эса, муайян ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади. Масалан, суғурта қилувчи лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш улар томонидан янги суғурта шартномаларини тузиш, амалдаги суғурта шартномаларининг муддатини узайтиришни тақиқлаб қўйишга олиб келади. Бунда суғурта қилувчи илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни белгиланган тартибда бажариши шарт. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган ҳолда, суғурта қилувчининг илгари ишлаб турган органлари ваколати тўхтатилиб, суғурта қилувчининг махсус ваколатли давлат органи томонидан тайинланадиган вақтинчалик маъмурияти тасарруфига ўтади. Вақтинчалик маъмурият қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта қилувчини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширади.

4. Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 27 январдаги 413-сонли қарорига мувофиқ равишда бундай орган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобланади.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича бевосита функцияларни Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта назорати бўйича Давлат инспекцияси амалга оширади. У суғурта муносабатлари барча қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги суғурта ташкилотлари фаолиятини назорат қилишга қаратилган давлат органи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғурта назорати бўйича Давлат инспекцияси тўғрисида низом асосида фаолият юритади¹.

Мазкур Давлат инспекциясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ижро этиш учун мажбурий бўлган тўлов қобилияти нормативларини белгилаш ва уларни аниқлаш тартиби, айрим хатарлар бўйича суғурта қилувчиларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чекланган мажбуриятлари ва жами мажбуриятлар миқдорини ҳисоблаш усули, суғурта қилувчиларнинг тўлов қобилияти бўйича маълумотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилаш;

суғурта бозори профессионал қатнашчилари томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, тўлов қобилияти бўйича белгиланган нормативлар ва улар молиявий барқарорлигининг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилиш;

суғурта қилувчилар томонидан суғурта заҳира маблағларини шакллантириш ва жойлаштириш бўйича ҳисоб юритиш ҳамда ҳисобот тузиш тартибини белгилаш;

ижроия органи раҳбари ва суғурта қилувчи бош бухгалтерига ижро этиш учун мажбурий бўлган малакавий талабларни белгилаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган. Ушбу Низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 193-сонли қарорига илованинг 3-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 январдаги 413-сонли қарорига 3-илованинг X бўлимига мувофиқ равишда тузатишлар киритилган.

суғурта қилувчилар томонидан суғурта захираларини ташкил этиш ва жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш;

суғурта қилувчилар томонидан суғурта ҳодисаларининг олдиди олиш ва огоҳлантириш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш тартиби ва шартларини белгилаш;

суғурта бозори профессионал қатнашчилари фаолиятини текшириш ва аниқланган тартиббузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни киритиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда суғурта қилувчилар ва суғурта брокерлари лицензиялари ёки суғурта айрим турлари (синфлари) ҳамда уларнинг амал қилишини тўлиқ тўхтатиб қўйиш;

ҳар бир молия йили тугаши билан олти ой давомида суғурта фаолияти тартибга солиш ва назорат этиш бўйича фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботлар ҳамда молия йили давомида суғурта бозори иш-фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни босиб чиқариш;

қонунчиликка мувофиқ равишда бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ равишда Давлат инспекцияси қўйидаги функцияларни бажаради:

суғурта қилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилигига риоя этилиши ва улар ҳисоботларининг тўғрилигини текшириш, шунингдек, улар учун белгиланган тўлов қобилияти кўрсаткичлари ва бошқа молиявий барқарорлик талаблари бажарилишини таъминлаш;

суғурта қилувчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш;

ўз ваколатлари доирасида суғурта қилувчилар ишини услубий жиҳатдан таъминлаш;

суғурта қоидалари (шартлари) бўйича таклифлар тайёрлаш ва суғурта мажбурий турлари бўйича суғурта тарифларини белгилаш;

Давлат инспекциясида тасдиқланган вақтдан бошлаб суғурта муносабатларининг барча қатнашчилари ижро этиши мажбурий бўлган суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш бўйича норматив ҳужжатлар ва методик материалларни ишлаб чиқиш;

суғурта фаолияти масалаларига оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун назоратлик раҳбариятига тақдим этиш;

суғурта қилувчиларни тугатиш ва қайта ташкил этиш вақтида суғурта қилдирувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

республикада суғурта фаолиятининг аҳволи ва унинг ривожланиш йўналишларини таҳлил этиш;

суғурта фаолияти бўйича мутахассисларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш, суғурта фаолияти масалалари бўйича семинарлар ва конференциялар ташкил этиш.

Давлат инспекцияси ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурта қилувчилардан суғурта фаолияти тўғрисида белгиланган ҳисобот ва уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни олиш, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилотлар, банклар (кичик ва ўрта корхоналар, микрофирмалардан ташқари), фуқаролардан ўз зиммасига юклатилган функцияларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, маълумотларни олиш;

суғурта қилувчилар томонидан суғурта тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш мақсадида улар фаолиятини текшириш, бунинг учун зарур бўлган ҳолларда комиссиялар ва ишчи гуруҳлари ташкил этиш ва ҳ.к.

IV БЎЛИМ. ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

17-боб. Давлат харажатларининг ҳуқуқий асослари

1. Давлат харажатлари гушунчаси ва уларнинг таснифи

Ўз функцияларини амалга ошириш жараёнида давлат ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва жамиятнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш учун пул маблағларини харажат қилади. Ушбу харажатлар давлат томонидан бутун молия йили давомида доимий равишда ва ҳар қуни сарфланади ҳамда бу билан унинг нормал фаолияти таъминланади.

Давлат харажатлари, авваламбор, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағлари жамгармаларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларни ифодалайди, шу нуқтаи назардан улар иқтисодий категория ҳисобланади. Аммо иқтисодий категория сифатида давлат харажатларининг нормал фаолияти тегишли ҳуқуқий таъминотни талаб қилади, шу таъминот воситасида давлат харажатларининг мақсадли йўналиши, уларни амалга ошириш ҳажми ва тартиби, давлат органларининг давлат харажатлари соҳасидаги ваколати ва ҳ.к. белгиланади.

Шундай қилиб, *давлат харажатлари* – давлатнинг молиявий харажатлари бўлиб, давлатнинг ўз функцияларини бажариши билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондириш учун марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамгармаларини тақсимлаш ҳамда улардан узлуксиз равишда фойдаланиш бўйича ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Давлат харажатлари ҳар хил турдаги харажатларни бирлаштириб, уларнинг мазмуни давлат томонидан бажариладиган...у ёки бу функцияларнинг хусусияти билан белгиланади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, улар ижтимоий-маданий соҳа, иқтисодиёт, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини молиялаштириш бўйича харажатларни ўз ичига олади. Давлат харажатлари барча турларининг мажмуи давлат харажатлари тизимини ташкил этади.

Мазкур тизим бўғинлари мазмуни ва аҳамиятига кўра бир турда бўлмай, бу уларни тавсифловчи энг муҳим хусусиятларига қараб турли гуруҳлар бўйича таснифлаш зарурлигини белгилаб беради. У давлат харажатлари моҳияти, уларни амалга ошириш

механизмларини яхшироқ аниқлаб олиш, тегишли қонунчиликни такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиётининг асосий йўналишларини белгилаш учун ёрдам беради.

Давлат харажатларини турли мезонлар бўйича ва, хусусан, *иқтисодий мазмуни, ҳудудий ва тармоқ белгиси, шунингдек, давлат харажатлари молияланадиган пул жамғармалари турларига қараб* тасниф қилиш мумкин.

Давлат харажатлари иқтисодий мазмуни бўйича уч гуруҳга булинади: а) *моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлган харажатлар*; б) *ноишлаб чиқариш соҳасидаги харажатлар*; в) *давлат заҳира жамғармаларини ташкил этиш учун харажатлар*.

Ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлган харажатлар иқтисодиётда тузилмавий ўзгартиришларни ўтказиш, авваламбор, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун йўналтирилган илғор саноат тармоқларини ривожлантириш, давлат инвестицион дастурларини муваффақиятли амалга ошириш зарурати билан боғлиқдир.

Ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланадиган харажатлар, бозор муносабатларининг шаклланиши шарт-шароитларида, биринчи навбатда, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш учун йўналтирилади. Ушбу харажатлар аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш, фан, маданият, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, жамият барча аъзоларини ижтимоий таъминлаш учун йўналтирилади. Бундан ташқари, давлат давлат ҳокимияти, бошқарув органлари ва суд органларини сақлаш, мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар учун харажатларни амалга оширади ва ҳ.к.

Давлат заҳираларини ташкил этиш ва тўлдириш учун харажатлар фавқулодда ҳодисалар юз берганида моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари харажатларини қоплаш, масалан, табиий офатлар содир бўлган вақтда йўқотишларни ва уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган.

Қонунчиликда заҳира жамғармасини ташкил этиш ва фойдаланишнинг марказлаштирилган тартиби назарда тутилган бўлиб, унинг ҳажми Давлат бюджетининг ҳар бир молия йили учун белгиланадиган асосий параметрларида белгилаб берилади. Заҳира жамғармалар республикамиз бюджет тизимининг бошқа даражаларида ҳам яратилади.

Ҳудудий белгиси бўйича давлат харажатлари *умумий республика ва тегишли маъмурий-ҳудудий тузилмалар* (Қорақал-

поғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ва ҳ.к.) харажатларига бўлинади. Давлат харажатларининг бундай таснифи муайян босқичда ижтимоий жараёнларни ривожлантиришда умумдавлат ва минтақавий устуворликларни ҳисобга олган ҳолда, харажатларнинг кўрсатилган турлари ўртасидаги энг мақбул нисбатни аниқлаш ҳамда шу асосда давлат харажатлари ва уларнинг ҳуқуқий таъминотини молиялаштириш шакллари ва усулларига ўз вақтида тузатишлар киритиш учун имкон беради.

Давлат харажатлари **тармоқ белгиси бўйича саноат, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалиги, ахборотлаштириш, соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот ва иқтисодий, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишининг бошқа тармоқлари** учун харажатларни ўз ичига қамраб олади. Айрим тармоқларни ривожлантириш учун назарда тутилаётган давлат харажатлари ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий қурилишнинг турли босқичларида давлат олдида турган вазифаларга қараб ўзгариб туради.

Давлат харажатлари молияланадиган пул маблағлари жамғармаларининг турларига қараб унинг харажатлари марказлаштирилмаган ва марказлаштирилган бўлиши мумкин.

Марказлаштирилмаган давлат харажатлари давлат корхоналари ва ташкилотларининг қонунчилик билан белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин бевоқифа уларнинг ихтиёрида қоладиган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларидан иборат бўлиб, ўзларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий масалаларини ҳал этиш учун сарфланади. Ишлаб топилган фойдани корхоналар томонидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни давлат томонидан қатъий тартибга солишга асосланган ишлаб чиқаришнинг социалистик усулидан фарқли равишда, ҳозирги вақтда хўжалик субъектлари ўз даромадларидан фойдаланиш йўналишларини ўзлари белгилайди.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан марказлаштирилмаган давлат харажатларининг роли бирмунча пасаяди, бу ушбу корхоналарни хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг бошқа шакллари (акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар ва бошқалар нодавлат ишлаб чиқариш ва тижорат тузилмалари)га ўзгартириш жараёнларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш шароитларида давлат корхоналари сонини қисқартириш билан боғлиқдир.

Ҳозирги замон шароитларида марказлаштирилмаган давлат харажатларининг таркибий тузилмаси ўзгариб бормоқда. Агар хусусийлаштириш жараёнлари кенгайтунига қадар бундай харажатларнинг асосини фақат давлат корхоналарининг харажатлари

ташқил этган бўлса, энди улар мулкчилик шаклини ўзгартирган хусусийлаштирилган корхоналарнинг харажатларини ҳам ўз ичига олади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хусусийлаштиришдан давлат томонидан олинган маблағларнинг бир қисми хусусийлаштирилган корхона хўжалик юритишнинг янги шароитларига мослашиши, илгари ишлаб турган корхона фаолият йўналиши бўйича ишни давом эттириши учун унинг ихтиёрида қолдирилади. Бундан ташқари, марказлаштирилмаган давлат даромадларига давлат иштирокида тузилган (мамлакат ва чет эл) корхоналари томонидан амалга ошириладиган харажатларни ҳам киритиш мумкин. Бундай корхоналар устав капиталида ўз улушига эга бўлиб, давлат ўз маблағлари билан ушбу корхоналар харажатларида иштирок этади.

Марказлаштирилган давлат харажатлари давлат харажатлари тизимида етакчи роль ўйнайдиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бюджет харажатларининг бундай роли шу билан боғлиқки, давлат харажатларининг катта қисми унинг айна марказлаштирилган пул маблағлари ҳисобидан қопланади. Давлат ресурсларини марказлаштириш уларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларида тўплашга имкон беради.

Давлат марказлаштирилган харажатлари тузилмасига республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар харажатлари киритилади. Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари ҳам шунга киради.

Давлат марказлаштирилган харажатларининг йўналиши ва ҳажми макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози асосида бюджетни режалаштириш жараёнида белгиланади ва Давлат бюджетининг харажатлар қисмида белгиланади.

Давлат харажатлари соҳасида юзага келадиган муносабатлар молия ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Унинг воситасида давлат харажатлари таркиби ва тузилмаси, уларнинг аниқ ҳажмлари, у ёки бу тадбирларни қоплаш учун харажатларни амалга ошириш тартиби, давлат органлари ваколати ва улар фаолиятининг ҳуқуқий шакллари, турли субъектларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тартибга солиниб, ушбу субъектлар давлат пул маблағларидан кунда ва узлуксиз равишда фойдаланиш, давлат харажатлари тўғрисида амалдаги қонунчилик бузилганлиги учун жавобгарликни амалга ошириш учун даъват этилади. Қошқача айтганда, ҳуқуқ меъёрлари билан давлат харажатлари соҳасидаги молиявий муносабатларнинг бутун мажмуи тартибга солинади ва шу сабабли адабиётларда билдирилган ушбу муноса-

батлар «фақат ҳуқуқий муносабатлар сифатида намоён бўлиши мумкинлиги»¹ тўғрисидаги фикр бутунлай ҳаққонийдир. Мазкур ҳол кўрсатилган муносабатларнинг жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлашдаги алоҳида аҳамияти билан тушунтирилади.

2. Бюджетдан молиялаштириш тушунчаси ва тамойиллари

Бюджетдан молиялаштириш давлат харажатларини амалга оширишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Қайд этилганидек, давлатнинг асосий харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиб, улар давлат ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг энг устувор йўналишларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

Бюджетдан молиялаштириш – Давлат бюджети ҳисобидан корхоналар ва ташкилотларга уларнинг харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш учун қайтарилмаслик асосида маблағлар беришдир.

Бажарадиган функцияларининг хусусиятига кўра, одатда, ўз маблағларига эга бўла олмайдиган, аммо уларнинг фаолияти жамият ва давлат эҳтиёжларини қондиришнинг зарурий шарти бўлган ташкилотларнинг харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига тўлиқ қопланади. Уларга ўз харажатларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплайдиган ва смета-бюджет молиялаштириш тартибида харажатларини амалга оширадиган ноишлаб чиқариш соҳасидаги ташкилотлар (ижтимоий-маданий, давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқалар) киради. Хўжалик юритиши ёки оператив бошқарувида давлат мулкига эга бўлган ва ишлаб чиқариш фаолиятдан даромад оладиган корхона ва ташкилотлар бюджетдан қисман молияланади. Улар ўзларининг асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий харажатларини ўз маблағлари ҳисобидан қоплайди. Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитларида давлат бюджет сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари мана шунда намоён бўлади. Ушбу сиёсатнинг моҳияти марказлаштирилган маблағларнинг моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга ажратилишини кескин чеклаш, шунингдек, давлат ва корхоналар маблағларини ажратиш-

¹ Финансовое право. Дарслик // проф. Н.И.Химичева таҳрири остида. – М., 1996. – 406-б. Ушбу фикр бюджет харажатлари соҳасидаги муносабатларга тегишли бўлишига қарамасдан, у давлат харажатларининг бошқа турларига ҳам қўлланиши мумкин.

дан иборат. Энди корхоналар ўз маблағларига ёки тижорат банкларининг кредит ресурсларига асосланишлари керак¹.

Аммо бу корхоналар бюджет маблағларини умуман ола олмайди ва улардан фойдалана олмайди, деган гап эмас. Бундай маблағлар бюджетдан мамлакат иқтисодиётида янги тузилмавий йўналишларни шакллантириш бўйича ниҳоятда муҳим бўлган давлат дастурларини бажариш учун ишлаётган корхоналарга ажратилади. Шу муносабат билан Давлат бюджети харажатлар қисмида иқтисодиётни, яъни моддий ишлаб чиқариш соҳасини молиялаштириш учун харажатларнинг махсус моддаси ажратилади.

Шундай қилиб, бюджетдан маблағ ажратиш икки шаклда бўлиши мумкин:

1) *ноишлаб чиқариш соҳасидаги давлат бюджет ташкилотларини молиялаштириш;*

2) *иқтисодий ва молиявий мустақилликка эга бўлган моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги давлат корхоналарини молиялаштириш.*

Ушбу шакллардан ҳар бири иқтисодий ва ҳуқуқий тусдаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Давлат харажатларини молиялаштириш асосида муайян таъмоийлар мавжуд бўлиб, уларга бюджетдан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, бериладиган маблағларнинг қайтарилмаслиги, режалаштирилган тадбирларнинг бажарилиши даражасига қараб молиялаштириш, тежамкорлик тартибига риоя этиш, бюджет интизомига риоя қилиниши учун жавобгарлик кабилар киради.

Мақсадли молиялаштириш таъмоийли давлат маблағларини фақат бюджетдан маблағлар ажратилган тадбирлар учунгина фойдаланилишини аниқлатади. Ушбу тадбирлар тегишли режалаштириш-молиявий ҳужжатлар (масалан, ноишлаб чиқариш соҳасидаги ташкилотлар сметалари)да қатъий қайд этиб қўйилган.

Бюджетдан молиялаштиришнинг қайтарилмаслик хусусияти шундан иборатки, берилган маблағлар бевосита қопланиши талаб қилинмайди. Бу билан давлат харажатларини молиялаштириш кредитлаш усулидан фарқ қилади: кредитлашда кредит маблағлари белгиланган муддатларда уларни олувчилар томонидан қайтарилиши, улардан фойдаланганлик учун эса, фоизлар тўланиши керак бўлади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели. Т.: Ўзбекистон, 1993-101-б.

Давлат харажатларини режалаштирилган тадбирларни бажариш даражасига қараб молиялаштириш тамойили га мувофиқ бюджетдан маблағлар ажратиш у ёки бу молиявий-режа ҳужжатларида белгиланган ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш вақтидагина амалга оширилади.

Бюджетдан молиялаштиришнинг муҳим тамойили *бюджет маблағларидан фойдаланишда тежамкорлик тартиби тамойили* ҳисобланади. Бюджет даромадларини шакллантиришда муайян қийинчиликнинг мавжудлиги ва унинг тақчиллиги бюджетдан ажратиладиган маблағларни тежаб сарфлаш, улардан оқилона фойдаланиш, тегишли сарф-харажатларни камайтиришнинг ички заҳираларини қидириб топишни талаб қилади.

Бюджет интизомига риоя этилиши учун жавобгарлик тамойили шундан иборатки, молиялаштириш тартибида ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш бўйича белгиланган тартибни бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган юридик таъсир кўрсатиш чоралари қўлланади.

18-БОБ. СМЕТА-БЮДЖЕТ ЙЎЛИ БИЛАН МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ

1. Смета-бюджет йўли билан молиялаштириш тушунчаси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш асослари

Смета-бюджет йўли билан молиялаштириш – одатда, ўз даромадларига эга бўлмаган ноишлаб чиқариш соҳасидаги муассасалар харажатларини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағлар берилишидир. Бундай муассасаларни сақлаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажми, мақсадли йўналиши ва чораклар бўйича тақсимоти смета билан белгиланади. Соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот муассасалари, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва айрим бошқа муассасалар ва ташкилотлар смета тартибида молияланади.¹

Смета-бюджет йўли билан молиялаштириш бюджет ташкилотлари фаолият йўналиши ва ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланадиган харажатлар мақсадли йўналиши ва меъёрларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Ушбу ташкилотлар харажатлари ҳар бир смета бўйича ажратилган маблағларнинг мақсадли йўналишини белгилайдиган бюджет таснифи моддалари, бўлимлари, параграфлари бўйича гуруҳларга ажратилади. Муассасанинг нормал фаолият юритиши учун маблағларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжи харажатларнинг ҳар бир тури бўйича тегишли ҳисоб-китоблар билан асослаб берилади.

Смета-бюджет йўли билан молиялаштиришнинг муҳим таъминоти бюджет ташкилотлари томонидан тармоқ, штат ва контингент бўйича режани бажариш даражаси ҳамда илгари берилган маблағларнинг амалдаги фойдаланилиши ҳисобга олинган ҳолда уларга маблағлар берилиши ҳисобланади. Сметада назарда тутилмаган ёки ажратилган маблағлардан ошадиган харажатлар қилиш ҳамда қандайдир бошқа манбалар ҳисобидан харажатларнинг оширилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»¹ 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори билан 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини

¹ Ушбу қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли ва 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарорларига мувофиқ равишда тегишли узгартиришлар киритилган.

молиялаштиришнинг янги тартиби амалга киритилган бўлиб, у махсус норматив ҳужжатда¹ мустақкамлаб берилган.

Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштиришнинг янги тартиби Давлат бюджети ҳисобидан молияланадиган тармоқларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан аниқ белгиланган йўналиш бўйича самарали фойдаланиш мақсадида ўрнатилган бўлиб, қуйидагиларни назарда тутлади:

бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш, бюджет маблағларини тежаб, самарали ва аниқ белгиланган мақсадда ишлатилиши ҳамда бюджет интизомини мустақкамлаш учун масъулиятини ошириш;

бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизмини соддалаштириш ва мавжуд маблағлардан фойдаланишда энг кўп натижаларга эришиш мақсадида уларни тўғри йўналтириш имкониятларини ташкил этиш;

фаолият турларига қараб, нормативлар бўйича бир сатр билан молиялаштириш, чегараланган ажратилган маблағларни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун гуруҳларга ажратиб, иш ҳақи, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар учун ҳисоблаб, бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш;

бюджетдан молиялаштиришни ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва бюджет ташкилотларининг фаолияти йўналиши бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш билан биргаликда олиб бориш;

бюджет ташкилотлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларни мустақкамлаш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ташкил этиш.

Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тегишли молия йили учун тасдиқланган бюджет параметрлари ҳамда бюджет ташкилотлари харажатлар сметасига мувофиқ равишда, бюджетни ижро этиш жараёнида рўйхат ва харажатлар сметасига киритилмаган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, тузилган бюджет харажатларининг йиллик рўйхатини чорақлар бўйича тақсимлаш йули билан амалга оширилади.

¹ Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 мартдаги 414-сонли қарорига илова). Мазкур Тартибга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган Ушбу Тартиб давлат мудофиа қобилияти, унинг кенгайтирилиши таъминлаш, мамлакатда янги тартибни қўллаб-қувватлаш ва б. билан боғлиқ бўлган хизматларни молиялаштиришга амал қилмайди, улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет ҳисобидан молиялаштириш нормативларига асосан харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларни қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия органларига тақдим этади¹.

✓ Бюджет ташкилотларини Давлат бюджети ҳисобидан янги тартибда молиялаштириш фаолият йўналиши турларига қараб, нормативлар бўйича харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари бўйича бир сатрда молиялаштириш усули билан амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа туловлар (болалик оилаларга бериладиган нафақалар, кам таъминланган оилаларга - моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақига ҳисоблаб, ёзиладиган харажатлар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестицион дастурида назарда тутилган адрес рўйхатларга мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар. ✓

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ биринчи навбатда бюджет ташкилотларининг I ва II гуруҳлар бўйича харажатлари молияланади. Бунда I гуруҳ харажатларини, II гуруҳ бўйича тегишли маблағларни ажратмасдан туриб, амалга ошириш тақиқланади.

Республика ва маҳаллий бюджетлардан I ва II гуруҳлар бўйича харажатларни молиялаштириш ҳар ойда сметалар ва харажатлар рўйхатига мувофиқ равишда, уларга киритилган ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда, амалга оширилади. Айни вақтда олдинги ҳисобот йили учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилиши ҳам ҳисобга олинади.

III гуруҳ харажатларини молиялаштириш бюджет ташкилотлари томонидан жорий молия йили учун Республика инвестицион дастурида белгиланган лимитлар доирасида амалга оширилади.

IV гуруҳ “Бошқа харажатлар” бўйича белгиланган лимитлар доирасида ажратилган молиявий маблағларни харажат қилиш қуйидаги навбатга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

- 1) овқатланиш;
- 2) дори-дармонлар;
- 3) коммунал хизматлар;
- 4) бошқа харажатлар.

¹ Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 декабрда 93-сонли қарор билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 13 декабрда 849-рақам билан рўйхатга олинган).

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ҳудудий молия ташкилотлари билан келишув бўйича IV гуруҳ маблағлари ҳисобидан (мавсумий ва шошилиқ тадбирлар (биринчи синф ўқувчилари учун мактабга керак нарсалар, кам таъминланган оилалар болалари учун қишқи кийим сотиб олиш, эпидемияга қарши, дезинфекцион ва бошқа тадбирлар)ни молиялаштириш учун оператив харажатлар қилиши мумкин.)

Қўриб чиқиладиган харажатлар гуруҳи ҳисобидан автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари (махсус транспортдан ташқари), уяли телефонлар ва бошқа предметлар (импорт офис мебелли, аудио- ва видеотехника¹) сотиб олишга фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолдагина йўл қўйилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджет ташкилотлари ҳисобварақларида қолган, тежалган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлардан ташқари) ҳисобот чораги охиригача иш куни тугаётганида олиб қўйилмайди. Улар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига ўтказилади ва белгиланган тартибда сарфланади. Бюджет ташкилотларини кейинги чоракка молиялаштириш ҳажми ҳисобот чорагида тежалган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари суммаси миқдоридан камайтирилмайди.

Юқорида қайд этилганидек, бюджет ташкилотларини янги тартибга мувофиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялаштиришнинг ҳар йилги базавий нормативларига асосан амалга оширилади, уларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва қўлланиш тартиби махсус норматив ҳужжатда назарда тутилган². Бундай нормативларни белгилашдан мақсад қуйидагилардан иборат:

контингент бирлигини сақлаш учун асоссиз равишда ҳисобланган катта харажатларга эга бўлган ҳудудлар ва ташкилотлар бўйича номутаносибликни тенглаштириш;

мавжуд контингентни сақлаш учун асоссиз равишда ҳисобланган катта харажатларга эга бўлган ташкилотларни нормативларга қиёслаб, қонунчиликда белгиланган тартибда уларни қайта ташкил этиш ёки тугатиш мақсадида аниқлаш;

бюджетдан молиялаштиришни фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш,

¹ Ўқув, илмий ва тиббий жараёнларда фойдаланиладиган жиҳозлар ва шу турдаги техника воситалари билан ташқари.

² Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялаштиришнинг ҳар йилги базавий нормативларини белгилаш тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 18 январдаги 15-сонли буйруғи билан тасдиқланган//МХБ, 2001, № 3-4.

бюджет ташкилотлари томонидан четдаги ташкилотларга вақтинча фойдаланилмайдиган хоналар ва бошқа давлат мулкани ижарага бериш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами ҳисобидан бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг бошқа манбалари билан биргаликда олиб бориш.

Нормативлар тегишли молия йили учун ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади ва минтақавий молия ташкилотлари, шунингдек, ижтимоий соҳа ташкилотларига эга бўлган вазирликлар, идораларга етказиб берилади.

Нормативлар хизмат кўрсатилаётган контингент бирлигига ҳисобланган, ҳар хил турдаги ташкилотларни сақлаш бўйича харажатлар катталиги бўлиб, умумий суммада иш ҳақи (амалдаги қонунчилик билан белгиланган устама ҳақ ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда), ускуналарни сотиб олиш ҳамда капитал таъмирлаш учун харажатлар ажратилади.

Бажарадиган функцияларини ажратиладиган маблағлар миқдори билан объектив миқдорий ўлчаш ва солиштириш имкони бўлмаган ташкилотлар ажратиладиган маблағлар умумий суммасига асосан молияланади. Уларга илмий ишланмалар, спорт ва байрам тадбирлари, архивлар, телевидение, радиони сақлаш учун ажратиладиган харажатлар ҳамда театрлар ва босма нашрлар учун бериладиган дотациялар киради.

Нормативларда капитал қўйилмалар учун харажатлар, шунингдек, марказлаштирилган тадбирлар – биринчи синф ўқувчилари учун дарсликлар, ўқув куроллари ҳамда кам таъминланган оилалардан бошланғич синфларда ўқиётган ўқувчилар учун қишки кийимлар сотиб олиш, ижтимоий соҳа ташкилотларини ҳокимиятлар балансига ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар ҳисобга олинади. Мазкур мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар миқдори тегишли бюджетлар ичида белгиланади.

Капитал таъмирлаш ва ускуна, жиҳозларни сотиб олиш учун харажатлар бўйича нормативлар минтақалар бўйича бюджет ташкилотлари турларига қараб белгиланган. Бу мақсадлар учун нормативлар бўйича ажратиладиган маблағлар суммаси ташкилотларнинг ускуна, жиҳозлар билан таъминланиши, моддий-техника базаси, таъмирлаш ишларини ушбу мақсадлар учун тасдиқланган харажатлар доирасида амалга ошириш жадвалларининг аҳволини ҳисобга олган ҳолда ташкилотлар ўртасида қайта тақсимланиши мумкин.

Бир турдаги бюджет ташкилотлари учун нормативлар ҳар бир минтақа бўйича базавий нормативни ушбу минтақа учун белгиланган коэффициентга кўпайтириш йўли билан ҳамда ушбу

жойда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, қонунчиликда белгиланган устама ҳақ, ташкилотларнинг иш йўналиши ва жойланиши (ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари), аҳоли зичлиги ва унинг ёш таркиби ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Республика ташкилотлари учун хизмат кўрсатиладиган контингент катталиги ва унинг вақтдаги ўзгаришларини ҳисобга олувчи айрим коэффициентлар ҳам белгиланади.

Минтақалар ва республика тасарруфидаги айрим ташкилотлар учун белгиланган, кўрсатилган коэффициентлар Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади ва минтақавий молия ташкилотларига ҳамда ижтимоий соҳадаги ташкилотлари бўлган вазирликлар, идораларга стказиб берилади.

Минтақавий молия ташкилотлари белгиланган минтақавий нормативларни туман (шаҳар) ҳокимиятлари молия бўлимларига маълумот учун жўнатади, улар эса, бюджетдан молияланадиган ташкилотлар учун тегишли нормативларни белгилайди. Бунда уларда ташкилотларнинг иш-фаолияти йўналиши, хизмат кўрсатиладиган контингент йўналишидаги фарқлар, улар (шу жумладан, ходимлар)нинг ўқиш ва яшаш шарт-шароитлари, ишлаш тартиботи қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Янги тартибда юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбаларини янада кегайтириш назарда тутилган. Бундай манбаларга ушбу ташкилотлар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олинган қўшимча даромадлар, вақтинча фойдаланилмаётган хоналар ва бошқа давлат мулкани чет ташкилотларга ижарага бериш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига кўрсатиладиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами киради.

Бюджет ташкилотларининг Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш билан бирга, амалдаги қонунчиликда бюджет интизомига қаттиқ риоя қилиш, бюджет маблағларини фақат кўзланган аниқ мақсадлар учун сарфлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўрилиши назарда тутилган¹.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибига риоя этиш, уларнинг тасдиқланган харажатлар таснифи,

¹ Қ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида; Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартиби» ҳақида 1999 йил 11 февралдаги 66-сонли қарори.

нормативлари ва лимитларига мувофиқ бўлиши учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ қўйидагилар жавобгар ҳисобланади:

бюджет ташкилотларининг раҳбарлар ва бош бухгалтерлари – бюджет ташкилотларининг ишлаб чиқилган ва рўйхатга олиш учун киритилган, тасдиқланган сметалари ва штатлар жадвалларининг тўғрилиги ва асослаб берилганлиги учун;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимининг ваколатли ходимлари, шунингдек, Молия вазирлиги марказий аппарати раҳбарлари ва ходимлари – бюджет ташкилотларининг рўйхатга олинган штатлар жадваллари ва йириклаштирилган сметаларининг тўғрилиги ва асосланганлиги учун.

Бюджет маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан молияланадиган ташкилотлар раҳбарлари бюджет интизомини бузганлик учун амалдаги меҳнат, маъмурий, жиноят қонунчилигига мувофиқ равишда шахсан жавобгар ҳисобланади. Бундай жавобгарлик бюджет маблағлари ва бошқа пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжудлиги, харажатлар гуруҳи бўйича тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар лимитини ошириш, смета-штатлар интизомини бузганлик, харажатлар сметасини ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботни ўз вақтида тақдим этмаганлик учун назарда тутилган.

2. Бюджет ташкилотлари сметалари, уларнинг турлари ва таркиби

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар (*бюджет ташкилотлари*) таркибидаги ташкилотларни молиялаштириш ушбу ташкилотлар учун тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Ҳар бир бюджет ташкилоти, у мустақил ҳисобот юритиши ёки марказлаштирилган бухгалтерия томонидан хизмат кўрсатилишидан қатъи назар, тасдиқланган харажатлар сметасига эга бўлиши керак.

Доимий амал қилувчи бюджет ташкилотлари бўйича сметалар 1 январдан бошлаб 31 декабрни ўз ичига олган бир йиллик муддатга, мавсумий ва йил давомида ишга тушириладиган ташкилотлар бўйича эса – уларнинг ушбу бюджет йилида ишлаш вақтига тузилади ва амал қилади.

Харажатлар сметаси – асосий режавий ҳужжат бўлиб, ташкилотларни сақлаш ҳамда хўжалик ва маданий қурилиш бўйича марказлаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун бюджет ҳисобидан бериладиган маблағлар ҳажмини, мақсадли

йўналиши ва чораклар бўйича тақсимотини белгилаб беради. Бу таъриф сметанинг моддий таркиби (мазмун)ни акс эттиради. Юридик нуқтаи назардан харажатлар сметаси қонунчиликда белгиланган тартибда тузилиб, тасдиқланадиган ва рўйхатга олинadиган молиявий-режа хужжатидан иборат. Молия ҳуқуқи меъёрлари сметалар мазмуни (таркиби) ва турлари, уларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш¹ ҳамда молия органларида рўйхатдан ўтказиш² тартибини белгилайди. Индивидуал сметалар, умумий сметалар, марказлаштирилган тадбирлар учун мўлжалланган харажатлар сметалари, йиғма сметалар фарқланади.

Ўбюджет ташкилоти сметаларининг асосий тури индивидуал смета бўлиб, у соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари муассасаларида қўлланади³. Индивидуал смета харажатлар сметалари гуруҳлари бўйича тузилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган амалдаги Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таснифига мувофиқ равишда харажатларнинг тулиқ талқинини ўз ичига олган Илова билан бирга қўшиб берилади. Мазкур Илова сметанинг ажралмас қисми ҳисобланади ҳамда сметанинг прогноз ҳисоб-китобини асослаб бериш ва ҳисобдорлик мақсадларида фойдаланиш учун хизмат қилади.

Туман, шаҳар, шаҳарга қарашли туманлар бюджетлари ҳисобида бўлган ва марказлаштирилган бухгалтериялар томонидан хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар бўйича айрим ҳолларда харажатларнинг умумий сметалари (умуман бюджет таснифининг тегишли параграфи бўйича) тузилиши мумкин. Улар қуйидаги ташкилотлар харажатлари учун тузилади:

а) бир турдаги кичик бюджет ташкилотлари (ветеринария участкалари ва пунктлари, кишлоқ клублари, кутубхоналар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва бошқа кичик ташкилотлар);

б) бир турдаги йирик бюджет ташкилотларига – уларга хўжалик хизмати кўрсатиш хўжалик хизмати кўрсатишнинг махсус

¹ Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси вилоят, шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларидаги ташкилотларнинг харажатлар сметаларини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 28 декабрда 101-сонли қарор билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 февралда 888-рақам билан рўйхатга олинган).

² Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва штатлар жадалларини Молия вазирлиги ш молия ташкилотларида рўйхатга олиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 декабрда 93-сонли қарор билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 13 декабрда 849-рақам билан рўйхатга олинган). Кейинги ўзгаришлар билан.

³ Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Millий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона хизмати, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўйича харажатлар сметалари умуман вазирликлар ва идоралар бўйича кўриб чиқилди ш рўйхатга олинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қондирилари (92-банд).

гурухлари орқали марказлаштирилган равишда амалга оширилаётган бўлса;

в) тегишли ҳокимиятлар ва уларнинг бўлимлари апаратини сақлаш бўйича харажатлар.

Умумий сметада кўрсатилган бюджет ташкилотларини сақлаш учун бюджетдан бериладиган маблағларнинг ҳажми, мақсадли йўналиши ва чорақлар бўйича тақсимооти белгилаб берилади. Умумий сметалар бўйича ажратиладиган маблағларнинг тақсимотчилари туманлар, шаҳарлар (шаҳарга қарашли туманлар) ҳокимиятларининг тегишли бошқармалари ва бўлимлари ҳисобланади.

{Бюджет ташкилотларининг индивидуал - якка тартибдаги ва умумий сметаларида ташкилот номи ва манзили, уни молияландиган бюджет, бюджет таснифига мувофиқ равишда бўлим, боб ва параграф, харажатлар умумий суммаси қуйидаги гурухларга ажратилган ҳолда кўрсатилади:

1) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар;

2) иш ҳақиға ҳисоблаб ёзилган қўшимчалар;

3) бошқа харажатлар.}

Харажатларнинг **биринчи гуруҳи**га иш ҳақи, стипендия, ишлаётган оналарга болалари икки ёшга тўлгунига қадар бериладиган нафақалар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар киради. **Иккинчи гуруҳ** бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлар иш берувчиларнинг ижтимоий суғурта жамғармасига ажратадиган маблағлари умумий суммасини ўз ичига олади. {Харажатларнинг **учинчи гуруҳи** хизмат сафари харажатлари, коммунал хизмат харажатлари, шу жумладан электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўланадиган харажатлардан иборат. Ушбу гуруҳга телефон, телекоммуникация ва ахборот хизмати учун харажатлар, техника, ташкилий техника, ускуналар, жиҳозлар, материаллар сотиб олиш учун харажатлар, жорий таъмирлаш ва бошқалар учун сарфланадиган харажатлар ҳам киради.}

{Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан амалга ошириладиган ва бюджетдан молияланадиган **марказлаштирилган тадбирлар** учун харажатлар сметалари мувофиқ равишда вазирликлар, идоралар, ҳокимиятлар бошқармалари бўлимлари томонидан ҳар бир тадбир бўйича алоҳида тузилади.}

¹ «Бошқа харажатлар» гуруҳи бўйича харажатларнинг тўлиқ рўйхати Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва шtatлар жиҳвалларини Молия вазирлиги ва молия ташкилотларида рўйхатга олиш тартибига 1-иловада берилган

Бизнинг Республикамиз бюджет қонунчилигига мувофиқ равишда жиҳозлар, ускуналар ва ўқув қўлланмаларини сотиб олиш учун ажратиладиган маблағлар тегишли ташкилотларнинг индивидуал сметаларида назарда тутилган бўлиши керак. Бироқ айрим ташкилотларда, агар уларни жиҳозлар, ускуналар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш зарурати юзага келса, улар ушбу мақсадлар учун маблағларни ажратилган маблағлар доирасида, тегишли ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари ихтиёрига ушбу бошқармалар ва бўлимлар билан белгиланадиган миқдор ва муддатларда юқори молия органлари билан келишув бўйича ўтказишлари мумкин.

Ўйгма сметалар индивидуал ва умумий сметалар ҳамда марказлаштирилган тадбирлар учун харажатлар сметалари туپланган ягона молиявий-режа ҳужжатидан иборат. Улар Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси айрим вазирликлари, идоралари, ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимларининг барча бюджет ташкилотлари бўйича харажатларни назарда тутлади. Ўйгма сметага бюджет таснифи бўйича боблар, параграфлар, турлар, объектлар ва кичик объектлар бўйича бўлиниб, чораклар бўйича тақсимланган харажатлар киритилади. Унда тармоқлар, ташкилотлар гуруҳлари бўйича контингентлар (синфлар, ўришлар сони ва ҳ.к.) ҳамда штатлар бўйича ўйгма курсаткичлар ҳам бўлади.

Халқ таълими туман ва шаҳар бўлимлари, бундан ташқари, мактаб ўқитувчилари учун халқ таълими бўлимининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан тўланадиган иш ҳақи (ҳамда унга қўшимчалар) учун харажатларни ажратади, агар қонучиликда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса.

3. Бюджет ташкилотлари сметаларини тайёрлаш, куриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан молиялаштириш нормативларига мувофиқ мустақил равишда сметалар ҳамда тасдиқланган штатлар турларига асосан штатлар жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Сметалар тузиш Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, идоралари, тегишли ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимларининг барча бюджет ташкилотлари

томонидан тасарруфдаги бюджет ташкилотларига режалаштири-
лаётган молия йили учун сметалар тузиш тартиби тўғрисидаги
кўрсатмаларни жўнатишдан бошланади. Бунда улар тегишли халқ
депутатлари Кенгаши сессиясининг бюджетни тузиш тартиби
ва муддатлари тўғрисидаги қарорлари ҳамда ушбу масала бўйича
молия органларининг кўрсатмаларидан келиб чиқади.

Сметалар бўйича харажатларни ҳисоблаш маблағларга бўл-
ган эҳтиёжга мувофиқ равишда, иқтисодий ва ижтимоий ривож-
ланиш кўрсаткичларини ҳисобга олиб, тежамкорликнинг қаттиқ
тартибини қўллаган ҳолда, амалга оширилади. Бунда бюджетдан
ажратиладиган маблағларни олувчилар қўйидагиларга асослани-
шлари шарт:

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Президент фармо-
нлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қаро-
рлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-
лигининг идоравий норматив ҳужжатлари;

- бюджет ташкилотлари харажатларини режалаштиришнинг
норматив усули;

- давлат томонидан тартибга солинадиган товарлар ва хиз-
матларга қўйилган амалдаги нархлар ва тарифлар, шунингдек,
одавлат қорхона ва ташкилотларнинг айрим товарлар ва хиз-
матларга белгиланган нархлари.

Иш ҳақи учун ажратиладиган маблағлар бюджет қонунчили-
гига мувофиқ равишда белгиланган лавозим маошлари ва иш
ҳақи, унга қўшимча тўловлар ва устама ҳақлар ставкаларидан
келиб чиқиб, амалдаги намунавий штатлар ва штатлар норматив-
ларига риоя этилган ҳолда сметаларга киритилади. Хўжалик
юретиш усулида бажарилган ишлар учун иш ҳақи бюджет йили
учун мўлжалланган харажатлар сметасида назарда тутилган иш-
лар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда сметаларга киритилади.

Педагогик таркибга тўланадиган иш ҳақи учун маблағларни
ажратиш вақтида қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкалари
ва дафтар текшириш, синф раҳбарлиги учун белгиланган қўшим-
ча ҳақ меъёрлари, тасдиқланган тарификация, ўқув соатларига
мувофиқ равишда тузилган ўқув режаси ва ҳ.к.дан келиб чиқи-
лади. Ўрта махсус ўқув юртлари, касб-техника ўқув юртлари,
курслар ўқувчилари ва талабалари, аспирантлар ва докторант-
ларга стипендия тўлаш учун зарур бўлган маблағлар стипендия-
лар миқдори ва стипендия таъминотининг амалдаги тартибидан
келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади.

Ходимлар иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасини ҳисоб-
лаш бўйича харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси томонидан белгиланган иш ҳақи барча суммаларидан

олинадиган суурта бадаллари тарифларига мувофиқ равишда сметага киритилади, қонунчиликка мувофиқ равишда улардан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўланади. Ижтимоий-маданий ташкилотларда бундай харажатлар ташкилотларнинг айрим турлари учун мавжуд бўлган натурал меъёрлар ва қонунчилик бўйича тасдиқланган нормативлар бўйича овқатланиш кунлари сонидан келиб чиқиб белгиланади. Дори-дармонлар учун маблағлар белгиланган пул харажатларидан келиб чиқиб, қуйидагича ҳисобланади: стационарларда – бир ўрин-кун бўйича, поликлиникаларда – бир врач ташрифи бўйича (агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса).

Айрим турдаги ижтимоий-маданий ташкилотлар учун кийим, пойабзал, ички кийим, ўрин-чойшаблар ва бошқа юмшоқ буюмларни сотиб олиш учун харажатлар мавжуд моддий таъминот меъёрларига асосан, лекин ажратилган маблағлар доирасида ҳисобланади.

Юридик шахс мақомига ҳамда харажатларини қоплашининг (бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ташқари) бошқа манбаларига эга бўлган ташкилотлар қўшимча даромадлар ва бундан келиб чиқадиган харажатлар учун ҳам сметалар тузадилар. Ушбу сметалар бўйича даромадлар тушумлари қонунчиликда белгиланган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ташкилотларнинг харажатлар сметалари уч нусхада тузилади ва ташкилотлар раҳбарлари ва ҳисоб-китоб ходимлари томонидан имзоланади. Сметанинг биринчи нусхаси ташкилотда қолади, иккинчиси – тегишли маҳаллий молия органига, учинчиси эса, юқори ташкилотга тақдим этилади.

Тегишли молия органлари сметаларни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида вазирлик, идора, бошқарма ва бўлимлар, тегишли ҳокимиятлардан ташкилотлар сметаларига иловалар ва ҳисоб-китобларни уларни тузиш ва ижро этишининг ҳар қандай босқичида (кейин қайтариб бериш шарти билан) талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, бюджет маблағларини олувчилар эса, уларни молия органига унинг биринчи талаби бўйича тақдим этиши лозим.

Келаётган йилда очилиши керак бўлган ташкилотларни тузиш ва сақлаш бўйича харажатлар сметалари тегишли ҳокимиятлар бошқармалари, бўлимлари томонидан ҳар бир ташкилот учун алоҳида иш ҳақи ўртача ставкалари ҳамда ишлаб турган тегишли ташкилотлар бўйича таркиб топган харажатлар ўртача меъёрларидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бунда янги бюджет ташкилотларини сақлаш учун харажатлар уларни очиш учун белгиланган муддатлардан келиб чиққан ҳолда йилнинг бир қисмига ҳисобланади.

✓ **Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси** вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимиятлар бошқармалари, бўлимлари ҳамда сметаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ташкилотлар тасарруфдаги ташкилотлардан келиб тушган умумий ҳамда индивидуал харажатлар сметаларининг ҳар томонлама *кўриб чиқилишини* таъминлайди. ✓

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, тегишли ҳокимиятлар бошқармалари, бўлимлари раҳбарлари тасарруфдаги ташкилотлар сметалари лойиҳаларини *кўриб чиқадилар* ва тегишли бюджет бўйича ушбу вазирлик, идора, бошқарув ва бўлим учун ажратилган маблағлар доирасида уларнинг сметалари бўйича харажатларни қабул қилади.

Ташкилотлар томонидан тақдим этилган харажатлар сметалари зарур бўлган ҳолларда тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштироқида *кўриб чиқилиши* лозим. Бунда сметаларни *кўриб чиқувчи* ташкилотлар қуйидаги мажбуриятларга эга ҳисобланади:

- амалдаги қонунчиликка ҳамда келгуси йил учун сметалар тузиш бўйича берилган кўрсатмаларга қатъий риоя этилишини таъминлаш;

- заруратсиз ажратиладиган маблағларнинг сметаларга киритилишига йўл қўймасдан, тежамкорлик тартибига риоя этиш;

- харажатлар сметасида қабул қилинадиган асосий кўрсаткичларнинг режалаштирилаётган йил учун ушбу бюджет ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши лойиҳаси кўрсаткичларига тўла мувофиқ кедишини таъминлаш;

- айрим тадбирларни ўтказиш муддатлари ва уларни молиялаштиришни таъминлаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, назарда тутилаётган сметалар бўйича ажратиладиган маблағларни чорақлар бўйича тақсимлаб чиқиш;

- харажатлар сметаларида ҳисоб-китоблар ва асослаб беришлар билан тасдиқланмаган суммаларнинг қабул қилинишига йўл қўймаслик.

Харажатлар сметасини тасдиқлаш **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамасининг ёки вилоят, шаҳар, туман тегишли халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг бюджет бўйича қарори чиққанидан кейин амалга оширилади (агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса). Сметалар тегишли бюджетда турган ташкилотлар учун харажатлар таснифи моддалари бўйича тасдиқланади ва сметани тасдиқлаган ташкилот раҳбари (ёки раҳбар ўринбосари)нинг имзоси билан расмийлаштирилади. ✓

Бюджет маблағларини тасдиқланмаган сметасиз, шунингдек, сметада назарда тутилмаган тадбирлар учун сарфлаш ёки умуман смета бўйича ҳамда харажатларнинг айрим турлари бўйича

сметада белгиланганидан ортиқ суммада харажат қилиш ман этилади, ушбу тартибни бузишда айбдор ҳисобланган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Бюджет ташкилотларининг белгиланган тартибда тасдиқланган сметалари ва штатлар жадваллари ҳамда амалдаги сметалар ва штатлар жадвалларига киритиладиган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда молия органларида рўйхатга олинганидан кейин амалга киритилади¹.

✓ Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметалари ва штатлар жадвалларини **рўйхатдан ўтказиш** тегишли молия ташкилотлари томонидан бюджет параметрлари тасдиқланган санадан бошлаб 40 кундан кечиктирилмаган муддатда амалга оширилиб, ундан мазкур бюджет ташкилоти молияланади. ✓

Молия органлари раҳбарлари тасарруфдаги бюджет ташкилотларига эга бўлган юқори ташкилотлар раҳбарлари билан келишилган ҳолда, рўйхатдан ўтказиш ишларини белгиланган муддатда тўлиқ тугатишни ҳисобга олиб, ҳар бир бюджет ташкилоти учун рўйхатдан ўтказиш муддатларини белгилайди.

Харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини белгиланган муддатларда молия органларида рўйхатдан ўтказмаган бюджет ташкилотларига молия органлари молиялаштиришни очмайди, банк муассасалари эса, ушбу ташкилот рўйхатдан ўтунига қадар унга иш ҳақи ва харажатлар учун маблағлар беришни тўхтатиб қўяди.

Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини рўйхатдан ўтказиш тегишли молия ташкилотлари томонидан бюджет ташкилотлари қайси бюджетдан молияланишига қараб амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобида турган ташкилотлар бўйича улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетигаилар, вилоятлар бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетигаилар эса – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини рўйхатдан ўтказиш белгиланган шакл бўйича рўйхатдан ўтиш варақчаларини бериш йўли билан расмийлаштирилади. Унда ташкилот номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, бюджет маблағларини олувчи кирадиган тизим вазирлиги, идораси, банк номи, ҳисобварақ номери, смета бўйича

¹ Бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва штатлар жадвалларини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби.

харажатлар умумий суммаси (меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ажратилган ҳолда) ва айрим бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Рўйхатдан ўтиш варақчаси банк муассасаларида ҳисоб-китоб рақамлари ёки бюджет ҳисобварақларига эга бўлган бюджет ташкилотларига берилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, бюджет ташкилотининг филиали ёки бошқа таркибий бўлими бўлган бюджет муассасалари ўзлари таркибига кирган юқори ташкилотлар билан биргаликда битта рўйхатдан ўтиш варақчасида рўйхатга олинади. Бунда зарур бўлган ҳолларда штатлар бўйича рўйхатга олиш варақчасидаги кўрсаткичлар юқори ташкилотлар ва уларга қарашли ташкилотлар бўйича алоҳида берилади.

Бюджет ташкилотлари тугатилаётган ҳолда молия органлари банк муассасаларига (бекор қилиш муддатини кўрсатиб) рўйхатдан ўтиш варақчаси бекор қилингани ҳақида маълум қилади. Бекор қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, варақча бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга амал қилади.

4. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари

Ўзбекистон Республикасидаги бюджет ташкилотлари нафақат бюджетдан ажратиладиган маблағларга, балки даромадларнинг бошқа манбаларига ҳам эга бўлиши мумкин, улар **бюджетдан ташқари маблағлар** дейилади. Бундай маблағлар режали социалистик иқтисодиёт шароитларида ҳам мавжуд бўлган бўлиб, уч турга бўлинган: **махсус маблағлар, топшириқномалар бўйича суммалар ва депозит суммалари**. Бюджетдан ташқари маблағларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби собиқ Иттифоқ давлат қонунчилиги билан тартибга солинган.

Бозор муносабатлари ривожланган шароитларда бюджетдан ташқари маблағларнинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ортиб бормоқда, улар ҳақидаги тушунча ҳам анча кенгайди. Шу билан бирга, бюджетдан ташқари маблағларнинг юқорида кўрсатилган уч тури таснифи ҳозирги вақтда ҳам ўз кучини сақлаб қолмоқда. Тўғри, сўнги йилларда нашр этилган адабиётларда бюджетдан ташқари маблағлар таснифининг бош мезони сифатида ушбу маблағлар даромад манбаи хусусиятини тан олиш ҳамда уларни шу асосда *ишлаб топилган даромадлар ва ишлаб топилмаган даромадлар*¹га ажратиш таклиф этиляпти, чунки бундай ажратиш кўпгина бозор иқтисодиёти мамлакатларида мавжуд.

¹ Финансовое право: Дарслик / проф. О.Н.Горбунова таҳрири остида. – М.: Юристъ, 1996.-298-б.

Махсус маблағларга фаолият йўналиши бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан олинган даромадлар киради. Бундай даромадлар, масалан, таълим муассасалари бўйича контракт асосидаги ўқиш учун тўлов, соғлиқни сақлаш муассасалари бўйича – ҳақ тўланадиган тиббий хизмат кўрсатиш учун олинадиган маблағлар бўлиши мумкин. Бунга яна бюджет ташкилотлари томонидан чет ташкилотларга вақтинча фойдаланилмаётган хоналар ва бошқа давлат мулкни ижарага беришдан тушадиган даромадларни, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами шаклида бериладиган ихтиёрий хайрияларни ҳам киритиш мумкин¹.

Топшириқномалар бўйича суммалар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда муайян топшириқларни бажаргани учун бюджет ташкилотлари оладиган маблағлардир (масалан, давлат бошқарув юқори органи марказлаштирилган жамғармасидан тасарруфдаги ташкилотлар ходимларига ажратилиб, бир марта бериладиган ёрдам пуллари).

Депозит суммалари – бюджет ташкилоти ихтиёрига келиб тушиб, эгасининг биринчи талаби билан қайтарилиши керак бўлган маблағлардир (масалан, ўз вақтида олинмаган иш ҳақи; тиббий муассасада стационар даволанишда бўлган беморлар томонидан сақлаш учун топширилган пул маблағлари ва бошқалар).

Бюджет ташкилотларининг қўшимча махсус маблағларни олишдаги манфаатдорлигини ошириш мақсадида амалдаги қонунчиликда уни рағбатлантириш бўйича ниҳоятда муҳим тадбирлар назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарори билан юқорида кўрсатилган махсус маблағлар шаклидаги қўшимча даромадларни олувчи бюджет ташкилотлари 2005 йил 1 январга қадар Давлат бюджетига олинадиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинган. Озод қилинган маблағлар аниқ мақсадли йўналиш бўйича бюджет ташкилотларининг моддий-техника базаси ва ижтимоий базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 мартдаги 414-сонли қарори билан юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилган бўлиб, ушбу жамғарма қуйидагилар ҳисобидан ташкил этилади:

¹ Бундай махсус маблағларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молиялантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 мартдаги 414-сонли қарори 3-бандига мувофиқ юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланувчи бюджет ташкилотлари эга бўлиши мумкин

режали бюджетдан молиялаштириш ҳисобварағига келиб тушган, тежалган (фойдаланилмаган) маблағлар ва ҳисобот чорагининг сунгги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисобварақларида қолган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун на- зарда тутилган маблағлар бунга кирмайди);

бюджет ташкилотлари фаолият йўналиши бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реализация қилишдан келиб тушадиган даромадлар;

вақтинча фойдаланилмаётган хоналар ва бошқа давлат мулк- ини чет ташкилотларга ижарага беришдан олинadиган маблағ- ларнинг 50 фоизи (бунда маблағларнинг қолган 50 фоизи маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳисобига ўтказилади);

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилот- ларига кўрсатилadиган ҳомийлик (беғараз) ёрдами.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағ- лари фақат мавжуд кредиторлик қарзларини устуворли сўндириш, бюджет ташкилоти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижти- мой соҳани ривожлантириш ва бюджет ташкилотлари ходимлари- ни моддий рағбатлантириш учун сарфланиши ҳам мумкин.

Бюджет ташкилотида кредиторлик қарзи мавжуд бўлмаган ёки бу қарз амалдаги қонунчиликда белгиланган чегара ва шартларда туланган тақдирда, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғар- масининг қолган маблағлари (ҳомийлик, беғараз кўрсатилган ёрдам суммалари бунга кирмайди) қўйидаги талабларга риоя этилган ҳолда фойдаланилади: келиб тушган барча маблағларнинг камида 75 фоизи товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва реали- зация қилиш бўйича жами харажатларни қоплаш ҳамда моддий- техника базасини мустаҳкамлаш учун, 25 фоиздан кўп бўлмаган қисми эса – бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя- лаш ва моддий рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар учун фой- даланилади¹.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилот- ларига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдами маблағларининг барча суммаси, агар ҳомий томонидан бошқача махсус тартиб кўр- сатилган бўлмаса, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун сарфланади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган ва бюджетдан ажрати- ладиган маблағлардан ташқари харажатларни қоплашнинг бошқа манбаларига эга бўлган ташкилотлар қўшимча даромадлар ва улар- дан келиб чиқадиган харажатлар учун ҳам сметалар тузади. Ушбу сметалар бўйича даромадлар тушумлари қонунчиликда белгиланган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарори.

В БЎЛИМ. БАНК ФАОЛИЯТИ, ПУЛ МУОМАЛАСИ, ҲИСОБ-КИТОБЛАР, ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

19-боб. Банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари

1. Банк ва банк фаолияти тушунчаси

Банкнинг нима эканлиги тўғрисидаги масала, биринчи карашда туюлганидек, унчалик оддий эмас экан. Одатда, банк деганда, кўпинча пул сақланадиган жой назарда тугилади. Аммо банкни бундай оддий ёки кундалик турмушдагидек талқин этиш унинг моҳиятини очиб бермайди. Банкнинг моҳиятини италянча «banko» сўзидан олинган “банк” атамасининг мазмуни ҳам очиб бера олмайди. У дастлаб ўрта асрларда Италияда уз хизматларини кўрсатган мол айирбошловчиларнинг дўқони. утирадиган курсиси маъноларини англаган.

Банклар ҳар қандай давлат молия-кредит тизимининг таркибий қисмидир. Уларнинг фаолияти шу қадар турли-туманки, банкларнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини аниқлаш ниҳоятда қийин. Ҳозирги замон шарт-шароитларида банклар операцияларнинг ниҳоятда турли-туман бўлган хиллари билан шугулланади. Улар нафақат пул муомаласи ва кредит муносабатларини ташкил этади, балки инвестициялаш, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, мулк эгаси ёки маблағларни тақсимловчилар билан тузилган шартномалар бўйича пул маблағларини бошқаришни ҳам амалга оширади. Банклар маслаҳатчилар сифатида, иқтисодий дастурларни муҳокама этишда қатнашади ва ҳ.к.

Банк моҳиятининг турлича тавсифлари мавжуд. Аммо банк тўғрисида энг кўп тарқалган тасаввурлар қуйидаги таърифларда берилган:

- **банк - корхона сифатида.** Банк корхонага хос бўлган барча асосий хусусиятларга эга, чунки у мустақил ҳужалик юритувчи субъект бўлиб, юридик шахс ҳуқуқларига эга, маҳсулот ишлаб чиқаради ва реализация қилади, хизматлар кўрсатади ҳамда унинг асосий мақсади фойда олиш ҳисобланади;

- **савдо корхонаси сифатида.** Бундай ўхшатиш тасодифий эмас, чунки банклар моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан фарқли равишда муомала соҳасида ҳаракат қилади, уларнинг фаолияти кўп жиҳатдан товар айланишига боғлиқ бўлиб, ушбу ҳолда маҳсулотнинг алоҳида кўринишидаги маҳсус шаклда намоён бўлади;

- **воситачи корхона сифатида.** Банк икки субъект ўртасида воситачи сифатида қатнашади, бир томондан – вақтинча бўш турган пул маблағларига эга бўлиб, уларни фоизлар шаклида даромад олиш учун жойлаштиришни истаган кредиторлар бўлса, иккинчи томондан – ушбу ресурсларга муҳтож бўлиб, ссуда фоизларини тўлашга тайёр бўлган қарз олувчи туради. Бу ерда банк кредитор билан қарз олувчи ўртасида талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда битимни амалга ошириш имкониятини таъминловчи муҳим бўгин сифатида иштирок этади;

- **биржа агенти сифатида.** Банк тўғрисидаги бундай тасаввур ўтган юз йилликнинг 20-йилларидаёқ таркиб топган эди. Бу шундай шарт-шароит билан боғлиқ эдики, банклар биржанинг муқаррар қатнашчилари бўлиб, мустақил равишда биржа операцияларини ташкил этади, қимматли қоғозлар билан савдо бўйича операцияларни бажаради;

- **кредит корхонаси сифатида.** Банк тўғрисидаги бундай тасаввур шу билан изоҳланадики, банк аста-секин кредитор билан қарз олувчи ўртасида фойда олиш мақсадида пул ссудаларини олиш ва қайтариш бўйича ўзаро муносабатларга хизмат қилувчи асосий кредит маркази бўлиб қолди. Ташкилий тузилма сифатидаги банк билан алоҳида иқтисодий муносабатлар тизими сифатидаги кредит ўртасида бир-бири билан жуда яқин бўлган ўзаро алоқа мавжуд. Ҳал қилувчи даражадаги банкнинг пайдо бўлиши айтилган мана шу кредит муносабатларининг ривожланишига ёрдам берди.

Лекин шунини қайд этиш керакки, юқорида келтирилган таърифлардан биронтаси ҳам банкнинг ҳақиқий моҳиятига алоқадор деб бўлмайди. Бу, масалан, банкнинг *савдо корхонаси ёки биржа агенти* сифатидаги таърифларига тегишлидир. Бу ерда гап шундаки, савдо корхонаси билан банк ўртасидаги ўхшашлик соф формал хусусиятга эга, чунки улар фаолияти объектлар ўртасида, яъни сўзнинг айнан ўз маъносидаги товар билан алоҳида маҳсулот (пул маблағлари) ўртасида жуда катта фарқлар бор. Банклар савдо ташкилотларидан фарқли равишда, қимматли қоғозлар, шу жумладан жамғарма бозорида муайян курс бўйича чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширади.

Банкни биржа агенти сифатида таърифлаш, яни банкни биржанинг элементи ёки таркибий қисмига айлантириш учун етарлича асослар йўқ. Банклар қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириши тўғрисидаги факт уларни биржага ўхшатиш учун сабаб бўла олмайди, биржа фаолияти банк ишидан фарқ қилади ва шу боисдан ўзига хос хусусияти билан биржа бозор механизмининг мустақил элементига ажралди.

Банкнинг асл моҳиятини тавсифлаш учун авваламбор уни кредит корхонаси сифатида таърифлаш катта аҳамиятга эга, чунки ўз табиатига кўра у пул ва кредит муносабатлари билан боғлиқдир. Айни мана шуларнинг негизида ниҳоятда ноёб тузилма бўлган банк вужудга келди. Банкни корхона сифатида таърифлаш ҳам бундан кам бўлмаган аҳамиятга эга, чунки у ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олиш учун яратилади ҳамда бунинг учун у юридик шахс мақомига эга бўлиши шарт. Бундай ҳол бозор иқтисодиёти шароитларида ҳар қандай тижорат корхонаси, шу жумладан банк учун ҳам хос бўлган хусусиятдир.

Шу боисдан ҳам банк моҳиятининг айни кўрсатилган тавсифлари Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни¹ 1-моддасида ўз ифодасини топиб, мустаҳкамлаб берилгани бежиз эмас. Унга мувофиқ **банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:**

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.]

Банкнинг ушбу таърифи уни тижорат ташкилоти сифатида тавсифлайди, бу ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат операцияларига хизмат кўрсатиш учун даъват этилган бўлиб, фойда олиш учун ўз таваккалчилиги ва хатарига асосан ҳаракат қилади. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти мамлакатлари банк тизимида тижорат фойдасини олиш банкларнинг асосий вазифаларидан биридир. Аммо бу вазифа ўзлари учун устувор ҳисобланмаган банклар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз иш-фаолиятини кўзлаган мақсадларига мувофиқ равишда олиб бормоқда. Гап Марказий банклар² ҳақида кетяпти, уларнинг асосий вазифаси мамлакат бутун кредит тизимига раҳбарлик қилиш, ҳукумат молия операцияларини амалга ошириш, тижорат банкларининг вақтинча бўш турган маблағларини ва мажбурий захираларини сақлаш ва ҳ.к.дан иборат. Улар давлат пул белгиларини эмиссия қилиш бўйича монопол ҳуқуққа эга бўлиб, унинг пул-кредит сиёсати бош ўтказгичлари ҳисобланади.]

Шундай қилиб, банк моҳияти тўғрисида умуман гапириладиган бўлса, унинг асосини пул-кредит сиёсатини ташкил

¹ Банк тушунчасининг таърифи купина мамлакатлар қонунчилигида йўқ, аммо у давлат молия кредит тизимининг самарали ишлашини таъминлаш учун ниҳоятда муҳимдир.

² Бошқа мамлакатларда улар бошқача аталиши ҳам мумкин, масалан: АКШда – Федерал резерв система, Буюк Британияда – Англия Банки ва ҳ.к.

этиш ва пул белгиларини имитация қилиш деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида келтирилган Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасидан келиб чиқадики, банк тушунчаси **банк фаолияти** – омонатларни қабул қилиш, кредитлар бериш, тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган банк операциялари мажмуи моҳияти билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу таърифдан шундай хулоса келиб чиқадики, банк фаолиятининг асосий белгиси, молия бозоридаги бошқа фаолият турларидан фарқли равишда, барча кўрсатилган операцияларни ягоналикда амалга ошириш мажбурийлигидир. Улардан биронтасининг йўқлиги шуни англатадики, мазкур ҳолда гап банк фаолияти тўғрисида кетмаслиги мумкин. Кредит ташкилотларининг бошқа турларидан фарқли равишда, банкнинг алоҳида мақоми ҳам айтиш билан белгиланади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк фаолияти операциялари мажбурий тўпламига кирадиган операциялардан ташқари, банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга ошириши мумкин. Масалан, бундай операцияларга, Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун 4-моддасига мувофиқ пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш; учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш; банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш; молиявий лизинг ва бошқа операциялар кирази. Бу операциялар қонунда назарда тутилган бўлишига қарамадан, факультатив хусусиятга эга, яъни уларни амалга ошириш ёки оширмасликни банкнинг ўзи ҳал қилади. Шу билан бирга, банк фаолияти тушунчасига кирувчи уч турдаги операцияни бажариш банклар учун мажбурий ҳисобланади.

Бошқа мамлакатлар қонунчилигида банк фаолиятининг бош белгиси касбий машғулот сифатида депозитларни қабул қилиш ва кредитлар бериш ҳисобланади. Айнан шундай амалиёт Бельгия, Италия, Испания, Греция, Люксембург ва бошқа давлатларнинг банк қонунчилигида қабул қилинган. Айрим мамлакатлар (Германия, Франция)да «банк» ва «кредит муассасаси» атамалари хизмат кўрсатишнинг нисбатан кенг доирасини ўз ичига қамраб олган бўлиб, фақат омонатларни қабул қилиш ва кредит бериш билангина чекланиб қолмайди. Айрим мамлакатларда, масалан, Буюк Британияда кредит муассасалари тоифасига киритиш учун депозитларни қабул қилиш функциясини бажаришнинг ўзи етарли бўлиб, бу ихтисослаштирилган институтларнинг айрим турлари (масалан: инвестицион трестлар, молия корпорациялари, ишончли пайли жамғармалар ва бошқалар)ни ҳам банкларга тенглаштириш учун имкон беради.

2. Ўзбекистон Республикаси банк тизими

Банк тизими ҳар қандай давлат молия тизимининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. У иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляция (пул қадрсизланиши) ва тўлов балансини тартибга солиш каби жорий ва устивор вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади. Жаҳон амалиётида молия-кредит муассасалари томонидан ўз миждозларига кўрсатиладиган хизматлар хусусияти бўйича кредит тизимининг уч муҳим элементи ажратилади:

- 1) марказий банк (эмиссия банки);
- 2) тижорат банклари;
- 3) ихтисослаштирилган молия муассасалари (суғурта, жамғарма ва бошқалар муассасалар).

Демак, мавжуд банк тизимларининг ўзига хос хусусияти, банклар концентрацияси билан бирга, уларнинг марказий (эмиссия), тижорат, инвестиция, ипотека, жамғарма ва бошқа банк муассасалари ва ташкилотлари шаклида кенг ихтисослашуви ҳисобланади. Бир томондан, омонатларни жалб этиш, фойдали ва ишончли миждозлар ва юқори даромад олиш учун банклар ўртасида рақобат юзага келиши, иккинчи томондан, банклар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни кучайтиришга интилиш мана шундандир.

Анъанавий равишда **банк тизими** деганда, у ёки бу давлатда муайян бир тарихий даврда мавжуд бўлган турли шаклдаги банклар ва банк институтларининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуи тушунилади.

«Банк тизими» тушунчаси билан бирга, нисбатан кенг маънодаги «банк-кредит тизими» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у илмий ва ўқув адабиётларида тез-тез учраб туради. Қайд этилган ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, гал банк-кредит тизими ҳақида кетаётган бўлса, унга банклардан ташқари, ихтисослаштирилган молия муассасалари, масалан: суғурта, инвестиция ва бошқа институтлар ҳам киритилади, лекин улар айрим банк операцияларини амалга оширса ҳам, банк мақомига эга эмас.

Банклар ва бошқа турли инвестиция институтлари (жамғармалар, компаниялар) билан бирга, Ўзбекистон банк-кредит тизимида кирган молия муассасалари қаторига кредит уюшмалари ҳам киради. Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида» 2002 йил 4 апрелдаги қонуни¹га мувофиқ улар юридик ва жисмоний шахслар томонидан тенг ҳуқуқли ихтиёрий аъзолик асосида кредитлар бериш мақсадида тузилади. Бирок

¹ ЎР ҚТ. 2002, №9, 59 -м.

банклардан фарқли равишда кредит уюшмаси кредит операцияларини фақат шундай уюшма доирасидагина амалга ошириши мумкин. Кўрсатилган қонунчи ҳужжатининг 10-моддасига мувофиқ кредит уюшмаси: ўз аъзоларидан депозитларга пул маблағларини жалб қилиш; ўз аъзоларига кредит бериш ҳуқуқига эга.

Айрим давлатлар ва хусусан, Россия Федерацияси қонунчилигида ўз мақоми бўйича банкларга кирмаган молия муассасалари «банк ҳисобланмаган кредит ташкилоти» атамаси билан белгиланган. Уларга Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Россия Федерал қонунинда назарда тутилган фақат айрим банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Бунда белгилаб қўйилганки, банк ҳисобланмаган кредит ташкилотлари учун йўл қўйилиши мумкин бўлган банк операциялари Россия Банки томонидан белгилаб берилади. Юқорида қайд этилганидек, банк мақомига эга бўлган кредит ташкилотлари учун бундай ҳуқуқ тўғридан-тўғри қонунда назарда тутилади ва шу сабабли бу ерда бошқа қўшимча рухсатлар талаб қилинмайди.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда банк тизимлари турли таркибий тузилмага эга, шу билан бирга, уларга умумий хусусиятлар ҳам хос. Жойларда банк тизими марказий банк ва тижорат банкларидан иборат.

Жаҳон амалиётида банк тизимининг икки асосий модели фойдаланилади: Бу, биринчидан, **сегментланган** ва, иккинчидан, **универсал** банк тизимларидир.

Банк тизимининг **сегментланган** модели операция фаолияти билан айрим турдаги молия ташкилотларининг функцияларини қонунчилик билан қатъий ажратилишига асосланади. Бундай модель, масалан, АҚШ ва Япония банк тизими учун хосдир.

Универсал моделда банклар ва бошқа кредит ташкилотлари ҳар қандай турдаги банк операцияларини амалга ошириши ва мижозларга барча турдаги хизмат турларини кўрсатиши мумкин. Ушбу ҳолда қонун операцияларнинг айрим турларини амалга оширишда қандайдир чеклашларни назарда тутмайди. Банк тизимининг бундай модели, масалан, Буюк Британия учун хос.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими кўрсатилган иккала моделнинг хусусиятларини ўз ичига қамраб олган. Бир томондан, мамлакатимиз банк қонунчилиги банклар фаолияти соҳасини қатъий белгилаб, банк операцияларининг аниқ турларини белгилаб беради ва уларнинг мажмуи банк фаолияти мазмунини ташкил этади. Иккинчи томондан, қайд этилганидек, банкларга операцияларнинг бошқа турларини ҳам амалга ошириш учун рухсат берилиб, уларнинг рўйхати Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунда назарда тутилган. Бунда шуни қайд этиш лозимки.

бу рўйхат очик, чунки қонунда халқаро банк амалиётига мувофиқ равишда бошқа операциялар амалга оширилишига ҳам йўл қўйилади. Аммо бунинг учун лицензияда махсус келишиб олинган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётининг ривожланиши эҳтиёжлари билан белгиланган туб ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Бу ўзгаришлар мамлакатимиз банк тизими таркибий тузилмасига ҳам, унинг функционал йўналишларига ҳам ўзининг таъсирини ўтказяпти.

Ўзбекистон банк тизимида юз берган ўзгаришлар банк қонунчилигида мустақкамланган бўлиб, улар бозор муносабатлари тизимида банкларнинг моҳияти ва вазифалари тўғрисида чет эл тажрибаси ва ҳозирги замон тасаввурларига асосан ишлаб чиқилди.

Банк қонунчилиги деганда, ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган ва банк тизими ва банк фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи тушунилади.

Банк қонунчилиги тизими ҳар хил турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига қамраб олади. Бу, аваламбор, қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, уларда давлатнинг банк фаолияти соҳасидаги сиёсатига оид энг муҳим масалалар мустақкамлаб берилган. Бундай ҳужжатларга Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида, Банклар ва банк фаолияти тўғрисида, Кредит уюшмалари тўғрисида, Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар, Фуқаролик кодекси ва бошқалар киради.

Банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш, банк фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги асосий, принципиал, устивор қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари билан чиқарилади ва тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айни шу фармонларида қабул қилинадиган туб қарорларнинг мақсадли йўналиши ва уларни амалга ошириш механизми очиб берилади¹.

Фармонларда кўрсатиб ўтилган қоидалар Ҳукумат қарорлари², Марказий банкнинг кўп сонли норматив ҳужжатларида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини тузишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 24 апрелдаги УП-1749-сонли фармони; «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 2 октябрдаги УП-2084-сонли фармони; «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 21 мартдаги УП-2364-сонли фармони; «Республика Банк кенгашини тузиш тўғрисида» 2002 йил 15 ноябрдаги УП-3162-сонли фармони ва б.

² Вазирлар Маъжмасининг «Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 18 мартдаги 146-сонли қарори; Банк тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 15 январдаги 24-сонли қарори; «Банк тизимини ислоҳ қилиш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарори.

янада аниқлаштирилиб, реал механизм билан мустаҳкамлаб берилди.

Амалдаги қонунчилик Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг икки даражали тузилмасини мустаҳкамлаб берган бўлиб, у бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун хосдир.

Биринчи даража - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўлиб, у мамлакат бутун банк тизимига бошчилик қилиб, унга раҳбарликни амалга оширади. Унинг функциялари ўзининг асосий кўринишлари билан бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда бундай банклар бажарадиган вазифаларга ўхшашир¹.

Иккинчи даража - тижорат банклари тизими бўлиб, унга акциядорлик, хусусий, аралаш турдаги банклар, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва бошқалар киради. Тижорат банклари мамлакат банк тизимининг негизини ташкил этади. Уларнинг асосий вазифаси омонатларни жалб этиш, уларни қарз олувчилар ўртасида тақсимлаш, ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишдан иборат. Хўжалик юритувчи субъектлар ва қарз маблағларининг бошқа истеъмолчилари учун тижорат банклари кредитларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Икки даражали банк тизимини шакллантириш учун асослар Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» 1991 йил 15 февралдаги қонунда мустаҳкамлаб берилган бўлиб, унга мувофиқ СССР Давлат банкининг минтақавий идораси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилган эди. Мазкур қонунчилик ҳужжати билан ихтисослаштирилган тижорат банклари тузилган бўлиб, уларнинг рўйхати чекланган эди. Амалда шаклланган икки даражали банк тизимини тугал ҳуқуқий шакллантириш «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги қонуни ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» 1996 йил 25 апрелдаги қонунда мустаҳкамлаб берилди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси банк тизими банк фаолиятини муҳим даражада марказлаштирмасликка асосланган бўлиб, иккинчи даражадаги банкларнинг мустақиллигини юқори даражага олиб келди. Аммо давлат мамлакатнинг молиявий манфаатларини, шунингдек, банкларнинг фактик ва потенциал мижозлари манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банк фаолиятини тартибга солиш функцияларини ўз зиммасида сақлаб қолади. Бундай тартибга солишнинг асосий шакли ҳуқуқнинг фуқаролик, маъмурий ва бошқа тармоқлари меъёрларини ўз ичига олган юридик ҳужжатларни қабул қилишдан иборат.

¹ Бу ҳақда батафсил берилган: Шеняев В.П., Науменко О.В. Центральный банк в процессе экономического регулирования. - М., 1994; Усоев В.М. Современный коммерческий банк. - М., 1994.

Банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда молия ҳуқуқи меъёрлари катта роль ўйнайди. Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг ушбу тармоғи унинг ўзига хос бўлган давлат-ҳокимият кўрсатмаларига асосланган молиявий муносабатларни тартибга солиш усулларида фойдаланиб, банк тизими фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳамда бозор қайта қуришлари шароитларида мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий вазифаларига жавоб бера оладиган давлат пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарали олиб борилишини таъминлайди.

Банк тизимини молиявий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган энг муҳим субъект Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидир.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг банк тизимини бошқариш бўйича ваколатлари

Марказий банк ўзининг ҳуқуқий мақоми бўйича банк тизимини давлат томонидан бошқариш органи ҳисобланади¹. Бундай мақом асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасида белгилаб берилган бўлиб, унга асосан Марказий банк мамлакатимиз банк тизимини бошқаради.

Марказий банкнинг давлат бошқарув органи сифатидаги аниқ ваколатлари Марказий банк тўғрисидаги қонунда мустаҳкамлаб берилган. Марказий банк ўз ваколатлари доирасида монетар сиёсат ва валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқади, ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этади ва таъминлайди. У валютани назорат қилиш органи ҳисобланади, мамлакат ҳукумати маслаҳатчиси ва фискаль агенти сифатида қатнашади, банк фаолиятини тартибга солиш ва банк назоратини амалга ошириш бўйича функцияларни бажаради, Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этади.

Бундан ташқари, Марказий банк ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган норматив ҳужжатларни чиқаради. Марказий банк томонидан чиқариладиган норматив ҳужжатлар турли йўриқномалар, қоидалар, тартиблар, кўрсатмаларни ўз ичига олади. Бу ҳужжатлар тижорат банкларини тузиш, улар фаолиятини лицензиялаш ва тугатиш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш, касса операцияларини олиб бориш, депозит

¹ Ушбу ҳолда гап Марказий банк мақоми икки томонлама ҳуқуқий табиатининг фақат бир томони ҳақида кетасан бўлиб, у молия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Иккинчи томондан, маълумки, Марказий банк фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўлган юридик шахс мақомига эга.

ва инвестицион операцияларни амалга ошириш каби банк фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа кўпгина масалаларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 29 августдаги қонуни қабул қилингунига қадар Марказий банкнинг ўз ваколати доирасида чиқарилган норматив ҳужжатлари бошқа органларда рўйхатдан ўтказилмас эди. Энди эса улар, барча бошқа идоралар ҳужжатлари каби, ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Давлат монетар ва валюта сиёсатини амалга ошириш фақат Марказий банкнинг ваколатига киради. Бундай сиёсатни амалга ошириб, у муомаладаги пул массаси мажмуи, инфляция жараёнлари, миллий пул бирлигининг чет эл валюталарига нисбатан айирбошлаш курси барқарорлигини самарали назорат этишни таъминлайди, давлат банк тизимига бўлган ишончни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

Марказий банк келгуси йил учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили, кейинги молия йили бошланишига қадар ўттиз кундан кечиктирилмаган ҳолда, бу ҳақда мамлакат парламентига маълум қилади.

Марказий банк фаолиятида ҳисоб-китоблар самарали тизimini ташкил этиш, авваламбор, нақд пулсиз тўлов оборотини мустаҳкамлашни назарда тутаяди, у банкларда ҳисобварақлар бўйича ўтказмаларни амалга ошириш ҳамда ўзаро талабларни инobatга олиш - қарз суришиш йўли билан амалга оширилади. Шу муносабат билан Марказий банкнинг банк тизимини тартибга солиш борасидаги муҳим вазифаси банкларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибига риоя этиши устидан назоратни таъминлаш, ҳисоб-китоб интизомини бузганлик учун мулкий жавобгарлик чораларини белгилаш ва қўллашдан иборат.

Марказий банк бошқарув функцияларининг катта ҳажми Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш билан боғлиқ. Бюджет тизими тўғрисидаги қонуннинг 37-моддасига мувофиқ давлат бюджети касса ижроси бўйича операцияларни бошқа банклар ҳам амалга ошириши мумкин. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда тижорат банкларининг давлат бюджети касса ижроси бўйича фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни қабул қилади ва уларнинг сўзсиз бажарилишини назорат қилади, чунки бюджетда режалаштирилган барча тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш бевосита шунга боғлиқдир.

Марказий банкнинг давлат бошқарув органи сифатидаги фаолиятининг энг кенг доирадаги соҳаси банк фаолиятини тартибга солишдир. Бундай тартибга солиш банк тизими молиявий барқарорлиги ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, банк мижозлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини ташкил этиш мақсадида амалга оширилади. Марказий банк фаолиятининг асосий мазмуни кўриладиётган соҳада банк фаолиятини амалга оширишда рияз этилиши мажбурий бўлган муайян қоидаларни белгилашдан иборат.

Марказий банкнинг банк фаолиятини тартибга солиш бўйича энг муҳим функциялари қуйидагилардан иборат:

- 1) банкларни лицензиялаш;
- 2) мажбурий заҳира талабларини белгилаш;
- 3) иқтисодий нормативларни белгилаш;
- 4) банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш¹.

Лицензиялашнинг умумий тушунчаси махсус қонунчилик ҳужжатида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ *лицензиялаш* – лицензия бериш, уни қайта расмийлаштириш, лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ва лицензия амал қилишини бекор қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидир².

Банкларни лицензиялаш – банкни тартибга солишнинг дас-тлабки энг асосий функциясидир, чунки у банкларни молиявий тузилма сифатида шакллантириш ва уларнинг ваколати доирасини белгилашга қаратилган. Лицензиялашнинг асосий мақсади уларни тузиш учун амалдаги қонунчиликда белгиланган барча талабларга жавоб бера оладиган банкларнинг банк хизматлар бозорига кириши учун рухсат бериш ҳисобланади.

Масалан, янги тузиладиётган банк муассислари ва раҳбарларига қўйиладиган талаблардан бири уларнинг бенуқсон ишбилармонлик ва касбий обрўга эга бўлишидир. Ноликвид ва тўловга ноқобил бўлган юридик шахслар банк муассислари ва раҳбарлари бўла олмайди. Бўлгуси бозор моддий-техника таъминотига муайян талаблар қўйилади. Масалан, банк уни очиш вақтида назарда тутиладиётган барча тур ва даражадаги операцияларни амалга ошириш, тўлов тизимида иштирок этиш ва ички жараёнларга рияз этилишини таъминлаш учун имкон берадиган дастурий-техник воситаларга эга бўлиши лозим.

Марказий банк нафақат банк фаолиятини лицензиялашни амалга оширади. Амалдаги қонунчилик бўйича у банклар, юридик

¹ Сунги йилларда жаҳон амалиётида банк фаолиятини тартибга солиш ушбу йўналишининг аҳамияти кескин ўсди.

² Ўзбекистон Республикасининг «Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида» 2000 йил 25 майдаги қонуни (3-мси)// ЎР ОМА, 2000, 5-6, 142 -м.; ЎР ҚТ, 2003 й. №3, 20 -м.

ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш ҳамда қимматли қорозлар бланкаларини чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолиятни лицензиялайди. Унинг зиммасига, шунингдек, ломбардлар ва кредит уюшмалари фаолиятини лицензиялаш вазифаси ҳам юклатилган¹.

Мажбурий заҳира талабларини белгилаш дунёнинг барча мамлакатларида банк фаолиятини тартибга солиш бўйича стандарт воситаларидан бири бўлиб, тижорат банклари ликвидлигига, яъни уларнинг ўз мижозларига кредит бериш қобилиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш мақсадида қўлланилади.

Мажбурий заҳира талаблари бўйича банкларга заҳиралар шаклидаги депозитларнинг муайян қисмини улар учун белгиланган энг кам даражада Марказий банкда сақлаши учун кўрсатма берилади. Марказий банкда депонентланадиган мажбурий заҳираларнинг энг кам даражаси Марказий банк норматив ҳужжатлари билан белгиланади ҳамда омонатларнинг миқдори, тури, муддатлари ва банкларнинг бошқа мажбуриятларига боғлиқдир. Мажбурий заҳирлар миқдорлари жалб этилган маблағлар ва омонатларнинг ҳар бир тоифаси бўйича барча банклар учун бир хилдир.

Мажбурий заҳира талаблари нормативлари ёки таркибини белгилаш ёхуд ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларда бир ойдан кам бўлмаган муддат кўрсатилиб, ушбу муддатга банклар заҳиралар таркиби ва миқдори бўйича янги нормативларни бажаришлари шарт.

Иқтисодий нормативлар Марказий банкнинг тижорат банкларига бошқарув таъсирини ўтказишининг муҳим воситаларидан биридир. Бу нормативлар банклар томонидан ўзини оқламайдиган таваккалчиликни қабул қилишнинг олдини олиш мақсадида Марказий банк томонидан белгиланиб, тижорат банклари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Бундай таваккалчилик омонатчиларнинг манфаатлари учун зарар келтириши ва банк тизимига барқарорсизлантирувчи таъсир кўрсатиши мумкин.

Марказий банк банклар учун қуйидаги мажбурий иқтисодий нормативларни белгилайди:

капитал адекватлиги коэффиценти;

бир қарз олувчи ёки ўзаро боғлиқ бўлган қарз олувчилар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 28 июндаги 236-сонли қарорига 1-илова.

йирик кредит таваккалчилиги ва инвестицияларнинг энг кўп миқдори;

активларни таснифлаш ва баҳолаш бўйича талаблар ҳамда шубҳали ва ҳаракатсиз ссудаларга қарши заҳираларни шакллантириш, банк операцияларига қаражатларига қирадиган ажратилган маблағлар;

ссудалар бўйича фоизларни ҳисоблаб ёзиш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритиш бўйича талаблар;

очиқ валюта мавқеи лимитлари.

Кўрсатилган иқтисодий нормативлар Марказий банк томонидан ўзгартиришлар киритилгунига қадар бир ой бўлган муддатдан кечиктирилмаган ҳолда эълон қилиниб, ўзгартирилиши мумкин.

4. Тижорат банклари ҳуқуқий мақомининг асослари

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Тижорат банкларининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида акциядорлик жамиятини белгилаш, адабиётларда ҳаққоний қайд этилганидек, бошқа жамиятлар (масъулияти чекланган жамият ёки қўшимча масъулиятли жамият, тўлиқ ёки коммандит ширкат)га нисбатан катта афзалликларга эга. Бу афзалликлар сармоя (капитал)ларни жалб этишнинг нисбатан кенг имкониятларга эга эканлиги, акциядорларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда кўпроқ қайишқоқлиги, бошқа шаклларга нисбатан барқарорлигидан иборат¹.

Кўрсатилган ҳаракатлар муассислар томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»² 1996 йил 26 апрелдаги, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»³ 1993 йил 2 сентябрдаги қонунлари ҳамда акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунлар талабларига риоя этилган ҳолда олиб борилмоқда.

Агар банк ягона таъсисчи сифатидаги давлат томонидан таъсис этилаётган бўлса, акциядорлик жамияти - банкнинг таъсис

¹ Бу масала юзасидан батафсил маълумот берилган. Худойкулов У. Ч., Эрдонаев А.Х. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига шарҳлар/ (Масъул муҳаррир - Р.О.Охунов). Т.: Ўзбекистон, 1998. - 85-85-бетлар.

² ЎР ОМА, 1996 й., №5-6, 61 -м.; 1997 й., №2, 56 -м.; 1998 й., №3, 38 -м.; №9, 181 -м.; 1999 й., №9, 229 -м.; 2001 й., №1-2, 23 -м.; ЎР ҚТ, 2003 й., №3, 20 -м.

³ ЎР ОМА, 1993 й., №9, 325 -м.; 1994 й., №11-12, 285 -м.; 1995 й., №12, 269; ; 1996 й., №5-6, 69 -м.; №9, 144 -м.; 1997 й., №2, 56 -м., №9, 229 -м.; ЎР ҚТ, 2003 й., №3, 20 -м.

ҳужжатлари унинг устави ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг банкни очиш тўғрисидаги қарори ҳисобланади.

Хусусий банк – муассислар - жисмоний шахслар улуши устав капиталининг 50 фоизидан кам бўлмаган улушини ташкил этиб, унинг қолган қисми нодавлат юридик шахсларга тегишли бўлган банкдир.

Ўзбекистоннинг амалдаги банк қонунчилигига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида чет эл капитали иштирокидаги банкларнинг икки тури тузилиши мумкин:

- 1) норезидент банкларнинг шўъба банклари;
- 2) устав капиталда чет эл муассислари (акциядорлари)нинг улуши мавжуд бўлган банклар¹.

Шўъба банк – устав капитали тўлиқ норезидент-банк томонидан тўланган банкдир. Бизнинг республикаимиз ҳудудида бундай банкларни очиш учун молиявий аҳволи мустаҳкам бўлиб, иш-фаолиятида беками-кўст обрў қозонган норезидент-банкларгагина руҳсат берилади. Шўъба-банк очишни ёки банк капиталда иштирок этишни истаган норезидент-банк устав капитали камида 30 млн. долларни (эквивалентда) ташкил этиши керак.

Чет эл муассислари иштирокидаги банк – бу - чет эл инвесторларининг улуши устав капитали умумий суммасининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисмини ташкил этган банк ҳисобланади. Бунда чет эл инвесторларидан бири юридик шахс бўлиши лозим. Бундай банклар устав капиталини шакллантиришда резидентлар ва норезидентлар, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, норезидент-банклар қатнашиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Марказий банк чет эл иштирокидаги банкларга нисбатан банкни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати, бошқарув органлари таркиби, ҳисобдорлик тартиби ва ҳ.к.га нисбатан қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидент-банклар филиалларини очиб қонунчиликда назарда тутилмаган.

Барча банклар ўз иш-фаолиятини ўзларининг уставларига асосан олиб боради. Банк устави Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ белгиланган рўйхат бўйича тегишли маълумотларни ўз ичига қамраб олиши керак. Ушбу қонун бўйича уларга қуйидагилар киради:

банкнинг (тўлиқ ва қисқа) номи ҳамда унинг жойлашган ери (почта манзили);

банк операциялари рўйхати;

¹ Норезидент-банк - чет давлат ҳудудида рўйхатга олинган банк.

устав капитали миқдори, муассислар рўйхати ва устав капиталида улушлар тақсимоги;

банк бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, ваколатлари ва функциялари;

банк аудити тартиби, шунингдек, халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларига мувофиқ равишда белгиланган ҳисобот ва аудиторлик дастурлари тартиби.

Кўрсатилган маълумотлардан ташқари, (агар амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бўлса) банк устави бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига қамраб олиши керак.

Банкни ташкил этиш учун унинг устав капитали шакллантирилган бўлиши лозим, бу капитал банк муассислари ва акциядорлари томонидан туланган пул маблағларидан таркиб топади. Бунда банк устав капиталини шакллантириш учун кредит, гаров остида олинган ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Банкни рўйхатдан ўтказиш вақтида муассислар энг кам устав капиталини тулаши шарт, унинг миқдори Марказий банк томонидан белгиланади ҳамда мулкчилик шакли ва банк жойлашган ерга қараб фарқ қилади. Устав капиталининг энг кам даражасига бўлган талаблар Тижорат банклари капитали адекватлигига қўйиладиган талаблар туғрисида низом билан белгиланган (3-банд)¹.

Янги очилаётган банклар учун устав капиталининг энг кам миқдори қуйидагича белгиланган:

- Тошкент шаҳрида очилаётган тижорат банклари учун – 2,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти;

- бошқа аҳоли пунктларида очилаётган тижорат банклари учун – 1,25 млн. АҚШ доллари эквиваленти;

- хусусий банклар учун – 1,25 млн. АҚШ доллари эквиваленти;

- чет эл иштирокида очилаётган банклар учун - 5 млн. АҚШ доллари эквиваленти;

Устав капитали белгиланган энг кичик миқдорининг миллий валютадаги эквиваленти муассислар томонидан банк очиш туғрисида қарор қабул қилинган кунда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи учун фойдаланиладиган валюталар курси бўйича ҳисобланади.

Марказий банк бизнес-режада кўрсатилган фаолият шартлари, операциялар тури ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, банк устав капитали миқдорига қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

¹ Марказий банк Бошқаруви томонидан 2000 йил 26 апрелдаги 420-сонли (7/4-баёниги) қарор билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 23 июлдаги 949-рақам билан рўйхатга олинган. Кейинги ўзгартиришлар билан.

Банк тузилаётган вақтда устав капитали суммасига рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир йил давомида банк акциядорлари таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаган муассислар ўртасидагина тақсимланадиган, эгасининг номи ёзилган акциялар чиқарилади.

5. Банкларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби

Банклар Марказий банкда рўйхатдан ўтказилиб, лицензия олганидан кейингина банк операцияларини амалга ошириши ва юридик шахс мақомини олиши мумкин. Банкларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялашнинг ҳуқуқий асослари Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 5, 10-13-моддаларида белгиланган бўлиб, улар Марказий банкнинг махсус норматив ҳужжатида ўзининг аниқ ифодасини топди¹.

Белгиланган тартибда банкларни лицензиялаш жараёни икки босқичдан таркиб топган:

1) *Марказий банк томонидан банк очиш учун тахминий рўхсат олиш;*

2) *банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш билан бир вақтда банкни рўйхатдан ўтказиш.*

Муассислар олдиндан рўхсат олиш учун таъсис шартномасига имзо чекилганидан кейин бир ойлик муддатдан кечиктирилмаган ҳолда Марказий банкка банк очиш учун рўхсат бериш тўғрисида ариза ёзиб, унга қўйидаги ҳужжатларни қўшиб бериши керак:

1. Янги тузилаётган банк таъсис ҳужжатлари:

а) муассислар томонидан имзоланган ва уларнинг муҳрлари билан тасдиқланган таъсис шартномаси (уч нусхада, улардан бири асл нусха ҳисобланади). Жисмоний шахслар имзолари ва таъсис ҳужжатлари нусхалари нотариусда тасдиқланади;

б) таъсисчилар – акциядорлар мажлиси билан тасдиқланган ва банк Кенгаши раиси томонидан имзоланган банк устави – уч нусхада;

в) таъсис мажлиси баённомаси, унда банкни тузиш тўғрисидаги қарор, устав капитали миқдори, устав ва бизнес-режани тасдиқлаш, банк Кенгаши, тафтиш комиссияси ва банк бошқа-

¹ Банкларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисида Низом. Марказий банк Бошқаруви томондан 1998 йил 9 ноябрдаги 22- (19/7 – сонли) баёний қарор билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 11 февралда 630- рақам билан рўйхатга олинган. Ушбу Низомга Адлия вазирлигида 1999 йил 10 июнда 630-1; 1999 йил 22 декабрда 630-2; 2001 йил 19 мартда 630-3; 2002 йил 15 январда 630-4; 2002 йил 14 майда 630-5-рақам билан рўйхатга олинган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

рувини сайлаш тўғрисидаги қарорлар мавжуд бўлиши керак - уч нусхада. Нусхалар банк Кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

2. Муассислар тўғрисидаги маълумотлар:

а) муассислар рўйхати, 13.1.2-банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган жисмоний ва юридик шахслар бўйича маълумотлар алоҳида кўрсатилиши керак. Масалан, жисмоний шахслар бўйича бундай маълумотларга паспорт маълумотлари, фаолият тури, иш жойи, лавозими ва бошқа маълумотлар киради. Юридик шахслар бўйича эса, уларнинг тўлиқ номи, тўлов реквизитлари ва ҳ.к. шулар жумласидандир. Янги тузилаётган банк устав капиталига бадал тўғрисидаги маълумот, шу жумладан устав капиталнинг умумий суммасидан фоизлар нисбатидаги маълумотлар жисмоний шахслар бўйича ва юридик шахслар бўйича тақдим этилиши лозим;

б) тузилаётган банк овоз берувчи акцияларининг 5 ёки ундан ортиқ фоизига эга бўлган муассислар бўйича жисмоний ва юридик шахслар учун алоҳида белгиланган рўйхат бўйича қўшимча маълумот топширилади. *Жисмоний шахслар учун* ушбу рўйхатда, масалан, уларнинг касбий фаолияти ва малакаси, сўнги икки йил учун солиқ декларациялари тўғрисидаги батафсил маълумотлар назарда тутилган (хусусий банклар устав капиталида иштирок этувчи жисмоний шахслар - резидентлар бунга кирмайди). *Юридик шахслар учун* эса - давлат рўйхатидан ўтиш тўғрисидаги ҳужжатлар, почта манзили; устав капиталида иштирок этган ҳар бир йирик қатнашчи тўғрисидаги тўлов реквизитлари, бундай шахс эга бўлган, устав капиталида иштирок этган акциялар сони (фоизлар нисбатида); сўнги икки йил ичидаги, шу жумладан: сўнги икки ҳисобот саналаридаги баланс ҳисоботлари (солиқ органлари ва аудиторлик фирмалари томонидан тасдиқланган бўлиши шарт) ҳамда бошқа маълумотлар.

Барча муассислар (ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар) бўйича ушбу шахсларга нисбатан сўнги беш йил ичида ариза тақдим этилгунига қадар суд (ҳамда хўжалик суди) ёки давлат органлари томонидан қўлланаётган ҳар қандай ҳуқуқий санкциялар тўғрисидаги ахборот, маълумотлар тақдим этилади.

3. Янгидан тузилаётган банк Кенгаши аъзолари рўйхати, раис ва унинг биринчи ўринбосари кўрсатилган ҳолда, олдинги иш-фаолияти, маълумоти даражаси ва уларга нисбатан қўлланган юридик санкциялар ҳамда уларнинг Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар.

4. Бошқарув раиси ва бошқа раҳбар ходимлар учун аввалги иш-фаолияти, маълумоти даражаси, уларга нисбатан қўлланган ҳуқуқий санкциялар ҳамда Марказий банк томонидан раҳбар хо-

димларга нисбатан қўйилган талабларни тасдиқловчи маълумотлар.

5. Банкнинг батафсил ташкилий тузилмаси.

6. Низомлар: банкнинг ички кредит сиёсати тўғрисида; банкнинг инвестицион сиёсати тўғрисида; банкнинг эмиссия сиёсати тўғрисида; банкнинг ички аудит хизмати тўғрисида.

7. Банкнинг стратегияси, фаолият йўналишлари ва кўлами, молиявий истиқболлари (бозор таҳлили, тақдим этилаётган хизматлар, банк тузилмаси, биринчи уч молия йили учун фойда ва зарар тўғрисидаги прогноз баланси ва ҳисоботи, миқдорларни шакллантириш режаси, меҳнат ресурсларини жалб этиш режаси) – белгиланган шакл бўйича.

8. Муассислар номидан ариза бериш учун аризачининг ваколатини тасдиқлайдиган, нотариусда ёки бошқа усул билан тасдиқланган ҳужжат.

9. Аризани кўриб чиқиш учун йиғим киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Банкнинг батафсил ташкилий тузилмаси, Банк ички аудит хизмати тўғрисида, Банк инвестиция сиёсати тўғрисида, Кенгаш раисини сайлаш тўғрисидаги қарорларни ўз ичига қамраб олган, таъсис мажлиси томонидан сайланган банк Кенгаши мажлиси баённомаси.

Ариза билан биргаликда тақдим этилган барча ахборот, маълумотлар тўғрилиги текширилади. Маълумотлардаги ҳар қандай бузиб кўрсатишлар ёки катта камчиликлар аризанинг рад этилишига сабаб бўлиши, шунингдек, ушбу ахборотни тақдим этган шахсларни жавобгарликка тортишга сабаб бўлиши мумкин.

Норезидент-банк иштирокида банк ташкил этиш вақтида муассислар қўшимча равишда қўйидаги ҳужжатларни топширади:

муассис-банк тегишли органининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ташкил этишда ўзининг иштирок этиши тўғрисидаги қарори;

норезидент-банкнинг устави;

мамлакат банк назорат органининг муассис банк банк фаолиятини олиб бориши учун лицензияга, хусусан, ўз мамлакатида қайтариш шарти билан пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги ёзма тасдиқнома;

банк назорат органининг муассис-банк жойлашган ери ва рўйхатдан ўтган жойи бўйича назорат органининг назорати остида эканлиги тўғрисидаги ёзма тасдиқнома;

муассис-банкнинг йиллик ҳисоботлари ҳамда охириги уч молия йилидаги фойда ва зарарлари тўғрисидаги жамланма баланси

ва ҳисоботи (аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак);

банк назорат органининг тузилаётган банк устав капиталида муассис-банкнинг иштирок этиши учун ёзма рухсатномаси ёки муассис-банкнинг давлат қонунчилигида бундай рухсат назарда тутилмагани тўғрисидаги ёзма рухсатномаси.

Юқорида кўрсатилган барча ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси ёки норезидент-банк жойлашган ердаги ваколатли консуллик муассасаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги тузилаётган ёки амалда ишлаб турган банк устав капиталида чет эл муассиси иштирок этган ҳолда, қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк тузишда чет эл муассиси иштирок этиши учун мамлакат қароргоҳи назорат органининг розилигини тасдиқловчи ҳужжат;

хорижий норезидент-муассисга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилган тўлов қобилияти тўғрисидаги тасдиқнома;

келиб чиққан мамлакати савдо реестри (рўйхати)дан кўчирма ёки муассис юридик мақомини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

фамилияси, исми, отасининг исми; турар жойи (тўлиқ манзили, телефонлари); жисмоний шахслар-норезидентлар учун сўнги икки йилдаги иши ёки касбий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда охириги икки йил учун солиқ декларациялари.

Норезидент-банк ёки ҳар қандай чет эл муассиси аризаси ва молиявий аҳволини баҳолаш вақтида Марказий банк норезидент-банк ёки чет эл муассиси давлати назорат органларининг маълумотлари ва фикрини инобатга олади. Аммо тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолда, Марказий банк ўз мезонларидан келиб чиқиши мумкин.

Чет эл капитали ва шўъба банклар иштирокидаги банкларни рўйхатга олишнинг мажбурий шарти уларнинг чет эл валютаси билан операцияларни амалга ошириш учун тайёрлиги ҳисобланади.

Чет эл капитали иштирокидаги банкларда банк Кенгашининг ҳеч бўлмаганда бир аъзоси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши шарт.

Марказий банк бир ойлик муддат ичида муассислар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар пакетини уларнинг тўпланганлиги ва қонунчилик талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади. У банк очиш учун олдиндан рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча ахборот, маълумотлар ёки ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли.

Тақдим этилган ҳужжатлар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, улар қайтарилиш сабаби ва муддати

кўрсатилган ҳолда тузатиш учун қайтариб берилади, ушбу муддат давомида улар қайта кўриб чиқиш учун тақдим этилиши мумкин. Бу муддат 15 календар кундан ортиқ бўлмаслиги керак. Кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган ариза янгидан берилган ҳисобланади. Ҳужжатларни қайта ишлаш учун муассислар томонидан сарфланган вақт илтимосномани қайта кўриб чиқиш муддатига кирмайди.

Тахминий рухсат бериш тўғрисидаги қарор (барча ҳужжатлар билан бирга) ариза тақдим этилган кундан бошлаб уч ойдан кечиктирилмаган муддатда чиқарилади.

Марказий банкнинг тахминий рухсатномаси берилётган вақтда муассисларнинг молиявий имкониятлари ва обрўси, таклиф этилаётган банк раҳбарлари касбий сифатларини баҳолаш, бизнес-режа, капитал тузилмаси, молиявий режа баҳоси ва тегишли банк бинолари ва жиҳозлари билан таъминланиш имкониятларига асосланилади.

Банк очиш учун тахминий рухсат олинганидан кейин муассислар лицензия олиш ва банкни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни бажаради.

Янги тузилаётган банкга таъсис бадалларини йиғиш учун Марказий банк, унинг ҳудудий Бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида Марказий банк билан келишув бўйича вақтинча жамғарма ҳисобварақ очилади. Ушбу ҳисобвараққа устав капиталини тулаш учун муассислар томонидан таъсис ҳужжатларида кўрсатилган тартиб ва миқдорларда маблағлар киритилади. Мазкур ҳисобварақни очиш учун банк муассислари ваколатли вакилининг вақтинча жамғарма ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк очиш учун тахминий рухсатномаси асос бўлиб хизмат қилади. Бу ҳисобварақ банкни рўйхатдан ўтказиш ва банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олишга қадар устав капиталининг белгиланган энг кам миқдорини туپлаш учун фойдаланилади. Агар жамғарма ҳисобварақ республика тижорат банкларидан бирида очилган бўлса, ундаги маблағлар депозитлар сифатида жалб қилиниши мумкин.

Марказий банк томонидан банк очиш учун берилган тахминий рухсатнома олинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаган муддат давомида ўзининг юридик кучини сақлаб қолади. Тахминий рухсатни олиш лицензия берилиши учун кафолат бўла олмайди, чунки қонунчиликда белгиланган ҳолларда у амал қилиш муддати тугагунига қадар бекор қилиниши мумкин. Бу, масалан, Марказий банк талабларига жавоб бермайдиган қатнашчилар ва раҳбарлар таркибда ўзгаришлар бўлган, муассислар ёки улар билан боғлиқ шахсларнинг молиявий аҳволи ёмонлашган бўлса,

банкни бошқариш хавфсиз ва ишончли бўлмаслигини кўрсатувчи фактлар маълум бўлиб қолса ва ҳ.к. ҳолларда юз бериши мумкин.

Банклар Марказий банк томонидан Давлат банкларни рўйхатдан ўтказиш китобида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомини олади. Рўйхатга олиш билан бирга, уларга банк операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқ берилади.

Рўйхатдан ўтиш ва банк операцияларини амалга ошириш учун муассислар қуйидагиларни бажариш шарт:

ваколатлари муассислар томонидан ёзма равишда тасдиқланган ваколатли шахснинг имзоси қўйилган банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги аризасини тақдим этиш;

банкни рўйхатдан ўтказиш ва банк фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш бўйича қонунчиликда назарда тутилган барча талабларни бажариш;

Марказий банк томонидан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган устав капиталини шакллантириш ва банк томонидан тасдиқланган, тўлов тўланганлиги ва акциядорлар рўйхатини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш;

штатларни бутлаш, барча ташкилий-техник тадбирларни бажариш, автоматлаштирилган банк операцияларини бажариш учун хоналар, жиҳозлар, дастурий-техник воситаларни тайёрлаб қўйиш, Марказий банк талабларига мувофиқ равишда касса тармоқларини тайёрлик ҳолатига келтириш. Касса тармоқларининг тайёрлиги қуйидагиларни англатади: қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш ва хавф-хатардан огоҳлантирувчи сигнализация воситалари билан жиҳозланганлик; техник жиҳатдан мустаҳкамланган пул омборларининг мавжудлиги, идорадан ташқари қўриқлаш кучлари билан банкни қўриқлаш учун шартнома тузиш;

Марказий банкнинг банк Бошқаруви Раиси ва унинг ўринбосарлари, банк бош бухгалтери ва ўринбосарларининг эгаллаган лавозимларига касбий мувофиқлиги бўйича баённомаларидан кўчирмаларни тақдим этиш;

дастурий-техник воситалар мажмуи ҳамда барча ҳужжатлар матнлари ёзилган магнит ташувчилар, дискеталар тайёрлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиш.

Банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензия бериш тўғрисидаги қарор Марказий банк барча талаблари бажарилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддат ичида чиқарилади.

Банк операцияларини амалга ошириш учун Марказий банк томонидан берилган лицензия банкка унда кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланиш учун ҳуқуқ беради. Банкка тахминий раҳбарлик қилиш имкониятлари, умумий хатар ва банк капитали

таркибий тузилмасини ўрганиш асосида унинг фаолияти айрим турлари чекланган бўлиши мумкин.

Чет эл валютасидаги операцияларни бажариш учун банкларга (чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банклар бунга кирмайди) Марказий банк томонидан белгиланган тартиб ва шартларда бош лицензия, ички лицензия ва бир марталик лицензия берилади.

Рўйхатдан ўтиш, юридик шахс мақоми ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат юридик иш бўлиб, унинг таркиби ва олиб бориш тартиби Банкни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисида низомнинг 16.10 ва 16.11-бандлари билан белгиланади.

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун 13-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолда, Марказий банк банкни рўйхатдан ўтказиш ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин. Бундай асосларга қуйидагилар киради:

банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаганлик;

таъсис ҳужжатларининг қонунчиликка мувофиқ эмаслиги;
бир ёки бир неча муассисларнинг қониқарсиз молиявий аҳволи;

муассислар молиявий маблағлари манбаларининг декларация қилинмаганлиги;

банкни рўйхатга олиш вақтида энг кам миқдордаги устав капиталини киритмаганлик;

банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг касбий номувофиқлиги.

Банкни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, банк муассисларининг ваколат берилган вакили бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади. Бунда жамғарма ҳисобварақ маблағлари муассисларга, жамғарма ҳисобварақ очилган банкка қайтарилади.

6. Марказий банкнинг назорат функциялари

Марказий банк банк-молия тизими барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари ва ломбардлар фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади.

Марказий банкнинг назорат функцияларини амалга ошириш бўйича ваколатлари Марказий банк тўғрисидаги қонуннинг 51-моддасида мустаҳкамлаб берилган бўлиб, у қуйидагиларни белгилаб беради:

банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидалар;

молия операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича кредит уюшмалари учун мажбурий бўлган қоидалар;

ломбардлар учун мажбурий бўлган фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидалари.

Назорат функцияларини амалга ошириши учун Марказий банкка қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

банклар, кредит уюшмалари, ломбардлардан ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни олиш ҳамда текшириш, улар фаолияти, шу жумладан операциялари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

олинган маълумотлар юзасидан тушунтиришлар талаб қилиб олиш;

банклар, кредит уюшмалари ва улар билан аффилирланган шахслар, шунингдек, ломбардлар фаолиятини текшириш, тартибузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;

банклар ички аудити, шунингдек, банклар активлари сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий зарарларни қоплаш юзасидан адекват захираларни ташкил этиш бўйича талаблар белгилаш;

ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва жараёнини белгилаш;

банклар, кредит уюшмалари ва ломбардлар иш-фаолиятида аниқланган тартибузарликларни тугатиш тўғрисида улар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни жўнатиш;

банкнинг молиявий аҳволи ва акциядорларнинг обрўси (агар улар устав капиталининг қонунчиликда белгиланган миқдордан ортиқ бўлган қисмини олган тақдирда) тўғрисидаги маълумотларни сўраш ва олиш;

банклар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бошқарув аъзолари ва бош бухгалтерлари, кредит уюшмалари ижроия органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларини қўйиш;

иқтисодий нормативларни белгилаш ва уларнинг сўзсиз бажарилишини талаб қилиш.

Текширувлар Марказий банк ваколатли вакиллари ва Марказий банк белгилайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда банк акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг тахминий розилигини олиш талаб қилинади. Акцияларни сотиб олувчиларнинг молиявий аҳволи қониқарсиз даражада эканлиги аниқланган ҳолда, Марказий банк банк акциялари олди-сотди битимини амалга ошириш учун

розилик беришни рад этишга ҳақли. Ариза олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирилмаган муддатда Марказий банк ўз қарори ҳақида ёзма равишда аризачига маълум қилади.

Марказий банк аудиторлардан Марказий банк норматив ҳужжатларига, шу жумладан процедура ва услубларга риоя этишларини талаб қилиши ҳамда улардан банк аудити билан боғлиқ бўлган маълумотларни бевосита олиш ҳуқуқига эга.

Банк назоратининг асосий турлари (усуллари) Марказий банк¹ томонидан белгиланган тартибда банкларни назорат этиш ва масофадан туриб назорат қилиш ҳисобланади. Ушбу тартибда банклар, уларнинг филиаллари ҳамда банклар билан аффилирланган юридик шахслар фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишга доир асосий қоидалар назарда тутилган².

Инспекциялаш - банкларнинг реал молиявий аҳволини аниқлаш ва банк фаолиятига хос бўлган таваккалчилигини баҳолаш мақсадида бевосита жойларда назорат тартибида банклар ва уларнинг филиаллари фаолиятини текширишни назарда тутувчи банк назорати усулидир.

Масофадан туриб назорат - тижорат банклари молиявий аҳволини ҳар куни мониторинг қилиш, улар томонидан Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисоботларни таҳлил этишга асосланган банк назоратининг усули бўлиб, унинг мақсади уларнинг муаммоларини дастлабки босқичда аниқлашдан иборат.

Банклар назорати ташқи аудит ўрнини боса олмайди. Ташқи аудит ваколатли органлар томонидан белгиланиб, молиявий ҳисобот ва ҳужжатли тафтишларнинг туғрилигини тасдиқлаш учун улар ишида мавжуд бўлган жинойий, маъмурий, фуқаролик ишлари бўйича далилларни йиғиш мақсадида ўтказилади.

Банклар ва уларнинг филиалларини назорат қилишнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- банкнинг аниқ молиявий аҳволи, банк тизими учун ишончлилиги, хавфсизлиги ҳамда омонатчилар ва кредиторлар манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашни баҳолаш ва аниқлаш;

- банклар фаолиятида мавжуд таваккалчиликларни аниқлаш ва баҳолаш;

- инспекция натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Қуйидагилар назорат қилиниши керак:

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инспекция бўлиналари томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиалларини назорат қилиш (текширув ўтказиш) тартиби туғрисида низоом (Янги тахрири) Марказий банк Ўшқарувиининг 1999 йил 22 майдаги 227-сонли қарори (10-сонли баёний қарори) билан тасдиқланган. Аслии вазирлигида 2000 йил 4 февралда 889-рақам билан рўйхатта олинган.

² Банкининг аффилирланган (боғлиқ) юридик шахслари а) банкининг йирик акциядори булган, яъни банк устав капиталининг 10 фоливи охи ундан ортиқ қисмига эга булган ҳар қандай юридик шахс; 2) унда банк йирик акциядор бўлган юридик шахседир.

- тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларига тақдим этиладиган ҳисоботларнинг тўғрилиги ва аниқлиги;

- таваккалчилик, ички аудит ва ички назоратни бошқарув тизимининг самарадорлиги;

-бухгалтерия ҳисоби ва раҳбарият хабардорлик тизимининг самарадорлиги;

- банк томонидан амалга ошириладиган депозит, кредит, ҳисоб-китоб, касса, валюта ва бошқа банк операцияларининг олиб борилиши ва ҳисоб юритилиши асосланганлиги, тўғрилиги, аниқлиги;

- иқтисодий нормативларга риоя этилиши, капиталнинг етарли бўлишини қўллаб-қувватлаш, активлар сифати, банк ликвидлиги ва фойдалигига риоя этилиши, банк раҳбариятининг компетентлиги ва қобилияти;

- банкнинг умумий молиявий аҳволи;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказий банк норматив ҳужжатларига қатъий риоя этилиши.

Банк филиалини назорат этиш, инспекция вақтида қўшимча равишда қуйидагилар текширилади:

- банк филиали бажарадиган функциялар ва операцияларнинг Филиал тўғрисидаги низомга мувофиқлиги, филиаллар раҳбарларининг иш-фаолияти уларнинг банк томонидан берилган ишончномада мустақамлаб берилган ваколатларига мувофиқлигини баҳолаш;

- филиал томонидан унинг учун банк белгилаб берган операцияларни амалга ошириш меъёрлари ва чегара ҳажмлари (лимитлари)га риоя этилиши.

Филиаллар фаолиятига хос бўлган барча таваккалчиликлар банк филиали амалга оширадиган фаолият бўйича баҳоланади.

Банклар фаолиятини назорат қилиш режали тартибда бир йилда бир марта амалга оширилади. Аммо қонунчиликда назарда тутилган айрим ҳолларда назорат қилиш даврийлиги бошқача бўлиши мумкин. Сўнги икки йил давомида молиявий аҳволи барқарор бўлган (ушбу давр мобайнида рейтинги 1 га тенг бўлган) банклар фаолиятини назорат қилиш (улар фаолиятини текшириш учун бошқа қўшимча асослар бўлмаса) одатда, икки йилда бир марта ўтказилади.

Банклар ва уларнинг филиалларини назорат қилиш комплекс - ялли текширув ва мавзувий бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда банк фаолиятининг барча масалалари жамланган равишда 30 календар кундан ортиқ бўлмаган муддатда, иккинчи ҳолда эса - банк фаолиятининг айрим масалалари бўйича Марказий банк ва унинг ҳудудий бошқармалари раҳбари томонидан белгиланган

муддатларда текширув ўтказилади. Бунда банк томонидан амалга ошириладиган операциялар ҳажми, филиал тармоғи мавжудлиги ҳисобга олинади.

Зарур бўлган ҳолларда текширув муддатлари Республика нозорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашининг қарорига асосан Марказий банк ва унинг ҳудудий бошқармалари раҳбарияти томонидан узайтирилиши мумкин.

Банк фаолиятини амалга ошириш қоидалари бузилганлиги аниқланган тақдирда, Марказий банк амалдаги қонунчиликда белгиланган чора ва санкцияларни қўллаши мумкин. Банклар ва уларнинг филиаллари томонидан иқтисодий нормативлар бузилган ҳолда, Марказий банк банкларнинг устав капитали энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириб олиши ёки олти ойгача бўлган муддатга айрим операцияларни ўтказишни чеклаб қўйиши мумкин.

Агар банк томонидан йўл қўйилган тартиббузарликлар ёки амалга оширилган операциялар омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига реал хавф туғдирган бўлса, Марказий банк қуйидагиларга ҳақлидир:

банклардан устав капиталининг энг кам миқдоридан бир фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ундириб олиш;

банкдан банкни молиявий соғломлаштириш бўйича чоратadbирлар кўрилишини талаб қилиш, шу жумладан: активлар таркибий тузилмасини ўзгартириш, банк харажатларини камайтириш ва акциядорларга дивидендлар тўланишини тўхтатиш, банк ёки филиал раҳбарларини, шунингдек, банк кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини ўзгартириш, банкни қайта ташкил этиш, филиални тугатиш;

банк учун иқтисодий нормативларни олти ойгача бўлган муддатга ўзгартириш;

банк томонидан айрим банк операцияларини амалга оширишни бир йилгача бўлган муддатга ман этиш, шунингдек, ушбу муддатда филиалларни очишни тақиқлаб қўйиш;

банкакка васийлик (ҳомийлик)ни белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиб, молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда банк мансабдор шахслари ва акциядорларининг барча ваколатларини васий (ҳомий)га бериш;

банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни чақириб олиш.

Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобварақлари қониқарсиз аҳволда бўлган тақдирда, Марказий банк банк филиалининг ушбу ҳаракатлари натижасида олинган даромадни сўзсиз тартибда ундириб олади

ҳамда шу миқдорда жарима ҳам солади. Кредит уюшмалари, ломбардлар ҳамда қимматли қоғозларни чиқарувчиларга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби қонунчилик билан белгиланади. Масалан, амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланган тақдирда, Марказий банк уларни бартараф этиш тўғрисида ёзма кўрсатма беради. Агар бундай кўрсатма олинганидан кейин 30 кунлик муддат ичида тартиббузарлик бартараф этилмаган бўлса, Марказий банк лицензияни бекор қилиш ҳамда қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш учун зарур бўлган муддатни белгилаш ҳуқуқига эга¹.

Марказий банк назорат фаолиятини амалга оширар экан, халқаро ташкилотлар, чет давлатлар марказий банклари ва банк назоратининг бошқа органлари билан ҳамкорлик қилади ва ахборот, маълумотларни ўзаро алмашади. 1966 йилнинг июлида Марказий банк банк назорати бўйича Базель комитетининг аъзоси бўлди; бу қўмита 1975 йили тузилди ва ҳозирги вақтда банк назорати соҳасида энг обрўли халқаро ташкилот бўлиб қолди. Базель комитетининг энг муҳим ҳужжатларига қуйидагилар киряди:

а) оқилона ва самарали банк назоратининг 25 та фундаментал тамойилларини ўз ичига олган самарали банк назоратининг асосий тамойиллари умумий тўплами (Базель тамойиллари);

б) Базель комитетининг мавжуд тавсиялари, асослари ва стандартлари бўйича қисқача қўлланма. Ушбу ҳужжатлар Базель комитети томонидан 1997 йил апрелда ишлаб чиқилган бўлиб, улар банк назорати бўйича Базель битимига кирган мамлакатлар ўртасида тарқатилган.

¹ Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисида йуриқнома. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 26 декабрдаги 435- қарор (1998 йил 26 декабрдаги 24/12-сонли баёний қарор) билан тасдиқланган. Алдида вақирлигида 1999 йил 9 февралда 623-рақам билан рўйхатга олинган.

20-БОБ. ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1. Ўзбекистон Республикаси пул тизими

Пул тизими деганда, аъъанавий равишда мамлакатда пул муомаласини ташкил этиш шакллари тушунилиб, улар тарихий жиҳатдан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан мустаҳкамлаб берилган. Бизнинг республикамиз қонунчилиги бўйича, Ўзбекистон Республикасининг *пул тизими* расмий пул бирлиги, пул муомаласи ташкил этилиши ва уни тартибга солишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг расмий *пул бирлиги* сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат. Сўм Ўзбекистон Республикасида ягона, чекланмаган ва қонуний тулов воситаси ҳисобланади.

1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида тула қимматли миллий валюта - сўмнинг муомалага киритилиши бозор ислохотлари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди ҳамда давлатимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш, молия-кредит ва пул тизимини мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бўлди. Ислохотлар ҳозирги босқичининг стратегик йўналиши - сўмни янада мустаҳкамлаш, уни қатъий валюталарга эркин айирбошланишини таъминлашга қаратилган.

Ҳозирги вақтда республикамиз пул белгилари тизими банкнот ва металл тангалардан иборат. Турли давлатлар пул муомаласини ташкил этишнинг ҳозирги босқичида банкнотларда улар олтин ва бошқа қимматликлар билан таъминланганлиги, “ушбу пул белгиларини муомалага чиқарган аниқ давлат ёки банкнинг бутун бойлиги” тўғрисидаги ёзувлар тобора камайиб бормоқда. Масалан, собиқ Иттифоқ давлатида Давлат банкининг қиймати 10, 25, 50 ва 100 рубль бўлган билетларида бор эди. Қиймати 1,3,5 рубль бўлган Давлат хазина билетларида тегишли ёзувлар бўлмаган, яъни уларнинг банк томонидан таъминланганлиги қонун билан белгиланмаган, лекин улар амалда Давлат банки билетлари каби, шу асосларда муомалада бўлган.

Кўпгина давлатлар ва банклар пул белгиларида таъминот усуллари тўғрисидаги бир пайтлар аъъанавий бўлган ёзувларнинг йўқлиги ҳозирги вақтда пул белгилари эмитент банкнинг барча активлари билан таъминланганлиги тўғрисида умумий қабул қилинган қоида билан боғлиқдир. Шу йўл билан тегишли давлатлар, шу жумладан бизнинг давлатимизнинг пул муомаласи тўғрисидаги қонунчилиги ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг 33-моддасига

мувофиқ муомалада бўлган банкнотлар ва пул белгилари банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади. Шунинг учун, табиийки, ҳар бир пул бирлигида уни таъминлаш усули тўғрисида махсус кўрсатиш зарурати йўқ.

Ҳозирги пул белгилари бевосита давлат ёки унинг топшириғи бўйича у ваколат берган банк томонидан муомалага чиқарилмоқда, ammo ҳар қандай ҳолда ҳам улар суверен давлат белгиларидан бири, давлат мустақиллигининг рамзидир. Бу ҳар қандай давлатнинг умумий бойлиги ва мулкидир.

Бизнинг давлатимизда ваколатли банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўлиб, унга давлатимиз ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуқ берилган.

Марказий банк банкнотлар босиб чиқарилиши ва тангалар зарб қилиниши, муомалага чиқарилмаган пул белгилари сақланишини, шунингдек, босма қолиплар ва бўёқлар сақланиши ҳамда йўқ қилинишини таъминлайди, нақд пуллари сақлаш, ташиш ва инкассо қилиш, шунингдек, уларни йўқ қилиш қоидаларини белгилайди.

Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек, уларнинг дизайнини Олий Мажлиснинг Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намунадаги банкнот ва тангаларнинг муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, уларнинг тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Марказий банк муомалага чиқарган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек, ҳисобвараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида юбориш учун қабул қилиниши мажбурийдир.

Марказий банк пул белгиларининг фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш ҳамда шикастланган банкнотлар ва тангаларни алмаштириш тартибини белгилайди¹. Пул белгиларининг муомалага яроқлилигини аниқлаш ва уларни алмаштириб бериш тартиби эълон қилиниши лозим. Банклар яроқсиз банкнотлар ва тангаларни белгиланган қоидаларга мувофиқ равишда чекловсиз айирбошлаб беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1994 йил намунасидаги сумнинг тўловга яроқлилик белгиларини аниқлаш қоидалари. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига 1-илова.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай банкнот ва тангаларни муомаладан қайтариб олишга ҳақли¹. Бунга Марказий банкнинг айирбошлаш тартиби ва муддати кўрсатилган норматив ҳужжати асос бўлиб хизмат килиши керак. Марказий банк айирбошлаш учун белгиланган муддат тугаганида айирбошланиши керак бўлган банкнот ва тангалар қонуний тўлов воситаси сифатидаги кучини йўқотади.

Пул муомаласи товарлар айланиши, шунингдек, нотовар тўловлар ва ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатувчи нақд пулли ва нақд пулсиз шаклдаги пуллар ҳаракатидир. У мунтазам товар айирбошлаш ва товар бозори шаклланиши ҳамда шунга боғлиқ равишда товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан юзага келди. Товар айирбошлашда қиймат шаклланиши ўрин алмашиши, яъни товарнинг пулга айланиши ва янги товарларни сотиб олиш учун пуллардан кейинги фойдаланиш уларнинг доимий равишда ҳаракатда бўлиши зарурлигини белгилайди.

Нақд пул муомаласига пул белгилари (банкнотлар ва металл тангалар) хизмат қилади. Муомаладаги нақд пуллар муомала воситаси ва тўлов воситаси функцияларини бажаради. Тўлов воситаси сифатида улар нафақат товарлар айланишида, балки бевосита товарни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблар (иш ҳақи, пенсия, нафақа, суғурта суммаларини тўлаш, солиқлар тўлаш, уй-жой-коммунал хизмат учун тўловлар ва бошқа тўловлар) учун ҳам фойдаланилади.

Нақд пулсиз пул муомаласида тўлов воситаси сифатида нақд пул бўлмайди. Улар банк муассасалари томонидан пул муносабатлари бир субъекти ҳисобварағидан иккинчи субъектнинг ҳисобварағига ўтказилади. Нақдсиз пул муомаласи оборотдаги нақд пуллар миқдорини камайтириш имконини беради, уларнинг банкларда тўпланиши ҳисобига маблағларнинг марказлаштирилишига ёрдам беради, умуман пул муомаласини ташкил этиш ва тартибга солишни енгиллаштиради.

Нақд пул муомаласи билан нақд пулсиз пул муомаласи ўртасида ниҳоятда узвий алоқа мавжуд. Бир томондан, нақд пуллар (масалан, иш ҳақи) корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг банк ҳисобварақларидан аҳолига келиб тушади (аҳоли айрим гуруҳлари ўртасидаги муомала бунга кирмайди). Иккинчи томондан, аҳолига нақд пулга хизмат кўрсатувчи чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда бошқа ташкилотлар уларни

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилингулига қадар Марказий банк бундай муомаладан чиқаришни амалга ошириб, уларнинг урнига тенг ҳажмдаги банкнотлар ва тангаларни албатта эмиссия қилиши керак эди. /ЎР ҚТ, 2003 й., №3, 20 -м.

банклардаги ҳисобварақларига ўтказади, улар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

Давлат пул тизими ҳуқуқнинг турли тармоқлари меъёрлари билан тартибга солиниб, улар ичида молия ҳуқуқи меъёрлари етакчи ўрин тутади. Молия ҳуқуқи ёрдамида давлат пул тизимининг асосий элементлари белгиланиб, уларга пул бирлиги номи, қонуний тўлов кучига эга бўлган пул белгилари турлари, пулларни эмиссия қилиш ва муомалада бўлиш тартиби (таъминоти, чиқарилиши, муомаладан олиниши ва ҳ.к.), пул муомаласини амалга оширувчи давлат органлари ваколати киради.

Мазкур тизим айрим масалалари фуқаролик, маъмурий, жиноят ҳуқуқи билан ҳам тартибга солинади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари пул белгилари билан фуқаролик-ҳуқуқий битимларни амалга ошириш (қарз шартномаси), фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ҳ.к. бўйича юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. Маъмурий ва жиноят ҳуқуқи меъёрлари асосан пул тизими соҳасидаги қоидабузарликлар учун давлат мажбурий чораларини белгилаш ва қўллаш билан боғлиқ. Бу, масалан, Ўзбекистон Республикаси пул бирликлари билан ноқонуний валюта операцияларини амалга оширганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик, пул белгиларини қалбакилаштирганлик учун жиноий жавобгарлик ва ҳ.к.дир.

Пул тизими ва пул муомаласини ташкил этишга махсус бағишланган асосий молиявий-ҳуқуқий меъёрлар Марказий банк тўғрисидаги қонуннинг V бўлимида мустаҳкамлаб берилган. Бу бўлим Ўзбекистон пул тизими ҳуқуқий асослари, Марказий банкнинг пул белгиларини чиқаришдаги ваколатлари, пул белгиларини тайёрлаш ва сақлаш тартиби, муомаладаги пул белгиларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар, шунингдек, тўловларни амалга ошириш, нақд пул белгиларини муомалага чиқариш ва уларни муомаладан қайтариб олиш (32-39-моддалар)ни ўз ичига олади. Пул тизимига оид меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»¹, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Фуқаролик кодекси², Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекс ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида мавжуд.

Пул муомаласи қонунчилик асослари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки норматив ҳужжатларида аниқлаштирилган

¹ ЎР ҚТ, 2002, №9, 59 -м

² Масалан, ҳисоб-китоб муносабатларини тартибга солувчи нормалар (Ўзбекистон Республикаси ФК 45-боби).

бўлиб, улар воситасида нақд пул ва нақд пулсиз пул муомаласи тартибга солинади¹.

┌ Ҳозирги вақтда нақд пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солишнинг икки тартиби назарда тутилган: биринчидан, банклар томонидан нақд пул муомаласи бўйича ишларни ташкил этиш тартиби ва иккинчидан, юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш тартиби. ┘

2. Банклар томонидан нақд пул муомаласини ташкил этиш тартиби

Ўзбекистон Республикасида, банклар томонидан нақд пул муомаласини ташкил этиш Марказий банкнинг норматив ҳужжати²га асосан банкларнинг **касса айланмалари прогнози**ни тузиш йўли билан амалга оширилади. Прогнозда умуман бир йил ва йилнинг ҳар бир чорагида банк кассаларига келиб тушадиган нақд пуллар тушуми миқдори ва манбалари, уларни бериш миқдори ва мақсадли йўналиши, нақд пулларни муомалага чиқариш ёки муомаладан қайтариб олиш миқдори белгилаб берилади. Бундай прогнозлар аҳамияти:

а) пул муомаласини оператив (кундалик) тартибга солиш;
б) нақд пулларни самарали харажат қилинишини назорат этиш;

в) мамлакатда пул муомаласи тезлашиб, муомалага пул чиқариш ёки муомаладан пулларни қайтариб олишнинг тартибга солиниши таъминланиши билан белгиланади.

Қасса айланмалари прогнози ўз таркибий тузилмаси бўйича икки қисм: **кирим ва чиқим**дан иборат.

Кирим қисмида нақд пуллар тушумларининг барча мавжуд манбалари аке эътирилиб, уларга, хусусан, савдо тушуми, ҳар хил транспорт турларидан тушум, уй-жой-коммунал тўловлардан тушумлар, солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, омонатлар ва ҳ.к.дан келиб тушадиган тушумлар киради.

Харажат қисмида нақд пул бериш йўналишлари, масалан, иш ҳақи (стипендиялар, хизмат сафар харажатлари билан бирга), қишлоқ хўжалигида сотиб олиш, омонатларни индексация қилиш,

¹ Нақдсиз ҳисоб-китобларни ҳуқуқий тартибга солиш ушбу дарсликнинг 21-бобида кўриб чиқилади.

² Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан пул муомаласи бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида йўриқнома (ялғи таҳрири). Марказий банк Бошқарувининг 2002 йил 25 майдаги 14 7-сонли қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 8 июлда 1156-рақам билан рўйхатга олинган. Ушбу йўриқномага Марказий банкнинг 2002 йил 24 августдаги 6-1-сонли қарорига берилган иловага мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 30 августда 1156-1-рақам билан рўйхатга олинган) ўзгартиришлар киритилган.

пенсия, нафақалар, суғурта тўловлари ва бошқа эҳтиёжлар учун тўловлар кўрсатилади.

Касса айланмалари прогнози кирим ва чиқим қисмларининг амалда бажарилиши ҳисобга олинган ҳолда пул муомаласи тартибга солинади. Чиқим киримдан ортиб кетган ҳолда - **муомалага пул чиқариш**, кирим чиқимдан кўпайиб кетганида - **муомаладан пуллارни қайтариб олиш** амалга оширилади.

Касса айланмалари прогнози барча банклар томонидан прогноз қилинаётган чорак бошлангунига қадар 60 кун олдин банкда талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи мавжуд бўлган ташкилотлар томонидан бериладиган касса буюртманомалари асосида тузилади.

Банклар касса айланмаларининг чораклик прогнозини ойлар бўйича тақсимлайди. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

ҳар бир ойдаги кунларнинг сони ва бошқа ўзига хос хусусиятлари;

чакана товар обороти ҳажми, иш ҳақи жамғармасининг (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш айрим тармоқлари ишининг мавсумийлиги, байрамлар, ишчи ва хизматчиларнинг оммавий меҳнат таътилига чиқиш вақти ва ҳ.к. таъсирига қараб) ойлар бўйича эҳтимолий ўзгаришлари;

солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аҳоли томонидан тўланиш муддатлари.

Касса айланмалари прогнози тижорат банклари филиаллари томонидан Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларига, ушбу бошқармалар томонидан эса - Марказий банкка тақдим этилади. Касса айланмалари прогнозининг тижорат банклари филиаллари томонидан Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларига, мазкур бошқармалар томонидан Марказий банкка тақдим этилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

Республика банкларининг пул оборотини ташкил этишга доир ишлари барқарор пул муомаласини қўллаб-қувватлаш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун йўналтирилган. Шу муносабат билан уларнинг мажбуриятларига пул муомаласининг аҳолини доимий равишда ўрганиб бориш, таҳлил этиш, уни мустаҳкамлаш, ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг нақд пулларга бўлган эҳтиёжларини узлуксиз таъминлаб туриш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш каби вазифалар қиради.

Банклар пул муомаласининг аҳоли ва буни тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида тегишли органлар билан биргаликда пул муомаласини барқарорлаштириш, ташкилотларнинг нақд пулларга бўлган эҳтиёжларини узлуксиз қондириб туриш учун йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқади ва уларни

жойлардаги давлат ҳокимияти органлари кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Банклар томонидан, мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча ташкилотларга **нақд пулларни бериш** - иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларни тўлаш, пенсиялар, нафақалар, хизмат сафар харажатлари, дивидендларни тўлаш ҳамда қонунчиликда ман этилмаган тўловлар учун амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган фаолият учун жисмоний шахсларга берилиши керак бўлган нақд пуллар жисмоний шахсларнинг аризаларига асосан уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонат ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин.

Ҳужалик юритувчи субъектлар, мулкчилик шаклларида қатъи назар, ўзларининг тижорат банкларидаги ҳисобварақларидан биринчи талаб бўйича нақд пулларни топширилган нақд тушум доирасида олишга ҳақлидир.

Юридик шахс сифатида ўз фаолиятини амалга оширувчи ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан банкда олинган нақд пуллар ташкилотлар кассаларида шу куннинг ўзида кирим қилиниши шарт. Бу пулларни харажат қилиш Юридик шахслар томонидан касса операцияларини бажариш қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик шахс бўлмай туриб, ўз фаолиятини амалга оширувчи, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериб, нақд пулсиз ҳисоб-китобларга бевосита ўз хизматларини кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар ўзларининг банклардаги ҳисобварақларидан тегишли чорак учун муомала доирасида нақд пул маблағларини олишга ҳақлидир. Агар ушбу тадбиркорлар нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича савдо-воситачилик ва воситачилик (жумладан брокерлик) фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, уларга ўзларининг банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 баробаригача бўлган миқдорда нақд пулларни олиш ҳуқуқи берилади.

Ташкилотларга иш ҳақи тўлаш, стипендиялар ва ҳарбий хизматчиларга пул таъминоти бериш банклар томонидан жамоа шартномалари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа тегишли ҳужжатларга мувофиқ равишда белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари, касаба уюшма ва жамоатчилик бирлашмаларига меҳнатга ҳақ тўлаш бир ойда икки марта: ойнинг биринчи ярми учун - жорий ойнинг 16-20-саналарида ва иккинчи ярми учун кейинги ойнинг 1-5-саналарида амалга оширилади.

Ҳар бир ташкилот учун кўрсатилган тўлов даври доирасида уларнинг раҳбарлари билан келишув бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг аниқ муддати белгиланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларига пул таъминоти ҳар ойда бир марта: сафдаги қисмлар ва ҳарбий-ўқув юртларига жорий ой учун 15-20- санада, уларнинг бошқармалари, ташкилотларига – 20-25-санада тўланади. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчиларига пул таъминоти ҳар ойда 5-20 –саналарда берилади.

Талабаларга стипендиялар тўлаш муддатлари банклар томонидан тегишли ўқув юртлари ёки уларнинг юқори ташкилотлари раҳбарияти билан келишув бўйича белгиланади. Бунда талабалар ишлаб чиқариш амалиётига кетадиган бўлса, стипендия тўлаш муддатига қадар ҳамда бутун амалиёт даври учун уларга стипендия тўлаш учун маблағлар берилишига қонунчиликда рухсат этилади. Ўқув юртлари талабаларининг таътил вақти етиб келганида (стипендиялар тўлаш учун белгиланган муддатдан қатъи назар) уларга стипендиялар тўлаш учун пул берилади.

3. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари

Бутун мамлакат бўйича нақд пул муомаласини самарали ташкил этишга оид вазифаларни ҳал этиш, кўп жиҳатдан юридик шахслар томонидан **касса операцияларини** амалга ошириш билан боғлиқ бўлган муносабатларни – *ҳуқуқий ва ташкилий тадбирлар, шунингдек, нақд пуллари қабул қилиш, сақлаш ва бериш бўйича моддий-техник жараёнлар мажмуини* тартибга солиш билан боғлиқдир.

Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади. Бу тартиб мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан бажарилиши шарт¹.

Умумий қоидага кўра, барча юридик шахслар ўзларининг пул маблағларини банк муассасаларида сақлашлари шарт. Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фуқаролар

¹ Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари. Марказий банк Бошқарувининг 1998 йил 24 январдаги 376-сонли (1/16-сонли баёни) қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 17 декабрда 565- рақам билан рўйхатга олинган. Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлдаги 563-1, 1999 йил 14 декабрдаги 565-2, 2000 йил 31 июлдаги 565-3- рақам билан рўйхатга олинган №1-3 қўшимчаларга мувофиқ равишда киритилган ўзгартиришлар билан.

иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда банк муассасалари орқали олиб борилади. Лекин бу юридик шахслар ўз кассаларида нақд пулга эга бўлишлари мумкин эмас деган маънони англатмайди. Бу маблағлар уларга кундалик фаолиятлари билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун зарур бўлади. Шу сабабли қонунчиликда умумий белгиланган қоидаларга албатта риоя этилган ҳолда, юридик шахсларга кассада нақд пуллارни сақлаш учун рухсат берилади.

Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига мувофиқ равишда ташкилотлар ўз кассаларида кассада нақд пуллар қолдиғи¹ лимитлари доирасида нақд пулларга эга бўлиши ва кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларининг иштирокида ҳар йили банклар томонидан белгиланадиган меъёрлар доирасида *тушумлар* пулларида фойдаланишлари мумкин.

Кассадаги нақд пуллар қолдиғи *лимитлари* доирасидан ортиқча бўлган барча нақд пулларни ташкилотлар банкнинг кундузги ва кечки кассаларига, инкассаторлар ва бирланган кассаларга - кейинчалик улар банкка топширилиши учун, шунингдек, почта алоқаси корхоналарига - банклардаги ҳисобварақларга ўтказилиши учун банк билан келишилган тартиб ва муддатларда топширишлари шарт.

Мустақил балансда туриши ёки турмаслигидан қатъи назар, доимий пул тушумига эга бўлган ҳар бир ташкилот учун кассадаги нақд пуллар қолдиғи *лимити* ҳамда тушум ҳисобидан нақд пулларни харажат қилиш меъёри ҳар йили белгиланади, зарур бўлган ҳолда эса, йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Катта бўлмаган касса айланмаларига эга бўлган савдо ташкилотлари учун (банк раҳбари тасдиқлаган рўйхат бўйича) кассадаги нақд пуллар қолдиғи лимитлари (бундай ташкилотлар раҳбарлари билан келишув бўйича) банк томонидан 2 йилга тасдиқланиши мумкин.

Қонунчилик билан назарда тутилган ҳолларда юридик шахслар ўз кассаларида улар учун белгиланган лимитлардан кўп миқдорда нақд пулларни сақлаш ҳуқуқига эга. Бу қоида фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлар, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, стипендиялар, пенсиялар тўлаш учун белгиланган бўлиб, банк муассасасидан пул олинган кун ҳисобга кирган ҳолда, 3 иш кунидан (банк муассасаларидан анча узоқ ерда жойлашган ташкилотлар учун - 5 иш кунидан) ортиқ бўлмаган муддатга амал қилади. Ушбу муддат тугаши билан фойдаланилмай қолган пуллар банкка қайтарилади ва кейинчалик ҳужалик юритувчи суб-

¹ Юридик шахс ўз кассасида эга бўлиши мумкин бўлган пул маблағларининг чегара суммаси.

ъектларга уларнинг биринчи талаби бўйича айна уша мақсадларга берилади.

Қайд этилганидек, доимий пул тушумига эга бўлган ташкилотларга уларнинг раҳбарлари иштирокида банклар томонидан ҳар йили белгиланадиган меъёрлар доирасида тушумдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Хужалик субъектлари учун тушумдан нақд пулларни харажат қилиш меъёрлари амалдаги эҳтиёж доирасида, аммо буюртманома-ҳисоб-китобларда назарда тутилган меъёрлар доирасидан ошмаган миқдорда белгиланади.

Касса операцияларини юритиш қоидалари нақд пулларни қабул қилиш ва бериш, касса ҳужжатларини расмийлаштириш, касса китобини юритиш ва пулларни сақлаш, касса интизомига риоя этилиши устидан кассани тафтиш қилиш ва назорат этиш тартибини қатъий тартибга солади.

Пулларнинг бут сақланишини таъминлаш учун қонунчиликда нақд пулларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш бўйича муайян моддий-техник жараёнларни амалга ошириш юзасидан юридик шахслар зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар назарда тутилган. Демак, ташкилотлар раҳбарлари касса хоналарида пулларнинг бут сақланиши учун кассани жиҳозлашлари ва уларни банк муассасаларидан олиб, етказиб келиш ҳамда банк муассасасига топширишда бут сақланишини таъминлашлари шарт¹.

¹ Пул маблағларини сақлаш ва ташишда уларнинг бут сақланишини таъминлаш, касса хоналарини қуриқлаш-ёнгиндан сақлаш сигнализация воситалари билан жиҳозлаш бўйича тавсиялар Касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига берилган 2-3-иловаларда келтирилган.

21-БОБ. НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тушунчаси ва уларни ташкил этиш асослари

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар банк ҳисобварақларида тегишли суммаларни ёзиб бориш воситасида, яъни тўловчининг ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига маблағларни ўтказиш ёки ўзаро талабларни қарз суришиш йўли билан амалга ошириладиган тўловлар мажмуидир. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар корхоналар ва ташкилотлар ўртасида қуйидаги ўзаро муносабаларни юзага келтирувчи воситадир:

а) ўзаро муносабатлар (реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш);

б) молия тизими билан муносабатлар (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш);

в) кредит тизими билан муносабатлар (банк кредитларини олиш ва қайтариш);

г) юқори бошқарув органлари билан муносабатлар (маблағларни идора ичида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш).

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қисман аҳоли даромадларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишга хизмат кўрсатади (даромадларнинг бир қисмини омонатларга ўтказиш, товарларга тўлов учун чеклардан фойдаланиш ва ҳ.к.).

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенг қўллаш мамлакат молия тизими асосий бўғинларининг нормал ишлаши учун катта аҳамиятга эга, чунки пул ҳисоб-китоблари орқали давлат пул маблағларининг турли жамғармаларини ташкил этиш, уларни тақсимлаш ва фойдаланиш ҳисобини юритади ва назорат қилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўғри ташкил этилиши корхона, ташкилот ва аҳоли пул даромадлари бир қисмининг бюджетга келиб тушиши ҳамда бюджет ҳисобидан узлуксиз молиялаштириш учун ёрдам беради. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг банклар орқали амалга оширилиши мажбурийлиги банкларда кредит ресурслари ҳосил бўлишини таъминлайди, пул муомаласини тезлаштиради, нақд пул муомаласига ижобий таъсир кўрсатади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими уларни ташкил этишнинг муайян тамойиллари, шакл ва усулларига асосланади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг умумий тан олинган тамойиллари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, одатда, ҳисоб-китоблар маблағларни олувчилар томонидан товарлар юклаб берилган, иш бажарилган, хизмат

кўрсатилганидан кейин, шунингдек, молиявий кредит ва бошқа пул мажбуриятларини тўлаш (масалан, солиқ тўловларини тўлаш, кредитларни қайтариш ва ҳ.к. бўйича мажбуриятларни ба-жариш) муддатлари етиб келганидан кейин амалга оширилади. Товарлар, ишлар, хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлаш муайян шарт-шароитларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизими-ни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 24 январдаги УП-1363-сонли фармони билан, мулкчилик шаклларида қатъи назар, республика истеъмолчи корхоналари ва ташкилот-ларига маҳсулотларни юклаб жўнатиш фақат етказиб берип ҳажмининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан ҳақ тўланган тақдирдагина амалга оширилади. Ушбу чора ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотлар тўлов интизомига риоя этишлари учун уларнинг масъулиятини ошириш, ўзаро қарзларнинг қисқартирилишини таъминлаш учун қаратилган;

иткинчидан, ҳисоб-китоблар бўйича тўловлар, умумий қои-дага кўра, тўловчининг розилиги билан амалга оширилади. Бун-дай розиликсиз маблағларнинг ҳисобдан чиқарилишига қонунчи-лик билан қатъий белгиланган ҳолларда (масалан, инкассо топ-шириқномалари бўйича) рухсат берилади, бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтилади;

учинчидан, тўловлар фақат тўловчининг ҳисобварағида маб-лағлар мавжуд бўлган ҳолларда ёки банк кредити ҳисобидан амалга оширилади. Маблағлар етишмаган ҳолда ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўловчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб-варақларидан амалдаги қонунчилик билан белгиланган тўловлар навбати тартибида тўланади. Масалан, ҳисобварақ эгасининг бе-восита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган, кечикти-риб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун маблағларни ҳисобдан чиқа-риш навбатдан ташқари равишда амалга оширилади. Кейин маб-лағлар қуйидаги тўловларни назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича ҳисобдан чиқарилади:

а) бюджетга тўловлар (давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, жарима санкциялари ва давлат божидан тушган маблағлар, республика ва маҳаллий бюджетлар-да тупланадиган маблағлар ҳам шунга киради);

б) бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар;

в) меҳнат ҳуқуқий муносабатлари ва уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган талаблар; қондириш учун тўлов-

лар. Бунда ушбу мажбуриятлар тенг даражада бажарилиши таъминланиши керак¹.

Юқорида кўрсатилган тамойилларга асосан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш умумий қабул қилинган айрим талабларга жавоб бериши керак. Бу талаблар: барча тўловларнинг уз вақтида **таъминланиши**; маблағларни олувчилар билан тўловчиларнинг шартнома ва ҳисоб-китоблар интизомига риоя этишларини ўзаро назорат қилишлари, шунингдек, ҳисоб-китоб муносабатлари устидан банк назорати учун зарур бўлган шарт-шароитларни **ташкил этиш**; ҳисоб-китоблардан ортиқча бўғинларни чиқариш, тўловларни амалга оширишнинг электрон усулларини жорий этиш йўли билан ҳисоб-китоб операцияларини **оптималлаштириш**; аҳоли нақд пулсиз ҳисоб-китобларини кенгайтириш ва ҳ.к.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар иқтисодий мазмунига кўра **товар ва товарсиз** операциялар бўйича ҳисоб-китобларга бўлинади. **Товар** операцияларига реализация қилинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун корхоналар, ташкилотлар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар киради. **Товарсиз** операциялар молиявий мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар (бюджетга тўловлар, банк ссудаларини тўлаш, суғурта тўловлари ва бошқалар)дир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар етказиб берувчи билан харидор, етказиб берувчи билан банк, харидор билан банк ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни акс эттиради. Шу муносабат билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларга муайян хусусиятлар хос бўлиб, улар икки омил билан боғлиқдир. Биринчидан, ҳар бир ҳисоб-китоб операцияси учун айни бир вақтда уч қатнашчи мавжуд бўлиши шарт: банк, **тўловчи** ва **олувчи**. Уларнинг ҳисоб-китоб муносабатлари соҳасидаги ўзаро алоқалари кўп ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари билан тартибга солинади. Иккинчидан, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш тартиби Марказий банк томонидан белгиланиб, ушбу муносабатларда у ўзига тегишли ҳокимият ваколатлари берилган давлат органи сифатида қатнашади. Шу сабабли ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар

¹ «Хужалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида» йуриқнома. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 22 январда 104-В-сонли қарор билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 30 январда 615-рақам билан рўйхатга олинган. Ушбу йуриқномага Адлия вазирлигида 1999 йил 3 мартда 615-1, 1999 йил 4 майда 615-2, 2000 йил 5 январда 615-3, 2000 йил 1 мартда 615-4 рақам билан рўйхатга олинган қўшимчаларга мувофиқ равишда ўзгартиришлар кiritилган.

фуқаролик ҳуқуқи ва молия ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари турли субъектлар ўртасида шартнома мажбуриятларини бажариш вақтида юзага келадиган ҳисоб-китоб операцияларини тартибга солади. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш вақтида ушбу шартномаларда томонлар келишуви бўйича белгиланадиган ҳисоб-китоблар шартлари (шакли, муддатлари ва ҳ.к.) назарда тутилган бўлиши лозим¹.

Аммо барча ҳисоб-китоб муносабатлари учун молиявий-ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжуд бўлиши хосдир. Бу шу билан белгиланадики, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мажбурий субъектларидан бири сифатида банклар қатнашиб, улар ўз мижозлари (тўловчилар ва олувчилар – фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъектлари)нинг фармойишларини пассив бажарувчи ролида чиқиш билангина чекланиб қолмайди. Ҳисоб-китоб муносабатлари субъектларидан бири бўлиб, банклар ҳисоб-китобларни ташкил этади ва амалга оширади, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун белгиланган қоидаларга риоя этилишини назорат қилади, зарур асослар мавжуд бўлган ҳолларда эса, давлат мажбурият чораларини ҳам қўллайди. Табиийки, банклар билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг ушбу гуруҳи фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солиниши мумкин эмас. Мазкур ҳолда давлат-ҳокимият хусусиятидаги молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг барча белгилари яққол кўриниб турибди ва шу муносабат билан улар молия ҳуқуқи томонидан ўрганилмоқда.

— Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни молиявий-ҳуқуқий тартибга солиш асослари Марказий банк тўғрисидаги қонун билан белгиланган. Мазкур қонун 36-моддасига мувофиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар орқали амалга оширилади. Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, қонунчиликда «мижозлар» деб аталадиган барча юридик ва жисмоний шахслари учун мажбурий бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва қоидаларини белгилаш ҳуқуқига эга. /Марказий банк норматив ҳужжатлари ҳисоб-китобларни ташкил этувчи ва амалга оширувчи кредит муассасалари учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ банклар зиммасига жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу

¹ Қ: Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий негизи тўғрисида» 1998 йил 29 августдаги қонуни (10-ср). // УР ОМА, 1998, №9, 170 -м.

жумладан вакил банклар¹нинг ҳисобварақларини очиш ва юри-тиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш вазифалари юк-латилган.

✓ Ҳисоб-китоблар тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ҳисоб-китоблар тамойиллари ва тартибини белгиловчи молиявий-ҳуқу-қий меъёрларни ўз ичига олган. Уларда, шунингдек, ҳисоб-китоб-ларни амалга ошириш жараёнида банклар билан миқозлар ўрта-сидаги ўзаро муносабатларнинг мазмун ва шакллари тартибга со-линади. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш вақтида банклар барча миқозлар томонидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга оши-риш қоидалари, шартнома интизомига риоя этилиши, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тегишли товар-моддий бойликлар билан таъ-минланишини назорат қилади.

✓ Нақд пулсиз муомалани ташкил этишни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжат - бу Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом (янги таҳрирда)² ҳи-собланади. Ушбу ҳужжат нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг барча шакллари бўйича пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлашти-риш, ҳисоб-китоб интизомига риоя этилишини назорат қилиш ва у бузилган тақдирда таъсир чораларини қўллаш тартибини бел-гилайди.

2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳуқуқий шакллари

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар белгиланган шаклдаги ҳисоб-китоб ҳужжатларига асосан ва тегишли ҳужжат муомаласига ри-оя этилган ҳолда олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси банк-лари нақд пулсиз ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (791-моддаси)да назарда тутилган шакл-ларда ташкил этади ва амалга оширади. Банкларда ҳисоб-китоб ҳуж-жатларининг хусусияти ва ҳужжат айланишини ташкил этиш хусусиятига қараб нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклларда олиб борилиши мумкин: **тулов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар; аккредитивлар бўйича ҳисоб-ки-тоблар; инкассо бўйича ҳисоб-китоблар; чеклар билан ҳисоб-китоблар**³. ↓

¹ Вакил-банклар шундай банкларки, улар ўртасида шартнома мажбуриятлари деб тушуниладиган ўзаро вакиллик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, уларнинг мақсади бир-бирларининг топши-риқлари бўйича туловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширишдан иборатдир.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4-сонли қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1122-рақам билан рўйхатга олинган.

³ Фуқаролик кодекси, юқорида кўрсатилган шакллардан ташқари, ҳисоб-китобларни амалга оши-ришнинг қонунда қўзда тутилган бошқа шаклларида ҳам, шунингдек, унга мувофиқ равишда нашр этиладиган банк қоидалари ва банк амалиётида қўлланадиган иш обороти одатлари билан амалга оширилишига йўл қўяди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомга мувофиқ улар юқорида кўрсатилган шакллар бўйича амалга оширилган вақтда, қуйидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:

- 1) мемориал ордер¹;
- 2) тўлов топшириқномаси;
- 3) тўлов талабномаси;
- 4) инкассо топшириқномаси;
- 5) аккредитив учун ариза;
- 6) тижорат банки ҳисоб-китоб чеки.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг белгиланган шакллари билан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини қиёслаб, бир қанча ҳолларда улар ўртасида тўғридан-тўғри ўхшашликлар борлигини пайқаш қийин эмас. Масалан, бу нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар; аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар; чеқлар билан ҳисоб-китоблар каби шаклларига тегишли бўлиб, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг номлари ҳам уларга мувофиқ келади.

Айрим ҳолларда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклининг номи пул-ҳисоб-китоб ҳужжатининг номи билан тўғри келмаслиги ҳам мумкин, чунки нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг айнан бир шакли турли пул-ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланилишига йўл қўяди. Хусусан, бу инкассо бўйича ҳисоб-китобларга тегишли бўлиб, улар тўлов талабномаси ёки инкассо топшириқномаси ёрдамида тўловчининг ҳисобварағидан маблағларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш учун расмийлаштирилиши мумкин. Шу сабабли нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари номлари ўртасида аниқ чегара қўйиш ҳисоб-китоблар тўғрисида қонунчилик меъёрларини яхшироқ тушуниш ва бир хил қўллаш учун нафақат назарий, балки жуда катта амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Аммо Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низомда иккита ҳар хил тушунча бирлашиб кетиши юз берди. Ушбу норматив ҳужжат 5- ва 6-параграфларида пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари (маблағларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш учун тўлов топшириқномалари ва инкассо топшириқномалари) нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мустақил шакллари сифатида кўриб чиқилади (ле-

¹ Фуқароларнинг (амалга оширадиган тadbиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган) езма топшириқномалари бўйича пул маблағлари нақдинасиз ўтказмаларини амалга ошириш учун банклар томонидан фойдаланиладиган пул-ҳисоб-китоб ҳужжати.

кин шу хужжатнинг 1-параграфида бундай шакллар назарда тутилмаган).

Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ушбу шаклининг асосий мазмуни шундан иборатки, тўловчи унга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига ўз ҳисобварагидан олувчининг ҳисобварағига муайян суммани ўтказиш тўғрисида топшириқ берилган ҳисоб-китоб хужжатини тақдим этади.

Тўлов топшириқномалари билан товарлар, ишлар, хизматлар учун ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Тўлов топшириқномаси банк томонидан фақат миждознинг депозит ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлган вақтдагина қабул қилинади (агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса).

Тўлов топшириқномалари банкка улар ёзилган куннинг ўзида тақдим этилади, акс ҳолда банк уларни ижро учун қабул қилмайди¹. Бундай чеклап тўловларни бюджетга ва бюджетдан тапқари жамғармаларга ўтказиш бўйича тўлов топшириқномаларига нисбатан амал қилмайди.

Юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағида етарлича пул маблағлари мавжуд бўлган ҳолда, маблағларни ҳисобдан чиқариш ҳисобварақ эгасининг фармойиши келиб тушиши тартибига мувофиқ унинг тўлов топшириқномаси бўйича амалга оширилади. Юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағида етарлича пул маблағлари мавжуд бўлмаган ҳолда эса, ҳисобдан чиқариш тўловлар навбати тартибида амалга оширилади.

Тўлов топшириқномаси ўз мазмуни ва шакли бўйича Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом талабларига мувофиқ келиши шарт. Ушбу пул-ҳисоб-китоб хужжати муайян шаклдаги бланкларда тузилади ва унда мажбурий тартибда хужжат номери, тўловчи ва олувчи банки номи, солиқ тўловчининг идентификацион номери, олувчи номи ва унинг ҳисобварағи номери, тўлов суммаси рақамлар ва сўзлар билан ёзилган бўлиши ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа реквизитлар мавжуд бўлиши шарт (Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом 11-банди)².

Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар - нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўлиб, унга мувофиқ банк тўловни олувчининг

¹ Россия Федерацияси қонунчилиги бўйича улар ёзилган кундан бошлаб уш кун давомида ҳақиқий ҳисобланади.

² Бошқа пул-ҳисоб-китоб хужжатларида ҳам худди шундай маълумотлар мавжуд бўлиши лозим, айрим истиснолар бўлиши мумкин. Масалан, аккредитив учун аризада қўшимча равишда аккредитивнинг амал қилиш муддати, аккредитив очилаётган шартнома номери ва санаси, буюртма номери ва санаси, етказиб берилётган товар, бажарилётган иш, курсатилаётган хизмат номи ва б. қайд этилган булиши керак.

инкассо топшириқномасига асосан унинг номидан ва унинг ҳисобидан тўловчидан тўлов ёки акцепт (тўловни амалга ошириш учун розиликнома) олиш бўйича ҳаракатларни амалга оширади. Мижоздан инкассо топшириқномасини олган банк *эмитент* деб аталади. Тўловчига тўловни амалга ошириш ёки акцепт тўғрисида бевосита талаб кўювчи банк *ижрочи банк* ҳисобланади.

Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар, илгари қайд этилганидек, тўлов талабномаси, инкассо топшириқномаси ёрдамида маблағларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш учун амалга оширилиши мумкин. Бошқа мамлакатлар ҳисоб-китоблар амалиётида пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг векселлар ва чеклар каби турларидан ҳам фойдаланилади.

Тўлов талабномаси - маблағларни олувчи томонидан эмитент банкка жўнатилган ва тўловчига муайян суммани ижрочи банк орқали тўлаш тўғрисидаги талабни ўз ичига олган ҳисоб-китоб ҳужжати дир. Бундай талаб юклаб жўнатилган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳамда томонлар шартномасида назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича қўйилиши мумкин.

Тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар тўловчининг акцепти билан ҳам, унинг акцептсиз ҳам амалга оширилиши мумкин. Акцепт билан тўланадиган талаблар тўлов суммаси тўловчиси томонидан акцепт (тан олиш) мавжуд бўлган ҳолда қондирилади.

Тўлов талабномаси акцепти муддати тўловчи банки томонидан белгиланади ва қонунчилик бўйича қуйидагича тузилади:

- а) талаб келиб тушган кун ҳисобга олинмаган ҳолда уч иш куни - бир шаҳар ҳисоб-китобларида;
- б) беш иш куни - бошқа шаҳарлар мижозлари учун;
- в) ўн кунгача - тўловчининг асослаб берилган илтимосномаси бўйича.

Акцепт билан тўланадиган талабнома нусхаси банкка келиб тушган кундан кейинги кундан кечиктирилмаган ҳолда тўлов вакилига топширилиб, 1-картотека - «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»га жойлаштирилади.

Тўловчи белгиланган муддатда банкка акцепт тўғрисидаги белги билан талабномани қайтариши шарт. Агар тўловчи акцепт учун белгиланган муддатда ўзининг розилиги ёки тўловни тўлиқ ёхуд қисман рад этиши тўғрисида маълум қилмаган бўлса, талабнома банк томонидан умумий тартибда акцептланади ва маблағлар тўловчи ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловчининг депозит ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси 2-картотека - «Муддатида

тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»га жойлаштирилиб, 3 кун давомида олувчининг банкига мажбурий тартибда хабарнома жўнатилади. Тўлов талабномасини тўлаш ушбу ҳолда маблағларнинг келиб тушиш даражасига қараб қонунчиликда белгиланган тўловлар навбати ҳисобга олиниб, амалга оширилади. Тўловчининг депозит ҳисобварағида маблағлар етишмаган тақдирда, банк талабнома бўйича қисман ҳақ тўлаб, қолган сумма талабномаси қисман тўланган сумма кўрсатилиб, 2-картотекага жойлаштирилади.

Тўловчига акцептдан қисман ёки тўлиқ бош тортиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бунда у рад этиш сабаби кўрсатилган ёзма хабарномани ўзига хизмат кўрсатувчи банкка албатта жўнатиши шарт. Бундай рад этиш тўловчи томонидан тўлов талабномаси акцепти учун қонунчиликда назарда тутилган муддатларда тақдим этилади. Тўлов талабномаси акцептини рад этиш бўйича белгиланган муддатларда рад жавоби олинмаган ҳолда, у акцептланган ҳисобланади ва тўланиши керак бўлади.

Айрим ҳолларда қонун банкларга акцептсиз тўловчилар ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради. Бу ҳолда, масалан, электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобларга амал қилади. Акцептсиз тўланиши керак бўлган ва тўловчи банкига операция куни давомида келиб тушган талабномалар, шу куннинг ўзида тўланади, тўловчининг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етишмаган тақдирда эса, улар 2-картотекага жойлаштирилади.

Олинган (инкассо қилинган) суммалар ижрочи банк томонидан зудлик билан эмитент банка берилиши шарт, у эса, ушбу маблағларни мижоз ҳисобварағи ҳисобига ўтказиши керак.

Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар. Инкассо топшириқномаси маблағларни олувчининг банкка тўловчи ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги топшириқномасидан иборат. Мажбурий хусусиятга эга бўлган тўловлар, шундай тартибда ундириб олинади. Қонунчиликда тўловлар тури ва маблағларни сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилган органлар белгилаб берилган. Масалан, инкассо топшириқномалари солиқ органлари томонидан – солиқлар бўйича тўловлар ва боқимондалар ҳамда давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида – берилиши мумкин. *Божхона органлари*га – муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундириб олин тўғрисида, *суд ижрочиларига* – ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини унириб олиш тўғрисида ҳам шундай ҳуқуқлар берилган ва ҳ.к.

Инкассо топшириқномалари бўйича маблағларни сўзсиз ҳисобдан чиқариш ижро ҳужжатларига асосан амалга оширилиб, уларнинг рўйхати Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низомнинг 42-бандида берилган. Уларга, хусусан, судлар томонидан берилган ижро варақалари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан чиқарилган қарорлар, суд буйруқлари, суд ижрочиларининг қарорлари ва бошқалар киради.

Ижро ҳужжатлари асосида ҳисобварақлардан пул маблағларини ундириб олиш учун инкассо топшириқномалари банк томонидан ижро ҳужжати асл нусхаси ёки унинг дубликати илова қилинган ҳолда банк томонидан қабул қилинади. Ушбу ҳужжатларнинг нусхалари бўйича ҳисобварақлардан маблағлар чиқарилишига руҳсат берилмайди.

Инкассо топшириқномаси берилишининг тўғрилиги учун жавобгарлик банкка шундай ҳисоб-китоб ҳужжатини тақдим этган шахс зиммасига тушади. Банклар тўловчиларнинг ҳисобварақларидан пул маблағлари сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига қарши эътирозларни кўриб чиқмайди.

Инкассо топшириқномалари ваколатли органлар ва шахслар томонидан: бир шахар ҳисоб-китобларида – тўловчининг ҳисобварағи юритилаётган бевосита хизмат кўрсатувчи банкка, бошқа шахар ҳисоб-китоблари бўйича эса, фақат хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этилади.

Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ушбу шаклининг асосий мазмуни шундан иборатки, тўловчининг топшириқномаси ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ равишда аккредитив очган банк (эмитент банк) у ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тutilган бошқа шартларни бажарган тақдирда, маблағларни олувчига тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Эмитент банк, агар бу банк маблағларни олувчиларга ҳам хизмат кўрсатаётган бўлса, тўловчининг аккредитив аризасини мустақил бажариши мумкин. Борди-ю, маблағларни олувчи бошқа банкда депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағига эга бўлса, эмитент банк олувчининг пул маблағларига хизмат кўрсатувчи банкка аккредитив бериши керак, у аккредитивнинг тўланишини амалга оширади (ижрочи банк).

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли, агар у тўловчи билан маблағларни олувчи ўртасидаги шартномада назарда тutilган бўлса, қўлланилади. Бироқ айрим ҳолларда ҳисоб-китобларнинг бундай шакли тузагиб бўлмайдиган тўловчиларга нисбатан таъсир чораси сифатида белгиланиши ҳам мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йил IV чорагида деби-

торлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 29 октябрдаги 488-қарорида истеъмолчилар (товар олинганидан кейин 60 кун мобайнида) тўлов муддатларини бузган ҳолда етказиб берувчилар зиммасига ҳисоб-китобларнинг фақат аккредитив шакли бўйича маҳсулот бериш мажбурияти юкланиши назарда тутилган.

Аккредитив очиш учун соғиб олувчи эмитент банкка белгиланган шаклдаги аккредитив учун ариза бериб, унда амал қилиш муддати, тўловчининг номи ва ҳисобварағи, эмитент банк ва ижрочи банк номи, аккредитивнинг амал қилиш муддати, шартнома номери, товар, ишлар ва хизматлар номи ҳамда Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомда назарда тутилган бошқа реқвизитларни кўрсатади. Аккредитив аризага қўшимча шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Ҳисоб-китоблар тўғрисидаги амалдаги қонунчиликда аккредитивларнинг бир қанча турлари назарда тутилган: *қопланган (депонентланган), қопланмаган (кафолатли), чақириб олинadиган ва чақириб олинмайдиган аккредитивлар.*

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилаётганида эмитент банк уни очиш вақтида миждознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни ижрочи банк ихтиёрига эмитент банк мажбурияти амал қилган барча муддатга ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилаётганида эмитент банк ижрочи банкка ижрочи банкда юритилаётган эмитент банк ҳисобварағидан аккредитив барча суммасини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинadиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида бундай кўрсатма йўқ бўлса, у чақириб олинadиган аккредитив ҳисобланади.

Чақириб олинadиган аккредитив эмитент банк томонидан маблағларни олувчини олдиндан хабардор қилмасдан туриб, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивни чақириб олиш маблағларни олувчи олдида эмитент банк зиммасига юкланиши мумкин бўлган ҳеч қандай мажбуриятларни юзага келтирмайди. Чақириб олинadиган аккредитив шартларининг ўзгариши тўғрисидаги барча фармойишларни тўловчи маблағларни олувчига фақат эмитент банк орқали бериши мумкин, у маблағларни олувчи банкка (ижрочи банк), бу банк эса, маблағларни олувчига хабар беради. Ижрочи банк (агар бу вақтда у аккредитив шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида хабар олмаган бўлса) чақириб олинadиган аккредитив бўйича тўловларни ва бошқа операцияларни амалга ошириши лозим).

Чақириб олинадиган аккредитивдан фарқли равишда, **чақириб олинмайдиган аккредитив** унинг фойдасига очилган бўлиб, маблағларни олувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Ижрочи банк эмитент банк билан шартнома асосида чақириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлаши мумкин.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларнинг амал қилиш муддати ва таркиби пул маблағларини тўловчи ва олувчи ўртасидаги шартномада белгиланади, унда қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт: эмитент банк номи, маблағларни олувчини аккредитив олин тўғрисида хабардор қилиш усули, аккредитив бўйича маблағларни олиш учун олувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи, товарлар юклаб жўнатилган (хизматлар кўрсатилган, иш бажарилган)идан кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйилган талаблар.

Аккредитивни ижро этиш учун маблағларни олувчи аккредитив муддати тугагунига қадар аккредитив барча шартларининг бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатларни ижрочи банкка тақдим этиши керак. Аккредитив шартларидан ҳеч бўлмаса, биттаси бажарилмаган тақдирда, у бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилмайди. Аккредитивнинг ёпилиши олувчи учун нохуш бўлган муайян оқибатларга олиб келиши (масалан, товарларни етказиб бергани учун маблағ олиш кафолатидан уни маҳрум этиши) мумкинлиги сабабли қонунчиликда аккредитивни ёпиш учун асослар рўйхати назарда тутилган¹.

Аккредитивни ёпиш тўғрисида ижрочи банк эмитент банкка хабар беради. Фойдаланилмаган сумма тўловчи банкининг маблағлар депонентланган ҳисобварағига ўтказилади. Аккредитив тўлиқ ишлатилмаган ва эмитент банкка қайтарилган ҳолда, маблағлар қолдиги тўловчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Тижорат банки ҳисоб-китоб чекари билан ҳисоб-китоблар. Тижорат банки ҳисоб-китоб чеки миқдорнинг унга хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг ҳисобварағидан чек эгаси ҳисобварағига маблағлар муайян суммасини тўлашни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқномасидан иборат.

Амалдаги қонунчилик бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг бундай шакли жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) билан юридик шахслар ўртасида товарлар, ишлар ва

¹ Фуқаролик кодексининг 803-мси; Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомнинг 7-параграфи, 70—банди.

хизматлар учун фақат ўзаро муносабатлардагина қўлланиши мумкин.

Чек берилаётганида банк жисмоний шахснинг аризасига мувофиқ баланс ҳисобварағи - «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча депозитлари»да чек суммасига алоҳида иккиламчи шахсий ҳисобварақ очади ва чекка фақат шу ҳисобварақдан ҳақ тўлайди. Чек жисмоний шахснинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлар ёки у томонидан киритилган нақд пуллар ҳисобидан берилади.

Чек икки қисмдан иборат: чекнинг ўзи ва унинг корешоғи (милки). Корешокда чекда кўрсатилган суммани тасдиқлаш учун мўлжалланган назорат рақамлари бўлади.

Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади. Агар чекнинг амал қилиш муддати тугаши билан у банкка тақдим этилмаган бўлса, чек суммаси махсус баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Чекнинг амал қилиш муддати тугаши билан унинг эгаси банкка мурожаат қилса, банк чек эгасининг паспорти (ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжати) мавжуд бўлган ҳолда, тўққизликсиз чекни қабул қилади ва сўндиради.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низом чекларни тўлаш тартиби, ҳисоб-китоб чекларини қабул қилиш функциялари зиммасига юклатилган банк ходимларининг мажбуриятларини қатъий тартибга солади.

Амалдаги қонунчилик бўйича, агар сотилаётган товар, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат қиймати чек суммасидан паст бўлса, чек эгаси бўлган ташкилот чек суммасидан 25 фоизгача бўлган миқдорда нақд пул билан қайтим беради.

Товарлар, ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш учун қабул қилинган чеклар чек эгаси бўлган ташкилотлар томонидан уларга хизмат кўрсатувчи банк муассасасига инкассаторлар орқали белгиланган тартибда пул тушуми билан бирга топширилади.

Чек муддатидан қатъи назар, нотариал тасдиқланган тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳолда, меросхўрлар ёки ишончли шахслар томонидан тақдим этилиши мумкин. Чек текширилгач, банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери уни сўндириш учун рухсат беради.

Фойдаланилмаган чек тақдим этилган вақтда, тақдим этилган чекнинг асл ёки асл эмаслиги текширилади, чек берилишига асос бўлиб хизмат қилган ҳужжат бўйича чек эгасининг шахси тасдиқланади, фойдаланилмаган чек суммаси эса, чек эгасининг депозит ҳисобварағига ўтказилади.

Қонунчилик бўйича чек йўқотилган бўлса, банк ушбу чек бўйича маблағларни ҳисобдан чиқариш учун жавобгар бўлмайди.

Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қонунчиликда назарда тутилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг нисбатан янги шакли бўлиб, жаҳон амалиётида кенг қўлланилади. Пластик карточка ҳисоб-китоб ҳужжати сифатида банк томонидан чиқарилган алоҳида тўлов воситаси бўлиб, тегишли банкда варақча эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқлайди ва унга товарлар, ишлар ёки хизматларни нақд пул тўламай туриб, олиш ҳуқуқини беради.

Пластик карточкалар бир томондан – жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар билан, иккинчи томондан – юридик шахслар ёки товарларни реализация қилувчи, иш бажаруви ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда, шунингдек, нақд пулларни бериш пунктлари ва банккоматларда нақд пулларни олиш учун қўлланилади.

Ваколатли банклар халқаро пластик карточкаларни чиқариши ва хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар халқаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномалар ҳамда Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида низомга мувофиқ равишда операцияларни амалга ошириш қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар уларга хизмат кўрсатиш шартномасига асосан амалга оширилади. Қонунчиликда бундай шарнома мажбурий шартлари рўйхати белгилаб берилган. Уларга томонлар номи, шартнома предмети, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги, ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, шартнома амал қилиш муддати ва уни бузиш шартлари, низоларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг юридик манзиллари киради.

Пластик карточкалар мансублиги бўйича *шахсий, оилавий* ва *корпоратив* бўлиши мумкин.

Шахсий карточка жисмоний шахсга берилган пластик карточкадир, **оилавий карточка** шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида фойдаланувчига берилади, **корпоратив карточка** юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Бунда корпоратив карточкадан фойдаланишда муайян чекловлар мавжуд. Масалан, уларни иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларни ҳамда нақд пул маблағларини тўлаш учун ишлатиш ман этилади.

Функциялар тартибига кўра пластик карточкалар қуйидаги турларга бўлинади:

а) **дебет карточка** унинг эгасига эмитент билан мижоз ўртасидаги шартнома шартларига мувофиқ ундан фойдаланиш, унинг карточка ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларини товар-

лар, ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлашга тасарруф этиш ва (ёки) нақд пул маблағларини олиш имконини беради (корпоратив карточкалар бунга кирмайди).

б) **кредит карточка** унинг эгасига эмитент билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ товарлар, ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича эмитент томонидан бериладиган кредит линияси миқдорида операцияларни амалга ошириш ва (ёки) нақд пул маблағларини олиш учун имкон беради (корпоратив карточкалар бунга кирмайди).

в) **электрон кармонча** жисмоний шахснинг карточкаси бўлиб, унинг эгасига мувофиқ товарлар, ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш ва (ёки) пластик карточкадаги пул маблағлари доирасида нақд пул маблағларини олиш имконини беради.

Қонунчиликда пластик карточкани персонализациялашда риюя этилиши мажбурий бўлган қоидалар бор. Хусусан, бу реквизитларнинг аниқ тўпламига алоқадор бўлиб, улар пластик варақчада мажбурий равишда мавжуд бўлиши лозим. Қонунчиликда бундай реквизитларга қуйидагилар киритилган:

а) идентификацияланган маълумотлар (карта номери ва серияси ва бошқалар);

б) эмитент банк (пластик карточкалар чиқарган банк)нинг коди;

в) карточка эгаси ҳисобварағи номери ва шахсий маълумотлари (ташкилот номи);

г) карточканинг амал қилиш муддати.

Пластик карточкалардан фойдаланиб, операцияларни амалга ошириш вақтида тузилган ҳужжатлар реквизитларида томонлар билан келишиб олинган белгилар мавжуд бўлиб, улар пластик карточкалар ва банк ҳисобварақлари реквизитлари ўртасидаги, шунингдек, корхоналар идентификаторлари, нақд пулларни бериш пунктлари, банкоматлар ва корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ўртасидаги мувофиқликни тўғри белгилаш учун имкон беради.

3. Ҳисоб-китоб интизомини бузганлик учун жавобгарлик

Барча қатнашчилар томонидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидаларига қатъий риюя этиш шартнома ва тўлов интизомини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси бўлиб, уларни бузганлик учун қонунчиликда пул жарималари шаклидаги махсус санкциялар қўлланиши назарда тутилган.

Ушбу санкцияларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар фақат банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро муноса-

батларда қўлланилади. Бу шу нарса билан боғлиқки, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, барча ҳисоб-китоб операциялари ва улар билан боғлиқ ҳужжат айланиши банклар орқали ўтади. Шу сабабли ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидалари бузилганлиги учун жарималарни миждоз корхона фақат хизмат кўрсатувчи банкдан (табиийки, шартнома муносабатлари мавжуд бўлган тақдирда) ундириб олиши мумкин.

Тўлов интизомини бузганлиги учун тижорат банкларининг мулкий жавобгарлиги қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқариладиган қоидалар билан белгиланади. Буни ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳужжатлар меъёрлари ҳисоб-китоб муносабатлари томонлари келишувини билан ўзгартирилиши мумкин эмас ва улар шартнома шартларига киритилган ёки унда йўқ бўлишидан қатъи назар, амал қилади. Зероки, қонунчиликда банк билан миждоз ўртасидаги шартнома матнига мажбурий тартибда тижорат банкларининг жарималар кўринишида назарда тутилган жавобгарлик чоралари киритилиши кераклиги тўғрисидаги талаб мавжуд.

Банкларнинг мулкий жавобгарлигини белгилайдиган норматив ҳужжатлар орасида Ҳисобварақларни очиш, миждозларнинг ҳисобварақларига маблағларни киритиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пулларни бериш бўйича белгиланган талабларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисида низом алоҳида ўрин тутди (бундан кейинги ўринларда - Жарималар тўғрисида низом деб юритилади)¹.

Банк (агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача муддатлар назарда тутилган бўлмаса), миждоз ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини миждознинг фармойиши бўйича тегишли тўлов ҳужжати келиб тушган санадан кейинги кундан кечиктирилмаган ҳолда уларни бериши ёки ҳисобварақдан ўтказиши лозим. Ушбу мажбурият бажарилмагани учун банк Жарималар тўғрисида низом 6-бандига мувофиқ равишда банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

Қонунчиликда назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар топширилганидан кейин ҳисобварақлар очиш банклар томонидан асоссиз равишда кечиктирилгани ёки рад этилгани учун банк устав капиталининг белгиланган энг кам миқдоридан 0,05 фоиз миқдоридан жарима тўлайди. Худди шундай жавобгарлик ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувиининг 2001 йил 23 июндаги 493-сонли қарорига илова, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 30 июнда 1044- рақам билан руйхатдан ўтказилган.

турдаги ҳисобварақ учун ортиқча ҳужжатлар сўралган вақтда ҳам назарда тутилган.

Мижозлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектларига иш ҳақи ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлари учун, уларнинг ҳисобварақларида маблағлар мавжуд бўлиб, банк нақд пулларни ўз вақтида бермаган тақдирда, банк устав капиталининг белгиланган энг кам миқдоридан 0,005 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

Ҳужжатлар келиб тушгунига қадар банкда банк операцияларини амалга ошириш бўйича мажбуриятлар бўлмайди ва шу сабабли у маблағлар бўла туриб, маблағларни киритиш ҳамда иш ҳақи ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун мијозларга нақд пул бериш ҳисоб-китоб операциялари бошқа қатнашчиларининг ҳаракатлари натијасида кечиккани учун жавоб бера олмайди.

Жарималар тўғрисида низомда назарда тутилган жавобгарлик ушбу норматив ҳужжат 7-бандида кўрсатилган вазиятлар мавжуд бўлган ҳолда, хизмат кўрсатувчи банкка нисбатан қўлланиши мумкин. Форс-мажор вазиятлар юзага келган, банклараро электрон тўловлар тизимида узилиш содир бўлган, мијоз амалдаги қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ келмайдиган тўлов ҳужжатларини банкка тақдим этган, банк ёки мијоз ҳисобварақлари бўйича операциялар қонунчиликда белгиланган тартибда (масалан: солиқ органлари томонидан) тўхтатиб қўйилган тақдирда, банклар жарима санкцияларидан озод этилади.

Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолда, қарздор кредиторга тўлаши шарт бўлган пеняни ҳисоблаш ва ундириб олиш учун банклар жавоб бермайди. Етказиб берилган маҳсулот учун тўлов ўз вақтида тўланмаган ҳолда, сотиб олувчи – тўловчи, етказиб берувчи – олувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги шартномада назарда тутилган тартибда пеня тўлайди.

Жарималар тўғрисида низомга мувофиқ равишда банк томонидан тўланган жарима суммаси тартибузарликка йўл қўйган банк ёки унинг филиали раҳбари ва бош бухгалтери томонидан қисман қопланиши керак.

Тижорат банклари томонидан ҳисоб-китоб интизомига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида қонунчиликда уларнинг ҳар ойда Марказий банкка банклар томонидан йўл қўйилган тартибузарликлар бўйича даъволар ҳамда чиқарилган суд қарорлари ва ҳулосалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган.

Ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидаларини бузганлик учун жарималар ундириб олиш бўйича банклар билан

уларнинг мижозлари ўртасида юзага келадиган низолар шартнома шартларига мувофиқ равишда ҳал қилинади. Юзага келган низоларни ўзаро келишув бўйича ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар суд тартибида кўриб чиқилади. Маблагларни тўловчи билан оловчи ўртасида ҳисоб-китоблар бўйича юзага келган ўзаро эътирозларни томонлар фуқаролик қонунчилигида белгиланган меъёрлар тартибида кўриб чиқишади.

Ҳисоб-китоб интизомига риоя этилиши учун нафақат тижорат банклари, балки мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳам жавобгар ҳисобланади. Агар хўжалик субъектлари ҳисоб-китоблар бўйича ўз мажбуриятларини мунтазам равишда бажармасалар, улар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тўловга ноқобил деб эълон қилиниши мумкин, бу ҳақда товар-моддий қимматликларни етказиб берувчилар ва юқори органга маълум қилинади.

22—БОБ. ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1. Валютани тартибга солиш тушунчаси ва валютага доир ҳуқуқий муносабатлар

Валютани тартибга солиш - валюта иқтисодий категориясининг функциялари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун йўналтирилган давлат фаолиятидир.

Валюта деганда, бир томондан, мамлакат пул бирлиги, иккинчи томондан, чет давлатлар пул белгилари, шунингдек, чет эл пул birlikлари (чет эл валютаси)да ифодаланган ва халқаро ҳисоб-китобларда қўлланадиган кредит ва тўлов ҳужжатлари тушунилади¹.

Давлат валюта муносабатларининг ҳар хил турларини тартибга солар экан, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва валюта ресурсларини энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга йўналтириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади. Валютани тартибга солиш давлат валюта сиёсатини амалга ошириш, яъни у томонидан молия-валюта ва кредит муносабатларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуининг ҳуқуқий шаклидир. Мамлакатимиз валюта сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг бир қисми сифатида намоён бўлиб, ташқи иқтисодий алоқаларни ва валюта бойликлари билан амалга ошириладиган операцияларни тартибга солиш йўли билан бозор муносабатларининг таркиб топиши ва янада ривожланиши учун ёрдам беришга қаратилган. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон валюта сиёсатининг асосий мақсади миллий валютани мустаҳкамлаш, экспортни кенгайтириш ва импортни қисқартиришни рағбатлантириш ҳамда чет эл капиталини жалб этишдан иборат.

Жаҳон амалиётида мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам валюта сиёсатини олиб боришда давлат томонидан фойдаланиладиган валютани тартибга солиш (валюта режими)нинг *уч тип*и маълум².

Биринчи типнинг асосини *давлат валюта монополияси*, яъни давлатнинг барча валюта операцияларини, шунингдек, мамлакат ичида чет эл валютаси ва бошқа валюталар билан операцияларни халқаро ҳисоб-китоблар бўйича амалга ошириш ҳуқуқи

¹ Финансово-кредитный словарь. М., 1984. Т.1. 177-5; Коммерческий словарь. М., 1991. 51-6.

² Валютный рынок и валютное регулирование. Узув қўлланмаси// И.Н.Платонова таҳрири остида. - М.: БЕК, 1996.

ташқил этади. Ташқи иқтисодий фаолиятдан (уларнинг қатнашчилари қатъий чекланган) чет эл валютасида келиб тушган барча тушумлар давлат қўлида марказлаштирилади ва кейин режалли тартибда улардан фойдаланувчилар ўртасида тақсимланади. Ушбу шароитларда валюта монополияси (яккахоқимлиги) ташқи иқтисодий алоқаларга давлат монополияси таркибий қисми ҳисобланади. Валютани тартибга солишнинг бундай хили собиқ Иттифок давлати ва бошқа социалистик давлатларда мавжуд эди.

Иккинчи тип қонунчилигида амалда валюта чеклови¹ мавжуд бўлмаган мамлакатларда амал қилаётган эркин айирбошланадиган валюта режимига асосланади (масалан, валюта муносабатлари барча тоифадаги субъектлари учун ҳар қандай шаклда ва операцияларнинг барча турларида чекловларсиз миллий валютани чет эл валютасига эркин айирбошлаш имконияти).

Учинчи типнинг ўзига хос хусусиятлари валюта бозорини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни унинг қатнашчилари ҳисобига эркинлаштириш, чет эл валютасидаги тушумларни давлат ва хўжалик субъектлари ўртасида (улар томонидан ишлаб топилган, шу билан бирга, валюта муносабатларини тартибга солишда давлатнинг роли сақлаб қолинган ҳолда) тақсимлаш.

Валютани тартибга солишнинг ушбу типи биринчи ва иккинчи типлар ўртасида оралиқ ўрин эгаллаб, бозор механизмларига асосланган иқтисодий муносабатларнинг принципаал жиҳатдан янги тизимига ўтган мамлакатлар учун хосдир. Бозор муносабатларида давлат валюта монополияси маълум сабабларга кўра энди мавжуд бўлиши мумкин эмас, курс эълон қилиниши билан бозор муносабатлари шаклланишига эркин айирбошланадиган валюта режимини дарҳол жорий этиш мумкин бўлмаса керак, чунки бунинг учун ушбу муносабатлар тегишли даражада ривожланган бўлиши талаб қилиниб, буни жаҳон амалиёти ҳам кўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилганлар билан боғлиқ ҳолда, бозор иқтисодиётини шакллантираётган ва валюта режимининг учинчи хилдан фойдаланаётган мамлакатларда валюта муносабатларини тартибга солишда давлат роли каттадир. Бу - эркин айирбошланадиган валюта режимига ўтиш учун зарур бўлган тегишли шароитлар яратилгунига қадар сақланиб қолади. Валютани тартибга солишнинг учинчи типи бизнинг республикамиз валюта қонунчилигида назарда тутилган.

Ўзбекистон валюта қонунчилиги мамлакат ичида валюта бойликлари билан операцияларни амалга ошириш тартиби, шунингдек, чет элдан ва чет элга чет эл валютаси ва бошқа ва-

¹ Қонунчилик билан белгиланган ва валюта бойликлари билан амалга ошириладиган операцияларни чеклаш учун қаратилган чора-тадбирлар ва норматив қоидалар мажмуи.

лота бойликларини олиб кириш, олиб чиқиш, ўтказиш ва жўнатиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуидир. Мазкур қонунчиликнинг асосий мақсадлари миллий пул тизимини мустаҳкамлаш, ўзаро фойдали бўлган шартлар асосида чет эл инвестицияларини жалб этиш, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳисобига халқаро ҳисоб-китобларни мувозанатлаштириш -баланслаш ва ҳ.к.дан иборат.

Бизнинг мамлакатимизда валюта муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар махсус қонунчилик ҳужжатида берилган. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги қонуни валюта операцияларини амалга ошириш тамойиллари, валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш органларининг ваколатларини белгилаб беради. У мамлакатимиз ва бошқа давлатлар юридик ҳамда жисмоний шахсларининг валюта бойликларига эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш, валюта қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

Бозор муносабатларини шакллантириш ва янада ривожлантириш шарт-шароитларида бизнинг давлатимиз валюта сиёсатининг жуда муҳим ва принципиал масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари¹да назарда тутилган, мамлакат Ҳукумат қарорлари² ҳамда молия ва банк тизими органлари норматив ҳужжатларида белгилаб берилган бўлиб, уларнинг зиммасига валютани тартибга солиш ва валюта ресурсларини бошқариш бўйича бевосита функциялар юкланган. Валюта муносабатларининг айрим турлари халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солиниб, улар Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан тузган савдо, тўловлар ва бошқа битимларида мустаҳкамлаб берилган.

Валюта қонунчилиги меъёрлари ўз хусусиятига кўра турлича бўлган *валюта ҳуқуқий муносабатлари*да амалга оширилиб, бунда *давлат валюта тизими функциялари билан боғлиқ*

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операциялар бўйича валюта назоратини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» (ўзгартиришлар билан) 1994 йил 20 апрелдаги УП-837-сонли; «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини ички конвертирлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» (ўзгартиришлар билан) 1998 йил 1 июлдаги УП-2010-сонли; «Ўзбекистон Республикасида нақд чет эл валютаси муомаласини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 27 июндаги УП-3099-сонли фармонлари ва б..

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини ички конвертирлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» (ўзгартиришлар билан) 1994 йил 21 июлдаги 379-сонли; «Республикада нақд чет эл валютаси муомаласини тартибга солишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида» (ўзгартиришлар билан) 1996 йил 31 октябрдаги 376-сонли; «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта айирбошлаш операцияларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» (ўзгартиришлар билан) 2000 йил 30 июндаги 250-сонли; «Валюта айирбошлаш операцияларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (ўзгартиришлар билан) 2001 йил 17 январдаги 34-сонли; «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» (ўзгартиришлар билан) 2001 йил 22 июндаги 263-сонли қарорлари.

бўлган ва юридик шахслар томонидан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Валюта ҳуқуқий муносабатлари объектлари деганда, Валютани тартибга солиш қонуни бўйича *Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги – сўм, валюта бойликлари, чет эл валютаси* тушунилади. Ушбу қонунчилик ҳужжатида “Ўзбекистон Республикаси валютаси” тушунчасининг таърифи берилмаган, бошқа давлатлар ва хусусан Россия Федерациясининг валюта қонунчилигида эса, бундай таъриф мавжуд. Масалан, Россия Федерациясининг “Валютани тартибга солиш ва валютани назорат этиш тўғрисида”ги қонуни¹ (1-моддаси)да алоҳида меъёр мавжуд бўлиб, унда Россия валютаси тушунчасининг асосий тавсифи берилган.

Бизнинг Республикамиз Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунида бундай таърифнинг йўқлигини шу билан изоҳлаш мумкинки, бундай тавсифлар асосий хусусиятлари ушбу қонунчилик ҳужжатининг айрим бошқа меъёрларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонун меъёрлари (32-модда)да мавжуд.

Валюта бойликлари деганда, валюта қонунчилиги билан у ёки бу давлат ҳудудида муомалада бўлишининг алоҳида тартиби белгиланган бойликлар тушунилади. Бизнинг мамлакатимиз валюта қонунчилигида *валюта бойликларига* – чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қўйма олтин киради.

Чет эл валютаси – муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек, ҳисобварақларда ва омо-натларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир.

Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир.

Валюта ҳуқуқий муносабатларидаги субъектлар турли валюта операцияларини амалга ошириш бўйича ваколатларининг хусусияти ва ҳажмига қараб икки гуруҳга бўлинади: *резидентлар ва норезидентлар*.

¹ Ведомости Верховного Совета РФ, 1992, №45, -м. 2542.

Амалдаги валюта қонунчилиги **резидентларга** қуйидагиларни киритади:

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;
- Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;
- Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари.

Норезидентларга эса валюта қонунчилигига биноан резидентлар жумласига кирмайдиган шахслар тушунилади:

Агар валюта муносабатлари кўрсатилган субъектлари тавсифи учун янада соддароқ атама қўлланадиган бўлса, **резидентлар** Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари (ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар)дир, **норезидентлар** эса, чет эл фуқаролари ва юридик шахслардир. Турли ваколатхоналарга келсак, Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлардаги ваколатхоналари резидентлар бўлиб, бизнинг мамлакатимиздаги чет эл ваколатхоналари - норезидентлардир.

Ўзбекистон Республикасидаги валюта бойликлари резидентлар ва норезидентлар мулки бўлиши мумкин. Бизнинг мамлакатимизда валюта бойликларига мулкчилик ҳуқуқи мулкчиликнинг бошқа объектларига бўлган мулккий ҳуқуқ билан бирга кафолатланади ва ҳимоя қилинади.

Валюта ҳуқуқий муносабатлари субъектлари валютани тартибга солиш ва валюта ресурсларини бошқариш бўйича тегишли ваколатлар берилган давлат органлари ҳамдир, бу бизнинг республикамызда қўлланадиган валюта тартиботи типи билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органидир.

Валютани тартибга солувчи давлат органи ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасининг ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг муомаласи тартибини белгилайди;

миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш механизмини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги банкларда норезидентлар томонидан миллий валютада ҳамда резидентлар ва норези-

дентлар томонидан чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва уларни юритиш тартибини белгилайди;

резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда ҳисобварақлар очиш тартибини белгилайди;

резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида миллий валютада чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида барча турдаги валюта операцияларини амалга оширади;

чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун банкларга лицензиялар беришнинг умумий қоидаларини белгилайди, бундай лицензияларни беради ва чақириб олади, шунингдек, банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб туради;

жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари муддатининг чегарасини белгилайди;

кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун тўловларнинг мақбул суммаларни миқдорини белгилайди;

чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар билан операциялар ўтказиш тартибини белгилайди;

капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ваколатли банклар реестрини юритади ва эълон қилади;

ваколатли банклар учун очиқ валюта мавқеи лимитларини белгилайди;

қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ валюта операциялари статистикасини тайёрлайди ва эълон қилади;

чет эл валютасидаги тушумнинг бир қисмини резидентлар томонидан мажбурий тарзда сотишнинг миқдори ва тартибини белгилайди;

валютани тартибга солиш масалалари бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар қабул қилади, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган банклар ваколатли банклардир. Ваколатли банклар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очиқ валюта мавқеи лимити доирасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича бевосита ўзаро, ўз миждозлари

билан ҳамда валюта биржалари орқали, шунингдек, халқаро бозорларда операцияларни амалга оширишга;

Ўзбекистон Республикасининг банкларида ва чет эл банкларида вакиллик ҳисобварақларига ҳамда бошқа ҳисобварақларга эга бўлишга;

нақд чет эл валютасини ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш операцияларини амалга ошириш учун айирбошлаш шохобчаларини очишга ҳақлидир.

Ваколатли банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2. Валюта операцияларини ҳуқуқий тартибга солиш

Валюта ҳуқуқий муносабатлари субъектлари (резидентлар ва норезидентлар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари турли валюта операцияларини бажариш йўли билан амалга оширилади.

Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонуннинг 6-моддасига биноан валюта операцияларига қуйидагилар киради:

валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва бошқа ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар;

валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасида олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш;

халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш;

резидентлар ва норезидентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар.

Валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига бўлинади.

Жорий халқаро операцияларга қуйидагилар киради:

ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан хизматлар кўрсатилиши муносабати билан, шунингдек, одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар;

фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинadиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек, бошқа инвестициялардан олинadиган соф даромад шаклида тўланиши зарур тўловлар;

кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;

савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларининг мақбул суммалари. Савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларига қуйидагилар киради:

- иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш;
- ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ харажатларни тўлаш;
- таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш;
- нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар, шунингдек, бундай ҳаракатларни амалга ошириш ва ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;
- суднинг, арбитражнинг, шунингдек, тергов ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорлари асосида пул маблағлари тўлаш;
- халқаро конгресслар, симпозиумлар, конференцияларда, спорт ва маданий тадбирларда, шунингдек, бошқа халқаро учрашувлар, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этганлик учун тўловлар, инвестиция билан боғлиқ ва моддий харажатлар бундан мустасно;
- дафн қилиш билан боғлиқ тўловлар;
- муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномаларининг мажбуриятлари бўйича ҳақ тўлаш;
- халқаро нотижорат ташкилотларига бадаллар;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган бошқа операциялар.

Жорий халқаро операциялар ва чет эл валютасини улар билан боғлиқ ҳолда сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан **капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига** жорий халқаро-операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар, шу жумладан:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш;
кредитлар олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш;

кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

хорижий давлатлардан маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жалб этиш ҳамда хорижий давлатларда маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш киради.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ва бошқа ваколатхоналари эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк объектларини олиш ва уларни кўриш бўйича капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда норезидентлар томонидан кўчмас мулкни олиш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек, резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида ягона пул-кредит сиёсати амалга оширилаётган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги – ягона қонуний тўлов воситаси сифатида сўмнинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш учун қаратилган. Резидентлар ўртасидаги муносабатларда Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги ҳар қандай талаб ва мажбуриятлар учун ҳақ тўлашда чекловсиз қабул қилинади.

Резидентлар Ўзбекистон Республикаси ҳудуддаги ваколатли банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишлари мумкин.

Резидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги маблаглари Ўзбекистон Республикаси ҳудуддаги ваколатли банклардаги валюта ҳисобварақларида сақланади ва улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланилади.

Резидент юридик шахслар томонидан олинган чет эл валютаси, шу жумладан товарлар (ишлар, хизматлар) экспортдан олинган валюта тушуми, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқача қоида белгиланган бўлмаса, уларнинг ваколатли банклардаги ҳисобварақларига ўтказилиши шарт.

Резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

ки томонидан белгиланган тартибда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг резидент жисмоний шахслари, дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ҳамда бу ҳисобварақлардан фойдаланишга уларнинг фақат хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Уларнинг чет элда бўлиши ёки фаолият кўрсатиши тугагач, ҳисобварақлар ёпилиши лозим, ҳисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари эса Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган нерезидент жисмоний шахслар, иммунитет ҳамда дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек, хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ваколатли банкларнинг вакиллари бўлган чет эл банклари ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлари ҳамда бошқа ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловларни чет эл валютасида амалга оширишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредитларни олиш ва қайтаришда;

ваколатли банклардаги омонатларга пул маблағлари қўйишда, омонатлар бўйича фоизлар тулашда;

банкнинг чет эл валютасидаги операциялар бўйича воситачилик ҳақини ундиришда;

чет эл валютасида ифодаланган банк кафолатларини бериш ва улар юзасидан тўловларни амалга оширишда;

ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишда;

юримдик шахсларнинг устав фондига (устав кашиталига) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда валюта бойликларини кириштишда;

хайрия мақсадларида амалга ошириладиган операцияларда; мерос ҳуқуқи бўйича валюта бойликларини олишда; божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек, халқаро йўналишларда ташишда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишдаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операцияларда;

норезидентлар билан товарларни бошқага ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборотни, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан уларга бўлган мутлақ ҳуқуқларни бошқага ўтказиш тўғрисида шартномалар тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар комиссиянерлар (агентлар) томонидан кўрсатилаётганда комиссиянерлар (агентлар) ва комитентлар (принципаллар) ўртасида амалга ошириладиган операцияларда;

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган ёки Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган юкнинг транзити, уни ташиш билан боғлиқ хизматлар экспедитор, ташувчи ва фрахтчи томонидан кўрсатилаётганда транспорт экспедицияси, ташиш ҳамда чартер (фрахтлаш) шартномалари бўйича операцияларда;

қимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда сотиб олиш ва сотишда;

резидентлар томонидан резидентлар ҳамда норезидентлардан пластик тўлов ва кредит карточкалари бўйича тўловларни қабул қилишда;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига нақд чет эл валютасини олиб кириши чекловларсиз амалга оширилади.

Резидент жисмоний шахслар нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ бўлган нақд чет эл валютасининг резидент жисмоний шахслар томонидан олиб чиқилиши уларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банклар томонидан бериладиган, Ўзбекистон Республикасидан нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда амалга оширилади.

Норезидент жисмоний шахслар:

божхона декларациясига мувофиқ олиб кирилган нақд чет эл валютаси миқдоридаги нақд чет эл валютасини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан бериладиган, уларнинг нақд чет эл валютасини олиб чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда эса олиб кирилган нақд чет эл валютасидан куп бўлган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин.

Резидент ҳамда норезидент юридик шахслар томонидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш бўйича операцияларни амалга ошириш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар бундан мустасно.

Ваколатли банклар томонидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси бўлган тақдирда амалга оширилади.

Резидент ва норезидент жисмоний шахсларнинг нақд миллий валютани олиб кириши ҳамда олиб чиқиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет эл валютасини олиш-сотиш валюта бозорларида амалга оширилади. Чет эл валютасини сотиш - Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида, уни сотиб олиш эса, Ўзбекистон Республикаси валюта бозорида ҳамда бошқа мамлакатлар валюта бозорларида амалга оширилади. Валюта бозоридаги операциялар ваколатли банклар орқали Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги (валюта курси)га нисбатан чет эл валютасининг бозор курси бўйича амалга оширилади.

Валюта курси турли давлатлар пул бирликлари ўртасидаги нисбат бўлиб, уларнинг харид қобилияти билан белгиланади. Бошқача айтганда, валюта курси бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирликларида ифодаланган "нарни" (баҳоси)дир. Масалан, америка доллари, инглиз фунт-стерлинги, немис маркасининг бизнинг миллий валютамыз - сўмга нисбатан курси.

Амалдаги қонунчиликка биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан чет эл валютасига бўлган талаб ҳамда таклифнинг жорий нисбати асосида шаклланадиган алмашув курси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисобот мақсадлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Респуб-

ликаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини мунтазам равишда белгилаб боради.

Валюта қонунчилигида тартиббузарликларга йўл қўймаслик, чет эл валютаси ва бошқа валюта бойликлари билан ноқонуний битимлар амалга оширилиши, чет эл валютасидаги маблағлар яширилишининг олдини олиш мақсадида давлат валюта назорати амалга оширилади.

3. Валюта назорати

Валюта назорати – валюта операцияларини амалга оширишда валюта қонунчилигига риоя этилишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидир.

Валюта назоратининг асосий йўналишлари қуйидагиларни текширишдан иборат:

амалга оширилаётган валюта операцияларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги ҳамда уларни амалга ошириш учун зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномаларнинг мавжудлиги;

резидентлар томонидан давлат олдида чет эл валютасидаги мажбуриятлар, шунингдек, ички валюта бозорида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига чет эл валютасини сотиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши;

Республика валюта жамғармасидан ажратилган валюта маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши;

чет эл валютасидаги тўловларнинг асосланганлиги;

норезидентларнинг валюта операциялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги операциялари бўйича ҳисоб юритиш, ҳисоботнинг тўлиқлиги ва объективлигини текшириш.

Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунга мувофиқ валютани назорат қилиш органларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси киради.

Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

Марказий банк зиммасига ваколатли банклар томонидан валюта операцияларини амалга ошириш, улар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва банк статистик ҳисоботи бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Бундай назоратни амалга ошириш учун у банкларнинг ҳисобот ва бошқа

ҳужжатларини олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги, шу жумладан валюта операцияларига оид маълумотларни сўраш ва олиш, банклар ҳамда уларнинг филиаллари иш-фаолиятини текшириш, валюта қонунчилигини бузган айбдорларга нисбатан санкциялар қўллаш ҳуқуқига эга.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахслари томонидан чет элда ҳисобварақлар очиш учун белгиланган тартибга риоя этилишини назорат қилади. Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатнома бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун у аризачилардан қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Давлат солиқ қўмитасидан тегишли хулосаларни сўраш ҳуқуқига эга.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсатномасини олмай туриб, чет эл банкларида ҳисобварақлар очиш, уларга валюта тушумини киритиш уни яшириш деб ҳисобланади ва бунинг учун молиявий санкциялар қўлланилади ҳамда маъмурий жарималар солинади¹.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг валюта назорати бўйича ваколатлари уларнинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив ҳужжатлар – ушбу органлар низомларида белгилаб берилган. Қўрсатилган органлар томонидан валюта назоратини амалга ошириш бўйича муҳим функциялар Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларида, мамлакат Ҳукумати қарорларида назарда тутилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт-импорт операциялар бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”² 1994 йил 20 апрелдаги УП-837-сонли фармони 2-бандига мувофиқ Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси зиммасига Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахсларининг экспорт-импорт операциялар бўйича чет эл валютасидаги маблағлари ҳаракатини назорат қилиш вазифаси юклатилган. Бундай назорат улар томонидан Марказий банк ҳамда ваколатли банклар билан биргаликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”³⁴ 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарори 5-бандига асосан Марказий банк томонидан

¹ Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатнома бериш тартиби (4.6-банд).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 апрелдаги УП-1988-сонли ва 2003 йил 15 январдаги УП-3191-сонли фармонлари асосида киритилган узгартиришлар билан.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 мартдаги 130-сонли, 2002 йил 5 январдаги 7-сонли, 2002 йил 10 октябрдаги

354-сонли, 2003 йил 14 январдаги 17-сонли қарорлари асосида киритилган узгартиришлар билан.

Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ички валюта бозори фаолиятини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилди ва амалда жорий этилди. Унда, хусусан, қуйидагилар назарда тутилган:

барча манбалар ҳисобидан Республикага чет эл валютасининг келиб тушиши, мажбурий сотиш бўйича белгиланган прогноз ҳажмларининг бажарилиши, валюта маблағларини биржадан ташқари валюта бозорига энг кўп даражада жалб этишни ҳар ойда мониторинг қилиш;

валютани сотиб олиш, сотиш ва ундан фойдаланиш процедураларини бузганлик учун вақтинча санкциялардан тортиб то 6 ойгача муддатга белгиланадиган санкцияларни қўллаш, ваколатли банклар ва хўжалик юритувчи субъектларни ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум этиш.

Давлат божхона қўмитаси ҳам валютани назорат этувчи орган ҳисобланади. Давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ божхона органлари валюта назоратини амалга ошириш, молия, банк ва бошқа ташкилотлардан ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни, қонунчилик билан белгиланган бошқа ахборот, маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Валюта назорати божхона органлари томонидан чет эл валютаси ва бошқа валюта бойликларининг божхона чегараси орқали ҳаракати ҳамда товарлар ва транспорт воситаларининг ушбу чегарадан ўтиши билан боғлиқ бўлган валюта операциялари ҳаракатини назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Валютани назорат этувчи барча органларга Ўзбекистон Республикасида ҳамма резидентлар ва норезидентлар ижро этиши мажбурий бўлган норматив ҳужжатларни қабул қилиш ваколати берилган. Валюта назорати агентлари бундай ваколатга эга эмас, улар қонунлар ва валюта назорати органлари норматив ҳужжатлари талабларини бажаришга доир функцияларини бажаради.

Ваколатли банкларнинг валюта назорати бўйича ваколатлари анчагина кенг ва турли-тумандир. Улар чет эл валютасидан ўз вақтида ва мақсадли фойдаланилиши, корхоналар томонидан конвертация учун аризаларнинг тўғри берилиши, корхоналарда касса интизомига риоя этилиши¹ ҳамда валютани тартибга солиш ва валюта назорати бўйича белгиланган қонунчилик ва норматив

¹ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютаси билан касса операцияларини юритиш тартиби (37-банд).

ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилинишини назорат этади¹.

Ваколатли банклар валюта назорати агентлари бўлиб, улар валюта ҳисобварақлари эгаларидан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларнинг белгиланган тартибга ҳамда юридик шахслар устав фаолиятининг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини тасдиқловчи зарур ахборот, маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир².

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ваколатли банклар ўз мижозларининг чет элдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг амалга оширилиши, ҳисобварақлардаги маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилади. Кўрсатилган маълумотлар ваколатли банклар томонидан мижозлардан талаб қилиб олинган ҳисобварақлардан ҳамда юридик ва жисмоний шахслар – резидентларнинг чет элдаги ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи чет эл банкларининг тасдиқловчи ҳужжатларидан олинган кўчирмаларнинг нусхаларига асосан текширилади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг бозор ислохотлари йўлида муваффақиятли ҳаракат қилиши қўп жиҳатдан республика валюта ресурсларини тўлдиришнинг муҳим манбаи бўлган бой экспорт салоҳиятини амалга оширишга боғлиқдир. Шу муносабат билан валюта назоратининг муҳим таркибий қисми экспорт контрактларининг ижросини назорат қилишдан иборат.

Экспортдан валюта тушумининг келиб тушиши ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахсларининг операциялари бўйича товарлар ва хизматлар импортини амалга оширишда ундан мақсадли фойдаланишни назорат этиш Ўзбекистон Республикаси фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда валютани назорат этиш органларининг норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”³ 1994 йил 20 апрелдаги УП-837-сонли фармони билан экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисида низом тасдиқланган бўлиб, унда бундай назоратни амалга оширишга йўналтирилган органлар доираси белгилаб берилган. Мазкур фармонга асосан

¹ Биржадан ташқари валюта бозоридида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (48-банд) - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 291-сонли қарорига 2-илова (узгартиришлар билан).

² Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартиби (1.3-банд).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 апрелдаги УП-1988-сонли ва 2003 йил 15 январдаги УП-3194-сонли фармонлари асосида киритилган узгартиришлар билан.

экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати Марказий банк ва ваколатли банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади¹.

Амалдаги қонунчилик билан белгиланган экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини амалга ошириш тартибида шу нарса назарда тутилганки, корхоналар томонидан уларнинг чет элдаги, шу жумладан МДХ давлатларидаги шериклари билан лицензияланадиган товарларни экспорт қилиш учун тузилган контрактлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказилган бўлиши ҳамда ваколатли банкда уларнинг ҳисоби юритилиши шарт.

Товарлар экспортчилари бўлган корхоналар божхона юк декларациясида чет эл шериклари билан ҳисоб-китоблар қилинадиган ваколатли банкнинг реквизитлари ва тўлиқ номини кўрсатади.

Давлат божхона қўмитаси ҳар ойда тегишли ваколатли банкларга божхона юк декларациялари реестрини тақдим этади, экспорт юклар уларнинг асосида чет элга ўтказилган бўлиб, экспортчи корхона номи, ортиб жўнатилган юклар номи ва сони, уларнинг чет эл валютасидаги қиймати ва тўлов шакли кўрсатилади. Олинган ушбу реестрлар асосида ваколатли банклар тушишини ҳар куни экспортчилар ҳисобварақларига маблағларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва тўғри келиб тушишини назорат қилади. Ваколатли банклар тўловлар белгиланган муддатларда келиб тушмаган ёки реестрларда кўрсатилган суммадан кам миқдорда келиб тушган ҳолатлар тўғрисида Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасига тегишли чоралар кўрилиши учун ҳар ойда ахборот бериб туради.

Корхоналар юклаб жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун уларнинг ҳисобварақларига маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушиши учун жавоб беради. Масалан, чет эл валютасидаги тушумлар корхоналар томонидан яширилган тақдирда, улар чет эл валютасидаги барча операцияларни амалга ошириш учун олган лицензияларидан, ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ҳуқуқидан 6 ойга маҳрум этилади.

Чет элдан валюта тушуми келиб тушишини белгиланган муддатлар тугаганидан кейин 30 кундан ортиқ вақт кечикишига йўл қўйган юридик шахслар-резидентлар республика бюджети

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 апрелдаги УП-1988-сонли фармони таҳрири; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 15 январдаги УП-3194 сонли фармони 1-банди.

даромадига келиб тушмаган валюта бойликлари суммасидан 100 фоизга тенг бўлган миқдорда жарима тўлайди.

Ваколатли банклар контрактлар ҳисобининг ўз вақтида ва тўғри юритилиши, экспортчи корхоналар ҳисобварақларига тушумларнинг келиб тушишини назорат қилиш, импорт бўйича тўловлар шаклининг тўғри қўлланиши учун жавобгар ҳисобланади. Ваколатли банкларнинг нотўғри ҳаракат қилиши ёки уларнинг ўз ваколатларини ошириб юбориши натижасида давлатга ва ҳисобварақ эгаларига етказилган зарарлар мажбурий тартибда ушбу банклар томонидан қопланади.

Амалдаги валюта қонунчилигида ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактлар ижросини назорат этиш тартиби ҳам назарда тутилган¹. Бундай назорат ҳисобга олинган ҳар бир экспорт (бартер) контракт бўйича олиб борилади.

Ҳисобга олинган контрактлар бўйича келиб тушган барча тушум экспортчиларнинг транзит ҳисобварақларига киритилади, ваколатли банклар кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда белгиланган тартибда экспортчиларни бундан хабардор қилади.

Ваколатли банклар компьютерда маълумотлар базасини шакллантириб, унга контрактлар тузилгани, улар бўйича пул ва товар билан операциялар амалга оширилгани тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Ушбу маълумотлар ҳисобот шаклларини тузиш ва ахборотлар тайёрлашда фойдаланилади. Экспорт ва бартер контрактлар ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботлар қонунчилик билан белгиланган шакллар ва муддатларда Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармаларига тақдим этилади.

Ваколатли банклар зиммасига контрактлар ҳисобининг ўз вақтида ва тўғри юритилиши, экспортчилар ҳисобварақларига тушумларнинг келиб тушишини назорат қилиш, тўлов шакллари тўғри қўллаш учун жавобгарлик юкланади. Экспорт ва бартер контрактлар ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик уун ваколатли банкларга нисбатан Ўзбекистон республикаси Марказий банки норматив ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда жарима санкциялари қўлланилади.

¹ Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактлар ҳисобини юритиш ва уларнинг ижро этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишув асосида тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 9 августда 954-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ушбу низомга Адлия вазирлигида 2003 йил 18 мартда 610-1-рақам билан рўйхатдан ўтказилган тузатишлар киритилган.

23-БОБ. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1. Қимматли қоғозларнинг умумий тавсифи

Маълумки, қимматли қоғозлар бозорининг асосий вазифаси қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларни сотиб олиш - сотишдан иборат. Шу сабабли қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмун-моҳиятини очиб беришдан олдин қимматли қоғозлар тушунчаси ва турлари, уларни чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқиш зарур.

Қимматли қоғозлар ҳуқуқий мақоми ва уларнинг турлари Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонуни¹ билан белгиланган бўлиб, ушбу қонун қимматли қоғозларни чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши шартлари ва тартиби, қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини тартибга солиш ҳамда жамғарма биржаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тамойилларини белгилаб беради.

Кўрсатилган қонунчилик ҳужжатига мувофиқ, **қимматли қоғозлар** пул ҳужжатлари бўлиб, уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгалари ўртасидаги мулкий ҳуқуқлар ва қарз муносабатларини тасдиқлайди ҳамда дивидендлар ёки фоизлар шаклида даромадлар тўланишини ва ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларнинг бошқа шахсларга берилиши имкониятини назарда тутади.

Бошқача айтганда, қимматли қоғозлар, бир томондан, иштирок этиш (масалан, акционерлик жамияти капиталида) ёки қарз бериш тўғрисида, иккинчи томондан, эмитентларнинг² уларнинг эгаларига дивидендлар³ ёки фоизлар шаклида даромад тўлаш мажбурияти тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатдир. Қимматли қоғозлар юридик категория сифатида пул ҳужжатлари бўлиб, улар учун умумий бўлган белги, хусусан, уларда ифодаланган мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш учун тақдим этилиши зарурлигидир⁴.

Қимматли қоғозлар бланкалар, сертификатлар ёки ҳисоб-варақлардаги ёзувлар шаклида бўлиши ва ҳисоб-китоблар қилиш

¹ ЎР ОКА, 1993, №9, 325 -м; 1994, №11-12, 285 -м; ЎР ОМА, 1995, №12, 269 -м; 1996, №5-6, 69 -м; №9, 144 -м; 1997, №2, 56 -м; 1999, №9, 229 -м; Народное слово. - 2003. - 8 февраль.

² Эмитент - муомалага қимматли қоғозлар чиқарувчи шахс (давлат, банклар, инвестиция компаниялари, фондлар ва б.).

³ Дивиденд (лат. dividendus - бўлиниши, тақсимланиши керак бўлган) - акционерлик жамияти фойдасининг ҳар йили солиқлар тўлаиб, захиралар тўлдирилиб, чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва ҳ.к. тўланганидан кейин акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисми.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 96-моддаси.

учун ҳамда кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланилиши мумкин. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахлар ўрта-сида ихтиёрий асосларда тарқатилиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ киритилган омонат шакли-дан қатъи назар, қимматли қоғозлар Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида ифодаланади ва туланади, уларни чиқариш шарт-ларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида тула-нади.

Амалда энг кўп учрайдиган қимматли қоғозлар турлари ва улар тушунчаси Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғриси-даги қонунда белгилаб берилган. Уларга қуйидагилар киради: *ак-циялар, облигациялар, хазина мажбуриялари, депозит серти-фикатлар ва векселлар.*

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”¹ 1995 йил 22 декабрдаги қонунига мувофиқ қимматли қоғозларнинг мустақил турларига *ҳосила қимматли қоғозлар* ҳам киради.

Қимматли қоғозлар икки турда: эгасининг номи ёзилган ва тақдим этувчига бўлиши мумкин. Агар уларга эгаллик қилиш би-лан боғлиқ бўлган мулкий ҳуқуқларни амалга ошириш учун эми-тент ёки унинг топшириғи бўйича қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни амалга оширувчи ташкилот томонидан улар эгасини қайд этиш зарур бўлса, эгасининг номи ёзилган деб топи-лади. Эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозни бир эгасидан ик-кинчисига ўтказиш ҳисоб юритишда тегишли ёзувларни ўзгарти-риш йўли билан амалга оширилади. Қимматли қоғозлар тақдим этувчига берилган ҳужжат деб шунда ҳисобланадиги, уларга эга-лик қилиш билан боғлиқ бўлган мулкий ҳуқуқларни амалга оши-риш учун улар тақдим этилиши етарлидир. Тақдим этувчига қимматли қоғозлари эркин муомалада юради.

Акция - амал қилиш муддати белгиланмаган, унинг эгасига дивиденд олиш, одатда, акционерлик жамияти ишларини бошқа-ришда қатнашиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоз. Бу ҳуқуқ юридик ёки жисмоний шахс томонидан акционерлик жамияти ус-тав капиталига мазкур жамият мулкида акция эгасининг қатна-шувини тасдиқловчи муайян миқдордаги омонатнинг киритилиши билан боғлиқ.

Акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор акционерлик жамияти ёки акциядорлар умумий мажлиси муассислари томонидан қабул қилинади. Сотиб олинган акция (агар жамият уставида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса) уни чиқарган акционерлик

¹ ЎР ОМА, 1995, №12, 269 -м.

жамиятига сотилиши мумкин эмас. Акцияларни чиқариш тартиби қонунчилик билан белгиланади¹.

Ўзбекистон Республикаси облигациялари ва хазина мажбуриятларининг давлат қимматли қоғозлари сифатидаги умумий тавсифи ушбу дарсликнинг давлат кредитига бағишланган бобида кўриб чиқилган.

Корхоналар облигациялари мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар томонидан чиқарилиши мумкин. Корхоналар ва акционерлик жамиятлари облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор маъмурият ва ижроия органи томонидан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади. Корхоналар томонидан эмитентларнинг устав жамғармасини шакллантириш ва тўлдириш ҳамда уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарларни қоплаш учун облигациялар чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Акционерлик жамияти томонидан чиқарилган барча облигацияларнинг номинал қиймати жамиятнинг шакллантирилган устав жамғармаси миқдоридан ошмаслиги керак². Жамият устав жамғармаси тўлиқ тўланганидан кейингина жамият облигациялар чиқаришига рухсат берилади.

Депозит сертификат – эмитент банкнинг пул маблағлари омонати тўғрисидаги гувоҳномаси бўлиб, омонатчи ёки унинг ҳуқуқий вориси белгиланган муддат ўтганидан кейин омонат суммаси ва у бўйича фоизларни олиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Депозит сертификатларни жойлаштириш ва сўндириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан унинг номидан ва ўз ҳисобига амалга оширилади. Ушбу қимматли қоғозлар эмиссияси бир марталик тартибда ҳамда сериялаб амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит сертификатлари эгалари бўлиши мумкин. Бу сертификатларга эгаллик ҳуқуқи пул маблағлари Марказий банк ҳисобварағига келиб тушиб, уларнинг эгаси Марказий банк тегишли китоб (дафтар)ларида рўйхатга олинган вақтдан бошлаб юзага келади. Янгидан сотиб олинаётган депозит сертификатларга ҳақ тўлаш вақтида сўндириладиган сертификатлар қийматини ҳисоблаш ҳуқуқига эга.

¹ Акционерлик жамиятлари акцияларини чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази Бош директорининг 2002 йил 7 июндаги 2002-1-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 10 июлда 1159-рақам билан рўйхатга олинган.

² Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси айрим қонунчилик ҳужжатларига узгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2002 йил 13 декабрдаги қонуни қабул қилинунига қадар акционерлик жамиятлари устав фонди миқдоридан 20 фоиздан кўп бўлмаган суммада облигациялар чиқариши мумкин эди. // Народное слово.- 2003.- 8 февраль.

Депозит сертификатлар нақдинасиз шаклда чиқарилади. Улар сотилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ёки тўлов воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Депозит сертификат эгаси уни муддатидан олдин сўндиришга ҳақли, бунда улар бўйича фоизлар Марказий банк билан харидор ўртасидаги шартномага мувофиқ равишда тўланади. Агар депозит сертификат бўйича омонат олиш муддати ўтган бўлса, у талаб қилиб олингунча ҳужжат ҳисобланади, у бўйича Марказий банк шу сертификат эгасининг биринчи талабига кўра омонат суммаси ва фоизларни тўлаш бўйича мажбуриятга эга бўлади, лекин бунда ўтган муддат учун фоизлар тўланмайди.

Депозит сертификатларни жойлаштириш ва сўндириш ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш шартлари ва тартиби қонунчилик билан белгиланган¹.

Вексель – вексель берувчининг ҳеч қандай шартсиз мажбуриятини (оддий вексель) ёки векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг (ўтказма вексель) векселда назарда тутилган муддат етиб келгунига қадар муайян миқдордаги суммани вексель эгасига тўлаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада вексель муомаласини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 1997 йил 19 мартдаги фармони билан белгилаб қўйилганки, мулкчилик ҳуқуқидан қатъи назар, молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, тижорат банклари уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга, истисно ҳолларда 6 ойгача вексель чиқариш ҳуқуқига эга. Бунда корхона ва ташкилотлар томонидан векселлар чиқариш учун уларга етказиб бериладиган аниқ товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб-китоб қилишга пул маблағлари вақтинча етмаган тақдирда, фақат уларни қоплаш учун хизмат кўрсатувчи банк томонидан албатта вексель топшириқномаси расмийлаштирилган ҳолдагина рухсат берилади.

Векселларни (ҳазина векселларидан ташқари) чиқариш, рўйхатдан ўтказиш қоидалари, уларни чиқариш ва муомалада бўлиш шартлари Марказий банк томонидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда белгиланади². Ҳазина векселларини чиқариш ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки депозит сертификатларини чиқариш тўғрисида низоом. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 26 декабрда 434-қарор билан тасдиқланган (1998 йил 26 декабрдаги 24/12-сонли баённома). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 9 февралда 624-рақам билан рўйхатга олинган.

² Қ: масала: Банкларнинг оддий вексель чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш қоидалари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан Молия вазирлиги билан келишув бўйича 1998 йил 9 ноябрда 102-сонли қарор билан тасдиқланган (1998 йил 9 ноябрдаги 19/5-сонли баённома). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 30 ноябрда 554-рақам билан рўйхатга олинган.

уларнинг муомалада бўлиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланиши керак.

Ҳосила қимматли қоғозлар - қимматли қоғозларнинг тури бўлиб, улардан кўриладиган даромад (зарар) бир ёки бир неча бозор кўрсаткичлари - индексларга боғлиқдир. Улар *опционлар*, *фьючерслар* ва бошқа молия воситалари шаклида чиқарилиши мумкин.

Опцион - унинг эгасига белгиланган муддатда контрактда келишилган нархда қимматли қоғозлар ёки товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи шартномадир. Опциончи ўзининг сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқидан фойдаланиши, шунингдек, ундан воз кечиши мумкин. Опционда унинг номи - "сотиб олиш учун опцион" ёки "сотиш учун опцион", давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва номери, опцион ёзилган сана, опцион эмитенти номи, манзили ва банк реквизитлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Фьючерс - муайян келгуси муддатга контрактда белгиланган нарх бўйича муайян қимматли қоғозлар ёки товарларни сотиб олиш ёки сотиш учун сўзсиз мажбуриятни тасдиқловчи қимматли қоғоз (контракт)дир. Фьючерс унинг номи - "фьючерс", давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва номери, фьючерс ёзилган сана, фьючерс тури (сотиб олиш ёки сотиш учун) фьючерс эмитенти номи, манзили ва банк реквизитлари ҳамда амалдаги қонунчилик билан белгиланган бошқа реквизитларни ўз ичига олиши керак.

Ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш тартиби амалдаги қонунчилик билан белгиланади¹.

Қимматли қоғозлар эмиссияси. Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунга мувофиқ уларни биринчи эгалари (инвесторлар)га - юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан муомалага чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

акционерлик жамияти таъсис этилиб, акциялар унинг муассислари ўртасида жойлаштирилаётган вақтда;

акциялар чиқариш йўли билан акционерлик жамиятининг дастлабки устав капитали миқдори қўпайтирилаётган вақтда;

облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш йўли билан юридик шахслар, давлат, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қарз капиталини жалб этишда;

¹ Ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан 1997 йил 31 мартда тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1997 йил 2 апрелда 320-рақам билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 10 ноябрда 320-1-рақам билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар билан.

республика бўйича корхоналарнинг ўзаро қарз мажбуриятларини сўндириш вақтида.

Қимматли қоғозларни муомалага чиқариш қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин: а) матбуотда эълон қилмасдан, реклама компаниясини ўтказмасдан хусусий жойлаштириш, эмиссия проспектини олдиндан маълум бўлган чекланган миқдордаги инвесторлар ўртасида эълон қилиш ва рўйхатдан ўтказиш; б) эмиссия проспектини потенциал чекланмаган инвесторлар ўртасида эълон қилиш ва рўйхатдан ўтказиш.

Юқорида санаб ўтилган ҳар бир ҳол учун эмиссиянинг минимал ва максимал миқдорлари белгиланади.

Чиқариш эмитенти¹, шунингдек, эмитент билан келишув бўйича қимматли қоғозларни уларнинг биринчи эгаларига сотишни амалга оширувчи инвестицион институтлар ҳар бир сотиб олувчини қонунчиликда белгиланган тартибда сотув шартлари ва ушбу қоғозлар сотилгунига қадар эмиссия проспекти билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт. Эмиссия проспектида эмитентнинг ўзи тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозларни сотиш учун таклиф қилинаётган: уларни чиқариш жараёни, тартибига оид ва ушбу қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки бундай сотиб олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар берилган бўлади.

Қимматли қоғозлар муомаласи деганда, уларни сотиб олиш ва сотиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг алмашинувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бизнинг мамлакатимиз ҳудудида фақат давлат рўйхатидан ўтказилган ва белгиланган тартибда рўйхат рақамини олган қимматли қоғозларнигина эмиссия қилиш ва муомалага чиқариш учун рухсат берилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган қимматли қоғозларни чиқариш ноқонуний ҳисобланади. Улар қимматли қоғозлар эгасидан тортиб олинади, уларни сотишдан тушган тушум эса, бой берилган фойдани қоплаш ҳисобга олиниб, инвесторларга қайтарилади.

2. Қимматли қоғозлар бозори тушунчаси ва унинг фаолияти тамайллари

Қимматли қоғозлар бозори юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва сўндирилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимидан иборат. Бундай таъриф Ўзбекистон Республикасининг

¹ Эмитент (лат. emitters – чиқариш) – давлат, банклар, акционерлик жамиялари ва ҳ.к.

“Қимматли қоғозлар бозори фаолияти механизми тўғрисида”ги қонунда¹ берилган. Ушбу таърифда қимматли қоғозлар бозорининг икки асосий хусусияти қайд этилган:

биринчидан, қимматли қоғозлар бозори – иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос соҳаси бўлиб, унинг объекти қимматли қоғозлардир. Қимматли қоғозлар бозори (банклар, махсус кредит институтлари ва жамғарма биржалари) орқали хужалик юритувчи субъектлар, давлат ва хусусий шахсларнинг пул жамғармалари тўпланади ва ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришда фойдаланиш учун йўналтирилади;

иккинчидан, ушбу муносабатлар субъектлари қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар эмитентлари, инвесторлар, инвестиция институтлари, шунингдек, уларнинг уюшмалари, жамғарма биржалари (биржаларнинг жамғарма бўлимлари) сифатида иштирок этувчи жисмоний ҳамда юридик шахслар бўлиши мумкин. Бунда шуни қайд этиш лозимки, амалдаги қонунчилик меъёрлари жисмоний шахслар ва юридик шахслар қандай сифатда қатнашиши мумкинлигини аниқ белгилаб беради. Масалан, қимматли қоғозлар бозори фаолияти тўғрисидаги қонунда инвестиция компаниялари ва жамғармалари юридик шахслар эканлиги тўғрисида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган. Айрим ҳолларда юридик ва жисмоний шахслар қимматли қоғозлар бозорида айнан бир хил (масалан, инвесторлар) сифатида қатнашиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори фаолияти механизми тўғрисида қонунга мувофиқ қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органлари ушбу бозор қатнашчилари бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат шу билан белгиланадики, қимматли қоғозлар фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатлар давлат тартибга солиш объекти бўлиб, молия ҳуқуқи меъёрлари, унга хос бўлган, ҳокимият кўрсатмаларига асосланган усуллар билан тартибга солинади. Бошқа муносабатлар, масалан, қимматли қоғозлар бўйича олди-сотди битимларини амалга оширишда юзага келадиган муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятининг асосий тамойиллари қонунчилик ҳужжати² билан белгиланган бўлиб, уларга қуйидагилар қиради:

¹ ЎР ОМА, 1996, №5-6, 56 -м., //Народное слово.- 2003- 8 февраль.

² Қимматли қоғозлар бозори фаолияти тўғрисида қонун. Тўғри, бу қонунда гап қимматли қоғозлар бозорида савдонинг асосий принциплари тўғрисида боради. Аммо ўз моҳиятига қараб бу принциплар нафақат савдо қондаларига риоя этиш, балки умуман қимматли қоғозлар бозорида давлат тартибга солиш чораларини қўллаш билан ҳам боғлиқдир.

қимматли қоғозлар бозорида тузиладиган битмларнинг ихтиёрийлиги;

эркин рақобат йулидаги тўсиқларни бартараф этиш;

реал таркиб топадиган талаб ва таклиф негизида нархларни белгилаш;

қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонунчиликка унинг иштирокчилари томонидан қатъий риоя этилиши;

биржа ва биржадан ташқари операциялар, котировкалар, эмитентларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборот, маълумотларни албатта очиб бериш;

ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга оширучи барча инвесторлар ва эмитентлар учун бозорга кириш мумкинлиги;

қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари тўғрисидаги ахборот, маълумотларнинг тулиқ очиб берилишини, уларнинг ошқоралиги ва фойдаланилиши мумкинлигини таъминлаш;

инвесторлар ва эмитентлар манфаатларини ҳимоялаш;

қимматли қоғозлар бозорида муттаҳамлик ва бошқа ноқонуний фаолиятни тақиқлаш ва таъқиб қилиш.

Қимматли қоғозлар бозори иш-фаолиятининг асосий тамойиллари давлат тартибга солиш чора-тадбирлари ҳамда қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари жамғарма биржалари ва бирлашмалари, уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган савдо қоидалари бирлиги асосида таъминланади.

Қимматли қоғозлар бозори бирламчи (унда эмиссия ва қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштириш амалга оширилади) ва иккиламчи (унда қимматли қоғозлар олди-сотдиси – муомаласи олиб борилади) бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозлар фонд биржаси ва банклараро бозорда сотилади ва сотиб олинади.

Умумий атамашуносликда фонд биржаси деганда, расмий ташкил этилган, мунтазам ишлаб турувчи, қимматли қоғозлар олди-сотдиси амалга ошириладиган бозор тушунилади. Жамғарма биржаларининг дастлабки шакли ўрта асрлардаёқ Италия ва ғарбий Европа давлатларининг йирик шаҳарларида: Лионда – 1545 йили, Лондонда – 1566 йили, Амстердамда – 1608 йили пайдо бўлган. Кейинчалик жамғарма биржалари ғарбий Европа давлатлари ва АҚШда ривож топган. АҚШда 1817 йили илк марта “Фонд биржаси” атамаси юзага келиб, биржа уставида қайд этиб қўйилган.

Бизнинг мамлакатимизда фонд биржаси ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлаштиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 1994 йил 15 мартдаги УП-789-сонли фармони билан асос

солинди. Ушбу Фармонни бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент” Республика фонд биржасининг самарали ишлаштини таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозои инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1994 йил 8 июндаги 285-сонли қарори¹ қабул қилинди. Мазкур қарор билан янги тузилган фонд биржаси фаолиятини ташкилий таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган эди.

Фонд биржаси тушунчаси, унинг фаолияти ҳуқуқий асослари Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. Ушбу норматив ҳужжатга мувофиқ **фонд биржаси** – ташкилот бўлиб, унинг фаолияти предмети фақат қимматли қоғозларнинг нормал муомаласи учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлаш, уларнинг бозор нархлари (қимматли қоғозларга бўлган талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нарх)ни белгилаш ҳамда уларга оид ахборот, маълумотларни тегишли тарзда тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг касбий даражасини юқори даражада сақлаб туришдан иборатдир.

Фонд биржаси (товар-жамғарма ёки валюта биржасининг жамғарма бўлими) ўз фаолиятини қимматли қоғозлар билан биржа фаолиятини олиб бориш учун олинadиган лицензияга асосан ва қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, амалга оширади. Шу сабабли қимматли қоғозлар билан биржа фаолиятини олиб бориш учун лицензия олмаган ташкилот бундай фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Товар-жамғарма ва валюта биржаларида мустақил ва мустақил бўлмаган тузилмавий бўлинмалар сифатида жамғарма бўлимлари тузилиши мумкин. Жамғарма бўлимлари ўз иш-фаолиятида жамғарма биржаларига қўйиладиган барча талабларга амал қилади.

Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқи (лицензия)га эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар жамғарма биржалари муассислари сифатида қатнашиши мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан биржада брокерлик жойини сотиб олган хорижий шахслар *фонд биржаси* (товар-жамғарма ёки валюта биржаларида жамғарма бўлими) аъзолари бўлиши мумкин. Фонд биржаси аъзолари сони биржа бошқарув органлари томонидан тартибга солинади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, прокуратура ва суд органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва мутахассислари фонд биржаси аъзолари бўла олмайди.

¹ Ушбу меъёрий ҳужжатга Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 февралдаги 68-сонли, 1998 йил 3 февралдаги 55-сонли, 1999 йил 21 майдаги 263-сонли, 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли, 2002 йил 5 сентябрдаги 317-сонли қарорлари билан ўзгартиришлар киритилган.

Жамғарма биржалари аъзолари уларда қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар мавжуд бўлиб, инвестицион институт мақомини олган тақдирдагина савдоларга қўйилиши мумкин. Брокерлик жойини сотиб олган ва қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган малака шаҳодатномасини олган жисмоний шахс жойларда давлат ҳокимияти органларида рўйхатдан ўтиб, банкда ҳисоб-китоб varaғини очганидан кейингина савдоларга қўйилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори мутахассислари қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган малака шаҳодатномасига эга бўлиб, унинг амал қилиш муддати уч йилга белгиланган бўлиши керак.

Фонд биржаси биржа савдолари вақтида битимларни тузиш, тузилган битимлар бўйича солиштириш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Жамғарма биржалари ва жамғарма бўлимлари қимматли қоғозлар бозорини давлат тартибга солиш органлари билан келишилган ҳолда қимматли қоғозлар билан битимларни тузиш қоидалари, ички қоидалар, устав (жамғарма бўлими тўғрисида низоми)га асосан фаолият юритади.

3. Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш асослари

Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш янги ҳодиса эмас, у нафақат бозор иқтисодиётини шакллантираётган мамлакатларда, балки бозор муносабатлари ривожланган давлатларда ҳам мавжуд. Бундай тартибга солишдан мақсад қимматли қоғозлар бозорига ривожланган хусусият бериш, соғлом рақобатчилик муҳитини ташкил этишга, қимматли қоғозларнинг амалдаги ва потенциал эгалари манфаатларига ва охир-оқибатда давлат манфаатларига катта зарар келтирадиган, унинг ўз ҳолича ривожланишига йўл қўймасликдан иборатдир. Шу сабабли барча ҳолларда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича давлатнинг ҳокимият функциялари сақланиб қолади. Бундай тартибга солишнинг амалдаги модели давлат ва рақобатли тартибга солиш ҳамда уни амалга оширишнинг турли даражаси ва усуллари билан фарқ қилади.

Визинг мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти унинг қонуний тартибга солиниши юқори даражада бўлишидадир. Қимматли қоғозлар бозори билан боғлиқ масалалар тўртта қонунчилик ҳужжа-

тида мустаҳкамланган бўлиб, уларнинг ҳар бирида қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солишга тегишли меъёрлар мавжуд. Бу – Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори фаолияти механизми тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”¹, “Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида”²ги қонунларидир.

Юқорида кўрсатилган қонунчилик ҳужжатлари орасида “Қимматли қоғозлар бозори фаолияти механизми тўғрисида”ги қонун алоҳида ажратилиб, унда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишга бағишланган махсус бўлим бор. Унинг асоси сифатида қонунда ваколатли органлар томонидан қуйидагилар воситасида амалга ошириладиган давлат бошқаруви белгиланган:

қимматли қоғозлар ва уларнинг эмиссиялари проспектарини чиқаришни рўйхатга олиш, эмитентлар томонидан уларда кўрсатилган шартлар ва мажбуриятларга риоя этилишини назорат қилиш;

эмитентлар ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларнинг очиқ берилишини таъминлаш;

мутахассисларни аттестациядан ўтказиш, инвестиция институтлари фаолиятини лицензиялаш ва назорат қилиш;

инвесторлар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа қатнашчилари апелляцияларини кўриб чиқиш ва улар бўйича ҳулосалар чиқариш, қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари бажариши учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш.

Амалдаги қонунчиликка кўра, қимматли қоғозлар нархи, уларнинг эгаси, даромадлилик даражасининг ўзгариши, шунингдек, ҳисоб-китоблар билан боғлиқ бўлган қимматли қоғозлар бозоридаги қимматли қоғозлар ҳар бир операцияси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Қимматли қоғозлар бўйича битимлар уларни амалга ошириш ва расмийлаштириш вақтида қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш учун контрактлар (клиринг) бўйича ҳисобот шаклида савдо амалга ошириладиган жойда рўйхатдан ўтказилиши керак. Эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар билан тузиладиган битимлар, шунингдек, юридик шахслар ўртасида, тақдим этувчига қимматли қоғозлар билан тузиладиган битимлар рўйхатдан ўтказилиши керак.

Қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолият ваколатли давлат органи томонидан бериладиган махсус рукхатнома – ли-

¹ ЎР ҚТ, 2001, №17, 112 -м.

² ЎР ОМА, 1998, №9, 172 -м.

цензия асосида амалга оширилади. Инвестиция институтлари уларда фақат тегишли лицензия мавжуд бўлган ҳолдагина қимматли қоғозлар бозорида операцияларни амалга ошириши мумкин. Қонунчилик бузилган ҳолларда лицензия уни берган орган томонидан чақириб олинади.

Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятнинг тегишли даражада бўлишини таъминлаш учун жисмоний шахслар (инвестиция институтлари ва жамғарма биржалари ходими)га қўйилган малака талаблари белгиланади. Улар фақат ушбу талабларга мувофиқ бўлган ҳолдагина қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака шаҳодатномаси берилади.

Қонунчиликда давлат ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа қатнашчилари манфаатларини тегишли равишда ҳимоялаш учун молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида йиллик ҳисобот тузиш, шунингдек, эмитент, унинг шўъба корхоналари ва унга қарашли корхона ва ташкилотлари қайта ташкил этилиши тўғрисида хабар бериш йўли билан эмитентнинг ўз қимматли қоғозлари ва молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш мажбурияти назарда тутилган.

Бундан ташқари, маълумотларни очиш мақсадида эмитент зиммасига бошқа маълумотларни ҳам, масалан: эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида, эмитент қимматли қоғозлари бўйича ҳисоблаб ёзилган ва (ёки) тўланган даромадлар тўғрисида, ушбу қоғозлар туридан қатъи назар, эмитент реестрида унинг қимматли қоғозларининг 35 фоизидан ортигига эга бўлган шахснинг пайдо бўлгани тўғрисидаги маълумотларни ҳам очиб бериш мажбурияти юклатилади.

Маълумотларни очиб бериш мажбурияти инвестиция институтлари, жамғарма биржалари (биржаларнинг жамғарма бўлимлари) ва қонунчилик билан белгиланган рўйхат бўйича қимматли қоғозлар эгалари зиммасига ҳам юклатилади (Қимматли қоғозлар бозори фаолияти механизми тўғрисида қонун 27-моддаси).

Амалдаги қонунчиликда хизмат ахбороти учун махсус ҳуқуқий тартиб ўрнатилган. Бундай ахборотга эмитент ва у томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотлар киради. Бундай маълумотларга ўз хизмат вазифаси, меҳнат мажбурияти ёки эмитент билан тузилган шартномасига кўра муайян доирадаги шахсларгагина маълум бўлиб, улар қимматли қоғозлар бозорининг бошқа субъектларига нисбатан устувор ҳолатда бўлади. Хизмат маълумотларига эга бўлган шахсларга қонунда, масалан, эмитент бошқарув органи ёки ушбу эмитент билан шартнома эрқали боғлиқ бўлган инвестиция институти аъзолари, ўз ваколатлари бўйича кўрсатилган маълумотларни олишга рухсати

бўлган давлат органлари, фод биржалари (биржаларнинг жамгар-ма бўлимлари) мансабдор шахслари ва ҳ.к. киритилган.

Хизмат маълумотларига эга бўлган шахслар ушбу маълумотлардан битимлар тузиш учун фойдаланиш ҳамда уларни учинчи шахсларга битимлар тузиш учун бериш ҳуқуқига эга эмас. Бу талабни бузганлик учун қонунчиликка мувофиқ равишда жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Қимматли қоғозлар тўғрисидаги амалдаги қонунчилик меъёрларида қимматли қоғозлар бозори фаолияти соҳасида реклама бўйича унинг ноҳалол рақобат учун фойдаланилишига йўл қўймаслик учун давлат таъсир чоралари қўлланиши назарда тутилган. Қимматли қоғозлар бозори фаолияти механизми тўғрисидаги қонун 29-моддасида реклама берувчилар томонидан кўрсатилиши ман этилган ҳолатлар рўйхати берилган. Масалан, уларга рекламада ўз иш-фаолияти, қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш ёхуд улар билан бошқа битимлар тузиш, уларнинг шартлари бўйича таклиф этилаётган қимматли қоғозлар тури ва тавсифи ҳамда қимматли қоғозлар бозори эгалари ҳамда бошқа қатнашчиларини алдаш ёки чалғитиш, адаштириш учун қаратилган бошқа ҳар қандай маълумотлар тўғрисида нотўғри маълумотларни бериш, шундай фаолият билан шуғулланувчи қимматли қоғозлар бозори касбий қатнашчилари ёки қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитентларнинг мавжуд ёки илгариги камчиликларини кўрсатиш ва ҳ.к. йўл билан рекламадан ноҳалол рақобат мақсадида фойдаланиш ман этилади.

Рекламада қонунчиликда кўрсатилган биттагина ҳолат мавжуд бўлган тақдирда ҳам у ноҳалол ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентлари тўғрисидаги ҳаммага маълум бўлган маълумотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ўз функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлган ваколатли органларга бериладиган маълумотлар реклама ҳисобланмайди.

Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш элементларидан бири - қимматли қоғозлар бозорида айрим фаолият турларини амалга ошириш учун тақиқларни белгилаш ҳисобланади. Бунга қуйидагилар киритилган:

давлат рўйхатидан ўтмасдан, эмитентга ёки қимматли қоғозларга тегишли ахборот, маълумотларни очмасдан туриб, қимматли қоғозлар чиқариш;

тегишли лицензиясиз қимматли қоғозлар бозорида фаолиятни амалга ошириш;

қимматли қоғозлар бозорида сохта битимлар тузиш, шунинг ўхшаш ўзаро ҳисоб-китоб талабларини амалга ошириш, суғилган қисқа муддатли битимларни амалга ошириш;

муҳим, махфий маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш;

айрим қатнашчиларга устувор ҳолат бериш учун қимматли қоғозлар бозорини бирор белги бўйича бўлиш.

Бу рўйхат очиқ ҳисобланади, чунки қимматли қоғозлар бозорида қонунчиликда белгиланган савдонинг асосий тамойилларига зид бўлган бошқа хатти-ҳаракатлар учун ҳам тақиқ бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорига давлат таъсири ва унинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича энг муҳим бўлган чора қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни белгилаш ва қўллаш ҳисобланади. Иқтисодий санкциялар сифатида қўлланадиган бундай жавобгарлик асослари ва миқдори Қимматли қоғозлар бозори фаолияти механизми тўғрисидаги қонун 31-моддаси билан тартибга солинади. Бу санкциялар қуйидаги ҳолларда қўлланади:

эмитентлар ва қимматли қоғозлар, ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинмаганлиги ёки ўз вақтида эълон қилинмаганлиги, ҳисобот ва маълумотлар давлат назорат органларига тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаганида – энг кам иш ҳақининг 70 баробари миқдорида;

тартиббузарликларни тугатиш тўғрисидаги кўрсатмаларни ижро этишдан бош тортилган ёки ўз вақтида ижро этилмаган ҳолларда – энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида;

эмитентлар томонидан қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш тартиби бузилган, қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби бузилган ҳолларда – энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида;

инвесторлар, қимматли қоғозлар билан операциялар, харажатлар ва даромадлар бўйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот тартиби бузилган тақдирда – энг кам иш ҳақининг 600 баробари миқдорида;

активлар билан мустақкамланмаган қимматли қоғозлар эмиссияси, айрим инвесторлар томонидан мулкий ҳуқуқлар асоссиз белгиланган, риоя этилмаган ва инвесторларга тегишли даромадлар тўланмаган ҳолларда – энг кам иш ҳақининг 700 баробари миқдорида;

ноўғри маълумотларни тарқатиш (тақдим этиш), сотувларнинг нолегал амалиётини қўллаш йўли билан инвесторлар ва назорат органларини чалғитиш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция институтлари томонидан нархларни манипуляция қилиш

учун - энг кам иш ҳақининг 800 баробари миқдорида жарима солинади¹.

Қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг ноқонуний фаолиятдан олган даромадлари ёки махсус рухсатнома (лицензия) олмай туриб, ушбу фаолиятдан олган даромадлари ноқонуний фаолиятдан олинган даромад суммаси миқдорида жарима солиш йўли билан давлат бюджети ҳисобига олиб қўйилади.

4. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органлар тизими ва уларнинг ваколатлари

Ваколатли органлар деганда, давлат томонидан қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ҳуқуқи берилган органлар тушунилади. Уларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва бошқалар киради.

Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонун бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республикадан ташқарида бўлган эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага чиқарилиши учун рухсат беришга оид умумий қоидалар, ҳар йилги квотаси ва муомалада бўлиши тартибини белгилайди. У Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро битимлар бўйича мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси юрисдикцияси остидаги эмитентлар томонидан чиқарилган ёки чиқаришга таклиф этилган қимматли қоғозларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида муомалага чиқариш учун рухсат бериш квотаси ва тартибини белгилашга ҳақли. Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакат ҳудудидаги депозитар фаолият лицензиясини бериш ва чақириб олиш тартибини белгилайди.

Марказий депозитарий зиммасига хусусийлаштирилган инвестиция жамғармалари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли бўлган қимматли қоғозлар эгалари реестрини сақлаш ва юритиш, шунингдек, ушбу жамғармалар томонидан олинган давлат кредити тўлангунига қадар пул маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлашда иштирок этиш, нақд ва нақдинасиз қимматли

¹Қимматли қоғозлар бозорида нархларни манипуляция қилиш (нархларни сунъий равишда ошики тушириш) факти суд тартибда кўриб чиқилади.

қоғозларга бўлган давлат ҳуқуқи ҳисобини юритиш, қатнашчиларда қимматли қоғозлар мавжудлиги ва уларнинг асслиги, ҳақиқийлигини тасдиқлаш каби вазифалар юклатилган¹.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази (бундан кейинги ўринларда - Марказ) зиммасига юклатилган бўлиб, шу муносабат билан унинг ваколатларини батафсил кўриб чиқиш зарур.

Ушбу Марказ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва жамғарма биржалар бўйича Давлат комиссияси негизида қимматли қоғозлар бозорининг самарали ишлаши ва давлат назоратини амалга ошириш, унинг қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, инвесторлар ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 мартдаги УП-1414- фармони билан тузилган.

Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

республикада рўйхатга олинган қимматли қоғозларни чиқариш ва бозор қатнашчиларининг ягона реестрини юритиш, қимматли қоғозлар бозори таркибий тузилмаси ва ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар банкни ташкил этиш, қимматли қоғозлар муомаласини тартибга солиш, ҳисоб юритиш ва ҳисобот ишларини ташкил этиш;

барча давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликнинг бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш;

миллий ва халқаро қимматли қоғозлар бозорида Ўзбекистон ва чет эл эмитентларининг қимматли қоғозларни чиқариши ва уларнинг самарали муомалада бўлиши учун зарур бўлган ҳуқуқий шарт-шароитларни таъминлайдиган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар - инвесторлар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоялаш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида" 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарори.

қимматли қоғозлар бозори ва унинг қатнашчилари аҳволи тўғрисида инвесторлар ва жамоатчиликни кенг хабардор қилиб туриш.

Марказнинг ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал ва непрофессионал қатнашчилари, уларнинг бирлашмалари, уюшмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида операцияларни амалга оширувчи чет давлатлар фуқаролари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Марказ раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва айна вақтда у Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланади.

Марказ ҳузурида апелляцияларни кўриб чиқиш Кенгаши фаолият кўрсатади. Бу Кенгаш етти кишидан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Кенгаш ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган йигинишларида:

қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг ноқонуний ҳаракатлари, Марказ қарор ва кўрсатмалари устидан келиб тушган апелляцияларни;

муҳим буйруқ, қоида, йўриқномалар ва норматив ҳусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини;

республикада қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишга оид асосий масалаларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази тўғрисидаги Низом¹да унинг зиммасига қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш бўйича қуйидаги функциялар юклатилган:

қимматли қоғозлар ва эмитентлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқ очиб берилишини назорат қилади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат этиш маркази фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган низом (3-илова). Ушбу низомга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 февралдаги 68-сонли, 1998 йил 22 декабрдаги 528-сонли, 2001 йил 9 мартдаги 119-сонли, 2002 йил 27 февралдаги 70-сонли қарорларига мувофиқ ўзгартиришлар киратилади.

қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва унинг қатнашчилари фаолиятини тартибга солиш масалалари бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

корхона (акционерлик жамияти)ни бошқаришда қатнашиш, дивидендлар олишда инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш юзасидан чора-тадбирлар қабул қилади;

чет элда Ўзбекистон эмитентлари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозлари муомалада бўлиши шартлари ва тартибини белгилаб беради;

қимматли қоғозлар эмиссияси (чиқарилиши) ва уларнинг ҳосилалари, эмитентлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар эмиссиясини амалга оширувчи чет эл эмитентларининг қимматли қоғозлар эмиссияси проспектларини рўйхатдан ўтказди;

инвестиция институтлари сифатида қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятни лицензиялайди;

қимматли қоғозлар бозори самарали инфратузилмасини ташкил этишда тегишли давлат органлари билан биргаликда иштирок этади;

қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштиради, қимматли қоғозлар билан касбий фаолиятни амалга оширишга қўйиладиган ягона талаблар, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган битимларни тузиш ва бажариш қоидалари, қимматли қоғозлар билан операциялар ҳисобини юритиш ва ҳисобот стандартларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар тўғрилигини назорат қилади ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолияти, чет эл эмитентларининг қимматли қоғозлари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлишига рухсат берилиши ва квота қоидаларига риоя этишини назорат этади ҳамда қоидалар ва квоталарни бузувчиларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чораларни қўллайдди;

қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари мутахассислари ва мансабдор шахсларига нисбатан қўйиладиган малака талабларини белгилайди, уларни аттестациядан ўтказди, малака шаҳодатномаларини беради, қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини юритиш ва ҳисоб регистрини юритишга қўйиладиган талабларни белгилайди, уларга риоя этилишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини назорат қилади;

қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари бирлашмалари, уюшмалари фаолиятини қонуңчилик ва норматив

ҳужжатлар ижросини таъминлаш, қимматли қоғозларни чиқариш, рухсат бериш, уларнинг муомалада бўлиши ва сақланишини бир хиллаштириш учун йўналтиради;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Марказий депозитарий хизматлари учун тарифлар миқдорини тасдиқлайди, республикада рўйхатдан ўтказилган ягона давлат реестрлари, шунингдек, инвестиция институтлари сифатида фаолият юритиш учун лицензия олган юридик ва жисмоний шахслар рўйхати ҳисобини юритади ва уларни босиб чиқаради;

давлат рўйхатидан ўтиш жараёнини ўтган қимматли қоғозлар нашрларига идентификация рақамларини беради; рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар сони тўғрисида уларнинг турлари бўйича ҳар йили ҳисоботлар тузади, инвесторлар ва жамоатчиликни кенг маълумотлар билан таъминлайди ва ҳ.к.

Марказ зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг муваффақиятли амалга оширилини учун унга жуда кенг ҳуқуқлар берилган бўлиб, у қуйидагиларга ҳақлидир:

барча эмитентлар ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари томонидан маълумотларни тақдим этиш ва босиб чиқариш қоидаларини белгилаш;

ўз қимматли қоғозларини оммавий сотишга тақдим этувчи эмитентдан ва қимматли қоғозлар бозори фаолиятини касбий таъминловчи ҳар қандай шахсдан, шунингдек, жамғарма биржаларидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда тузилиши ва босиб чиқарилиши мажбурий бўлган қоидалар, уставлар, регламентлар, йўриқномалар, намунавий ҳужжатлар нусхаларини талаб қилиш;

эмитентлар ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини қимматли қоғозлар ва улар билан амалга оширилган операциялар тўғрисида босиб чиқарилган ва ҳисобот шаклида тақдим этилган маълумотлари, шунингдек, қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талаблари бузилганлиги ёки бузилиш имконияти мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар келиб тушган вақтда, уларнинг тўғрилигини текшириш;

қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ иқтисодий санкциялар қўллаш (уларнинг 15 фоизи Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасига келиб тушади, қолган қисми эса, давлат бюджети даромадига келиб тушади);

эмитентларнинг рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларини текшириш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва норматив ҳужжатларига мувофиқ равишда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб қилиш;

қимматли қоғозлар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш бўйича эмитентлар ҳужжатларини кўриб чиқиш учун улардан бешта энг кам иш ҳақи миқдорида йигим ундириб олиш;

қимматли қоғозлар бозори фаолияти ва уларни ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро даражада намоён этиш;

жамғарма биржалари биржа кенгашларида, бошқа биржалар жамғарма бўлимлари мажлисларида иштирок этиш, биржа фаолиятини назорат этиш учун давлат инспекторларини тайинлаш;

кўриб чиқиш ва ижро этиш учун мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш, жамғарма биржалари (ёки бошқа биржалар жамғарма бўлимлари)дан қимматли қоғозлар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказ талаблари бир ёки бир неча аъзолари томонидан бузилган ҳолда уларни ушбу фаолиятдан чиқариш ёки четлаштиришни талаб қилиш;

эмитентлардан қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда қимматли қоғозларни очиқ савдога таклиф этиш бўйича реклама компанияларини тўхтатишни талаб қилиш;

акциядорлар инвестицияларини ҳимоя қилиш мақсадида инвестиция институтлари ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари рияз этиши учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни белгилаш;

эмитентлар, инвестиция институтлари ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилигини бузган ҳолда, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ равишда иқтисодий санкциялар қўллаш;

эмитентлар амалдаги қонунчиликни бузган ҳолларда қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларнинг муомалада бўлишини тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш;

қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилиги бир неча марта ёки қўпол равишда бузилган тақдирда, инвестиция институтлари ва қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари сифатида қимматли қоғозлар билан фаолиятни амалга ошириш учун уларга берилган лицензияни тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

фуқароларга қимматли қоғозлар бўйича профессионал фаолият юритиш ҳуқуқини берувчи малака шаҳодатномаларини бериш, шунингдек, улар амалдаги қонунчиликни бузган ҳолларда, уларнинг шаҳодатномаларини тўхтатиб қўйиш;

биржаларнинг иши ва қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш қоидалари бузилган ҳолларда, Ўзбекистон

еспубликаси қонунчилигига мувофиқ равишда фонд биржасида операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳамда клиринг ва операциялар бўйича ҳисоб-китобларни муайян муддатга тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

белгиланган тартиб бузилган ва ҳужжатлар қонунчилик талабларига жавоб бермаган тақдирда, қимматли қоғозларни рўй-атдан ўтказишни рад этиш;

Марказ ваколатига кирган масалалар, шунингдек, ҳақиқий бўлмаган қимматли қоғозлар билан битимларни тан олиш ва (ёки) қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг қонунга зид ҳаракатларни содир этганига қадар бўлган аввалги ҳолатини тиклаш масалалари юзасидан даъво билан судга мурожаат қилиш, шунингдек, эксперт сифатида қатнашиш ва бошқа ҳуқуқлар.

Марказ 1996 йили тузилган бўлиб, шу вақтдан бери фаолият ўрсатиб келаётган бўлишига қарамасдан, илгари бошқа органларга берилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидаги ваколатлар унга ўтказилган, уларга киритилган кенглиги ўзгартириш ва қўшимчалар¹ ҳисобга олинган ҳолда, Марказ эслатилмайдди. Масалан, Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонун 9-моддасига мувофиқ республикада рўйхатга олинган қимматли қоғозлар ягона давлат реестрини юритиш бўйича ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига берилган. Аслида эса, бу ваколатлар Марказга 1996 йилдаёқ берилган эди. Қимматли қоғозлар тўғрисидаги амалдаги қонунчиликда бундай ҳоллар, афсуски, учраб туради ва улар амалиётда муайян қийинчиликларни туғдиради.

¹ Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунга сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2002 йил 13 декабрдаги қонуни билан киритилган. // УР ҚТ, 2003, №3, 20 -м.

МУАЛЛИФДАН		3
УМУМИЙ ҚИСМ		
1 бўлим.	Молия ҳуқуқи - Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг соҳаси сифатида	
1-боб.	Молия ва давлат молиявий фаолияти	
	1. Молия ва давлат молия тизими тушунчаси.....	5
	2. Давлат молиявий фаолияти ва унинг асосий таъминоти.....	9
	3. Давлат молиявий фаолияти усуллари.....	16
2-боб.	Давлат молиявий фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва шакллари	
	1. Молиявий фаолиятни амалга оширувчи давлат органларининг ҳуқуқий ҳолати.....	20
	2. Молиявий фаолиятнинг ҳуқуқий шакллари.....	28
3-боб.	Молия ҳуқуқи предмети ва тизими	
	1. Молия ҳуқуқи предмети ва тушунчаси.....	33
	2. Молия ҳуқуқи усули.....	36
	3. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида молия ҳуқуқининг тугган ўрни.....	38
	4. Молия ҳуқуқи тизими ва манбалари.....	42
4-боб.	Молия ҳуқуқи меъёрлари	
	1. Молия ҳуқуқи меъёрлари мазмуни.....	46
	2. Молия ҳуқуқи меъёрлари таснифи.....	50
	3. Молиявий-ҳуқуқий меъёрларнинг макон, вақт ва шакллар доираси бўйича ҳаракати.....	54
5-боб.	Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар	
	1. Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	57
	2. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, узгариши ва бекор бўлиши.....	60
	3. Молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг турлари.....	63
	4. Молия ҳуқуқи субъектлари тушунчаси ва тизими.....	67
6-боб.	Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат	
	1. Молиявий назоратнинг моҳияти ва вазифалари.....	75
	2. Давлат молиявий назорати.....	78
	3. Аудиторлик назорати тизими.....	94
	4. Ички молиявий назорат тизими.....	101
	5. Молиявий назорат шакллари.....	104
	6. Молиявий назорат усуллари.....	107
ҲУСУС ҚИСМ		
1 бўлим	Бюджет ҳуқуқи ва давлат мақсадли жамғармалари.	
об.	Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва бюджет ҳуқуқи	
боб	1. Бюджет тушунчаси ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	113
	2. Бюджет ҳуқуқи предмети, тушунчаси ва манбалари.....	118
об.	Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши	
	1. Давлат бюджети тузилиши ва бюджет тизими тушунчаси.....	125
	2. Бюджет тизими таъминоти.....	128
	3. Бюджет тизими даромадлари ва ҳаражатлари таркиби ҳамда уларни бюджетлар ўртасида тақсимлаш.....	132

	4. Бюджетни тартибга солиш тушунчаси ва усуллари.....	138
	5. Бюджет тизимини бошқариш соҳасида вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг ваколатлари.....	142
9-боб.	Бюджет жараёни	
	1. Бюджет жараёни тушунчаси, унинг тамойиллари ва бошқичлари.....	145
	2. Бюджетларни тузиш, куриб чиқиш ва қабул қилиш.....	149
	3. Бюджет кўрсаткичларини ижрочиларга етказиш.....	153
	4. Бюджетни ижро этиш ва унинг ижросини назорат қилиш.....	156
	5. Бюджетларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш, куриб чиқиш ва тасдиқлаш.....	166
10-боб.	Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳуқуқий асослари	
	1. Республика йўл жамғармаси.....	168
	2. Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоби рағи.....	175
	3. Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарма.....	177
	4. Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.....	180
III бўлим	Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш	
11-боб.	Давлат даромадларини ҳуқуқий тартибга солиш асослари	
	1. Давлат даромадлари тушунчаси ва тизими, уларни ҳуқуқий тартибга солиш вазифалари.....	184
	2. Давлат бюджети даромадлари тизими ва уларни мустаҳкамлаш йўллари.....	188
12-боб.	Солиқ ҳуқуқининг умумий тавсифи	
	1. Солиқлар тушунчаси ва функциялари.....	192
	2. Солиқлар таснифи.....	198
	3. Солиқ ҳуқуқи ва унинг манбалари, солиқ тўғрисидаги қонун элементлари.....	202
	4. Солиқ ҳуқуқий муносабатлари.....	207
13-боб.	Умумдавлат солиқлари	
	1. Юридик шахслардан олинадиган даромад ёки фойда солиғи.....	213
	2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.....	219
	3. Қўшилган қиймат солиғи.....	227
	4. Акция солиғи.....	231
	5. Ер ости бойликларидан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар. Экология солиғи.....	
14-боб.	Маҳаллий солиқлар ва йигимлар	
	1. Мол-мулк солиғи.....	
	2. Ер солиғи.....	
	3. Бошқа маҳаллий солиқлар ва йигимлар.....	
15-боб.	Давлат кредитининг ҳуқуқий асослари	
	1. Давлат кредити тушунчаси.....	
	2. Давлат кредити соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	
	3. Давлат ички қарзлари турлари.....	
16-боб.	Сугурта фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш	
	1. Сугурта тушунчаси, асосий хусусиятлари ва функциялари.....	
	2. Сугурта соҳалари ва турлари (синфлари). Мажбурий сугурта.....	
	3. Сугурта фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	

МА
II 4
7-б

8-б

	1. Сугурти фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	274
У бўлим	Давлат харажатларини ҳуқуқий тартибга солиш	
7-боб.	Давлат харажатларининг ҳуқуқий асослари	
	1. Давлат харажатлари тушунчаси ва уларнинг таснифи.....	277
	2. Бюджетдан молиялаштириш тушунчаси ва тамойиллари.....	281
8-боб.	Смета-бюджет йўли билан молиялаштиришнинг ҳуқуқий тартиби	
	1. Смета-бюджет йўли билан молиялаштириш тушунчаси ва уни ҳуқуқий тартибга солиш.....	284
	2. Бюджет ташкилотлари сметалари, уларнинг турлари ва таркиби.....	290
	3. Бюджет ташкилотлари сметаларини тайёрлаш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш.....	293
	4. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари.....	298
9 бўлим.	Банк фаолияти, пул муомаласи, ҳисоб-китоблар, валюта муносабатлари ва қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий тартибга солиш	
1-боб.	Банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари	
	1. Банк ва банк фаолияти тушунчаси.....	301
	2. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.....	305
	3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк тизимини бошқариш бўйича ваколатлари.....	309
	4. Тижорат банклари ҳуқуқий мақомининг асослари.....	313
	5. Банкларни рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби.....	316
	6. Марказий банкнинг назорат функциялари.....	322
2-боб.	Пул муомаласини ҳуқуқий тартибга солиш	
	1. Ўзбекистон Республикаси пул тизими.....	328
	2. Банклар томонидан пул муомаласини ташкил этиш тартиби.....	332
	3. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари.....	335
3-боб.	Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳуқуқий тартибга солиш	
	1. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тушунчаси ва уларни ташкил этиш асослари.....	338
	2. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳуқуқий шакллари.....	342
	3. Ҳисоб-китоб интизомини бузганлик учун жавобгарлик.....	352
4-боб.	Валютани тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	
	1. Валютани тартибга солиш тушунчаси ва валютага доир ҳуқуқий муносабатлар.....	356
	2. Валюта операцияларини ҳуқуқий тартибга солиш.....	362
	3. Валюта назорати.....	368
5-боб.	Қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий тартибга солиш	
	1. Қимматли қоғозларнинг умумий тавсифи.....	374
	2. Қимматли қоғозлар бозори тушунчаси ва унинг фаолияти тамойиллари.....	379
	3. Қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш асослари.....	383
	4. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органлар тизими ва уларнинг ваколатлари.....	388

АДИК ЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МОЛИЯ ҲУҚУҚИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан юридик олий ўқув юртлари учун
дарслик сифатида фойдаланишга рухсат этилган*

Муҳаррир: М.Боллиева.
Техник муҳаррир: М.Мирзалиев.
Мусахҳиҳ: Н.Мирзажонова
Компьютерда саҳифаловчи: Ф. Нурлибаев.

Босишга рухсат этилди: 28.07.04.
Ҳажми: 25 б.т. Адади: 500. Буюртма: №334.
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Ташкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.

